

1  
т 96

11091

НАРЗУЛЛА ЖҰРАЕВ

# ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ғулмам олмас, чирки фан ва  
маданият арбоби, ёшмаркичи  
Ғулмам ҳетов  
Содиқшоҳ Собировичга  
Катта хурмай ва  
охирирол ила  
муаллифдан.

16.04.09.

TATU KUTUBXONASI  
367939.SONLI

2033348

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2008

1(091)

Масъул муҳаррир  
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги  
**Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ**

Тақризчилар:

социология фанлари доктори, профессор

**Мансур БЕКМУРОДОВ,**

тарих фанлари доктори, профессор

**Назира АБДУАЗИЗОВА,**

сиёсий фанлар доктори, профессор

**Сайфиддин ЖҮРАЕВ.**

Тарих манфаатлар тўқнашуви асносида яхлит кишилик жамияти моҳиятини ўзида мужассам этади. Зотан, инсон тарихнинг яратувчиси, мислсиз тараққиёт ва таназуллар силсиласининг ижодкори ва меросхури. Демак, тарихшунослик моҳиятан инсоншунослик, жамиятшунослик, фалсафий тафаккур ва мантиқий мушоҳада синтези.

Таникли сиёсатшунос, жамиятшунос олим Нарзулла Жўраев ушбу монографияда тарихни фалсафий тушуниш тамойиллари хусусида фикр юритади, унинг назарий ечимларини топишга интилади. Шарқ ва Ғарб тарих фалсафаси мактаблари, инсон ва унинг моҳияти, тарих фалсафасининг қонуниятларини тадқиқ қилади. Мустақиллик даври тарихий жараёнлари, ХХI асрда инсоният ва дунё муаммоларини ўзига хос тарзда талқин этади.

Монография шу соҳа мутахассислари ва кенг ўқувчилар оммасига мулжалланган.

Ж 4702620204-10  
M25(04)-08

ISBN 978-9943-04-068-7

© «Маънавият», 2008

## СЎЗБОШИ

### ТАРИХ — ИНСОН МОҲИЯТИНИНГ ИНЪИКОСИ

Миллий мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг ранг-баранг мавзуларда кўплаб китоб, рисоалар нашр қилинди. Уларда жамланган илмий ғоялар сингишиб, халқимизнинг мафкурасини ислоҳ қилишга амалий ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Синчков китобхонларимиз сиёсатишунос ва жамиятшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш», «Агар огоҳсен», «Тарих фалсафаси», «Тафаккурдаги эврилиш» ва бошқа китобларида янги ижтимоий-сиёсий ғояларнинг яхлит тизimini куришди. Шу сабабли муаллифнинг рисоалари янги сиёсий маърифатнинг, узбек сиёсатишунослик мактабининг илк қадамлари сифатида самимий кутиб олинмоқда, ўқилмоқда. Н. Жўраевнинг ушбу китоби инсоният, миллат тарихидек маҳобатли муаммо ва долғали XX аср пўртаналарининг фалсафий, сиёсий таҳлиliga бағишланган. Муаллиф тарихни идеаллаштирмайди. Кўкка ҳам кўтармайди, ерга ҳам урмайди. Китоб самимийлик, фалсафий таҳлил ва илмий холислик асосига қурилган. Яъни тарозининг бир томонига юксак маданий тараққиётнинг олий даражаларини, иккинчи палласига — зиддиятлар, бож, тож учун курашларни — маънавий чекиниш даврларининг қайғули оқибатларини қўяди. Шу сабабли китобдаги тарихни инсон, унинг маънавияти яратди, деган фикр тарихга янгича фалсафий қарашга интилишдек бўлиб туюлади.

Янги, учинчи мингйилликка ҳам дадил кириб келдик. Инсоният ўзи босиб ўтган йўлга — изларига қараб хулосалар қилиши керак. Ҳа, ўтган мингйилликда буюк илмий (радио, электр токи яратилди, коинот забт этилди, одам ойга чиқди, компьютерлашган санъат, мусиқа, ТВ, «чўнтак телефон»дан фойдаланяпмиз ва ҳ.к.) кашфиётлар қилинди. Лекин жаҳоннинг 31 мамлакатидан тўпланган олимлар то-

монидан «Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?» деган антропологик муаммо ҳам ХХ аср охирига келиб кутарилди-да! (Нью Жерси, 1989). Демак, инсониятнинг бой-бадавлат, билимли, уққур бўлиши унинг инсонийлашувини кафолатламади, юксак маънавиятини белгиламади. Аччиқ ҳақиқат: одамлар ўзлари учун фойдали ишларга ҳам, ўзлари учун зарарли ишларга ҳам ўзларида рағбат сезишмоқда. Баъзан уни тор маҳаллийчилик, миллатчилик доирасида, баъзан инсоният бошига кулфат келтирадиган термоядро хавфи, халқаро терроризм, наркобизнес, диний экстремизм, сионизм, национализм, фашизм, коммунистик мафкура сингари глобал доирага ҳам олиб чиқди. Сиёсий тарихда бунга мисоллар кўп бўлди. Утган мингйилликда миллионлаб одамлар бир-бирларига аввал тош отдилар, ўроқ, найза, қилич санчдилар. Бунинг «унуми бўлмади». Порох ижод қилинди. Автомат уточарларнинг янада беҳато, аниқ, тежамлилари ижод қилинди, бомбалар ясалди. Уточарлардан бир томон — ҳужум учун, иккинчи томон — ҳимоя учун фойдаланди (Энг зўр уточар ижодкори Калашниковга иккинчи мингйиллик сўнгида генерал-лейтенант унвони берилди). Товушдан тез учувчи реактив қўзғунлар урчитилди. Бу ҳам камлик қилди. Ядро қуроллари ихтиро қилинди. Қисқаси, ҳозир одамзотда ўзини ва Ер куррасини бир неча марта барбод қилиш учун етарли портловчи модда бор. Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқаган, бир-бирига азалий қариндош, лекин нафси олдида маънавияти таслим бўлган, бир-бирига азалий ва абадий қариндошлик туйғуси унутилган одамзот. Одамлар ишонган ғоялар. Одамларни шу ғояларга ишонтирган сиёсатчилар, доҳийлар. Лекин сиёсатчию доҳийлар тоифаси икки хил бўлади. Бир тоифаси халқи учун, иккинчи тоифаси — ўзи учун «фидойилик» қилишади. Бу икки тоифа ҳозир ҳам бор. Демак, бундан кейин ҳам бўлади. Огоҳроқ бўлишимиз керак учинчи мингйилликда! Бунинг учун биз сузи, иши бир, бир жон, бир тан, ўз давлати ва савлатига эга миллат бўлишимиз керак. ХХI аср талаби, Буюк келажак шартини — шу!

Тарих ҳақиқатига етишнинг энг яқин йўли энди топил-

гандек кўринади. Бу йўлни китоб мутолаасидан келиб чиққан ҳолда, ҳулосага таяниб «Инсон ва унинг ҳаётий ҳикмати» йўли деб аташ мумкин. Қурииб турганидек, бу йўл бизга мингйилликлар қаъридан термилиб турган, руҳлари бизни ҳимоя қилаётган азиз машойихлар, донишмандлар йўлидир. Бу йўл — ўзимизнинг ўзбекча йўл. У марксча-ленинча эгри, яъни «тарих — бойлар ва камбағаллар орасида бўлиб ўтган курашлар баёнидир» деган ёндашувнинг нақадар риёкор эканлигини кўрсатади. Инсоният тарихини унинг бевосита бунёдкори — Инсон ва унинг маънавий-руҳий кечинмаларига боғлаб урганиш зарурлиги тушунтирилади. Чунки «... сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита инсон онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказилган тақдирдагина унинг қадри ошади, самараси кўпаяди», дейди муаллиф.

Китобда тарихга «Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли ёндашиш ғояси олға сурилади. Бу ёндашув бизнинг ворислик нигоҳимизни ўзбекнинг уч мингйиллик тарихига буради. Ҳозир, яъни янги мингйилликда яшаётган ҳар бир ўзбекистонликнинг «маърифий кўзларини» унинг ота-бобоси яшаган, ижод қилган макон ва замонларга қаратади. «Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли ёндашувнинг ҳикмати шунда эмасми?

Мазкур тарихий-фалсафий ёндашув ёки «Инсоний тарих» концепцияси шу пайтгача биз қўллаб келаётган «Тарих» деган расмий тушунчадан бой ва устун. Чунки бу талқинда тарихни яратган Инсон, унинг маънавияти, шодлик ва қайғулари, орзулари тадрижи яққол сезилиб туради. Тарихнинг, аслида, инсон ҳақидаги фан эканлиги таъкидланади. Унинг ижтимоий-сиёсий қиммати мамлакатимизнинг Инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатига пайвандлиги билан замонавийлик касб этади. Пировард натижада эса миллий тараққиёт масаласининг миллий тарихий омилини ҳосил қилади.

«Инсоний тарих» концепциясида материалистик, идеалистик, дуалистик, теологик ва ҳоказо ёндашувлардаги бир

ёқламалик рад этилади. Яъни бундан 100, 200, 500, 1000 йил олдин миллатимиз сурати ва сийрати, тутуми, орзу-ниятлари, ҳаётини қандай бўлса, шундай кўрсатиш кераклиги ғояси устувор. Демак, тарих дарсликлари – сиёсий, ҳарбий-иқтисодий ўзгаришлар қайдномаси эмас, балки халқимиз ҳаётининг барча қирраларини яхлит тушунтирувчи, сеvimли дарслик бўлиши керак. Бунинг учун биз «... солномачилик, қуруқ рақамбозлик, баёнчилик иллатларидан бутунлай қутулишимиз даркор», дейди муаллиф. Дарҳақиқат, масала шундай қўйилса ва амалга оширилса, тарихни ўқитишда юқори даражаларга эришилади. Ана шунда ўқувчи-ёшларимиз ҳиссиз рақамлар тарихини ёдлашдан қутуладилар. Ҳар бир ўқувчи тарих фанига «Тарих – бу менинг, аجدодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли муносабат билан ёндаша бошлайди. Бизга ўқувчиларнинг тарих фанига айнан шундай муносабати керак эмасми ўзи?!

Жафокаш халқимиз ўзининг 3000 йиллик тарихидан фақат 376 йилдагина мустақил яшаган экан. Нақадар қайғули. Ўзбек XIX, XX асрларда ҳам мустамлакада, ғафлатда эди. Фақат 1991 йилдан чинакамига уйғонди. Уни Ислом Каримов уйғотди. Асарда ана шу ҳақиқатни ўқтирувчи, мустақил сиёсий-фалсафий тарихимизнинг жўшқин, бедор йилларидан келиб чиқувчи таҳлил бор. Унда бир неча минг йиллик тарихимиз сабоғидан келиб чиқиб, XX асрнинг 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида миллий мустақиллик учун сиёсий кураш манзараси, миллий суверенитет учун Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг дадил, маҳоратли сиёсий жасоратидан ёлқинли лавҳалар келтирилган. Китобда келтирилган далиллар, илмий хулосалар мустақилликни қўлга киритиш ва сақлаб қолиш учун қанча сиёсий куч, меҳнат, метин ирода, собитқадамлик керак бўлганлигидан сўзлайди.

Президентимизнинг халқаро ҳурмати жаҳоннинг Ўзбекистонга ҳурматини, эътиборини оширмақда. Илгари Самарқанд, Бухорони маданий саёҳат масканлари даражасида билган жаҳон энди шу мўъжизаларни яратган халқни, миллатни танияпти, тан оляпти.

Шуролар ўзбекнинг меҳмондўстлиги, мезбонлиги, пахтакорлиги ва албатта, меҳнатсеварлигини ёқтирар эди. Энди бу миллат узининг нафақат пахтакор, балки буюк тарих — салтанатлар меросхўри эканлигини дунёга англади, қилаётган ишларимиз жаҳонни бунга ишонтирди. Шу сабабли дунё мамлакатлари иззат ва эҳтиром қила бошлади. Бундан ҳар бир ўзбекистонлик ўз қадрининг бир неча баҳя ошганлигини ҳис қилмоқда. Демак, энди Ўзбекистонга кўрсатилаётган буюк эъзознинг масъулиятини ҳам бир неча баҳя юқори кутаришимиз керак. Юртбошимизга мос, бир жону бир тан бўлиб, ўзбек байроғини мустаҳкам тутиб олға қалққан ўтқир миллатга айланишимиз керак.

Китобда «Ўзбек ислоҳотчилик модели»да миллий қиёфа ва миллий тафаккурга содиқлик принципи орқали давлат сиёсати ва халқ қарашлари, орзу-истаклари уйғунлигининг ҳикмати баён қилинган. Чунки Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг халқи унинг чинакам бойлигидир», деган ғояси ўзбек моделининг тамойилларидан бири сифатида амалга оширилмоқда. Оғир халқаро муҳитда бунёд қилинаётган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни кузатаётган хорижлик сиёсатчилар атрофимиздаги нотинч ва беқарорликни кўриб: «Ўзбекистон халқининг чинакам бойлиги — унинг Йўлбошчисидир», дея фикр ва зикр қилмоқдалар. Бу эътироф учун барча ҳужжатли асослар борлиги китобнинг «Мустақиллик ва тарихий жараён», «Демократия ва тарихий жараён» бобларида ҳолислик ва самимият билан очиб берилади. Жумладан, Ислом Каримовнинг жаҳон сиёсатига таъсири, новаторлиги нафақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, балки Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ташаббуслари мисолида кўрсатиб берилган.

Китобнинг тили, услубига алоҳида тўхталиш жоиз. Китобда ҳар биримиз гувоҳ бўлаётган ва иштирок этаётган тирик тарих, тирик фалсафа, тирик сиёсат ҳаракатда тасвирланган. Услубда илмийлик, бадиийлик, жозоба муштарак. Шунинг учун китоб мароқ билан ўқилади.

*Тарихни ўрганишининг Н. Жураев таклиф қилаётган концепциясидан ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишни услубий такомиллаштиришда методологик тамойил сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, адабиёт, педагогика, ҳуқуқ, сиёсат, мантиқ, дин тарихини ўрганиш инсон, унинг маънавияти, руҳияти, орзулари билан боғланса, ижтимоий-сиёсий фанлар таҳсили таъсирчан ва самарали бўлади. Бу ўз навбатида миллат, давлат, тарих, Буюк келажакни тушунишда яқинликни яратишга хизмат қилади ва Юртбошимиз таъкидлаган умуммиллий ватанпарвар бирликка эришишга ёрдам беради.*

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор;  
**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**  
педагогика фанлари доктори, профессор



## МУҚАДДИМА

Тарих, унинг моҳияти, силсилалари, тараққиёт ва таназуллари яхлит олганда бевосита инсоният тарихий ривожланиш босқичларининг ўзига хос маҳсули. Дарҳақиқат, инсон тарихнинг яратувчиси, ижодкори ва иштирокчиси сифатида кишилиқ жамияти тараққиёти моҳиятини ўзида мужассам этади. Демак, тарихшунослик яхлит олганда инсоншунослик, унинг руҳий олами, мавжудлиги, мавжудот сифатида кечинмалари, манфаатлар тўқнашуви ва устуворлиги жараёнидаги мантиқий ҳодисалар талқинидир. Ана шу жиҳатдан қараганда тарихни ўрганиш фалсафий мушоҳада, тафаккур билан боғлиқ бўлган воқелиқдир.

Одамнинг пайдо бўлиши, унинг илк такомил жараёнлари, ривожланиш омиллари бевосита дастлабки ибтидоий онг — тушуниш, англаш, ҳид билиш, ҳаракат қилиш, интилиш жараёнида ўзини ўзи камолга етказиш, шаклланиш ва ривожланишнинг дастлабки ҳодисасидан тортиб то бугунги глобал тараққиёт, глобал муаммолар ва таҳдидларгача бўлган жуда узоқ, эволюцион, динамик тараққиётни қамраб олади.

Албатта, бу улкан даврлар ва асрлар билан боғлиқ бўлган масофа инсоният томонидан бир текисда, тадрижий равишда босиб ўтилмаган. Илк ҳаётга интилиш, яшаш учун кураш ҳолатларидан тортиб то давлатлараро, минтақалараро манфаатлар тўқнашуви, урушлар, вайронагарчиликлар, хунрезликларни ўзига қамраб олган, инсоният ҳаётини, аниқроқ қилиб айтганда, айрим халқлар ва миллатлар турмушини остин-устун қилиб ташлаган, улар тақдирини кутилмаган ўзанларга буриб юборган тарихий ҳодисалар ҳам кўпки, буларнинг барчасида инсон, унинг ҳаёти, қарашлари ва курашлари ётади.

Инсон — ижтимоий мавжудот. У ўзининг узундан-узоқ шажараси тараққиёти давомида инсоният ҳаёти ўзанларини ўзгартириб турувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий нати-

жалар билан буюк силжишларга ва тенгсиз таназзулларга сабабчи бўлган тарихий-ижтимоий ҳодисадир.

Умуман олганда инсоният тарихини ўрганиш ҳамма вақт — ҳар қандай давр одамлари учун муҳим бўлган. Зотан, инсон табиатан ўз ўтмишига қизиқиб яшайди, унинг илдизларини очишга, жонзот сифатида ўз моҳиятини англашга эҳтиёж сезади. Бундай ҳолат, айниқса, жамият тубдан ўзгараётган, турмуш тарзи янгиланаётган тарихнинг туб бурилиш нуқталарида кўзга яққол ташланади. Чунки, бундай вазиятларда инсонда ўзини англаш инстинкти кучаяди. Ўз ҳаётига назар солиб, ўтмишига катта қизиқиш билан қарайди. Ундан нажот излайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг тарихдан сабоқ чиқаришга, ўз истиқболини белгилашига замин яратади. Ушбу монография ҳам ана шу эҳтиёжнинг фарзанди сифатида дунёга келди десак, хато бўлмайди.

Мустақиллик тафаккур тарзимизни ўзгартириб юборди, ҳаёт моҳиятини яна ҳам чуқурлаштирди, яшаш истаги инсон моҳияти ва қадриятига айланди. Онгимиз ва тафаккуримиздаги бундай кескин бурилиш табиий равишда узоқ ўтмишга — инсоният тарихига янгича қарашни тақозо этди. Бу бевосита тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий жараёнларга илмий холислик билан баҳо бериш билан бирга тарихий жараённи фалсафий-мантиқий тушунишни ҳам тақозо этмоқда. Зотан, тарих фалсафасининг моҳияти ҳам тарихни фалсафий англаш, фалсафий тушуниш, ҳар бир воқелик ва ҳодисага таҳлилий ёндошиш, уни келтириб чиқарган омиллар, манбалар, ижтимоий-тарихий муҳит ва манфаатлар асосида идрок этишни долзарб қилиб қўймоқда.

Дарҳақиқат, биз тарихга ана шундай тарзда ёндашган тақдиримиздагина унинг бутун моҳиятини, кўламини ва миқёсини бирмунча тўғрироқ тушунишимиз, ундан ижобий хулосалар чиқаришимиз ва истиқболимизни белгилашимиз мумкин бўлади. Зотан, тарихнинг буюк мураббийлиги ҳам ана шунда! Ушбу китобда илк марта тарих фалсафасига ижтимоий ўзликни англашнинг ўзига хос жиҳатлари, тарих фалсафаси тушунчаси, ўзгараётган тарихий тафаккур ва янгиланаётган ижтимоий онг масалалари баҳоли қудрат тадқиқ этилади.

Тарих фалсафасининг мактаблари, оқимлари, жумладан, Шарқ тарих фалсафаси ва Ғарб тарих фалсафасига доир айрим ғоялар илгари сурилади. Тарихни ҳаракатга келтирувчи куч, тарихнинг яратувчиси ва ижодкори сифатида инсон тадқиқот объекти қилиб олинади. Инсон феноменига фалсафий чизгилар яратишга ҳаракат қилинади.

Тарих фалсафасининг қонуниятлари, асосий тамойиллари, жумладан, тарих фалсафасининг объекти ва методологияси, тарих фанининг предмети, тарихий далил ва илмий таҳлил, тарихий дунёқараш, тарих ва герменевтика, тарихий жараён ва ворисийлик, тарих фалсафасида замонавийлик ва анъанавийлик, коллективизм ва индивидуализм, тоталитаризм ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида талқин этилади.

Мустақиллик даврини ўзига хос тарихий-ижтимоий жараён сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, янги минг йилликда жаҳон цивилизацияси тараққиёти истиқболлари, ҳозирги даврнинг глобал муаммолари, бу муаммолар тизимида дунё ва инсоният ҳаёти, ахборот тифизлашган жамиятда инсоният истиқболи ва бошқа масалалар мумкин қадар қамраб олишга ҳаракат қилинади.

**БИРИНЧИ ҚИСМ**  
**ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

---

---

**1 БОБ. ТАРИХ ФАЛСАФАСИ ВА ИЖТИМОИЙ  
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**

**1-§. Тарих фалсафаси: тушунча ва моҳият**

Тарихни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, уни идрок этиш, юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар орқали муайян даврнинг сиёсий ва маънавий муҳитини баҳолаш, ҳар бир давр кишилари руҳияти, маънавий-ахлоқий мезонлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ўрганиш, уни фалсафий идрок этиш тарих фалсафаси тушунчасининг мазмунини белгилайди.

Тарихни идрок этиш ва ўрганишга турли мутахассислар турли хил ёндашишади. Зотан, инсон тафаккури қирралари хилма-хил бўлиб, ўтмишни англаш, идрок этишнинг ягона қолипи йўқ. Шундай қолипни яратишга уриниш ҳам нотўғри. Ана шунинг учун ҳам тарих фалсафасининг бир қатор йирик оқимлари дунёга келди.

Тарих фалсафасини теологик (илоҳиёт) нуқтаи назардан идрок этиш ўтмишни Аллоҳ иродаси орқали тушуниш ва унга илоҳий тус бериш, илоҳий мазмун орқали англаш ҳисобланади. Метафизик тарих фалсафаси ҳеч қандай чегаралар ва доиралар билан чекланмайдиган, турли шаклларга ва кўринишларга кирадиган тушунчалар тизими ҳисобланади. Идеалистик тарих фалсафасига кўра эса асосан ғоялар, инсоннинг ахлоқий тушунчалари, маънавий-руҳий кечинмалари асосида тарихга муносабат билдирилади. Инсоният тарихига ва ҳаётига табиий (натуралистик) ёндашиш тарих фалсафасининг яна бир йирик оқими сифатида кўзга ташланади. Унда ҳиссиёт ва туйғу орқали инсон табиатига баҳо беришга ва инсон табиати, феъл-атвори унинг таъсир доирасини белгилашига эътибор берилди. Ана шу ҳиссиёт ва туйғу орқали оламни англаш, ўтмишга назар солиш ва уни баҳолаш мазкур

оқимнинг моҳиятини белгилайди. Материалистик тарих фалсафаси йўналишида асосан иқтисодий омилларга катта эътибор берилади. Унда тарихни йўналтирувчи куч сифатида тарих ҳақиқатини, мазмун-моҳиятини моддий эҳтиёж ва иқтисодий зарурат орқали тушунишга ҳаракат қилинади.

Кишилиқ тарихини, инсон ва жамият хусусидаги муаммоларни ўрганишда тарих фалсафасининг ўзига хос ўрни ва роли бор. Инсоннинг тарихда ва умуман инсоният тараққиётида тутган ўрнини аниқлашнинг индивидуалистик, яъни алоҳида, яқка шахс мисолида ҳамда жамоачилиқ, кишилар гуруҳи, фуқаролар уюшмаси (коллектив) жиҳатларидан қараб фикр юритадиган тарих фалсафаси йўналишлари ҳам бор.

Тарих фалсафасининг тарихий хотира, тарихий тафаккур моҳияти ва қирралари, тарих фани тушунчасининг мазмун-моҳияти, тарих ҳақиқати ва ҳаёт ҳақиқати, инсон ва инсоният тараққиёти каби муаммоларини ўрганиш орқали умуминсоний ва дунёвий ривожланиш ҳодисаларининг бир-бирига боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш каби кўплаб саволларга жавоб топиш мумкин.

Умуман, тараққиёт бевосита тарих фалсафасининг асоси ҳисобланади. Тарих фалсафаси Геродот ва Фукидиднинг антик даврдаги тарихий ҳаракат кучи ҳақидаги тадқиқотларидан бошланади.

Улардан фарқли ҳолда Августин христиан черкови тимсолида, унинг мазмун-моҳияти ва таъсир доирасидан келиб чиқиб, илоҳий давлат тарих фалсафасини яратди. Унинг фалсафаси кейинги минг йилликда катта мавқега эга бўлди.

Августин ва унинг бир қатор издошлари тарихни илоҳийлаштиришга, тарихий тафаккурни ва тарих фалсафасини илоҳий фалсафа ва илоҳий тафаккур орқали идрок этишга даъват этган эдилар. Улар воқеалар моҳиятини, унинг сабабларини илоҳий қудрат ва кароматдан изладилар. Инсоният эволюциясини, кишилиқ ҳаёти давомийлиги ва узвийлигини, тарих ва тараққиёт бирлиги гоёларига таъсирини ўтмишни илоҳийлаштириш орқали тадқиқ этишди.

Тарих фалсафасининг такомил босқичлари ва ана шу

минг йилликда яшаган халқлар маънавий-руҳий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қараганда, қайсидир даражада, давр одамлари тафаккури, маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан Августин фалсафаси ўртасида ўзаро яқинлик, уйғунлик мавжуд эди. Шунинг учун ҳам Августин фалсафаси бир-мунча узоқроқ яшади ва оммалашди.

Фақатгина XVIII асрга келиб тарих фалсафаси соҳасида Августин ғоялари ва таълимоти доирасини синдириб чиққан янги таълимот дунёга келди. Бутунлай янги ғоя — тарихда якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, индивидуализм орқали ҳаётни англаш, ҳаёт қонуниятлари айна ана шулар таъсирида амалга ошишини истайдиган, жамиятни руҳиятлаштиришга мойил булган ғоялар Августин фалсафасини синдириб ташлади.

Гегель эса тўғридан-тўғри дунёвий ақл-заковат, умуминсоний тафаккур, инсоният хатти-ҳаракати ва ақл-идроки уйғунлиги асосида вужудга келган, онг ва тафаккур ҳукмрон булган яхлит борлиқни тарих деб тушунади. Ўз фалсафа мактабини ана шу ғоя асосида қуради.

Шундай қилиб, Гегель фалсафаси, унинг тарихга муносабати тарих фалсафасининг янги даврини очиб берди. У тарих фалсафасига ҳаёт қонунияти, маънавий шаклланиш жараёни ва инсон ривожланишининг маънавий эҳтиёжи сифатида қарайди. Ҳар қандай ғоялар, мақсадлар ва интилишлар ана шу ички эҳтиёж ҳамда шахснинг маънавий-руҳий етуклик даражасидан келиб чиқишини кўрсатиб берди. Бу, яхлит ҳолда, тарих — инсон тафаккурининг, маънавий-руҳий ва ахлоқий камолотининг маҳсули деган хулосага келишга имкон беради.

XIX аср ва XX аср бошларида вужудга келган тарих фалсафаси айна XVIII аср тарих фалсафаси билан маълум даражада яқинлашади. Бироқ, баъзи ҳолларда, у билан баҳс ҳам юритади. Бу даврлардаги тарих фалсафаси айрим пайтларда тарихийликка, тарихий ҳақиқатга, Артур Шопенгауэр, Освальд Шпенглер мисолида тушқунликка, пессимизмга мойил, баъзи пайтларда эса Арнольд Тойнби каби оптимизмга, тафаккур жўшқинлиги ва баланд руҳдаги мушоҳадалар оқимида оғиб туради.

Айна пайтда динга эътиқод қилувчиларнинг илоҳий тарих фалсафаси кўпроқ ёйилмоқда. Кишилиқ ҳаётини,

бутун сайёрамизни чулғаб олишга интилмоқда. Бироқ бу ҳам кўп минг йиллик инсоният ўтмишида мавжуд бўлган тарих фалсафаси тушунчаси атрофидаги оқимларнинг бири, холос. Албатта, турли даврларда вужудга келган маънавий-руҳий эҳтиёжлар ва дунёқарашлар орқали тарих фалсафасининг оқимлари янгидан шаклланиб, турланиб туради. Бироқ бир нарса аниқки, уларнинг барчасининг тагида аниқ тарихий тафаккур, инсон ва инсоният тақдирининг маънавий-руҳий олами, ақл-идроки ва ана шулар асосида вужудга келган воқеа-ҳодисалар тизими ётади. Ана шу тизим, ана шу шажара бутун инсоният тарихи ҳақиқатини ҳам, ҳаёт ҳақиқатини ҳам белгилайди.

Демак, бир сўз билан айтганда, тарих фалсафаси — тарихий тафаккур муаммолари билан шуғулланадиган, инсоният тараққиёти асосий йўналишларини қамраб олган мустақил билимлар тизими ҳисобланади.

Марксизм асосчилари тарихий материализм ғоясини илгари сурдилар. Тарихни фалсафий умумлаштириш, унинг асосий қонуниятларини ўрганишга бағишланган ўзларига хос «илмий» ғояни майдонга олиб чиқдилар.

Умуман олганда, тарихий тафаккур ва тарих фалсафасини шакллантириш, уни ўрганиш ва тадқиқ этишда турли-туман, бир-бирини рад қиладиган, бир-бирини инкор этадиган ғоялар ҳамон яшаяпти, ҳамон тарих фалсафасини тадқиқ этишнинг турли-туман йўналишлари, шакллари ва оқимлари пайдо бўлмоқда. Бу табиий ҳол. Зотан, ҳаёт давом этмоқда, тарихий тафаккурнинг шаклланиш жараёни, тарих фалсафасини англаш ҳодисаси ҳам инсоният ҳаёти билан бирга давом этмоқда. Илмий тараққиёт, онг ва тафаккур ривожланишининг эса чегараси йўқ.

Бироқ, масаланинг муҳим томони, муаммога ёндашишнинг энг адолатли ва ишончли жиҳати шундаки, бизнинг фикримизча, инсон ва инсоният тарихи, унинг тараққиёт эволюцияси ҳар қандай қонуниятларга ҳам сифавермайди. Биргина мисол: коммунистик мафкура назариячилари ўйлаб топган турли-туман «изм»лар кишилик тарихининг бутун қўламини, миқёсини ҳаёт ҳақиқати нуқтаи назаридан тўла қамраб ололмади.

Марксистик мафкура инсоннинг тарихий тафаккури ва қарашлари ҳолис ҳамда эркин ривожланишига, шахс-

нинг озод яшашига, шаклланишига имкон бермади. Тарихий тараққиёт қонунларига зид бундай ғоялар эса узоқ яшамаслиги ўтмишдан маълум. Чунки бир ғояни, концепцияни илгари сурганлар ўз мақсадлари, дунёқарашлари доирасидангина келиб чиқиб тарихга ёндашадилар, холос. Ана шу туфайли тарихга ноҳолисона қараш, бир ёқла-малик тенденцияси вужудга келади. Натижада тарих сох-талаштирилади. Буни кўпинча англаб-англамаймиз, тушу-ниб-тушунмаймиз.

Ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва ҳолисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боглиқлик, уйғунлик, кишилиқ ҳаётининг узлуксиз тараққиёти зами-рида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар, манфа-атлар орқали баҳо беришдир. Зотан, ҳаёт ҳақиқати, унинг қонуниятлари барча ғоялару назариялардан кўра устувор-роқ, кенгроқ ва чуқурроқдир. Бизнинг ҳар қандай юксак ғояларимиз, илмий тафаккуримиз ва ноёб назариялари-миз эса ана шу ҳаёт ҳақиқати ва фалсафасининг қайси бир жиҳатинидир, қай бир даражададир қамраб олиши мумкин. Бизнинг ўта чегараланган тушунча ва ғояларимиз тарих ва кишилиқ тараққиётидаги буюк силжишлар ва таназзулларни бутун кўлами билан қамраб ололмайди.

...Халқимиз тақдирида бутунлай янги тарихий давр бошланди. Бу давр мустақиллик, истиқлол ғоялари орқали эндигина шаклланаётган соғлом, ҳар томонлама ҳаётий ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар даври сифатида дунёга келмоқда. Ана шу миллий истиқлол, мил-лий ғоя, миллий фалсафа шаклида эндигина пайдо бўла-ётган муносабатларимиз бутун ўтмишимизни янгича на-зар билан баҳолаш, уни қайтадан кўриб чиқиш, шу асос-да тарих хотираси ва тарихий тафаккурни шакллантириш-ни кучли бир ички эҳтиёж даражасига кўтармоқда.

Янги тарихий давр маърифат даври, маърифатлилик даври сифатида вужудга келмоқда. Истиқлол ғоялари асо-сида бош ислоҳотчилик вазифасини бажараётган давлат одамлар онги ва тафаккурида туб бурилиш ясаш, ҳар қан-дай ислоҳотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танлади. Ана шу йўл одамларнинг ўтмишга, бугунга ва келажакка муносабатларини ўзгар-тириш, муайян манфаатларга ёндашиш психологиясини



янгилаш орқали аста-секинлик билан уларни маърифатли, комил инсон қилиб вояга етказишга олиб боради. Фуқароларнинг маърифатлилиги орқали маърифатли жамият барпо этилади.

Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, бу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади. Буни нималарда қуриш мумкин?

**Биринчидан**, тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш туйғуси шаклланади.

**Иккинчидан**, тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворининг шаклланишига хизмат қилади.

**Учинчидан**, тарихни ўрганиш орқали мустамлакачилик таъсирида ва коммунистик зўравонлик мафкураси натижасида ўзлигини йўқотган, ўз қадру қимматини буткул унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишга даъват этади.

**Тўртинчидан**, ажодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаронинг қалбида ўтмишини ўрганиши орқали миллий ғурурининг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танлаган бир пайтда катта маънавий қудрат ва улкан ирода кучи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда ўз ўтмишининг нақадар буюклигини англаган фуқаро ажодлари руҳи олдида қарздор, келгуси авлод олдида ғоят масъулиятли эканлигини яна бир бор чуқурроқ тушунади. Ана шу англаш жараёни инсоннинг ўзини ўзи янгилашига, ўзини ўзи маънавий тозалашига, ўзини ўзи ислоҳ қилишига олиб келади.

**Бешинчидан**, ҳар бир фуқарони маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилаш орқали жамиятни янгилаш, турмуш тарзини янгилаш каби ғоятда чуқур, кенг миқёсли

ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги ислоҳотлар даврида амалга оширилаётган кўп қиррали ўзгартиришларнинг асосий омили сифатида қадриятга айланади. Зотан, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита инсон онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказилган тақдирдагина унинг қадри ошади, самараси кўпаяди. Қолаверса, сиёсий савия, иқтисодий билим, ҳуқуқий онг орқали маънавий-маърифий жиҳатдан янгиланган мустақиллик даври фуқароси шаклланади.

Тарих ҳақиқати бу конкрет воқеалар, аниқ ҳодисалар ва муносабатлар мажмуидир. Аксинча, агар у мавҳум ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлса, афсонага айланади. Ўзининг таъсир кучини, мавқеини йўқотади. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Тарих ҳақиқати бевосита конкрет давр кишилари тафаккури ва конкрет ҳаёт мантиғидир. Демак, уни маълум бир даврда вужудга келган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар ҳамда уларни келтириб чиқарган бош омил ўша давр кишилари мақсад-интилишлари, манфаатлари ва дунёқарашларини ўрганиш орқали англаш ва тушуниш мумкин.

Тарихда мавҳум ҳодисалар ва тушунчалар бўлмайди. Тарих мантиқан ҳам, табиатан ҳам конкретлик орқали идрок этилади ва у аниқ воқелик орқали ўз мазмунини, фалсафасини, бошқача қилиб айтганда, ҳукмини кўрсатади. Ана шу жиҳатдан ҳам нимаики мавҳум бўлса ёки мавҳумлик орқали воқеа-ҳодисаларга ёндашсак, у тарих ҳақиқатига зиддир. Демак, биз конкрет воқеалар, конкрет ҳодисалар орқали уларнинг келиб чиқиш шароити, сабаблари ва моҳияти хусусида фикр юритишимиз мумкин. Ана шундай ёндашув орқалигина биз конкрет воқелик замирида ётган тафаккур, фалсафа, манфаат ва муносабатни тўғри англаб оламиз.

Айни тарих фалсафасигина инсон ва воқелик, инсоният ва тараққиёт тўғрисидаги хулосаларимизни ифода-лаб бера олади. Айни тарих фалсафаси руҳшунослик, илоҳиёт, сиёсатшунослик, маданиятшунослик ва бошқа билимлардан фарқли ҳолда ҳодисаларга конкрет ёндашади, воқеаларни конкрет баҳолайди. Ана шу конкретлик — аниқлик асосида фикр юритади. Инсон тақдири ва умуман воқелик бевосита аниқ далил орқали таҳлил этилади.

Тарихга тўғри ёндашиш, уни тўғри тушуниб, тўғри тадқиқ этиш учун биз ўзимизни тарихий тақдирга қўшиб юборишимиз, унинг ичида яшашимиз керак. Ана шунда унинг тириклигини, яхлитлигини тушунамиз, бутун қўлами ва миқёси билан қамраб оламиз, моҳиятини англаб етамиз. Тафаккур мезонига, фалсафа омилига айлантира оламиз. Тарихий тақдир билан тақдирдошлик, тарихий тақдир жараёнини онгимиз, қалбимиз ва тафаккуримиз орқали ўтказиб, ворислик ҳиссини туйганимиз сайин конкрет шахс тақдири, замон ва макон қиёфаси кўзга ёрқинроқ ташланади. Инсон, замон ва маконнинг яхлит қиёфаси тўлалигича бутун салмоғи билан гавдаланади. Инсон маънавияти, унинг шаклу шамойили орқали қайсидир даражадаги тарихий воқелик ва тақдирга дахлдорлик аниқланади. Тарихни ўрганишда муаррихларимиз саналар ва воқеаларни таҳлил этиш билан бирга, уларнинг ортида турган тақдирлар, кечинмалар, руҳиятлар, манфаатлар ва ҳоказолар гирдобида ҳам яшамоғи керак. Ана шунда тарих ҳақидаги фикримиз, хулосамиз асосли, сўзимиз таъсирчан, гоьларимиз яшовчан бўлади!

Тарихга муносабатда, уни ўрганаётганда бутун тарихий жараён менинг ҳаётим, бутун кишилик ўтмиши менинг ўтмишим, деган фикр билан яшаш лозим. Тарихий тақдир, бутун кишилик ўтмиши менинг тақдиримга, менинг ҳаётимга, менинг ўтмишимга, кечинмаларим ва орзумидларимга айланиши керак. Ўша боқий жараённинг, буюк ва сарҳадсиз шажаранинг давомчиси сифатида бутун тарих менинг қонимда, жонимда, руҳимда ва ҳужайраларимда яшаётганини англашим, ҳис қилишим лозим. Ана шунда мен 2000 ё 3000 йил олдин яшаган одамлар ҳаётини ўрганипман, бу менга бегона давр, тарих холос, деган хулосага келинмайди. Аксинча, у олис аждодлар ўтмиши инсоният ҳаётининг, унинг тараққиёт йулининг мажмуи, муқаддас ва муътабар хотираси эканлигини англайди.

Тарихчилик, тарихнавислик ёки тарихшунослик шунчаки баёнчилик эмас, балки бой тафаккур ва кенг мушоҳада, асосли мулоҳаза ва ишончли фикр орқали вужудга келган фалсафа маҳсулидир. Масалага шундай ёндашсаккина, тарихшунослик маънавий қудратга, олий қадрият-

га, маънавий эҳтиёжга айланади. Бугунги миллий мансублик, турли маъмурий чегаралар ва инсоният тараққиёти тарих ва ҳаёт олдида нисбий эканлигини, ўша даврда яшаган аждодларимиз қайси тилда гаплашганлару қандай умргузаронлик қилгани, анъаналари ва урф-одатларидан қатъи назар, мана шу муқаддас заминда яшаб ўтганлар бизнинг аждодларимиз эканлигини чуқур ҳис қилган ва англаган ҳолда ўтмишга ёндашишимиз керак.

Президент Ислом Каримов «ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кучманчилар, босқинчилар келиб-кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди», — деганида тарихан шу заминда яшаган халқ тарихи бугунги авлод бойлиги, унга аждодларидан қолган буюк мерос эканлигини таъкидлайди. Тарихий тақдирга тақдирдошлик ҳиссини уйғотади.

Тарих ҳақиқатини англаш учун ва, айниқса, ўтмиши сохталаштирилган, бой маънавий ва маданий меросидан ажратиб ташланган, зўравонлик ва ҳукмрон гоёларга маҳкум этилган, унга хизмат қилдирилган тарих ҳақиқатини қайтадан тиклаш учун ана шундай маънавий-руҳий яқинликни ҳис этиш, ўша жараёнларни бевосита қалб орқали ўтказиш зарур. Қалбимизда ҳамиша тарихга ворислик туйғуси билан «у менинг мулким, менинг бойлигим, менинг наслу насабим, аждодларим руҳи жо бўлган маъво, менинг инсоний дахлдорлигим ва инсоний шаънимнинг қайсидир бўлаги» деб қараганимизда унинг нақадар мазмуни чуқур, моҳияти беқиёс қадрият эканлигини англаймиз. Ана шундай туйғу билан биз тарихнинг ички моҳиятини, унинг сир-асрорларини оча оламиз. Инсоният тақдирига дахлдор бўлган буюк маънавиятни кашф этамиз.

Албатта, тарихни ўрганишда, аввал айтганимиздек, турли ёндашувлар, турли гоёлар ва оқимлар бор. Бироқ, уларнинг ҳаммаси соф инсонийлик муносабати, бевосита дахлдорлик ва жавобгарлик ҳисси олдида ҳеч иш эмас ва улар илмий сохталикка, юзакиликка олиб келадиган иллатлардир. Ана шу жиҳатдан қараганда ҳақиқий тарих фалсафаси бу инсон ва тарих, инсон тақдири ва тарихий жараён, инсоният тараққиёти ва воқеалар, ҳодисалар ўрта-

сидаги конкрет боғлиқлик маҳсули сифатида дунёга келади. Айни пайтда ана шу икки кутб ўртасидаги уйғунлик, икки олам ўртасидаги муштараклик тарихшунослик фани тараққиётининг ва тадрижий хотирани тиклаш асосида тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Янгиланишлар даври ва бутун ҳаёт биздан тарихга муносабатни жиддий равишда ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бу бевосита тарихимизни қайтадан ўрганишимизни, унинг бутун ютуқларию фожиалари билан яхлитлигича тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Бунинг учун биз энг аввало, тарихга шунчаки баёнчилик муносабатидан халос бўлиб, уни ўзимизга, ўзлигимизга, шахсимизга дахлдор бўлган маъво, бутун инсоний қадриятимизни ўзида мужассам этган муқаддас хотирот даражасидаги тафаккур мезонига айлантирмоғимиз даркор. Тарихий хотирани тиклаш, уни қадрият даражасига кўтариш йўлларини изламоғимиз керак.

Тарихий тафаккур, тарих фалсафаси бизнинг куп минг йиллик ўтмишимизни яхлитлигича идрок этишимизга, унинг бутун моҳиятини англаб етишимизга ва ҳолисона баҳолашимизга ёрдам беради. Шу жиҳатдан биз ўтмишга ёндашувнинг тафаккур ва фалсафа орқали баҳолаш йўлига ўтмоғимиз лозим.

## 2-§. Тарих — инсон, замон ва макон фалсафаси

Тарихни вақтдан ажратиб бўлмайди. У вақт, муддат ва замонда юз берган, маълум бир маконда вужудга келган воқеа-ҳодисалар бирлиги. Ана шу замон ва маконда шаклланган анъаналар, турлича қарашлар, маънавий-руҳий ҳодисалар, ижтимоий муносабатлар замирида хатти-ҳаракатлар ўз изини қолдиради. Ҳаракатлар замирида эса маълум мақсад ва интилишларни ўзида мужассам этган воқеалар ётади.

Тарихнинг ўзига хослиги, ижтимоий ҳодисалиги маълум бир давр, замон ва макон моҳиятини ўзида мужассам этганлиги билан, унинг бутун феноменини белгилаши билан баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, унинг мазмун-моҳияти, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳодиса

сифатидаги ўзига хослигини кўрсатади. Айниқса, юксак кўтарилишлар, сакрашлар, тараққиётнинг энг баланд чуққиларига чиққан даврларда тарихнинг цивилизацияни вужудга келтирувчи буюк ҳодиса сифатидаги феномени кузга яққол ташланади.

Тарих инсон орқали вужудга келади ва инсон орқали абадиятга айланади. Инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали юзага келган ҳодиса сифатида қадриятга айланади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсон ақл-идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамиятни тараққий эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, бутун бир халқ, бутун бир жамият менталитетини белгилайди. Ана шу менталитет — миллат ёки халқнинг умумий маданий-маънавий даражаси, ақл-идроки ва тафаккур майдони нечоғлигига қараб тараққиётнинг ёхуд таназзулнинг мазмун-моҳияти очилади. Тарих эса ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, айна пайтда ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади. Турли ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, воқеалар шу тарзда вужудга келади ва тарихий тараққиёт шажарасининг бўғинларини ташкил этади.

Қадимий донишмандларнинг айтишларича, «Кўр кўрни етакласа, иккови ҳам жарга қулайди». Ана шу нуқтаи назардан инсон тафаккури ва жамият тараққиёти, инсоннинг маданий-маънавий имкониятлари ва тарихий жараён ўртасидаги муносабатларни аниқлаб олиш қийин эмас. Қарийб уч минг йиллик тарихимизнинг турли даврларида халқ турли ҳолатларга тушганлигининг, бунинг сабаблари ва моҳиятининг илдизи қаердалигини юқоридаги ҳулосалардан билиш мумкин.

Шахснинг жамиятда туган ўрни, унинг жамият тараққиётидаги роли яна ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тарих фалсафаси, тарихий тафаккур бизни ана шу улкан муаммолар атрофида жиддийроқ мушоҳада юритишимизни тақозо этади.

Ҳар қандай жамият тараққиёт ва таназзул, турли кўтарилиш ва пасайиш даврларини бошдан кечиради. Тарих қаҳрамонлик даврларини, ҳар томонлама шаклланган давлатчилик ва бошқарув тизимига эга бўлган ҳолатларни,

минтақалараро тараққиётлар ўртасидаги алоқалар ривожланган замонларни кўрган. Цивилизациянинг ҳаётийлиги, яшовчанлиги, унинг узлуксиз давом этиши бевосита одамларнинг маънавий даражаси, ҳаётий омилларнинг барқарорлиги, инсон фаолиятининг узвийлиги, фаоллиги ва доимий узлуксиз фаолиятнинг таъминланганлиги билан белгиланади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, узоқ ўтмишимизнинг юксак цивилизациялашган даврлар билан таназзулга учраган даврлари, уларнинг мантиқий, сиёсий ва ижтимоий асослари, иқтисодий замини ва сиёсий тафаккури билан яхлит ҳолда тадқиқ этилганда унинг бир бутун фалсафаси вужудга келади. Бир бутун қиёфаси яратилади. Шу тарзда тарих феномени орқали аждодларимиз феномени, миллат ва халқ сифатидаги менталитети кўзимизга яққол ташланади.

Умумжаҳон тарихини ўрганиш, умуминсоният ўтмишини тадқиқ этиш инсон ҳақидаги тушунчаларимизни бойитишга, инсон фаолияти, унинг имкониятлари хусусидаги хулосаларимизни кенгайтиришимизга ёрдам беради. Биз инсоният тарихини, жумладан, ўз аждодларимиз ўтмишини ўрганиш орқали оламни ўрганамиз, олам ҳақидаги тасаввурларимизни бойитиб, хулосаларимизга яна ҳам аниқлик киритамиз. Бизнинг олам ва одам ҳақидаги тушунчаларимизни кенгайтиришимизнинг ягона йўли оламни тадқиқ этиш, оламни англаш, уни тушунишдир.

Тарих кишилиқ жамияти тараққиётининг яхлит моҳиятини тафаккур орқали идрок этиладиган сувратидир ёки тафаккур орқали онгимизда мангу чизилган хотирот. Шундай экан, биз оламни тарих орқали, инсоният тараққиётининг босқичлари, эволюцияси орқали англаймиз. У орқали бугунги кунимизнинг мазмунини, моҳиятини тушуниб оламиз, эртанги кунги мақсадларимизни, орзу-умидларимизни белгилаймиз. Шу жиҳатдан қараганда биз ўзимизни оламдан ажралган ҳолатда тасаввур этолмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, оламдан айри туша олмаймиз. Оламдан айрилсак, ўзимиздан айриламиз. Оламни йўқотсак, ўзимизни, ўзлигимизни йўқотамиз. Олам ва одам ўртасидаги боғлиқлик айни олам яхлитлиги ва одам бутунлигидир. Айни ана шундай муштараклик уларнинг ҳар икко-

вини ҳам, бир-бирини ҳам тулдириб туради ва бутун ўтмиш, бугун ва истиқболни боғлаб туради. Тарих хотирасининг абадиятини, узвийлигини, давомийлигини белгилайди. Тарихий тафаккур ва тарих фалсафасининг ноёб қадрияти, буюк сабоғи ана шунда.

Тарих — инсон ҳақидаги, одамлар ҳақидаги фан. Бироқ у бугуннинг одамлари, кечинмалари, ҳис-туйғулари, фаолиятлари ва муносабатлари хусусида эмас, балки ўтган аждодларимиз турмуш тарзи, маънавий-руҳий кечинмалари, содир этган воқеа-ҳодисалари, мақсад ва интилишлари ҳақидаги фандир.

Аслини олганда тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотлар ёки хотиралар ҳам эмас. Унинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунни англаш, бугунги одамларни тушуниш ва уларни йўналтириш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзида мужассам этганида! Агар биз тарихга ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг бутун қўламини, инсоният ва жамият тараққиётидаги ролини чуқурроқ англаймиз. Муаррих тарихий саналар, воқеалар, ҳодисалар атрофида фикр юритар экан, у энг аввало инсон, унинг дунёси хусусида ўйлаши керак, дедик. Агар ҳақиқатан ҳам инсон тарихнинг тадқиқот объектига айлансагина, у орқали, фақат ва фақат у орқали тарихнинг бутун қўламини, моҳиятини очиб бера оламиз. Акс ҳолда, қуруқ баёнчиликдан иборат бўлган маълумотлар тўпламларини яна яратаверамиз, одамларни бездираверамиз. Юқоридаги хулосалар ва мушоҳадаларни ҳисобга олиб, тарихшуносликни мажозий маънода инсоншунослик, дейишимиз мумкин.

Гегель ибораси билан айтганда, тарих фалсафаси бу дунёқарашлар, тарихий тафаккур ва тарих хотираси ҳақидаги фандир. У маънавият феномени, руҳият феномени сифатида инсон ва тарихий тафаккур ўртасидаги боғлиқликни ўрганади.

Агар чиндан ҳам тарихни маънавият ва руҳият феноменига айлантирсак, аниқроғи, уни шундай идрок этиб, шундай тадқиқ этсак, яна ва яна ўтмишни сана ва воқеалар орқали эмас, инсон орқали ўрганишга эҳтиёж сезамиз. Охир-оқибатда Инсон тарихнинг яратувчиси, ишти-



рокчиси, дунёга келтирувчи энг олий хилқат эканлигини ва бу рад этиб бўлмас ҳақиқат, тенгсиз қадрият эканлигини тан оламиз.

Инсоният тарихи бу ҳар биримизга боғлиқ бўлган, ўзлигимизни кўрсатадиган, бизнинг олис шажарамизни, наслу насабимизни, инсоний қадр қимматимизни белгилайдиган, муқаддас ва муътабар воқелик. Биз уни шундай тушунишимиз ва шундай қабул қилишимиз керак. Агар ўтмишимизга шундай муносабатда бўлсак, ана шу юксакликдан туриб унга қарасаккина, тарих айни тафаккур маҳсулига айланган тақдирдагина бизни маънавий жиҳатдан бойитиши, руҳиятимизга қудрат бахш этиши мумкин бўлади. Ана шу жиҳатдан қараганда бутун ҳаёт шажарасини давом эттираётган, ўзига хос тарих яратаётган одамларнинг дунёқарашлари, маънавий-руҳий кечинмалари, инсонлик шаъни нималарга боғлиқлиги, унинг илдишлари қаёқларга етиб бориши ва қандай маънавий сарчашмалардан озуқа олаётганлиги аниқ бўлади ва у бевосита тарих ва тарихшунослик билан боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланади. Агар тарих чиндан ҳам фалсафа ва тафаккур маҳсулига айлантирилса, замондошларимизнинг ўтмиши кимларга бориб тақалиши аён бўлади ва ҳаётда ўз ўрнимизни белгилашимизга, ўзимизнинг кимлигимизни англаб олишимизга ёрдам беради.

Гегель таъбирига кўра тарих давлатчиликдан бошланади. «Халқ давлат қурилишисиз ҳеч қандай тарихга эга эмас», — дейди аллома. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилик тарихимизнинг қарийб уч минг йиллигини нишонлаш арафасида турган халқимиз ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда кўради. Айни ана шу тақдирдошлик, айни ана шу инсоният тарихининг ибтидоси билан боғлиқлик бугун бутунлай янги жамият қураётган халқимиз қиёфасини кўрсатмоқда. Ўзининг қадимий миллий давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларини уйғунлаштириб, синтезлаштирган ҳолда «ўзбек модели»ни дунёга тақдим этиб, дунёни ҳайратга солаётган ўзбек халқининг феномени жаҳон меҳвариди пайдо бўлмоқда.

Ўзбек халқи тарихи, унинг кечмиши бевосита тарих

фалсафаси ва тарихий тафаккур орқали бугун одамларни уйғотмоқда, улар диққатини ўзига тортмоқда. Замондошларимиз онги, қалби орқали бутун ўтмиш ўз ютуқлари ва нуқсонлари билан яхлит ҳолда жонланмоқда. Шу асосда халқимизнинг маънавий қудратига, руҳий таянчига айланмоқда, олис истиқболни белгилашда ўта муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

### 3-§. Тарихий тафаккур эҳтиёжи

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз ажлодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Ўз наслу насабини билиш, келиб чиқишини ўрганиш кишининг ҳаётда омонат ё тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Шу билан бирга атроф муҳит, уни ўраб турган олам хусусида ўйлашга ундайди.

Дарҳақиқат, оламни тадқиқ этиш тафаккуримизни бойитишининг, дунёқарашимизни кенгайтиришининг ягона йўли. Оламни англаш ҳисси инсоннинг ўзлигини англашга, ўзлигини тушунишга, олам ва одам ҳақида ўйлашга даъват этувчи беқиёс қудрат. У жами инсонга хос бўлган идрок ва иродани уйғотадиган муъжизавий кучдир. Биз оламни қанчалик кенг ва чуқур англасак, инсон ва инсоният оламига шунчалик кўпроқ қизиқамиз, уни тушунишга, моҳиятини англашга, инсон ва ҳаёт, инсоният ва мавжудот ўртасидаги муносабатларни ўрганишга, хулласки, инсоният тарихи билан қизиқишга ҳаракат қиламиз.

Ана шу хулосаларнинг акси сифатида биз оламни қанчалик унутсак, ўзимизни шунчалик унутамиз. Бундай ҳодиса кишилиқ тарихида — турли даврларда турли ҳолатларда юз берган. У одамзодни ҳаётни тушуниш, оламни англаш ва ўзини олий мавжудот сифатидаги қадриятини идрок этиш орқали бутун инсоният тарихини англашга даъват этади. Бундай ноёб маънавий-руҳий эҳтиёж комиллик ва етукликка интилиш ҳиссини уйғотади. Ана шу ички туйғу

инсоннинг ўз ўтмишига, ўтмишдошларига ва аждодларига, улар қолдирган меросига қизиқиш билан қарашини тақозо этади. Бундай маънавий-руҳий эҳтиёж унинг тарихий хотираси чуқурлашишига, тарих фалсафасининг пайдо бўлишига, шу фалсафа ва тафаккур орқали ўзининг ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилаб олишига имкон яратади. Истиқболини кура олишга рағбатлантиради.

Ҳаётда абадий яшайдиган мавжудот йўқ. Жамики мавжудотнинг ибтидоси ва интиҳоси бор. Ана шу ибтидо ва интиҳо ўртасидаги воқелик ҳаёт тарихига айланади. Аслини олганда ҳаётда фақат абадият ва унга дахлдор бўлган тафаккургина боқийдир. Замонлар, жараёнлар, ҳодиса ва воқеаларнинг бари ўткинчи. Бироқ, уларни бир-бири билан боғлаб, ҳаёт шажарасини давом эттириб турган олий хилқат – инсон мавжуд экан, ҳаёт абадияти тарих ва тафаккур абадиятига айланади. Шунинг учун ҳам вақт ўткинчи, тарих эса абадийдир. Шунинг учун ҳам тарихни тафаккурдан ажратиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, воқеалар, жараёнлар шаклан ўзгараверади, янги ҳодисалар, янги воқеалар ҳаёт мазмунини ўзгартираверади. Турмуш тарзини ва, ҳатто, ақидаларни ҳам янгилайди. Бироқ яхлит абадиятга айланган ҳаёт ва инсоният шажараси тарих абадиятини ва узлуксизлигини сўзсиз таъминлайди. Шу зайдда ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар бир-бирини инкор этиб, бир-бирини рад қилиб давом этаверади. Тарихнинг яхлитлиги, бир бутунлиги ана шу қарама-қаршиликларни тўлалигича ифода этишида! Тарих фалсафаси унинг конкрет воқелик ва ҳаёт фалсафаси билан узвий боғлиқлигида!

Тарихий тафаккур, тарихий хотира ана шу тарзда шаклланади. Рад этиб бўлмайдиган, сохталаштирилмайдиган мутлақ ҳақиқатга, олий қадриятга айланади. Инсон қалби ва онгига эса ўз ўтмишини ўрганишга қизиқишнинг пайдо бўлиши орқали таъсир этади.

Президент Ислом Каримов «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур», – дер экан, бу билан туб ислохотларни амалга ошириш зарур бўлиб қолган бир шароитда инсонни уйғонишга, ўзлигини анг-

лашга даъват этмоқда. Айни ўзликни англаш инсоннинг ўз ўтмиши ва ажодларига қизиқишидан бошланишини уқтиряпти.

Масаланинг яна ҳам муҳимроқ томони шундаки, инсон тафаккури ва онгини янгилаш каби тозариш жараёнига давлатнинг ўзи ҳомийлик қилмоқда. Унга шароит яратиб бермоқда. Истиқлол даврида инсон, ниҳоят, тарихга маънавият мезони, миллий уйғониш омили сифатида қарамоқда.

Жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш, мавжуд турмуш тарзини синдириб ташлаб, бутунлай янгича шароитни вужудга келтириш энг аввало онг ва тафаккур билан боғлиқлигини алоҳида уқтирар экан, Президент Ислон Каримов «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир», деган эди. Ана шу концепция Ислон Каримов сиёсатининг ва бош ислоҳотчилик вазифасини бажараётган давлатимиз стратегиясининг асосини белгилайди.

Тараққиёт тамойиллари, цивилизация эҳтиёжлари шундай. Биз ўтмишда яшамаслигимиз, уни такрорламаслигимиз, аксинча, уни ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз ва аниқ хулосаларга келиб яшашимиз керак. Айни ана шу хулосалар асосида истиқболимизни белгилашимиз, ўзимизни ҳам, жамиятни ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етказишимиз даркор. Биз ўтмишни тиклаш, тарих ҳақиқатини ўз ўрнига қўйиш орқали тафаккуримизни бойитамиз, тушунчаларимизни кенгайтирамиз, ҳаёт фалсафаси орқали ислоҳотлар фалсафасини, ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ англай бошлаймиз. Натижада ўз-ўзимизни ислоҳ қиламиз, ўз-ўзимизни янгилаймиз. Ва ниҳоят, ана шу жараён орқали жамиятни янгилаймиз, ҳаётни янгилаймиз. Унинг мазмунини бойитамиз. Зотан, миллий истиқлол мафкурасининг, давлатимиз олиб бораётган кенг миқёсда ислоҳотларнинг олий қадрияти ана шунда!

Биз Ватанимиз тарихи ва халқимиз ўтмишини ўрганиш орқали бугунги кун учун масъуллиқ туйғусини шакллантирамиз. Тараққиётнинг янги даври остонасида турганимизни ва халқимизнинг буюк келажагига асос солишга масъул эканлигимизни, дахлдорлигимизни тушуна бош-

лаймиз. Яна бир ҳақиқат бор: ўтмиш уни англагангагина хизмат қилишини, келажак эса унинг ҳақиқий бунёдкоригагина тегишли эканлигини англамоғимиз керак. Худди ана шу ҳақиқатни англаш учун тарихий тафаккур, тарихий хотира зарур деб ўйлаймиз. Тарихнинг ҳақиқий фалсафаси, унинг ақл-заковатимиз ва онгу шууримизга таъсири худди ана шу гоё билан белгиланади.

Янгиланишлар даври ҳамиша ўтмишга қизиқишнинг беқиёс даражада ўсишидан бошланади. Аини ўтмишга қизиқиш одамни истиқболга интилишга, уни аниқ йўналишга сола билишга даъват этади. Ўтмиш воқеалари, тарихий ҳодисалар бугунги хулосаларимизни тиниқлаштирилади, эртанги кунимизнинг, режаларимизнинг асосини ва ҳақиқатини кўрсатиб беради. Ана шу нуқтаи назардан биз бугун тарихнавислик ва тарихшуносликдаги солномачилик, қуруқ рақамбозлик, баёнчилик иллатларидан бутунлай қутулишимиз даркор. Тарихий обидаларнинг рўйхати, уларнинг қурилган вақти, шаҳарларнинг номларию жуғрофий ҳудудлари билан кифояланмай, ана шу замин ва унда асрлар мобайнида яшаган халқ даҳоси, унинг қудрати ва бу қудратнинг пайдо бўлиш омилларини ўрганмоғимиз керак. Зотан, буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар, афсонавий шаҳарлар, қудратли сиёсату донгдор давлатлар тўсатдан пайдо бўлмайди. Уларнинг юзага чиқиши учун йиллар тугул, асрлар мобайнида тажриба тўпланади, тафаккур шаклланади. Тарихшуносликда ана шу эволюцион жараён, халқнинг ижтимоий-маънавий динамикаси ҳисобга олинмоғи керак. Демак, инсоннинг тарихида кескин бурилиш ясаган, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир ўтказган тафаккур кенгликларини, унинг тараққиёт жараёнларини ўрганишимиз зарур. Биз бугунги ва келгуси авлодни худди ана шундай йўл билан тарбиялашимиз даркор. Унинг воқеа ва ҳодисаларга муносабатини онги орқали, тафаккури орқали ва энг муҳими, қалби орқали ўтказишимиз керак. Токи ёш юракда ва мурғак тафаккурда тарих ҳақиқати абадий қолсин, уни эзгуликка даъват этиб турсин. Бунинг учун ҳар бир воқеа моҳияти, тарих фалсафаси, ҳаёт мантиғи муштарак ҳолда ўрганилмоғи керак.

Жамиятни янгилаш, энг аввало, инсон тафаккурини

янгилаш, иллатлар илдиз отиб кетган турмуш тарзини янгилаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов янгича тафаккурни қарор топтирадиган, янгича сиёсатни одамлар онги ва қалбига етказиб берадиган, тарих ҳақиқатини очиқ-ойдин очиб ташлаб, келажакка ишончни кучайтиришга даъват этадиган «довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди», деганида айна тарихнавислик ва тарихшуносликдаги жиддий нуқсонларимизни назарда тутган эди. Шунинг учун ҳам у «ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ», — деган қатъий хулосага келади.

Шўро даври тарихнавислиги ва тарихшунослиги миллатимиз ва умуман «кичик халқлар» бошига келтирган кулфатларнинг адоғи йўқ. Марксистик назария методологиясига асосланган ва коммунистик мафкура билан тиш-тирноғигача қуролланган тарихнавислик методологияси бутун ўтмишимизни сохталаштириб юборди. Миллий ўзлгимизни унутишга, аждодларимизни хотирамиздан ўчиришга мажбур қилди. Фақат ўз мақсади ва ғояларига мос келадиган жиҳатларинигина сақлаб қолиб, қарийб уч минг йиллик тарихимизни хаспўшлаб келди. Тарихий хотирадан, тарихий тафаккурдан айириб қўйиш оқибатида инсонни олий мавжудот сифатидаги қадриятини поймол этди. Уни ҳам маънавий, ҳам жисмоний мутеликка, қарамликка, қулликка мажбур қилди.

Шўро олимлари ўтмишдаги фақат хунрезлик воқеалари, уруш ва вайронагарчиликлар ҳақидаги воқеалар билан тарихни тўлдириб ташлашди. Миллат тарихи ва умуман инсоният тарихи урушлар, хунрезликлар, бир бирини маҳв этиш ва қатл қилишдан иборат қилиб кўрсатилди. Натижада бир ёқлама, ўқувчи ҳафсаласини пир қиладиган урушлар ва давлатлар тарихи яратилди. Ҳақиқий тарих — инсоний тафаккур эволюцияси, инсон қалби

зиддиятлари, аждодларимиз қувонч ва изтироблари, уларнинг буюклиги, даҳолик қудрати ва заиф жиҳатлари ўртасидаги зиддиятлардан иборат бўлган яхлит тарих барбод этилди. Шундай қилиб, ҳаёт ҳақиқати ҳам, тарих ҳақиқати ҳам, илмий ҳақиқат ҳам атайлаб бузиб ташланди. Тарих ҳукмрон мафкура қурбони бўлди.

Буларнинг ҳаммаси тарихий тафаккуримизни ҳам, тарих тушунчаси ва фалсафасини ҳам чегаралаб қўйди. Тарихнинг буюк яратувчиликка ва комилликка даъват этувчи қудрати атайлаб синдириб ташланди. Ваҳоланки, тарих фалсафаси муқаррар тарихий жараёнларга руҳ ва янгиланиш ато этадиган ғоятда кучли воситадир.

Истиқлол туфайли биз бутунлай янги ҳаётга, бутунлай янги жамиятга қадам қўйяпмиз. Бу борада дастлабки ютуқларга ҳам эришдик. Янги жамиятнинг пойдевори қўйилди. Унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асослари яратилди. Бошқача қилиб айтганда, қарийб уч минг йиллик тарихимизда бутунлай янги тараққиёт даври бошланди. Бу XXI аср тақдири, мамлакатимиз ҳамда миллатимиз истиқболи билан боғлиқ бўлган янги цивилизация даврининг бошланиши, десак хато қилмаймиз.

Бироқ, ана шундай тарихий янгиланишлар ва буюк цивилизация остонасида туриб, цивилизациялашган жамият маданияти қандай бўлиши керак, биз ўзимизни бунга қай йўсинда тайёрлашимиз лозим, бу буюк тарихий жараёнларга қандай қилиб ҳисса қўшишимиз мумкин? — деган ҳақли саволлар ҳам туғилади.

Бундай саволларга жавоб беришимиз учун биз, энг аввало, юқорида айтганимиздек, тарихга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз, хусусан, марксизм-ленинизм ғояларига асосланган методологиядан воз кечишимиз, фанларнинг ўзаро яқинлиги ва уйғунлигини таъминлашимиз, уларнинг бир-бирини тўлдиришига, бир-бирини бойитишига йўл очиб беришимиз керак. Ана шунда бизнинг қайсидир тарихий рақамлар ва воқеалар ортидаги ҳаёт, кечинмалар, зиддиятлар борасидаги тушунчаларимиз кенгаяди, хулосаларимиз ёрқинроқ гавдаланади. Ана шунда биз тор доирада фикрлаш, тор тушунчалар ва улар

оқибатида пайдо бўлган, куракда турмайдиган «ақида»-лардан қутуламиз. Ўтмишга, бугунга ва истиқболга кенгроқ қарашга, уни яхлитлигича, бутун яхшилигию ёмонлиги, оқ ва қора томонлари билан бир бутунлигича қамраб олишга эришамиз. Натижада энг адолатли, энг асосли ва кенг қамровли хулосалар чиқарамиз. Мустамлакачилик даври талаби ҳамда соф илмий ҳақиқатдан узоқлашган тарихнавислик концепцияси ва методологиясининг занг босган темир қобикларидан чиқиб кетиш, ҳар қандай сохта доираларни синдириб, ҳаётга бўлган муносабатларимизни кенгайтириш имконига эга бўламиз. Тушунчалар, ғоялар, қарашлар ва ёндашувлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш чинакам маданият, чинакам миллий равнақ эҳтиёжи эканлигини англамоғимиз зарур.

Тарихни тадқиқ қилиш ва ёзишда биз ўз миллий психологиямиз, анъаналаримиз ва миллий мушоҳадамиздан келиб чиқамиз. Шу боис ўзбек халқи тарихини ёзган бошқа миллат вакили бўлган ажнабий олим билан ўзбек олимнинг нуқтаи назари бир-биридан фарқ қилади.

Бунинг икки жиҳати бор: биринчидан, бегона қалб, бегона дунёқараш ҳар қандай шароитда ҳам бегоналигича қолаверади. У ҳеч қачон бошқа бир миллатнинг миллий хусусиятларини, унинг ўтмишдаги мураккабликлари ва зиддиятларини тўлалигича ҳис қила олмайди.

Иккинчидан, фан ниқобидаги сиёсий ўйинлар ва мақсадлар ҳам борки, бу даҳшатли ва миллат бошига қирон келтирувчи мафкура билан боғлиқ. У тарих ҳақиқатини атайлаб бузади, уни ҳеч бўлмаганда чалкаштиради. Бунга зид равишда ўз миллий тарихнавислик анъаналаримизни тиклашимиз даркор. Масалан, ўтмишда ўтган кўплаб муаррихларимиз асарларида турли ривоятлар, афсоналар, ҳикматлар, ҳикоятлар учрайди. Бу нарсалар тарихий факт ва ҳақиқат сифатида алоҳида қимматга эга бўлмаса-да, аммо воқеалар моҳиятини англашимиз ва тафаккур, мушоҳада тарзимизнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Дарҳақиқат, бизда миллий тарихнависликнинг ўзига хос мактаби мавжуд. Бу мактаб ўзининг халқчил, содда, равон, барча учун бирдай тушунарли бўлган услуби ва беқиёс жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Ана шу



сеҳр ва оҳанраболик ўнлаб асрлар муқаддам яратилган қатор шоҳ асарлар қаторида «Темурнома», «Зафарнома», «Бобурнома», «Ҳумоюннома»ларнинг беқиёс қийматини ва барҳаётлигини таъминлаб келмоқда.

Шўро даврида ҳам жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилди. Аммо, масаланинг жиддий томони шундаки, шўро даври тадқиқотчилари гоҳ билиб-билмай, гоҳ атайлаб, фидойилик ва ташаббускорлик билан коммунистик мафкурага хизмат қилдилар. Натижада халқимиз тарихини сохталаштирдилар, уни коммунистик мафкура талабларига мослаштирдилар. Шўро ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга бутун вужудлари билан хизмат қилдилар.

#### 4-§. Тарих фалсафаси ва миллий истиқлол

Президент Ислом Каримов тарихга муносабатни тубдан ўзгартириш ҳаёт тақозоси эканлигини долзарб масала қилиб кўтарди. Бугун тарихга муносабатнинг, тарихнависликнинг методологиясини, тадқиқот усули ва услубини тубдан ўзгартириш ҳаёт талаби эканлигини кўрсатиб берди.

Юртбошимиз ўтмишимизни қайта кўриб чиқиб, уни миллий қадрият даражасига кўтариб, бутунлай янги назар билан ғалвирдан ўтказишни кун тартибига қўймоқда. Бунинг қуйидаги асослари бор:

**Биринчидан**, бугунги Ўзбекистон жаҳон харитасида эндигина пайдо бўлган тасодифий мамлакат эмаслигини, унинг илдишлари ниҳоятда чуқур ва қадимий эканлигини дунёга кўрсатиш ва фарзандларимиз онгига сингдириш.

**Иккинчидан**, собиқ шўро сиёсати ва коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни ўз ўрнига қўйиш, тарих ҳақиқатини, ҳаёт ҳақиқатини илмий ҳақиқат асосида қайта тиклаш. Унга муносиб баҳо бериш орқали миллатимиз иззатини жойига қўйиш.

**Учинчидан**, шу асосда халқимиз, айниқса ёш, навқирон авлодимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб буюк миллат бўлиш. Эртанги кунга катта ишонч ва истиқлол ғояларига эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантириш.

Масаланинг яна ҳам жиддийроқ томони бор. Бу бево-сита тарихшунослик, тарихнавислик муаммоси билан боғ-лик. Ҳаммамизга маълумки, шўро ҳукумати даврида халқ-ни атайлаб саводсизлантириш, ўз ўтмишидан ажратиб қўйиш, аждоллари, наслу насаби ва бутун тарихидан бе-хабар қилиш сиёсати мавжуд бўлиб, у давлат сиёсати да-ражасига кўтарилган, коммунистик мафқуранинг бутун мазмун-моҳиятини ташкил этган эди. Шунинг учун ҳам ёзилаётган илмий китоблар нуқул воқеалар баёнидан иборат бўлиб, маълумотнома тусини олган эди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларга бундай юзаки муносабат ва тарихий саналарнигина санаб ўтиш каби тарих фани методологияси яратилди. Бу методологиянинг асосий мақсади одамлар онгини заҳарлаш, улар фикрини чалғитишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам, энг аввало, юз берган воқеалар ва та-рихий жараёнлар ниҳоятда жозибасиз, ҳароратсиз, ўқув-чига таъсир қилмайдиган, унинг қалбидан ва шууридан ўрин олмайдиган, аксинча, уни зериктирадиган ва охир-оқибатда эса бутун тарихдан ихлосини қайтарадиган қилиб баён этилди.

Натижада миллатларни йўқ қилиб ташлаш, фуқаро-лар қалбидаги миллий гурур, миллий ифтихор туйғуларини сўндириш, улар дунёқарашини чегаралаб қўйиш учун ҳаракат қилинди. Ўзига ҳам, ўтмишию келажигига ҳам бе-фарқлик ва лоқайдлик билан қарайдиган аҳоли қатлами «тарбия»лаб етиштирилди.

Ана шундай ноқобил ва ғайриинсоний сиёсат барбод бўлгач, энди ўз тарихимизни қайтадан тиклаш, уни ил-мий, тарихий ва ҳаётий ҳақиқат нуқтаи назаридан туриб янгитдан яратишни давлатнинг ўзи талаб қилмоқда ва бунга ҳомийлик қилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академия-си Тарих институтининг Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси қарори билан тарқатиб юборилиши ва уни қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг сиёсий қадриятини, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳукумат қарори ва шахсан Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Давлат ва жамият қури-лиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказининг очилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тарихнависликда шўро даврида шаклланган биқик «ме-

тодика» барча тарихга қизиқувчиларни ва урганувчиларни қолипга солиб қўйди. Юз берган ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий воқеалар атрофида фикрламасдан, фақат баёнчилик билан шуғулланиш, хабаркашлик тенденцияси вужудга келди. Бора-бора бу илмий «мактаб»га айланди. Бу номақбул мактабнинг эса ниҳоятда ночору нотавон, гоёвий жиҳатдан бузуқ, мафкуравий жиҳатдан айниган, илмий жиҳатдан сохталашган, сиёсий жиҳатдан яроқсиз илмий услуби ва ҳаётдан узилган ақидаси вужудга келди.

Тарихга муносабатнинг ўзгараётганлиги ва тобора жиддий тус олаётганлиги ижобий ҳодиса. Бироқ ҳамон шошма-шошарлик, масалага юзаки ёндашиш, ҳар томонлама пухта ўрганмасдан хулосалар чиқариш иллатлари бизни тарк этгани йўқ. Натижада илмий ҳақиқатдан узоқ, тарих ҳақиқати бузилган дарсликлар пайдо бўлмоқда.

Олдинлари бир томонга оғиб кетган бўлсак, энди бошқа томонга оғаямиз. Ваҳоланки, илмда мувозанат бўлмоғи керак. Энди тарихимизни тиклаймиз деган эҳтирослару чинакам ақл-идрокдан узоқ бўлган ҳиссиётлар жўш уриб кетди. Натижада палапартишлик, тарихий далилларнинг ола-қуроқлиги, воқеаларнинг маълум бир тизимга солинмаганлиги ва тарихий изчилликнинг йўқлиги кўзга яққол ташланмоқда. Айрим дарсликлар нуқул ривоят ва бадий асарлардан яхлит кўчирмалар ҳолида нашр этилмоқда.

Тарихнавислигимиздаги яна бир муаммо шундаки, биз ҳамон мустақил фикрга эга бўлолмаямиз. Ҳамон кимларнингдир сохта гоёларига таянмаямиз. Маълумки, собиқ шўро тузуми даврида олимларимиз ҳар бир фикр-мулоҳазасини марксизм-ленинизм классиклари уйдирмаларидан кўчирмалар олиб «асослаб» беришарди. Истиқлол йилларида ҳам ўзларининг илмий жиҳатдан ожиз ва ночор «фикр»ларига четдан тиргак излаётган тарихчиларимиз йўқ эмас. Айниқса, бир пайтлар «илмий атеизм» фанининг даргалари ҳисобланган айрим олимларимиз бугун тарихимизни буткул диний йўсинга буриб юбориш билан овора бўлмоқдалар. Баъзилар ҳатто юртимизга ислом дини кириб келгунга қадар бўлган даврни «мажусийлик», «жоҳилият» даври деб атай бошлади. Боболаримизнинг исломгача бўлган буюк ватанпарварлик жасоратларига тула тарихига, улкан бунёдкорлик, юксак маданиятига нописанд му-

носабат яққол сезилмоқда. «Жоҳилият» даври атамаси замирида исломгача бўлган даврни камситиш мазмуни ётмайдими? Демак, халқимиз тарихининг ўзига хос атамаларини туғри белгилаш вазифасини тезроқ ҳал этмоғимиз керак.

Бугун биз тарихимизнинг олис-олис қатламларига назар ташлар эканмиз, ҳаёт мантигини ҳисобга олмасдан тарих ҳақиқатини тиклай олмаймиз. Биргина мисол келтирайлик: Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз (Кеш), Термиз, Қарши ва бошқа шаҳарларимизнинг ёши 2700—3000 йилга бориб тақалишини мутахассислар эътироф этишмоқда. Хўш, бизнинг тарихимиз, ана шу замин, ана шу жаннатмакон тупроқ тарихи билан боғлиқ бўлган шу ўлка халқларининг тарихи шугинамикин? Ахир шаҳарлар ёши билан халқлар тарихи белгиланадиган бўлса, биз яна хато қилмаяпмизмикин? Ҳар томонлама баркамол, дунё халқлари диққатини ўзига тортган, улкан фан ва маданият марказига айланган шаҳарларнинг дунёга келгунига қадар ҳам одамлар шу ерда яшашган-ку! Кишилиқ ҳаётининг маданийлашиш жараёни, онг ва тафаккурнинг ривожланиши, инсоннинг даҳолик қудрати ва заковати эволюциясини назарда тутсак, шаҳар пайдо бўлгунга қадар бир неча минг йиллик ҳаёт мавжудлигини нега унутмоғимиз керак?

1998 йилда буюк мутафаккир Аҳмад ал-Фаргоний туғилганининг 1200 йиллиги нишонланди. Улуғ бобокалонимиз туғилган ва вояга етган кўҳна Шаҳристон харобаларидан милoddан олдинги асрларда ясалган шаффоф, ниллий шиша идишлар топилди. Бежиримлиги билан кўзимизни қамаштираётган бугунги гулдонлару биллур қадаҳлар чиройидан қолишмайдиган бундай шиша буюмларини ясаш учун инсоният тарихи неча асрларни босиб ўтган? Унинг технологиясини ишлаб чиқиш, хом ашё таркиби ва ранглар жилосини топиш учун қанча вақт кетган, қанча авлод яшаб ўтган?

Ўша пайтларда ҳозиргидан ўн чандон мустаҳкам сопол қувурлар ишлаб чиқарилганлиги ва шаҳарлар тўла канализациялаштирилганлиги халқимиз тафаккурининг буюклигини кўрсатмайдими? Ана шу тафаккурнинг шаклланиши учун неча аср керак бўлган? Бундай саволларга

жавоб топганимиздагина тарих ҳақиқати тикланади. Президент Ислом Каримов тарихга ана шу нуқтаи назардан қарайди ва халқимиз ўтмишини тиклашда ана шундай сиёсат, ана шундай мантиқ ва фалсафа лозимлигини талаб этмоқда.

Тарих — тафаккур маҳсули. Ўтмишимизда бўлган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Демак, унга назар солганда, воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа, руҳият, сиёсат, иқтисод, қўйингки, ҳар бир даврнинг ўзига хос шукуҳию ташвишлари, севинчу изтироблари кўзга яхлитлигича яққол ташлансин. Онгимиз ва шууримизга мустаҳкамроқ ўрнашсин. Ана шунда кишини фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Тарихнинг тафаккур маҳсули ва улуғ мураббийлиги, олий қадрият эканлиги ана шу билан белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарихнавислик бевосита мантиқ, фалсафа, иқтисод, ҳуқуқ, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, руҳшунослик ва бадиият билан узвий боғланган ҳодиса. Буларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мабодо ана шу унсурларнинг бири етишмаса, номукаммалликка йўл қўйган, тарих ҳақиқати ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мантигини бузган бўламиз. Фақат, маълум бир давр тарихи устида ишлар эканмиз, энг аввало, тарихнавислик назаридан иш тутиб, бошқа унсурлардан ёрдамчи, тўлдирувчи восита сифатида фойдаланмоғимиз лозим. Чунки, **биринчидан**, ҳар бир тарихий жараён, ижтимоий-сиёсий воқелик қандайдир сиёсий манфаат асосида дунёга келади. Айниқса босқинчилик, бир ҳукмдор томонидан иккинчи бир мамлакатни забт этиш жўгрофий-сиёсий стратегик мақсад эканлиги табиий ҳол. Шунинг учун ҳам айни ана шундай жараёнларни ўрганаётганда, уни баҳолаётганда сиёсий мезонлар нуқтаи назаридан туриб ҳам баҳолаш зарур.

**Иккинчидан**, тарихнинг иқтисод билан боғлиқлиги. Давлатлар ўртасидаги ўзаро низолар ва босқинчилик ҳаракатлари бевосита мағлуб мамлакат ва халқ иқтисодий имкониятларини зўравонлик билан ўзлаштириш, тарихан шу заминда яшаб келган халқ бойликларини талон-торож қилиш, ер ости ва ер усти бойликларига эгалик қилиш

мақсадининг маҳсулидир. Демак, халқлар ва мамлакатлар тарихи ўрганилганда унинг иқтисодий имкониятларига эътибор бермоқ лозим.

**Учинчидан**, тарихий жараённинг мантиқ билан боғлиқлиги муайян бир ҳодисанинг нима учун бошқа шаклда эмас, айнан шу шаклда, нима учун олдинроқ ҳам эмас, кейинроқ ҳам эмас, айна шу пайтда юз берганини ўрганиш билан белгиланади. Зотан, ҳар қандай воқеа тагида мантиқ ётиши шубҳасиз. Акс ҳолда мамлакатлар, салтанатлар орасидаги курашлар мақсадсиз ва натижасиз бўларди.

**Тўртинчидан**, масаланинг фалсафа билан боғлиқлиги шундаки, тарихий ҳақиқат фалсафий тафаккур орқали таҳлил қилинса, ўқувчи фикрлашга ўрганади. Тарихни ўқиш ва тарихий жараёнларни ўрганиш асносида унинг мушоҳадаси кенгайди, дунёқарабини ўзгартиради, тафаккури бойийди.

**Бешинчидан**, тарихни жамиятшуносликдан алоҳида қилиб, ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай тарихий жараён маълум бир жамиятнинг маҳсули бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий қиёфасини белгилайди. Ҳар қандай жамият эса одамлар тафаккури ва ҳукмрон сиёсат маҳсулидир. Демак, маълум бир даврда, маълум бир жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўша жамиятда ва ўша даврда мавжуд бўлган муҳитдан келиб чиқиб таҳлил қилинмаса ўз исботини ва мантигини топа олмайди.

**Олтинчидан**, тарихнинг руҳшунослик билан боғлиқ жиҳатлари бевосита ҳар бир давр одамлари психологияси, ҳаётга муносабати, воқеликни идрок қилиш қобилияти, турмуш тарзи билан белгиланади. Уларни ҳисобга олмай, четга суриб қўйиб, фақат саналар саноғи билан шуғулланиш тарихнавислик нуфузини туширади, мавқеини пастайтиради. Муаррихнинг имкониятлари чекланганлигини кўрсатади.

**Еттинчидан**, тарихнависликнинг бадиият билан боғлиқлиги бу бевосита муаррих ижодий услуги, унинг воқеа ва ҳодисаларга ёндашиш усули, тадқиқот объектини қанчалик чуқур ўрганса, ўз хулосаларини шунчалик ёқимли шакл ва жозибали тил билан ифодалаб бериши билан белгиланади. Ифодада ҳарорат, қалб қўри бўлиши керак. Акс

ҳолда ўқувчини зериктирадиган, охир-оқибатда эса ўз ўтмишидан кўнглини совутадиган бедаво «асар» пайдо бўлиб қолади. Афсуски, бундай асарлар бизда оз эмас.

Энди биз муаррихлар олдида ҳам тадқиқотчилик, ҳам фуқаролик бурчи турганини, бир елкамизда тарихга ҳолислик, илмий ҳақиқат билан қараш юки, иккинчи елкамизда эса Ватан ва Миллат олдидаги жавобгарлик, ўтмишимизни асраш, аждодлар руҳини эъзозлаш ва келгуси авлод олдидаги қарздорлик юки борлигини бутун вужудимиз билан англамоғимиз керак.

Зотан, Президент Ислоҳ Каримов ҳам: «Тарих соҳида меҳнат қилаётган олим мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйготсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоя керак. Бу гоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас», — деган эди.

## II БОБ. ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ МАКТАБЛАРИ ВА ОҚИМЛАРИ

### ШАРҚ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Оламнинг яратилиши, инсоннинг вужудга келиши ва кишилик жамиятининг тараққиёт босқичлари Шарқда ўзига хос тарзда талқин этилади. Бу бевосита миллий тафаккур тарзи, Шарқу Фарб уртасидаги тафовутга, муносабатлар ва қарашларнинг турличалигига олиб келган руҳият, феъл-атвор, маънавий-ахлоқий мезонлар натижаси сифатида юзага келди.

Шарқда азалдан тарихга қизиқиш, инсоният тарихий тараққиёти босқичларини ўрганиш кенг тараққий топган. Бу қадимий маконда инсон ва кишилик жамияти, унинг дунёга келишига доир тарихий-фалсафий, тарихий-бадиий асарлар кўплаб яратилган. Жумладан, Абу Жаъфар Табарий (839–923) ўзининг «Тарихи Табарий», «Таърих ар-расул ва-л-мулук» (Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи) номли асарларида энг қадимги даврдан 915 йилгача бўлган воқеалар анча кенг ва батафсил баён этилади.

Абу Бакр Наршахийнинг (899–959) «Таҳқиқ ал-вилоят» (Мамлакат ҳақида аниқ тадқиқотлар), «Таърихи Бухоро», «Ахбор ал-Бухоро» сингари асарлари тарихий таҳлил, воқеалар ва ҳодисаларнинг фалсафий-манتيқий ифодаси билан алоҳида ажралиб туради.

Абу Муҳаммад ал-Куфий (926 йилда вафот этган) «Футуҳи ибн Аъсам», араб тарихчиси ва файласуфи Абу Али Мисковайх (1030 йилда вафот этган) «Адаб ал-араб ва-л-фурс» (Араб ва форсларнинг ахлоқ қоидалари) ҳамда олти жилддан иборат «Таҳсил ал-ахлоқ» (Ахлоқий тарбия) номли китобларида умумий тарих, инсоният яхлит ўтмишининг тараққиёт омиллари, бир қатор халқларнинг анъаналари, турмуш тарзи, ҳаёт тажрибалари ва тафаккур қирралари баён этилган.

Абу-л-Ҳасан ал-Жазоирийнинг (1160–1233) 12 жилддан иборат умумий тарих ҳақидаги китоби унинг тарихий тафаккур ва тарихий жараёнларни таҳлил этишда ўзига



хос мактаб яратганидан далолат беради. У Табарий, Мисковайх ва Байҳақийларнинг илмий тажрибаларига таяниб, уларни ривожлантирди. «Оламнинг яралиши»дан ўз давригача бўлган тарихни фалсафий таҳлил этди ва тарихий тафаккурнинг фалсафий таҳлилига доир жиддий тадқиқотни амалга оширди. «Комил фи-таворих» (Мукаммал тарих) номли асари Жазоирининг тарих фалсафаси соҳасидаги жуда катта илмий жасоратидан далолат беради.

Рашидиддин Ҳамадоний (1248–1318) ўзининг бетакрор тарихий-фалсафий қарашлари, ноёб илмий-назарий кашфиётлари билан машҳур бўлган алломадир. У муаррих, географ, табиатшунос, файласуф, этнограф ва антрополог сифатида ўз даврида ном чиқарган эди. Унинг «Таърихи ғазаний», «Таърихи мубораки ғазаний» номли асарларида инсоннинг яралиши, оламнинг пайдо бўлиши ва қадимги дунёдан 1300 йилларгача бўлган мўғуллар тарихи баён этилган. В. В. Бартольд хулосаларига кўра Рашидиддин Ҳамадонийнинг асарлари – тарихий қомус, қайсики бундай мукаммал асар Осиёда ҳам, Европада ҳам бирор бир халқда йўқ<sup>1</sup>. Унинг мукаммаллиги, бошқа манбаларда учрамайдиган таҳлилий-мушоҳадалилиги, тарихни талқин этишда мутлақо ўзига хослиги шундаки, Европа, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, мўғуллар истило этган турк мамлакатлари ва халқлари тарихи жуда кенг миқёсда тадқиқ этилади. Тарихий жараён оқимида таҳлил орқали фалсафий тафаккур ёрқин намоён бўлади. Тарихий жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар тарихий-фалсафий, ижтимоий-манتيқий услубда ўрганилади. Хуллас, жаҳон тарихи ва умумий тарихий тараққиёт қоидалари, асослари, омиллари ва йўналишлари анча чуқур тадқиқ этилади. Аслини олганда оламини тадқиқ этиш, инсонни тушуниш, унинг ранг-баранг ва хилма-хил оламига қизиқиш Шарқда Фарбга нисбатан анча илгарироқ юзага келган ва бу ўз-ўзидан илмий қарашлар орқали фаннинг дунёга келиши, шаклланиши ва тараққиётига ўзига хос замин яратди.

<sup>1</sup> В. Бартольд. Туркистан в эпоху Монгольского нашествия, стр. 93.

### 1-§. «Авесто» — ижтимоий-тарихий ҳодиса

Кўҳна Шарқ жуда катта тарихий-маданий тараққиёт йўлини босиб ўтган, инсоният тафаккур олами тадрижий ривожини рағбатлантирувчи, руҳлантирувчи, бойитиб борувчи омилларига асос солган муқаддас макон. Зотан, ана шу табаррук заминда илк одамлар ибтидоий тасаввурларининг шаклланиши, уларнинг ҳаёт ва яшашга интилиш туйғуларининг ривожланиши, оламни идрок этиш ва тасаввур қилишнинг дастлабки муъжизавий ҳолатлари юзага келган.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти турли даврларда, турли макон ва замонда юзага келган катта силжишлар, ғоявий-маърифий сакрашлар, кучли руҳий таъсирлар орқали такомиллашиш жараёнини бошдан кечирган. Қадимий Туронда эса ана шундай ҳолатлар ва туб бурилиш ҳодисалари бошқа халқларга нисбатан бирмунча олдинроқ, шаклан ва моҳиятан бирмунча хилма-хилроқ тарзда юзага келдики, бу нафақат ана шу ҳудуд, балки бутун дунё халқлари маданий тараққиётида алоҳида воқеа сифатида ижтимоий-тарихий роль уйнади.

Бундан уч минг йил илгари қадимий Хоразмда дунёга келган «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида катта ижтимоий, маънавий, ахлоқий воқеликка айланди. «Авесто»нинг ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатидаги қадрияти фақат шугина эмас. Балки у бутун инсоният тараққиётининг янги босқичи, тасаввур ва тафаккур оламининг янги сарчашмаси, инсон, ижтимоий ҳаёт, яшаш завқи ва моҳияти билан боғлиқ бўлган ғоят инсонпарвар ғоя сифатида юзага келди.

«Авесто»даги ижтимоий адолатга йўғрилган, ғоят инсонпарвар қарашлар нафақат инсон, балки бутун борлиқ, тупроқ, ҳаво, сув, коинот, юлдузлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар яхлит оламининг узаро муносабатлари орқали инсон маънавий-ахлоқий меъёрларини илк бор ишлаб чиқди. Инсон фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва муносабатларининг қонуниятларини дастлабки кўринишларда, аммо қийматини йўқотмайдиган даражада юзага келтирди. Худди ана шу умуминсоний,

дунёвий ғоялар орқали «Авесто»нинг тарихий ҳодиса сифатидаги моҳияти белгиланади.

Кўпдан-кўп қиргин-барот урушлар, маҳв этишлар, вайронагарликларни кўп кўрган Туронда «Авесто» тинчлик ва ҳамкорлик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат орқали инсон ва инсоният туб моҳиятини юксак даражада тарғиб қилиш билан бирга ана шу жангу жадалларнинг қурбонига ҳам айланди. Унинг дунёга келиши, яратилиши ва жамиятда тутган мавқеи атрофидаги мунозаралар ҳам турли даврларда турлича шаклга кирди. Бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар ўртага ташланди.

Абу Райҳон Беруний «Авесто» ва унинг аянчли тақдири ҳақида гапирар экан: «Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) 12 минг қора мол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто 30 «наск» эди, мажусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди. Биз Қуръон бўлақларини ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто бўлақларидан ҳар бир бўлақнинг номидир»<sup>1</sup>, — деган эди.

Албатта, Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши нафақат «Авесто»нинг бошига солган кулфат билан, балки бутун Шарқ цивилизациясини издан чиқариб, бу ерда яшовчи халқлар маданияти, маърифати, ижтимоий ҳаёт даражаси ва кишилиқ жамияти тараққиётига катта зарба бергани билан изоҳланади. Бу тарихий жараён сифатида Ўрта Осиё цивилизациясининг босқинчилар томонидан барбод этилганлиги сингари кўпдан-кўп ва айни пайтда ғоят изтиробли воқелиқдир.

«Авесто»нинг яратилиши ва унинг буюк қадрияти ҳақидаги маълумотлар кўп. Жумладан, муаррих Балхийнинг «Форснома» китобида «Авесто» 12 минг ошланган мол терисига битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилади. Абу Али Муҳаммад бин Муҳаммад Балъамийнинг

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 238-бет.

«Тарихи Балъамий» китобида эса «Авесто» шоҳ Гуштасб фармони билан 12 минг мол терисига подшоҳ мирзолари томонидан тилло сувида ёзилгани ҳақидаги фикрлар баён этилган.

VII–VIII асрларда Ўрта Осиёга арабларнинг бостириб келиши жуда кўп маданий-тарихий ёдгорликларнинг йўқолишига сабаб бўлди. Жумладан, «Авесто»нинг мавжуд нусхалари ҳам ана шундай фожиалардан, мислсиз жаҳолатдан четда қолмади.

Абу Райҳон Берунийнинг хулосаларига кура «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини урганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (xabар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба Ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолди. Ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилоfli нарсаларни унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар»<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм жаҳолат, бидъат ва хурофот ҳукмрон бўлган маконга айлантирилди. Мислсиз маданият, адабиёт, санъат, фалсафа ва тафаккур тараққиётига чек қўйилди. Тобора шаклланиб бораётган ҳаёт, олам, жамият ва унинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар ўрнида фикрламай яшашга маҳкум этилган жамият юзага келди. Бироқ, ҳар қандай зуравонлик, хурофот ўз кучини курсатмасин, хотира қуввати, қалб ҳофизаси юксак бўлган ушбу макон одамлари хотирасида «Авесто»нинг инсонпарвар ғоялари сақланиб қолди.

«Авесто» таълимотининг зардуштийлик ғоялари дунёнинг қатор мамлакатларида турли мутахассислар томонидан тадқиқ этилди ва зардуштийлик динининг кишилик жамиятини такомиллаштириш, инсон-жамият-жараён яхлитлиги ва изчил тараққиёти, инсон ва табиат ўртаси-

---

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I-жилд, Т., «Фан», 1968, 72–84-бетлар.

даги юксак ахлоқий муносабатларни ўзида мужассам этган ислоҳчилик жиҳатлари илмий-назарий томондан анча чуқур ўрганилди ва эътироф этилди. Жумладан, В. А. Лившицнинг хулосаларига кўра «Рухоний Зардушт энг қадимги диний тасаввурларни ислоҳ қилган шахс сифатида майдонга чиқади, унинг яшаган пайти, ватани ва қаерларда ўз таълимотини тарғиб қилгани мунозарали бўлса-да, унинг афсонавий шахс эмас, реал инсон бўлганлигига шубҳа йўқ»<sup>1</sup>.

«Авесто» ғояларида инсон ва табиат, ҳаёт ва унинг моҳияти атрофидаги илк тасаввурлар илгари сурилади ва бу ғоялар инсоният цивилизациясининг илк куртаклари сифатида ўзини намоён этади. Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт шундан далолат берадики, инсоният тафаккури ва тасаввури эволюцион тараққиётининг илк босқичлари бевосита «Авесто»га бориб тақалади ва ундан етарли даражада қувват олади.

Бундан уч минг йил бурунги одамлар тасаввуридаги илк ўзгаришлар бевосита «Авесто» орқали умуминсоний қадриятлар мақомини эгаллади. Жумладан, «Авесто» турли қабилалар, гуруҳлар уртасида мавжуд бўлган кўпхудолиликка нуқта қўйиб, яккахудолик ғоясини илгари сурди. Бу бевосита диний таълимотда инсон қандай гуруҳ, уруғ, қабила ёки миллатга мансуб бўлмасин, ер юзининг қайси ҳудудида яшамасин, у ёлғиз Аллоҳнинг бандаси ва ягона Аллоҳ унинг асрагувчисидир, деган ғояга олиб келди. Яккахудолик орқали «Авесто» турли қабила ва уруғларни ягона эътиқод, ягона маслак ва ягона ғоя орқали бирлаштириб, умумий манфаатлар атрофида жипслашишига даъват этди.

Иккинчидан, Аллоҳнинг ягоналиги — яккахудолик орқали турли қабила ва уруғлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар ҳамда манфаатлар тўқнашувига чек қўйиб, умумий мақсадлар, умумий ғоялар, ягона эътиқод атрофида бирлашишга олиб келди. Натижада кишилик жамиятининг илк шаклланиш босқичига асос солиб, илк бошқарув тизимининг вужудга келишига, илк давлатчилик бошқарувининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

<sup>1</sup> В. Лившиц. Авеста. Предисловие, «Адиб», 1990, стр. 3.

Учинчидан, одамларни эзгуликка, яхшиликка даъват этувчи илоҳий имдод бўлиб дунёга келди:

«Зардушт илоҳ Аҳура Маздадан сўради:

– Эй, Аҳура Мазда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Эй, Зардушт!

Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа!..

Эй, Зардушт!

Кимки ғалла экса, у ҳақиқатни экади...»<sup>1</sup>

Ана шу тарзда «Авесто» тупроққа муносабат, заминга меҳр-муҳаббат орқали инсонни эзгуликка даъват этади, бунёдкорлик, яратувчиликка чақиради ва тўкинлик, фаровонлик, ризқу рўз ҳақидаги ғояларни илгари суради. Шу билан бирга эл дастурхонига барака киритувчи ғалла етиштиришни юксак қадрият даражасига кўтарадики, унинг моҳиятида меҳнат ва роҳат, яхшилик ва эзгулик, фаровонлик ва тўкин-сочинлик туйғулари ётади.

Зардуштийлик дини инсоният тарихида юзага келган барча динларнинг энг қадимийси, энг кўҳнаси ва айна пайтда инсоният тараққиётига илк рағбатлантирувчи, даъват этувчи маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий қудрат бўлиб дунёга келди. Шарқнинг жуда катта ҳудудидаги халқлар айна ана шу «Авесто» ғоялари орқали ўз турмуш тарзига ахлоқ ва маънавиятнинг, комиллик ва етукликнинг ўзига хос меъёрларини қабул қилдилар ва турмуш тарзига айлантирдилар.

Олов, сув зардуштийлик таълимотида энг муқаддас ва покизалик тимсоли. Уни ифлослаштиришга, булгашга интилишлар ғайриинсоний ва ғайриилоҳий воқелик сифатида талқин этилган. «Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда тортгувчи жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир...»<sup>2</sup> Ана шу тарзда сув ва олов руҳ покизалиги, туйғу мусаф-

<sup>1</sup> «Авесто». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Т., 2001, 358-бет.

<sup>2</sup> «Авесто». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Т., 2001, «Вандидод». 4-фаргард, 54-банд.

фолиги, қалб гузаллиги ва этиқоду умидларнинг безаволиги даражасига кутарилади. Натижада кишилик жамияти маънавий қиёфаси, одамларнинг ички дунёси, фикр-ўйлари ва амалий хатти-ҳаракатларининг маданийлашишига олиб келадиган қудратли мафкурага айланди. Инсон, жамият ва ҳаёт жараёнининг мислсиз равнақиға асос бўлиб хизмат қилди.

«Авесто» ана шу тарзда одамларни эзгуликка даъват этувчи, яхшиликни ҳимоя қилувчи, ёвузлик ва жаҳолатдан узоқлашишга чақирувчи ғояларни илгари сурди:

«Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

– Бутун вужуди илоҳий калом – мансаралар билан қуролланган қудратли илоҳ Сурушнинг Сравашаваризи ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Эй, Ашаван Зардушт!

У Правдарш қушидир (хўроз)... Бу қуш бомдод маҳали эрта тонгда шундай деб бонг уради:

– Эй инсонлар!

Оёққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гузал Аша – ҳақиқатни васф айланг!..»<sup>1</sup>

Бир неча минг йилларки, инсоният тонгни хўроз қичқириги билан кутиб олади. Бомдод пайтида хўрознинг қичқириги уйқудаги одам юрагига қайсидир ҳолатда сирли, синоатли туйғуларни жунбушга келтиради. Ўша қичқирик орқали ҳаёт мавжудлигини, ҳаёт давом этаётганлигини, инсон эзгулик, яхшилик ва муҳаббат билан янги кун тонгда янги қувват ва туйғулар билан қадам ташлаши зарурлигини эслатгандай бўлади. Бу ўзига хос руҳий ҳолат кишини эзгуликка даъват этиши табиий. Ана шу тарзда «Авесто» инсоннинг энг нозик ҳисларига таъсир этади, уни уйғотади, яхшиликка бошлайди. Зардуштийлик таълимотининг муъжизавий қудрати ва ижтимоий-тарихий моҳияти ана шунда кўзга яққол ташланади.

«Авесто» Ўрта Осиё халқлари кўп минг йиллик тарихи

<sup>1</sup> «Авесто». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Т., 2001, «Вандидод». 18-фарғард, 14–16-бандлар.

моҳиятини ўзида мужассам этган. Уч минг йиллик тараққиёт йўли, кишилиқ жамияти эволюцияси, унинг ривожланиш қонуниятлари бевосита «Авесто» ғоялари ва қоидалари асосида ривожланди. Умуман олганда Туронзамин ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий-маънавий олами, ўзига хос беқиёс қадриятлари ана шу муътабар тарихий-маданий ёдгорликнинг меваси дейишимиз мумкин.

«Авесто» ғоялари ҳақида гапирар экан, М. Умарзода қуйидагиларни баён этади: «Зардуштий фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида — ички дунёсида яшайди. Инсон Аҳриман ё Аҳура Мазда тарафида бўлиши мумкин, чунки эзгулик фариштаси уни ҳамisha яхшилик қилишга, лекин ёвуз Аҳриман уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув киши ҳаётининг охириги дамларигача давом этади... Агар биз Авестони улуг ахлоқ китоби десак, муболаға қилган бўлмаймиз. Зардуштийлар яхши сўз, яхши амал ва яхши андишани илоҳийлаштириб, бу уч номлар билан аталган муқаддас Рухларга ҳар кун уч мартадан намоз ўқир эдилар. Моздапарастлик динида ёлғон гапириш, бировни алдаш кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланади. Зардушт ақидасига кўра инсон зулмат ичида қолиб, саргардон бўлмаслиги учун ростлик ва ҳақиқат чироғини қалбида ёқиши керак»<sup>1</sup>. Ана шу тарзда Шарқ феномени — юсак ахлоқ ва одоб, комиллик ва етуклик, покиза ҳаёллар, эзгуликлар ва яхшиликлар инсон моҳиятини белгилайдиган омилга айлантирилди. Айни ана шу инсон феъл-атвори ва муносабатларини белгилайдиган улчовлар Туронзамин халқлари, жумладан, ўзбеклар феъл-атворининг шаклланишига асос бўлди.

«Авесто» инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини тартибга солувчи турмуш меъёрлари қомуси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У инсон ҳуқуқлари, жиноят ва жазо, хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик, ўзаро муносабатларнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқдики, бу билан жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга асос бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат мақомини эгаллади. «Авесто»нинг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатларини ўрганар экан, А. Пе-

<sup>1</sup> Умарзода М. «Овесто» сирлари. «Жаҳон адабиёти» журнали, 1997, 4-сон, 199—200-бетлар.



риханян уни бир неча йўналишларда талқин этади. Жумладан: динга қарши жиноятлар — турли дин вакиллари билан муносабатда бўлиш, оила қуриш, руҳонийларнинг вазифалари, бурчлари, масъулиятлари, худосизлик ва бошқалар.

Шахсга қарши жиноятлар — бировга тазйиқ ўтказиш, зуравонлик кўрсатиш, ҳаётига таҳдид солиш, шифокорларнинг масъулиятсизлиги, айниқса, ёш болали, ҳомиладор аёлларга нисбатан бефарқлик ва бошқалар.

Ҳайвонларга қарши жиноятлар — жумладан, уй ҳайвонлари, итлар, қушлар ва бошқа жонзотларга қарши хатти-ҳаракатлар, уларни қийноққа солувчи ҳодисалар.

Мулкий жиноятлар — ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик, талон-торож қилиш, бировларнинг ҳисобига яшаш, бошқаларнинг мулкига зарар етказишнинг бошқа турлари.

Ахлоққа қарши жиноятлар — эр-хотин ўртасидаги хиёнатлар, гомосексуализм ва бошқа оғир ахлоқий жиноятлар.

Табиат кучларига қарши жиноятлар — Ер, сув, ҳаво, олов, ўсимлик дунёсига зарар келтирувчи, уларни ифлослантирувчи ёки барбод этувчи хатти-ҳаракатлар<sup>1</sup>.

Ана шу жиҳатлардан қараганда «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида оташпарастилик гоёларини тарғиб этиш билан бирга жамият тараққиётида маънавий-ахлоқий меъёрларнинг қарор топишига ва унинг такомиллашишига катта таъсир кўрсатди.

«Авесто»нинг ижтимоий-фалсафий гоёлари инсоният цивилизациясининг сарчашмаси, унга гоёят кучли таъсир ўтказган манба сифатида қўзга ташланади. Гарчи у Ўрта Осиёда дунёга келиб, ана шу макон халқлари ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий меъёрларни ишлаб чиққан бўлса-да, унинг гоёят инсонпарвар гоёлари бутун инсоният маънавий мулкига айланди. Жаҳон фани, хусусан, ижтимоий фанлар намояндалари ундан унумли фойдаланишди. Бу ҳақда атоқли олима Фозила Сулаймонова қуйидаги

---

<sup>1</sup> Э. Ртвеладзе, А. Саидов, Е. Абдуллаев. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., «Адолат», 2001, 218-бет.

фикрга келади: «Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Ҳераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таълимотида эса Ахура Мазда Амаша-Спента — олти кичик худолар — олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейлади. Ҳераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Ҳаво, сув, Ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна утга айланади... Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракат ва ўзгаришда. Қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий ўзгариш ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахура Мазда билан Ангра-Манью, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади... Ҳераклит ҳам Зардушт каби абстракт тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича донишмандлик — илоҳият... Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура Маздаси ва Амаша-Спентаси фаолиятининг айнан ўзи эди»<sup>1</sup>.

Демак, қадимги юнон фалсафаси ҳам қайсидир даражада айни «Авесто» гојларидан баҳраманд бўлган, унинг ҳаётбахш, кишилик турмушига мазмун олиб кирадиган, уни баркамоллаштирадиган бунёдкорлик гојларидан илҳомланган ва фойдаланган. Демокрит, Сукрот, Аристотель ва бошқа юнон алломаларининг фалсафий қарашлари бевосита «Авесто» таъсирида ривожланган ва дунёвий тафаккур даражасига кўтарилган.

Жаҳон фалсафий тафаккурининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш манбалари, унга Шарқ фалсафасининг таъсири, ўрни ва роли хусусида гапирар экан, Ф. Сулаймонова бельгиялик олим Жак Дюшен Гийёменнинг ибратли сўзларини келтиради: «Шарқ ўғлонлари орасидан Фарб биринчи бўлиб Зарадуштрани ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Христос таълимотидан тўрт аср аввал Грецияни бойитди. Зарадуштрани Платон билган. Будда ва Конфуцийларнинг овози Европага етиб келгунча жуда кўп вақт

<sup>1</sup> Ф. Сулаймонова. Шарқ ва Фарб. Т., «Ўзбекистон», 1997, 33-бет.

керак бўлди. Шунинг учун асрлар давомида Фарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зарадуштра орқали таниш бўлган»<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда «Авесто» жаҳон халқлари тарихий тараққиётида инсоният цивилизациясининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилди. Жаҳон динларининг энг қадимгиси сифатида инсоният этиқодининг рамзига айланди. Дунё тарихий тараққиётида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Жаҳон халқлари, турли миллатлар қарашлари, диний этиқодлари, маслаклари ва турмуш тарзларидан қатъи назар Зардуштнинг инсонпарвар ғояларини ўзлаштирдилар, ўргандилар, ўз ҳаётларига татбиқ этдилар.

Маданиятлараро интеграция, турли халқлар ва мамлакатлар ижтимоий тафаккурининг шаклланиши жаҳон тарихий тараққиётининг муҳим омилидир. Қайсидир халққа мансуб бўлган буюк ғоявий қудрат, мўъжизавий тафаккур манбаи ҳаётнинг тадрижий ривожини ва кишилик тараққиётининг эҳтиёжлари орқали умумдунёвий, умуминсоний қадриятга айланади. Халқлар, эллар ва элатлар уни ўз мулкидай қабул қилади ва кундалик турмуш тарзида муҳим манба, етук қоида сифатида фойдаланади. «Авесто» ҳам ана шундай умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган ноёб ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

\* \* \*

Одатда инсоният тарихининг бурилиш нуқталарида, жамият ва инсон ҳаёти тубдан ўзгараётган паллада беихтиёр киши ўз тарихига, қадимий маънавий ва маданий ёдгорликларни ўрганишга эҳтиёж сезади. Унга таянади, ундан мадад излайди. Зотан, инсон мавжудот сифатида кескин янгиланишлар, туб ўзгаришлар жараёнида ўзлигини англашга, ўзлигини тушунишга, инсон сифатидаги нуқсонун фазилатларини, хулласки, яхлит қиёфасини кўз олдига келтиришга мажбур бўлади. Ана шу мажбурият ўтиш даврининг бутун моҳиятини, мазмунини, янгиланишлар самарасини ва тараққиёт омилларини белгилайди.

<sup>1</sup> Ф. Сулаймонова. Шарқ ва Фарб. Т., «Ўзбекистон», 1997, 36-бет.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳаётида ана шундай сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва руҳий янгиланишлар, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар, эзгулик ва ёвузлик тўқнашуви силсилалари даври сифатида тарих саҳифаларида муҳрланмоқда. Бу тарихий жараён кўп қиррали ҳаётимиз сингари тафаккур тарзимизни, онгу шууримизни, феъл-атворимизни, муносабатларимизни бутунлай ўзгартирмоқда. Ана шу аснода жамият янгиланмоқда. Янги жамиятнинг баркамол кишилари шаклланмоқда.

Миллий уйғониш ва миллий тараққиётнинг бугунгидек тарихий босқичларида қадимий ўтмишимизга назар ташлаш эҳтиёжи тобора долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу бежиз эмас. Мустақиллик ғояси, истиқлол тушунчаси бугунги ўзбек тасодифий миллат эмаслигини, у инсоният ибтидоси билан тенгдош эканлигини, бугунги Ўзбекистон давлати эса эндигина жаҳон хариталарида пайдо бўлган «тақдир ўйини» маҳсули сифатидаги давлат эмаслигини, у қадимий давлатчилик анъаналарига эга эканлигини кўрсатмоқда.

«Авесто» қарийб уч минг йиллик тарихимизни қайтадан кўздан кечиришимизни, турли даврлар ва мафкуралар таъсирида сохталаштирилган ўтмишимизга муносиб баҳо беришни, қадимий маданий ёдгорликлар ва маданий меросни яхлитлигича тадқиқ этишни зарурат даражасига кўтарди. Бу бевосита жаҳон меҳваридида ўзининг бутун имкониятини, салоҳиятини кўрсата бошлаётган Ўзбекистон учун янада аҳамиятли.

Тарихга муносабат бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зотан, бош ислоҳотчилик вази-фасини бажараётган давлатнинг ўтмишга муносабатида ана шуни англаш мумкин. «Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади», — деган эди Президент Ислом Каримов. Дарҳақиқат, бу кўҳна замин, қадимий Мовароуннаҳр буюк

цивилизацияларга, инсоният ҳаётига ақл-идрок, тафаккур ва маданият олиб кирган ноёб янгилинишларга она бўлган. Биз ана шу муътабар тупроқ ва илоҳий қудратга ворислик қилаётган авлодмиз.

«Авесто» буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келди. У чексиз тафаккур ва тараққиёт ғояси, умумбашарий маданиятнинг юксак чўққисига айланди. «Авесто» жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган умуминсоний қадриятларнинг ривож топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган буюк фалсафадир.

«Авесто» фалсафаси одам ва одамиятни, шахс ва шахсиятни, инсон ва инсониятни комилликка даъват этувчи, баркамолликка, етукликка чақирувчи улкан ва ноёб қадриятдир.

«Авесто» фалсафаси — одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжами, ифодаси. У инсоннинг ҳиссий ва ақлий оламига таъсир ўтказувчи, кишини фикрлашга даъват этувчи буюк қадрият.

«Авесто» фалсафаси — табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни маънавий-руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, кишини қуршаб олган оламини, унинг тараққиёт омилларини ўрганишга, ҳаёт мазмунини англашга чорлагувчи фалсафа.

«Авесто» фалсафаси — ҳаракатдаги дунё, бутун мавжудот, жонли ва жонсиз оламга нисбатан инсон муносабатларини ақл-идрок, чексиз тафаккур орқали баркамоллаштириш ғоясини ўзида мужассам этади. Инсонга ҳиссий олам билан фикрат дунёсининг синтези шаклида таъсир ўтказиши.

«Авесто» фалсафаси — инсонга хос бўлган поклик, эзгу ният, покиза туйғу, тупроқни муқаддас билиш, Ватанни англаш сингари олижаноб фазилатларни юксак ахлоқий меъёрлар ва тафаккур тарзи орқали ифода этади.

Турли ғоялар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид бўлган, кўпхудолик шаклидаги ғоявий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик ғояси остида мақсадлар муштараклиги,

манфаатлар уйғунлиги, яхлит жамиятни вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа сифатида дунёга келди.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, «Авесто» айрим ҳолларда, ҳатто, давлат яхлитлиги ва бирлигини таъминлашда, бошқарувда умумманфаат ва гоёлар муштараклигини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаган. Бу айниқса сосонийлар даври учун хос хусусият бўлган.

Одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро курашида яхшилик тантанаси ва эзгулик голиблигини таъминлашда одамларга маънавий кудрат, маънавий рағбат, руҳий даъваткорлик вазифасини ўтайди. Бу нафақат зардуштийликка дахлдор бўлган одамларни, балки бутун инсониятни яхшилик сари буришга, кишилик ҳаётида юксак маънавият ва маданиятнинг кириб келишига сабаб бўлади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Авесто» сингари нодир маданий ёдгорликлар қандай гоё ва мақсадга хизмат қилмасин, улар ўз давридаёқ умуминсоний қадриятга айланган. Демак, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, ўқиш ва уқиш зарур. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: Инсоният ҳамиша гоёсидан, мафкураси ва таълимотидан қатъи назар, тараққиётга хизмат қиладиган жиҳатларни ва омилларни ўрганади. Унга эҳтиёж сезади. Уни асраб-авайлайди. Зотан, ҳар қандай цивилизация гоёлар, мафкуралар ва таълимотлар тўқнашувидан, улар орқали оламни англаш, идрок этишдан бошланади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам «Авесто»нинг бугунги мустақиллик шароитидаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий, фалсафий ва мантиқий аҳамияти катта.

Демак, бугун, миллий уйғониш, миллий ўзликни англаш даврини бошдан кечираётган ва янги цивилизация остонасида турган бир пайтимизда «Авесто»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши, уч минг йиллик тараққиёт давомида илк бор нашр этилаётганлиги бежиз эмас. Зотан, ҳозиргача ушбу улкан ёдгорлик рус, француз, немис, инглиз, форс тилларига аллақачон таржима қилинган ва бир неча марта нашр этилган. Чунки улар «Авесто»-

га инсоният цивилизацияси нуқтаи назаридан қарашган ва ана шу қадриятга хизмат қиладиган ҳар қандай ғояни тор диний ва миллий манфаатлардан устун қўйишган.

«Авесто»нинг маънавий қадрияти шугина эмас. «Авесто» қадимий ёдгорлик сифатида ўзининг ноёблиги, муқаддаслиги билан бугунги кун одамларининг маънавий-руҳий ривожланиш ва камол топиш омили ҳамдир. Зотан, янги юз йиллик ва янги минг йилликнинг дастлабки пайтларида яшаётган бир вақтимизда ҳаёт, келажак биздан комилликни, инсон сифатидаги етукликни, одам сифатидаги баркамолликни талаб этмоқда.

Янги юз йиллик тараққиёти бугун инсоният тарихида янги давр, янги эра бошланган бир пайтда цивилизациянинг муҳим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, теран фикр, маънавий-ахлоқий поклик ва руҳий покизалик катта аҳамият касб этаётганлиги ҳаммамизга аён. Зотан, Президент Ислом Каримов «XXI аср маърифат асри бўлиши керак», — деб башорат қилганида айни шу эҳтиёжни назарда тутган эди. Яна у «XXI аср — Ўзбекистон асри бўлади!» — деб хитоб қилган эди. Агар янги аср Ўзбекистон асри бўладиган бўлса, янги аср Ўзбекистонда янги цивилизация, миллий уйғониш, миллий тараққиёт асри бўладиган бўлса, биз қарийб уч минг йиллик тарихий тараққиёт жараёнларида шаклланган турли синовлар, қиргин-қатағонлар, вайронагарликлар ва қурбонликларни енгиб миллатимиз қалбининг гавҳарига айланган ноёб қадимий қўлёзмаларни, маданий ёдгорликлар ғояларини қалбимизга сингдирмоғимиз, англамоғимиз лозим.

«Авесто»нинг ўзбеклар маънавий-руҳий оламидаги таъсири, унинг миллат сифатидаги шаклланиши, ўзбек феномени тушунчасининг мазмун-моҳиятига айланган жиҳатлари кўп. Жумладан, ўзбеклар «Авесто» ва у сингари маънавий-ахлоқий етуклик ҳамда руҳий покизалик ғоялари таъсирида шаклланди, ўзининг соф миллий қиёфасига эга бўлди.

«Авесто» ғоялари бошқа халқлар қаторида ўзбек миллатининг ҳам турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маънавий-руҳий кечинмаларини ўзида мужассам этади. Бу кеча—бугун—эрта узвийлигидан келиб чиқиб учинчи минг

йиллик ўзбеклари ҳамда «Авесто» даври одамлари ва «Авесто» фалсафаси ўртасидаги давомийликни, ворисийликни кўрсатади. Фақат шугина эмас. «Сувга тупуриш гуноҳ, олов илоҳий мўъжиза, покиза руҳ» сингари оталаримиз ўғитларининг, боболаримиз тафаккурининг асоси эканлигидан ҳам далолат беради.

«Ҳақиқат — олий шарофатдир», дейилади «Авесто»да. Зотан, ҳақиқат буюк мўъжиза. У асрлар мобайнида инсониятнинг олий мақсади, инсон қадр қимматининг мислсиз ўлчови бўлиб келди. Одамлар ҳар дақиқада ҳақиқатга интиладилар, ундан нажот излайдилар, Айни ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Ана шу қудрат «Авесто»да ўзининг бутун моҳияти билан ўз ифодасини топган.

«Мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман». Бундай мўъжизакор даъват — инсоннинг минг бир ҳужайрасини, тизгинсиз ва чегарасиз хаёлотини, орзу-мақсадларини жунбушга келтирадиган руҳий ҳолат, ахлоқий даъват, маънавий чақириқ ҳар қандай бағритош инсоннинг қалбини юмшатади. Унда меҳр-шафқат, яхшилик ҳисларини уйғотади. Оқибатда эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал — хатти-ҳаракат, муносабатлар, покиза хаёлот ва яхшиликлар билан яшаш умиди одамни чулғаб олади. Инсон ўзининг ҳаётини, умрини мана шу эзгуликларга бахшида этиб, жамики ёвуз фикрат — ёвуз хаёлот, ёвуз ният, ёвуз калом — ёвуз сўз, муносабатлар, ёвуз амал — ёвуз хатти-ҳаракатлар ва феъл-атворлардан юз буриб, комилликка интилади. Бу инсоннинг ички гўзаллиги, ботиний камолоти ва зоҳирий амалиёти жамулжами — яхлит қиёфасининг бенуқсон суврати эмасми? Улуғ файласуф Форобийнинг «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билинади», деган ҳикматининг мазмуни ундан икки минг йил бурун дунёга келган ва бутун ҳам ўз қийматини йўқотмаган «Авесто»даги эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал тушунчаларидан келиб чиқмайдими? Бу уч унсурнинг яхлитлиги, уйғунлиги айни инсон моҳиятини, унинг бутун борлигини, қадриятини белгиламайдими?



*«Мамлакатни бузадир палид  
 Ҳам лафзсиз тубан каззоблар.  
 Юзлаб аблаҳ муттаҳамлардан  
 Баттар нобуд айлайди улар —  
 Яхшиларни, хайрлиларни».*

Бу қарийб уч минг йил аввал кўҳна Хоразмда дунёга келган, бугунгача нафақат қадимий Шарқ, балки бутун Ер шари аҳлини эзгуликка даъват этаётган мўъжизакор ҳайқириқ. «Авесто»нинг ўлмаслиги, абадийлиги ва буюк қадрияти ана шунда. Зотан, миллат яшар экан, ҳаёт давом этар экан, эзгулик ва яратувчилик абадий. Миллат қонида, халқ қалби ва тафаккурида анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи қатларида «Авесто» ғоялари яшайверади.

## **2-§. Форобий фалсафаси: инсон — жамият — жараён**

Тулиқ номи Абунаср Муҳаммад бин Тархон бин Ўзлуг бўлган Форобий жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида бурилиш ясаган буюк файласуфлардандир. У Уйғониш даври мутафаккирларининг йирик намояндаси сифатида тафаккур оламида ўзига хос йўл очди. Жумладан, инсон, жамият, тарихий жараён, давлат ва бошқарув борасидаги фалсафий қарашларга асос солди.

Албатта, Форобий юнон алломалари Афлотун ва Арасту фалсафаси билан ўз замондошларидан кўра кўпроқ шуғулланган, унинг моҳиятини бошқалардан кўра чуқурроқ тушунган ва ўзлаштирган эди. Натижада шундай новаторлик йўлини топдики, айна ана шу қадимги юнон фалсафасининг ўз даври қарашлари ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан кутилмаган ҳолатда янги қирраларини очиб, уни бойитди, ривожлантирди.

Яна шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Форобий фалсафий қарашларига муносабатда, уни тушуниш ва талқин этишда ҳамон шўро империяси сиёсати ва коммунистик мафкура талаблари сақланмоқда. Алломанинг ғоят серқирра илмий мероси умумий ва юзаки, замонасоз маълумотлар шаклида баён қилинмоқда. Форобий фалсафасининг барча қирралари, кўлами ва илмий-назарий аҳамияти бир ёқлама, яъни дунёвий тафаккур тарзи меъёрларига мос томонлари тадқиқ этилмоқда. Ваҳоланки, Фо-

робийнинг илмий-фалсафий феномени дунёвий ва диний қарашлар ўзаро кесишган жойда яққол намоён бўлади. Қомусий билимлар мажмуи бўлган ушбу ҳолатни академик М. Хайруллаев туғри талқин этади ва унинг қатор соҳалар бўйича илмий қарашлари яхлит тизими ҳақида фикр юритади ҳамда уларни санаб ўтади: тил ҳақидаги билим, мантиқ, математика, оптика, сайёралар, муסיқа, оғирлик, механика, табиий ва илоҳий илмлар (метафизика), сиёсат, юриспруденция (фиқҳ), мусулмон теологияси (қалом) ва бошқалар<sup>1</sup>.

Демак, Форобий ҳар қандай қарашлардан қатъи назар инсон ва ҳаёт фалсафасининг ёрқин ижодкори. У фан ва ҳаёлот, илмий-назарий таҳлил ва ваҳийликнинг муштарак йўлини топа билди. Худди ана шу жиҳати билан дунёвий тараққиётга, илк уйғониш даври цивилизациясига мисли қўрилмаган ҳисса қўшди ёки С. М. Хотамий ибораси билан айтганда «Форобий – ислом фалсафаси ва мустаҳкам рационал (ақлга асосланган) тафаккур тизимини яратган одам. Унинг мактаби юнон файласуфлари қарашлари билан жамийки ўхшаш жиҳатларига қарамай, умуман олганда ҳам, алоҳида томонларини олганда ҳам, нодир ҳодисадир»<sup>2</sup>.

Инсон ва жамият, инсон ва табиат, олам ва одам ўрта-сидаги муносабатлар дунёвий тафаккур асосида Форобий зақоси билан бутунлай янгича талқин этилди. Бу даврда мавжуд бўлган илоҳий қарашлар, ислом тафаккур тарзи илк бор дунёвий фанлар билан уйғун ҳолда таҳлил қилинди. Ана шу тарзда жамият тараққиёти қонуниятлари, инсоният тадрижий ривожининг асослари ва кишилик жамияти шаклланиши, ривожланиши ва тараққий топишининг ўзига хос талқини Форобий мактабида вужудга келди. Бу мактабда фалсафий ва табиий фанлар бир-бирини тўлдирадиган, шаклан турлича, моҳиятан муштарак ҳолда ўзига хос мақомга эга бўлди.

Дарҳақиқат, Форобийнинг буюклиги ва фалсафада бе-

<sup>1</sup> М. Хайруллаев. Шарқнинг машҳур мутафаккири. Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шаҳри», Т., Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 7-бет.

<sup>2</sup> С. М. Хотамий. Ислам тафаккури тарихидан, Т., 2003, 65-бет.

назирлиги, фалсафий тафаккурининг инсон ҳаётини ва истиқболини рационал ўрганишдаги кенг имкониятлари шундаки, у илмнинг барча соҳаларида ўзигача бўлган даврда биринчи бўлган шахсдир. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, Форобий яратган буюк мактаб туфайли дунё фалсафий тараққиёти, унинг барча ютуқлари бевосита Форобий қарашлари асосида қурилган. Бу — шубҳасиз. Буни Саййид Муҳаммад Хотамий қуйидагича изоҳлайди: «Шариат, тариқат ва рационализмнинг ҳамда нимаики Ислом цивилизацияси ўз чўққисида борлиқни шарҳлаб тушунтириш, ҳаёт йўлини кўрсатиш борасида эришган бўлса, жамлаб ифодалаган «Садрул Мутолиҳин» китобидан кейин бирор арзигулик ғоя дунёга келмади. Мазкур китоб эса шу соҳада яқуний тўпламдай бир асардир»<sup>1</sup>.

Форобийнинг инсон ва жамият ҳақидаги рационал фалсафаси бевосита тарихий тараққиёт, тарихий ривожланиш асослари, унинг ўзига хос омиллари, дунёвий ва диний қарашларнинг синтези сифатида юзага келдики, бу инсоният тарихида ўзига хос қарашнинг ёрқин намунаси.

Форобий кишилик жамияти, унинг ривожланиш қонуниятлари, шаҳар (мамлакат) аҳолиси ва ҳоким муаммолари, давлат ва бошқарув масалалари хусусида гапирар экан, у реал воқелик ва унинг истиқболи ҳамда таназзули сабабларини қидиради. Бироқ бирор жойда тарихий тажриба, тарихий жараён таҳлили ва унинг сабоқлари, тарихни англаш, идрок этиш ва баҳолаш тамойиллари ҳақида аниқ фикр юритмайди. Аммо, Форобий илмий-фалсафий меросининг беқиёс қадрияти шундаки, у бевосита инсон ва унинг моҳияти, кишилик жамияти ва унинг қонуниятлари, ривожланиш омиллари, бошқарув усуллари, эркин фуқаролик жамияти ҳақидаги фавқулодда хулосалари билан истиқболни белгилашда, ижтимоий-тарихий жараённи эзгулик сари буришда катта аҳамият касб этди, ўзидан кейинги тарихий тараққиётда муҳим дастур вазифасини ўтади.

Форобий мутаассибликка қарши равишда маърифатлилик ғоясини илгари сурди. Инсон тафаккурининг чек-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 65-бет.

сизлигини, ақл ва закосининг ноёб қадрият эканлиги, инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқ қилувчи муҳим хусусияти ҳам худди ана шу ақл ва заковат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бевосита ана шу қудрат туфайли инсон ўз ҳаётини қуришга қодир бўлган, истиқболини белгилаб биладиган хилқат даражасига кўтарилади ва бу ҳолат илмий-назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилади. Зотан, унинг тафаккур тарзи инсон ва жамият фалсафасини чуқур англаб етганида, янги ғоялар ва фикрлар берганидагина эмас, балки ўша пайтда ягона ҳукмрон бўлган дин ва табиий фалсафа орасидаги муносабатларни қатъий ва аниқ ифодалагани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгида бирга яшаши мумкинлигини уйғунлаштириб, исботлаб берганлигидадир<sup>1</sup>.

Форобий мушоҳадаларида кишилик тарихий тараққиёти шу даражада чуқур тадқиқ ва таҳлилга асосланадики, ундан келиб чиқадиган фалсафий мушоҳадалар кишилик жамияти тараққиёти тажрибалари асосида реал ҳаёт, реал турмуш тарзи ва истиқболни аниқ кўра билишга асосланган ғоялар устуворлик қилади. Ўз даврига хос бўлган ривоятлар, афсоналар ва асотирлар асосидаги мавҳум фалсафага ҳамда интуиция орқали башорат қилиш оқимларига кескин қарши чиқади. Уларни рад этиб, рационал ғояларни ва дунёвий тафаккур асосларини илгари суради.

Форобий фалсафасида жамиятни бошқаришда элитанинг ўрни ва роли, жамиятнинг сараланган, унинг тараққиётига таъсир ўтказишга қодир ва ақлий салоҳияти юксак бўлган қатламининг вазифалари анча чуқур тадқиқ этилади. Унинг сиёсий тафаккурида элита, яъни зиёлилар, ақл йўриғи билан иш юритадиганлар ҳамиша одамлар тақдирини ва жамият истиқболини белгилайдилар. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Саййид Муҳаммад Хотамийнинг қуйидаги хулосаларига эътибор беришни жоиз деб ўйлаймиз: «Форобий фикрича файласуфлар жамиятда биринчи даражали мавқега эга. Фалсафа эса диалектика ва риторикадан кейин шаклланган бўлса-да, ўзининг аҳамиятига кўра ҳам, такомилга кўра ҳам улардан аф-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 69-бет.

залдир. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқега эга. Чунки фалсафа — мағз, дин — пўстлоқ, аниқроғи — фалсафанинг қуроли. Шу боис ашрафу аъёнлар (илмий элита) даражалари эътиборига кўра фақиҳлар ва каломчилар охириги ўринларда турадилар»<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда Форобий ҳар бир халқ орасидаги нуфузли, ақл-заковатга эга бўлган ва алоҳида мартабали кишиларни айни ана шу халқ янги тарихининг моҳиятини белгилайдиган, ҳаёт мазмунини бойитадиган воқелик даражасига кутарди. Бундай ёндашиш бугунги фалсафа, ижтимоёт ва сиёсатшунослик фанларида алоҳида урганилаётган сиёсий элита ва жамият тараққиёти муаммоларнинг пойдевори сифатидаги мақомга эга.

Форобий қарашларига кўра жамият асосини халқ ташкил этади. Халқнинг дунёқараши, феъл-атвори, оламни англаш ва тушуниш даражаси, урф-одати ва анъаналари бевосита унинг ўзига хослигини, инсоният тарихий тараққиётидаги ўз ўрни ва мавқеини белгилайди. Демак, жамиятнинг умумий савияси, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий билимлилик даражаси, ақидалари бевосита ана шу халқ маданиятини, маданий турмуш тарзи қўламини белгилайди. Ана шу ўлчовлардан келиб чиқиб, уларнинг моҳиятини, мазмунини ва мантигини тушуниш учун Хотамий фалсафа ва дин, Каломуллоҳ ва ақл орасида қандай алоқа бор, деган саволни қўяди ва унга Форобийнинг фалсафий қарашлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб қўйидагича жавоб беради: «Фалсафа ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай ифодалаб кўрсатишдир, дин эса унинг рамзий, тамсилый (образли) аксланиши. Фалсафа — асос ва моҳият бўлса, дин — тимсол ва шакл. Диалектик (мунозара усули) ифода жамиятнинг кам сонли аъёнлари (элита) учун керак. Ваҳий йўлидаги ифода эса халқ оаммасининг идроки, таълими ва тарбияси учун зарур»<sup>2</sup>. Шу тариқа Форобий фалсафасида рационал қарашлар устуворлиги орқали дунёвий тафаккурнинг ўзига хос, бутунлай янги саҳифалари очилади. Диний ва дунёвий та-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 78-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 79-бет.

факкурнинг халқ турмуш тарзи ва мавжуд ҳукмрон ғоялар асосидаги ҳаётий қоидалар синтезлаштирилади.

Масаланинг иккинчи мантиқий томони ҳам бор. Фалсафа интеллектуал салоҳиятни белгиловчи, тафаккур ва ақл мўъжизасини курсатувчи омил вазифасини ўтаса, дин халқ ялпи турмуш тарзини, ахлоқий меъёрларини ва хатти-ҳаракатларини тоат-ибодат ва тақво орқали тартибга солувчи ҳодисадир.

Форобий фалсафасига кура кишилик жамияти тарихий тараққиёти, унинг ривожланиш омиллари бевосита ақлга таянади. Шунинг учун у инсондаги айни ана шу ноёб қадриятнинг камолотга етишишига алоҳида эътибор билан қарайди. У одам қандай қилиб комилликка эришиши мумкин деган масала атрофида жиддий фикр юритади ва «Комилликка эришишнинг шарти ҳайвоний инстинктларни тарк этиш ва моддий эҳтиёжлардан батамом қутулиш» деган хулосага келади.

Ана шу ҳолатнинг ўзи кишилик жамияти маънавий қиёфасини курсатадиган ўлчов, уни баркамолликка давват этувчи омил бўлса, диний қарашларда нафс ва моддий дунёнинг барча неъматлари инкор этилиб, маънавий юксаклик ва етуклик — Аллоҳга яқинлик даражасида тушунилади ва бу ислом фалсафасининг мағзидан келиб чиққан ғоя дейиш мумкин. Ёки Форобий фалсафаси таҳлилига Хотамий қарашлари билан ёндашадиган бўлсак, «Илк борлиқ таҳлилидан идрок, фикрловчи руҳ ва фаол ақл соҳиби бўлган инсон ҳаёти манбаларини ўрганишга ўтади. Айни шу сифатлар инсонни улугвор ва мукаррам этувчи сифатлардир»<sup>1</sup>.

Форобий кишилик жамияти ривожланиш қонуниятларини ўрганар экан, унинг асоси инсон деган хулосага келади ва уни ҳар қандай тарихий тараққиётни белгиловчи омил сифатида баҳолайди. Натижада инсон ҳаёти мазмуни, кишилик тақдири ва турмуши моҳияти Форобий фалсафасида алоҳида мавқе касб этади. Зотан, инсон бахтсаодатга лойиқ хилқат сифатида талқин этилади. Айни ана шу ҳаёт шуқуҳи, шавқу шуури, лаззати ва фараҳбахшлиги

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 105-бет.

бевосита унинг қўлидалиги, ҳар ким ўз тақдирининг эгаси ўзи эканлиги сингари чуқур ҳаётий мантиқ, ҳаётий фалсафа, ижгимой қонуният илгари сурилади ва Форобий: «Агар инсон илоҳий эзгуликларни умид қилса, унинг ҳаёти қувончли, ҳаёт тарзи эса жуда гўзал бўлади. Гўзал ҳаёт тарзи эса халқ назарида ҳам, Худо назарида ҳам юксак бўлади»<sup>1</sup>, — деган хулосага келади.

Форобийнинг хулосаларига кўра, инсон ўз ҳаётининг ижодкоридир. Демак, бахт-саодатга етиш ёки етмаслик ҳам узининг измида. Бунга эришиш эса фақат ақл қувватига, унинг қувваи ҳофизасига, маънавий, ҳиссий ва руҳий даражасига боғлиқ. Алломанинг фикрича бахт-саодат шундай бир ҳолатга эришишдирки, унда инсон аҳли ва руҳи нафс, фаровон яшаш, бойлик ва бошқа барча неъматлардан устун келадиган, узининг табиий мавжудот сифатидаги эҳтиёжларини бошқара биладиган, маънан юксак, баркамол, руҳан мусаффо хилқатга айланишдир.

Форобий бир томондан, инсон бахт-саодатга эришишини, юқорида айтганимиздек, руҳ ва ирода кучи, юксак ахлоқ ва одоб йуриғи билан амалга ошриладиган эзгуликларда кўрса, бошқа бир ҳолатда дунёқарашларнинг кенглиги, билимдонлик ва донишмандлик фазилатининг юксаклиги, ақл ва фаросатнинг баландлиги бахтга эришиш йулидир, деган хулосага келади. Фозиллик, донишмандлик инсон фазилатининг юксак чўққисидир. Бошқача қилиб айтганда, уни ҳар қандай ёвузликдан, ҳар қандай ёмонликдан ва нафс офатидан асрагувчи муъжизавий қудратдир.

Дунёвий фан тили билан айтганда эзгулик ва ёвузлик, диний тафаккур нуқтаи назаридан қараганда хайр ва шарр инсон табиатига хос нарса. Унга эришиш қайси йўлни танлаш, қайси йўлдан бориш, ўз ҳаётини у ёки бу томонга буриш ҳар кимнинг ўз қўлида. Форобий буни жуда аниқ ва равшан ифодалаб беради. Айни ана шу ҳолатни талқин қилар экан, Саййид Муҳаммад Хотамий қуйидагиларга жиддий эътибор беради: «1. Бахт-саодатни тушунадиган ва у ҳақда онгга эга бўладиган қувват — бу назарий ақл

<sup>1</sup> **Форобий Абу Наср.** Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 37-бет.

қувватидир. 2. Бахт-саодат англашилган ва инсоннинг қувватлари ва рағбатлари нурланишида диққат мавзуига айланганда, у бемалол унга қараб интилади. 3. Амалий ақл ҳаракатлана бошлаганда ва бахт-саодатга эришиш учун фаол равишда воситалар ҳамда феъл суратларини қидира бошлаганда (қузга намоён бўлиб қолади). 4. Бу воситалар ва усуллар англашилганда, инсон рағбатлантирувчи механизмлар орқали уларни амалга оширади. 5. Бундай пайтда иккита қувват — тахайюл қуввати ва ҳислар қуввати ҳам назарий ақлга хизмат қиладилар ва у билан баҳамжиҳатликда иш олиб борадилар. Улар инсонга унинг саодатига эришиш йулида интилишларига кумакдош бўладилар. 6. Булар амалга оширилганда, инсон нимаики қилса, у фақат эзгулик (хайр) бўлиб чиқади»<sup>1</sup>.

Шу тариқа Форобий бугунги сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан «фуқаролик жамияти» деб аталадиган жамият эркинлиги, шахс озодлиги тамойили устувор бўлган кишилик жамиятининг ўзига хос назариясини яратди. Бу бевосита реал ҳаётнинг рационалистик нуқтаи назаридан ўзига хос таҳлилини ва ўз даврига нисбатан эса фандаги туб бурилиш нуқтасини ўзида ифода этади.

Форобий фуқаролик жамияти қонуниятлари, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, кишилик жамияти тарихий тараққиётининг янги тажрибалари ва илмий таҳлили асосида ўзига хос фикр юритади. Жумладан, у «Фуқаролик таълимоти инсоннинг феъл-атвори ва иродавий ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларни қараб чиқади, шунингдек, унинг хулқ-атворидан ҳосил бўладиган малака, ахлоқий сифатлар ва одатлари билан боғлиқ жиҳатларини ўрганadi. Бу фан шу каби ушбу ҳаракатларни юзага келтирадиган мақсад ва вазифаларни муҳокама этади. У инсонга ўзига хос муносиб қобилиятлар билан боғлиқ масалаларни ҳам ўрганadi ва ушбу фазилатларни ўзлаштириш имкониятларини кўрсатади. У илм инсон фаолиятининг турли натижа ва самараларини қараб чиқиб шуни

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 109-бет.



тушунтирадики, (ушбу фаолиятнинг) баъзилари — ҳақиқий саодат бўлса, баъзилари тасаввурдаги саодат бўлиб кўрингани билан у ҳақиқий эмас»<sup>1</sup>.

Бу билан Форобий реал ҳаётдан ва реал воқеликдан инсонни узоқлаштирмайди, мавҳум ва кўз илғамас тасаввурларга чорламайди. Аксинча, у инсонни ўз ҳаётининг меъмори ўзи эканлигига, фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар ҳар доим такомиллашиб, ривожланиб бориши зарурлигига, бундай имконият фақат ва фақатгина инсонга берилганлигига ишора қилади. Ана шу тарзда ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол иштирок этиш, шу орқали ўз яратувчилик ва бунёдкорлик имкониятларини рўёбга чиқариш зарур деган даъватни уртага ташлайди. Натижада кишилик жамияти мазмун-моҳияти бойиб, инсон қадр қиммати ошиб бориши ва охир-оқибатда у ижтимоий қадриятга, мўъжизакор хилқатга айланишини айтади.

Форобий кишилик жамияти таҳлиliga киришар экан, уни иккига бўлади. Яъни жамиятни кенг миқёсда макроолам сифатида ва тор миқёсида микроолам сифатида тадқиқ этади. Ана шу кенг миқёсдаги макрооламни у тулик жамият деб номлайди ва унда инсоният ҳаёти, умумий хонадонимиз ва нажот майдонимиз бўлган Ер юзидаги кишилик жамияти, ундан кейин ўртача жамият — маълум бир ҳудуд ёки мамлакат, бошқача қилиб айтганда, маълум бир динга мансуб халқлар яшайдиган маконни тушунади.

Кичик жамият деганда эса микроолам — маълум бир маҳалла, овул ёки қишлоқда яшайдиган, қолаверса, бир оила доирасидаги митти жамиятни тушунади. Ана шу таҳлиллар орқали у умуминсоний тараққиёт ва цивилизациялар келиб чиқиши илдишларини очади, омилларини топади. Унинг хулосаларига кўра ҳар қандай жиддий тараққиёт, инсоният тарихидаги буюк силжишлар макроолам тасаввурлари, тафаккур тарзи, аҳлий ва ижодий салоҳиятининг маҳсулидир. Микроолам — маълум бир оила, маҳалла ёки қишлоқ бундай ялпи тараққиётга қодир эмас. У фақат ўзи-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 110–111-бетлар.

нинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларинигина ҳал қилишга ва кундалик эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган, бутун инсоният тараққиётига дахлдор масалаларни ҳал қила олмайдиган бирлик деб тушунади. Натижада «энг яхши фазилат ва олий даражадаги комилликни энг кичик бирлиги шаҳар ҳисобланадиган маданий жамият ичидагина қўлга киритиш мумкин. Тулиқсиз жамиятлар инсонни такомиллаштиришга қобил эмас»<sup>1</sup>, деган қатъий хулосага келади.

Ана шу тарзда Форобий ўз даврида борлик, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни шу даражада чуқур тадқиқ этадики, бу фундаментал ғоялар бугунги фалсафий тафаккурнинг бевосита пойдевори ва зифасини бажармоқда.

Кишилиқ жамияти тараққиётида давлат ва бошқарувнинг ўрни, сиёсий бошқарувда адолат мезонлари, бошқарувчининг феъл-атвори ва бошқариш одоби ҳар қандай макон ва замонда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Натижада давлат бевосита жамиятни эзгуликка даъват этувчи, ўз фуқароларини яхшилиқ, эзгулик, бунёдкорлик фазилатларини бойитувчи, бошқача қилиб айтганда уни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи механизм даражасига кўтарилади.

Давлат жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч. Фуқаролар хоҳиш ва иродасини ўзида ифода этган, унинг истиқболини белгилайдиган ва умуман олганда, инсон умрига мазмун бахш этувчи воситадир. Ана шу тарзда давлат ўз фуқаролари тарихий тажрибаларига таяниб, уларнинг турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари ва хулқ-атворларини такомиллаштириш орқали тарихий тараққиётга қувват берувчи омилдир. Ана шундан келиб чиқиб Форобий «Давлат бу эзгу анъаналарни сақлашга одамларни қизиқтириши лозим, акс ҳолда у одамлардан ажралиб қолади», деган хулосага келади ва фикрини давом эттирар экан: «Бундай давлат халқ учун маълум бўлган хизмат ва фазилатлар туфайлигина пайдо бўлиши мумкин, шундагина итоат қилиш одатлари қўллаб-қувватланади. Бу хизмат шоҳлик ёки амирлик ёинки халқ танлаган

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 113-бет.

исталган бошқа номдаги бошқарув булади. Сиёсат ана шу каби хизматнинг натижасидир»<sup>1</sup>, — дейди.

Демак, Форобий тасаввурида давлат ҳамиша халқ хизматида булади. Халқ тақдири давлат тақдирида узини намён этади. Иккинчи томондан эса давлатни халқ ихтиёрини равишда қабул этса, эътироф этса, сиёсий фанлар тили билан айтганда легитимлиги таъминланади. Унинг сиёсатида, бошқарув усулида, даъватларида халқ манфаатлари устуворлик қилади ва натижада юксак маданиятли кишилик жамияти, халқ манфаатлари тула ҳимоя қилинган ҳуқуқий демократик давлат вужудга келади.

Форобий бир жойда «Агар шаҳар ўз қонунчилигида ҳақиқий муҳаббат, юксак ахлоқ, баркамол ақлга эга бўлмаса, унинг қисмати ҳалокат ва парокандалик булади, агарда бу уч (гузал нуқталар) бўлса, албатта у фаровонлик ва бахтга етишади»<sup>2</sup>, — деса, бошқа бир ҳолатда «Бошқарув ҳам қонунларнинг сонига ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув — ёмон қонунларга, етук бошқарув — етук қонунларга боғлиқ»<sup>3</sup>, — дейди. Бу билан Форобий тарихий жараён ҳисобланадиган мамлакат ҳаёти, унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, фаровонлик даражаси бевосита бошқарув асосларига, унинг шакли, усул ва услубига, қонун ва қарорларнинг, ҳукмлар ва ҳулосаларнинг қай даражада асослилигига боғлиқ, деган гоёни илгари суради.

Ҳар қандай жамиятда фуқаролар феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва муносабатларининг хилма-хиллиги назарда тутилса, қатъиятлилик билан муруватлилик, талабчанлик билан меҳрибонлик зарурий эҳтиёждир. Форобий ана шу ҳаётини тамойилдан келиб чиқиб, «Мамлакат аҳолиси хушхулқликка эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади»<sup>4</sup>, — деган ҳулосага келади ва фикрини давом эттириб, «жоҳил одамлар устидан ҳукмронлик ва уларни ҳоки-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 116-бет.

<sup>2</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 32-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 33-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба. Ўша жой.

миятга бўйсундириш ҳақиқатан тўғри иш эканлигини»<sup>1</sup>, — айтади. Яна бир жойда жамият ҳаётига зарар келтирувчи, таҳдид солувчи ишлар ҳақида гапирар экан, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида «саъй-ҳаракати, ҳуқуқлари ва мақсадлари (адолатли) ҳокимларга қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни тозалашдир»<sup>2</sup> — деган ғояни илгари сурадики, бу давлат, бошқарув, ҳокимият ва унинг адолатли фаолияти масалаларида ўрта асрларда шаклланаётган фалсафий, сиёсий, тарихий, ижтимоий тафаккурнинг нақадар юксаклигидан далолатдир.

### 3-§. Берунийнинг тарих фалсафаси (973–1048)

Улуғ Шарқ мутафаккири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Шарқ тафаккур оламининг ўзига хос йўналишини очиб берди ва инсоният тарихи, унинг вужудга келиши, тараққиёти ҳамда таназзуллари атрофидаги мавжуд фикрларга аниқлик киритди. Турли зиддиятли қарашларни бутун моҳияти билан ўрганиб, унга ўзига хос ёндашиб, мавжуд қарашларни кескин тарзда бойитиб, унинг ўзанини ўзгартириб юборди. Аниқроқ қилиб айтганда, Беруний оламнинг яралиши, инсоннинг вужудга келиши, халқларнинг тараққиёт босқичлари, тарихий воқеалар, табиий ҳодисалар, уларнинг моҳиятини илмий асосда ўрганиш мактабини яратди. Ушбу мактаб бугун моҳият-этибори билан дастлаб Шарқ, кейинчалик Ғарб фалсафий тафаккурининг тамал тошини қўйди.

Берунийнинг 1030 йилда ёзган ва «Ҳиндистон» номи билан машҳур бўлган «Таҳқиқ мо ли-л-ҳинд мин маъкула мақбула фи-л-ақл ав марзула», яъни «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш» деб номланган асарида баён этилган бетакрор илмий ғоялар одам ва олам ҳақидаги тасаввурларни кескин ўзгартириб юборди. Бу асар бутун моҳияти билан тарих фалсафасининг ўзига хос ва ноёб кўринишидир. Унда инсоният та-

<sup>1</sup> **Форобий Абу Наср.** Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 37-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. Уша жой.

раққиёти, унинг омиллари ва моҳияти дунёвий тафаккур орқали тадқиқ этилди ва қутилмаган хулосалар илмий асосланган ҳолда ўртага ташланди.

Асарнинг узига хос тарихий, илмий ва фалсафий қадрияти шундаки, у ҳамон жаҳон халқлари тарихини урганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда ва тарих фалсафаси тараққиётида, тарихни фалсафий англаш жараёнида забт этиб бўлмас чуққи даражасига чиқди. Дарҳақиқат, бу асарга Мағрибу Машриқ олимлари, йирик мутахассислари доимо қизиқиш билан қарайдилар. Уни жуда катта эҳтирос билан ўқийдилар. Шунинг учун ҳам таниқли олим В. Р. Розен «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиётида бунга тенг келадиган асар йўқ»<sup>1</sup>, деган эди.

Асар гарчи «Ҳиндистон» деб номланса-да, «ҳиндларнинг ақлига сиғалиган ва сиғмайдиган таълимотларни аниқлаш»га бағишланган бўлса-да, уни бутун моҳияти билан инсоният ўтмишининг тарихий-фалсафий талқинини, илмий-назарий ечимлари ва асослаган хулосаларини назарда тутиб ушбу йўналишда Ғарбу Шарқнинг бутун дунё динлари, қарашлари ва дунёвий тафаккур ўлчовларининг синтези сифатида юзага келган нодир асар дейиш мумкин. Аслида ҳам шундай. Зотан, унда инсон келиб чиқшининг диний ва дунёвий қарашлари, инсоният тараққиётининг турли босқичлари, даврлари, подшоликлар ва пайғамбарларнинг дунёга келиши, уларнинг жамият тараққиётидаги ижтимоий, маънавий, маданий ва ахлоқий таъсирлари, қарашлари ва муносабатлари қиёсий тарзда ўрганилади.

Берунийнинг ушбу асари ўз даврининг мутлақ ягона воқелиги эмас эди. Чунки бу пайтда подшоликлар ва пайғамбарлар ҳаётига бағишланган турли-туман хотиралар, афсоналар ва ривоятларга асосланган маънавий-маърифий асарлар, саёҳатномалар, бадиалар кўпдан-кўп ёзилган эди. Берунийнинг даҳолик қудрати шундаки, у ўзига-ча яратилган ва мавжуд бўлган манба ҳамда адабиётларнинг энг асосийларини мумкин қадар чуқур ўрганиб,

<sup>1</sup> В. Розен. Рецензия на издание арабского текста Индии, 380, РАО, III, СПб, 1881, стр. 147. А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, «Фан», Т., 1968, 10-бет.

уларнинг ҳар бирига муносиб баҳо бериб, энг асосли хулосаларни илгари сурди. Бу хулосалар ҳозирга қадар илмий янгилиги, долзарблиги, назарий асосланганлиги, муҳим концептуал аҳамиятга эгаллиги ва улкан ижтимоий моҳият касб этганлиги билан алоҳида қадрли.

Тарихни ўрганар экан, инсоният келиб чиқиши ва унинг ривожланиш динамикасини таҳлил қилар экан, Беруний ҳақиқатга ишонмовчи кишилар билан мунозара қилиб, уларни скептицизмда айблади ва булар «қатъий ҳужжатларни қабул этишда худди шердан кўрқиб қочган эшаклардек қочадилар»<sup>1</sup>, — дейди.

Шарқ тарих фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, унда турли даврларда ҳукм сурган подшоликлар ва уларнинг сулолалари тарихий давр сифатида қабул қилинади ва ана шу даврда юз берган барча воқеалар, маънавий-ахлоқий мезонлар, маданий ва ижтимоий тараққиёт бевосита ана шу подшоликлар ва уларнинг сулолалари юргизган сиёсат асосида ўрганилади.

Беруний ҳам ана шу тартиботдан унумли фойдаланган. У ўзининг «Осор ал-боқия» деб номланган асарида турли даврларда ҳукм сурган подшоликлар ва сулолаларнинг кўпдан-кўп жадвалларини киритган: Македониялик батлимуслар (птолемейлар), рум, христиан, қадимги Эрон, сосонийлар сулоласи подшоҳлари, араб халифалари (уммавийлар ва аббосийлар) кабиларнинг ўз даврига хос шажаравий-тарихий жадвалини яратди. Улар ўта аниқ ва ишончли манбалардан олинган бўлиб, подшоҳларнинг ҳукмронлик қилган даврлари деярли туғри курсатилган. Улар бошқа тарихий китоблар билан солиштириш натижасида тўла исбот этилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Берунийнинг ушбу асари инсоният тарихини ўрганувчи мутахассислар, тарихчилар, социологлар, файласуфлар, этнографлар ва демографлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда<sup>2</sup>.

Атоқли манбашунос Исматулла Абдуллаев Беруний-

<sup>1</sup> И. Абдуллаев. «Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари» асари. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., 1968, 16-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. Ўша жой.

нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия») асари хусусида фикр юритар экан, аллома ўз даврининг ижтимоий муҳити, кишилиқ тарихий тараққиёти, халқлар, урф-одатлар, маданиятлар ва оламни англаш борасидаги қарама-қарши фикрларни анча чуқур эгаллаганлигини баён этади. Жумладан, Беруний юнонлар, румликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, ҳарронийлар (юлдузга топинувчилар), қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва мусулмонларнинг вақт ўлчовлари, йил ҳисоблари, ҳайитлари ва муқаддас кунларини ижтимоий-тарихий, маданий ва маърифий жиҳатдан анча чуқур ўрганган. Бу инсоният тарихини бевосита фалсафий ўрганиш, мантиқий хулосалар чиқаришга асос бўлган.

Берунийнинг тарих фалсафаси айна ана шу турли халқлар, мамлакатлар, минтақаларда мавжуд турмуш тарзи орқали ривожланиш омиллари, тараққиёт йўналишларини ўргангани ва тегишли хулосалар чиқаради. Бу бевосита антропология, антропогенез, демография ва этнография билан боғлиқ бўлган қомусий тадқиқот усулини тақозо этади.

Беруний қадимги халқлар тарихи, уларнинг маънавий-маданий ёдгорликлари, ижтимоий-ахлоқий қарашлари хусусидаги ушбу асарини қандай мақсадда ёзганини қуйидагича ифода этади: «Адиблардан бири мендан (турли) халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилоф сабаблари, машҳур байрамлар, (ҳар хил) вақтлар ва юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа (маросимлар) ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, (турли) китобларни ахтариш ва шу китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолмайдиган (бир асар ёзишга) даъват этди»<sup>1</sup>.

Беруний ана шундай мураккаб ва ўта масъулиятли ва-

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 15-бет.

зифани зиммасига олган эди. Маълумки, биринчи уйғониш даври бўлган айни Беруний яшаган давр олам ва одам, инсон ва табиат ўртасидаги қарашларда жиддий тарзда қарама-қаршилиқлар юзага келган, турли диний эътиқодлар ва тушунчалар бир-бирини инкор қилиб, бир-бирини рад этаётган, дунёвий фанлар эса катта куч-қудрат билан тараққиёт йўлига чиқиб олган бир даврда энг тўғри ва энг мақбул йўлдан бориш илмда анча мураккаб ва, ҳатто, хатарли эди. Беруний инсоният тарихига, халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг ўзига хослиги ва умумийлиги муаммоларини ўрганишда том маънода ўзига хос ёндашди. Жумладан, у «Ривоятларни давримизга энг яқини ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини бирин-кетин олиб боришимиз лозим, уларни ўз арбобларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини уз ҳолича қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг улардан бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўловчи бўлади»<sup>1</sup>, — деган эди. Берунийнинг подшоҳлар, пайғамбарлар (сохта пайғамбарлар), машҳур шахслар, турли халқлар, хилма-хил диний қарашлар тарихини ўрганиш жараёнида уларга бевосита халқлар маданияти, турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодлари орқали баҳо берадики, бу ўз даврининг жуда катта ва кенг миқёсдаги қомусий тадқиқот мақомига эгаллигини кўрсатади.

Беруний тарихни фалсафий идрок этиш, инсоннинг келиб чиқиши, унинг гавда тузилиши ва тилларнинг турлича бўлиши, қиёфалар, юз кўриниши ва тана тузилиши, ранги ҳақидаги илк ибтидоий қарашларни кескин рад этади. Жаҳон фанида биринчи мартаба инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Турли афсоналар, асотирлар ва ривоятларни четга суриб, муаммони илмий тадқиқ этиш йўлидан боради. Жумладан у «(одамлар) тузилиш-

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 15-бет.



ларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, (одам) яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бири-бирдан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»<sup>1</sup>, дейди.

Кўришиб турибдики, Беруний қарашларига кўра инсон танасининг ранги, суврати ва сийрати (тафаккур тарзи), шакли ва мазмуни, хуллас, феъл-атвори ва маънавий қарашлари бевосита табиий муҳит орқали шаклланади ва ривожланади. Тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, умуман олганда, табиий иқлимнинг инсон ривожланишидаги ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Зотан, худди ана шу табиий муҳит, географик шароит халқлар, миллатлар шаклланишининг муҳим асоси сифатида роль ўйнайди. Турли минтақаларда яшайдиган халқлар ва, ҳатто, бир мамлакатнинг турли вилоятларида яшаётган бир миллатга мансуб одамларнинг ташқи қиёфаси, феъл-атвори, сўзлашуви, тили, талаффузи ва муносабатларида турли хиллик мавжудлигини бутунги кунда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Беруний тилларнинг турлича бўлиши сабаблари ҳақида фикр юритар экан, инсоният руҳиятининг, руҳий оламининг нақадар мураккаб эканлигини чуқур англайди. Муносабат билдириш, хоҳиш-истакларни ифодалаш учун сўзга эҳтиёж туғилганлигини ишонарли тарзда баён этади ва инсон феъл-атворининг шаклланиши жараёнини аниқ тасаввур этиб, маълум предметларни қандайдир ном билан аташ, қайсидир маънони англатадиган иборалар аста-секин кўпайиб, улар ёдда сақланиб, такрорланиши натижасида маълум миллатга мансуб тил шаклланиши, сўзларнинг тартибга тушиши жараёнларини аниқ тасаввур этади ва ёрқин ҳамда тушунарли тарзда ифодалайди. Бу инсон-

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 16-17-бет.

нинг этногенезиси, унинг келиб чиқиш жараёнлари, турли минтақаларда турли тилларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишидан тортиб, яхлит инсоният ижтимоий-тарихий ва маданий тараққиёти моҳиятини англашгача бўлган кенг миқёсли илмий-назарий тадқиқот мавқеини эгаллайди.

Беруний ўзигача бўлган инсоният тарихини тадқиқ этар экан, «Мен уларнинг ўзимгача етиб келган гапларини ҳикоя қиламан. Кучим етганча бузилганларини тузатишга, ёлғонларни бекор қилишга, ростни аниқлашга уринаман»<sup>1</sup>, — дейди.

Шарқона камтарлик билан айтилган ушбу фикрдан кўриниб турибдики, Беруний инсоният тарихини жуда чуқур ўрганиш билан бирга, уни турли афсоналардан, ривоятлардан тозалаб, реал тарихий жараёнга реал ва илмий ёндашиш тамойилларини илгари суради. Тарихни фалсафий тадқиқ этиш тамойили шуни тақозо этадики, у ҳар қандай илмий тушунчалар, турли манбалар ва тарихий далилларни тўғридан-тўғри қабул қилмайди. Уларнинг ҳар бирига тафаккур орқали ёндашиб, тарих ҳақиқатини тиклаш билан бирга воқеа-ҳодисаларнинг мантиқий ривожини орқали тарих моҳиятини, мазмунини ва яхлит фалсафасини вужудга келтиради.

Фаннинг ана шундай ўзига хос қонуниятларидан келиб чиқиб Беруний ўз фикрини давом эттиради: «Сўнгра бунини кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган, ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга қўймайдиган омиллардан ўзини тозалагандан кейин уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади»<sup>2</sup>. Ана шу ҳолатнинг ўзи илмий билиш жараёнини шунчаки тасаввурлар ҳолатидан мантиқий англаш, фалсафий фикр юритиш босқичига кўтаради. Натижада ҳар бир воқелик атрофида шунчаки тарихий ҳодиса сифатида эмас, балки у жамият, кишилик ҳаёти моҳияти билан боғлиқ бўлган жуда катта ижтимоий, маънавий-ахлоқий воқелик эканлигини англаш мумкин бўлади.

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 21-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. Ўша жой.

Беруний тарихий манбалар устида ишлар экан, у ҳар бир манбага мутлақ ҳақиқат сифатида қарамайди. Ҳақиқат ичидан ҳақиқат излайди ва шу йўл билан тарих ҳақиқатини тиклашга интилади. Натижада биз «то уларнинг барчасини билиш вақти келгунича баён этишдан тўхтадик, чунки шубҳани аниқ ва номаълумини маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас»<sup>1</sup>, — деган қатъий хулосага келади. Унинг тасаввурича, ҳар қандай тарихий асар ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги, у мутлақ ҳақиқатга таянмоғи лозим.

Атоқли олим Омонулла Файзуллаевнинг хулосаларига кўра Беруний ўз даврининг прагматистларига қарши кескин қурашди. Чунки улар ўзларига ёққан нарсага мутлақ ҳақиқат деб қарашар эди. Фақат унигина ҳимоя қилардилар ва эътиқодларига қарши бўлган ҳар қандай рост ва асосли далилларни рад этардилар<sup>2</sup>. Илмий ва тарихий ҳақиқат эса мумкин қадар холисликни, қиёсий таҳлил, таққослаш орқали аниқланадиган хулосаларни тақозо этади. Фақат холисликкина тарихий тараққиёт ва ижтимоий ҳаёт моҳиятини очиши, унга реал баҳо бериши ва бир бутунлигича тиклаши мумкин.

Беруний тарихий жараён таҳлилига киришар экан, уни фалсафий мушоҳада этади, ундан моҳият излайди ва натижада мантиқий хулосалар чиқаришга эришади. У инсон олами бетакрор, ранг-баранг, ҳар бир индивид ўзича бир дунё, тарихий жараён ва ижтимоий тузум эса инсон манфаатларининг реал кўриниши деган фикрга келади. У маълум бир халқлар ва мамлакатлар тарихини ўрганар экан, яхлит инсоният тарихини бутун моҳияти билан ўрганиш, тадқиқ этиш ва у ҳақдаги сўнгги хулосаларни айтиш мумкин эмас, деган гоёни илгари суради ва натижада «давримизга энг яқин ва машҳур ривоятларидан бошлаб, борган сари нарига, объектга яқинлашиб борилади ва йўл-йўлакай тузатилиб кетиледи», — деган хулосага келиб, фикрини давом эттиради: «...Халқларнинг бир-бирига (тегишли) хабарларни аниқлаб билишга бир инсон умри кифоя

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 22-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. Ўша жой.

қилмайди-ю, ҳамма халқлар (ҳақидаги) хабарларни билишга қандай кифоя этсин. Бу мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Беруний ана шу қарашлари билан инсоният тарихи инсон тафаккурининг маҳсули эканлигини, бу тафаккур чексиз, унинг барча қирралари ва йўналишларини, манфаатлари ва моҳиятини тулақонли англаш анча мураккаб эканлигини далиллайди. Демак, тарих ҳақидаги ҳар қандай фикр нисбий ва чекланган. Фақат тарихшуносликкина, фангина вақт нуқтаи назаридан чекланган бўлса-да, моҳият ва мазмун жиҳатидан чексиздир.

Беруний халқлар тарихини, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт анъаналарини ўрганар экан, ҳар қандай манбага алоҳида эътибор билан қарайди. Уларни чоғиштириш йўлидан боради. Тарихий муддатлар, даврларни қиёсий тарзда ўрганиб, ҳар томонлама мукамал ва асосли далилларни туплайди. Унинг ўзига хос катта ютуқларидан бири шундаки, ҳар бир тарихий воқеликка турдош фанлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам унинг маълум бир халқ тарихи ёки ўтмишнинг маълум бир даври ҳақидаги хулосалари ва таҳлил усуллари баъзан юксак бадий нафосат, сўз санъатининг ноёб кўриниши даражасига кўтарилса, айрим жойларда мантиқий тафаккур, воқеалар моҳиятига чуқур кириб бориш, уларнинг тағ-заминига етиб бориш ва фалсафий мушоҳада юритиш устуворлик қилади.

Айрим ҳолатларда бир воқелик атрофида фикр юртар экан, мунажжимлар қарашлари, асотирлар, афсоналар ва ривоятлар устуворлигини рад этиб, астрологик қарашларни инкор қилади. Осмон жисмларининг айланиши, Ер, қуёш системаси, ой ва юлдузлар ҳаракатининг аниқ мароми бундай ривоят ва афсоналарни рад этишини таъкидлайди. Натижада унинг тарихий тадқиқотлари математик ҳисоб-китоблар, ўлчовлар, табиат ва яхлит олам қонунияти, геометрик аниқликлар орқали йирик фалсафий умумлашмалар ва мантиқий хулосаларнинг бетакрор кўринишларига олиб келади.

Берунийнинг тарих фалсафасида антропогенез – инсон ва унинг келиб чиқиши, ривожланиш жараёнлари,

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 22-бет.

антропософия — инсоннинг ҳис-туйғулари, ҳис этиш имкониятлари ва таъсирланиш ҳолатлари юқори даражада ривожланган мистик таълимот йўналиши билан уйғун ҳолда олиб борилади. Ана шундай ҳолатлардан келиб чиққан қарашларда инсон ҳаёти кишилик жамиятининг маркази, барча мавжудот ва борлиқ оламнинг бирламчи ва бош моҳияти даражасига кўтарилади. Демак, бундай қарашларда антропоцентристик йўналиш устуворлик қилади. Умуман олганда, Берунийнинг оламини тадқиқ этиш, уни ўрганиш, инсон ва кишилик жамияти моҳиятини илмий-назарий тадқиқ этишда ўз даврига хос бўлган илоҳий ва дунёвий қарашларнинг табиий ва ҳайратомуз уйғунлигини кўриш мумкин.

Тарих Беруний учун фикр ва тафаккур манбаи. У ҳар доим турли фанларнинг ўз қонуниятлари доирасида ўзаро таъсири, ўзаро узвийлиги ва уйғунлигининг ноёб қирраларини кашф этади. Натижада тарих ҳақидаги тасаввур хоҳлаган фан тадқиқотчиси учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Дейлик, астроном ўзи учун, математик ўз қарашларига мансуб, этнограф ё антрополог инсоннинг вужудга келиши ва шаклланиши, кишилик жамияти қонуниятлари ва тажрибалари ҳақидаги ўз асосли илмий хулосаларига эга бўлади. Берунийнинг комусий билим имкониятлари ва қирралари ана шу тарзда вужудга келади.

Беруний тарихий тадқиқотни бошқа турдош фанлар билан боғлиқ ҳолда олиб борганлиги, турли фанларнинг предмети ва ўзига хос тадқиқот йўналишлари орқали тарихга ёндашганлиги ҳақида гапирар экан, у қўйидаги хулосага келади: «Мақсад гапни чўзиш эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир нарсага қарайвериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор» дейилгандек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради»<sup>1</sup>.

Балки шундайдир. Балки Беруний шарқона такаллуф билан, «зериктирмаслик», «малол келтирмаслик», «ўқув-

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 22-бет.

чига енгиллик яратиш» орқали ўзининг ниҳоятда кенг ва серқирра — қомусий-илмий фаолиятига камтарлик билан баҳо бергандир. Балки ўша давр тафаккур чегаралари доирасида илмий тадқиқотга ёндашиш ва усуллари ҳақидаги тасаввурларидир. Бироқ бугунги фан тараққиёти ютуқлари нуқтаи назаридан қараганда тарихга тарих сифатидагина қараш камлик қилмоқда ва Беруний тажрибасига, унинг тарихни таҳлил этиш усулига эҳтиёж сезилмоқда. Тарих том маънодаги инсон ва унинг тафаккури ҳақидаги фанга айланмоқда. Демак, ҳар қандай тарихий тадқиқот, ҳар қандай ўтмиш воқеликлари фақат тарихга ёндашиш орқали моҳиятини очмайди. Унга фалсафа, мантиқ, социология, этнография, антропология, астрономия ва, ҳатто, бугунги кун фанининг ноёб ютуғи булган ген инженерлиги, математика, физика, биология ва бошқа табиий фанларнинг ижтимоий йўналишлари орқали ёндашишни ҳам тақозо этади.

Беруний подшоликлар тарихи орқали ўтмишни даврлаштириш тамойилидан борар экан, ўз даврининг подшолари, саналари, исмлари, ҳукмронлик муддатлари ва уларнинг аҳволлари ҳақидаги хабарлар ҳар хил, турли муаллифлар томонидан турлича баён этилганлигини кўрсатади. Бунда у ҳар қайси муаллиф ўз қарашлари, шахсий манфаатлари ва маълум подшоҳга булган муносабатларидан келиб чиқиб ёндашганлигини айтади. Натижада манфаатлар устуворлиги, қарашларнинг хусусийлиги, ёқтирганини мақташ, ёқтирмаганидан камчилик излаш ҳолатлари юзага келар экан, бу тарих ҳақиқатини бузади, фанни чалғитади. Ана шу жиддий ва принципиал масалалардан келиб чиқиб, фандаги ихтилофларни бирма-бир солиштириб ўрганар экан, Беруний қарашларини ва мавжуд ихтилофларни атоқли олим Омонулла Файзуллаев қуйидагиларга бўлади:

**I. Муаллифларда гоҳо ихтилофлар учраб туради:** 1. Ардашардан Яздижаргача ўтган давр тўрт хил берилган. 2. Искандардан Яздижаргача булган давр ҳақида ҳам ихтилоф бор. Фарқ, масалан, 253, 125 йилгача етади. 3. Мусо ибн Исо Эрон подшоҳларининг ҳукмронлик муддатларини орттириб юборган.

**II. Диний китоблардаги ихтилоф:** 1. Тавротнинг 3 нусхасида бани Исроилнинг Мисрга кириши ҳақида 3 хил

муддат кўрсатилади. 2. Тавротнинг ҳар хил нусхаларида одам «пайдо» бўлган вақт ҳар хил кўрсатилган. Фарқ 349 йилдан 582 йилгача. 3. Динлар орасидаги келишмовчилик. Беруний пайғамбарлар тарихини текширувчи сифатида ҳар хил динларнинг тарих ҳақидаги даъволарига оид шубҳаларни, динларнинг бир-бирларини айблашларини, ҳисобдаги ихтилофни кўрсатиб берди.

**III. Ихтилофни топиш ва тузатиш:** 1. Беруний подшоҳларнинг подшоҳлик даврлари ҳақидаги тарихчилар гапларининг ихтилофини ҳисоб йўли билан топади. 2. Искандардан кейинги давр ҳақидаги ихтилофни тузатишни Беруний ўз зиммасига олади ва уни бажаради.

**IV. Ихтилофга сабаб:** 1. Тарихда ўхшаш номлар аралаштирилиб юборилган. Масалан, эронликлар ўхшаш номларни адаштириб юборганликлари сабабли Ардашер билан Яздижард орасидаги 676 йиллик даврни кўрсатмаганлар. 2. Ашқонийлар даврида халқ Искандар туфайли нотинч эди. Шу туфайли улар тарихларда ғофил бўлдилар. 3. Муаллифлар Эрон подшоҳларини уларнинг Бобилдаги амалдорлари билан қўшиб баён этганлар.

**V. Тарихшуноснинг ҳаққонийлиги.** Моний ёлғонни ҳаром деб эътиқод қилувчилардан бўлиб, тарихни бузиб кўрсатишга унинг эҳтиёжи ҳам бўлмаган деб ростгўй тарихшуносларни мақтайди Беруний<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда Беруний турли мунозарали, қарама-қарши қарашларга аниқликлар киритиш, кузатиш ва умумлаштириш, зиддиятлар, табиий ҳодисалардаги ривожланиш қонуниятлари атрофида фикр юритади. Биринчи йнсон ҳақидаги афсоналар, даврий ҳодисалар, табиат воқеликлари, урф-одатлар, расм-русумларни ҳар томонлама жиддий ўрганadi. Натижада ҳар бир минтақа халқларининг ўзига хос ҳаёт тарзи орқали ўзига хос тарих яратаётганини исботлайди.

Берунийнинг кишилик жамияти ҳақидаги қарашларида кишилик жамиятининг илмий-назарий қонуниятлари яратилади. Жумладан, жамиятнинг маънавий қиёфаси ва ма-

<sup>1</sup> О. Файзуллаев. «Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридаги баъзи масалалар ҳақида. А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 23–24-бетлар.

даний даражаси бевосита яхши ва ёмон одамлар кўплиги ё озлиги билан белгиланишини таъкидлайди. Натижада эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик инсонга хос хусусият эканлигидан келиб чиқиб, «фахрланиш — ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд (нопокликлардан тозаланишдир). Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади»<sup>1</sup>, деган хулосага келади.

Беруний тарихни ўрганиш, тадқиқ этиш ва хулосалар чиқариш тамойилларини тавсия этар экан, уни даврларга бўлиш, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва ана шу усул орқалигина ижтимоий ҳаётга, кишилик жамиятига тегишли ва асосли баҳо бериш мумкин бўлишини таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, тарихга таъриф беради, уни фан мақомига олиб чиқади ва илк назарий асосларини яратади. Жумладан, у «бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга тарих дейилади. Ўша йилда турли аломатлар ва далиллар билан (қандайдир) пайгамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшо бош кўтарган, ёки хароб қилувчи умумий тўфон, зилзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор миллат ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломатларидан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо бўлмайди. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча (ишлар)да бунга эҳтиёж сезилади»<sup>2</sup>, дейди.

Беруний ана шу тарзда турли табиий офатлар ёки жиддий ўзгаришлар, подшоликларнинг ўзгарганлиги ва бошқа табиий ҳодисалар юз берган даврларнинг бошидан охиригача бўлган қисмини тарихий давр деб тушунади ва ана

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 28-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 50-бет.



шу даврни тадқиқот объектига айлантиради. Тарихни ўрганишга бундай ёндашув, шубҳасиз, фан методологияси ва тадқиқот предметининг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Зотан, янги тарихни, бутун инсоният ўтмишини алоҳида-алоҳида халқлар, мамлакатлар, миллатлар ва даврларга бўлиб ўрганмаса, ўтмиш қатларини очиш анча оғир ва самарасиз кечади.

Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, Беруний инсоният тарихини яхлит ҳолда ўрганиш учун, энг аввало, ҳар бир халқ, мамлакат ёки минтақа тарихини ўрганиш зарурлигини уқтиради. Чунки ҳар бир халқ ўз феъл-атвориға, ўз миллий хусусиятларига, дунёқарашлар тизимиға, оламни англаш, тушуниш, идрок этиш имкониятиға ва усулиға эға. Ана шу имконият ҳар бир халқ тарихининг асосидир. Беруний ушбу илмий ҳақиқат нуқтаи назаридан тарихға ёндашади ва натижада «барча мамлакатларға тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор, унинг подшоҳлари, пайғамбарлари, давлатлари ёки мен юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан ҳисоблайди. Шу тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларни билиш хусусида керакли (муддатларни) белгилайди ва бу тарих уларни бошқа халқлардан ажратади»<sup>1</sup>, — деган хулосаға келади.

Тарихий манбани ўрганиш, унинг асосли ё асосли эмаслигини аниқлаш тарихий тадқиқот учун алоҳида масъулиятли жараёндир. Чунки тарихий манба яратганлар, турли ҳужжатларни битганлар ёки тўплаганлар ўз манфаатлари доирасида, ўз мақсадлари ва қизиқишлари чегарасида далил тўплайдилар. Барча инсонға хос бўлган бундай иллат, жумладан, тарихчиларни ҳам истисно этмайди. Ана шу ҳолатни назарда тутган Беруний «хабар хабарчилар сабабли рост ва ёлғон тусини олади»<sup>2</sup>, дейди.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий тафаккур ва тарих ҳақидаги маълумотларни эгаллаш Шарқ тарих фалсафасида аниқ меъёрларға эға ва бу меъёрлар бевосита ҳар бир воқеликка холис ёндашиб, асосли хулосалар чиқаришни

<sup>1</sup> А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1968, 50-бет.

<sup>2</sup> А. Беруний. 100 ҳикмат. Т., «Фан», 1993, 15-бет.

талаб қилади. Беруний ўз даврида купдан-кўп ноҳолис, турли манфаатларга йўналтирилган хулосаларга, тарихий жараёнга ўз шахсий манфаатлари орқали баҳо беришдек сохта ва гайриилмий манбаларга кўп учраган, шекилли, у «биров ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар тўғрисида ёлғон хабар тарқатади. У бу хабарни ё дўстлик, ё душманлик натижасида тарқатган бўлади»<sup>1</sup>, дейди.

Баъзан шундай бўладики, тарихий манба юзаки, ҳавойи, аниқ илмий асосга ва ҳаётий воқеликка эга бўлмайди. Улар мавжуд жамият ижтимоий моҳиятини ўзида ифода эта олмайди. Ҳар қандай ютуқ инсоният тафаккурининг буюк мўъжизаси сифатида кишилик ҳаётини қачон, қандай шаклда, қандай мақсадда ижобий томонга буриб юборганини ёки аксинча, салбий қарашлар ва гоёлар қайси жиҳатлари билан, қандай шаклда жамият тараққиётини таназзулга олиб борганини батафсил очиб беролмайди, қуруқ маълумотнома вазифасини бажаради, холос. Тарихчи бундай манбалардан етарли маълумот ололмайди ва натижада тегишли давр моҳиятини бутун қўлами билан тадқиқ қилолмайди. Буни «ожиз асосларга эга бўлган гоёлар, фан ва соҳалар ожиз натижаларни келтириб чиқаради. Улардан келиб чиқувчи хулосалар ҳақиқий илмларга нисбатан чалкашдир»<sup>2</sup>, деб баҳолайди Беруний.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон Беруний тарих фалсафасини урганар экан, унинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, Берунийда тарихий ҳодисалар ўз даврига хос турли динларга мансуб шахслар қарашларининг инъикоси, ижтимоий ҳаёт унинг кўзгуси сифатида талқин этилади. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, яшашга интилишлари, турмуш муаммоларини ҳал этишда ақлни ишлатиш, ақл орқали оғирни енгил қилиш, меҳнат унумдорлигини ва ҳаёт фаровонлигини таъминлашда ақл кучидан фойдаланиш зарурий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлайди.

<sup>1</sup> А. Беруний. 100 ҳикмат. Т., «Фан», 1993, 16-бет.

<sup>2</sup> А. Беруний. Избранные произведения. Т., 1966, стр. 260.

Беруний худди ана шу қарашлари билан ўзининг иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш орқали тафаккур ва табиат қонуниятларига тегишли бўлган фанларнинг ривожланишига асос солди деган ғояни илгари суради. Натижада тиббиёт, мусиқа, мантиқ, тил, адабиёт ва санъат билан бирга табиат ҳақидаги аниқ фанлар юзага келди ва бу ўз даврида қандайдир фанлараро интеграциянинг вужудга келишига хизмат қилди.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон Беруний фалсафасини ўрғанар экан, унинг хулосаларига кўра «Ер куррасининг ҳаёти каби, башариятнинг ҳам келиб чиқиш манбаси аниқланмаган тарихдан олдинги ҳаёти мавжуддир. Ер куррасининг ҳаёти муқаддас китоблар билан боғлиқ эмас, Ер қобиғи қатламларида вужудга келувчи ўзгаришларни тадқиқ этиш билан билиб олинади. Биз бу қобиқ ва қатламлар устидаги тошлар ва тупроқларни тадқиқ этиб, жуда қадим замонларда уларнинг эритилган маъдан (минерал) ҳолида, ҳарорат таъсири билан турли шакллар олганликларини, сўнгра совиб борганликларини исботлаш йўлидан бориб тупроқ юзасидаги ўзгаришларни жарлар ва қулаб кўпорилаётган жойларда учратадиганимиз аломатларини ўрганиб, инсоннинг маданий ҳаётидаги инқилобларини ҳам эски, обод ўлкаларнинг харобаларини тадқиқ этиб исботлаймиз»<sup>1</sup>, деган ғояларига жиддий эътибор беради. Бу билан Беруний тарихни ўрганишда геология, минералогия, археология фанларининг ўлчовлари ва ютуқларидан фойдаланиш зарур деган фикрни илгари суради. Аниқроғи, айна ана шу фанлар тариққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшади, уларнинг янгидан-янги қирраларини кашф этади ва натижада у «Ер юзидаги табиий жараёнларнинг ўзгаришида иссиқ ерлар совиб ёхуд аксинча, совуқ ерлар иссиқ бўлиб алмашилиб турган, инсонлар ҳам ана шунга мос равишда ўз яшаш жойларини ўзгартириб турганлар ва кўчманчилик ҳам қилганлар»<sup>2</sup>, деган хулосани илгари суради.

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан». 1997, 61-бет.  
<sup>2</sup> Уша манба. Уша жой.

Бу табиий жараён. Инсон яшаш учун ўзига қулай шароит ва имконият қидиради. Бу, айниқса, ибтидоий даврга хос хусусият. Бироқ масаланинг яна бошқа бир жиҳати ҳам борки, айтилиши ана шу табиий жараёнлар — атмосферанинг иссиқлашуви ёки совуқлашуви оқибатида табиий шароит таъсирида одам феъл-атвори шаклланади. Турмуш тарзи, ҳаётга интилишлари, яшаш учун кураш усуллари ва тажрибалари ошиб боради. Ана шу ҳолат инсон характерининг табиий равишда ўзгаришига, маълум бир гуруҳлар, қабилалар ва халқларнинг ўзига хос турмуш тарзи, анъаналари ва маданиятининг шаклланишига асос бўлади. Беруний тарих фалсафасининг моҳияти худди ана шу фалсафий мантиқ билан белгиланадики, буни Аҳмад Заки Валидий Тўғон жуда чуқур тушунади ва талқин этади.

Аҳмад Заки Валидий қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг тарих фалсафасини тадқиқ этар экан, уни буюк идеалист сифатида кўради ва инсоният ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳамда маънавий тамойилларни олий даражадаги қадрият мақомига эга деб тушунади ва Берунийнинг куйидаги фикрини мамнуният билан келтиради: «Тарихда ҳақиқатни аниқлаб берадиган йўл ақлий далиллар (ал-истидлол би-л-маъқулот) ва кўриб ҳис этадиган нарсалар билан қиёслашдир. Аммо тарихнинг илк даврларига оид маълумотлар кўпинча миллатларнинг диний ривоятларидан бошқа нарсага таянмагунча иш чатоқлашаверади (чалкашаверади). Шу каби қоришиқ ҳолларда ривоятлар ва қарашларни муқояса қилиш ва бу ишда кўзларга ҳақиқатни кўришни ман этувчи эҳтиёжлардан, таассублар, шовинизм, ҳиссиётга берилиб кетиш, эгоизм каби кўзни кўр қилиб қўйувчи нарсалардан ўзини тоза тутиш (оқлаш) биринчи шартдир. Гарчи бу йўл оғир бир йўлдир, чунки хабарлар ва ривоятлар уйдирма (ботил) билан қоришиб бўлганидек, уларнинг бир қанчаси табиий аҳволга уйғун ва имконият ташқарисида намоён бўлишшигидан улар орасидан ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш кўп мушкул бўлади. Шу билан биргаликда ҳақиқатга эришмоқ учун ягона йўл мен кўрсатган йўл (яъни ақл, муқояса ва бетараф танқид йўли)дир. Шу юзасидан ва бир инсон умри ривожланган миллатларнинг эмас, алоҳида олинган бир миллатнинг тарихини айтиш (яъни айтиб ўтилган танқид усулида) тарзда таҳқиқ

этиш (аниқлаб олиш) ва ҳимоя қилиш учун кифоя қилмаслиги учун, биз фақатгина ҳодисаларнинг ўзимизга энг яқин ва аниқ бўлганларини қўлга оламиз ва уларни ҳам (салоҳият соҳиблари ва эътимодга лойиқ) арбоблардан сўраб назорат этмоғимиз, ундан орқада ҳолганларини юзаки ҳолда қолдирмаслигимиз талаб этилади»<sup>1</sup>.

Беруний фалсафасига кўра ҳар қандай тарихий жараён инсон ақл-идрокининг маҳсулидир. Ҳар қандай киши ўз ақл-идроки доирасидагина фаолият юритади ва турмуш тарзини унинг чегарасида йўлга қўяди. Ҳар бир кишига хос бўлган бундай ҳолат яхлит бўлганда умумий жамият маънавий қиёфасини, интеллектуал даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам Беруний «Авом халқнинг табиати сезги орқали англаниладиган нарсалар билан чекланиб, асосдан келиб чиқадиган шохобчаларга қаноат қилади, асоснинг текширилишини истамайди»<sup>2</sup>... Чунки «билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади»<sup>3</sup>, — дейди.

Бу бир томондан маърифат, маданият инсон учун қай даражада зарур бўлса, жамият учун ҳам шу даражада эҳтиёж эканлигини кўрсатади. Натижада шундай ҳақиқат юзага келадикки, авом халқ билимдан бегона. У ўз ақл-идроки даражасида хурофот ва бидъатга кенг имконият яратган жамият курсида, маърифатли одамлар тараққиётнинг янги чуққиларини эгаллаган ҳолда кишилик жамияти ривожланишининг кутилмаган қирраларини кашф этадилар. Зотан, маърифатли жамиятни маърифатли халқ яратади. Жоҳиллик ҳукмрон бўлган жамиятда эса жаҳолат, бидъат, хурофот авж олади. Халқ ва миллат қисмати бахти қароликка, хору зорликка маҳкум этилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда «фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифат» деган шиорнинг бутун моҳияти, ижтимоий-маънавий қадрияти кўзга яққол ташланади.

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан». 1997, 64–65-бетлар.

<sup>2</sup> А. Беруний. 100 ҳикмат. Т., «Фан», 1993, 14-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 7-бет.

#### 4-§. Ибн Халдуннинг тарих фалсафаси (1332–1406)

Шарқ тарих фалсафасини жиддий равишда ривожлан-тирган, уни ўзининг илмий қарашлари билан бирмунча бойитган, тарихга фалсафий ёндашиш усулларини ишлаб чиққан йирик олимлардан бири Абдурахмон Муҳаммад Ибн Халдундир.

Ибн Халдун ўз даврининг етук мутафаккири, файла-суфи ва тарихчиси сифатида ўзини намоён этган ва «Валиуддин» унвонини олган етук шахс эди. У йирик сиёсий арбоб сифатида ҳам жамиятни бошқариш, кишилиқ жамияти ижтимоий-маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш борасида етарли тажрибага эга бўлган ва айна пайтда диний ҳамда дунёвий билимларни чуқур эгаллаган алломалар.

Ибн Халдун инсоният тарихи, унинг шаклланиши, ривожланиш омиллари ва босқичлари, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш борасида ўзининг ноёб қобилиятини намоён этган ва бу борада қатор илмий-назарий ютуқларни қўлга киритган олимдир.

Ибн Халдун фалсафаси тарих ва социология, инсон-шунослик, фалсафа ҳамда мантиқ билан қоришиб кетган. Шу билан бирга диний тафаккурнинг дунёвий тафаккур билан уйғунлашган шакли сифатида дунёга келиб, Шарқу Фарб тафаккур оламида ўзига хос мактаб яратди. Унинг энг машҳур асарларидан бири «Муқаддима» деб аталади ва бу асари билан у тарихни англаш, тарихни тушуниш, инсоният тарихий тажрибаларини диний ва дунёвий тафаккур орқали талқин этишнинг ўзига хос услубини яратди. У тарих ҳақида гапирар экан, «Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг бирининг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир. Тарих Олам асослари сабабияти-ни аниқ излайдиган фан. Бу воқеалар ва уларнинг сабаб-лари ҳақидаги чуқур илм»<sup>1</sup>, дейди.

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 242-бет.

Ибн Халдун ана шу тарзда тарихий тадқиқотнинг умумий ва ички жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Илмий таҳлилнинг ташқи томонига турли мамлакатлар, давлатлар, халқлар, уларнинг бошидан кечирганлари, хуллас, тарихий воқеликлар кирса, ички томони бевосита ана шу воқеликларни тафаккур элагидан утказиб, унинг атрофида фалсафий фикр юритиб, социологик тадқиқотлар утказиб, мантиқий хулосалар чиқаришдир. Ана шу жиҳатдан ҳам у тарихнинг илдизини фалсафада куради. Муносиб фалсафий фикрлар, умумлашмалар, хулосалар чиқаришга чақиради ва натижада тарихни фалсафий фанлар қаторига қўшади.

Ибн Халдун ўз даврининг нодир тарихшуноси сифатида тарихнависликдаги мавжуд анъанавий усуллардаги камчиликлар, нуқсонлар, жумладан, ўтмишни сохталаштириш, чалкаштириш, воқеликларни ўз манфаатларига мослаштириб баён этиш каби иллатларни кескин қоралайди. Ҳар бир миллат ва қавмнинг келиб чиқиши, уларнинг тараққий топиш йўллари, тарихий ривожланиш манбаларини чуқур ўрганиш миллатнинг уйғонишига, ўз қадру қимматини билишига ва истиқбол режаларини аниқроқ тузишига ёрдам беришини алоҳида таъкидлайди.

Тарихда адолат устуворлиги, тарих ҳақиқати ҳамиша бош мезон бўлиши, ҳар қандай воқеа ва ҳодиса таҳлили тўғридан-тўғри муносабатни, одиллик билан ёндашишни тақозо этишини муҳим фазилат деб билади. Тарих ҳақида асар ёзар экан, у ўзини тарихшуносликка бўлган муносабатини ва ёндашиш усулини қуйидагича баён этади: «Бу китобни тузиш ва бобларга бўлишда мен ҳали маълум бўлмаган йўлдан бордим, ажойиб янги усул яратдим, ўқувчи бўлиб ўтган воқеаларнинг сабабини ўрганишдан фойда олсин учун тарихий-ижтимоий воқеалар ва инсоният жамияти тараққиёти қонуниятини шарҳлаб бердим»<sup>1</sup>, дейди.

Ибн Халдуннинг ана шу «янги усул»и тарихдаги баёнчилик, ошириб-тошириб ёзишлар, сафсатабозлик, хуш кўрмаган воқеаларни кескин танқид қилиш каби иллат-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 242-бет.

ларга нуқта қўйди. Тарихшуносликнинг фан мақомини эгаллашига доир ўзига хос илмий-назарий меъёрларни яратди. Буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини ўрганиш, унинг моҳиятини очиш тарихий воқелик мазмунини билиб олишга замин яратади. Унинг атрофида фикр юритиб, ақлни ишлатиш, фикрлаш, тафаккур қилиш имконини беради.

Иккинчидан, Ибн Халдун ҳар қандай тарихий воқеликка ижтимоий тус беради, ижтимоий моҳият қатларини очиш орқали ўша давр моҳиятига, ижтимоий-сиёсий муҳитга, турмуш тарзига баҳо беради.

Учинчидан, «кишилик жамияти тараққиёти қонуниятларини шарҳлаб бериш» орқали давлат ва жамият қурилишига тегишли бўлган фанлар — ҳуқуқшунослик, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, мантиқ сингари фанларнинг ривожланишига тўртки берди. Ана шу шарҳлаш орқали Ибн Халдун ақлий такомил, фикрий ривожланиш йўлини очди. Қачонки ўқувчи унинг китобларини кўздан кечирар экан, тарихий воқеликларни ўрганиш билан бирга воқеалар атрофида фикрлайдиган, унга муносабат билдирадиган, баҳолайдиган бўлиб қолади. Бу эса айни тарих фалсафасининг ўзига хос кўриниши эди.

Ибн Халдун тарихнависликда мавжуд бўлган хилма-хил ривоятлардан, турли ҳикоятлардан ва афсоналардан фойдаланишга чек қўйиб, реал ҳаёт ва реал жараён таҳлилига кўпроқ эътибор бериш тамойилини илгари сурди ва шу тарзда тарихнависликнинг бутунлай янги йўналишини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Унинг хулосаларига кўра тарих «...ўрганилиш объекти инсоният жамияти ва одамлар жамоаси бўлган мустақил фандир, унинг фаолият майдони бирин-кетин алмашиб келадиган воқеалар сабаби ва вазиятлар хусусиятларини тушунтиришдир»<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда Шарқ тарих фалсафаси шакллана борди. Демак, тарихнинг тадқиқот объекти бевосита кишилик жамияти ҳисобланадиган бўлди. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеликлар, ҳукмрон сиё-

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 243-бет.



сат ва бошқарув усулининг таҳлили орқали маълум воқеалик асослари ўрганилди. Тадқиқотнинг бундай шакли тарих фани предметига айлантирилди. Натижада Ибн Халдуннинг тадқиқот усули ва тарихнавислик услуби ана шу тарзда ижтимоий фанлар тараққиётини белгилайдиган муҳим ҳодисага айланди.

Ибн Халдун илмий фаолиятининг ва тарих фалсафасининг аҳамияти шугина эмас. У инсон ва жамият, одам ва олам, кишилиқ жамияти тузилиши, вужудга келиши, шаклланиши ва таназуллари борасида ўзига хос фикр юритган, ўзига хос талқин этган ва ўзига хос фалсафий мушоҳада юритган йирик шахсдир. Ибн Халдун яшаган давр ҳамда ўша пайтдаги мавжуд мусулмон маданияти ва фалсафаси намояндалари унинг фалсафасини ривожлантиришди ва давом эттиришди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бугун тарих фалсафаси, социология, ижтимоий фалсафа борасида илмий мактаб яратган Ғарб олимлари ўз даврига хос цивилизация нуқтаи назаридан ёндашиб, Шарқ фалсафасидан унумли фойдаланишди. Жумладан, Форобий, Беруний, Ар-Розий, Абулҳасан Мовардий, Низомулмулк, Ғаззолий, Ибн Божжа, Ибн Халдун, Ибн Рушд ва бошқаларнинг илмий меросини, фалсафий қарашларини мусулмон дунёси халқларига нисбатан анча чуқур ўрганишди. Маҳорат билан ўзлаштиришди ва уларни янги давр цивилизацияси нуқтаи назаридан тартибга солишди, яхлит тизимини ишлаб чиқиб, янгича илмий-назарий услуб билан ифодалаб беришди.

Ибн Халдуннинг кишилиқ жамияти қонуниятларини тадқиқ этишга ҳаратилган асарлари, хусусан «Муқаддима»си шундан далолат берадики, уни «Ислом фикрий доираларида, истибдод ва деспотизм тузумининг жамиятшуноси деб аташимиз мумкин. ...Дарҳақиқат, диққат қилса, фикр билдирса арзийдиган янги тасаввур ва талқинларни тақдим этади»<sup>1</sup>, дейди Саййид Муҳаммад Хотамий.

Ибн Халдуннинг тарих фалсафасида инсон алоҳида мавқега эгаллайди. У кишилиқ жамиятига баҳо берар экан, унинг

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 244-бет.

қонуниятларини ўрганар экан, инсон ва инсон омилига диққат билан қарайди, уни етакчи восита даражасига кўтарди. Билим, қобилият, муносабат билдириш, фикр юри-тиш, тасаввур қилиш ва идрок этиш инсоннинг ҳайвондан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳамда уни қадрият даражасига кўтарадиган илоҳий неъмат деб билади. Инсоннинг ана шу тенгсиз имкониятларидан келиб чиқиб, жамият, уни бошқариш, ҳукмдор ва унинг фазилатлари хусусида фикр юри-тади: «Одамларнинг муайян шаҳар ёки унинг бирор-бир қисмида ўз эҳтиёжларини қондириш учун қариндошчилик ва қабилачилик асосида биргаликда ҳамкорликда яшашлари» кишилиқ жамияти асосидир. Демак, жамият қайсидир маконда яшаётган одамларнинг, қабила ё уруғларнинг умумий бирлигидир. Эҳтиёжлар ва манфаатлар атрофидаги бу бирлик қанчалик ўзаро бир-бирини тушуниши, ўзаро ҳур-мат ва эътиборнинг сақланиши ва қайсидир энг ҳурматли, тадбиркор одамнинг ушбу жамоани бошқариши Ибн Хал-дун қарашларига кўра яхлит жамиятдир.

Ибн Халдун кишилиқ жамияти қонуниятларини ўрга-нар экан, уни маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий имкониятлари нуқтаи назаридан иккига бўлади. Биринчи-си, маданий бўлмаган, ибтидоий ҳолатдаги ёввойи жами-ят. Иккинчиси, маълум даражада фикрий ва ақлий жиҳат-дан шаклланган, бошқарув усули ва тажрибасига эга бўлган маданий жамиятдир. Ҳар қандай шароитда ҳам, унинг ҳу-лосаларига кўра, инсон яшаши, кун кечириш эҳтиёжи нуқ-таи назаридан жамият ичида яшайди. Ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Одамларнинг манфаат, худбинлик, истеъмолчилик ва яхши яшашга бўлган мойиллиги жами-ят аъзолари ўртасида кутилмаган низоларнинг келиб чи-қишига, келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг авж оли-шига сабаб бўлади. Ибн Халдун ана шундай ҳолатда ҳукм-дорга эҳтиёж сезилади, дейди ва: «Ҳукмдор — бу жамият аъзоларидан бири бўлиб, бошқалардан баланд туради ва одамлар бир-бирларига зиён-заҳмат етказмаслиги учун улар-ни бошқаради. Шоҳликнинг маъноси ана шу»<sup>1</sup> деган ҳуло-сага келади.

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 248-бет.

Ибн Халдуннинг жамият қонуниятлари, унинг маънавий-ижтимоий ҳодиса сифатидаги асослари, жамиятни бошқариш ва маълум тартиб-меъёрларининг вужудга келиши ҳақидаги тасаввурлари ана шу тарзда шаклланди.

Ибн Халдун кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиш асослари хусусида фикр юритар экан, яна куйидагиларни баён этади: «Инсоният жамиятининг илдизи ва асослари саҳродаги ёввойи ҳаёт тарзидадир. Бу шунинг учунки, бадавийлар ҳаёти инсоннинг энг асосий эҳтиёжлари чорчубасидан ташқарига чиқмайди, ҳолбуки, шаҳар ҳаёти биринчи даражали зарурати бўлмаган нарсаларга эгалик қилиш иддаоси ва истаклари оқибатида пайдо бўлган хийла тараққий этган даврдир. Биринчи даражаси аҳамиятга молик зарурий нарсалар ҳаётда бўлмаса ҳам, аммо умр ўтказиш мумкин бўлган нарсаларга нисбатан бирламчи эканлиги сабабли бадавийлик ҳаёти амалда дарахтнинг илдизига ўхшайди. Шаҳар ҳаёти унинг шоҳларидир»<sup>1</sup>.

Ана шундай таҳлил жараёнида Ибн Халдун инсонга ижтимоий воқелик сифатида қарайди. Ундан ижтимоий моҳият излайди. Жамиятни бошқарувчи, ҳаракатга келтирувчи, ривожланиш омилларини ва йўналишларини белгилаб берувчи, тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқувчи шахс ҳисобланган бошқарувчи ҳам айна ана шу табиий хусусиятларга эга деган хулосага келади.

Инсон жонзот сифатида эзгулик ва ёвузлик оламидир. Бу олам ранг-баранг, чексиз ва хилма-хилдир. Шунга кўра инсон ҳар доим умрининг ҳар дақиқасида ёвузликдан кўра эзгуликка, ёмонликдан кўра яхшиликка, нафратдан кўра муҳаббатга интилиб яшашга маҳкум этилган ақл соҳиби, бебаҳо хилқатдир.

Ибн Халдун фалсафасига кўра инсонни табиий равишда эзгулик ҳаракатга келтиради. Яхшилик қилишдан қувонади, муҳаббат нашъасидан, суруридан яйрайди. Аксинча бўлганда чексиз изтироб чекади. Бошқарувда ҳам бутун моҳияти ва табиатига кўра ана шундай фазилат мавжуд бўлиши керак. Шунда ҳар қандай бошқарув – шоҳлик амалий фаолиятда эзгуликка, сиёсий қарашларда инсонпарвар гояларга ёндош бўлади.

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 249-бет.

Инсон ва жамият, давлат ва бошқарув, сиёсий ҳокимият, унинг жамият олдидаги вазифалари, ўрни ва роли хусусида фикр юритар экан, Ибн Халдун «хукумат халқ манфаатлари учундир, демак, шу боис халқ уни ташкил этишга вакилдир. Бу ерда асосийси шуки, жамият ўз манфаатларини таъминлаш, ички фитна ва келишмовчиликлар, низолардан ҳамда четдан бўладиган ҳужумлардан сақланиш учун мувофиқ ва ҳамма нарсадан хабардор ҳукуматга, ташкилий уюшганлик ва тартибга эга бўлиши лозим»<sup>1</sup>, деган хулосага келади.

Ибн Халдун сиёсий ҳокимият тушунчасига ана шундай аниқлик киритади. Унинг фуқаролик жамияти тамойиллари нуқтаи назаридан ўзига хос вазифаларини белгилаб беради. Жамиятда барқарорликни таъминлаш учун зарур бўлган сиёсий тадбирлар ва амалий фаолиятлар йўналишларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқади. Фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий ҳокимият ишига бевосита иштирок этиш зарурлиги ҳақидаги бугун ҳам долзарб бўлган масалалар ҳақида фикр юритади. Уюшқоқлик, ташкилий томондан мустақамлик, умумий манфаатлар атрофида бирлашиб, майда икир-чикирларга эътибор бермаслик, ички келишмовчиликлар олдини олиш учун ҳукумат оқил ва доно, тадбиркор ва ташкилотчи бўлмоғи лозимлигини уқтиради.

Ибн Халдуннинг тарих фалсафасида кишилик жамиятининг ўзига хос даврийлик назарияси алоҳида ўрин тутади ва у «Одамлар каби давлат ҳам ўзининг ҳаётий давларига эга»<sup>2</sup>, деган хулосага келади.

Унинг қарашларига кўра, инсон умрининг табиий даври 120 йил. Кимдир ундан ҳам узоқроқ, кимдир ундан камроқ яшаши мумкин. Ўз даврининг мавжуд илмий қарашлари ва башоратлари нуқтаи назаридан Ибн Халдун шундай хулосага келади ва давлатнинг табиий умрини ҳам шунга қиёс қилиб, уни уч авлод умри даврига тенг деган ғояни илгари суради. Унда биринчи авлод «Куч ёрдамида қийинчиликлар билан ҳокимиятни қўлга киритиб,

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислоҳ тафаккури тарихидан. Т., 2003, 263-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 256-бет.

Ўзининг ёввойи табиатига кўра ҳаракат қилади, яъни жидду жаҳд, ғазаб, қатъият ва сабр-тоқат билан иш олиб боради. Шу туйғайли ҳокимият тепасида қолади. Иккинчи авлод «мерос сифатида қабул қилинган ҳокимиятнинг меваларидан фойдаланиб, ялқовлашиб қолади, маишатга ва беғамликка берилиб, маданиятнинг ҳашаматли ҳаётига кўникади, натижада аста-секин заифлаша бошлайди», учинчи авлодда эса «давлатни ташкил этувчи манбалар ҳисобланган хусусиятлар барҳам топади ва шоҳ курашчанлик қобилиятини йўқотиб, давлат учун ортиқча юк бўлиб қолади. Мана шу тариқа давлатнинг инқироз даври бошланади»<sup>1</sup>.

Ибн Халдуннинг кишилик жамияти ва давлатчилик борасидаги бундай тарихий даврийлик назарияси ўз даври учун кутилмаган воқеа эди. Айни пайтда у давлатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ўз тараққиётининг юксак чўққисига чиқиши ва ундан кейин ўша чўққидан пастга қараб тушиши, охир-оқибатда таназзулга учраши каби илмий-назарий хулосани илгари суради. Масаланинг ажабланарли томони шундаки, орадан қарийиб 600 йил ўтиб инглиз файласуфи, тарихчиси ва социологи Арнольд Тойнби ҳам, Ибн Халдун назариясидан қай даражада хабардор ёки хабардор эмаслигидан қатъи назар, худди ана шундай хулосага келади.

Фалсафа тарихи билан шуғулланувчи олимлар М. Абдурахмонов ва А. Зоҳидийларнинг фикрларига кўра Ибн Халдун ўзининг етти жилддан иборат «Ал-Ибар» асарининг муқаддимасида тарих фалсафаси ва ижтимоийёт билан боғлиқ бўлган жиддий қарашларни ўртага ташлайди. У Шарқ тарихшунослигида афсоналар, асотирлар ва ривоятлардан чекиниб, реал ҳаётий ҳақиқатга таяниш таъмоилини илгари сурди ва аниқ натижаларга эришди.

Ҳар бир воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибатлари, аниқлик даражаси, ижтимоий тараққиётга таъсири, цивилизациялар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, таназзуллари ва моҳиятини танқидий таҳлил орқали ўрганиш қоидаларини илгари сурди ва ўзига хос натижага эришди. Буни Аҳмад Заки Валидий Тўғон

<sup>1</sup> С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 257-бет.

«Тарих ёзишда танқидга таянган прагматик бир йўл тутган Ибн Халдуннинг бу фикрлари қадимги юнонликлардан олинган эмас. Унинг қарашлари ўз ижтиҳоди ва кузатув мушоҳадаларининг маҳсулидир. Унингча «тарих илми миллатлар ва қавмларнинг ўзлари ҳақидаги тадқиқот олиб боришиб, тарих илми инкишофида рақобатчи бўлиб қоладиган бир соҳадир. Чунки тарих ўзининг зоҳирий кўринишида қадим замонлар ва давлатларга оид хабарларни нақл қилишдан иборатдек кўринса-да, ҳақиқий ботиний жабҳасидан кўра инсон учун тафаккур ва ҳақиқатни юзага чиқариш майдонидир. У коинотдаги ҳодисотлар зуҳурининг сабаб ва келиб чиқишини текширади. Ҳодисаларнинг содир бўлиш ҳолати сабабларини жуда чуқур тадқиқ этади, шу томондан тарих фалсафанинг тамалидир»<sup>1</sup>, деб баҳолайди.

Ибн Халдуннинг бундай қарашлари Шарқ тарих фалсафасининг бутунлай янги чуққиларга кутарилганидан далолат беради. У тарих қанчалик ўтмиш ҳақидаги фан бўлмасин, инсон тафаккури ва ҳаёт тажрибаларининг маҳсули сифатида бугунги кун тафаккурининг таянчи, истиқболни белгиловчи маёқ вазифасини ҳам бажаради, деган ғояни илгари сурди. Бошқача қилиб айтганда у О. Шпенглер ва А. Тойнбининг қарашларидан анча олдин, улар илгари сурган тарихни ўрганишнинг «кеча-бугун – эрта» формуласини яратиб, ечимини ҳам ишлаб чиққан эди.

Тарихга муносабат Ибн Халдун учун улкан ижтимоий-фалсафий, мантиқий-ахлоқий аҳамиятга молик бўлган воқелиқдир. Ибн Халдун тарих фалсафаси методологиясини ишлаб чиқар экан, ўтмишни илмий тадқиқ этишнинг йўналишлари ва назарий хулосалар чиқариш тамойилларида хусусан қуйидаги икки ўлчов устувор бўлишини таъкидлайди:

– Манбаларнинг танқидий таҳлилини қатъий йўлга қўйиш, ҳақ ботилдан ва туғри ёлғондан ажратилган, хабарларни ҳақиқат билан уйғунлигини исбот қилган йўлдан бориш;

<sup>1</sup> М. Абдураҳмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 70-бет.

— Ҳодисалар орасида иллатий (сабаб ва оқибат) алоқадорлиги жиҳатидан муносабатларнинг исботини топиш, бу йўл билан ҳодисаларнинг юзага келиш ҳолати, далилларнинг бири бошқаси ортидан келишини изчил намоён этишдир<sup>1</sup>.

Ибн Халдуннинг тарих фалсафаси ўз даври тафаккур тарзи, илмий дунёқараш ва билиш назариясининг талаблари нуқтаи назаридан қараганда ижтимоий фанларда туб бурилишнинг юзага келганидан ва бу диний-дунёвий тафаккурнинг бутунлай янги даврини очиб берганидан далолат беради. У цивилизацияларнинг юзага келиши, ривожланиши ва таназзуллари ҳақида илк бор илмий-назарий асосланган хулосаларни ўртага ташлайди. Жумладан, маданиятлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши, яшаши ва инқирози маълум тарихий қонуният эканлигини, унга табиий-географик ва иқтисодий омиллар, турмуш тарзи ва дунёқарашлар жиддий таъсир курсатиши мумкинлигини айтади.

Айтиш мумкинки, Ибн Халдуннинг бундай дунёвий тафаккури, оламнинг яралиши, одамнинг пайдо бўлиши, маданиятларнинг таркиб топиши ва таназзули ҳақидаги хулосалари, кишилик жамияти тараққиётининг мисли кўрилмаган таҳлили, инсон ва табиат, олам ва одам ўртасидаги муносабатларнинг материалистик тадқиқи ўз даврида нафақат ислом дунёсида, балки бутун инсоният тафаккури кенгликларида узига хос илмий инқилоб эди.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон Ибн Халдун тарих фалсафасини ўрганар экан, қуйидагиларни айтади: «Буюк давлатлар маданият билан алоқаси оз бўлганлиги учун софликларини, ҳаракатчанликларини ва фаолликларини йўқотмаган кучманчилар томонидан қурилади. Давлатлар қурган миллатларнинг энергия қуввати манбаи танасида мавжуд «динамик қувват»дирки, Ибн Халдун бунини «асабия» калимаси билан ифода қилади. Унга кўра бу «асабия» узини энг кўп қавмини бирлаштирган, айни вақтда идеологи ва диний бирлаштириш шаклида кўрсатади. Асабият ислом даврида арабларда ҳам бўлганлиги каби анча

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 71-бет.

авваллари сунгра ҳам бошқа агрессив ғайри муслим қавмларда ҳам юксалиш ва ҳокимиятни қўлда тутиб туришни таъмин этган. Бироқ, давлат 1) бир марказдан идораси мушкул бир шаклда кенгайиб кетиши ва 2) жанговарлик руҳи билан фатҳ этувчи қавмларнинг таъсирланган маданият орасидаги зидлик муносабати натижасида заифлашадилар ва 3) феодал ташкилотнинг мамлакатни тадрижан парчалаш, 4) ҳоким сулоланинг ўз қавмидан юз ўтиражак ёлланма аскар ташкил қилиши ва унга таяна бошлаши, 5) ҳукмрон гуруҳнинг маданиятлашиши натижасида ҳарбий руҳнинг суна бориши, ниҳоят, 6) ҳоким гуруҳнинг исрофга берилиб, яна ва яна янги-янги солиқларни олишни уюштириб, тобеларни қўзғолон кўтаришга мажбур қилиш каби ҳоллар оқибатида заволят топади»<sup>1</sup>.

Ибн Халдуннинг давлат назарияси бир инсоннинг туғилиши, яшashi ва ўлими билан боғлиқ бўлган табиий ва муқаррар жараёни қамраб олади. Инсон умрининг замирида ҳаётнинг мавжудлиги ва доимийлиги, дунёга келиш, ҳаёт учун интилиш, яшаш шавқи, шуури, мазмуни, изтироблари ва таназзули ўз ифодасини топади. Бу бевосита маълум бир давлат ҳаётига қиёслаганда унинг тарихий тараққиёти ва таназзулининг яхлит кўламини, умрини ва бутун моҳиятини ўзида мужассам этади.

Ибн Халдунга кўра давлат ҳаёти ўзига хос босқичларга эга. Жумладан, унинг илк зафар даври — дунёга келиши ва маълум бир маконда эгалик ҳуқуқини қўлга киритиши, ундан кейинги ҳукмронлик даври — куч-қувватга тўлиб, ўз таъсирини утказиш, давлат мақомини эгаллаш билан бирга ўз ҳудудида маълум бир ғояни ўтказиш ва шу ҳудудни бошқариш, унинг натижасида эса юзага келган ҳузур-ҳаловат, барқарорлик, тинчлик, фаровонлик, хушвақтлик ва ҳаёт сафосининг устуворлиги, кейинги босқичда ахлоқ меъёрларининг устуворлиги, маданиятнинг жамиятдаги ўрни, умумий ижтимоий тенглик ва қадриятнинг юқори тутилиши, ҳар қандай можаролар, келиш-

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тугоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 71–72-бетлар.



мовчиликлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, ундан узоқда туриш кайфиятининг авж олиши. Ана шу кейинги ҳолат аста-секинлик билан кучсизланиш, таъсирнинг йўқолиш даврини бошлаб беради ва охириги босқични — таназзул даврини юзага келтиради.

Бу бевосита, юқорида айтганимиздек, бир инсоннинг ҳаётга келиши, яшаш завқи, ҳаёт неъматларидан унумли фойдаланиши ва ана шу лаззатлар, нашъу намолар оқиба-тида ўзлигини йўқотиши, барқарор кучнинг динамик ривожланишига эътибор бермаслик иллатларининг юзага келишига ва натижада инсон уз-узидан инқирозга юз тутиб, ҳаёт шомига етиб келганлигини кўрсатадиган чуқур мантиқий ва ахлоқий воқеликдир. Ибн Халдун ана шу нуқтаи назардан ҳам давлатларнинг юзага келиши ва инқирозини «биологик ҳодиса» сифатида баҳолайди ва «ҳар бир инсон каби давлат ҳам ўлимга маҳкум»<sup>1</sup> деган хулосага келади.

Ибн Халдуннинг бундай тарих фалсафаси, айтиш мумкинки, инсоният тарихи ва тараққиёт босқичларини ўрганишда кескин бурилиш ясади. У кишилик жамиятининг ривожланиш ва таназзул қонуниятлари, одамларнинг ўзаро алоқадорлиги, ҳаёт манфаати ва турмуш талаблари асосида ўзаро манфаатдорликнинг устувор бўлиши ва натижада кишилик жамиятининг юзага келиши, давлатлар ўзига хос мақомларининг пайдо бўлишига табиий ҳодиса сифатида қарайди. Турли маданиятларнинг маълум бир маконда ва замонда ўзига хос тарзда юзага келиши, тараққий топиши ва таназзулга юз тутишини доимий айланиб турадиган, ўзгариб борадиган жараён сифатида баҳолайди.

Бундай қарашлар Фарб фалсафасида анча кейин италиялик машҳур файласуф Бико (1667—1744), немис файласуфи Освальд Шпенглер (1880—1936) ва инглиз тарихчиси, социологи Арнольд Тойнбиларнинг (1889—1975) тарих фалсафасига асос бўлиб хизмат қилди.

Ибн Халдун тарих фалсафасининг серқирралиги, бу ранг-баранг оламнинг мумкин қадар кўпроқ қирраларини қамраб олганлиги шундан ҳам маълум бўладики, у бир томондан жамият ва давлат тараққиётида, кишилик ҳаёти ривож-

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Туғоннинг Туркистонга сафари (1913—1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 72-бет.

ланишида иқтисодий омилларнинг муҳим ролини алоҳида таъкидлаган материалистик назарияга ҳам (К. Маркс), халқлар ва жамият тараққиётида табиий иқлим ва геополитик имкониятнинг ўрни, унинг таъсири ҳал қилувчи омил эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаган француз файласуфи Монтеस्कье, Огюст Конт (1798–1857) қарашларига ҳам сарчашма бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Ибн Халдун жаҳон тарихини ўрганар экан, маданиятлар, цивилизацияларнинг юзага келиши, маданиятлараро интеграция ва жаҳон ҳамжамиятининг умумий тараққиёти қонуниятларини узига хос тарзда тадқиқ этади. Турли маданиятларнинг вужудга келиши, кучманчи халқларни, кичик этнослар ва миллатларни бир-бирига қўшиб юбориш натижасида келиб чиқадиган интеграциялашувнинг салбий оқибатларини аниқ кўрсатади ва ҳар қандай кичик маданиятлар «маданий интеграция» оқибатида катта халқларга маданий тобелик орқали йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги каби оғриқли ғояларни илгари суради. Асрлар ўтиб В. Шмит, О. Менген, В. Копперс, А. Тойнби каби Европа фалсафаси намояндалари айтиши ана шу ғояни илгари сурдилар ва Ибн Халдун назарияси тарихий ҳақиқат эканлигини кўрсатдилар.

Ибн Халдун тарих фалсафасининг биз шарқликлар учун ёқимли бўлган ва айтиши пайтда катта руҳ, рағбат, келажакка ишонч, буюк истиқболга имон келтиришга даъват этадиган яна бир ғояси борки, назаримизда буни алоҳида таъкидлаш зарур: у бир жойда «дунёда икки миллат ҳоким бўлишга яратилгандир: бири араблар, бошқаси турклар» деса, бошқа бир жойда «Темур даври башарият тарихи инкишофининг энг юксак нуқтасидир. Дунё яратилганидан бери бундай бир давлат қурилмагандир. Бобил ва Эрон ҳукмдорлари ва Искандар бу буюк турк ҳукмдорига нисбатан қўлага бўлиб қолади. Зеро, давлат асабия руҳи устига қурилади ва унинг аҳамияти ҳам шу миллий асабиятнинг қудрати даражасида бўлади. Асабия хусусида эса дунёда ҳеч бир миллат туркларга тенг келолмайди»<sup>2</sup>, дейди.

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 73-бет.  
<sup>2</sup> Уша манба. 75-бет.

### 5-§. Туғон ва Шарқ тарих фалсафаси

Шарқда тарихни ўрганишнинг асосан икки йўналиши мавжуд. Бу бевосита табиат, табиий ҳодисалар, оламнинг яралиши билан боғлиқ бўлган йўналишлар, иккинчиси эса инсоннинг дунёга келиши, инсоният тарихи билан боғлиқ бўлган кишилик ҳаётининг вужудга келиши, инсоният тарихий-тадрижий ривожининг босқичлари, моҳияти, мазмунини қамраб олган тарихий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ҳамда буларнинг барчасини ўзига мужассам этган мантиқий таҳлил ва тадқиқ ташкил этади.

Ҳар бир тарихчи ўз даври ижтимоий тузуми, унинг мазмуни ва қадриятлари нуқтаи назаридан ўтмишга ёндашади ва ана шу қарашлар ҳамда эҳтиёжлар асосида тарихий тараққиётга баҳо беради. Бироқ тарихий жараёнларга, маълум воқеа-ҳодисаларга ички ва ташқи таъсир — жамият маънавий, ижтимоий, иқтисодий асослари ва табиий ҳодисалар моҳияти, улар таъсирида келиб чиққан реал воқелик ўзаро боғлиқликка тадқиқ этилмоғи лозим. Чунки унинг замирида табиий ва ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бутун моҳияти ҳар икки йўналишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам атоқли тарихшунос Аҳмад Заки Валидий ўзининг «Тарихда усул» номли китобида «ўз ҳаётимизни тадқиқ этар эканмиз, кўрамизки, бизнинг бутун борлиғимиз асосан икки нарсага боғлиқдир. Бир томондан эҳтиёжларимизга мувофиқ келувчи ёки уларга терс келувчи ташқи аҳвол, шарт-шароитлар, бошқа томондан эса шахсий хоҳиш-истакларимиз мавжуд. Жамият ҳам худди шундай мавжуддир. Умумий шарт-шароит, масалан, зилзилалар, осмондан ёғиладиган ҳар хил офатлар, урушлар ва ваболар, иқлимнинг узгариб кетиши каби табиий ҳодисалар билан бирга алоҳида индивидуал гуруҳий истак инсониятнинг ички таъсир қувватлари инсонлар борлигида қатъий таъсир кўрсатувчи омиллар вазифасини ўтайди»<sup>1</sup>, деб ёзади.

<sup>1</sup> М. Абдураҳмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Туғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 57-бет.

Инсоният тараққиётида ва кишилиқ жамияти ривожланишида ташқи таъсир — табиий офатлар, турли юқумли касалликлар, урушлар ва оммавий қирғинлар қанчалик кучли таъсир этса, ички моҳияти билан маълум бир ижтимоий гуруҳ, сиёсий манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам катта аҳамият касб этади. Булар эса бевосита тарихда инсоннинг ўрни, роли, мақсад ва интилишлари, орзу ва умидларининг ифодаси сифатида ўзини намоён этади. Баъзи ҳолатларда айрим шахслар фавқулодда воқелик моҳиятига эга бўладилар. Натижада улар даҳолар, улуғ саркардалар, пайғамбарлар тимсолида мавжуд ижтимоий тузумни кескин узгартириб юборадилар. Ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий меъёрларни ўрнатишади. Ана шу тарзда «Тарих инсониятнинг гуёки бир таржимаи ҳоли ва руҳияти»нинг ифодаси сифатида дунёга келди.

Аҳмад Заки Валидий Туғон инсоният тарихини урганиш ва тарих фалсафасининг назарий-методологик жиҳатларини ишлаб чиқар экан, қуйидаги тамойилларни илгари суради:

- тарихнинг теократик ва дуалистик талқини;
- тарихни материалистик тушуниш;
- тарихнинг позитивистик талқини;
- тарихни идеалистик тушуниш;
- тарихни экспрессионистик талқини;
- тарихнинг гуманистик талқини ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шарқ тарих фалсафаси методологиясининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу бевосита тарихий ҳақиқат, реал воқелик билан бирга мавжуд бўлган афсоналар, ривоятларнинг уйғунлашиб кетиши каби ҳолатлардан ўтмишни тарихий, фалсафий, мантиқий тушунишнинг илк ва ноёб тажрибаси сифатида дунёга келган қарашлардир. Бу даврда тарих жуда катта шавқу шуур, қувваи ҳофизани талаб этадиган юксак бадий тасвирлар, образлар, ухшатишлар билан ифода этилган жозибадор ва ҳаяжонли тарихий-бадий услубни ташкил этади. Баъзи бир тарихий асарларда тарихий шахслар,

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Туғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 58-бет.

пайғамбарлар, саркардалар, сипоҳдорлар, подшоҳлар феъл-атвори, характер белгилари, жанг ҳолатлари тасвирлари юксак бадиий маҳорат билан баён этилади (Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулки Ажам», Бобурнинг «Бобурнома»; Улуғбекнинг «Турт улус тарихи» асарлари, турли саёҳатномалар ва бошқалар). Айни ана шу санъатнинг ўзида этнография, антропология, социология, фалсафа, мантиқ, сиёсатшунослик ва бошқа фанлар йўналишларига хос бўлган қарашлар ҳам уйғун ҳолда ўз аксини топганки, бу тарихни ўрганишда, воқеалар моҳиятини англашда беқиёс шавқу завқ, ажодлар ҳаётига катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қараш, улар турмуш тарзи, дунёқараши ва анъаналарига катта эҳтиёж сезишга олиб келган.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон Шарқ тарих фалсафасининг дунёга келиши, унинг ривожланиш омиллари ва тадрижий тараққиёти хусусида фикр юритар экан, улуғ исломшунос мутафаккирлардан бири Ибн Мискавайхнинг илмий қарашларига муфассал тўхтади ва унинг «Давлат идораси, даврнинг руҳияти, миллатларнинг уйғониши ва инқирозларнинг сабаблари каби масалаларни ички бир алоқадорлик билан тушунтирган, ўрни келганда уларни ойдинлаштиришга журъат қилган»<sup>1</sup> буюк муаррих сифатида баҳолайди. Демак, Шарқ тарихшунослиги ва тарих фалсафасида давлат, жамият, бошқарув ва инсон тушунчалари атрофидаги мулоҳазалар, мушоҳада ва илмий муҳокамалар анча илгари вужудга келган ва Ғарб тарихий тафаккурининг шаклланишида, тарих фалсафаси предмети ҳамда методологиясининг янги цивилизациявий давр талаблари даражасига кўтарилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ислом олами тарихшунослиги ва тарих фалсафаси предмети, унинг методологияси, ўрганиш усуллари ва услублари, тадқиқот объекти ва субъекти хусусида фикр юритар экан, қатор Шарқ алломалари илмий меросини чуқур ўрганганини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 65–66-бетлар.

Жумладан, Тожиддин Абу Наср Абдулваҳоб ибн Тоқиуддин ас-Субкий (вафоти 1370) Шофеий фақиҳларининг таржимаи ҳолларига оид ёзган асарларида тарихчилар учун муҳим қоидаларни тавсия этади. У тарихчиларда холислик асосий фазилатга айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Кимларнидир кўкка кутариб мақтаб, кимларнидир ер билан яксон қилишларини ижобий ҳодиса деб баҳоламайди ва қуйидаги қоидаларни тавсия этади:

- тарихчи бетараф ва сўзида содиқ, изчил бўлмоғи;
- бошқалардан сўзлар нақл этар экан, малакали иқтибос қилмоғи, ривоятларнинг фақат маъносини олиб, уларни ўзи ёқтирган иборалар билан ёзмаслиги;
- бошқалардан ривоят нақл этар экан, унинг тўғри ёки ёлғон эканлигини музокара қилиб (тахрирдан утказиб) олиш;
- хабар ва ривоятлар кимдан нақл этилса, уша ровийнинг исмини муҳаққақ зикр этиши, яъни ривоят келтирувчи исми шарифини аниқ кўрсатиш ва ҳ.к<sup>1</sup>.

Субкийнинг тарих фалсафасида ҳар қандай далилни чуқур ўрганиш, ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш, уни тўғри талқин қилиш қоидалари устуворлик қилади. Аҳмад Заки Валидий ибораси билан айтганда «Тарихий ҳодисаларни аниқ англаш «ҳусни тасаввуф (ҳодисани содир бўлишидаги сабабларни аниқ ва тулиқ қамраб ола билиш) ва илмдан бошқа бир ҳимоя қилиш ва таркиб бериш қудратига эга бўлиш» зарурдир. Чунки баъзи муаллифлар ўзларида ҳодисаларнинг сабабларини чуқур билган ҳолда қамраб олиш истейдоди ва илм мавжуд бўлгани ҳолда, билган нарсаларини таснифлаш вақтида талабчанлик, тартиблаш ва буни изчил давом эттиришни намоён қилолмайдилар»<sup>2</sup>.

Ана шу ерда тарихнавислик, тарихни илмий-фалсафий тадқиқ этишнинг тарихчи маънавий даражаси ва илмий салоҳияти билан боғлиқ талаблари кўзга яққол ташланади. Баъзан шундай ҳолатлар юз берадики, тасодифий ёки тақдир тақозоси билан айримлар муаррихликни касб

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 67-бет.  
<sup>2</sup> Уша манба.

қилиб олишади. Алоҳида кўникма, тажриба, қалб гавҳарини ишга солиш, махсус тайёргарлик билан бирга ҳис қила олиш, интуициядан узоқ ҳолатда иш юритади. Ёки билимсизлик, тарафкашлик, юзаки фикрлаш оқибатида сохта тарих яратади.

Темурийлар даврининг буюк муаррихларидан бири Мирхонд Шарқ тарих фалсафасида алоҳида мавқе эгаллайди. У тарихий тараққиёт ва инсоният ўтмиши қонуниятларини ўзига хос талқин этади. Унинг илмий фаолиятида тарихий тафаккур бадиий тафаккур билан қоришган ҳолда юксак илмий-бадиий, фалсафий-мантиқий мақомга эга бўлади.

Мирхонд ўзининг «Равзат-ус-сафо» асарининг муқаддимасида тарихни идрок этиш, тушуниш ва уни фалсафий ўрганишнинг бир қатор тамойилларини ўртага ташлайди. Жумладан:

1. Ҳар бир киши фақат ўзининг мушоҳада кузатувларига таянибгина тарих ёза олмайди. Тарихий асар заруратан бошқалар берган хабар — ривоятларга таянади. Шунинг учун бир (тарихий) ёзишга киришилар экан, ривоятларнинг тўғриси янги ёлғонидан ажратиб олиш бирламчи шартдир.

2. Тарихнинг фойдаси, инсоният жинси ўз бошидан кечирган ҳол-аҳволларни бир бутун ҳолда мушоҳада қилиб ҳаёт учун йўл топишда бекорга Қуръони каримда «...Уларни Аллоҳ туғри йўлга бошлаган, Сен ҳам уларнинг туғри йўлидан боражаксан» ва ҳадисда ҳам дунёга эга бахтли масъуд инсон бошқаларнинг бошидан ўтган ишлардан ибрат олган кимсадир» дейилмайди-да.

3. Тарихга, айниқса, давлат одамлари эҳтиёжлидирлар. Мирхонд буни уч моддада англатганидан сўнг тарихни янглиш бир шаклда ёзиш ватанга ва давлатга хиёнатдир, бекорга Қуръони каримда бундай бузуқ ёзувчилар ҳақида «Сўзларни ўз жойларидан силжитиб бузадилар» дейилмаган ва уларни ана шу тарзда қоралаган.

4. Тарихнинг бир мукамал ҳолга келтирилиши ва таснифининг қуйидаги шarti бор:

— ҳар бир нарсаси-ҳодисани, у қандай бўлса, шундайлигича ёзиш;

— ҳар бир нарсанинг фазилати, ҳайратга солувчи жи-

ҳати, одиллик ва эҳсон билан боғлиқ жиҳатлари бўлганидек, қабиҳ-чиркин, разолатли томонлари ҳам бўлади. Улар асло пинҳон қолдирилмаслиги керак<sup>1</sup>.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ана шу тарзда Мирхонд тарих фалсафасини чуқур таҳлил этади. Унинг ўзига хос принципларини, талабларини ва талқиқот тамойилларини юксак илмий-назарий меъёрлар асосида ўрганadi. Тарихчи-тадқиқотчи ёки тарихнависнинг илмий-назарий салоҳияти билан бирга маънавий-ахлоқий даражаси, бетарафлиги ва ҳолислиги хусусидаги қатъий хулосаларини уртага ташлайди.

Умуман олганда Шарқда ахлоқ категорияси ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида устуворлик қилади. Турмуш тарзи, ҳаётга қарашлари ана шу ўлчовлар асосида тартибга солинади. Бу бевосита Шарқ тафаккур тарзининг ва ҳаёт моҳиятининг бутун қадриятини белгилайди.

Илмда эса бу яна ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илмий ҳолислик, хулосалар ва ҳукмларнинг юксак даражада асосланганлиги, ҳар қандай фикрлар ва қарашларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ноҳўя, асоссиз ва ҳатто тўхматдан иборат бўлган тарихий далиллар ва маълумотларга ўта оғирлик, вазминлик, андишалилик нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим қоидага айланган. Ана шу тартибот талабларидан келиб чиқиб Аҳмад Заки Валидий «Муаррих сўзида тўғри, сўзига содиқ бўлмоғи, динни дунёга қориштирайдиган, салобат соҳиби бўлмоғи даркорки, токи унинг китобини ўқийдиган авлодлар вабодек нарсаларга дучор бўлмасинлар. Шу нуқтаи назардан ва эътибор билан тарих ёзиш бениҳоя юксак савияда масъулиятли бир ишдир. Муаррих буни яхши билар экан, ҳаракатини қилмоғи, барча нарсаларни ва ўзидан қўшишдан қатъий сақланмоғи зарур. Шундай қилсагина муаррихнинг асари қиёматгача қўлдан-қўлга ўтиб юраверади ва ҳар инсон ундан фойдаланаверади»<sup>2</sup>, деган эди.

Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, Шарқ фалса-

<sup>1</sup> М. Абдурахмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 68-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. 69-бет.



фий тафаккури Фарб фалсафий тафаккуридан тубдан фарқ қилади. Бу бевосита диний ва дунёвий қарашларнинг уйғун ҳолда вужудга келгани, жумладан, ислом таълимоти, инсон, табиат ва бутун борлиқ ўртасидаги дахлдорликни, уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларининг мавжудлигига қаратилганлиги бўлса, иккинчи муҳим жиҳати — инсон ҳаёт гултожи сифатида қалб ва туйғу олами, покиза руҳ ва ахлоқ тимсоли сифатида кўринишидир. Бу бевосита турмуш тарзи, урф-одатлари орқали яхлит жамият маънавий қиёфасини, тарихий-тараққиёт моҳиятини белгилайди. Демакки, тарихни англаш, тадқиқ этиш ва уни фалсафий идрок этишнинг шарқона — юксак маданият ва ахлоқ тамойилларига асосланган шаклини вужудга келтиради.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон тарихни ўрганиш, инсоният тарихий тараққиётининг босқичлари, цивилизация ва уларнинг таназуллари қонуниятларини чуқур ўрганар экан, у араб-мусулмон тарихчилиги, тарихшунослиги ва тарихни фалсафий-мантикий ўрганиш қоидаларини анча чуқур тадқиқ этади. Айниқса, Табарий, Баламий, Беруний, Абулғозий, Ибн Соат, Мирхонд ва бошқаларнинг тарих методологиясини ҳамда қарашларини ўз замондошларидан кескин фарқ қиладиган даражада анча чуқур тадқиқ этади ва Шарқ тарих фалсафасининг ўзига хос саҳифасини очади.

Файласуфлар М. Абдураҳмонов ва А. Зоҳидийларнинг фикрларига кўра, 1928–1940 йиллар оралиғида Аҳмад Заки Валидий Тўғон «Турк тарихи», «Турк тарихининг умумий ҳадларига доир илк мадҳал дарси», «Ўн етти қум босган шаҳар ва Садри Мақсудий», «Бугунги Туркистон ва яқин мозийси», «Умумтурк тарихига мадҳал», «Турк тарихига мадҳал» ва бошқа қатор фундаментал тадқиқотларни амалга оширди, уларни Истанбулда нашр этди<sup>1</sup>. Ана шу асарлари билан у тарих методологиясини янада чуқурлаштириш, унинг қонуниятларига аниқлик киритиш ва тарихни талқин қилишда Шарқ араб-мусулмон ва хусусан, Туркистон тарихини ўрганиш, уни англаш, талқин этиш тартиботи-

<sup>1</sup> М. Абдураҳмонов, А. Зоҳидий. А. Валидий Тўғоннинг Туркистонга сафари (1913–1914 йиллар). Т., «Фан», 1997, 69-бет.

ни вужудга келтирди. Ваҳоланки, бу пайтгача қатор тадқиқотлар, методологик асослар вужудга келган бўлса-да, улар ҳали тугал фан нуқтаи назаридан ниҳоясига етказилмаган, аниқ тизимга эга бўлмаган, тарқоқ ва хилма-хил қарашлардан иборат бўлган фикрлар силсиласи эди.

Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг тарих фалсафасини яратишдаги илмий қадрияти шундаки, у Туркистон тарихига доир турли қарама-қарши, зиддиятли ғояларга аниқлик киритди. Зотан, Туркистоннинг бой маданияти ва улкан цивилизациявий тараққиётига турли манфаатлар орқали қараш, бошқача қилиб айтганда, уни талон-торож қилиш, ҳар ким ўзининг мулкига айлантириш тенденцияси ҳукумронлик қилар эди. Жумладан, кимлардир европапарастлик, ғарбпарастлик, яна кимлардир славянпарастлик, бошқа бировлар эса эронпарастлик манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиб, қадимий Туркистон маданиятига эгалик қилиш даъволари билан яшардилар. Ваҳоланки, Туркистон азал-абаддан яхлит макон ҳисобланган. Туркистон халқлари тарихи инсоният тарихи билан тенгдош, жаҳон тарихининг ибтидоси билан ҳамоҳанг равишда ривожланган ва умуман инсоният ҳаётига маданият олиб кирган буюк тарих ва мўъжизавий қадриятдир.

Туркистон халқи ўз ҳудуди доирасида инсоннинг илк пайдо бўлиши, жамоачиликнинг бошланиши, маълум жамият қиёфасига эга бўлган ижтимоий ҳаёт тарзидан бошлаб бугунги цивилизациявий даражагача бўлган ноёб, ўзига хос, жозибадор ва айни пайтда ниҳоятда изтиробли, зиддиятли, кескин вайронгарликлар ва буюк кашфиётлар, севинчу изтиробларни ўзида мужассам этган яхлит тарихдир. Аҳмад Заки Валидий Тўғон Туркистон тарихига ана шундай ёндашади ва уни бутун буюклигию фожиалари билан яхлит ҳолда тадқиқ этади.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон тарих фани тараққиётини тор доирада тушунмади. У тарих мантигини излашда манбашунослик, тарихий тилшунослик, археология, этнография, полеонтология, эпиграфия, нумизматика, социология, фалсафа ва мантиқ фанларининг умумий талаблари ва методологик асослари орқали ўрганди. Тарихни англаш ва тушунишда бу жуда улкан ва ўзига хос, илмий-назарий жиҳатдан прогрессив ҳодиса эди.

### ҒАРБ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Европада тарих фалсафаси юқорида айтганимиздек, фалсафанинг муҳим йуналиши сифатида XVIII асрларда юзага келди. Бу пайтга келиб тарихни фалсафий идрок этиш ижтимоий фанлар доирасида илмий-назарий тадқиқотнинг бутунлай янги босқичи даражасига кутарилди. Тарих фалсафаси атамаси биринчи марта 1765 йили Вольтер томонидан илгари сурилди ва тарихшунослик, жамиятшунослик, демография, этнография ҳамда фалсафа фанларининг умумий ва узвий бир қисми сифатида бутунлай янги йуналишни очиб берди. И. Г. Гердер тадқиқотларида тарих фалсафасининг фан сифатидаги аниқ йуналишлари белгилаб берилди.

Тарих фалсафаси тараққиётида Гегель, О. Конт, Н. Я. Данилевский, О. Шпенглер, А. Тойнби, П. А. Сорокин, К. Ясперс, К. Поппер ва бошқалар беқиёс ҳисса қўшдилар.

#### 1-§. Англо-француз тарих фалсафаси

Кейинги юз йилликларда жаҳон тарихини ўрганиш, уни тадқиқ этишда цивилизациявий ёндашув тенденцияси устуворлик қилмоқда. Бу Освальд Шпенглер фалсафасининг Арнольд Тойнби томонидан давом эттирилганлиги ва локал цивилизация назарияси мумтоз шаклининг вужудга келганлиги билан белгиланади.

Дарҳақиқат, Тойнби «Машҳур цивилизациялар сони унчалик ҳам катта эмас, бизга фақат йигирма битта цивилизацияга бўлиш мумкин бўлди. Бироқ уларни давом эттириш мумкин. Турли халқлар, даврлар ва мамлакатларда ўзига хос турли ривожланиш ҳодисалари юз берган. Бироқ ҳар томонлама мустақил ва жиддий цивилизациялар сони ўндан ортмайди»<sup>1</sup>, — дейди. Тойнби шундай қилиб йигирма бир цивилизация ҳодисасини эътироф этади. Улар қаторига Араб, Хитой, Шумер, Майам, Ҳинд, Эллин, Ғарб, Христиан (Россия), Узоқ Шарқ (Корея ва Япония), Эрон, Миср, Араб, Мексика, Вавилон ва бошқа цивилизациялар киради. Ана шу цивилизацияларни тадқиқ этиш

<sup>1</sup> А. Тойнби. Постигение истории. М., стр. 72.

натижасида А.Тойнби «...Табиий муҳитдаги ва одамлар теҒрасидаги яшаш шароитларининг оғирлиги цивилизациянинг вужудга келишига сабаб бўлади»<sup>1</sup>, — деган хулосага келади.

Демак, ҳар қандай цивилизация эҳтиёж фарзанди. У умумий манфаатлар ифодаси сифатида яхлит халқ, мамлакат, худуд тақдири билан боғлиқ бўлган тараққиёт омилларини қамраб олади ва зарурат даражасига кутаради.

А. Тойнбининг тарих фалсафасини таҳлил этар экан, А. А. Ивин унинг бутун моҳиятини, қарашлар силсиласини қуйидагича баён қилади: «Даъватларнинг беш хили мавжуд: қаттиқ иқлим даъвати, янги маконлар даъвати, ташқаридан келувчи кутилмаган зарбалар даъвати, доимий ташқи босим даъвати ҳамда чеклаб қўйиш даъвати. Бунда жамият ҳаётини зарур бўлган нарсасини йўқотиб, ўз куч-қувватини ушбу йўқотишнинг ўрнини тўлдирувчи хусусиятни ишлаб чиқишга йўналтиради. Мазкур барча ҳолатларда «Даъват қанчалик қудратли бўлса, рағбат ҳам шунчалик кучли бўлади» деган қоидага асосланган ижтимоий қонун амал қилади. Бироқ, даъват ўзининг ўта кескинлиги билан фарқланадиган бўлса, у идрок этиш даражасидан чиқиб кетиб, самарали рағбат бўлолмайди»<sup>2</sup>.

Тойнби концепцияси бўйича техника ривожлангани сари цивилизация сустрлашади ва, ҳатто, инқирозга учрайди ёки аксинча — техника ривожланмаган пайтда цивилизация динамик тарзда ривожланади. Чунки бундай шароитда тараққиётга эҳтиёж кучли бўлади. Зотан, ҳар қандай изланиш ва ижодкорлик талаб ва эҳтиёждан келиб чиқади. Эҳтиёж қондирилгач, мақсадлар рўёбга чиқа бошлагач инсонда табиий равишда қониқиш ҳисси ва энгил яшаш кайфияти устуворлик қилади.

Цивилизациянинг ривожланиши бу бевосита озчиликни ташкил этган ижодкорлар ёки алоҳида шахслар фаолиятининг натижасидир. Тойнбининг фикрича, ҳар қандай шароитда ҳам ижодкор шахслар, яратувчилар озчиликни, алоҳида қатламни ташкил этади. Бироқ айни ана шу озчилик янги ҳаётнинг ижтимоий тизимини ва бутун

<sup>1</sup> А. Тойнби. Постигение истории. М., стр. 72.

<sup>2</sup> А. Ивин. Философия истории. М, «Гардарики», стр. 16–17.

моҳиятини белгилаб беради. Ҳар қандай ўсиб бораётган цивилизация, ҳатто у оммавийлашган жамиятни жонлантириб юборган пайтда ҳам, халқ оммаси стагнация ҳолатидан чиқа олмайди.

Албатта, бундай қарашларда қайсидир даражада асос бор. Жамиятда ҳеч қачон бутун халқ оммаси тенг равишда ақлий салоҳиятга, ижодий имкониятга, яратувчилик истеъдодига эга бўла олмайди. Бу табиий ҳол. Жамиятни ташкил этган алоҳида-алоҳида одамлар ҳар бирининг физиологик ва биологик камолот даражасига қараб ўзига хос ақлий салоҳияти, интеллектуал имконияти бўлади. Ана шу жиҳатдан қараганда кишилик жамияти тараққиёти ҳамма вақт фуқароларнинг ижодий ва яратувчилик имконияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нечоғлик иштироки ва бу иштирокнинг қай даражадаги самараси билан ҳам боғлиқ.

Албатта, ҳар бир инсон ўз вазифаси, касбу кори, касбий салоҳияти ва бажараётган иши билан, хоҳлаймизми йўқми, жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Бироқ умумий жамият равнақини белгилайдиган, уни таъминлайдиган, бутунлай янги узанларга буриб юборадиган, жиддий тарихий силжишларга даъват этадиган, бошқача қилиб айтганда, янги цивилизация даврини бошлаб берадиган қатлам озчиликни ташкил этади. Бу ўз-ўзидан яратувчилар, бунёд этувчилар элитасини ташкил қилади.

Умуман олганда, цивилизациялар ўз моҳияти, юзага келиш шакли ва инсоният тараққиётига кўрсатган таъсири билан алоҳида фарқ қилади. Жумладан, цивилизация Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Европада моддий-техника тараққиёти, Ўрта Осиёда эса ахлоқ кўринишида юзага келди. Шунинг учун ҳам орадан неча асрлар, минг йилликлар ўтмасин, бугунги кунда ҳам юнон юртида гўзалликка интилиш, нафосатга ошуфталик, санъат ва маданиятга ихлосмандлик ва уни қадрлаш, шу орқали ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш фазилатлари устуворлик қилади. Юнон тараққиётида нафосат ва гўзаллик, санъат ва маданият ҳал қилувчи, йўналтирувчи, жамиятни ҳаракатга келтирувчи воситага айланган. Бугунги кунда ҳам ана шу ҳудуд халқлари турмуш тарзида, дунёқарашида, руҳиятида феъл-атворида бундай хислатлар ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳиндистонда эса ҳозирга қадар ақидаларнинг турличалиги, диний қарашларнинг хилма-хиллиги, эътиқодлар ва маънавий-руҳий эҳтиёжларнинг диний воситалар орқали қондириш кайфияти устуворлик қилади. Ким нимага эътиқод қўйса, унинг учун Худо ўша.

Цивилизация Европада анча кечроқ — XVII—XVIII асрларда юзага келган. Бу бевосита кам меҳнат сарфлаб, кўп нарсага эришиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга бўлган интилиш, руслар ибораси билан айтганда «оёқ билан эмас, калла билан ишлаш»га эҳтиёж моддий-техника тараққиётига асос бўлди. Ана шу маконда илк буг машиналари, велосипед ва бошқа механик, техник воситаларнинг яратилиши бунга яққол мисол була олади. Натижада ахлоқ ва маънавиятдан моддий манфаатдорликнинг устун бўлишига олиб келди.

Қадимий Мовароуннаҳрда эса цивилизация ахлоқ шаклида юзага келди. Натижада эзулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, муҳаббат билан нафрат ўртасидаги курашда эзулик, яхшилик ва муҳаббат тантанаси сингари маънавий-ахлоқий мезонлар доирасида ҳаёт фалсафаси, ҳаёт мантиғи ва инсон оламининг барча қирралари ҳамраб олинган. Яхлит инсон феномени моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий-ахлоқий мезонлар, тартиб ва меъёрлар бу цивилизациянинг асосини ташкил этади.

Илк халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган «Алпомиш», «Гурӯғли», «Кунтуғмиш» ва бошқа қатор дostonларни назарда тутсак, қадимий Хоразмда дунёга келган илк маданий ёдгорлик — «Авесто»даги ғоят инсонпарвар ғояларни инобатга олсак, бунга яққол гувоҳ бўламиз. Зотан, «Авесто»даги кўпхудолилиқка, турли майда қабила ва уруглар ўртасидаги ҳар хил низоларга, туқнашувларга барҳам бериб, яқка худолика даъват этиш гоёси инсониятни умумий манфаатлар атрофида бирлаштириш каби ғоят юксак даражадаги эзуликлар, жумладан, эзгу ҳаёл, эзгу фикр, эзгу амал тамойили, ўйларинг, айтаётган гапинг ва бажарадиган ишинг бир бўлиши каби юксак даражадаги ахлоқий мезонлар бугун ҳам ана шу ҳудуд халқлари маънавий эҳтиёжига айланиб ҳолган. «Авесто»нинг жаҳон цивилизациясидаги мисли кўрилмаган қадрияти яна шундан ибo-

ратки, у тарқоқ яшаш принципларига нуқта қўйиб, жамоа бўлиб яшаш қонуниятларини илгари сурди ва жамоачилик тенденцияси орқали илк тизимли бошқарув усуллари ва дастлабки давлатчилик элементларининг дунёга келишига катта замин яратди.

Айрим Фарб олимлари инсоният тарихини цивилизациялар оқимида кўради. Унинг тараққиёти, ривожланиш омиллари бевосита инсон тафаккури ва яратувчилик иштиёқи билан боғлиқ деган фикрни билдиришади. Жумладан, А.Тойнби цивилизация ҳодисасига жиддий эътибор билан қарайди.

Албатта, цивилизациялар даври бир неча юз йилликларни қамраб олади. Бир инсон бунга гувоҳ бўлиши мумкин эмас. Тарихий тараққиётнинг аччиқ сабоқларидан бири шундаки, цивилизация ўзининг энг юксак чўққисига чиққан даврларда яшаётган инсон ҳам уни бутун кулами билан идрок эта олмайди. Унинг назарида худди ота-боболари ҳам шундай яшагандай, унинг кейинги авлодлари ҳам худди шундай яшаши муқаррардай туюлади. Бундай пайтда тарихчи тарихий жараён динамикасини, ривожланиш босқичларини аниқ-равшан идрок этишга ҳаракат қилсада, унинг ҳам ялпи цивилизация туб моҳиятини бутун салмоғи билан яхлит ифода қилиши анча қийин. Ана шу ҳаётий қоидани тадқиқ қилар экан, «Алоҳида индивиднинг яшаш даврига нисбатан, — деб ёзади А.Тойнби, — цивилизациянинг яшаш даври шунчалик каттаки, ундан етарли даражада узоқлашгандагина бу даврни ўлчашга умид қилиш мумкин. Бунга фақат ўлган жамиятни тадқиқ этиш билан эришилади. Тарихчи ўзи яшаётган жамиятдан ҳеч қачон бутунлай озод бўла олмайди»<sup>1</sup>.

Тойнбининг тарих фалсафасига мувофиқ жамият тараққиётининг асосий механизми сифатида элита ва халқ оммаси ўртасидаги муносабатлар муштараклиги, фаолият уйғунлиги алоҳида ўрин тутаети. Бундай юксак даражадаги ялпи ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш бевосита маълум бир жамият моддий ва маънавий маданиятининг нечоғлик юксаклигига, ахлоқий меъёрларининг бирмунча етуклигига, аҳоли турли табақаларининг маънавий-маърифий

<sup>1</sup> А. Тойнби. Постигение истории. М., «Прогресс», стр. 69.

даражаси баландлигига боғлиқ. Дарҳақиқат, жамиятни ташкил этган ҳар бир фуқаро маънавий эҳтиёжи, унинг ҳаёт мазмуни ва истиқбол режалари умумжамият манфаатларига қанчалик мос бўлса, тараққиёт шунчалик тезлашади. Жамиятнинг ақлий салоҳиятини белгилайдиган, уни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида узини намоён этган элита эса бевосита ўз қарашларида, илгари сураётган ғояларида умумжамият манфаатларини акс этмоғи шарт.

Тойнби тарихий тараққиётда ва умуминсоният ўтмишида цивилизация бевосита инсонга боғлиқ ва маълум бир давр тараққиёти ўша давр кишиларининг ақлий имконияти, интеллектуал салоҳияти ва тафаккур даражасини белгилайди, деган ғояни илгари суради. Шунинг учун ҳам қайсидир даврда тараққиёт юксак чўққига чиқади, қайсидир даврда у таназзулга учрайди. Чунки олдинги давр тараққиётининг энг юқори нуқтасидан туриб илгарига силжиш, уни давом эттириш, ривожлантириш учун кейинги давр одамлари ҳам ўша даврда яшаган ажлодлари сингари юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлмоқлари лозим.

Инсон имкониятлари қандай ёндашишга қараб ҳам чексиз, ҳам чекланган. Демак, у нисбий воқелик. Шунинг учун ҳам инсон баъзан муъжизалар яратиб, ақл ва тафаккур чексизлигини кўрсатса, баъзан энг оддий ҳодисаларни пайқамай қолади. Бироқ ҳар қандай фикрий чексизлик бари бир табиий равишда чекланган бўлади. Чунки олам чексизлиги ақл чексизлигидан кўра узоқроқдир. Бошқача қилиб айтганда ақл ташқи оламга нисбатан чекланган ва у олам ичра олам сифатида воқеа-ҳодисаларни ўз имкониятлари доирасида қабул қилади, идрок этади, улар атрофида мушоҳада юритади. Одам ўзи билмаган ҳолда тасаввур қилиш қобилияти, идрок этиш имкониятлари пасайиб ё ривожланиб бораётганини ўз вақтида англамаслиги мумкин. Ёки қайсидир тарихий, ижтимоий, сиёсий сабаблар туфайли тараққиёт йўналишлари тарқоқлашиб, ўзанини ўзгартириб юбориши ҳоллари ҳам юз беради. Дейлик, урушлар, турли миллий ва диний низолар, иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар авж олган даврларда ялпи тараққиёт учун имкон қолмайди. Натижада, мавжуд ютуқлар ҳам эслан чиқарилиб, майда манфаатлар атрофидаги зиддиятлар кучайиб бораверади.



Умуман олганда Арнольд Тойнбининг тарих фалсафаси тарихни англаш, уни тушуниш ва баҳолаш, инсоният ўтмишини янгича қарашлар асосида ўрганиш соҳасида ўзига хос мактабга айланди.

Англо-француз тарих фалсафасида инсоният тарихини антропологик тадқиқотлар орқали ўрганиш тенденцияси кўзга яққол ташланади. Улар халқларнинг этник хусусиятлари, келиб чиқишлари, турли тарихий босқичлардаги ривожланиш омиллари асосида тарих фалсафасини яратиш йўлидан боришди.

Англо-француз тарих фалсафасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, Карл Поппер таъкидлаганидек, эссенциализмдир. Поппернинг хулосасига кўра «Эссенциализм методологик мактабига ҳар қандай илмий тадқиқот ҳодисалар моҳиятига асосланмоғи лозимлигини ўргатган Аристотель асос солган эди»<sup>1</sup>. Демак, инглиз тарих фалсафасининг ушбу методологияси қадимий юнон фалсафасидан келиб чиққан ва ундан баҳра олган.

Француз рационалистик ва маданий фалсафасини яратиш ўз даврида ҳамма вақт, ҳамма жойда долзарб тадқиқот объектига айланди. Европа цивилизациясига мос келадиган ва асосланган, унга хизмат қиладиган тадқиқотларни француз тарихчилари ва файласуфлари айна ана шу антропологик асосларни қидириш, инсониятнинг эволюцион тараққиётида тарихнинг хусусийлиги ва умумийлиги жиҳатларига катта эътибор беришади. Жумладан, ҳар бир этнос ёки халқнинг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари асосида жаҳон тарихи тараққиёти эволюциясини ўрганишга ва уни умуминсоний қадрият даражасига кўтаришга ҳаракат қилишди.

Француз цивилизацияси ва маданиятида анъанавий равишда ҳар бир даврнинг ўзига хос талаблари ва эҳтиёжлари асосида инсон омилига эътибор бериш ва инсоннинг ички имкониятлари, яратувчилик, бунёдкорлик қобилиятлари орқали инсоният тараққиётига ҳисса қўшиш омилларини жиддий равишда ўрганишди. Инсоният тараққиёти даражаси англо-француз жамоатчилик тафаккурининг

---

<sup>1</sup> К. Поппер. Нишета историцизма. М., «Прогресс», 1993, стр. 37.

шаклланишига асос бўлишини ва айна пайтда бу миллий тараққиётда таянч, муҳим омил, шу билан бирга инсоният тараққиётига кучли таъсир этувчи восита сифатида талқин этилди.

Француз конструктив тарих фалсафасининг асосчиларидан бири Р. Декарт «Фикрляпман, демак яшайпман» деган фикри орқали инсонни тафаккур манбаи сифатида биледи ва унинг тафаккур тарзи айнан ақл ва зако орқали яшаш, истиқболга эришиш туйғуларини ўзида мужассам этган жонзот деган хулоса чиқаришга олиб келади. Зотан инсоннинг бутун моҳияти ақлда, энг олий қадрияти фикрлай олишида, ҳис қилишида, туйғулар ва ҳиссиётлар оламида яшашида. Декартнинг фикрича, инсон ҳамонки фикрляпти экан, демак, у инсонлигича қолаверади. Аксинча, у фикрлашдан қолдими, мавжудлигини йўқотади, зоологик моҳият касб этади.

Декарт иккита қарама-қарши субстанция — табиат ва рух ўртасидаги ҳолатга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, тарихий жараён бу фақат ўтмиш ҳақидаги ҳисобот эмас, аксинча, у инсон ақл-заковатининг, манфаатлар ва қизиқишларининг натижаси ва инъикосидир.

Декартнинг тарих фалсафасини ўрганиш асносида инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритар экан, Пьер Шоню «хаётимнинг ҳар бир лаҳзаси — бу танлов, қайсики менинг сирли «мен»имдан келиб чиқадиган моҳият. Мен — шунчаки озодлик эмас, балки, экзистенциал нуқтаи назаридан қараганда ўзини ўзи бунёд қилаётган озодликдир»<sup>1</sup>, деган эди.

Француз маърифатпарварларининг тарих фалсафаси инсоннинг ўз ички имкониятларини мақсадлар рўёби сари сафарбар этиш орқали ўз тақдирининг хўжайинига айланиши каби уйғониш ва шаклланиш жараёнини ўзида ифода этади. Бунинг учун инсоннинг ирсий имкониятлари ва хотира майдони алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу ахлоқий ва эстетик олам ўртасидаги драматик ҳолатлар, ўзаро қарама-қаршилиқлар, тафаккурдаги ўзгаришлар жараёнининг мураккаблиги маънавий дунёқараш ва эстетик та-

<sup>1</sup> П. Шоню. Во что я верю. М., 1996, стр. 27.

факкур ўртасидаги ўзаро мутаносибликлар француз маърифатпарварлари фалсафасининг антропологик асосларини ташкил этади. Шу билан бирга улар айни ана шу ҳолатлар Европа цивилизациясининг тарихий тақдирини белгилайди, деган фикрни билдиришади.

Маърифат даври ва ундан кейинги француз инқилоби даврида тафаккурнинг антологик мақоми кескин ошди. Натижада дунёқарашларнинг рационал имкониятларини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш имконияти туғилди. Бу пайтга келиб П. Гольбах, Дидро, Руссо, Вольтер, Гельвеций ва бошқалар тарихни англаш ҳамда тарихий тафаккурнинг янгидан-янги йўналишларини ишлаб чиқдилар.

Юқорида номлари зикр этилган файласуфлар ва уларнинг қатор издошлари Декартнинг тарих фалсафасига суяниб антропологик келиб чиқиш ва шаклланиш қонуниятлари орқали тараққиёт ғоясини илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, инсон табиати ҳар қандай даврда ҳам узгармасдир. Фақат унинг ақл-заковати, тафаккури ривожланади. Инсоннинг ўзини ўзи англаши, тажриба ва маҳорати узлуксиз, тадрижий тарзда ошиб боради.

Француз романтик тарих фалсафаси (Ф. Гизо, О. Тьерри, Ж. Мишле) позитивизм (О. Конт, Э. Лависс) йўналишлари ҳам ўзига хос тафаккур тарзи сифатида англо-француз тарих фалсафасида алоҳида мавқега эга.

Инсоният тарихининг антропологик омиллар орқали ўрганиш позитивизм фалсафасида ўз аксини топган. Бу ғоялар бевосита тарихнинг ижтимоий-дарвинистик, ирқий-антропологик ва биологизаторлик концепцияси жиҳатларини ўрганишда Францияда Ламарк, Кабанис, Демулен, Гобино ва бошқалар ўз қарашлари билан жуда катта таъсир кўрсатишди. Улар билан бир қаторда Э. Дюркгеймнинг социологик тарих фалсафаси алоҳида ўриң тутди. Айни ана шу йўналиш тарихнинг ижтимоий моҳиятини, уни ривожланиш асосларини ўзига хос тарзда аниқлаб бердики, бу бевосита тарихни англашнинг биологик тушуниш тенденциясидан ижтимоий инстинкт орқали англашга ўтишга олиб келди.

Дюркгеймнинг тарихий тараққиёт фалсафаси инсоннинг биологик ва ижтимоий келиб чиқишидан индиви-

дуал ва ижтимоий моҳиятга эга бўлган жамият билан боғлиқлиги жиҳатларини ўзида қамраб олади.

Француз фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Реймон Арондир. У миллий тарих фалсафасига рационалистик йўналишнинг ёрқин намояндаси сифатида фаолият кўрсатди. Унинг тарихни урганиш ва тарихий тафаккур масалаларига бағишланган «Фалсафага кириш», «Танқидий тарих фалсафаси», «Тарихий тафаккур ўлчовлари», «Социологик тафаккур тараққиёти босқичлари», «Тараққиёт соғинчи», «Демократия ва тоталитаризм» сингари асарлари француз тарих фалсафаси мактабида бутунлай янги йўналишни бошлаб берди.

## 2-§. Немис тарих фалсафаси

Немис тарих фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Освальд Шпенглердир. У ўзининг машҳур «Европа қуёшининг сўниши» асарида тарих фалсафасининг ўзига хос йўналиши ҳақидаги ғояларини илгари суради. Шпенглер дунёни мистик қарашлар орқали англаш, инсоннинг интуицияси, ички ҳиссиёт ва воқеликни ҳис қила олиш имкониятлари хусусида фикр юритади.

Шпенглер хулосасига кўра «Қанча одам ва маданият бўлса, шунча дунё мавжуд. Ҳар бир алоҳида инсон учун ягона, мустақил, абадий дунё мавжуд. Дунёнинг бундай мавжудлиги ҳар бир инсон учун доимий янги, бир марта амалга ошадиган, ҳеч қачон қайтарилмайдиган кечинмадир»<sup>1</sup>. Бир қарашда, дарҳақиқат, ҳар бир одам алоҳида ва мустақил олам. Унинг ўз дунёси бўлганидек, ўз ибтидоси ва интиҳоси ҳам бор. У ташқи дунёни ўзининг ички олами орқали ўзича тушунади, ўзича англайди, унга ўзича баҳо беради. Демак, инсоният тарихи ҳар бир одам учун гарчи у яхлит, бир бугун тарих, реал тарихий жараён бўлса-да, уни англашда ўзига хослик, унга ёндошишда хусусийлик бўлиши табиий. Демак, реал тарихий жараён реал инсон

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. Т., «Шарқ», 2002, 229-бет.

тасаввурида реал фикр-хулосага айланиши мумкин. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб ҳам Шпенглер «илмий билиш бу ўз-ўзини англашдир»<sup>1</sup> деган ғояни илгари суради.

Тарихни англаш, тарихни фалсафий тушуниш орқали инсон ўзлигини англайди ва ўзига хос қадриятга айланади. Бундай жараён инсонда интуитив имконият, ҳис қилиш қобилияти орқали ҳам юзага келиши мумкин. Шунинг учун Шпенглер тарихни тушуниш ва тарихга муносабатда интуиция, ҳис-туйғу моҳиятини устувор қилади. Ана шундан келиб чиқиб тарих мушоҳада, воқеликни тўғри ҳис қила олиш, табиий интуиция натижаси деган ғояни илгари суради. Ҳатто, у тарихни ҳиссиёт орқали тушуниш ғоясини илгари суради экан, «агар ким буни ҳис қилмаса, тарих билан шуғулланмасин, табиатни билишга ўрганиш мумкин, лекин тарихчи бўлиб туғилиш керак. Тарихчининг кучи шундан иборатки, у онгсизлик даражасида тарих жараёнини инстинктив равишда билади, бундай услубда ҳар қандай инсон ҳам ишлай олмайди»<sup>2</sup>, — дейди. Ана шу фикрдан маълум бўладики, табиатни билиш учун билимнинг ўзи етарли, тарихни англаш учун эса уни ҳис қила олиш, тарихий жараён ортида ётган инсон тақдири, моҳияти, ҳаёт мазмуни ва кечинмалари, севинч ва изтироблари ётганлигини ҳам англамоқ зарур экан. Ана шунда ҳар бир тарихий воқелик тарих фалсафасига айланади. Демак инстинкт ва ҳис қила олиш қобилияти, интуиция қуввати тарихчи учун ноёб ва қимматли фазилатдир.

Шпенглер цивилизацияни маданият белгиси сифатида тушунади ва ҳар қандай маданият ўз тараққиёт босқичларига, ўзининг цивилизациясига эга деган ғояни илгари суради. Унинг назарида цивилизация маданиятли инсонларга хос ҳодиса сифатида намоён бўлади.

О. Шпенглер маданий тараққиёт, тарих ривожини, унинг динамизми хусусида фикр юритар экан, «ҳар қандай маданият инсондек ҳаёт кечиради. Уларнинг ўз болалиги,

<sup>1</sup> С. Ёулдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. Т., «Шарқ», 2002, 229-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. 231-бет.

ўсмирлиги, урта ёшлиги ва қарилиги булади»<sup>1</sup>, — дейди. Демак, ҳар қандай маданият ўзининг ибтидоси ва интиҳосига эга. Шунинг учун ҳам турли даврларда юз берган турли минтақалардаги цивилизациялар қайсидир даражада сусайиш, орқага кетиш ҳолатларини ҳам бошдан кечирган. Ана шу тарихий далиллар ҳамла инсоният ўтмишидаги буюк кўтарилишлар ва таназзулларни назарда тутиб О. Шпенглер ҳар қандай цивилизация таназзулга маҳкумдир, деган фикрни илгари суради. Цивилизациялар тақдири, унинг истикболи хусусида гапирар экан, «менинг фикримнинг марказини тақдир ғояси ташкил қилади. Ўтиб кетганларнинг тақдири ҳам шундай бўлган, ҳозирги Фарбий Европа маданиятини ҳам ҳалокат кутмоқда»<sup>2</sup>, дейди.

Шундай қилиб, О. Шпенглер инсоннинг биологик мавжудот сифатида яратувчилик имкониятларини, бу имкониятларни рўёбга чиқарувчи илоҳий қудрат руҳ, эътиқод эканлигини таъкидлайди. Дунёни англашда, оламни тушунишда унинг ана шу ғоялари яққол кўзга ташланади ва «табиатни мушоҳада қилиш асносида диний эътиқод ётади. Диндан олдин пайдо бўлган табиий билим йўқдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда католикча ва материалистик табиатни билиш уртасида ҳеч қандай фарқ йўқдир. Улар бир нарса тўғрисида, лекин ҳар хил тилда гаплашади. Ҳаттоки атеистик соҳа ҳам диний асосга эгадир. Ҳозирдаги механика ҳам христиан ақидаларидан андоза олгандир»<sup>3</sup>, дейди. Бу билан О. Шпенглер руҳ бирламчи, эътиқод хатти-ҳаракатлар ва воқеликларни бошқарувчи илоҳий қудрат деган хулосага келади. Унинг назарида инсоният тарихи — бу жуда узоқ ва минг йилликларни қамраб олган яхлит олам, руҳ ва эътиқод орқали инсон томонидан амалга оширилган буюк ҳақиқатдир.

Оламни англаш ўз-ўзини англашдан бошланади, дейди О. Шпенглер. Бундай қарашлар қайсидир даражада ундан бир неча асрлар олдин Шарқда юзага келган руҳ фалсафасини

<sup>1</sup> О. Шпенглер. Закат Европы. М., 1992, стр. 114.

<sup>2</sup> Ўша манба. 20-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 385-бет.

эслатади. Жумладан, А. Бедил, Ж. Румий, А. Насафий, Н. Кубро ва бошқалар илгари сурган ғояларда руҳ бирламчи, жисм эса ўткинчи, руҳ — ботин, жисм — моддий тариқасида талқин этилади. Жумладан, А. Насафий «... улуг оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини англаб етиш учун ўзининг моҳиятини, зоҳиру ботинини англаб еткин. Бундан бошқа йўл йўқ»<sup>1</sup>, деган эди.

Немис тарих фалсафаси мактаби жаҳон фалсафа фанининг И. Гердер, В. Гумбольдт, Г. Гегель, И. Кант, А. Шопенгауэр, Г. Риккерт, В. Дильтей, Э. Трельч сингари йирик намояндаларини етиштириб берди. Мутахассисларнинг фикрига кўра немис тарих фалсафаси инглиз-француз маърифатпарварлиги қарашларига тескари бўлган йўналишни ишлаб чиқдилар ва ўз ғояларини илгари сурдилар. Э. Трельчнинг хулосаларига кўра немис ва инглиз-француз тарих фалсафаси ўртасидаги фарқ кўзга яққол ташланади. Немис мактаби ўзининг диний-мистик характери билан алоҳида ажралиб туради. Ўз навбатида инглиз-француз мактаби тарих чуққисини маърифатпарварлик идеаллари орқали кашф этди.

Тарихий тараққиётнинг универсал концепцияси Гегель томонидан вужудга келтирилди. Айни у тарихий динамика назариясини яратди ва бу соҳада ўзига хос оламшумул янгиликни вужудга келтирди. Ёки бошқача қилиб айтганда, Э. Трельч хулосаларига кўра «барча тарихий тараққиёт назариялари қандайдир ундан чекингандай, унга қарши тургандай кўринса-да, бироқ уларнинг барчаси уни бутунлай инкор эта олмади. Шунинг учун ҳам тарихий динамикага доир барча тадқиқотлар тарихий диалектика тушунчасидан келиб чиқмоғи даркор»<sup>2</sup>.

Айни ана шу тарихий диалектика тарихий тараққиёт динамикасини, унинг тараққиёт қонуниятларини, ривожланиш омилларини ўзида мужассам этади ва барча тарих фалсафасига доир қарашлар, йўналишлар, концепциялар ва методологияларга асос бўлиб хизмат қилади. Тарихий

<sup>1</sup> А. Насафий. «Зибдатул-ҳақойиқ». Форсийдан Нажмиддин Комилов таржимаси, Т., «Маънавият». 1997, 5-бет.

<sup>2</sup> Э. Трельч. Историзм и его проблемы. М., «Юрист», 1994, стр. 209.

тараққиётнинг табиий ривожининг инсон тафаккурининг табиий ривожининг билан узвий равишда боғлиқ. Инсон ва жамият тараққиёти бир-бирини тулдириб борадиган, бир-бирига туртки бўладиган, бир-бирини такомиллаштириб, цивилизациянинг янги босқичига олиб борадиган маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ҳодиса. Бунда, албатта, биз кишилиқ ҳаётида эзгуликлар ҳимоя қилинган, адолат устувор бўлган, ялпи бунёдкорликлар авж олдирилган даврларни назарда тутмоқдамиз. Ваҳоланки, кекса тарих бундай жараёнларнинг тескарисига ҳам гувоҳ.

И. Кант тарих фалсафасига билиш назарияси ва метофизика, эркинликнинг ахлоқий олами ҳамда тарихий ҳаёт маънавий тизимига чуқур кириб бориш орқали табиатнинг қарама-қаршилиқ қонунидан келиб чиқади. Унинг фикрича «тарих бу — табиат оламидан фарқ қилган ҳолда эркинлик рамзидир. Қайсики у табиат ва эркинлик бир-бири билан боғлиқлиги туғрисидаги қонуният асосида фаолият кўрсатади. Фалсафа эса тафаккур тизими, ақл ва зако майдонидир»<sup>1</sup>.

Тарихий тараққиёт тафаккур қонуниятларидан келиб чиқади. У ўзида маданият олами қадриятларини ифода этади.

Гегель тарихий тараққиёт динамикаси ва унинг босқичлари хусусида фикр юритар экан, тарихни мантиқий ўрганиш, тарих ҳақиқати орқали тарих моҳиятини очиш зарурлигини уқтиради. Ана шундан келиб чиқиб, В.Виндельбанд: «Диалектик жараён тараққиёти Гегелда рационал танқид билан бирга бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш мантиғидир»<sup>2</sup>, деган эди.

Гегелнинг тарих фалсафаси асосан икки йўналишдан боради: биринчиси, антеистик фалсафага мувофиқ барча реаллик руҳда намоён бўлади, дейди. Иккинчи йўналиш, билиш назариясини янада чуқурлаштирган ҳолда «Тезис — антитезис — синтез» шаклидаги мантиқий учликдан иборат тадқиқот йўналишини уртага ташлайди. Биринчи йўна-

<sup>1</sup> И. Кант. Первое введение в критику способности суждения. Соч. в 6-ти томах, «Мысль», 1966, Т. 5, стр. 101.

<sup>2</sup> В. Виндельбанд. Избранное. Духи истории, М., «Юность», 1995, стр. 318.



лишда, дарҳақиқат, тарихий тафаккур руҳ орқали ўзини англайди, ўзни тушунади ва ўзини инкор этади. Натижада тарих ўзини бутун қарама-қаршиликлари ва барча реалликлари билан тиклайди ва ўзаро бирликка, яхлитликка эришади.

Гегель тарих фалсафаси айни маданий-тарихий ёки, бошқача айтганда, маънавий-тарихий мазмунга эга. Шу билан бирга у чуқур универсалликка, серқирраликка ҳам эга. Қарашлар йўналишининг бундай турличалиги айни пайтда тарихни англашнинг универсал шакли билан бирга умуминсоний қарашлар бирлигига ҳам олиб келади. Демак, инсониятнинг ҳар қандай қарама-қаршилиқлар, фикрлар хилма-хиллиги ва халқлар ўртасидаги курашлар манфаатлар муштарақлиги ва инсоният бирлигига интилсагина, ўзаро тушуниш орқалигина умуминсоний манфаатлар устуворлигига олиб келади.

Немис тарих фалсафасида А. Мюллер, Ф. Шеллинг, В. Гумбольдт сингари йирик намояндалар ҳам борки, улар инсоният тарихини ўрганиш, унинг ички қонуниятларини тадқиқ этишда ўзига хос йўналишни кашф этдилар. В. Вундтнинг позитивизм, Ф. Ницше ва В. Дильтейнинг ҳаёт фалсафасининг психологик таҳлили соҳасидаги қарашлари алоҳида аҳамиятга эга.

Айни жаҳон тарихини руҳий ҳолат, инсон кайфияти ва феъл-атвори орқали таҳлил этиш концепцияси жаҳон тарих фалсафаси тараққиётида ўзига хос йирик назария сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ф. Ницше ва В. Дильтей позитивизмга қарши тафаккур ва рационал ҳаракатдаги кучлар ҳамда илғор тарихий тараққиёт қонуниятларига ва мақсадларига қарши ҳолда руҳни иррационал маънавиятга айлантириш йўлидан бордилар. Уларнинг фикрича руҳий қадрият хусусий, эркин ва мустақилдир. Инсоннинг айни ана шу уч хусусияти тарихий тараққиётга замин бўла олади.

Ницшенинг ҳаёт фалсафаси тарих фанига жиддий ўзгариш киритди. Натижада ушбу фалсафа иррационал ҳиссий қадриятга айланди.

Немис тарих фалсафаси мактабининг тарихий динамикага доир қарашлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда. У бевосита инсоний феъл-атворни ўзида ифода этувчи

таълимотга айланди. Тарихий тараққиётнинг маънавий-диний омиллари, эътиқод ва ахлоқ тушунчасининг тарихни англашдаги роли, инсониятнинг маънавий бирлиги, тарихий тараққиётда универсаллик ва тарихий динамика сингари кўп қиррали масалаларни ўзида ифода этади.

Атоқли немис олими Артур Шопенгауэр тадқиқотларида тарих фалсафасининг маънавий-руҳий талқини, инсоннинг ички олами ва ижтимоий тараққиёт омили таҳлили алоҳида ўрин тутди. Шопенгауэр фалсафий тафаккурида асосан икки йўналиш ёрқин намоён бўлади. **Биринчиси**, олам — бу ҳодиса, тасаввур, **иккинчиси**, олам — реаллик дунёси, ирода олами. Бундай хулосалар файласуфнинг 1819 йилда ёзган «Олам ирода ва тасаввур сифатида» асарида илгари сурилган. Шопенгауэр фалсафаси замондошлари Шеллинг, Фихте ва Гегелнинг метафизик қарашларидан кескин ажралиб туради. У катта қизиқиш билан Кант, Платон, Беркли, Юм, Шарқ фалсафаси, айниқса, буддизм ғояларини чуқур ўрганади. Асарнинг номланишиёқ файласуфнинг ҳаёт ва борлиқ, олам ва одам, инсон ва табиатга ўзига хос муносабатини кўрсатиб турибди. Зотан, у англаган, тасаввур қилинган олам тасаввурдаги олам ҳамда яхлит оламнинг ўзидаги мавжудликдир. Демак, Шопенгауэр фалсафасидаги олам, ҳодиса, тасаввур, алоҳида олинганда реаллик, ирода оламидир. Унда инсоният тараққиёти, унинг босқичлари, ривожланиш ёки таназзул омиллари бевосита инсон билан боғлиқ тарихий ҳодиса, ўтмиш эса бутун яхлитлиги билан инсон олами, ҳис-туйғулари ва ирода кучинини маҳсули сифатида талқин этилади.

Бошқача қилиб айтганда, тасаввур шаклидаги оламда сабабият, макон ва замонда мавжуд бўлган барча нарса, жумладан, ижтимоий ҳаёт, тарих ва истиқбол мужассам. Чунки инсон тасаввури доирасидагина оламни англайди. Реаллик оламида эса чексизлик, бепоёнлик мавжуд. Уни бутун кўлами билан англаш мушкул. Демак, замон ва макондан ташқаридаги реал оламни бус-бутунлигича, яхлитлигича тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг ранг-баранглиги ва серқирралиги шундаки, кимдир реал оламнинг маълум томонларини идрок этса, бошқаси умуман бошқа жиҳатларини кўради ва идрок этади. Шунинг учун ҳам

инсоният тарихи турли даврларда турлича талқин қилинади, турлича идрок этилади.

Шопенгауэр ирода тушунчасига алоҳида эътибор беради ва уни объектив реаллик тарзида қабул қилади. Унингча инсон тушунчаси тасаввурга асосланади. Ақл эса уйлаб жавоб бериш қобилятидир. Инсон моҳияти ва олам моҳияти бевосита ирода орқали очилади. Ирода ақл ва тушунчадан қатъи назар бошқариш ҳолати, даражасидир. Демак, у — куч-қудрат. Реал ҳаёт эса унинг аниқ ифодасидир. Ёки бошқача айтганда, инсон тарих ижодкори ва муаллифидир.

Шопенгауэр инсон феноменини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Инсон қандай махлуқ, у нималарга эга (қодир), у қандай олам, бу олам нималардан иборат? — деган саволларга жавоб излайди ва инсонни жонзот сифатида муносабат билдириш, хайрихоҳлик ёки рад этиш, эзгулик ва ёвузлик, ахлоқ-одоб, гўзалликни ҳис этиш имкониятига эга бўлган, муҳаббат ва нафрат туйғуларининг аёвсиз тўқнашувидан иборат яхлит, хусусий, айтиб бир одамга хос бўлган зиддиятли олам сифатида баҳолайди.

Шопенгауэр фалсафасида инсон моҳияти ижодкорликда намоён бўлади. У санъат, мусиқа, сўз орқали ўз олами имкониятларини очади. Ўзининг даҳолик қудратини кўрсатади. Демак, туйғу инсон феноменини, бошқача қилиб айтганда «мени»ни кўрсатадиган олам. Ана шу хулосадан келиб чиқиб у «ҳақиқий шоир лирикасида бутун инсониятнинг руҳи акс этади, ўтмишда, ҳозирда ва келажакда яшовчи миллионларнинг кечинмалари, ҳис-туйғулари қайта-қайта жонланиб, соф шеърятда ўз аксини топади. Шоир — инсоният кўзгусидир»<sup>1</sup>, — дейди. Демак, Шопенгауэр фалсафасида инсон туйғу ҳамда ҳиссиёт мажмуи ва у худди ана шу жиҳати билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади.

Шунингдек, Шопенгауэр мусиқа санъатида ҳам инсон моҳиятини яққолроқ кўради ва «мусиқа иродани бевосита, тўлиқлигича, худди ўзидагидек қабул қилади...»<sup>2</sup>, деган

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. Т., «Шарқ», 2002, 184-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 185-бет.

ғояни илгари суради. Ирода бевосита инсонни бошқарадиган, фаолиятини, хатти-ҳаракатларини, феъл-атворини маълум бир йўналишга соладиган ички қудрат, руҳий воситадир. Ана шу қудрат – ирода ўз даражаси ва миқёсига қараб инсонни камолотга етказди.

А. Шопенгауэр санъат, мусиқа, шеърят хусусида гапирар экан, шу нарса аниқ бўладики, инсон туйғуси, ҳиссий олами, руҳий дунёси унинг учун энг тоза, соф, нур янглиғ безавол, шабнамдек беғубор олам. Шунингдек, ҳақиқат, адолат, эзгулик, тўғрисузлилиқ фақат ана шу оламда муҳайё, деган фикрни илгари суради.

Шопенгауэр қарашлари баъзи жиҳатлари билан Имом Ғаззолий (1058–1111 йиллар) фалсафасини ҳам эслатади. Жумладан, «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати (туйғу-иродаси) йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди. чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд»<sup>1</sup>, – дейди Ғаззолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида. Демак, инсондаги ривожланишга эҳтиёж, камолотга, етукликка интилиш ҳисси ирода, руҳий ҳаракат, ички қувват ва маънавий эҳтиёж шаклида ўзини намоён этади. Ана шу эҳтиёж ва интилишнинг даражаси бевосита амалий ҳаракат натижаси, интилишлар ҳосиласи орқали ирода кучи ва қудрати даражасини белгилайди. Бундай фикрий ўхшашлик Шопенгауэрнинг Шарқ, ҳинд, хусусан, Шри Ауробиндо фалсафасидан анча хабардор эканлигидан далолат беради. Бу ҳолат яна бир жиҳати билан – инсон ва унинг олами, ташқи олам, ички олам, инсон ва табиат, кишилиқ жамияти ва унинг ривожланиш қонуниятлари Шарқда Ғарбдан кўра бир қадар олдин, IX–X асрларда анча мукамал ўрганилганлигини кўрсатиш билан ҳам қимматли.

Шопенгауэр фалсафасида иррационализм фалсафасининг айрим элементларини ҳам кўришимиз мумкин. Унда буддизм ғоялари ҳам мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, Шопенгауэр фалсафаси иррационализм билан нирвана –

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб, Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, Т., 1999, 149-бет.

моддий оламнинг рухий олам билан синтези сифатида намоён бўлади. Инсон эса — руҳ ва ирода ифодаси сифатида талқин этилади.

Инсоният тарихини ўрганишда П. А. Сорокиннинг тарих фалсафаси алоҳида ўрин тутди. Бу бевосита инсон феноменини белгилайдиган маънавий, маърифий ва ахлоқий мезонларни ўзида мужассам этган ижтимоий маданият ва цивилизация билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли таълимотни ўз ичига олади.

Сорокин ҳар қандай ижтимоий маданиятнинг асосини қадриятлар ташкил этади, деган ғояни илгари суради. Жумладан, у маданият ва цивилизацияни жуда катта мафкуравий моҳиятга эга бўлган фикрлар, ғоялар, тил, фан, дин, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ, адабиёт, рангасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, мусиқа, иқтисод, сиёсат, ижтимоийёт ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган, жамиятнинг яхлит ижтимоий феноменини ташкил этадиган йўналишларнинг умумий бирлиги сифатида тушунади. Бу, албатта, ҳар қандай цивилизацияга асос бўладиган, замин яратадиган энг муҳим қадрият дейишимиз мумкин. Айни пайтда цивилизация, ижтимоий-маданий сакрашлар, у қайси халққа тегишли бўлса, ўша халқ миллий руҳияти, турмуш тарзи, бошқача қилиб айтганда, миллий қадриятни англаш жараёни билан боғлиқ. Ана шулардан келиб чиқиб, у турли тадбирлар, урф-одатлар, анъаналар, хатти-ҳаракатлар асосидаги умумий аҳоли қатламининг маънавий эҳтиёжи даражасига кўтарилган ғоялар тизимини ҳам ташкил этади.

Дарҳақиқат, бир неча минг йиллик тарихий обидалар, осори атиқалар, маданий ёдгорликлар авлоддан-авлодга ўтиб, инсоният тафаккурининг буюк мўъжизаси сифатида ўз қудратини намоён этмоқда. Айни ана шу мўъжизалар замирида инсон тақдири, севинч ва изтироблари, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашларда тобланган метин ирода ва улкан маданият, табиийки, ахлоқ ҳам ётади. Ана шуларнинг ҳаммаси тарихни англаш жараёнида бугунги кун одамлари тафаккурининг шаклланишида, тарих орқали олис истиқболга назар ташлашида катта роль ўйнайди. Айни ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг, инсониятнинг ўзини ўзи «таъмирлаб», ўзини ўзи «ислоҳ» қилиб, ўзини ўзи янгилаб, бойитиб, қадриятга айланиб бораётганидан далолат беради.

Карл Ясперс қарашларининг асосий йўналишини эса жаҳон тарихи бирлиги масаласи ташкил этади ва уни умуминсоний қадрият даражасига кўтарди. Бу тарих фалсафасига ва унинг умуминсоният тарихини ўрганиш борасида шакллланган хилма-хил йўналишларининг бири сифатида фанда алоҳида мавқега эга.

Ясперс инсониятнинг бутун тарихини ўзаро изчил равишда алмашинувчи уч фазага бўлади: тарихдан аввалги фаза, тарих фазаси ва жаҳон тарихи фазаси. Тарихдан аввалги фаза узоқ давр ҳисобланиб, у инсоннинг шаклланиши, тил ва ирқларнинг пайдо бўлишидан тортиб, то тарихий маданиятларнинг вужудга келишигача бўлган даврни қамраб олади<sup>1</sup>. Шу ҳолатдан келиб чиқиб «Бу ерда инсон моҳиятининг сирига дуч келамиз, инсоннинг Ерда яшаши бетакрорлигини англаб етамиз, олдимизда барча нарсаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ва бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган эркинлигимиз борасидаги масала пайдо бўлади»<sup>2</sup>, — дейди К. Ясперс.

Тарих фазаси Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Европада содир бўлган тахминан 5 минг йиллик воқеаларни қамраб олади. Универсал ёки жаҳон тарихи дунё ва инсониятнинг буюк географик кашфиётлар даврида шаклланиб, бугунги кунда юзага чиқаётган глобал бирлиги билан бошланади. Бу глобал birlikнинг бошланиши XX асрга тўғри келади. Тарих фазасида тасодифий тўқнашувларнинг мавжудлигига қарамай, баъзи буюк маданиятлар ёнма-ён ривожланди. Булар алоҳида тарихлар эди.

Жаҳон тарихи фазасида бутуннинг бирлиги намоён бўлиб, ундан ташқарига чиқиб бўлмайди. Демак, К. Ясперс хулосаларига кўра «Мазкур фаза — тарихий воқелик эмас, балки келажакдаги имкониятларни олдиндан пайқашдир. Шу сабабдан у эмпирик тадқиқотнинг предмети бўла олмайди ва фақат ҳозирги замондаги борлиқни англаш учун зарур маълумотлар мавжуд манба сифатида хизмат қилади»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> А. Ивин. «Философия истории». М., «Гардарика», 2000, стр. 34.

<sup>2</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 1, стр. 120.

<sup>3</sup> Уша манба. 124-бет.

Тарих фазасида Ясперс томонидан «вақт ўқи» деб номланган давр муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даврда, яъни милоддан аввалги 800 ва 200 йиллар уртасида тарихда туб бурилиш рўй берди: ҳозирги кунгача яшаб келаётган қиёфадаги инсон пайдо бўлди ва инсониятнинг маънавий асоси шакллана бошланди. Демак, ана шу даврни жаҳон тарихининг ўқи дейишимиз мумкин<sup>1</sup>. Ана шу ерда Ясперс фалсафасининг моҳияти очилади. Зотан, инсон шаклига эга бўлгач, гарчи ўз даврига хос ибтидоий ҳолда яшаган бўлса-да, унинг тарихи бошланди, деган гап. Инсон ва инсоният тарихи илк тасаввурлардан фикрлар ва тафаккур оламида улкан силжишлар юз берган инсоннинг вужудга келиши билан бошланади. Инсон тафаккуридаги бундай жиддий ўзгаришлар, ақлий салоҳиятнинг, интеллектуал имкониятнинг ошиб бориши, буюк кашфиётлар қилишнинг муқаддимаси бу — илк инсоннинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тобора изчил равишда шаклланиб боришининг натижасидир.

Инсон ўз келажаги ҳақида башорат қилолмаганидек, инсоният ҳам ўз истиқболи туғрисидаги хулосаларини мутлақ ҳақиқат деб била олмайди. Худди шунингдек, фан қанчалик тасдиқламасин, аниқ мисоллар билан исбот қилмасин, инсон қандай пайдо бўлгани, илк аجدодлари қандай бўлганига қизиқаверади. Аммо аниқ бир тўхтамага кела олмайди. Масала мавҳумлигича қолаверади. Шунинг учун ҳам Ясперс «Тарихдан аввалги вақт ибтидосидаги инсониятнинг умумий бошланғич даври биз учун, ҳозирги кунда Ер шарида ҳукмронлик қилаётган, ҳуқуқий жиҳатдан тартиб-лашган бирликка етишиши мумкин бўлган, моддий ва маънавий жиҳатдан мавжудликнинг чексизлигига интиляётган инсониятнинг келажаги каби қоронғудир»<sup>2</sup>, — дейди.

Бундай қараганда тарихнинг бирор-бир инқилобий бурилиши фан ва техниканинг вужудга келиши каби дунёвий инқилобни вужудга келтирмаган. Ана шу воқеанинг ўзи инсоният ҳаётини остин-устун қилиб ташлади ва унинг бутунлай янги, изчил ривожланадиган, вақт ўтган сари

<sup>1</sup> К. Ясперс. Смысл и назначение истории. М., «Республика», 1994, стр. 32.

<sup>2</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 1, стр. 63.

такомиллашиб борадиган босқичини бошлаб берди. Зотан, инсониятнинг бутун бахтиёрлигию бахтсизлиги, севинчу изтироблари, ситамли онларию хушнуд дамлари ана шу фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Фан-техника инқилобининг тарихий моҳияти ҳақида гапирар экан, «Фан жаҳонга мисли кўрилмаган имкониятлар ва хавф-хатарлар келтирди. 150 йилдан бери давом этаётган техника асри сўнгги йилликларда гуркираб юксалди, унинг кейинги жадаллашув даражасини башорат қилиш қийин. Бутун мавжудликнинг янги асослари яратилдики, уни инкор этиб бўлмайди»<sup>1</sup>, деб хулоса чиқаради К. Ясперс.

Ясперс қарашларига асосан ялпи жаҳон тарихини ўрганиш жараёнида инсон ўз тарихини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Зотан, ҳар қандай инсон ёки жамият, маълум бир маконда яшаётган халқ ўз тақдири ва тарихини ўз қобиғи доирасида ўрганиши бир ёқламаликка ёки миллий маҳдудликка олиб келиши мумкин. Ҳар қандай миллий тарихни ўрганиш учун ҳам умумий инсоният тарихи тадрижий тараққиётига, ривожланиш омилларига, хусусан маданиятларнинг ўзаро таъсирига алоҳида эътибор бериш ва уни ўрганиш лозим. Ҳар бир кишидаги тарихий тафаккур умуминсоний тақдир ва тарих билан боғлиқ ҳолда ривожланган, кенгайган ҳолдагина, маълум бир ҳудуд тарихи бўладими ё умуминсоният тарихи бўладими, уни бутун кўлами ва моҳиятини англаш ва тушуниш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, ҳар бир ҳудуд ёки минтақа халқлари тарихидаги воқеликка ташқи таъсир, ҳеч бўлмаганда дунёвий тафаккур ва пивилизация таъсири бўлиши муқаррар.

Яъни, ҳар қандай ҳудудда яшаётган маълум бир халқ тарихи, албатта, ўша минтақа ва, қолаверса, умуминсоният тарихи билан боғлиқ бўлади. Чунки айни ана шу маконда юз берган тарихий жараён ёки маълум бир воқелик ташқи таъсир, табиий макон ва ижтимоий манфаатлар натижасида ҳам юз бериши мумкин. Қолаверса, инсон тафаккури у яшаётган жамиятнинг умумий тафаккури, умумий савиясининг, тинимсиз ва тизгинсиз алмашинаётган ахборотлар таъсирида кенгайиб бораётган тафаккурнинг натижаси.

<sup>1</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 1, стр. 108.



Биз, албатта, бу ерда тарихий шахслар, даҳолар, саркардалар, йирик олиму уламоларни назарда тутмаяпмиз. Бу алоҳида масала. Лекин ҳар қандай жамиятнинг умумий маънавий-маърифий савияси уша жамиятни ташкил этган фуқаролар савиясининг ва ақлий даражасининг умумий йиғиндисидан иборатгина эмас, балки дунёвий тараққиёт янгиликлари ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари инъикосидир. Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, «тарих фалсафасининг биз беришга уринаётган яхлит концепцияси, — деб ёзади Ясперс, — жаҳон тарихи доирасида ўз аҳволимизни ёритишга йўналтирилгандир. Тарихий концепциянинг вазифаси ҳозирги даврни англашга ёрдам беришдан иборат. У бизга жаҳон тарихидаги ўрнимизни аниқлаб беради»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, жаҳон тарихининг яхлит кўламигина ҳозирги — XXI асрда туриб яқин асрларда юз берган улкан ўзгаришлар, тараққиёт ва таназзуллар, эзгуликлар ва ёвузликларнинг оқибатига кўра, ўтган беш минг йиллик тарихдан маълум бўлган воқеаларга қиёслаб бўлмаслигини, бу соҳада мисли кўрилмаган мўъжизалар ва даҳшатлар юз берганини тушунишга имкон беради.

Бошқача қилиб айтганда, инсоният тарихига, унинг тадрижий тараққиёт босқичлари ва таназзулларига ўз имкониятларимизни, зафарларимизу нуқсонларимизни солиштириб, ўзимизнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал қиёфамизни кўрамыз, устун ва ожиз томонларимизни аниқлаймиз, маънавий қудратимиз, ақл-заковатимиз доирасида тегишли хулоса чиқарамиз.

Инсоният тарихининг изчиллиги, тадрижийлиги инсон танасидаги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган генлар ва унсурларнинг бугунги кунгача сақланганида ўз ифодасини топмоқда. Қадимги ва энг қадимги илк аждодларимиз руҳияти ҳамда феъл-атворидаги фазилатлару нуқсонлар яхлит ҳолда қайсидир даражада бугун жисмимизда яшамоқда. Бу илк тош ёзувлардан тортиб, ҳозирги буюк кашфиётларгача, оддий ов асбоблардан тортиб бугунги оммавий қирғин қуроллари, космосни забт этиш, интернет, ҳайбатли ҳаво лайнерлари ва ҳатто инсонни клон-

<sup>1</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 1, стр. 129.

лаштириш каби даҳшатли муъжизагача — барча-барчаси цивилизациянинг улкан, узундан-узоқ занжирини ўзида ифода этади. К. Ясперс ана шу ҳодисадан келиб чиқиб: «Ўша даврда содир бўлган, яратилган ва кашф этилганлар билан инсоният ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. Одамлар ўзларининг ҳар бир интилишларида вақт ўқини эслаб, унга мурожаат этадилар, шу давр гоёларидан илҳомланадилар. Мазкур даврдан бошлаб вақт ўқини хотирлаш ва унинг имкониятларини тиклаш — Ренессанс — доимо маънавий юксалишга олиб келади деб ҳисобланади»<sup>1</sup>, — дейди.

Ясперс вақт ўқининг сабабларини излашга ҳаракат қилади, бироқ унинг моҳиятини, келиб чиқиш омилларини, манбаларини аниқлай олмаслигини тан олади ва «ҳеч ким бу ерда нима содир бўлганлигини, жаҳон тарихининг ўқи қандай пайдо бўлганлигини тўлиқ англай олмайди! Биз бу босқични ҳамон чуқурлашиб бораётган сир сифатида эслаб туриш мақсадида ушбу туб бурилиш даврининг тарихини ёзишимиз, унинг турли жиҳатларини қуриб чиқишимиз, аҳамиятини изоҳлаб беришимиз лозим»<sup>2</sup>, дейди.

Дарҳақиқат, оламнинг пайдо бўлиши каби одамнинг пайдо бўлиши ҳам ҳамон фан оламида мунозарали мавзу. Гарчи бу борадаги диний ва дунёвий қарашларда маълум даражада хулосалар мавжуд бўлса-да, у мутлақ ҳақиқат ҳам эмасдай туюлади кишига.

А. Ивин хулосаларига кўра, Ясперс инсоният тарихининг тўрт гетероген даврини ажратиб кўрсатади: прометей даври (нутқнинг, меҳнат қуролиларининг пайдо бўлиши, оловдан фойдаланишни ўрганиш даври), узоқ ўтмишнинг юксак маданиятлари даври, инсон борлигининг маънавий асослари даври (вақт ўқидан бошланувчи бу даврда ўз маънавияти билан оламга юз очган ҳақиқий инсон шаклланган) ва техника тараққиёти даври.

Инсоният тарихида, шундай қилиб, икки босқич кузатилади. Биринчиси, прометей давридан узоқ ўтмишнинг юксак маданиятлари орқали ўтиб, барча оқибатлари билан биргаликда вақт ўқига олиб боради. Иккинчиси, ин-

<sup>1</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 1, стр. 38.

<sup>2</sup> А. Ивин. Философия истории. М., «Гардарика», 2000, стр. 33–34.

соният тарихидаги иккинчи прометей давридан, фан ва техника давридан бошланади ва эҳтимол, янги, ҳали олис ва кўринмас иккинчи вақт ўқиға, инсоннинг ҳақиқий юксалишига олиб келиши мумкин. Мазкур икки босқич ўртасида муҳим фарқлар бор. Иккинчи босқичда биз тарихий тажрибага эга бўламиз; агар биринчи босқич даври бир нечта ёнма-ён ҳаракат қилаётган қисмларга бўлинган бўлса, иккинчиси инсониятни яхлит ҳолда қамраб олади. Иккинчи босқич қандай бўлишини тасаввур қилиб бўлмасан-да, у комил инсоннинг яратилиши билан тугайди деб тахмин қилиш мумкин<sup>1</sup>.

Инсон тафаккури кенгайиб боргани сайин унинг янгидан-янги имкониятлари пайдо бўлаверади, фаолият доираси кенгайиб, очилмаган қирралари очилиб боради. Бу ўтмишимизда юз берган тарихий тараққиёт ва унинг оқибатларида яққол кўринади.

Ленин бошчилигидаги зуровонлик билан ўрнатилган империя тазйиқ, таҳдид ва қўрқув орқали жамиятни бошқариш тамойилини тула амалга оширди. Кетма-кет давом эттирилган репрессиялар халқ оммаси ақлий қатламни — элитасини, интеллектуал бойлигини йўқ қилди. Натижада қўрқув билан яшайдиган авом халқдан иборат бедаво жамиятни вужудга келтирди. Ёки диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг дунё миқёсида хуруж қилаётгани, улар келтираётган мислсиз фожиаларнинг шакллари, усуллари доираси тобора кенгайиб кетаётгани уларнинг касбий маҳорати ва тажрибалари ошиб бораётганини кўрсатмайдими? Аслида эса эзуликлар, буюк кашфиётлар қанчалик ақл маҳсули бўлса, ёвузликлар ва беқийёс хунрезликлар ҳам ақл орқали амалга оширилган салбий ҳодисалардир. Дарҳақиқат, бугун оламни остин-устун қилаётган, инсоният бошига мислсиз кулфатлар келтираётган, даҳшату ваҳшатларга тула бузғунчи ғоялар фақатгина ақидапарастлик, фанатизм иллатлари эмас, балки ақидапарастлик «балоси» ҳамдир. Фақат ана шу ҳодисаларни амалга ошираётган камикадзелар эса ўзлигини унутган зомбилар бўлиши мумкин, холос.

---

<sup>1</sup> А. Ивин. *Философия истории*. М., «Гардарика», 2000, стр. 33–34.

Ана шундай ҳолатдан келиб чиқиб, К. Ясперс «Бу концентратион лагерларнинг реал воқелиги, бу азобловчилар ва азобланувчилар доирасидаги келишилган ҳаракат, инсон маънавий қиёфасининг бундай йўқолиши барчага ҳалокат таҳдидини солувчи келажак имкониятларидан дарак беради... ушбу хавф атом бомбасидан ҳам қўрқинчли, чунки у инсон қалбига тажовуз қилади»<sup>1</sup>, дейди.

Бир қарашда Ясперс цивилизация оқибатларини, фан-техника тараққиёти натижаларини тушқунлик билан қабул қилгандай кўринади. Бироқ унинг қарашларида юксак кутаринкилик, оптимистик руҳ яққол кўзга ташланади. Хусусан, инсоният келажаги тўғрисида гапирар экан, ҳар қандай цивилизация тасодифий ҳодиса эмас, аксинча, инсоннинг ақл-заковати, феъл-атвори маҳсулидир, деган хулосага келади. Ўтмишда юз берган барча ютуқлар билан бирга таназуллар ва фожиаларни бутун кўлами билан англаб етиш, ундан зарур хулосалар чиқариш, бунинг учун эса тиниқ ва кенг қамровли тафаккур кераклигини уқтиради ва, жумладан, шундай дейди: «Ўтмишнинг фожиаларини унутишга йўл қўймаслик керак. Негаки, биздаги қўрқув ўтмишда содир бўлган воқеалар қайтарилиши, тарқалиши, бутун дунёни қамраб олиши мумкинлиги туфайли пайдо бўлади. Биз хавф билан фаол курашга айланувчи ушбу қўрқувни сақлашимиз лозим»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Фарб тарих фалсафаси XVIII асрдан кейин жаҳон тарихини ўрганишнинг мисли кўрилмаган методологик асосини яратди. Бу бевосита бутун кўлами, илмий-назарий яхлитлиги, инсон ва унинг моҳияти, инсоният тарихи тараққиёти тажрибалари ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари илмий-методологик қарашларининг, фалсафий йўналишлари ва ғояларининг янги цивилизациявий шакли сифатида ўзини намоён этди. Зотан, Фарб мутафаккирларидан бири «Нур — Шарқандир» деган эди. Бу доно башорат ҳар икки маънода — ҳаёт манбаи бўлган кўёшнинг Шарқдан чиқишига, тафаккур манбаи бўлган ақл-идрок, даҳолик қуввати ва заковат мўъжизаси ҳам Шарқда юз бергани ва кейинчалик бутун инсониятни забт этганига ҳаққоний ишора эди!

<sup>1</sup> К. Ясперс. Истоки истории и ее цель. Вып. 2, стр. 16.

<sup>2</sup> Ўша манба. 17-бет.

### III БОБ. ИНСОН ФЕНОМЕНИ: ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИН

#### 1-§. Инсон ва олам яралишининг мифологик- диний талқини<sup>1</sup>

Мифологик тафаккур табиат ва жамият ҳодисаларини англаш, уни тушунишга интилишнинг, оламни ҳиссий билишнинг энг қадимги куртакларидан биридир. Мифлар — асотирлар одатда эртаклардан фарқ қилиб, асосан оламнинг қандай пайдо бўлгани, ер, осмон, юлдузлар, йил фаслларининг алмашуви, ҳаётнинг тугаши ва янгиланиши, қор, бўрон, зилзила, тоғ кўчкилари, ер устидаги ва остидаги, дарё, денгиз, уммонлардаги ва, ҳатто, бошқа оламлардаги мавжудотларнинг ўзаро боғлиқлигини, сабабият ва оқибат жиҳатидан алоқадорлигини ибтидоий-хаёлий поэтик, фалсафий ҳамда аллегорик — мажозий равишда тасаввур қилишдан келиб чиққан.

Мифологик тасаввурга кўра бутун олам мавжудотлари ҳис қилиш қобилиятига эга. Улар ўзига хос тарзда ўйлайди ва ҳаракат қилади. Энг қадимий Миср мифологиясида борлиқ табиатнинг ҳар йили «ўлиб» ва яна «тирилиб» туриши «тангри» Озириснинг ҳаёти билан боғланади. Қадимги Миср динида Озириснинг садоқатли умр йўлдоши, ҳосилдорлик, сув ва шамоллар илоҳаси Изида улганларнинг руҳини авайлаб, асраб, яна тирилтиради. Қадимги юнон мифологиясига кўра (Ҳомернинг «Илиада», Овидийнинг «Метаморфозалар» — «Эврилишлар» асарларида тасвирланишича), самовий юксак Олимп тоғида яшайдиган Куёш ва момоқалди роқ тангриси Зевс, ер, сув, оналик маъбудаси Ҳера, баҳодирлик ва санъат ҳомийси Аполлон, илм-фан, донишмандлик маъбудаси Афина, гузаллик маъбудаси Афродита, уруш тангриси Марс, марҳумлар юртининг тангриси Аид, денгиз, уммонлар тангриси Посейдон (ёки Нептун) ва бошқалар Ер юзидаги одамларнинг ҳаётини бошқариб, тақдирини ҳал этиб туришган.

Қадимги Миср ва юнон мифологиясининг айрим эъти-

<sup>1</sup> Ушбу параграф таниқли олим Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

қодлари кейинчалик христиан динига, сунгра ислом динига ҳам кўчиб ўтган. Зотан, инсоният ибтидоси билан боғлиқ бўлган илк тасаввурлар, хаёлий-эҳтимолий қарашлар одам қайси макон ва қандай шароитда яшамасин, одам ва олам, инсон ва борлиқ ҳақидаги қарашларда умумийлик мавжуд бўлган. Чунки, қарашлар, ўйлар ва тасаввурлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг замирида битта ҳақиқат, битта моҳият ётган. Бу — инсон ва унинг келиб чиқиши, оламнинг яралиши ва ҳаёт моҳияти. Шунинг учун ҳам мифологик тасаввурларга, илк одамларнинг мифологик эътиқодларига эътиборсизлик билан қараш мумкин эмас. Ана шу мифлар асосида минг йиллар давомида даҳо санъаткорлар адабиёт ва санъатнинг дурдона асарларини вужудга келтирганки, уларда умуминсоний қадриятлар, одам ва олам тақдири билан боғлиқ қарашлар юксак бадий-фалсафий, тарихий-табiiй, маънавий-руҳий драматизм ўз ифодасини топган. Жумладан, Ҳомер («Илиада», «Одиссея»), Эсхил («Агомемнон», «Занжирбанд Прометей», «Эвминидалар»), Софокл («Шоҳ Эдип», «Антигона», «Аякс»), Эврипид («Ҳеракл», «Елена», «Электра», «Ваюҳ қизлари»), Данте («Илоҳий комедия»), Боккаччо («Декамерон»), Тассо («Қуддуснинг озод этилиши»), Мильтон («Бой берилган жаннат»), Шекспир («Лукреция», «Ёз кечасидаги туш», «Бурон»), Гёте («Фауст»), Байрон («Қиёмат манзаралари»), Лермонтов («Демон»), Адам Мицкевич («Дзяди кўли») ва бошқа даҳо санъаткорлар диний мифология сюжети асосида ёзган асарларида, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэлнинг яратган тасвирий санъат намуналари энг муҳим умуминсоний муаммоларни бадий талқин этишган.

Ҳозирги Фарб эстетикасида ва умуман фалсафий тадқиқотларида мифологик мактаб деб аталган йўналиш вужудга келган. Ҳозирги мифологик мактаб вакиллари XVII—XVIII аср буюк мутафаккирлари Б. Фонтенель, Ж. Вико, И. Гердер фикрларидан келиб чиқиб миф — жамият тараққиёти ва инсон руҳияти босқичларини ифодаловчи қимматли маданий хазиналардир, деган фикрга келишган.

Инглиз олими Жеймс Фрезер ҳозирги мифшунослик йўналишининг асосчиларидан биридир. У ўзининг «Олтин бутуқ» ва «Аҳдул қадим («Таврот») фольклори» китоб-

ларида қадимги Хитой, Ҳиндистон, Миср халқлари фольклори ва христиан мифологияси илдизларини халқ эътиқодларининг шаклланиш босқичлари билан боғлаб тадқиқ этади. Ҳозирги мифологик йўналиш Зигмунд Фрейд таълимотидан ҳам озикланган бўлса-да, ундан фарқ қилиб, миф яратувчилар патологияси ва психикасига ортиқча эътибор бермай, фалсафий тафаккур ва эътиқодлар шаклланишига кенгроқ эътибор беради. Бу йўналиш вакиллари мифларни анимизм, тотемизм ва табу билан боғлайдилар. Мифологик мактабнинг йирик вакилларида бири, Торонто университети профессори Нортроп Фрай фикрича, мифлар инсон тасаввурларининг ибтидоийлигини эмас, балки поэтик ёрқинлиги ва фалсафий теранлигини акс эттиради. «Мусаввир асари, — дейди у, — яқиндан қараганда яхши кўринмайди, узоқдан қараганда эса асарнинг барча фазилатлари яхлитликда кўринади»<sup>1</sup>. Демак, жаҳон тарихининг ибтидоси, инсоният тараққиётининг илк куртаклари бевосита илк одамларнинг ибтидоий қарашлари ва хаёлотидан бошланади ва у кишилик жамияти эволюцион тараққиёти давомида шакллана борган, узоқ, ўта узоқ асрлар мобайнида ривожланган. Одам ва оламнинг яралиши ҳақидаги тасаввурлар, ўтмиш тўғрисидаги тушунчалар ҳам вақт ўтгани сайин ёрқинлашиб бораверади.

Америкалик атоқли шарқшунос Франц Роузенталнинг «Билим тантанаси»<sup>2</sup> китобида илк ислом оламида «билим ва бинобарин, олимлар юксак қадрланганлигини бой фактик материаллар, биринчи манбалар — Қуръон суралари, оятлари асосида тадқиқ этади. Исломга қадар араб шеърлятидаёқ Гёте айтгандай, «Сўз қудрати ва ақл ишорати» кўзга ташланади. «Қадимий араб шоирлари, — деб ёзади «Билим тантанаси» китобининг масъул муҳаррири А. В. Сагадеев, — ўз қабиласи номидан гапиради, унинг шон-шарафини ҳимоя қилади ёки душман қабилаларни қоралайди, авлиё, пайғамбар сифатида қабилadoшлари томонидан эъзозланади»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Теории, школы, концепции, художественный текст и контекст реальности. «Наука», Москва, 1977, стр. 149.

<sup>2</sup> Ф. Роузентал. Билим тантанаси. «Наука», М., 1978.

<sup>3</sup> Ўша манба.

Абул Фараж Исфохонийнинг машхур «Оҳанглар китоби»да ёзилишича, Муҳаммад алайҳиссалом бир дарбадар шоирнинг шеърларини севиб, такрорлаб утирганда, сафдошлари ажабланиб «Нечун Сиздай улуг зот дарбадар шоир сўзларини севиб такрорлайсиз?» деб сўрашади. Шунда Муҳаммад, «Бу шоирга Худо буюк истеъдод бериб сийлаган, биз ҳам азиз деб биламиз», деб жавоб беради. Мана шу мисолдан ҳам ислом эътиқодларида поэтик тафаккур юксак қадрлангани сезилади. Албатта, бу ерда гап фақат шоир ёки шеърят ҳақида кетмаяпти. Гап кенг маънода руҳ кишилари, илҳом соҳиблари, тасаввур ва тафаккур эгалари ҳақида бормоқда. Қолаверса, Н. Г. Чернишевский ҳам «Шоирлар халқ ҳаётида қатнашганми?» деган мақоласида ёзади: «Биз ҳам агар пайғамбарларнинг китобларини яхши таржимада ўқисак, улар йўғрилган оташин поэзияга маҳлиё бўлишдан ўзимизни тиёлмай қоламиз. ... Демак, дин инсонларга ҳаммадан ҳам нафосат жиҳати билан таъсир этишига ҳозир деярли ҳеч ким шубҳа қилмайди».

«Рамаяна», «Илиада», «Қуръон» асотириларининг поэтикаси, беқиёс жозибаси ҳақида ҳам Н. Г. Чернишевский шу фикрни айтади. Зотан, айна мифлар инсоннинг, хусусан, ижодкорнинг руҳий оламига чексиз озуқа, таъсирчан руҳий таянч вазифасини ўтайди.

Умуман олганда, асотирий тасаввурларда турли халқларнинг қадимий, ўрта асрлардаги ва ҳозирги эътиқодлари акс этган бўлиб, уларни ўрганмай туриб, на диний эътиқод, на халқ маросимлари ва урф-одатлари, тарихи, маданий тараққиёти ҳақида гапириш амримаҳол. Шу маънода айтиш мумкинки, кишилиқ тарихий тараққиёти давомида ҳар бир халқнинг ўз қарашлари, маънавий эҳтиёжлари мифларда акс эттирилган ва у бевосита шаклланаётган тафаккур ва тасаввурларнинг ўзига хос ифодасидир. Демакки, уларда қайсидир даражада ҳаёт фалсафаси, жамият ва тарихий тараққиёт моҳияти мавжуд. Ҳар бир халқ турмуш тарзи, ўзига хослиги, анъаналари умумий тарзда бўлса-да инсоният орзу-умидлари, мақсадлари мифларда ўз ифодасини топган.

Табиийки, ислом мифологияси араб халқлари оғзаки ижодида кенг ривожланган ва унинг кўпчилик мажозий,



рамзий, аллегорик тасвирлари «Куръон» ва ҳадислардан ҳам кенг ўрин олган.

Ислом мифологиясида ҳам одамнинг пайдо бўлиши илоҳий кучларга боғлиқ ҳолда тасаввур қилинади. Ислом мифлари ва ҳадисларнинг купчилигини пайғамбар оиласига яқин одамлардан бири, Муҳаммад алайҳиссалом вафоти арафасида, 13 ёшлигида билимга чанқоқлиги билан пайғамбар ва дастлабки халифаларнинг назарига тушган Абдуллоҳ ибн Аббос ёзиб, асрай бошлаган<sup>1</sup>. Ислом мифографларидан яна Ваҳб ибн ал-Мунаббих, Каъб ал-Ахбор, Абу Хурайра Абул Мажид Санойй, Абул Ҳасан Кисоййлар ҳам космологик мифларни ёзиб қолдиришган.

Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ёзишича, Оллоҳ ҳамма нарсадан аввал лавҳ ва қаламни яратган. Ислом мифологиясини билмай туриб, Шарқ классик поэзияси, фалсафасини, жумладан, тарихий тафаккурини ва ўтмиш моҳиятини ҳам тушуниш қийин. Қалам ва сўз таърифида ҳазрат Навоий айтади:

*Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.  
Турт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул.  
Чун бу насим эсти азал тоғидин,  
Мунча гул очилди жаҳон боғидан...<sup>2</sup>*

Навоий яна сўзни таърифлаб айтади:

*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,  
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз<sup>3</sup>.*

Шарқ мифологиясидан яхши хабардор Иоганн Вольфганг Гётенинг «Фауст» асари қаҳрамони «Энг аввал Сўз бўлган» деб бежиз айтмайди. Нақлга кўра, Қаламнинг узунлиги 500 йилга тенг (масофа ўлчовларининг йиллар билан ҳисобланиши оламдаги мавжудотларнинг узоқ асрлар мобайнида вужудга келишига ишора қилувчи мажозий маънога эга). Бу қалам учидан сиёҳ ўрнига нур томган ва у

<sup>1</sup> XI аср араб аноними. Москва, 1960, 72-бет.

<sup>2</sup> А. Навоий. Хамса. «Ҳайратул-аброр».

<sup>3</sup> Ўша манба.

Худонинг амри билан уз-узидан Лавҳул-маҳфузга дунёнинг охиригача бўладиган воқеаларни ёза бошлаган. Мифга кура, шундан сунг Худои таоло жуда катта оқ марваридни пайдо қилган (катталиги еру осмон билан тенг). У етмиш минг тилда Оллоҳга мадҳия уқиган. Каъб ал-Ахборнинг айтишича, Худонинг амри билан улкан марварид эриб, сув пайдо бўлган ва тулқинлар мавж ура бошлаган (эҳтимол, бу мифда Ерда ҳали ҳаёт пайдо бўлмаган музлик даврига ишора бордир). Афсонага кура, Худо бошқа мавжудотларни (Одамдан ташқари) сувдан яратган. Кейин у Арш курсини пайдо қилган.

Қадимги яҳудийлик ва христианлик мифологияси билан ҳам яхши таниш бўлган Ваҳб ибн Мунаббихнинг ёзишича, барча қадимий халқларнинг эски китобларида Арш — тахт ва курси тилга олинади. Мифга кура, Худо илоҳий қудрат тимсоли. У Арш ва курсини сувга (уммонга) қуйган, уммонни эса шамоллар оқимига қуйган (ушбу миф Ер куррасининг атмосфераси ва унинг фазодаги ҳаракатини ёдга туширади). Кейинроқ Арш курсини тўрт мавжудот кўтариб туради. Бу мавжудотлар гоҳ одам қиёфасига кириб, Ер юзидаги одамларга раҳм-шафқат тилайди. Гоҳ уй ҳайвонлари қиёфасида чорвани ҳимояга олишни сўрайди. Гоҳ шерлар қиёфасида барча ҳайвонларга, сунг бургутлар қиёфасида барча қушларга раҳм-шафқат сўрайди. Арш — тахтни кўтариб борувчи фаришталар чарчаб қолганида тахт муаллақ ҳаракатга келаверади. Тахт оёқларига гоҳ катта аждаҳо ўралиб олган. Бу аждаҳонинг 40 минг пати бўлиб, ҳар бир патида найза ушлаган фаришта туради. Ана шу 40 минг фаришта ҳам ҳар лаҳза Худони улуғлайди. Аждаҳо Худони улуғлаганида фаришталар овози эшитилмай қолади. Аждаҳо оғзини очиши билан осмонда яшин чақнайди ва агар у Худони мадҳ этиб турмаганида, оғзидан чиққан олов бутун оламни куйдириб юборар эди. Демак, ислом мифологиясида Худони тинмай мадҳ этиш оламни ёмон ишлардан асрайди, деган ақида бор.

Каъб ал-Ахборнинг ёзиб қолдиришича, Худо сувни мавжлантининг, деб шамолларга амр қилган. Тулқинлар мавжланиб, сув устида кўпирган пўртана ҳосил бўлган. Иккинчи ва учинчи куни уммон кўпиги қотиб, Ер пайдо бўлган. Баъзи пўртаналар юксак кўтарилиб тоғларга ай-

ланган. Муслмонлар тасавурида сув устидаги Ер чайқалиб кетавермаслиги, ўз мувозанатини сақлаб туриши учун тоғлар яралган.

Қуръони каримда шу ҳақда бундай дейилади: Биз Ерни тўшак қилиб қўймадикми?! Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни (бадан ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. Кундузни эса, тирикчилик (вақти) қилдик. Тепаларингизда етти (қават) мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Яна чарақлаб турувчи чироқни (қуёшни) пайдо қилдик. Яна Биз сиқиб чиқарувчи (булут)лардан дув-дув сув (ёмғир) ёғдирдик. Токи, у сабабли дон ва наботот (ундириб) чиқарурмиз. Шунингдек, қалин боғларни ҳам. Албатта, Ажрим Куни (ҳисоб-китоб учун) белгиланган вақтдир. У Кунда сур чалинур, бас, сизлар тўп-тўп бўлиб (маҳшаргоҳга) келурсизлар. Осмон ҳам очилиб, (фаришталар учун) дарвозаларга айланиб қолур. Тоғлар ҳам (жойларидан) жилдирилур. Бас, у саробга айланиб қолур. Албатта, жаҳаннам пойловчи... («Набаъ» сураси 6–21-оятлар. Абдулазиз Мансур таржимаси. «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001).

Ислом эътиқодига қура, «Ер юзидаги барча тоғларнинг илдизлари Куҳи Қоҳф (Кавказ) тоғи илдизларига туташган. Сўнг Худои таоло етти денгизни қудрат қалами билан пайдо қилган. Сўнги денгиз яна еттита денгиздан иборат. Биринчи денгизни иккинчи денгиз қуршаб олган, иккинчисини учинчи денгиз, учинчисини тўртинчи денгиз, тўртинчисини бешинчи денгиз, бешинчисини олтинчи денгиз қуршаган. Еттинчи денгиз эса барча денгизларни қуршаб олган (океан). Қазвийнинг «Ажойибул-Махлуқот» китобида ҳам етти денгиз тилга олинади. Ислом космографияси юнонларнинг Ер атрофини денгиз ва уммонлар ўраб туради, деган тасавурларини қабул этган. Бу тасавурлар ҳақиқатга яқинлигининг сабаби – араб саёҳатчилари жуда қадимги вақтлардаёқ ер атрофидаги денгиз ва уммонларни кашф этишга интилишган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Х. Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. «Ўзбекистон», Т., 1991.

Ер етти қават бўлиб, Ар-Рамақа деб аталган биринчи ерда Баҳайбат Шамол яшайди. Шамолни етмиш минг фаришта тутиб туради. Буюк шамол ўз пайғамбарини ҳурмат қилмаган. У гуноҳкор халқларни жазолашга мўлжалланган. Иккинчи қават — Аш-Шалада деган ерда барча дўзахийлар торгадиган жазолар тулланган. Бу ердаги аҳоли ўз гўштини еб, ўз қонини ичади. Учинчи қават — Ар-Дақа деган ерда бургутлар яшайди. Ҳар бир бургутнинг найзага ўхшаш думида 360 тадан заҳарли найза бор. Бу ернинг аҳолиси чанг ютиб кун кечиради. Ал-Харба деган туртинчи қават ерда ўткир тишли илонлар яшайди. Илонлардан бирортаси тоғни тишласа талқон қилиб юборади. Бу ернинг аҳолиси кўзсиз, қўлсиз, оёқсиз, лекин жуда узоқ яшайди. Мослама деб аталувчи бешинчи ерда фақат тошлар бор. Дўзахийлар мана шу тошлар билан ёндирилади. Бу ернинг аҳолиси бир-бирини еб кун кечиради. Сижжин деган олтинчи ерда дўзахийларнинг қилмишлари ёзилган китоблар сақланади. Амаба деб аталган еттинчи ерда иблис яшайди. У ерда калта ҳайвонсифат қора одамлар яъжуж-маъжужлар устидан ҳукм юритади. Аммо кейинроқ ўзлари улар чангалида ҳалок бўлади. Яъжуж-маъжужлар ҳақидаги ривоят эрамуздан аввалги IV асрда яшаган македониялик Искандар сафарларига доир «Искандарнома» («Роман об Александре») китобига бориб тақалади. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида ҳам бу махлуқлар тилга олинади.

Ислом мифологиясига кўра Ерни жуда баҳайбат фаришта қўтариб туради. У оёғини жуда катта харсанг тошга тираб туради. Харсанг тошда етти минг қўл бор. Бу улкан тошни эса қирқ минг бошли улкан ҳўкиз — Ар-Райён елкаси ва шохиди қўтариб туради. Ҳўкиз эса жуда катта наҳанг устида жойлашган. Наҳангнинг нафас оладиган ўпка супрасига барча денгизлар сиғиб кетади. Наҳанг сувда, сув эса фазода жойлашган.

Шундан сўнг Оллоҳ таоло бутун олам Ақлини яратган (Ақли кулл). Тангри Ақлга жуда юксак баҳо беради. Пайғамбар ҳадисидида айтилишича, энг кўркем одам ақлли одамдир, энг хунуги эса ақлсиз одамдир. Каъб ал-Акбар ўғлига бундай васият қилган:

— Билим билан зийнатланган ақл — энг гўзалдир. Тақво (художўйлик) билан зийнатланган билим энг гўзалдир. Са-

доқат, эътиқод билан зийнатланган тақво — энг гузалдир. Яхшилик билан зийнатланган эътиқод — энг гузалдир. Камтаринлик билан зийнатланган яхшилик — энг гузалдир. Худодан кўрқиш билан зийнатланган камтаринлик — энг гузалдир. Ҳақиқат билан зийнатланган худодан кўрқиш — энг гузалдир.

Рационал ислом мафкурасига хос муътазила оқимида ҳам ақл-идрок ва билимга жуда катта эътибор берилади. Қуръонда айтилишича, маҳшар куни тангри ақли одамларни сийлайди, ақлсиз одамларга жазо беради.

Мана шулардан кейин Худо етти қават осмон ва уларда яшайдиган фаришталарни яратади. Етти осмон фаришталари кечаю кундуз, юрганда ҳам, турганда ҳам, сажда пайтида ҳам Худонинг қудратини улуғлашади. Ислом мифологиясидаги лак-лак фаришталар орасида тўрттаси бош фаришталардир. Каъб ал-Акбар ҳикоя қилишича, фаришталарнинг энг каттаси Жаброил (Библияда — Гавриил) тангрининг амр-фармонларини бошқа фаришталарга етказади (Жаброилга исломдан аввалги жаҳоний дин — христианлик эътиқодида ҳам катта аҳамият берилади. У билан бокира Биби Марям ўртасида Исо таваллуд топади). Жаброилнинг олти қаноти бўлиб, вужуди қордай оппоқ, сочлари қоп-қора. Овози мағрибу машриққача эшитилади. Унинг олти қаноти остида яна иккита яшил қаноти бўлиб, бу қанотлари фақат Охир замонда очилади.

Азроил ҳам энг улуғ фаришталардан саналади. Унинг тўрт қаноти бор. Бир қанотини ёйса Шарқни, иккинчи қанотини ёйса Ғарбни, учинчи қанотини ёйса еру осмонни ёйиб қўяди. Тўртинчи қанотини ёйса Худога ҳам соя солади. Азроилнинг оёғи ернинг энг пастки қаватида, боши Арш курсининг оёғига тегиб туради.

Каъба ал-Акбарнинг ривоят қилишича, еттинчи осмонда тошқин денгиз бор, унинг атрофини найза ушлаган фаришталар кўриқлайди. Ҳар бир фаришта найзасининг узунлиги бир йиллик йўлдир. Мана шу мавжли денгиз ва фаришталарга Мекоил (Библияда — Михаил) ҳукмронлик қилади. Бу фариштанинг қиёфаси қандайлиги фақат Худога аён. Аммо у оғзини очса, етти қават осмон гўё денгизга тушган ясмиқ донасига ўхшаб қолади. Қаҳр билан боқса, етти қават еру осмон ёниб кетади. Космогония

олимлари бу мифологик тасвирни Қуёшга ўхшаш ёки ундан ҳам катта фалак қувватининг мажозий ифодаси деб уйлайдилар.

Айниқса ўлим фариштаси (Малакул-мавт) Азроил ҳаммадан қўрқинчлидир. Азроилнинг 360 та қўзи, 360 та тили, 360 та қўли, 360 та оёғи бор. Ҳар бир тили, қўли ва оёғида яна учтадан тили, қўли ва оёқлари бор.

Шундан сўнг ислом мифологиясига кўра Оллоҳ таоло Қуёш ва Ойни яратади. Ислом мифографларининг фикрича, Қуёш кундузни ёритиш, Ой тунни ёритиш учун яралган. Аммо илоҳиётчи олимлар уртасида Қуёш билан Ойнинг маъшар куни дўзахга ёки жаннатга юборилиши ҳақида ихтилоф, тортишувлар бор.

Ривоятларга кўра, шундан сўнг тангри саккиз беҳишт ва етти дўзахни яратган. Ислом мифларида жаннат боғларининг тасвиридан кўра дўзах манзилларининг тасвирига кенг эътибор берилади. Бунинг сабаби — Ер юзидаги осий бандаларнинг гуноҳлари куплигидандир.

Саккиз жаннатдан ҳар бирининг алоҳида исми бор. Биринчиси — Арши аъло, иккинчиси — Оромгоҳ, учинчиси — Поноҳ, тўртинчиси — Абадият боғи, бешинчиси — Зийнат боғи, олтинчиси — Фирдавс, еттинчиси — Сабот, саккизинчиси — Адан боғидир. Ибн Аббоснинг ёзишича жаннат боғларидан олти наҳр оқиб утади. Биринчиси — Меҳр-шафқат, иккинчиси — Кавсар, учинчиси — Фафур, яъни мағфират қилувчи, кечирувчи, тўртинчиси — Охур, бешинчиси — Жаннат булоғи, олтинчиси — Шарбат наҳридир.

Етти дўзахнинг ҳам алоҳида исмлари бор. Биринчиси — Жаҳаннам, иккинчиси — Лова, учинчиси — Ал-Хутома, тўртинчиси — Ас-Соир, бешинчиси — Сакар, олтинчиси — Ал-Жоҳим, еттинчиси — Ал-Говийя деб аталади. Каъб ал-Акбарнинг айтишича, дўзахда олов дарахтлар ўсади, тиканлари — оловли найзалар; оловли булоқларда оловли мевалар ўсади. Уларга уралган илонлар гуноҳкорларга азоб беради. Заққум деган дарахтнинг мевалари шайтон бошларидан иборат.

Ваҳоб ибн Мунаббих тасвирлашича, шундан кейин тангри жинлар ва жонларни яратган. Жинларнинг машҳури Иблис — алайҳи-л-лаънадур. Мифда айтилишича, Иб-

лис жинлардан бир аёлга уйланган. Буларнинг авлодлари кейинчалик шу қадар кўпайиб кетганки, охири улар чу-моли ва чивинга ўшаб одамларнинг бошига чиқиб кет-ган. Мараз, ифрат ва шайтонлар ҳам шуларнинг уруғ-ав-лодларидандур.

Араб истилочиларига қарши курашган халқ озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси Муқанна кенг халқ оммаси-нинг диний тасаввурларини ўзгартириш мақсадида ўзи-нинг ортодоксал исломга қарши диний таълимотини ву-жудга келтиришда мифологиядан кенг фойдаланади. Му-қаннанинг космогоник таълимотига кўра, энг юксаклик-да олий руҳ — Худо бор. Худонинг тўққиз сояси пастроқда ҳаракатга келиб, биринчи осмонни ташкил этади. «Мана шу биринчи ибтидо ҳисобланмиш осмондан, — деб ёзади Шарқ маданияти мифологиясини яхши билувчи, ультра-изм (онгдан ташқари руҳий жараёнлар) адабий-фалсафий оқимнинг йирик вакили аргентиналик адиб Хорхе Луис Борхес, — иккинчи, янада пастроқдаги осмон пайдо бўлади ва унда ҳам фаришталар, турли руҳий кучлар, Арш кур-силари бор. Бу осмон аввалгисининг симметрик аксидир. Мана шу иккинчи муқаддас анжуман учинчи акс — осмон-ни, у эса яна пастроқдаги аксни ҳосил қилади ва шу та-риқа 999 осмон акслари пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси-га биринчи осмон ҳукмдори — сояларни ҳосил қилувчи зот раҳбарлик қилади. Бу ҳукмдор соясининг соялари бўлиниб, бўлиниб... нўлга, ҳечликка, ломаконга яқинлашади. Муқанна таълимотига кўра, биз яшаётган Ер юзаси — нўноқ бир соядир, кўзгулар ва одам туғилиши нафратга сазовордир, чунки уларнинг кўпайиши хатоларни кўпайтиради ва мус-таҳкамлайди. «Ҳаким (Муқанна) таълимотига кўра, — деб ёзади Луис Борхес, — жаннат билан дўзах янада қайғули-роқдир». «Ёнар сўз қудратини тан олмаганларга, шу билан Азиз парда ва Нурли жамолни инкор этганларга ғаройиб дўзах ваъда қиламан, — дейилади «Ғайб гули»дан сақла-ниб қолган қарғиш — дуода, — зеро, ҳар бирингиз охи-ратда 999 олов салтанатига подшо бўласиз, ҳар бир олов салтанатида 999 та олов тоғи бор ва ҳар бир олов тоғида 999 та олов минораси бор ва ҳар бир минорада 999 та олов оромгоҳи бор ва ҳар бир оромгоҳда 999 та олов ўрин-тўшаги бор, ва ҳар бир ўрин-тўшакда сизнинг қиёфангиздаги 999

та олов башара сизнинг овозингиз билан фарёд қилиб, абадул-абад азоб<sup>о</sup> тортади».

Жаннат эса бирмунча мавҳумроқ тасвирланади: «Жаннатда ҳаммаёқда ҳамиша зулумот ҳукм суради, ҳаммаёқда муқаддас тошҳовузлар бор ва бу ердаги ҳузур-ҳаловат — айрилиқлар, ўзликдан кечишлар ҳамда уйқудагиларнинг ҳузур-ҳаловатидир».

Бошқа илоҳиётчилар ва муҳаддислар эса жаннат кўри-нишини анча равшанроқ тасвирлайдилар. Абул Ҳасан Насоий ана шу муҳаддисларга таяниб, ёзади: «Ҳар бир жаннатнинг алоҳида дарвозаси бор. Кирадилар. Лаъл — жавоҳир билан безалган жаннат дарвозаларидан биринчисининг пештоқиға: «Ло илоҳа ил-л-оллоҳ, Муҳаммадун расул-ул-лоҳ» («Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг (Ер юзидаги) элчисидир») деб ёзилган. Иккинчи дарвоза пештоқиға: «Беш вақт намозни канда қилмаган покдомон бандалар учун очилади» деб ёзилган. Жаннатнинг учинчи дарвозаси пештоқиға: «Бу ердан очиқ кўнгиллилар киради» деб ёзилган. Тўртинчи беҳишт дарвозаси пештоқиға: «Яхши ишлар қилган ёмон ишлардан ўзини тийган бандалар учун» деган ёзув бор. Бешинчи жаннат дарвозаси пештоқиға: «Бу ердан ўз жисмининг ҳузур-ҳаловатига муккасидан кетмаган киради» деб ёзилган. Олтинчи беҳишт дарвозаси пештоқиға: «Муқаддас Байтуллоҳға бориб, уни тавоф қилганлар учун» деган ёзув бор. Еттинчи жаннат дарвозаси пештоқиға: «Бу ердан кофирларга қарши курашда шаҳид бўлган ғозийлар киради» деб ёзилган. Саккизинчи беҳишт дарвозаси «Яқинлари, қариндош-уруғларига меҳр-шафқат кўрсатганлар кириши учун» мўлжалланган. Жаннат боғларига кирганлар оқбадан, қора кўз, гўзал хурлар билан ўйнаб-кулади...

Кўриниб турибдики, ислом мифологиясидаги жаннат тасвири мусулмонларни бу дунёда яхши ишлар қилишга, айни вақтда (золимларга қарши) исён, қўзғолон каби «ёмон» ишлардан ўзини тийишга ундайдиган, ғайридинларга қарши курашни савоб деб ҳисоблайдиган ислом тарғиботи мақсадларига жавоб беради. Аммо бу мифологик тасаввурларнинг ҳаммасини бошдан-оёқ реакцион руҳда деб ҳисоблаш ҳам тўғри эмас. Бу тасаввурлар қисман жамоа ижод маҳсули бўлиб, уларда (айниқса, дўзах ҳақида-



ги тасаввурлардан) мусулмонликда уғрилик, судхурлик, дилозорлик, такаббурлик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш, етим-есирларга азоб бериш каби иллатлар жазоға мустаҳиқ деб ҳисобланиши эътиборға лойиқдир. Зотан, биринчидан, бундай талаб ва меъёрлар инсонни яхшиликка, эзгуликка, комилликка даъват этса, иккинчи томондан, аниқ ҳаётий муаммолар, турмуш тарзи ва охиروقибатда яхлит олганда ижтимоий ҳаёт, инсон ва жамият муносабатларини, кишилик жамияти моҳиятини белгилайди. Натижада бундай мифологик тасаввурлар, албатта, асрлар мобайнида халқ ижоди маҳсули сифатида бойитиб, тўлдириб борилган.

Қадимги мифология диний эътиқод, фольклор, санъат, фалсафа ва илм-фаннинг дастлабки курунишларидир. Шу маънода, айниқса, космогоник (оламнинг бошланиши) ва эсхатологик (оламнинг охири) мифология диншунослар, санъатшунослар, фаншунослар диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Бу табиий ҳол.

Умуман олганда одам ва оламнинг яралиши ҳодисаси ҳақидаги диний таълимотда мифлардан ташқари аниқ ифодалар ҳам мавжуд. Чунончи, одамнинг пайдо бўлиши туғрисида дунёвий динлардан бири насронийликнинг муқаддас китоби «Инжил»да ёзилишича:

«...Яна Худо: «Уз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин», деди. Шундай қилиб, Худо одамни уз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди. Уша пайтда Худованди карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди»<sup>1</sup>.

Қуръони каримда бу жараён қуйидагича ифодаланган: «... Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)да маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон

<sup>1</sup> Инжил. Ибдито. 1-боб. Дунёнинг яратилиши. Стокгольм, 1993, 2-4-бетлар.

қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гушт қилиб яратдик, бас, парча гуштни суяклар қилиб яратдик, (бу) суякларга гушт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик»<sup>1</sup>.

Албатта, булар одамнинг яралиши, оламдаги барча мавжудотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги диний тушунчалар ва мифологик қарашлардан айримлари, холос.

## 2-§. Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги дунёвий қарашлар

Инсоннинг пайдо бўлиши, унинг омиллари, шароитларини илмий асосда ўрганиш масаласи атрофидаги илмий-назарий мунозараларни яхлит тизимга солишга уриниш фанда жуда катта тарихга эга эмас. У кейинги икки-уч аср мобайнида турли назарий қарашлар, эҳтимоллар, аниқ исботини тополмаган қарашлар тизими сифатида юзага келди ва ҳали-ҳамон хилма-хил ёндашувлар давом этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон антропогенези, социогенези, унинг биологик, физиологик, психологик ривожланиш тамойиллари, шаклланиш жараёнлари, эволюцияси бир қарашда фанда ўз исботини топгандай, маълум бир илмий-назарий умумлашмалар, хулосалар, асослар яратилгандай кўринади. Бироқ бу қарашлар ва назарияларнинг турли-туманлиги, хилма-хиллиги нуқтаи назардан қараганда ҳали фан инсоннинг пайдо бўлиши туғрисидаги аниқ бир хулосага келмаганидан далолат беради.

Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларнинг бир йўналиши тадрижийлик назарияси билан асосланади. Бу бевосита Ер сайёрасининг физик, кимёвий, биологик тузилиши билан боғлиқ бўлган хулосаларга бориб тақалади. Бошқа бир олимлар эса Қуёш тизимининг илк туманликлари назарияси билан боғлайдилар. Бунда табиий ҳодисалар, коинотдаги ўзгаришлар, фазовий ҳолатлар келтириб чиқарган шарт-шароитларни, кайҳоний ҳодисаларнинг инсон пайдо бўлиши ва ривожланишига қулай муҳит яратганлигини рукач қиладилар.

<sup>1</sup> Қуръони карим. «Муъминун» сураси. 12–14-оятлар, Т., 2001, 342-бет.

Инглиз табиатшуноси Эразм Дарвин ўзининг «Зоономия» китобида ҳайвонларнинг генезиси ва тадрижий ривожланиш жараёнларини ташқи муҳит билан боғлаб изоҳлайди. Жан Ламарк эса яхлит органик олам эволюцияси хусусида гапирар экан, у ҳайвонот, ўсимликлар ва бошқа турларнинг ривожланиш асосларини бирмунча ўрганиб, унда ташқи табиий таъсир, табиий иқлим натижасида жонли тананинг мослашиши орқали аста-секинлик билан мураккаблашиб бориши, ички салоҳиятнинг, ҳаётга интилишнинг ва яшашга иштиёқнинг тадрижий равишда ривожланиб бориши жараёнини инсоннинг пайдо бўлишига асос деб билади.

Умуман олганда инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг «ақлли одам» даражасига етгунига қадар юз миллион йиллар ўтгани фанда маълум. Инсон антропогенези ва табиат тараққиёти билан шуғулланувчи олимларнинг қарашлари ҳарҳолда ана шундай. Айрим мутахассисларнинг хулосаларига кўра дастлабки одамлар хордалилар типига мансуб бўлиб, улар бундан юз миллион йиллар муқаддам номаълум қайхоний фалокатлар, табиий ҳодисалар туфайли йўқ бўлиб кетган. Умуртқалиларга мансуб бўлган динозаврлар эса 60 миллион йил муқаддам сут эмизувчилар сифатида дунёга келган. Инсоннинг энг қадимий аجدодлари сифатида гоминитлар типини пайдо бўлган. Дастлабки нутқ элементларига, товуш орқали фикрларини ифодалаш имкониятларига, қўл ҳаракатлари орқали нималаргадир эришиш, қайсидир вазифаларни бажариш имкониятларига эга бўлган маймун-одам шаклидаги инсон бундан икки-уч миллион йил аввал пайдо бўлган ва у тадрижий ривожланиш, эволюцион тараққиёт орқали мураккаб мавжудот сифатида ўзини намоён қила билган. Ана шу мураккаблик бевосита тана тузилиши, яшашга интилиш ҳолатлари, илк ақлий куртаклар ва онг элементларининг пайдо бўлиши жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Ана шу тарзда улар фанда қадимги одам мақомини эгаллашди. Бошқача қилиб айтганда, 150 минг йил муқаддам келиб чиққан одам турининг мияси ривожлана бошлаган, нутқи бирмунча шаклланган, фикрини ва муносабатини сўз орқали ифодалай оладиган, турли меҳнат қуролларини ясай оладиган, икки оёққа таяниб, гавдани кўтариб, тикка юра ола-

диган одам сифатида ўзини кўрсата билган. Бизнинг давримиздаги одам — фан тили билан айтадиган бўлсак, «ақлли одам» тури сайёрамизда 90—100 минг йил аввал пайдо бўлган ва улкан такомиллашув, шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Юқорида айтганимиздай, инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурлар йўналишлари фанда хилма-хил ва ўзига хосдир. Жумладан, умумкайхоний назарияда тадрижийлик нуқтаи назаридан умумсайёравий ҳолатлар, табиат ва коинотда юз берган ҳодисалар инсониятнинг келиб чиқишига шароит яратганлиги ғояси илгари сурилади. Айни ана шу табиий шарт-шароитлар туфайли ҳаётнинг вужудга келиши, унинг ривожланиши натижасида инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар баён этилади.

Дарвинизм назариясида эса ирсият ва ўзгарувчанлик омиллари асос қилиб олинади. Чарльз Дарвин (1809—1892) ўзининг назарий хулосаларига тирик табиатнинг тадрижий ривожланиш ва биологик мослашиш — шаклланиш меъёрларини асос қилиб олади. Жумладан, унинг «Маданий ўсимликларнинг ва уй ҳайвонларининг ўзгариши», «Инсоннинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш», «Инсон ва ҳайвонларда эмоциянинг ифодаланиши» сингари асарларида табиатнинг ривожланиш ғоялари, тирик мавжудотнинг шаклланиш қонуниятлари хусусида ўзига хос назария илгари сурилади. Бироқ унинг таълимоти ҳали генетика фани юзага келмаган, инсоннинг биологик, руҳий ва ижтимоий олами атрофдаги хулосалар шаклланмаган пайтда юзага келганлиги яққол кўринади. Шунинг учун унинг тадрижийлик назариясида ижтимоий масалалар, жумладан, инсоннинг ижтимоий моҳияти, туйғу, онг ва ақл билан боғлиқ бўлган қадрияти ўз ифодасини топмаган. Демак, бу таълимот ҳам инсоншуносликда тугал ечим мақомини эгаллай олмайди.

Меҳнат назариясида эса инсонга, тирик мавжудот оламига ўзига хос урғу берилади ва унинг келиб чиқиши турли туб ўзгаришлар, инқилобий янгиланишлар маҳсули сифатида талқин этилади. Бу жараёнда, албатта, меҳнатнинг ўрни ва ролига алоҳида эътибор берилади. Айни ана шу назарияга кўра инсоннинг қайси ҳайвондан қандай тарзда, қандай ҳолатда келиб чиққанлиги тўғрисидаги

масалаларга жавоб изланади. Бунда ҳам Чарльз Дарвин ғоялари бирмунча устуворлик қилади. Жумладан, одам дастлаб маймунлар, хусусан, одамсифат маймунлар — шимпанзе ва горилла билан инсон қиёфаси ўзаро ўхшашлиги асос қилиб олинади. Бироқ, меҳнат назариясига кўра инсоннинг маймундан келиб чиққанлиги ҳақидаги қарашлар фанда ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Масаланинг диққатга сазовор томони шундаки, Ч. Дарвиннинг материалистик қарашларига асосланган эволюцион тараққиёт назарияси ислом дунёсида — тасаввуф фалсафасида бир неча аср олдин моҳиятан яқин, шаклан бутунлай бошқа ҳолатда кашф этилган. Масалан, материалистик қарашларда моддият бирламчи бўлиб, моддий манфаатдорлик, нафс ва ҳаёт завқи устуворлик қилса, тасаввуф фалсафасида руҳ, маънавий тараққиёт, етукликка интилиш, камолотга эришиш иштиёқи баландлик қилади. Жумладан, Жалолоддин Румий (1207—1273) қарашлари бунга яққол мисол бўла олади. Яъни унда «Инсон яралишидаги тадрижийлик ҳолати ва асосларини маъдандан ўсимликка, ўсимликдан ҳайвонга, ҳайвондан инсонга қараб ривожланиш тизимини кўзда тутати»<sup>1</sup>.

Инсоннинг тадрижий камолоти, етукликка интилиб бориш жараёнида руҳнинг босқичма-босқич тараққиёти хусусида гапирар экан, Азизиддин Насафий (1240—1300) «Ҳар бир янги доирадан бошлаб янги ибтидо бошланади ва у камолотга эришиш учун даражама-даража интилади»<sup>2</sup>, — дейди. Агар ҳозиргача мавжуд илмий қарашлар ва назарий хулосалар ҳамда ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари таҳлил этилса, инсон ҳамиша камолотга муҳтож ва умри давомида эволюцион тараққиёт, тадрижий такомил, ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб боришга эҳтиёж сезиши зарурат эканлиги маълум бўлади.

Инсоннинг яралиши ва унинг эволюцион тараққиёти ҳақидаги ушбу қарашларни тадқиқ этар экан, атоқли тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов ўзига хос хулосага

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб. Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. Тошкент, 1999, 21-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 18-бет.

келади ва шундай дейди: «Оддийликдан мураккабликка; зоҳирдан — ботинга; саёзликдан — теранликка; кўринган вужуддан — кўринмас, ғайб вужуд моҳиятига қараб бо-риш — юксалиш жараёни ана шудир»<sup>1</sup>. Бу ерда, албатта, муаллиф инсоннинг бебаҳо мавжудот — олий хилқат, ҳаёт сарвари сифатидаги камолотга эришиш каби қалб ва руҳ камолотини, маънавий етукликка интилиш сингари мураккаб ва зиддиятли, ўзини ўзи енгиб яшашдай ички қудрат жараёнини назарда тутаяди.

Бир қарашда жисмларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги, фақат бир турдан иккинчи турга айланиши муқаррарлиги ҳақидаги табиат қонунига ўхшашроқ, аммо юксак маънавий ва руҳий заминга асосланган ғояларни баён этган Ж. Румий «маъдан — ўсимлик — ҳайвон — инсон» формуласини илгари сурадики, бу ҳол доимий равишда айланиб турадиган улкан доира мақомини эгаллайди.

Кейинги асрда генетиклар, зоологлар, археологлар ва бошқа инсоннинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган фан соҳалари намояндалари бутунлай бошқа қарашларни илгари суришмоқда. Дейлик, археологларнинг Ҳиндистон ва Африкада топган суяк қолдиқлари энг қадимги одамларга тегишли эканлиги билан ҳозиргача топилган ашёлардан ҳам қадимийлигини исбот қилди. Демак унга асосланиб инсон кўринишидаги ажлодларимиз аввалдан мавжуд бўлган ва турли қурол-яроғлар яшашга, меҳнат ашёларини вужудга келтиришга интилишган дейиш мумкин.

Зоологларнинг хулосаларига қура эса оддий меҳнат қуролларини ясай олиш, дастлабки овчилик орқали яшашга интилиш ҳодисаларини назарда тутиб, одамсифат ҳайвонларнинг ажлоди сифатида маймунларни тушунадилар. Улар турли меҳнат фаолиятини, яшаш учун кураш қобилиятини ва дастлабки ақлий салоҳиятини намоён қила олмагани учун ўша ҳолатида сақланиб қолган. Бошқа бир қисми эса айни онг ва ақлий салоҳиятни шакллантиришга, яшаш учун курашда ўзига хос, янгидан-янги имкониётларни кўрсата билгани, аста-секинлик билан ўзини ўзи

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб. Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. Тошкент, 1999, 13-бет.

такомиллаштириб боргани туфайли инсонга айланган. Бироқ бу назария ҳам ҳали-ҳамон фанда тўла-тўқис ўз исботини тополганича йўқ.

Коинот назариясида инсон антропогенезининг бошқа бир қатор назариялардан фарқ қиладиган томонлари мавжуд. Бу бевосита XX асрда космонавтиканинг ривожланиши, коинотни ўзлаштиришнинг янги даври бошлангани, осмон жисмлари ва турли планеталарнинг табиий, физик, кимёвий ва бошқа жиҳатлари бирмунча чуқурроқ ўрганилиб, аниқроқ илмий хулосаларнинг юзага келганлиги билан боғлиқ. Ердан ташқаридаги цивилизациялар мавжудлиги ҳақидаги турли-туман қарашлар атрофидаги мунозараларнинг пайдо бўлиши ҳам бунга ўзига хос асос бўлди.

Машҳур рус олими Н. Бехтереванинг қарашларига кўра инсон коинотдаги бошқа сайёралардан Ерга келиб, аста-секинлик билан кўпайиб кетган. Бундай қарашлар бевосита инсон миясининг беқиёс даражада кенг имкониятларга эгаллиги, инсон эса ўз ҳаёти давомида айни ана шу имкониятнинг жуда ҳам кам миқдоридан фойдаланаётганлиги билан изоҳланади. Ҳатто мутахассислар инсон миясининг имконияти шу даражада чексиз ва ҳайратомузки, унга инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида тўплаган маълумотларнинг барчасини жойлаштириш мумкинлигини айтишмоқда. Унда бугун биз «аср мўъжизаси» деб атаётганимиз компьютерлар эса инсон миясини мўъжизаси олдида арзимас воқеликка айланиб қолиши мумкин. Шу билан бирга инсон миясидаги имкониятлар, тасаввурлар ҳозиргача коинотий мўлжаллар билан боғланиб қолганлиги ҳодисаси ҳам сақланиб қолмоқда.

Швейцариялик олим Эрих Деникеннинг «Келажак ҳақида хотиралар» китобида илгари сурган ғоялари ҳам Н. Бехтерева қарашларига ҳамоҳанг. Жумладан, унинг фикрича, Ердан ташқарида цивилизация мавжуд. Қачонлардир ана шу цивилизация вакиллари Ерга келишган. Шунинг натижасида инсоннинг гоминид ажодларида ирсий, физиологик ва биологик ўзгаришлар юз берган. Натижада ўша давр одамларида ақлий салоҳият ва нутқ имкониятлари кенгайган. Ердан ташқаридаги цивилизациянинг сайёрамиз билан алоқаси такрорланиб турган. Номаълум сайё-

ралардан вакиллар келиб туришган ва натижада Ерда кишилик ҳаётига асос солинган. Бу ҳаёт эса тадрижий тарзда, эволюцион ҳолатда тараққий топган, ривожланган. Э. Деникен ўзининг бу қарашларига Ерда, хусусан, Ироқ ва Мисрда топилган кристалл линзаларни, тўқилган газламаларни, бу газламалардан тикилган кийим-кечакларни, илк электр батареяларини мисол қилиб келтиради. Жумладан, у юқоридаги асарида «Ироқ ва Мисрда ишлов берилган кристалл линзалар топилдики, улар ҳозирги вақтда электрокимёвий йўл билан олинадиган цезий оксиди қўллангандагина тайёрланади», — дейди. Албатта, Ердан ташқаридаги цивилизациянинг мавжудлигини яна ута юмшоқ ва майин тўқилган газламаларни мисол келтириш билан исботлайди. Чунки бундай маҳсулотларни ҳозирги замон цивилизацияси юзага келтирган технологиялар асосидагина ишлаб чиқариш мумкин.

Албатта, қадимий топилмалар, жумладан, бундан 10 минг йиллар аввалги юлдузларнинг жойлашуви ҳақидаги маълумотлар қайсидир олис замонларда тараққиёт мавжуд эканлигидан далолат беради. Бироқ замонавий фанда инсонни коинотдан келиб Ерда қўним топиб, сайёрамизда кишилик ҳаётини бошлаб бергани ҳақидаги қарашлар ўз исботини тўлалигича топганича йўқ.

Аномал ҳодисалар назарияси юқорида тилга олинган барча қарашларнинг ўзига хос исбот қилинмаган томонларининг ечимини топишга қаратилгандир. Жумладан, унга кўра табиий ҳодисалар — вулқонларнинг табиатга таъсири, атроф муҳитни ўзгартириб юбориши, Ерда иқлимнинг ўзгариши, Ердан ташқаридаги сайёралар, Қуёш ва унинг тизимидаги жисмлардан келадиган таъсирлар, радиациялар рўкач қилинмоқда. Бироқ бу назарияда ҳам маълум бир ҳолатларда меҳнат назариясининг айрим жиҳатларига таянилади. Зотан, қадимги гоминидларнинг инсонга айланиш жараёни бевосита меҳнат ва ҳаётга интилиш билан боғлиқ деган ғояга бориб тақалади. Бироқ фақат шугина эмас. Унда бевосита аномал ҳодисаларнинг инсон келиб чиқишида тутган ўрнига кўпроқ эътибор берилади.

Умуман олганда инсоннинг келиб чиқиши, унинг пайдо бўлиши, ривожланиш омиллари, шарт-шароитлари



хусусида бугунги фанда аниқ тўхтамга келинмаган. Зотан, инсоннинг мураккаб жонзот сифатидаги биологик, физиологик, генетик, руҳий, ақлий имкониятлари фан олдида очилмаган қуриқ бўлиб қолмоқда. Яна гап шундаки, умуман жонзотларнинг ўзига хос тур сифатида мавжудлиги фанда қанчалик маълум бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари, ўзига хос инстинктив ҳолатлари шунчалик урганилмаган.

Албатта, инсон жонзот сифатида ўзининг ноёб табиати, беқиёс ақлий салоҳияти, чексиз тафаккур қирралари, руҳий олами, маънавий ва ахлоқий дунёси билан ноёб воқеликдир. Айни ана шу имкониятлар жонзотлар орасида уни олий қадрият даражасига кутаради. Лекин яна бир нарсага алоҳида эътибор бериш жоизки, ҳар қандай мавжудот, ҳар қандай жонзот ноёб ва такрорланмасдир. Жумладан, тоғ ўзининг пурвиқорлиги ва салобати билан, чўл ўзининг чексиз ва бепоёнлиги билан, дарахт йилнинг тўрт фаслига муносиб ривожланиш имкониятларига — япроқ чиқариш, гуллаш, мева қилиш жараёнининг давомийлиги, доиравийлиги, маълум бир ёшга етгач қуриб қолиши, чумолиларнинг ғуж бўлиб яшаши, бир неча километрлаб масофани узлуксиз қарвон каби ўз инидан озиқ-овқат майдонигача бўлган масофани боғлаб туриши ва адашмай бир текисда ҳаракат қилиш ҳолатлари ҳар бир мавжудотнинг ўзига хос ҳаёт қонунияти, ички тартиботи, қатъий амал қилиш лозим бўлган меъёрлари борлигини курсатадики, бу ҳали фанда ўз ечимини топганича йўқ. Инсон эса ўзининг келиб чиқиши ва ўз олами нуқтаи назаридан фан олдидаги жумбоқларнинг жумбоғидир.

### 3-§. Олам ичра олам

Инсоният, мана бир неча асрларки, ўзининг келиб чиқиши, жонзот сифатидаги имкониятлари, моҳияти ва табиатига қизиқиб, унинг атрофида доимо фикр юритиб, тушунишга ҳаракат қилиб келади. Инсоннинг мавжудот сифатидаги ўзига хослиги ва ақлий салоҳияти жиҳатидан муъжизакорлиги фанда ҳали аниқ ечимини, яхлит ҳолда ўз баҳосини топмаган.

Инсон ҳақидаги тасаввурлар, унинг олами, моҳияти

ва табиатини ўрганишга бўлган интилишлар кишилиқ жамияти ибтидоси билан тенг. Зотан, бундан қарийб уч минг йил аввал, қадимий маданий ёдгорлигимиз бўлган «Авесто»да илгари сурилган «эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал» тамойили айни инсон эзгулик ва яратувчилик имкониятларидан ташқари ёвузлик ҳамда вайронкорлик иллатларига ҳам эга эканлигини кўрсатади. Чунки ҳар қандай даъват унга тескари ҳодиса мавжуд бўлган пайтдагина юзага келади. Ҳар қандай эҳтиёж нимагадир, қайси даражададир етишмовчилик, танқислик, камёблик мавжуд бўлган жойда туғилади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсонни эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амалга даъват этиш ҳодисаси ўша пайтлардаёқ инсон инсон учун муаммо эканлигини, инсон олами ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, ўзини ўзи инкор этиб, ўзини ўзи рад этиб яшайдиган олам эканлигини кўрсатади. Демак, у қанчалик буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилишга қодир бўлса, шунчалик унинг тескарисини ҳам амалга ошириш салоҳиятига эга бўлган ноёб жонзотдир.

Ҳатто шу даражада бўлиши ҳам мумкинки, инсон табиатан ўзига ўзи муаммо яратиб, ўзини бошини ўзи қотириб, ўз ҳаётини ўзи мураккаблаштириб қўядиган ноёб воқеликка айланади. Ана шу ҳолда инсоннинг ўзига хос бетакрорлиги, бошқа жонзотлардан кескин фарқ қиладиган жиҳатлари кўзга яққол ташланиши мумкин. Бундан икки ярим минг йил муқаддам Софокл ўзининг «Антигона» фожиасида инсон моҳиятини, унинг табиатини, сирли-синоатли оламини ифодалар экан, «муъжизалар ичиде энг ажойиби инсондир», деган эди.

Демак, инсон табиатини ўрганишга интилишлар бугуннинггина ҳодисаси эмас. Не-не алломалар, донишмандлар, мутафаккирлар инсон табиати ҳақида қатор-қатор асарлар яратишга, унинг бутун моҳиятини, кўламини, ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилишган. Бу тадқиқотларда қайсидир даражада илмий асос, фан методологияси талабларига жавоб берадиган ноёб назарий хулосалар мавжуд. Бироқ, уларнинг бирортаси инсон табиати ҳақида тўлақонли, яхлит ҳолда тавсиялар беролмайди. Чунки ҳар бир инсон алоҳида индивид сифатида ўзига хос алоҳида олам. Бу олам бошқа оламдан кескин фарқ

қилади. Ҳар бир инсоннинг ўз феъл-атвори, ўз дунёқарашини, маънавий-руҳий имкониятлари, ҳаёт ва жараёнлар моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилияти унинг бир-биридан фарқини белгилайди.

Инсон олами, ички дунёси мураккаблигининг яна бир жиҳати шундаки, бир муаммога бир неча одам бир неча шаклда ёндашиб, уни бир неча шаклда талқин қилади. Натижада моҳиятан ўз феъл-атворига мос равишда бир-биридан фарқ қиладиган хулосаларга келади. Ана шу ҳолатнинг ўзи одамлар ўртасидаги хилма-хилликни, турфалиликни ва баъзи ҳолларда ўзаро тушунмасликни, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни келтириб чиқаради.

Инсон табиатининг «об-ҳаво»си ўзгарувчан, иқлими континентал. Унинг зиддиятлари, туйғулар ва ҳиссиётлар бўҳронлари шу даражада ўзгарувчанки, баъзан инсон ўз оламига сизмай қолади ёки ўз қарашлари ва хулосаларига қарши хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлади. Инсон тафаккурининг чексизлиги, унинг мўъжизавий қудрати шу даражада беқийёски, у баъзан англаб турган нарсасининг англамаган бошқа қирралари олдида ожиз ва нотавон бўлиб қолади. Ана шу ҳолатга тушган буюк физик олим Альберт Эйнштейн атомнинг парчаланиш назариясини яратиб, жаҳон фанида буюк инқилоб қилган эди. У айтиди атом орқали инсон меҳнатини енгиллаштириш, машаққатини осонлаштириш, унинг ҳаётига кўмаклашишга хизмат қиладиган фаннинг ақлга сизмас жиҳатлари ва тасаввур қилиш қийин бўлган томонларини очиб, инсон даҳолик қудратининг ноёб мўъжизасини кўрсатган эди. Бироқ энг арзон ва чексиз энергия манбаи бўлган «беминнат» атом инсоният бошига мислсиз кулфатлар келтириши, инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида қўлга киритилган қадриятларининг, цивилизациялар ютуқларининг кулини кўкка совириши мумкинлигини пайқагач, Эйнштейн умрининг охиригача ўзидан ўзи норози бўлиб, ўзини ўзи қарғаб ўтганлигига эътибор берсак, буюк қалб эгасининг нақадар изтироблар гирдобида яшаганлигини назарда тутсак, инсон қалбидаги ички зиддиятларни тушуниш унчалик қийин эмас.

Бундай ҳолатлар буюк олимлар, бадиий ижодкорлар, санъат намояндалари ҳаётида аниқроқ кўзга ташланади.

Қолаверса, ҳар қандай инсоннинг ўз ҳаёти, турмуш муаммолари, кундалик вазифалари ва касб-кори доираси, ҳаёт завқи, турмуш лаззати ва яшаш моҳияти билан бирга ўз изтироблари, ўз дард-андуҳлари бўладики, бу бевосита инсон оламининг яна ҳам мураккаброқ, яна ҳам зиддият-лироқ, яна ҳам серқиррароқ эканлигини кўрсатади.

Ер юзида яшаётган олти миллиард одамдан ҳеч қачон иккита айнан бир хилини топиш мумкин эмас. Бу инсоннинг биологик воқелик сифатидаги ташқи кўринишида ҳам, ақл-заковати, қувонч ва изтироблар олами сифатида ички дунёси, қалб тугёнида ҳам намоён бўлади. Туйғуларку табиатан турлича бўлиши муқаррар. Ҳиссиётлар, воқелиқдан таъсирланиш, руҳий кечинмалар ҳар бир одамнинг ўз табиий ривожланиш имкониятлари доирасида бўлади ва шу жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бироқ унинг биологик жиҳатдан ҳамма инсонда битта бош, иккита кўз, иккита қулоқ, икки қул ва оёқ бир хил булган ҳолатда ҳам миллиард одамлар ичида айнан ўхшашининг йўқлиги криминологияда фан нуқтаи назаридан тўла исбот этилган. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳар бир инсоннинг такрорланмас, ўзига хос ҳодиса, илоҳий муъжиза эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда ҳозирга қадар инсон ҳақидаги фанлар, жумладан физиология, биология, руҳшунослик, этнография ва бошқа қатор фанлар тўплаган билимлар ва умумий хулосалар инсон табиати кўлами ва унинг ранг-баранглигини яхлитлигича қамраб ололганича йўқ.

Инсоннинг табиий-биологик воқелик сифатида тана тузилиши ва бошқа жонзотлардан ўта позиклиги, майинлиги, анатомик жиҳатдан кескин фарқ қилиши борасида турли-туман фикрлар мавжуд. У кучли ҳайвонлар олдида нозик ва ожиз бўлишига қарамай, ақл-идрок ва тафаккури билан улардан анча устун ва қудратли эканлиги ҳайратланарли ҳодиса.

Инсон ижтимоий табиатига кўра ўз турмуш тарзини ўзи йўлга қўяди, ўзини ўзи бошқаради. Ўз ҳаёллари, орзумидлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш жараёни орқали мавҳум ҳолатларни реал воқеликка айлантира олади, уларни манфаат орқали моддийлаштира олади ва фойдаланади. Яхшилик ва ёмонлик, сахийлик ва бахиллик,

кўнгилчанлик ва бемехрлик, муҳаббат ва нафрат унинг бутун маънавий-руҳий қадриятини белгилайди.

Умуман олганда инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқ қиладиган жиҳати бевосита унинг фикрлаш ва хулосалар чиқара олиши билан боғлиқ бўлган маънавий оламидир. Айнан ана шу маънавий олам инсон ҳаётининг бутун онгли фаолиятида ўзини намоён этади ва унинг замирида ички руҳий жараёнлар ётади. Шунинг учун ҳам инсонга нисбатан олам сўзининг қўлланиши ҳар бир инсон учун алоҳида дунё мавжудлиги ва бу дунё унгагина хос ва фақат уники эканлигидан далолат беради.

«Инсон ўзида дунёни, макрооламни мужассам этган микроком (микроолам) сифатида фикр юритади. Инсон алоҳида моҳиятга эга эмас, у яхлит олам сифатида ўзини намоён этади»<sup>1</sup>, — дейди К. Ясперс. Бунда улугъ файласуф инсон фикр юритмаса, ақлини ишлатмаса, тафаккур қилмаса, ташқи олам, ўраб турган дунё моҳиятини англашга интилмаса ўз моҳиятини йўқотади, деган хулосани илгари суради. Зотан, инсон олами (микроолам) макроолам билан доимий, узлуксиз мулоқотда, ўзаро алоқада бўлмоғи шарт. Аниқроғи, инсон макроолам ичида яшаб туриб, уни бутун салмоғи, мураккаблиги, ранг-баранглигини ўз оламига жойлаб яшайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқини белгилайди. Айни пайтда инсоннинг доимий ривожланиш, тадрижий камолот йўналишлари интеллектуал салоҳият ва ҳиссий барқарорлик имкониятларини рўёбга чиқарадиган муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам К. Ясперс ўз фикрини давом эттириб, «Оламни тадқиқ этиш тафаккуризмнинг ягона йўли. Оламни англаш экзистенциал англашнинг бирдан-бир йўли. Оламни йўқотиш билан бирга биз ўзимизни ҳам йўқотамиз»<sup>2</sup>, — деган эди.

Инсонга ижтимоий воқелик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда бу ички оламнинг моҳияти ва қўлами яна ҳам ошади. Чунки бунда инсон англаш ва фаолият кўрсатиш орқали кишилик жамияти, ижтимоий ҳаёт тақдири билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб олади. Ана

<sup>1</sup> К. Ясперс. Смысл и назначение истории. «Республика». М., 1994, 443-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба.

шу ҳолатдан келиб чиқиб айрим мутахассислар олам тушунчасини учга бўладилар. Жумладан, табиий олам, ижтимоий олам ва маънавий олам.

Табиий олам деганда инсоннинг генетик ва биологик ўзига хослиги, жисмоний имкониятлари назарда тутилади.

Ижтимоий олам тушунчасига эса инсоннинг ижтимоий воқелик сифатидаги моҳияти, унинг жамият ва табиат билан боғлиқлиги, тарихий жараёнларга иштироки ёки таъсири, шахсий ҳаёти билан жамият ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик масалалари киради.

Маънавий олам эса ҳар бир индивиднинг ўзига хос маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари, ҳиссиётлари ва туйғулари, ақл-зақоси, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарқни англаш даражаси, ўз феъл-атвори доирасида ўзини ўзи бошқариш имкониятларини қамраб олади.

Айни ана шу учинчи олам инсоннинг мавжудот сифатидаги бутун қадриятини белгилайди. Албатта, юқорида келтирилган икки олам ҳам инсонгагина хос ва унинг ўзлигини белгилайдиган воқелик. Бироқ фақат ички оламдаги ҳолатгина унинг кишилик жамиятидаги ўрнидан, ташқи оламга таъсиридан, моҳиятидан келиб чиқади ва бу ўзига хос ижтимоий қатламлар, синфлар ва у яшаётган жамият тараққиётига бевосита таъсир этади. Чунки худди ана шу ички моҳият, инсоннинг ички олами бевосита феъл-атвори, муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатларини шакллантиради, ривожлантиради, бошқаради.

Инсон моҳияти хусусида гапирар экан, И. П. Павлов «Инсон ўзини ўзи мувофиқлаштириб турадиган, ҳимоя қиладиган, ўзини ўзи тиклайдиган, ўзини ўзи йўлга соладиган ва ҳатто шакллантирадиган энг олий даражадаги тизимдир»<sup>1</sup>, деган эди.

Дарҳақиқат, ана шу ҳолатда инсон тирик материянинг ягона воқелиги сифатида кўзга ташланади. Унинг моҳияти фақат шундагина эмас. Балки у ўз-ўзини такомиллаштириб бориш орқали ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён қилиб борадиган, ноёб имкониятларини юзага чиқаришга қодир бўлган ҳодиса.

<sup>1</sup> И. П. Павлов. Полн. собр. соч., т. III, кн. 2., М.—Л., 1951, стр. 188.

Кишилик тарихи бевосита одамлар фаолиятининг яхлит мажмуи сифатида юзага келади. Демак, жаҳон тарихи инсон тадрижий тараққиётининг инъикосидир.

Ҳар бир индивидуал тафаккур бевосита ижтимоий тафаккурнинг бир бўлаги, жамият маънавий-маърифий даражасининг ўзига хос чекланган кўринишидир. Демак, индивидуал ва ижтимоий тафаккур ўзаро чамбарчас боғлиқ. Е. В. Шарохова хулосаларига кўра «Индивидуал тафаккурнинг ижтимоий тафаккур хазиначисига ўз натижаларини ўтказиши бевосита ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ. Мабодо шундай шароит бўлмаса, илмий кашфиётлар ҳам, ихтиролар ҳам, алоҳида шахсларнинг амалий фаолият натижалари ҳам ижтимоий аҳамият касб этмаслиги ёки жамоатчилик томонидан тан олинмаслиги мумкин»<sup>1</sup>.

Демак, ҳамма вақт ҳам инсон ўзини ҳар томонлама баркамол ва етук ички дунёсини, ноёб имкониятларини кўрсата олмайди. Аниқроғи, ҳамма инсон бунга бирдай тайёр эмас ва иқтидори, табиий-генетик, биологик ва маънавий-руҳий камолот нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Фақат ҳар ким ўз имконияти ва фаолияти доирасида ноёб ҳодисага айлансагина у ижтимоий моҳият касб этади, жамият уни тан олади.

Инсоннинг туйғулари ва ҳиссиётлари ҳақида гапирар экан, Г. Х. Шингаров қуйидагиларни айтади: «Ҳиссиёт ўз эҳтирослар доирасидан ташқарига чиқа олмайди. Бироқ унинг моҳияти ижтимоийдир. Масалан, ватанга бўлган муҳаббат аниқ ижтимоий мазмун ва моҳият касб этади. Бироқ унинг пайдо бўлиши мавжуд шароитга боғлиқ. Қайсики, шахс турли эҳтирослар реакцияси доирасида яшаб туриб, энг аҳамиятли ва ижтимоий характердаги туйғуни асрай билади»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, инсон табиатан туйғулар ва эҳтирослар мажмуи. У айна ана шу ноёб мўъжиза орқали ўз моҳиятини кашф этади ва намоён қилади. Бу эҳтирослар ва туйғулар салбий ё ижобий бўлишидан қатъи назар,

<sup>1</sup> Е. В. Шарохова. Проблема сознания в философии и естествознания. М., 1961, стр. 61.

<sup>2</sup> Г. Х. Шингаров. Эмоции и чувства как формы отражения действительности. М., 1971, стр.157.

ижтимоийдир. Чунки инсон салбий эҳтирослар оқимида қанчалик жаҳолат, қабоҳат, нафрат ва ёвузлик намуналарини кўрсатса, жамият, кишилик тақдири шунчалик талафот кўради, ҳаётда эзгулик, муҳаббат, яхшилик топталади. Агар инсон ўз туйғулари ва эҳтиросларини бошқаришга қодир бўлсаю, уни ақл йўриғи билан яхшилик сари бура олса, юқоридаги ҳолатнинг акси — ижтимоий тараққиёт, равнақ ва фаровонлик юзага келади.

Инсон ҳиссий олами ва эҳтиросларини маънавий-руҳий имкониятлар нуқтаи назаридан қараганда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

**Биринчи** — ижтимоий-сиёсий туйғу. Бу бевосита ватанга, мустақилликка садоқат, байналминаллик, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор билан боғлиқ бўлган туйғулар.

**Иккинчиси** — интеллектуал туйғулар. Бу фикр ёрқинлиги ва тиниқлиги, ҳайратланиш, иккиланиш, ишончлилик ва ишончсизлик, охиригача ўйламай иш қилиш, ўзини камситиш ёки калондимоглик ва бошқалар. Инсон худди ана шундай имконияти билан яратувчилик, бунёдкорлик, кашфиётлар қилиш намунасини кўрсатади. Ақл қувватини, зако мўъжизасини намоён этади.

**Учинчи** — эзгулик ва ёвузлик, қадр-қимматни билиш, муҳаббат ва нафрат, ҳавас ва ҳасад туйғулари билан боғлиқ бўлган ахлоқий жараён.

**Туртинчиси** — эстетик туйғу. Бу бевосита гўзалликни ҳис қилиш, ҳиссиёт ва туйғуларнинг покизалиги, беғуборлиги, уларнинг шакли, ўзаро мутаносиблиги, ҳаяжонланиш, қувониш, изтироб чекиш, нафратланиш ва бошқалар.

Ана шу ҳолатларда инсон ўзининг яхлит оламини вужудга келтиради, шакллантиради, натижада унинг бутун феномени қандай бўлса шундайлигича намоён бўлади.

Инсон моҳиятида ирода кучи алоҳида аҳамият касб этади. У бевосита ақл ва туйғунинг амалий фаолиятидаги ифодаси сифатида инсон маънавий оламининг идеал даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда «туйғу-ақл-фаолият» бирлиги ирода кучи орқали феъл-атворга айланган механизм мақомига эга бўлади ва ана шу учлик-



нинг синтези сифатида ўзини намоён этади. У ҳар қандай воқеликка — адолатли ва адолатсиз ҳодисаларга чидамлик, бардош бериш фазилатларини ўзида мужассам этади.

Умуман олганда, инсон мураккаб мавжудот сифатида ҳали фанда ўзининг тўла баҳосини ололганича йўқ. Академик Ф. Константинов ишонч билан таъкидлаганидек, «Инсон, унинг мияси, ақли шу даражада кўп қиррали, хилма-хил, англаш қийин бўлган ҳолат ва башорат қилиш мумкин бўлмаган хазина. Ўзида мужассам этган беқиёс имкониятлари билан ноёб муъжиза. Бу муаммо жуда мураккаб ва, балки, ундан ҳам қийин бўлган ҳодисаки, уни фан ҳали-бери ҳал эта олмайди»<sup>1</sup>.

Инсон табиатан мураккаб жонзот. У мумкин қадар бир-бирини рад этиш, бир-бирини инкор этиш, ўзини мутлақ ҳақиқат деб билиш кайфияти билан яшайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг бир-бирини тушунмасликка, бир-бирини қабул қилмасликка, баъзан, ҳатто, бир-биридан қочишга олиб келади.

Бошқа бир шаклда инсон алоҳида мавжудот, алоҳида индивид сифатида ўзи бир олам. Улуғ донишмандлардан бири «Инсон олам ичра бир оламдирки, ташқи олам инсон олами олдида ниҳоятда кичикдир», деган эди. Дарҳақиқат, инсон ташқи олам таркибида бир зарра мисол, кишилиқ ҳаёти олдида инсоннинг умри капалак умрига тенг. Ёки Мирзо Абдулқодир Бедил ибораси билан айтганда, инсон умри киприкка илиниб турган ёшга ўхшайди. Бироқ, инсоннинг беқиёс имкониятлари, ички оламининг кенглиги, оламини англаш, идрок этиш ва қабул қилиш салоҳияти нуқтаи назаридан ташқи олам унинг ички оламига бемалол сиғади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсоннинг ички олами ташқи оламдан кўра кенгроқ, рангбарангроқ, уни бус-бутунича, яхлитлигича қамраб олишга қодир. Шунинг учун баъзан инсон бу кенг оламга сиғмаслиги, кенг олам эса унинг муштдек қалбида жо бўлмоғи мумкин. Бағри кенг, феъли кенг одамлар кўпинча оламга

---

<sup>1</sup> Ф. Константинов. Современные проблемы философии и задачи философской общественности. «Вопросы философии», 1972, № 1, стр. 35.

сигмаслик изтиробини камроқ чекадилар. Зотан, бағри кенг, ақли, катта масалалар ҳақида ўйлайдиганлар оламини бағрига сиғдира олади. Майдакаш, феъли тор одамлар кенг оламга сиғмайди.

Биз инсонни мураккаб жонзот дедик. Дарҳақиқат, у нафақат бир-бирини, баъзан ўзини ўзи инкор қилиб янайди. Ўзини ўзи рад этади, ўз ҳукмига ўзи қарши чиқади. Бундай пайтда руҳият, кайфият алоҳида ҳукмдорлик ролини бажаради.

Инсон феномени ҳақидаги тасаввурлар ҳар хил, баҳо-лар турли-туман. Инсон оламини урганишга ёндашишлар ҳам турлича. Лекин улар моҳиятан бир-бирини тўлдиради, мазмунан бир-бирини давом эттиради. Жумладан, Аристотель «Табиат инсон қўлига интеллектуал ва ахлоқий кучни берган, аммо, у бу қуролдан тескари томонга ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ахлоқий кафолатларсиз бўлган инсон энг муртад ва ёввойи мавжудотдир»<sup>1</sup>, — деган бўлса, Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубул қулуб» асарида «Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф махлуқидир»<sup>2</sup>, — деб ёзади. Бунда у инсонни бебаҳо хилқат даражасига кутаради, беқийёс муъжизалар олами сифатида таъриф беради.

Америкалик атоқли ёзувчи Жек Лондон эса «Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг охиргисидир»<sup>3</sup>, — дейди. Бунда адиб инсоннинг яратувчиликда ҳам, вайронагарчиликда ҳам, эзгулик қилиш ва ёвузлик борасида ҳам ноёб эканлигини таъкидлайди ва ақл-заковат муъжизасини кўрсатиш билан бирга, айни ана шу ақлни ёмонлик қуролига айлантиришга ҳам қодир мавжудот сифатида тушунади. Аслини олганда ана шундай бир-бирига тескари, бир-бирига зид руҳий олам яхлит инсон дунёси мураккабликларини кўрсатади.

Руҳшуносларнинг фикрига кўра инсон ўз оламининг

<sup>1</sup> А. Форовий. «Фозил одамлар шаҳри». А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т., 1993.

<sup>2</sup> Н. Комилов. «Тасаввуф». 2-китоб. Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ва «Ўзбекистон» нашриёти. Т., 1999, 148-бет.

<sup>3</sup> Ж. Лондон. «Мартин Иден». Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1969.

ҳукмдори бўлмоғи лозим. Ана шу ҳукм қанча эзгуликка, яхшиликка, меҳр-мурувватга йўналтирилган бўлса, у ўзининг бунёдкорлик, яратувчанлик иқтидорини шунчалик ёрқинроқ намоён этади. Ёмонлик, ёвузликка йўналтирилган бўлса, мисли кўрилмаган фожиаларни келтириши мумкин. Ана шунда инсон асосий мақсадлардан чекиниб, лаҳзалик туйғулар асирига айланади ва кутилмаган фожиаларга қўл уради. Террорчилар учун эса бундай кайфият яна ҳам жиддийроқ, яна ҳам хавфлироқ тус олади. Улар алоҳида тайёргарлик кўриш, тажриба тўплаш, махсус моддий ва техникавий база яратиш, мақсадга эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслик, ҳеч нарсадан тап тортмаслик, қон тўкиш ва вайронагарчиликлар йўлидан борадилар.

Умуман олганда ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Хоҳлаймизми йўқми, ҳаммамизнинг қонимизда мурувватлилиқ билан худбинлик, сахийлик билан бахиллик, яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик туйғулари параллел равишда яшайди. Фақат қайси биримиздадир яхшилик, эзгулик туйғулари нисбатан кўпроқ, бошқа биримизда ёвузлик туйғулари устуворроқ бўлиши мумкин. Ана шу жиҳатдан қараганда ана у одам яхши, мана бу одам ёмон деган хулосага келамиз. Аслини олганда мутлақ яхши ёки мутлақ ёмон одам бўлмайди. Демак, инсон олами ана шундай мураккаб, зиддиятли, қарама-қаршилиқларга тўла олам. Демак, инсон ҳаммиша икки қарама-қарши кутб тўқнашуви орасида яшайди.

Инсон ҳақида гап кетганда «инсон олами», «инсоннинг ички дунёси» сингари атамалар бежиз ишлатилмайди. Зотан, ҳар бир инсон алоҳида бир олам, алоҳида бир дунё. Инсон маънавияти, унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий даражаси, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари ҳақида гап борганда бевосита ана шу ички дунё қиёфаси, ички олам кўриниши орқали баҳо берилади.

Инсоннинг ички дунёси — маънавий олами ўзини ақлзаковат, тафаккур, ирода ва ўзаро муносабатлар орқали намоён этади. Айни ана шу унсурлар кимда қандай шаклда мавжудлиги, унинг даражаси ва миқёслари орқали инсоннинг жамиятдаги ўрни белгиланади.

Инсон бутун моҳияти билан маданият олами. Юксак маданият фақат ва фақат унгагина хос. Унинг қадрияти

бевосита ана шу улчов билан баҳоланади. Зотан, маданият йўқ жойда О. Шпенглер ибораси билан айтганда «мазмунсизлик, зоология ҳукмронлик қила бошлайди. Ҳамма нарсага бевосита баҳоланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин бу ҳамма инсон ўлиб кетишини англатмайди, балки улар фақат биологик мавжудот сифатида яшайди»<sup>1</sup>.

Гегель инсон олами ва унинг моҳияти хусусида гапирар экан, «Айримлар фавқулодда чуқур фикр билдириб, инсон табиатига кўра эзгудир, дейишади. Бироқ улар ундан ҳам чуқурроқ мазмунга эга бўлган инсон ўз табиатига кўра ёвуздир, деган фикрни унутадилар»<sup>2</sup>, — дейди. Улуғ файласуф бу фикри билан инсоннинг мавжудот сифатидаги беқиёс имкониятларини, махлуқот оламида муъжизалар кўрсатиш билан бирга ёмонлик ва ёвузлик борасида ҳам такрорланмас имкониятларга эга эканлигига ишора қилади.

Ҳар бир инсон ўз фаолияти билан ўз-ўзини мувофиқлаштириб турадиган, ўз-ўзини ҳимоя қилиб, ўз-ўзини тақомиллаштириб, тўлдириб ва, ҳатто, шакллантириб, мукаммаллаштириб бориш имкониятига эга бўлган олий даражадаги яхлит тизимдир. Айни ана шу жиҳатдан қараганда у тирик материя, яъни ҳар бир инсон алоҳида олам, бир-бирини такрорламайдиган дунё!

Ҳар қандай мустақил инсон — алоҳида шахс. У хоҳлаймизми ёки йўқми, ижтимоий воқелик, ижтимоий моҳиятга эга. Чунки унинг ҳаёт тарзи бевосита жамият ҳаётига дахлдор. У қанчалик ўзини алоҳида дунё сифатида баҳоламасин, айни пайтда кенг оламнинг бир зарраси, мавжуд жамиятнинг бир аъзосидир. Демак, ҳар қандай шахсий хатти-ҳаракатлар, индивидуал фаолият бевосита жамоа фаолияти, жамият тақдири ва ҳаёти билан, албатта, боғлангандир. Айни ана шу моҳиятнинг ўзи инсоннинг атроф билан ҳисоб-китоб қилишга, ёнидагилар билан ба-

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. «Шарқ», Т., 2002, 235-бет.

<sup>2</sup> Гегель. Сочинения. Том 3. Философия духа. Государственное издательство политической литературы, М., 1956.

ҳамжиҳат яшашга, қолаверса, жамоатчилик ва жамият тақдирига тақдирдош эканлигини англашига мажбур этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда инсон моҳияти маъхум, маълум бир алоҳида индивид доирасидаги воқелик эмас, айна пайтда у фаолияти, муносабатлари, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан бирга яхлит ижтимоий муносабатдир.

Инсоннинг бефарқлиги, бетарафлиги нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият ҳаётида салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради. Донишмандларнинг ақидаларига кўра душманлардан қўрқма, улар жуда зур бўлса сени ўлдиришади. Дўстлардан қўрқма, улар жуда зарур бўлиб қолганда сени сотишади. Бетарафлардан қўрқ. Улар ўлдиришмайди ҳам, сотишмайди ҳам. Фақат уларнинг сукутлари, бетарафликлари туйғайли дунёда сотқинлик ва ўлдиришлар яшайверади. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон ва жамият уртасидаги муносабатларнинг нақадар чигаллигини ва нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда юз берган террорчилик ҳаракатлари айна бизнинг бефарқлигимиз, ҳодисаларга баҳо беришда бетарафлигимиз натижасидир. Ижтимоий-сиёсий жараёнларга иштирокимизнинг сустлиги, умумий манфаатлар ва энг муқаддас ғояларимиз атрофида жипслашмаслик иллатлари ҳаётимизга таҳдид солмоқда. Тажовузкорларнинг кучайишига имкон бермоқда.

Инсон, унинг миясини, ақлий имкониятларининг chegarаларини, омилларини ўрганиш ва башорат қилиш анча қийин. Уни бутун кўлами билан ўрганишнинг имкони ҳозирча йўқ. Бугунги фан коинот сирларини ўрганишга қодир. Инсонни клонлаштириш, сунъий одамни яратиш фан учун қанчалик муъжиза бўлса, шунчалик фожиа ҳам. Умуман олганда XXI аср фани қанчалик муъжизалар яратмасин, инсон оламини ўрганиш, тадқиқ этиш олдида ожизлик қилмоқда. Биология, физика, амалий математика, астрономия, электроника, кимё, ген муҳандислиги ва бошқа қатор-қатор ихтисослашган соҳаларда мисли кўрилмаган кашфиётлар қилинмоқда. Жумладан, компьютер бир қарашда инсон ақлидан бир неча минг баробар тез ишлайди. Инсон идрокига сигмаган жараёнларни лаҳзаларда бажаради. Инсон бажариши қийин бўлган опера-

цияларни роботлар амалга оширмақда. Бироқ, унда ҳаяжон йўқ, туйғу йўқ, ҳиссиёт йўқ! У шеър ёза олмайди, мусиқа ярата олмайди, муносабат билдира олмайди. Асабийлашмайди, изтироб чекмайди, қувона олмайди, бахт нашидасини сура олмайди. Инсон худди ана шу жиҳати билан қимматли. Зотан, ҳис-ҳаяжон ва туйғунинг ранги ҳам, кўлами, миқёси, ўлчови ҳам йўқ. Унинг фақат қудратию мўъжизаси бор, холос!

Ҳиссиёт, туйғу қанчалик шахсий ҳодиса бўлмасин, у атрофдагиларга таъсири орқали ижтимоийдир. Демак, ўз-ўзидан адолат, ҳақиқат, эзгулик, ватанпарварлик туйғуларини бир қалбнинг мулки бўлса-да, у том маънода улкан ижтимоий қадриятдир. У ҳамиша ижтимоий мазмун касб этади. Тарихий тараққиёт, жамият ривожини бевоқифа ҳар бир шахснинг маънавий камолоти, етуклик даражасини, ўзинини ўзи идора этиш, ўзинини ўзи бошқара олиш, ўзинини ўзи такомиллаштириши билан боғлиқ.

#### 4-§. Оғиш нуқтаси

Бугун жаҳон ҳамжамиятида, жумладан, унинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлган Ўзбекистонда ҳам юз берган ноҳушликлар мисли кўрилмаган тарихий ютуқлар, оламшумул янгиликлар, тафаккурдаги жиддий ўзгаришлар билан бирга бир қатор одамни ўйлашга, шиддатли воқеалар жараёнини таҳлил этиб, унинг моҳиятини очишга мажбур этмоқда. Дарҳақиқат, энг инсонпарвар ғоялар билан бирга террорчилик, терроризм бугун нафақат бизга, балки бутун инсоният ҳаётига таҳдид солмоқда. У инсоният истиқболининг, тараққиёт омилининг, бахтли келажаги ва турмуш фароғатини ҳаёт лаззатининг бетимсол кушандаси сифатида ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этмоқда.

Инсон феномени, унинг мавжудот сифатидаги қадрияти атрофидаги илмий-назарий ҳулосалар бугунги кунда айни инсон туфайли юз бераётган ақлга сиғмас воқеалар моҳиятини очишга қодир бўлолмай қолди. XX асрда юз берган жаҳон тарихининг янги даври (Арнольд Тойнби) буюк кашфиётлар билан бир қаторда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўпуровчилик, вайронагарчилик ва инсоннинг

ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш ҳоллари инсон олами, унинг руҳияти ва феъл-атвори кескин узгараётганидан, натижада эса инсоният тарихий тараққиётида бутунлай янги давр бошланаётганидан далолат беради. Бу давр ишонч ва ишончсизлик, умид ва умидсизлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги аёвсиз кураши, фикрат оламнинг мўъжизаси ва фожиаси сифатида ўзини намоён этмоқда.

Терроризм табиатан қон ҳидини қўмсаб яшайдиган, қон ҳиди билан нафас оладиган мислсиз жаҳолат, чексиз-чегарасиз қабоҳат, миқёси ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган разолат намунасидир. Шунинг учун у айни инсон даҳолик қудратининг тимсоли, инсон ақл-идрокининг мўъжизаси бўлган ноёб қадриятларни барбод этишдан ҳузурланади. Ўзининг даҳшату ваҳшатларга ва вайронагарчиликларга қодир эканлигидан мамнун бўлади. Афсуски, бу мамнунлик, бу куч-қудрат кишилик ҳаёти, инсон қадр-қиммати ва ҳаёт мазмуни олдида, унинг буюк тарихи билан қиёслаганда ҳеч нима эмаслигини, у ўзининг мангу тавқи-лаънатларга маҳкум этилганини англамайди.

Атрофимизда юз берган воқеалар бир қатор саволларни ўртага ташлайди. Жумладан, террорчи ким, у ҳам ҳамма қатори инсонми, у ҳам шу жамиятнинг аъзосими, камикадзелик нима, у қандай пайдо бўлади, унинг илдизлари қаерда, у қандай шаклланади, унинг ҳаёт мазмуни нималардан иборат? Бундай саволлар ўзининг асосли жавобини кутмоқда. Биз буюк келажак сари дадил қадам қўяётган, мустақилликни ҳар биримизнинг шахсий қадриятимиз билан боғлиқ ҳолда тушунаётган, мустақиллик бевосита ҳар биримизнинг шаънимиз, ориятимиз, қадру қимматимиз, ҳаёт мазмуни ва жамият аъзоси сифатидаги бурчимиз, вазифамизга айланган бир пайтда бу жуда муҳим аҳамият касб этади.

\* \* \*

Инсон, ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом одам ҳамиша ўзини бошқара олади ва инсон сифатидаги қадриятини, ҳаёт гултожи сифатидаги эзгулик тимсоли эканлигини чуқур англайди. Ана шунда у турли йўлларга кирмайди, қалб изтироблари ва ички кечинмаларининг ўзаро зиддиятларини, қарама-қаршиликларини тартибга сола

олади. Ахлоқ ўзининг бетимсол куч-қудратини инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари орқали намоён қилади.

Маълумки, ҳар қандай жисмоний соғлом одам ер те-кислигига нисбатан 90 градусда тикка туради. Юраётган пайтда 85—95 градус доирасида оғиши ёки чайқалиши мум-кин. Бу нормал ҳолат. Агар инсон ақлий жиҳатдан соғлом бўлмаса, маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлмаса, оғиш нуқтасининг чегараларини белгилаш қийин бўлади. Чунки бу ҳолат ҳар кимда ҳар хил кечади ва такрорланмас, бир-бирига ўхшамаган ҳодиса-ларни келтириб чиқаради. Инсоннинг қадрият сифатида-ги баҳосини камайтиради. Чунки, ҳақиқатан ҳам ақли заиф, руҳияти шикаста, маънавий жиҳатдан қашшоқ, ички про-да, ички маданият ва юксак ахлоқий меъёрлардан бегона бўлган қалб ўзини ўзи бошқаришга мутлақо қодир эмас. Ҳаёт ҳам, ўлим ҳам у учун бир қалам. Шунинг учун ҳам алломаларимиз инсон руҳиятига, руҳий тетиклик, руҳий тозалик туйғуларига алоҳида эътибор беришади ва инсонга баҳо бераётганда айнан ана шу ўлчовлар орқали ёндаши-шади.

Аристотель қарашларига кўра «Рух энг эзгу олам бўлган-ни учун инсон аввало ўзининг руҳини камол топтириши зарур»<sup>1</sup>, экан. Демак, руҳан тоза, руҳан баркамол, руҳан бақувват, руҳан кучли одам уз-уздан ёмонликлар ва гай-риинсоний унсурларга кирувчи барча иллатлардан ўзини тозалай олади. Эзгуликларга интилади.

**Рухий тозалик** — инсон табиатида, феъл-атворида ҳаёт нашидасини англаш, ҳаётдан гузаллик излаш, турмуш икир-чикирларидан кўра кўпроқ турмуш фароғати, оила ва фарзандлар камоли ҳамда шулар орқали яхлит жамият, яхлит кишилик дунёси бахту иқболини кўзлаш фазилат-ларининг асоси. Бошқача қилиб айтганда, руҳий тозалик орқали инсон ҳаёт гузаллиги, яшаш шавқи ва нашъу на-мосини чуқурроқ англайди.

**Рухий қудрат** — бу айни руҳий тозалик орқали анлан-ган қадриятларни асрай билиш, уларни такомиллаштириш ва бойитишга даъват этадиган жуда катта маънавий қуд-

<sup>1</sup> А. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 1993, 35-бет.



рат, инсоний фазилат. Инсоннинг яратувчилик иқтидори, даҳолик қудрати, ақлий муъжизаси айни ана шу руҳий ирода орқали, руҳий қудрат орқали бошқарилади ва ўзининг чексиз имкониятларини намоён этади. Демак, у ҳаракатдаги ҳодиса, инсонни фаолиятга даъват этувчи куч.

Имом Ғаззолий ўзининг «Кимёи саодат» китобида таъкидлашича: «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд»<sup>1</sup>. Демак, ҳайвонда шаклланишга, ривожланишга, ўзини ўзи бойитишга, ўзини қадриятга айлантиришга даъват этадиган руҳ йўқ. Фаришта эса азалу абад пок бўлганлиги учун унинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёж йўқ. У шундоқ ҳам тоза, шундоқ ҳам покиза, нур янглиғ безавол. Фақат инсондагина руҳий камолотга интилиш туйғуси мавжуд ва унинг комилликка интилишида, етуклик сари ҳаракат қилишида, ҳаёти мазмунини бойитишга, шу аснода яхлит кишилик жамиятининг гузал ва кўркем бўлишига даъват этади. Руҳий камолот туйғуси инсон феноменининг таянчи, уни қадриятга айлантиргувчи буюк муъжиза.

Худди шу фикрни атоқли немис файласуфи К.Ясперс бошқача талқин этади. Яъни у «ҳис-туйғу моҳияти сифатида у (инсон — Н. Ж.) ҳайвондан юқори, маънавий-руҳий жиҳатдан фариштадан пастда турали. Ўз моҳиятининг ана шу икки томони билан уларга қавмдош бўлса-да, ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас. Уларнинг ҳар икковидан ҳам устун томонлари бор. Бу бевосита Аллоҳ томонидан яралганлиги билан белгиланади»<sup>2</sup>, — деган эди.

Абу Наср Форобий инсон ҳақида фикр юритар экан, у инсон моҳиятини, қадр-қимматини ақллилик даражасига қараб белгилайди. Унинг назарида ақл инсонни ҳайвондан фарқлайдиган ва ҳатто инсонни бир-биридан фарқлайдиган ўлчов. Гарчи инсон қадрият сифатида бир-би-

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб, Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат ва «Ўзбекистон» нашриётлари. Т., 1999, 149-бет.

<sup>2</sup> К. Ясперс. Смысл и назначение истории. М., «Республика», 1994.

ридан кам бўлмаса-да, ҳар қандай инсон эъзозга ва ҳурматга лойиқ бўлса-да, ақл даражаси нуқтаи назаридан фарқланади ва ана шу мезон билан баҳоланади. «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти эса хатти-ҳаракатда билинади»<sup>1</sup>, — дейди Форобий.

Дарҳақиқат, инсон моҳиятан ақл эгаси, у ақл йуриғи билан иш тутадиган жонзот. Унинг бошқа жонзотлардан фарқи ҳам худди ана шунда. Бироқ, ақл даражаси ҳаммада бирдай эмас. Кимдадир у купроқ, кимдадир камроқ, чекланган. Бунини баҳолашнинг энг тўғри ва адолатли мезони Форобийнинг фикрича хатти-ҳаракатлардир. Ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракати, бажараётган иши, одамларга муносабати ва вазифасию бурчини англаш даражаси ақл маҳсулидир. Демак, ҳар биримизнинг феъл-атворимиз доирасидаги хатти-ҳаракатларимиз, шак-шубҳасиз, ақлимиз доирасида намоён бўлади ва ақлимиз даражасини белгилайди.

Террорчилар, камикадзелар ҳақида гап борганда, биз ана шу нуқтаи назардан уларга баҳо беришимиз керак. Ўзини ўзи ўлимга маҳкум этишнинг шакллари кўп. Бир пайтлар ўзига ўзи ўт қўйиш ҳолатлари юз берганди. Отанаси севган йигитига бермагани ёки ўқишга юбормагани учун ўзига ўт қўйиш ҳолатларига гувоҳ бўлганмиз. Ана шу ҳолатнинг ўзи руҳий кемтиклик ва руҳий қудратнинг ожизлигидан келиб чиқади. Айни ана шу кемтиклик ва ожизлик қайсидир бир вужудда фазилатга, қудратли руҳий иродага, заковат қувватига айлана олмаганидан, ақлдан кўра ҳиссиётнинг устун келганидан далолат беради. Агар ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш шахсий ҳаёт доирасидан чиқиб кетиб, жамиятга, беғуноҳ одамлар ҳаётига хавф солса, уларни яшаш неъматидан бебаҳра қилса, шу йўл билан инсоният тараққиётига тўсиқ бўлса, уни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу энди — жаҳолат, разолат ва қабохатдир.

Бугунги дунё глобал муаммолар тобора хуруж қилаётган даврни бошдан кечиряпти. Термоядро хавфи, уруш ва тинчлик муаммолари, ялпи экологик таҳдид, геноцид,

<sup>1</sup> А. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 1993, 36-бет.

генофонд масалаларига бефарқ қараб бўлмайди. Бу жиддий ва инсоният тақдири билан боғлиқ муаммоларни мумкин қадар бартараф этиш Инсон зиммасидаги энг оғир масъулиятдир. Ушбу глобал масалалар энг аввало Инсондан баркамолликни, маънавий ва руҳий етукликни тақозо этади. Демак, инсон даставвал ўз салоҳиятини, эзгуликка йўналтирилган қобилияти ва фаолиятини такомиллаштириши, уни мувофиқлаштириб туриши зарур. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги дунё глобал муаммолари орасида энг глобали Инсон муаммосидир! Янги даврда Инсон ўзига ўзи баҳо бериши, ўзининг фазилатию нуқсонларини холислик билан тафтиш этиши лозим. Дунё халоскори, ҳаёт ва тараққиёт нажоткори Инсон экан, унинг ўзи комилликка, тарбияга, юксак ахлоқий даражага муҳтож эканлигини англамоғи лозим.

Ёлланма қотиллик, террор, камикадзеллик ва бошқа ғайриинсоний иллатлар кишилик жамиятида ялпи ҳиссизликни келтириб чиқармоқда. Ҳадик ва қурқув билан яшаш инсон имкониятларини чеклаб, туйғу ва ҳиссиётни маҳв этмоқда. Натижада ҳиссиз жамият хавфи бутун дунёга тобора таҳдид солмоқда. «Бундай шароитда ҳар бир кишида худбинлик, фақат ўзини ўйлаш, ўз эҳтиёжларини қондиришга интилиш ҳисси кучаяди. Зўравонлик, асабийлик, бефарқлик ва, ҳатто, ахлоқсиз, муҳаббатсиз кўнгилхушликлар авж олади. Энг эзгу инсоний туйғуларни поймол этиш рағбатлантириладики, бу охир-оқибатда бизни заминдаги жаннатга эмас, Освенцумга олиб боради»<sup>1</sup>, — дейди инглиз адибаси Памела Х. Жонсон.

Инсон қатъий ишонч, мустаҳкам ирода билан бирга ишончсизлик ва тушкунлик олами ҳам. Шунинг учун ҳам у қанчалик оптимистик руҳ билан яшамасин, кетма-кет тазйиқ ва зўравонлик, адолатсизлик ва таҳқир орқали ўз ирода кучини йўқотади. Мазмунсиз ва мақсадсиз ҳаёт комига тушиб қолади. Натижада «Қандайдир бемаънилик яқинлашаётганлигини англаган сари инсон ўз мувозанатини йўқотади, ҳолатидан чиқиб кетади. Бемаънилик ва гўзаллик ўртасидаги ўзаро таъсир орқали инсоннинг туй-

<sup>1</sup> Б. Сафронов, Л. Дорогова. Мир человека. Издательство «Мысль», М., 1975, стр. 202.

гулари кучи, ҳаётга чанқоқлик кучи суниб боради»<sup>1</sup>, деган эди Ницше. Бундай маънавий-руҳий ҳолат жамиятдаги мавжуд ижтимоий-тарихий жараёнлар таъсирида юзга келади. Натижада одамлар кайфияти тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик, руҳий озурдалик ва пессимистик кайфият вазияти пайдо бўладики, бу охир-оқибатда инсоннинг, жамиятнинг ялпи таназулига олиб келади.

Терроризм дунёни эгаллашга интилмоқда. У жиддий равишда XXI асрнинг битиши қийин бўлган жароҳатларидан бири. Глобал дунё унинг таҳдидидан қутула олмаяпти. Демак, терроризм глобал миқёс касб этаётган бир пайтда унга қарши курашиш ҳар бир фуқаро бурчига айланмоқда. Чунки, у энг аввало, ўз ҳаётини, болалари, оиласи ҳаётини ҳимоя қилишдан манфаатдор. Ҳар бир фуқаро ўзига ўзи шундай талаб қўйса, шундай масъулият билан яшаса, яхлит жамият, бутун инсоният ҳаёти кафолатланиши муқаррар. Ер юзиде эзгулик тантана қилиши шубҳасиз.

Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 76-оятда «Ақл инсоннинг инсонийлигини белгиловчи буюк неъматдир», — дейилса, «Анфол» сурасининг 22-ояти, «Фурқон» сурасининг 34-ояти ва «Мулк» сурасининг 10-оятда ақлсизлик, ақли заифлик, ақли ноқислик инсоннинг инсонийлигини емирувчи, унинг моҳиятини пасайтирувчи иллат сифатида қораланади<sup>2</sup>. Ақли заиф, нодон кишилар шайтон йўлдан оздирган кимсаларга ва, ҳатто, ҳайвонларга қиёсланади. Бошқача қилиб айтганда ақли заиф ва нодон кишилар жоҳилдирлар. «Жаҳолат», «разолат», «адоват» ва «қабоҳат» сўзлари шунчаки оҳангдош сўзлар эмас. Улар мазмунан ва моҳиятан бир-бирини тўлдириб борадиган ҳодиса. Уларнинг асоси, тағзамини битта — нодонлик, гумроҳлик ва ақли пастликдир!

Умуман олганда, ислом қоидалари ва тасаввуф таълимотида ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш тўғридан-тўғри Худога қарши исён, Худога қарши интиқом сифатида қабул қилинади. Чунки ҳар бир одамнинг қандай ҳолатда, қачон дунёга келиши ва қандай ҳолатда, қачон фоний дунёдан боқий дунёга ўтиши фақат Худонинг амри билан

<sup>1</sup> Ф. Ницше. Собр. соч., т. VI, М., стр. 126.

<sup>2</sup> Қуръони карим. Тошкент Ислом университети нашриёти, Т., 2001.

бўлади, холос. Уни фақат ва фақат Аллоҳнинг ўзи билади, башорат қилиш мумкин эмас. Демак, туғилиш, яшаш ва ўлим ҳам ёлғиз унинг ҳукмида. Шунинг учун худкушлик, қандай мақсадда, қандай шаклда бўлмасин, дунёвий таълимотда ақлий ноқислик, руҳий кемтиклик белгиси деб таърифланса, исломий таълимотда Аллоҳга қарши иш тутмоқ деб баҳоланади.

Жалолиддин Румий инсон моҳиятини иймон орқали кўради ва иймон инсонни баҳолашнинг бош мезони деб билади. Эътиқод, тақво, сажда ва бошқа ибодатга доир барча ўлчовлардан иймонни баланд кўяди. Жумладан, «Иймон намоздан устундир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари.

Намоз ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармайди. Аҳволи, қибласи ва бу каби нарсалари ҳам ўзгармайди»<sup>1</sup>, — дейди. Зотан, иймон — қалб ва руҳ инъикоси. Қалби тоза, руҳияти покиза, хаёлотли безавол инсон маърифатли ва баркамолдир. Маълум бир дақиқаларда Аллоҳга сажда қилиб, қолган пайтларда ғайриахлоқий ҳаракатлар қиладиган, хусусан исломни ниқоб қилиб, одамларга зулм қиладиган, ҳаттоки уларнинг қонини тўкадиган банда диндан бегона, муртаддир.

Ушбу гоё ҳадиси шарифда яна бошқача бир шаклда ифода этилади. Жумладан, «Оллоҳ Сизнинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингизга ва ниятларингизга боқар»<sup>2</sup>, дейилади. Дарҳақиқат, қалб — иймон ватани, макони. Ният эса руҳ ва туйғуларнинг хаёлий суврати. Иймон қалбда туғилади, шаклланади, камолга етади. Охир-оқибатда бутун қалбни эгаллаш орқали яхлит инсон моҳиятига, қадриятига айланади. Ният, орзу, умид эса руҳдан, туйғулардан озиқ олади, уларнинг мазмуни, шакли руҳ тозаллиги, туйғулар безаволлиги билан боғлиқ.

<sup>1</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (Масъул муҳаррир Н.Комил). «Ёзувчи» нашриёти, Т., 1997.

<sup>2</sup> Уша манба, 153-бет.

Аристотель эса инсон моҳиятини дунёвий тафаккур мезонлари орқали тушунтириб беради. Унинг фикрича, одамзот фақат ва фақат ақл орқалигина ўзини намоён этмоғи лозим. У ўзини ақл кучи билан бошқаради, маънавий-ахлоқий қудрат билан атроф муҳитга таъсир ўтказди. Ақлий салоҳият, интеллектуал қобилият ва маънавий камолот фақат инсонгагина хос. Ана шу ғоядан келиб чиқиб у «табиат инсон қўлига интеллектуал ва ахлоқий куч берган, аммо у бу қуролдан тескари томонга ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ахлоқий кафолатларсиз бўлган инсон энг муртад ва ёввойи мавжудотдир», — дейди. Ана шу ерда жамият ва фуқаро, инсон ва инсоният, одам ва олам муносабатларига бирмунча аниқлик киритилади. Зотан, фақат инсонгина ёмонликни, ва, ҳатто, ёвузликни ақл йўриғи билан, ўйлаб, фикрлаб, янгидан-янги усулларни кашф этиб амалга ошириши мумкин. Ахлоқий жиҳатдан кафолатланмаган, маънавий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш, тартибга солиш, умумжамият томонидан эътироф этилган меъёрларга бўйсунуш имкониятига эга бўлмаган шахс хавfli ва зарарлидир. Бундай пайтда Аристотель айтганидек ақл, интеллектуал салоҳият ва Румий илгари сурган Иймон ғояси уйғунлашиб, инсонни ўзини ўзи тартибга солувчи, ўзини ҳар қандай шароитда ҳам йиғиб туришга даъват этувчи беқиёс қудратга айланади.

Кейинчалик Абу Наср Форобий ҳам Аристотелга ўхшаб инсонда ақл устуворлиги ғоясини илгари суради ва инсон моҳиятини, бутун қадриятини ақлда кўради. Бироқ, Аристотелдан фарқли ҳолда, Форобийда ақл ва рух, тафаккур ва туйғу уйғун, бир-бирини тўлдиралиган, инсоннинг баркамол қиёфасини белгилайдиган омил даражасига кўтарилади.

### 5-§. Дунёни гўзаллик... ва эзгулик қутқаради

Бундан бир неча йил муқаддам, аниқроғи, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлини танлаган, қатор, бир-биридан қийин, оғир муаммоларни ҳал қилишга чоғланган, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни енгиб бораётган изтиробли бир паллада «Литературная газета» газетасининг муҳбири Президент И. Каримовдан интервью ола туриб: «Дунёни гўзал-

лик қутқаради», — деган гап бор. Сиз бунга қандай қарайсиз?» — деб суради. Унга жавобан Президент: «Дунёни гўзаллик ва эзгулик қутқаради»<sup>1</sup>, — деб жавоб берди. Ана шу икки оғизгина гапда олам-олам маъно борлиги бугун кўзга яққол ташланмоқда. Қачонки мустақил ҳаётимизга таҳдид кучайиб, халқаро терроризм, наркобизнес, диний фундаментализм авж олиб бораётган бир пайтда бу ҳикматнинг янгидан-янги қирралари, бизга номаълум бўлган маънолари очилиб бормоқда.

Аслини олганда гўзалликни яхши кўрган, гўзалликни чуқур ҳис қиладиган ва ундан завқлана оладиган одамда табиатан ёмонлик бўлмайди. Бироқ, фақат ҳаёт гўзаллигини англаш, тушуниш ва ундан завқланишнинг ўзи бугун кифоя қилмай қолди. Санъат, адабиётни севиш ёки табиат гўзалликларини томоша қилиш одам руҳиятини тозалаши, унга хуш кайфият бағишлаши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз. Бироқ инсон қалбида эзгулик бўлмаса, мавжуд гўзалликни асрай олмайди. Ундан айрилиб қолиши аниқ. Эзгулик туйғусида гўзалликни англашдан кўра кўпроқ ҳаракат, интилиш, фаолият мавжуд. Ана шу фаолият бизнинг турмуш тарзимизга айланмоғи лозим. Эзгу туйғулар бизни бирлаштирамоғи, миллий яхлитликка, миллий бирликка ва умумий хонадонимиз бўлган жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама баркамол ва гўзал неъматларини асрашга даъват этадиган туйғуга эга бўлмоғимиз керак. Гўзалликнинг, ҳаёт нашидасининг топалаётганидан ачиhib, изтироб чекиш яхши. Бироқ, уни ҳимоя қила олиш учун, ички қудратни ҳаракатга келтириш учун эзгулик туйғулари жонланмоғи лозим. Дарҳақиқат, дунёни фақат гўзалликкина эмас, у билан бирга эзгулик қутқаради. Зотан, эзгулик бор жойда адоват, разолат, жаҳолатга ўрин йўқ. Эзгуликка ошно қалб уларнинг барчасини бартараф этишга қодир бўлади, бунга эришишга интилади.

Форобийнинг эзгулик ҳақидаги хулосаларига назар солсак, Президент И. Каримов ғоясининг яна ҳам янги қирралари очилади. Жумладан, «Агар инсон илоҳий эзгулик-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ахборотномаси. 1991 йил, № 1.

ларга эришишни умид қилса, унинг ҳаёти қувончли, ҳаёт тарзи эса, жуда гўзал бўлади. Гузал ҳаёт тарзи эса халқ назарида ҳам, Худо назарида ҳам юксак бўлади»<sup>1</sup>, — дейди Форобий.

Демак, ҳаёт гузаллиги, нашъу намоси, шавқу завқи бевосита эзгулик билан боғлиқ экан. Эзгуликсиз барча яхшиликларнинг, яратувчиликнинг, бунёдкорликларнинг бўлиши мумкин эмас. Эзгулик инсон ва ҳаёт, одам ва олам халоскоридир!

Инсон буюк яратувчилик қудратига эга. Бугун ақлга сифмайдиган ихтиролар, тасаввур қилиш қийин бўлган кашфиётлар оламида яшайпмиз. Бу инсоннинг олий қудрати ва ноёб мўъжизаси. Айни пайтда ана шундай мўъжизаларнинг кушандаси ҳам инсондир. Зотан, инсонга бу дунёда инсончалик қудратли душман йўқ. Ана шу жиҳатдан қараганда баъзан жаҳолат ва қабоҳат устувор келган пайтда меҳр-мурувват, саховат ва қадр-қиммат ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур бўласан киши.

Жаҳолат устун келган ҳолатлар ўтмишда кўп учрайди. Дейлик, Насимийнинг товонидан сўйилиши, Мирзо Улуғбекнинг ўз фарзанди Абдуллатиф ҳукми билан ўлдирилиши жаҳолат ва қабоҳатнинг ёрқин мисолидир. Бу ҳолатлар қайсидир даражада шахсий адоват, ўзаро келишмовчилик, шахсий манфаат доирасида юз берган эди. Айни пайтда Инсон яхлит қиёфасининг ёрқин ифодасидир.

Агар жаҳолат умумжамият миқёсини касб этса, одамлар ҳаётига таҳдид соладиган бўлса, қолаверса, бутун инсоният тараққиёти кушандасига айланадиган бўлса, уни қандай баҳолаш мумкин? Бундай ҳодисаларнинг улчови борми?

Албатта, уларнинг миқёсини баҳолаш, тарозига солиш, қайсидир даражада хулосага келиш ҳам мумкиндир. Бироқ, энг муҳими, жаҳолатга қарши курашиш, қабоҳатни барбод этиш, инсоният ҳаётини турли таҳдид ва таҳликалардан халос этиш инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган ғоятда улкан воқеликдир.

Биз жамиятни эркинлаштириш йўлидан бормоқдамиз.

<sup>1</sup> А. Форобий. «Фозил одамлар шаҳри». А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 1993, 37-бет.



Фикр эркинлиги, гоёлар хилма-хиллиги шароити вужудга келмоқда. Озод шахс, эркин фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бироқ ана шу фикр эркинлиги ва шахс озодлигидан ким қандай фойдаланмоқда? Бу жуда катта ахлоқий, маънавий, маърифий ҳодиса! Бироқ сўз эркинлигидан, шахс озодлигидан ким, қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Бу жуда оғир, жуда масъулиятли улчовдир.

Турли гоё ва фикрдаги кишилар ҳаракати авж олаётган бир пайтда умумманфаат йўлида хизмат қиладиган соғлом гоёларни асрай билиш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шунинг учун ҳам Президент И. Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоб бера туриб: «Фикрга қарши — фикр, гоёга қарши — гоё, жаҳолатга қарши — маърифат»<sup>1</sup> тамойилини илгари сурган эди.

Дарҳақиқат, биз бугун маълум бир мақсад йўлида ўзининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун тинчлигимизни бузаётган, тараққиётимиз йўлига ғов бўлаётган гоёларга қарши, барча учун манфаатли бўлган гоёларни қарши қўйиб, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлидан бормоғимиз лозим. Зотан, маърифатгина инсон ҳаётини асрай олади, жамият тараққиётини таъминлайди, умумий манфаатлар атрофида одамларни бирлаштира олади. Бу — биринчидан.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Маърифат киши қалбида эзгулик туйғуларини уйғотади, ҳаётга интилишларини тартибга солади, ҳаёт мазмунини чуқурроқ англашга даъват этади. Оламни англаш, оламни тушуниш, оламни идрок этиш орқали одамнинг ўзини ўзи англаши, ўзини ўзи идрок этиши ва ўзини ўзи қадрият сифатида тушунишига имкон беради.

Учинчидан, маърифатли кишини йўлдан оғдириб бўлмайди. Маърифатли киши билан фақат юксак маърифат орқалигина гаплашиш ё келишиш мумкин бўлади. Бундай одамларда қатъият, ирода, юксак ахлоқ, маънавий етуклик фазилатлари мужассам бўладики, у шахс иро-

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, «Ўзбекистон». Т., 2000, 491—492-бетлар.

дасини чиниқтиради, чархлайди, қатъиятини оширади. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Маърифат — шижоатдир» деганида худди ана шуни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Зотан, маърифатли киши шижоатли бўлади. У ҳар қандай хурофотга қарши кураша олади. Ҳар қандай бидъатнинг йўлини тўса олади. Демак, маърифатли жамиятда жаҳолат яшай олмайди. Қабохат йўл тополмайди.

Умуман олганда инсон маънавияти, унинг ички олами хусусида фикр юритар эканмиз, унинг энг муҳим жиҳатларини қуйидаги соҳаларда куришимиз мумкин:

— ижтимоий тафаккурнинг назарий даражаси билан боғлиқ бўлган маърифат, инсон ва жамият, унинг жамоатчилик билан алоқаси орқали юзага келадиган, ижтимоий-тарихий жараёнлар иштирокидан келиб чиқадиган амалий фаолият;

— кундалик ҳаёт жараёнини ва воқеликларни нечоғлик англаш, идрок этиш ва ўзлаштиришдан келиб чиқадиган ҳис-туйғу билан боғлиқ бўлган ҳис қилиш соҳаси;

— юқоридаги ҳар икки соҳа синтези сифатида юзага келадиган, яъни ақл ва туйғу уйғунлигининг ҳосиласи бўлган ирода кучи, ўзини ўзи бошқариш салоҳияти.

Айни ана шу уч йўналиш кесишган жойда инсоннинг яхлит маънавий қиёфаси вужудга келади. Инсон феноменининг бутун қўлами, моҳияти ана шу йўналишлар уйғунлигида намоён бўлади.

### 6-§. Ободлик қалбдан бошланади

Улуғ бобокалонимиз Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг юбилей тантаналарида Президент И. Каримов нутқ сўзлар экан, бир иборага алоҳида эътибор берди ва уни такрор-такрор таъкидлади: «Ободлик қалбдан бошланади»<sup>1</sup>.

Ушбу ҳикматли гапнинг моҳияти бевосита инсон орқали очилади. Чунки, гап қалб ҳақида борар экан, бевосита қалб эгаси бўлган инсон тақдири, унинг ҳаёти, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, жамиятдан нима олаётганию нима бераётгани хусусида боради.

Дарҳақиқат, қалби тоза инсон фақат яратувчилик, яш-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2003, 24 октябрь.

натурчилик иши билан шуғулланади. Қалби кўркам одам ҳаётни яна ҳам гўзаллаштиришга интилади. Қалби обод одам энг аввало уйини обод қилади, қишлоғини ёки маҳалласини обод қилади, қолаверса, юртини обод қилади. Демакки, ҳаёт обод бўлади!

Мамлакатимиз қиёфасининг тобора кўркамлашиб, гўзаллашиб бораётганини ана шу обод қалб маҳсули, гўзал туйғулар натижаси, фараҳбахш ва ҳаётбахш орзу-умидлар рўёби десак, хато қилмаймиз.

Қалб ободлиги маърифатдан, қалб равшанлиги, ҳаёт ёруғлиги илм нуридан. Шунинг учун ҳам ақлли, доно кишиларни кенг маънода зиёли дейишади. Бу биз тушунган «интеллигент» тушунчасидан кўра кенгроқ ва чуқурроқдир.

Нодонлик донишмандлик ва ақллиликнинг акси сифатида жоҳилликни келтириб чиқаради ва халқ бошига кулфат келтиради. Нодоннинг юрагида ёвузлик, қаҳр-ғазаб устунлик қилади. У ҳамиша манқуртлик оламида яшайди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида нодонлик ҳақида катта нафрат билан гапиреди ва унинг моҳиятини қуйидагича очади: «Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кутаради, қаёққа ҳайдасанг ўша ёққа боради, унда ақл-фаросат даъвоси йўқ, бермасанг оч, берсанг туқ. Бу бир бечорадур юк ташувчи, утин-чуп ташувчи, балки ғалла ташувчи. Нодон... зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, ҳаёлида юз хил ташвиш...»<sup>1</sup>.

Маълумки, такаббурлик, кеккайиш маърифатли кишига хос эмас. Маърифатли киши латиф, ҳалим ва зариф бўлади. Унинг қиёфасидан, юз-кўзидан атрофдагиларни ўзига жалб этадиган нур ёғилиб туради. Нодон «хаёлидаги юз хил беҳуда ташвиш» орасида жаҳолат, ёвузлик, одамлар дилини оғритиб ҳаловат топиш иллатлари яшайди. Айрим ҳолларда эса бу нуқсонлар жазавага тушиб, ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш орқали бошқаларга озор етказишдан, бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлишдан ҳам қайтмайди.

<sup>1</sup> А. Яссавий. «Ҳикматлар». Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1991, 29-бет.

Эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик урта-сидаги кураш ҳеч қачон ёмонлик ва ёвузлик тантанаси билан тугамаган. Албатта, баъзи ҳолларда унинг қули баланд келган вақтлар бўлган. Бироқ, туб моҳияти, бутун кўлами билан қийинчиликлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларга бардош бериб, чуқур изтироблар ва руҳий озурдаликларни енгиб, ҳамиша яхшилик ва эзгулик голиб бўлган. Бунга буюк тарих гувоҳ. Қолаверса, мустақилликнинг тарихан қисқа, аммо залворли даври гувоҳ.

Биз ана шу тарихан жуда қисқа даврда катта яратувчилик, тарих кўрмаган ва билмаган бунёдкорлик, инсон қалбидаги ва онгидаги буюк ўзгаришлар, маънавий ва маърифий ислохотлар орқали бутунлай янгиланаётган инсон ва янгиланаётган жамиятга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу жуда катта қадрият. Юртимиз, кўчаларимиз, уйларимиз обод бўлаётгани халқимиз руҳининг тозалигидан, қалбининг ободлигидан, ҳаёлотининг, орзу-умидларининг гузаллигидан далолатдир. Бундай халқни енгиб бўлмайди!

Қалб ободлиги, руҳ саломатлиги, хуллас, комил инсон ҳақида гапирар экан, атоқли тасаввуфшунос, муҳтарам устоз Нажмиддин Комилов «Инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гуноҳлардан қутқариш улуг аждодларимизнинг қайғуси бўлиб келган. Улар савоб ва гуноҳ, соя ва нур, раҳмон ва шайтон, хайру шарр чегарасида яратилган инсон деган мубҳам хилқатни (таъкид бизники — Н. Ж.) англаш, унга раҳмоний ва шайтоний қувватларни қачон, қаерда кучга кириши, бу кучларнинг сабаби нима эканлигини тушунишга жиддий аҳд қилганлар»<sup>1</sup>, — дейди ва тасаввуф фалсафаси моҳиятидан келиб чиқиб, инсоннинг мураккаб, зиддиятли олами ҳамиша тарбияга муҳтож эканлигини айтади.

Дарҳақиқат, инсон олами — мубҳам дунё, кашф этилмаган олам. Минг йиллар мобайнида не-не донишмандлар, алломалар бу олам сир-асрорини очишга ҳаракат қилишган. Унга чексиз ҳайрат ва ҳаяжон билан қарашган. Кўпдан-кўп тадқиқотлар қилишган ва асосли хулосаларни баён этишган. Бироқ, уларнинг ҳеч бири инсон олами-

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ва «Ўзбекистон» нашриётлари, Т., 1999, 150-бет.

га бус-бутунлигича, бутун яхлитлигича баҳо бера олмаган. Ҳамон дунё фанида Инсон моҳиятини очиш қийин бўлган тилсимот, англаб бўлмас хилқат, сирли-синоатли муъжиза сифатида алоҳида тадқиқот мавқеини эгалламоқда.

Президент И. Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ҳақида кўп гапиради ва ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлигини, ҳар қандай яхшиликлар энг аввало инсон қалби ва онги орқали ўтказилишини, шу тарзда мустақил Ватан фуқароларини шакллантириш зарурлигини таъкидлайди. Обод Ватан қалбан ва руҳан обод Инсон орқали, озод Ватан озодликни чуқур англаган, маънавий ва руҳий жиҳатдан пок Инсон орқали вужудга келиши муқаррар эканлигини уқтиради.

Шайх Азизиддин Насафий оламни асраш, дунёни ҳимоя қилиш, ҳаёт мазмунини гўзаллаштириш хусусида фикр юритар экан, у юксак маърифат соҳиби бўлган комил инсонга таянади. Баркамоллик, етуклик, маънавий ва руҳий камолот барча яхшиликларнинг ва эзгуликларнинг сарчашмаси эканлигини алоҳида уқтиради. Жумладан, у «Жумлаи мавжудот одамзотга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумлаи одам комил инсон туфайли шарафлидир. Мавжудот ичра комил инсондан улугроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту кавокиб — ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон фойдасини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар. Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир»<sup>1</sup>, — дейди.

Демак, кишилик ҳаёти давом этмоқда. Орамизда эзгу зотлар борлиги учун инсоният ҳаёти олдинлаб бормоқда.

Тарих ҳақиқати шундаки, кишилик жамияти ҳамиша эзгуликка муҳтож! Баркамолликка муҳтож!

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб, Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат ва «Ўзбекистон» нашриётлари, Т., 1999, 152-бет.

#### IV БОБ. ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

##### 1-§. Тарих фалсафасининг объекти ва методологияси

Тарих фалсафаси реал тарихий жараённи тафаккур орқали англаш, тарихга инсон ақли ва феъл-атворининг маҳсули, манфаатлар ҳамда қизиқишлар натижаси сифатида ёндашиш ва тушуниш, бошқача қилиб айтганда тарихий жараённинг фалсафий интерпретациясидир.

Тарих фалсафаси инсон ва табиат, инсон ва жамият, одам ва олам ҳақидаги фалсафий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда асосан инсоният тарихи асослари, тарихий жараён ва унинг моҳияти, кишилиқ жамияти тараққиёти босқичлари ҳақида сўз юритилади, улар илмий-назарий тадқиқ этилади.

Тарихни фалсафий идрок этиш элементлари қадим-қадимдаёқ намоён бўлган. Инсоният ўтмишига нисбатан бўлган илк қизиқишлар аста-секин қарашлар тизимига айланган. Демак, тарихни фалсафий англаш, инсоният ўтмиши ҳақида мушоҳада юритиш ҳолатлари антик фалсафа ва тарихнавислик шакллана бошлаган даврдаёқ мавжуд бўлган. У инсон тафаккурининг шаклланиш босқичлари, эволюцияси, инсоният тараққиёти жараёнлари билан узвий равишда динамик тарзда ривожланган. Бироқ уни фанга машҳур француз олими Вольтер (ҳақиқий исми Франсуа Мари Аруэ) киритган. Айни пайтда тарих фалсафаси турли йўналишларда тадқиқ этилади. Жумладан:

– **теологик** (илоҳиёт) тарих фалсафаси нуқтаи назардан борлиқ, жумладан, инсон ҳаёти Аллоҳ иродаси орқали бошқарилади, тарихни ҳаракатга келтирувчи куч – Аллоҳ иродаси сифатида талқин этилади. Бошқача қилиб айтганда ўтмиш Аллоҳ иродаси орқали тушунилади ва у илоҳий мазмун орқали тушунтирилади;

– **метафизик** тарих фалсафаси ҳеч қандай чегаралар ва доиралар билан чекланмайдиган, турли шаклларга ва кўринишларга кирадиган тушунчалар тизими ҳисобланади;

– **идеалистик** тарих фалсафасига кўра эса, ғоялар, ин-

соннинг ахлоқий тушунчалари, маънавий-руҳий кечинмалари асосида тарихга муносабат билдирилади;

– инсоният тарихига **натуралистик** ёндашиш тарих фалсафасининг яна бир йирик оқимидир. Унда инсоният тарихига ва ҳаётига табиат орқали, тарихий жараёнларга табиий ҳолат, табиий воқелик ва табиат қонуниятлари сифатида қараш ғояси илгари сурилади. Инсон ҳиссиёти ва туйғуси ҳам қайсидир даражада табиат томонидан бошқарилади, у қанчалик индивидуаллик касб этмасин, табиат мўъжизасидир. Шунинг учун табиат орқали оламни англаш, утмишга назар солиш ва уни баҳолаш асосий мезон қилиб олинади. Натуралистлар қарашларига кўра инсон табиати, феъл-атвори, хатти-ҳаракати табиий ҳолда юзга келади ва шаклланади;

– **материалистик** тарих фалсафасида асосан иқтисодий омилларга катта эътибор берилади. Унда тарихни йўналтирувчи куч сифатида тарихий жараёнлар моҳиятини, воқеликлар мазмунини моддий эҳтиёж ва иқтисодий зарурат орқали тушуниш асос қилиб олинади;

– инсоният тарихига **индивидуалистик ва коллективчилик** (жамоачилик) жиҳатлардан қараб фикр юритадиган тарих фалсафаси ва бошқа йўналишлар ҳам мавжуд. Бунда инсоннинг тарихда ва умуман инсоният тараққиётида тутган ўрнини аниқлашда индивидуал, яъни якка, алоҳида шахснинг ҳамда жамоатчилик, одамлар гуруҳи ёки фуқаролар уюшмасининг роли, вазифаси ўрганилади.

Тарих фалсафасида, шунингдек, тарих фани тушунчаси, қонуниятлари, тарихий жараён ва инсон, инсон моҳияти, феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, манфаатлари, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, қарашлари ва эътиқодлари талқин этилади. Бу бевосита инсоният тараққиётида, цивилизациялар моҳияти ва уларнинг «тўқнашуви»да кишилик жамияти эволюцияси, инсон тафаккури ва эҳтиёжлари динамикаси билан жамият ривожидин динамикаси ўртасидаги боғлиқлик, ренессанс ҳодисаси, унинг юз бериши ва инқирози сабаблари ўрганилади.

Тарих фалсафаси илдилари антик давр алломалари Геродот ва Фукидиднинг тарихий ҳаракатга доир қарашларига бориб тақалади. Кейинчалик у Полибий, Посидоний, Плутарх қарашларида анча-мунча шаклланди. Август-

тин эса илоҳий давлат тарихи фалсафасини яратди ва кейинги минг йилларда тарихий тафаккурнинг шаклланишида кучли таъсир кўрсатди.

XVIII асрга келиб тарих фалсафасининг йўналишлари тубдан ўзгарди. Тарихий тараққиётда инсоннинг таъсири, ўрни ва роли, тарихга инсон қалби, ички дунёси, маънавий-руҳий олами маҳсули сифатида қараш тамойиллари шаклланди. Бироқ бунда ҳам турлича ёндашишлар мавжуд эди. Чунончи, Лебниц тарихда метафизика — кучлар ва гоёлар устувор деб тушунса, Гегель тарихда инсон ақл-заковати ва тафаккурини устун қўяди. XIX—XX асрларда тарихни англашда мавҳум мантиқ ва тарихни билиш назарияси билан бир қаторда А. Шопенгауэр, Я. Буркхардт, О. Шпенглер тарихни тушкунлик орқали англаш, А. Тойнби оптимизм, марксизм асосчилари эса тарихий материализм гоёларини илгари сурди.

Айрим мутахассислар фалсафий тафаккур Юнонистондан тўғридан-тўғри Европага кўчганини, Ғарб донишмандлари қадимий юнон фалсафаси таъсирида дунёга келганини пеш қилишади. Бироқ тарих ҳақиқати, цивилизацияларнинг даврий ҳаракати буни инкор этади. Дарҳақиқат, юнон фалсафаси инсоният тафаккури оламининг сарчашмаси. Ана шу файзиёб фалсафа вақт ўтиб Шарққа кўчди. Шарқда ривожланиб, миқёси кенгайиб, Шарқ фалсафий тафаккур мактаби вужудга келди ва бутун инсоният тафаккур тарзини кескин ўзгартириб юборди. Аниқроқ қилиб айтганда, Ғарб ана шу буюк мактабнинг бахтиёр толиби, вориси ва давомчисидир.

Шундай қилиб, Шарқда тарихни фалсафий англашнинг ўзига хос йўналишлари бир неча минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Гарчи у тарихшунослик, тарихнавислик, манбашунослик, фалсафа ва бошқа соҳалар сингари аниқ бир йўналиш сифатида шаклланмаган бўлса-да, айни ана шу соҳалар билан бирга демография, маданиятшунослик, аҳолишунослик, социология, руҳшунослик ва бошқа ижтимоий фанларнинг яхлит, уларнинг барча талабларини ўзида мужассам этган тарихий-бадиий, фалсафий-мантиқий тадқиқот сифатида юзага келди. Буни биз Берунийнинг «Ал-Жавоҳир», «Тавдид» сингари асарларидан тортиб Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» ҳамда



Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг қатор асарлари мисолида кўришимиз мумкин.

Демак, Шарқда тарих фалсафаси тушунчаси ўзига хос жиҳатларга эга. Форобий қарашларига кўра жамият тараққиётини илоҳий қонунлар бошқаради. У Аристотелнинг жамият ривожланиши ҳақидаги таълимотини илк марта жуда чуқур таҳлил этди ва уни ўз хулосалари билан бойитди. Беруний эса тарихий тараққиёт босқичларини табиат, астрология, астрономия, кеча ва кундуз, фасллар алмашуви орқали ўрганади ва ўзининг «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида инсоният тарихига фалсафий нуқтаи назардан ёндашади, тарихни англаш, идрок этишда бутунлай янгича қарашларни ўртага ташлайди. Айтиш мумкинки, Беруний дунё тарихшунослигида асотирлар, афсоналар ва ривоятлардан илмий билиш ва дунёвий таълимотга ўтишда муҳим ҳисса қўшди. У Геродотдан Шопенгауэр ва Шпенглергача, Фукидиддан Тойнби ва Ясперсгача бўлган узундан-узоқ даврда мисли кўрилмаган фалсафа ва тафаккур купригини бунёд этди.

Шарқ тарих фалсафаси бир неча йўналишларда кузга ташланади: жумладан, подшоликлар тарихи юксак бадиий ифодалар, характерлар, образлар, муносабатлар орқали очиб берилади. Воқеалар таҳлили ибратли ҳикоятлар, панд-насиҳатлар, юксак ахлоқий меъёрлар билан муштарак ҳолда олиб борилади: Айрим ҳолларда тарихга жуғрофий-ҳудудий жиҳатдан ёндашилади. Саёҳатномалар орқали жамият тарихи яратилади, подшоликларнинг бошқарув усули, сиёсати, унинг моҳияти очиб берилади.

Маълумки, инсоният тараққиёти бевосита тафаккур ва қарашлар тараққиётидир. Вақт утган сари тафаккурнинг янгидан-янги қирралари очилиши, ўзининг беқиёс имкониятларини намоён этиши табиий. Ана шунинг натижасида одам ва олам, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар тобора такомиллашиб боргани сайин унинг яхлит тарихида изчил ривожланиш ҳодисаси юз беради. Дастлабки одамларнинг ибтидоий хатти-ҳаракатларидан буюк цивилизациялар ва ренессанс ҳодисаларигача бўлган инсон тафаккуридаги ривожланиш ҳодисаси асрлар, минг

йилликлар билан ўлчанадиган умумжаҳон тарихий тараққиётининг яхлит эволюциясини қамраб олади.

Вақт ўтган сари инсоният тафаккури кенгайиб, ижтимоий фанлар тараққий топиб боргани натижасида тарих фалсафаси тушунчаси атрофидаги мушоҳадалар ҳам кенгайди, мулоҳазалар анча тиниқлашди. Ижтимоий фанларнинг муҳим йўналиши сифатида унинг предмети ва тадқиқот объектига аниқлик киритилди. Натижада у бугунги кунгача бўлган ўзига хос, катта ва салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бироқ илмий изланишнинг чегараси йўқ. Ана шу илмий ҳақиқатдан келиб чиқиб, ҳозирги замон тарих фалсафаси олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат, деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, бу қуйидагиларни қамраб олади:

**биринчидан**, инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;

**иккинчидан**, инсоният тарихини, жумладан, миллий тарихни ҳам ҳозиргача таъсирини ўтказиб келаётган коммунистик мафкура асосидаги илмий методологияда мавжуд бўлган тамойиллардан воз кечиб, миллий истиқлол ғояси асосида ўрганиш ва даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;

**учинчидан**, цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, улар инқирози сабабларини чуқур таҳлил этиш;

**тўртинчидан**, тарихий жараённинг умумий шаклини таҳлил этиш, уларни ўтмиш, бугун ва келажак тизимида мантиқан ўрганиш ҳамда инсоният истиқболи ҳақида тасаввурларга аниқлик киритиш;

**бешинчидан**, тарихий тараққиёт омилларини диний ва дунёвий қонуниятлар нуқтаи назаридан ўрганиш, назарий жиҳатдан бақувват, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;

**олтинчидан**, кадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;

**еттинчидан**, инсоният тарихида тупланган моддий, маънавий ва маданий кадриятларнинг тарихий таҳлил орқали мантиқий ва фалсафий асосларини ўрганиш;

**саккизинчидан**, тарихни англашнинг янги йўналишларини ҳозирги замон фалсафий тафаккур мезонлари асо-

сида белгилаш ҳамда унга таянган ҳолда ва ижтимоий тараққиёт мақсадларини аниқлаш орқали тарихнинг мураббийлик ролини ошириш;

**тўққизинчидан**, яхлит инсоният тараққиёти омиллари ва манбаларини ўрганиш, шу асосда жаҳон тарихий тараққиёт истиқболларини белгилаш;

**унинчидан**, тарих фани предмети ва методологиясини ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш ҳамда тарихни тадқиқ этишнинг турли йўналишларини, жумладан, сиёсий тарих, иқтисодий тарих, ижтимоий тарих, маданият тарихи, дин тарихи, санъат тарихи, этногенезис ва бошқа йўналишлар билан муштарак ҳолда комплекс тадқиқотларни олиб бориш орқали инсон, инсоният ва унинг тарихи яхлит моҳиятини очиб бериш;

**ўн биринчидан**, айти пайтда, хусусан, биз учун ҳуқуқ тарихи, давлатчилик тарихи, социология, антропология, инсоншунослик, инсон социогенези каби қатор фанлар билан боғлиқ ҳолда яхлит тарихни идрок этиш ва бошқа масалалар муаммо бўлиб қолмоқда.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда тарих фалсафаси ва тарих фани ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Зотан, И. Лакатос фикрига кўра «Тарих фалсафаси тарих фанисиз бўшлиқ. Тарих фани эса тарих фалсафасисиз кўрдир»<sup>1</sup>. Демак, ушбу ғоядан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих фанининг тараққиёти тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий жараёни у қайси даврга боғлиқ булишидан қатъи назар қандай юз берган бўлса шундайлигича ифодалаш тарих фанининг бирдан-бир вазифасидир. Тарих фалсафасининг вазифаси эса тикланган тарихий жараён атрофида фалсафий, мантикий фикр юритиб, мушоҳада этиб, тарихий тафаккур орқали воқелик моҳиятини тўғри ифодалаб бериш билан белгиланади.

Бир қарашда тарих фалсафаси билан тарих фани бошқа-бошқа, бир-бирига дахлсиз йўналишдай кўринади. Зотан, реал жараёнга, реал воқеликка, инсоният тарихидаги қайсидир ҳодисага тарихчи тарихчи кузи билан, файласуф файласуф кузи билан қарайди. Бири ҳодисалар қай

<sup>1</sup> А. Ивин. Философия истории. Учебное пособие, М., «Гардарики», 2000, стр. 7.

даражада тўғри, аниқ, ёрқин, саналар ва рақамлар асосланган ҳолда ифода этилган ёки этилмаганлигига жиддий эътибор берса, бошқаси айна ана шу воқеа-ҳодиса нима сабабдан, қандай қилиб, қандай шароитда, нима мақсадда юз бергани, нега олдинроқ ёки кейинроқ юз бермагани атрофида фикр юритади. Аслида эса ҳар икки қарашларнинг тагида инсон тақдири, тафаккур тарзи ва манфаатлар устуворлиги ётадики, бу инсон феномени ҳамда ҳаёт фалсафасининг мантигидир.

Атоқли файласуф А. А. Ивин фикрларига кўра тарихчи фақат ва фақат ўтмиш билан шуғулланишга интилади. У ҳеч қачон башорат қилмайди. Манбалар орқали келажакка қарамайди, унинг асослилигига катта эътибор беради, фақат юз берган воқеаларни туплайди. Тарихга тафаккур орқали ёндашишдан ўзини тияди. Тарихчи ўтмишга бугундан туриб қарайди ва бугуннинг эҳтиёжи, бугун шакланган тафаккур кенгликлари, ақлий имкониятлари доирасида ўтмиш ҳақида фикр юритади, хулоса чиқаради. Лекин бари бир ҳар қандай шароитда ҳам тарихчи бор имкониятлари билан ўтмиш ҳақидаги ўз тасаввурларини қолипга солишга, бугун ҳақидаги, истиқбол тўғрисидаги хулосаларини чеклашга, уни қисқа, лўнда, қандай бўлса шундайлигича тўғридан-тўғри ифодалашга интилади.

Файласуф эса тарихий воқеликдан мантиқ излайди. Инсон, инсоният ўтмиши, бугуни ва истиқболи хусусида фикр юритади. Тарихий тақдир бизни қаёқларга олиб кетиши мумкинлигидан изтироб чекади. Кишини ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатларилан сабоқ чиқаришга чақиради. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб А. А. Ивин шундай дейди: «Тарихий тафаккурга асосланган ғоялар ва умумий схемаларни тадқиқ этувчи тарих фалсафасининг нуқтаи назари, предмети ва тарихий воқеликни давридан қатъи назар тарих фанига нисбатан кенгроқ маънода тушунади, талқин этади. Тарих фалсафаси ўтмишдаги воқеалар ривожининг муайян йўллари аниқлаш асносида тегишли хулосалар чиқаради, ижобий тажрибаларни келажакда давом эттиришга интилади. Нафақат бугунги кун, балки келажак ҳақидаги тасаввурлар фалсафий-тарихий мулоҳазаларнинг умумий чегараларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Тарих фалсафаси «фикрий дунёлар тарихи»га маълум маънода эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишига қарамай, тарихий тараққиётнинг амалга ошмай қолган эҳтимолий турларини ҳам ўрганеди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, тарих сингари тарих фалсафаси ҳам бугуннинг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Зотан, ҳар қандай давр одамлари ўтмишга ўз маънавий эҳтиёжлари, қарашлари ва тафаккур тарзи орқали ёндашади. Бошқача қилиб айтганда, тарихий тафаккур, тарихни англаш, уни фалсафий идрок этиш бугунги тафаккур тарзимизнинг маҳсули сифатида юзага келади. Бундай жараён узлуксиз ва тадрижий ҳолда давом этаверади. Бу, албатта, тарихий тафаккур тараққиёти, унинг эволюцияси чексизлигидан, чегарасизлигидан, вақт ўтгани сайин ўтмиш ҳақидаги тасаввурлар ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб боришидан далолат беради.

Маълум бир даврда юз берган тарихий воқелик ёки ҳодиса ўша давр ижтимоий-сиёсий вазиятининг, одамлар ёки тарихий шахс мақсад-манфаатларининг маҳсулидир. Айни пайтда у тарихий тақдирга айланади ва бутун бир халқ, ҳудуд ёки минтақа тақдирини, истиқболини белгилаб қўяди. Унинг кутилмаганда тараққиётига ёки таназзулига сабаб бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонни забт этиши ёки Чор Руссиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши воқеаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Тарихий жараён ва тақдир тақозоси билан Ҳиндистоннинг майда-майда ҳудудларида турли қабилалар ўртасидаги низолар, тажовузлар, қурашлар, ўзаро манфаатлар атрофидаги хунрезликларга айни Бобур томонидан чек қўйилди ва яхлит ҳинд империяси вужудга келтирилди. Инсоният цивилизациясига кучли таъсир ўтказган ҳинд маданияти парчаланиб, майдаланиб, таназзулга учраган бир даврда ушбу маконга кишилиқ тараққиётига кучли таъсир ўтказган улкан маданиятни олиб кирди ва бутунлай янги тарихий шароит-

<sup>1</sup> А. Ивин. Философия истории. Учебное пособие, М., «Гардарики», 2000, стр. 7.

ларда кутилмаган ҳинд цивилизациясига асос солди. Агар мабодо Бобур ўз ўрнида барқарор қолиб, ўз мамлакати, она Ватани тахтида муқим турганида бутунлай бошқа тарихий жараён, бутунлай бошқа воқеликлар юзага келиши мумкин эди.

Худли шундай, Ўрта Осиё Чор ҳукумати мустамлакасига айланмаганида ҳам улкамизда тарихий жараён ўзани бутунлай ўзгариб, тараққиёт йўналиши ва даражаси бошқача тус олиши мумкин эди. Ана шу жиҳатдан қараганда тарихчи ўз вазифаси нуқтаи назаридан конкрет воқеликка конкрет ёндашади, файласуф эса ана шу конкрет воқелик атрофида фикр юритади, мушоҳада қилади, мантиқ излайди ва ундан сабоқ чиқариш чораларини кўради. Натижада тарих мураббийга айланади.

Юқорида келтирилган мисоллар Европа олимлари томонидан чуқур таҳлил этилган ва унга етарли баҳо берилган. Уларнинг хулосаларига кўра, Чор ҳукумати томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши агрессив ҳодиса. Чунки инсоният тараққиётига кучли таъсир кўрсатган, жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган Ўрта Осиёни забт этиб, уни хонавайрон қилди, зўравонлик ва тазйиқ орқали сонсиз-саноқсиз одамлар қони тўкилди. Маданиятсиз, эътиқодсиз ҳаётни, ижтимоий танглик ва маънавий қашшоқлик жамиятини вужудга келтирди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонни забт этиши эса прогрессив ҳодиса сифатида баҳоланади. Чунки у ўзи билан бирга бу улкан ҳудудга юксак маданият, тинчлик ва барқарорлик олиб кирди, янги тараққиётга, ҳинд цивилизациясининг янги босқичига замин яратди. Натижада унинг фарзандлари улкан географик маконда мисли кўрилмаган маданиятни вужудга келтиришди.

Жаҳон тарихига ёндашув турли даврларда турлича бўлган. Инсоният ўтмиши тўғрисидаги илк тасаввурлар асотирлар, ривоятлар ва афсоналар орқали шаклланган. Вақт ўтгани сайин тарихий тафаккур фалсафий, мантиқий мазмун билан бойиб, ҳаётий реал воқелик атрофидаги муносабатлар бирмунча қуюқлашди. Шундай қилиб, тарихнавислик, тарихшунослик тасаввурлардан концептуал ва методологик асосга эга бўлган фан мақомини эгаллади.

## 2-§. Тарих фалсафаси ва тарихни ўрганиш

Кишилик жамияти ҳақидаги тасаввурлар қадимдан инсоният диққатини тортиб келмоқда. Зотан ҳар бир давр одами кишилик ҳаёти, жамият, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиши, ютуқлари ва таназзулига қизиқиб қарайди.

Жамиятнинг маънавий-маърифий даражаси айнан ана шу жамият одамларининг тафаккури маҳсулидир. Чунки табиатан инсон ўз ақл-зақоси доирасида, тафаккури чегарасида ўзига хос ва мос ҳаёт тарзини қуради.

Жамият тарихи воқелик сифатида, Д. Вико таъбири билан айтганда, табиат тарихидан бутунлай фарқ қилади. Чунки жамият тархини одамлар яратади, табиат тарихи эса ўз қонуниятлари доирасида ривожланади. У инсон иродасига буйсунмайдиган ўзига хос ҳодиса. Жамият тарихи одамларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари, тафаккурнинг маҳсули сифатида юзага келади. Ана шу ҳолатнинг ўзи жамият аъзоларини тарихий драманинг ҳам ижрочи-актёри, ҳам ижодкор-муаллифига айлантиради.

Ҳар қандай фаннинг асоси ўша фан предметининг объектив қонуниятларини англаш ва ўрганишдан бошланади. Ана шу қонуниятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жамият фаолияти, унинг ривожланиш омиллари бевосита одамлар фаолияти ва яратувчилик омиллари билан узвий боғлиқ. Демак, объектив тарихий шароитда вужудга келган жамият ўша давр одамларининг тафаккури, иродаси, кайфияти, феъл-атвори, инжиқликлари ва фазилатларидан келиб чиққан ижтимоий ҳодисадир.

Инсониятнинг реал ва яхлит тарихи бу бевосита бир неча минг йиллар давомида шаклланган мамлакатлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар тарихини қамраб олади. Инсоният тарихининг серқирралиги, мураккаблиги, унга баҳо беришнинг нисбийлиги ҳам, чекланганлиги ҳам худди ана шунда. Одамлар тафаккуридаги маълум бир ижтимоий-тарихий воқелик ҳақидаги тасаввурлар ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат эмаслигини назарда тутсак, бу ўз-ўзидан инсон, жамият, жараён орқали кишилик тарихига доир хулосаларимиз ҳам чекланганлигини яққол сезамиз.

Ҳар бир халқ, мамлакат тарихи — бу алоҳида ва улкан

воқелик. Айни пайтда ана шу тарих уша халқ учун такрорланмас ва ноёб қадриятдир. Инсоният тарихи эса қадриятлар яхлитлиги ҳисобланади. Зотан, кишилик жамияти, унинг бугунги тарихи сайёрамизда яшаётган олти миллиард одамзоднинг ҳаёти, фаолияти, хатти-ҳаракати орқали умумий тарзда вужудга келган тарих ёки умуминсоний қадриятдир.

Ижтимоий фанлар ижтимоий тафаккур маҳсули сифатида юзага келади. Ижтимоий тафаккур эса ижтимоий-фалсафий қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Жамият моҳияти унда яшаётган одамлар қарашлари ва танлаган тараққиёт дастурининг инъикоси. Демак, жамиятшунослик бу бевосита тарих, фалсафа, демография, руҳшунослик, маданиятшунослик, санъат ва адабиётнинг серқирра ва ранг-баранг имкониятлари орқали ўрганиладиган кенг миқёсли соҳани қамраб олади. Мутахассислар жамиятнинг тарихий тараққиёти қонуниятларини ўрганишар экан, учта асосий, ўзаро алоқада бўладиган ва бир-бирини тўлдириб турадиган йўналишга жиддий эътибор берадилар. Булар қуйидагилардан иборат:

– тарихий билимлар инсоният реал тарихи, унинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараён;

– ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳалари ёки воқеликларини таҳлил қиладиган, уни тушунтириб берадиган ижтимоий-гуманитар фанлар тизими;

– жамиятнинг умумий назарий қонуниятларини, жамият ҳақидаги тасаввурларни, ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларини ўрганадиган тарихий ва аниқ ижтимоий фанлар методологик асосларига хизмат қиладиган сиёсий ва фалсафий-социологик билим.

Ана шу уч йўналиш кишилик жамияти ҳақидаги анъанавий тасаввурларни фан шаклидаги билимларга айлантиради. Ижтимоий-тарихий тараққиётни ўрганар экан, бугунги фан аниқ социология, ижтимоий психология, меҳнатни илмий ташкил этиш – менежмент ва бошқа соҳалар орқали ҳам ўрганади.

Жамият табиат тараққиётидан фарқли ҳолда анча чекланган вақт ва фазо мутаносиблиги маҳсули сифатида ҳам



юзага келади. Зотан, табиат табиий ўзгаришлар ва янги-ланишлар ҳодисаси бўлса, жамият илмий-амалий, доимо ўзгариб турадиган, замон ва макон эҳтиёжлари асосида қуриладиган, маълум ижтимоий гуруҳ, халқ, мамлакат манфаатлари устуворлигининг маҳсули сифатида вужудга келади.

Янги жамиятни вужудга келтириш, уни шакллантириш ва тараққиётини таъминлаш омма ялпи ижодий фаолиятининг ўзини тархий ҳодиса сифатида қай даражада намоён этишининг ўзига хос кўринишидир. Кишилиқ жамияти моҳиятини, уни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш қонуниятларини ўрганар экан, илмий тарих фалсафаси бевосита ижтимоий тафаккур, тарихий тараққиёт умумий қонуниятларини ўрганиш орқали юзага келади. Айни пайтда жамият ҳақидаги тасаввурлар, ижтимоий тафаккур, конкрет одамлар, шахс сифатида ўзини намоён этган кишилар фаолияти орқали ҳам урганилиши мумкин. Бу бевосита мустақиллик билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистонда юз бераётган янгиланишлар ва туб ислохотлар жараёнлари мисолида кўзга яққол ташланди.

Тарихни англаш туйғуси инсоннинг ўзлигини англаши, ўзига қизиқиши, ўзининг мавжудот сифатида борлиқ оламда қандай мавқега эгаллиги, бошқа жонзотлардан қандай фарқ қилиши билан қизиқишдан бошланади. Зотан, ҳар қандай инсон тасодифий ҳодиса эмаслиги, у ижтимоий воқелик, ҳаёт гултожи, бошқа жонзотлардан фарқ қилган ҳолда ҳаёт мазмунини бойитишга қодир бўлган ноёб қобилиятга, яратувчилик салоҳиятига эгаллигини, ҳис-туйғу соҳибчилигини, фикрлай олиши, муносабат билдириши мумкин бўлган ноёб қадрият эканлигини англамоғи лозим.

Қолаверса, англаш жараёни ҳар қандай инсон шунчаки яшашга интилаётган воқелик эмаслигини, аксинча, у ўз аждодлари, ўтмиши, ўзининг турмуш анъаналари, яшаш тарзига эга бўлган ва бу қадриятлар авлоддан-авлодга, аждоддан-аждодга ўтиши, улкан ворисийлик туйғусини тушунишдан келиб чиқади.

Тарихни англаш тарихий билим манбаларига қизиқишдан, уни ўрганишдан бошланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай англаш жараёни тасаввурлар ва тафаккур дебочаси, унинг

шаклланиш босқичининг бошланиши эканлиги жиҳатидан қарайдиган бўлсак, айна тарихий билимга эҳтиёж инсоннинг ўзига, келиб чиқишига, инсоният тақдири ва тарихига қизиқишнинг мавжудлигидан эканлигига шубҳа қолмайди.

Тарихий билим табиатига кўра энг қадимги, дастлабки инсоннинг пайдо бўлиши, кишилиқ жамиятининг шаклланиши, одамларнинг гуруҳ-гуруҳ, жамоа бўлиб яшашга эҳтиёжининг пайдо бўлиши, ана шу гуруҳ, қабила ва жамоани бошқариш усулларининг вужудга келиши билан боғлиқ булган ва ҳамон давом этаётган улкан шажарани ўрганишни тақозо этади. Бу бевосита тарихий билим ошгани сайин шаклланган тизимга эга булган тарих фани методологиясини ишлаб чиқишни, илмий-назарий тадқиқ этиш меъёрларини белгилаб олишни, уни маълум бир тартибга солишни талаб қилади.

Тарихий билим деб аташ мумкин булган таассуротлар, тасаввурлар ва тафаккур билан боғлиқ булган одамлар ўтмиши ҳақидаги тушунчалар ана шу методология ва билимлар тизими асосида шаклланмоғи лозим.

Тарихий билим ва тарихни англаш жараёнининг аста-секинлик билан фан мақомига эга бўлиши унинг методологик аҳамиятини яна ҳам оширади ва, ҳатто, уни долзарб қилиб кўяди.

Баъзан шундай ҳодисалар ҳам буладики, ижтимоий ҳаёт моҳияти тубдан ўзгараётган, анъанавий турмуш тарзи кескин янгиланаётган, тафаккуримиз ва ҳаётимизда радикал ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлиб қолган пайтларда тарихга мурожаат қилишга, тарихий билимлар даражасини оширишга, ўтмишимизга янгича назар билан қарашга эҳтиёж ҳар галгидан кўра ошади. Ана шундай янгиланишлар жараёнида ҳар қандай одам бундай кескин ўзгаришларга, туб бурилишларга олиб келаётган омилларни ўрганишга, қандай сабаблар билан, нимага асосланиб юзага келаётганини англаб етишга ҳаракат қиладилар. Ўз ҳаётларини ва ўзларидан олдин ўтган аجدодлари турмушини бирма-бир тарозига солиб, ижобий томонларидан сабоқ чиқаришга, салбий томонлардан тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қиладилар. Бу — **биринчидан**.

**Иккинчидан**, истиқболни белгилаш, келажак режала-

рини тузиш ва тараққиёт омилларини белгилаш учун ўтмиш кўзгу ролини ўйнайди. Ана шу тарих деб аталган муътабар ойна орқали биз ўз инсоний моҳиятимизнинг, ақлу заковатимизнинг, қудратимиз ва салоҳиятимизнинг нималарга қодирлигини ва ўтмишимизда қандай «каромат»лар кўрсатиб, қандай ҳаёт кечирганимизни аниқ-равшан кўраемиз.

**Учинчидан**, ўтмиш билан истиқбол ўртасида турган ҳар қандай одам инсон моҳиятини, ажодлар ва авлодлар олдидаги маъсулиятини, кишилиқ жамияти тақдирига тақдирдош, масъул ва даҳлдор эканлигини англагани сайин қайсидир даражада жунбишга келади. Таҳлика ва таҳдид қуршовида қолади. Эртанги куним қандай бўларкан, ўзимга муносиб келажак ярата оламанми, йўқми, деган саволлар гирдобига тушади. Ҳаёт ҳақиқати деб аталган ана шу шафқатсиз ва айни пайтда адолатли гирдобда йўқ бўлиб кетмаслик учун ўтмишга, тарихга назар солиш зарур бўлиб қолади. Ўтмиш тажрибаси ва тарихий воқелик фалсафаси моҳиятини тушунишга эҳтиёж сезади, унга суянади ва ундан нажот ахтаради.

Бугун биз янгиланишлар оқимида худди ана шундай ҳолатни бошдан кечиряпмиз. Биз ўз келажакимизга қанчалик қаттиқ ишонсак, ўз истиқболимизни муносиб тарзда яратишимизга қанчалик қатъий умид қилсак, ўтмишни ўрганишга ҳам шунчалик катта эҳтиёж сезяпмиз. Бундай ҳолат турли даврларда турли шаклларда юзага келган. Натижада тарихий билим ва тарихни англаш билан боғлиқ бўлган тарих фани тараққиётига катта замин яратилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиёт эҳтиёж фарзандидир.

Тарихни англаш тушунчаси турли даврларда мутахассислар, олимлар ва бошқа маърифатпарварлар томонидан турлича талқин этилган. Натижада тарихий билим ва тарихни англашнинг хилма-хил шакллари юзага келди. Кимдир тарихий жараённи тарихий-хронологик тарзда ўрганиш ғоясини илгари сурса, кимдир маълум бир даврда юз берган тарихий жараён, воқеа ва ҳодисаларни фалсафий ўрганишга қизиққан. Яна бошқаси эса ижтимоий моҳият, ижтимоий тақдир ва ижтимоий мантиқ излаш орқали тарихий тафаккурни шакллантириш усулларини юзага келтирган. Г. Лукач, И. Берлин сингари олимлар та-

рихни англаш ва тарихий билим моҳияти сифатида тарихий ҳис-туйғуни биринчи даражали ҳодиса деб билишган. И. Вейнберг эса тарих ҳақида фикрлаш ва тарихий тафаккурни англашнинг олий даражаси сифатида тушунган. Ю. Левада, Ю. Афанасьев, В. Яковлев ва бошқалар эса тарихий билимни ижтимоий хотира сифатида тушунишга, улар историзм — ҳар бир нарса ёки ҳодисага тарих нуқтаи назаридан қараш тарихий билим ва тарихни англашнинг асоси деб билишган.

Афсуски, яқин ўтмишимизда тарихга бир хил муносабатда бўлиш, унга юзаки ёндашиш, ҳаммининг бир хил ўйлаши сингари номақбул тузумнинг вужудга келиши тарихий билим ва тарихни англашни чегаралаб қўйди. Бу ўз навбатида одамларнинг маънавий дунёсини бойитишга, ўзлигини англашига монёлик қилди ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида сусткашлик кайфиятини вужудга келтирди.

Тарихий онг, тарихий тафаккур илмий назариясининг йўқлиги, тарих фанининг илмий жиҳатдан асосланмаган, унинг методологик жиҳатдан ноилмий ва сохталаштирилган дастур асосида ўрганиш ушбу соҳа назарий тараққиётини тўхтатиб қўйди. Натижада ўтмишни нотўғри талқин қилиш орқали истиқбол ҳам аниқ-равшан тасаввур қилинмади. Мубҳам ва фикрий маҳдудлик тарих фанининг моҳиятини бутунлай чеклаб қўйди, унинг илмий-назарий савиясини пасайтириб юборди.

Албатта, тарихни англаш ва тарихий билимга эҳтиёж бутунгина туғилгани йўқ. Унга қизиқиш олис ажлодларимизда ҳам мавжуд бўлган. Бироқ уларнинг тарихий тасаввурлари худди ўз ҳаётлари сингари содда, жўн ва ибтидоий бўлган. Инсоният тараққиётининг бир неча минг йиллик йўли бевосита тарихий тараққиёт ва инсон тафаккурининг эволюцияси билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар иккала ҳодиса параллел равишда бир-бирини тўлдириб, бир-бирини бойитиб борган. Юқорида айтганимиздек, тарихни англашнинг, дастлабки кўринишлари, илк элементлари пайдо бўлгандан бошлаб улар инсоният такомиллашуви билан бирга тизимли тарзда, динамик ҳолда ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда.

Инсоният мавжудлигининг дастлабки босқичларида

унинг хусусиятларини тарихий англашнинг илк генетик шакллари билан боғлаш мумкин. Агар инсоннинг биологик ва генетик нуқтаи назардан шаклланиш ва такомиллашиш жараёни унинг меҳнат қуроллари яратиш орқали моддий қизиқиш ва ишлаб чиқариш билан боғланадиган бўлса, тарихий тафаккурни айна ана шу моддий манфаат ва ишлаб чиқариш моҳиятини англаш, ўз шахсий ҳаёти мазмунини бойитиш, унинг истиқболини белгилаш билан ифодалаш мумкин. Демак, инсон ҳамиша фаровонлик сари, сурурли ҳаёт сари интилар экан, у ўтмиш тажрибаси орқали ўзининг тасаввурларини бойитади, тажрибаларини такомиллаштиради, ривожлантиради.

Авлодлар шажараси, давомийлиги орқали ўрнатилган алоқалар, одамларнинг ўз мавжудлигини англаши ва бу мавжудликни қадрият сифатида англаб, уни такомиллаштиришга интилиши ақл-заковат такомиллашувига олиб келади. Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, фикрий алмашувлар, моддий ва маънавий эҳтиёжларни ҳамкорликда қондириш зарурати ўз-ўзидан қайсидир даражада гуруҳ, қабила ва жамоаларнинг ўзига хос урф-одатларини, анъаналарини, муносабатлар шакли ва усулларини вужудга келтирди. Вақт ўтгани сари бу урф-одатлар, анъаналар, ўзаро алоқалар такомиллашиб борди. Натижада бир неча юз йиллик ёки минг йилликлар сарҳадида туриб бугунги тафаккур чегараларини масофанинг нариёғидаги қарашлар ва муносабатларга қиёслаганда тараққиёт даражаси ва кўлами кўзга яққол ташланади. Ана шу урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзи тарихий тараққиёт натижасида одамларнинг амалий фаолияти, хатти-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган қадриятлар тизимига айланганини кўраимиз.

Албатта, англаш жараёни дастлабки пайтларда мустақил фикрнинг аниқ йўналишларини ва концепцияларини ўзида мужассам этмаган. Балки асотирлар, афсона ва ривоятлар, ундан сунгроқ эса бадий, диний ва ахлоқий мезонлар атрофидаги қарашлар билан кифояланди. Ибтидоий англашнинг асосий хусусияти бу бевосита мифологизмдир. Бироқ ҳар қандай мифлар ва афсоналар тагида инсоният ўтмиши ҳақидаги таассуротлар ётади. Бу бевосита тақдирлар, кечинмалар билан боғлиқ бўлган ҳаёт

мантиғи орқали тобора жилоланиб, мазмуни бойиб борган узлуксиз жараённинг ўзига хос моҳиятидир.

Ўз вақтида асотирлар маълум бир қабила, этнос ёки уруғ доирасида авлоддан-авлодга узлуксиз тарзда ўтиб борган умумий қарашлар тизими сифатида мавжуд бўлса-да, ундан аста-секинлик билан жаҳон, бошқа минтақаларда яшаётган халқлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин ола борган. Р. Коллингвуд бу жараённи урганар экан, жамиятни тарихий англашни теократик тарих деб номлайди. Унда ҳар бир ривоят ва афсоналар қатнашчилари ўша воқеаларнинг иштирокчиси ёки ташкилотчиси эмас, балки Худо хоҳиш-иродасини, аниқроғи, амрини бажарувчи шахслар сифатида гавдаланган.

Тарихчи А. Лосев туғри таъкидлаганидек, асотирлардаги тарихий давр ҳали бу тўла англаingan ҳодиса эмас. У худди ҳаракатсиздай. «Бизнинг фикримизча, тарих учун шахс керак, жамият керак, шахс ва жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишига эҳтиёж керак. Асотирлар даврида эса шахс ҳам, жамият ҳам, ҳаракат ҳам йўқ».

Ундан кейинги тараққиёт йўли бевосита тарихни англаш йўли — жаҳон тарихи, инсоният ўтмиши ва шу билан бирга алоҳида-алоҳида халқлар, мамлакатлар, қолаверса, минтақалар доирасидаги тарихни ўрганишга олиб келди. Янги учинчи минг йилликда дунё тарихини янгича назар билан ўрганиш, унинг бутун силсилалари орқали кишилик жамияти тараққиёти, инсоният тафккурининг мезонлари ҳамда бизга мерос қолган буюк тарихнинг ёруғ ва қоронғу томонларини мумкин қадар ўрганиш вазифаси зиммаида турибди. Янги минг йиллик тараққиёт йўли бизни ўтмиш билан ана шу тарзда боғлаб турибди.

### 3-§. Тарих фанининг предмети

Ҳар қандай фаннинг тадқиқот майдони, ўрганиш манбаи бўлади. Жумладан, тарих фанининг ҳам. Тарих фанининг предмети ни белгилаш тарихий билим назариясидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ечимини туғри, илмий асосланган, назарий жиҳатдан пишиқ-пухта, ҳаётий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган ҳолатда яратиш бевосита фан тараққиётини белгилайди. Бу эса уз-

ўзидан тарихий билим табиатини, унинг ўзига хослигини белгилашдан иборат. Ана шу илмий мезон ва меъёр бево-сита тарихий маълумотга эришиш йўллари ва воситалари-ни қай даражада туғри ва аниқ белгилашни тақозо этади.

Бундай қараганда тарих фани предметини белгилаш осондай туюлади. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, тарих тушунчаси ҳақида 30 га яқин ёндашув ва тадқиқ этиш усуллари мавжуд экан. Ана шу фикрлар хилма-хиллиги, ёндашувлар турличалиги, тарих фанига бўлган муносабатларнинг ҳар хиллиги унинг предметини аниқлашни бирмунча мураккаблаштиради.

Тарихшунос Н. Дорошенко тарих фани предметини «Тарихий онгда ўз аксини топган, турли тарихий йўналишларга асосланган, турли тарихий ролни бажаруви одамларнинг тарихий турмушидан таркиб топган реал қонуний, тарихий жараён муҳим элементлардан бири деб ҳисобланган тизим» сифатида тушунади. В.Иванов тарих фани предмети ҳақида гапирар экан, «Тарих оммавий ҳаёт қонуниятларининг конкрет шаклларини урганишни предмет» деб ҳисоблайди.

Б. Могильницкий эса «Тарих одамлар фаолияти, шунингдек, ушбу фаолият оқибатлари билан боғлиқ бўлган конкрет оммавий тараққиёт қонуниятларини тадқиқ қилади», дейди. Атоқли тарихчи И. Ковальченко ўзига хос фикр юритади ва «Тарихий тараққиёт ўз мақсадига эга бўлган одам фаолиятини ўзида акс эттиради, бу эса илғор қонуний ҳамда ички шартларга эга бўлган жараёндир. Бу жараённинг конкрет йўналишида органик равишда моддийлик ва маънавийлик, объективлик ва индивидуаллик уйғунлашади. Бу уйғунликнинг ўзи эса таркибий шакл ва сифат бирлиги ҳолатида намоён бўлади», деган фикрни илгари суради.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, қарашлар турлича, ёндашувлар хилма-хил. Бироқ барчасининг моҳиятида инсон, унинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ётади. Тарихнинг муаллифи, яратувчиси, иштирокчиси инсон ва фақат инсон деган ғоя илгари сурилади. Демак, тарих фанининг предмети инсоншунослик, инсон олами ва хатти-ҳаракати, қарашлари ва манфаатлар тўқнашувидаги феъл-атворининг тадқиқотидир.

Тарих фанининг предмети атрофидаги мунозаралар фақат шугина эмас. Инглиз тарихчиси Р. Коллингвуд «Қандайдир тарихий жараён ва уни англашнинг аниқ йўли йўқ. Тарихий жараён ўз-ўзидан онг жараёни ҳисобланади», деса, М. Оукшот тарих фанининг предмети бу шунчаки «Тарихчининг тадқиқот олами, унинг конструкцияси. Тарих — бу тарихчи ғояларининг специфик олами» дейди. Бу билан у тарих фани пердметини бирмунча бушаштиргандай кўринади. Унинг бундай ғоясида тарихчи тарихни қандай хоҳласа шундай тадқиқ қилаверади. Ҳар бир кишининг ўз олами бўлганидай, тарихчининг ҳам ўз олами мавжуд. У ўтмишни қандай тушунса шундай ифодалайверади, деган хулоса ҳам бор. Бироқ тарих фани методологияси фанга жиддий ёндашишни ва асосли хулосалар чиқаришни тақозо этади. У инсоният тарихининг бутун моҳиятини, севинчу изтиробларини, шуқуҳли ва ситамли дамларини яхлитлигича ифода этмоғи лозим.

Ҳозирги замон Америка тарихчиси Г. Коммаджер тарихий билим предмети ҳақида фикр юритар экан, у тадқиқот объектига идеалистик нуқтаи назардан ёндашади ва фан моҳиятини қуйидагича ифода этади: «Тарих амалда атом, кимёвий воситалар сингари ўзини намоён этолмайди. Ушбу воситалар табиатда мавжуд. Улар инсон йўқ қилгунига қадар мавжуд бўлади. Тарих эса табиатда яшамайди. Балки инсон тасаввурида, хотирасида яшайди».

Демак тарих узлуксиз ва яшовчан. Инсон, инсоният мавжуд экан, унинг шажараси давом этар экан, тарих хотираларда қайсидир даражада яшайверади. Ворисийлик, авлодлар шажараси тарихнинг тадрижийлигини, давомийлигини сақлаб қолади. Ана шу ҳолатнинг ўзи тарихий билим манбаи, тарих фани предмети масаласига аниқлик киритади. Инсон хотираси ва аждодлар ҳаётини ўрганиш эҳтиёжи орқали яхлит инсоният тарихини тадқиқ этиш, уни шаклланган фан қонуниятлари асосида ривожлантириш муаммосини кун тартибига қўяди.

Дарҳақиқат, тарих буюм ёки бойлик ҳам эмас. Шунингдек, ҳаёт учун, яшаш учун курашмайди. У ўзини ҳимоя қилолмайди, амалий фаолият курсатолмайди. Буларнинг ҳаммаси инсонда мужассам. У беқиёс бойлик ва неъматлар яратади, курашади, инкор этади, қўллаб-қувватлай-



ди, муносабат билдиради. Натижада ўзи ҳам изтироб чекади, қувонади. Амалий фаолият, хатти-ҳаракатлар натижасини баҳолайди. Аста-секинлик билан унинг ўтаётган ҳар бир куни тарихга айланиб бораверади. Бу албатта, индивидуал воқелик. Битта шахсга боғлиқ бўлган жараён. Якка-якка шахсларнинг бирлигидан ташкил топган жамиятда ушбу амалий фаолиятлар йиғиндиси — коллектив моҳият касб этади ва шу тарзда жамият, халқ тарихи вужудга келади. Демак, тарих фани кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганар экан, у том маънода инсоншуносликдир. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих фанининг предмети — инсондир.

Умуман олганда юқорида келтирилган иқтибослардан кўриниб турибдики, улар асосида тарихни идеалистик ёки материалистик нуқтаи назардан ўрганиш учун турли методологиялар тавсия этилади. Бироқ тавсиялар, ёндашувлар, тадқиқот усуллари қанчалик хилма-хил бўлмасин, тарих фани предмети инсондир, инсоншуносликдир. Воқелик инсон орқали юзага келар экан, ҳар қандай тарихий жараён инсон феъл-атворининг, маънавий-маърифий даражасининг, руҳий ва ахлоқий имкониятларининг ҳамда манфаатларининг инъикоси экан, ўтмишга инсон орқали назар ташлаш, инсон моҳиятини очиш орқали тарих моҳиятини очиш илмий ҳақиқатга яқинроқ, деб ўйлаймиз.

Тарихни яхлитлигича, бир бутунлигича англаш учун тарих предметининг бутун моҳиятини англамоқ зарур. Ана шу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарихчининг вазифаси тарихий жараённинг асосий белгиловчи ҳукмрон тенденциясини ифода этишдир. Чунки маълум бир даврда юз берган ҳар қандай воқеа-ҳодиса тагида турлитуман бир-бирини рад қиладиган, бир-бирини инкор этадиган қарашлар ҳам ётади. Юз берган воқеани тан олмайдиган, уни тушунишни хоҳламайдиган ёки умуман тушунмайдиган одамлар гуруҳи ҳамма вақт ҳамма даврда бўлиши табиий. Тарихни тўғри белгилаш, тўғри баҳолаш ва тўғри тушунишнинг мураккаблиги ҳам ана шунда. Дейлик, эзгулик йўлида, яхши ниятда амалга оширилган кенг миқёсли ўзгаришлардан норози бўлган, уни ўзига қабул қилолмайдиган, маънавий жиҳатдан кемтик одамлар ҳам умумий сафарбарлик йўлида жамоадан, жамиятдан ажра-

либ қолмаслик учун қўшилиб кетишади, холос. Аслида эса улар умумий тараққиётга тўғаноқ, умумий равангақа тўсиқ бўлиб қолаверадилар. Агар тарихчи тарихга баҳо беришда ана шундайларнинг қарашларига эътибор бериб, уларнинг хулосаларига таяниб, фанга улар манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашса, жамиятнинг ҳақиқий қиёфаси тарих фанида тула-тукис ўз ифодасини топа олмайди.

Демак, тарих фанининг предмети инсон экан. Инсон моҳияти, унинг қарашлари ва манфаатлари орқали ҳар бир даврга баҳо бериш тарих ҳақиқати сифатида қабул қилинган бўлса, хоҳ салбий бўлсин, хоҳ ижобий бўлсин, уша воқеалар юз берган даврда яшаган олдамлар асосий кўпчилигининг мақсад ва интилишлари, манфаатлари тадқиқот объектига айланмоғи лозим.

#### 4-§. Тарихий далил ва илмий таҳлил

Тарихий далил категорияси тарих фани тадқиқотчилари олдидаги энг муҳим илмий ўлчов, илмий мезон ҳисобланади. Зотан, тарихий далилсиз тарих ҳақидаги тасаввурлар мавҳум ва фикрлар исботсиздир. Ҳар қандай тарихий тадқиқот иши, илмий-назарий таҳлилнинг тарих ҳақиқатига қай даражада яқин ёки узоқлиги ана шу тарихий далилнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Далил тушунчаси тарихшунослик нуқтаи назаридан алоҳида мақомни, алоҳида таърифни, ўзига хос қоидали талаб қилади. Дарҳақиқат, тарихий далил тушунча сифатида тарих фанининг асоси ва манбаи ролини бажарар экан, унга илмий-назарий жиҳатдан ёндашиш, моҳиятидан келиб чиқиб ўзига хос таъриф бериш зарур.

Тарихчи далил ва унинг ўзига хос жиҳатларига жиддий эътибор беради. Жумладан, тадқиқотчининг бевосита изланишидан, манба устида ишлашидан мақсад катта. Чунки у маълум бир тарихий жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақидаги хулосаларини исбот қилиш, уни инкор қилиб бўлмайдиган даражада кўрсата билиш учун далилга таянади, далилдан нажот излайди. Бундай ҳолат тарихчи учун осон кечадиган ҳодиса эмас. У ўзига хос мураккабликларни, қийинчиликларни, далил топиш билан боғлиқ бўлган

машаққатни енгишни тақозо этади. Тарихий жараён, воқеалар силсиласи, инсоният ибтидосидан ҳозиргача давом этиб келаётган улкан аждоқлар занжирининг ҳар бир ҳалқасини ўрганишда, уни тарихий, фалсафий, мантиқий, маънавий ва руҳий жиҳатдан яхлит ҳолда тадқиқ этишда ўзига хос далилларга таянишни фаннинг ўзи, унинг методологияси долзарб қилиб қўяди.

Тарих фани ўзининг бир неча минг йиллик тараққиёт йўлида тарихий далилга бўлган муносабатни аниқлаштириб олиш учун анча-мунча мураккаб, илмий тафаккур, илмий билиш ва илмий хулосалар чиқариш тажрибасини ўтади. Тарих фани ибтидосида, албатта, тадқиқотчининг вазифаси фақат далил йиғиш деб ҳисобланган. Асотирлар, ривоятлар, афсоналар асосида тарихни тасвирлаб беришдан илк илмий асосланган хулосаларга ўтиш давридан бошлаб тарихчининг вазифаси мураккаблашиб бораверди. Жумладан, у «эртақлар тўқиш»дан конкрет воқеликни ўрганиш учун конкрет далил излаш мажбуриятини зиммасига олди. Бу эса осон эмас эди.

Аста-секинлик билан далил ва унинг изоҳи ўртасидаги зиддиятлар, қарашлар хилма-хиллиги юзага келди. Зотан, ҳар қандай тарихчи ўз нуқтаи назари, ўз қарашлари, ўз манфаати орқали далилга ёндашади. Кимдир бир далилнинг оқ томонларини кўрса, бошқаси айни ана шу далилнинг қора томонларини кўради. Бунда тарих ҳақиқати тарозисининг гоҳ у, гоҳ бу палласи босиб кетиб, бир ёқлама фикрлар авж олади, тарих замон ёки ҳукмрон мафкура қурбонига айланади. Учинчиси эса худди шу далилнинг оқ ва қора томонларини яхлит ҳолда воқелик моҳиятидан келиб чиқиб адолат ва ҳақиқат тенглигида тадқиқ этади. Тарих ана шу тарзда бутунлай оқ ҳам, бутунлай қора ҳам бўлмайди. Барча нуқсон фазилатлари, ёвузлиги эзгуликлари билан яхлит ҳолда инсон феъл-атворининг натижаси сифатида ифода этилади ва натижада тарих ҳақиқати юзага келади.

Тарих фанининг илк тараққиёт даврида тарихчилар мавжуд реалликни изоҳлаш ёки тушунтиришдан бош тортдилар. Уларнинг назарида агар далилга изоҳ беришса, уни шарҳлашса, воқеликнинг моҳиятини очишса, тарих ўзининг объектив мазмунини йўқотар эмиш. Аслини олганда

эса тадқиқотчининг илк текширувидан сунг ҳар қандай далил ҳеч қачон мутлақо бетараф бўла олмайди. У ўз позициясига эга. Тарихий ҳақиқат сифатида ўз ҳукмини қўлдан бермайди. Тарихчи устидан ҳукмронлик қилади, тарихчини ўзига бўйсундиради. Тарихчи ўз-ўзидан далил, ҳужжат қулига айланади ва хулосалари исботини топгани сайин ўзини эркин ҳис эта бошлайди.

Айрим тарихшунослар, хусусан, жаҳон тарихнавислигида тарихий далилга реаллик сифатида қараб бўлмайди, деган фикрни билдиришади. Бундай қарашларга кўра ҳар қандай далил тарихчининг қарашлари ва хулосаларини маълум бир шаклга киритиб, қолипга солиб қўйиши мумкин. Натижада унинг мазмуни ҳам, моҳияти ҳам ўзгаради. Бу, албатта, тўғри. Бироқ ҳар қандай тарихчи тарихий далил устида ишлар экан, унинг изланишлари самараси далилнинг қай даражада асосли ёки асосли эмаслиги, у тегишли бўлган давр моҳиятини, силсилалар кўламини, тарихий жараён ва ижтимоий-сиёсий воқеликларни бутун моҳияти билан ўзида қай даражада акс этгани билан боғлиқ.

Америкалик тарихшунос Э. Карр хулосаларига кўра ҳар қандай воқеа эмас, балки тарихий аҳамиятдиларигина тарихий далил бўлиши мумкин. Тадқиқотчи ўзи ўрганаётган давр тўғрисидаги маълумотларнинг максимал миқдорини билиши ва уларга эга бўлиши лозим. Унинг фикрича, тарих бу изоҳ беришдир, тарихчи ва далил ўзаро тенглик муносабатида бўлиши лозим. Иккови ҳам ўз ҳукмига эга бўлмоғи керак. Тарихчи холисликка, далил эса воқеликнинг асоси сифатида исботланганликка эга бўлмоғи даркор. Ана шунда кучлар нисбати тенг бўлади, бир-бирини назорат қилади, натижада холис хулоса вужудга келади. Карр бундай ҳолатни назарда тутиб, «Тарих — бу тарихчи ва далилнинг ўзаро алоқасига боғлиқ бўлган узлуксиз жараён бўлиб, у ўтмиш ва бугун ўртасидаги туганмас мулоқотдир»<sup>1</sup>, дейди. Е. Топольский эса тарихий далилларни ўзгарувчан яхлит тизим сифатида ўрганиб, бу тизим доимо ўзгариб, унга муносабатлар янгиланиб, дунёқарашлар

<sup>1</sup> Е. Топольский. Методология истории. Варшава, 1968, стр. 621.

кенгайиб боргани сари далил орқали воқелик моҳиятининг янгидан-янги қарралари очилиб бориши муқаррарлигини айтади<sup>1</sup>.

Масаланинг мураккаб томони шундаки, манба устида ишлашнинг ўзига хос қийин томони шу билан белгиладикки, маълум бир даврга доир улкан ҳужжатлар уюми, далиллар массаси орасидан энг долзарбини, энг асослисини, ўша давр ва воқелик моҳиятини тўлақонли ифода этган, ўзида мужассам этган далилни ажратиб олиш учун тарихчи ўша давр моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиши, уни чуқур ҳис қила олиши, қолаверса, интуиция қобилятига эга бўлмоғи лозим. Ана шу қобилият орқали у далилнинг муҳим ёки муҳим эмаслигини ажрата олади. Сўнг унга суянган ҳолда ўз тушунчасини исбот қилади ва тарихий тафаккурнинг янги босқичини кашф этади.

Тарихшуносликда объектив реаллик сифатидаги далил ва илмий далил ўртасидаги фарқни аниқлаб олиш зарур бўлади. Илмий далил — бу энди мавжуд воқеликнинг эмас, балки унинг ўзига хос шаклдаги акси ёки ифодасидир. Бошқача қилиб айтганда, объектив реалликка айлангани, расмий мақомга эга бўлгандир. Демак, объектив реалликдаги далил илмий реалликдаги далилга айлангач, у изоҳлар, шарҳлар орқали мазмунан чуқурлашган, моҳиятан кенгайган бўлади. Ана шундан келиб чиқиб тарихчи Топольский тарихий далилни илмий таъмирлаш ёки тадқиқотчининг қайта ишлови натижасидир, деган фикрни илгари суради.

Тарихий далилга муносабат ва уни таҳлил қилиш усуллари ҳам турлича. Ана шу ёндашувлар хилма-хиллигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биринчидан, тарихий далил ҳеч қандай мафкуралар, қарашлар ва манфаатлар қурбонига айланмаслиги, уларнинг таъсирида «таъмир»ланмаслиги лозим ва далилга ҳар қандай бўёқлар суртиб, унинг ўз моҳиятини йўқотмаслик зарур. Иккинчидан, бугун тарихий далил ҳисобланмаган ёки муҳим ҳужжат сифатида қабул қилинмаган далил эртага бутунлигича тари-

<sup>1</sup> Е. Топольский. Методология истории. Варшава, 1968, стр. 621.

хий далилга айланиши мумкин. Бу бир томондан тарихий тафаккур ва тарихни англаш асносида юзага келган эҳтиёж бўлса, иккинчи томондан қайсидир тарихчи эътибор бермаган далил бошқа бир тарихчи томонидан моҳияти очилиб, муҳим бир воқеликка айланиши мумкин. Бу ҳам илмий тадқиқотнинг ўзи хос қонуниятидир. Зотан, ҳамма тадқиқотчи ҳам бир хил фикрламайди, бир хил илмий салоҳиятга, бир хил назарий тайёргарлик ва кўникмага эга эмас. Ана шу илмий ҳақиқатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маълум бир тадқиқотчи сезмаган муайян далил устида бошқа тадқиқотчи иш олиб бориб, кутилмаган янгиликка эришиши мумкин.

Яна шундай ҳодисалар юз берадики, тарих фанида маълум бир муҳим далил узоқ вақт давомида ҳеч кимнинг назарига тушмайди. Қайсидир ҳужжатлар орасида қолиб кетади. Ёки бошқа бир манбалар орасида тарихий тақдир тақозоси билан бошқа бир ҳудуддаги архивларда сақланиши мумкин. Бирмунча вақт ўтгач, у тасодифий ҳолда ёки изчил изланишлар натижасида юзага чиқиб, маълум бир воқелик ҳақидаги шаклланган хулосаларни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Тарихчи нафақат тарихий далиллар ҳақидаги билимга эга бўлиши, балки ушбу маълумот унга нима бера олиши, бу топилган далил қай даражада асосли ёки асосли эмаслиги, тарихий тараққиётда қай даражада муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақидаги мантиқий-фалсафий тафаккурга ҳам эга бўлмоғи лозим. Далилга асосланган маълумотларнинг ҳолислиги тарихчининг билим савияси, дунёқараши, далил устида ишлаш салоҳияти билан ҳам боғлиқ.

Тарихчининг билим даражаси, савияси ҳар бир далилни ўз ўрни билан бошқа далиллар занжирига улаш, уларнинг узвийлиги, хронологик кетма-кетлиги, воқелик моҳиятини очишга хизмат қила олиши сингари омилларга қай даражада эътибор бермоғи билан ҳам баҳоланади. Зотан, ҳар қандай тарихий жараён моҳияти, тарихий тафаккур ҳисоб-китоблар, рақамлар йиғиндиси ва кетма-кетлиги, изчиллиги ва бир-бирини тўлдириши билан бирга воқеа ва ҳодисалар ривожланиши орқали юзага келаётган ҳаракат жараёнида ўзини намоён этмоғи лозим.

Тарихчи М. Покровский тарихий далилларни тўплаш,

улар устида ишлаш ва маълум бир хулосаларга келишда, илмий тадқиқотлар савиясини кутариш, уларнинг тарихий тафаккур шаклланишидаги ролини оширишда тарихий далил категориясига алоҳида эътибор беради. Қачонки далиллар ўртасидаги ҳақиқий боғлиқлик, узвийлик, бир-бирини тулдириш ҳолати мавжуд эмас экан, далилнинг келиб чиқиши шубҳали, илмий тадқиқотлар натижаси эса мавҳум бўлиб қолаверади.

Далилнинг ҳолислик даражаси тарихий жараёнга нақадар боғлиқлигидан келиб чиқади ва ана шу боғлиқликнинг моҳиятини ўрганар экан, Покровский уни турлича номлайди. Жумладан, «Муҳим далил», «Биринчи даражали далил» ва бошқалар<sup>1</sup>. Унинг хулосаларига кўра далилни тиклаш ва текширишдаги илк қоралама иш ғоятда катта масъулият ва меҳнатни талаб қилади. Ю. Францевнинг таъкидлашича «фақат далилларни йиғиш билан шуғулланувчи тарих фани йўқ. Бироқ далилнинг баҳоси нима? Бу мавжуд объектив боғлиқликка асосланган тарихий ҳақиқат билан белгиланади»<sup>2</sup>, дейди.

Айрим ҳолларда Францев хулосаларига унчалик мос келмайдиган жиҳатлар ҳам юзага келади. Бу бевосита воқеалар хроникаси, маълум бир масалаларга доир рақамлар ва саналар тўпламини яратиш каби «тарихчилик» билан боғлиқ. Бироқ бугунги тарих фани тараққиёти, унинг мезонлари ва талаблари нуқтаи назардан қараганда бундай ҳолатлар ўзини оқламайди. Тарих фани фан сифатида инсон тафаккури, феъл-атвори, хатти-ҳаракатининг маҳсули экан, ҳар қандай далил умуммиллий тараққиётга дахлдор воқелик ортидаги манфаатлар моҳиятини ўзида ифода этмоғи лозим. Ана шунда тарихий далил ўзини оқлаган бўлади. Тарих ҳақиқатини ва илмий ҳақиқатни бузувчи, реал тарихий жараённи ўз манфаатига мос равишда талқин қилувчи сохта тадқиқотларга йўл бермайди. Қолаверса, тарих фанига оид ҳар қандай тадқиқот илмий-назарий таҳлил, аниқ методологияга асосланган фикр, энг муҳими, илмий янгилиги ва ўта холислиги билан баҳоланади.

<sup>1</sup> А. Говорков, М. Покровский. О предмете исторической нации. Томск, 1976, стр. 239–240.

<sup>2</sup> История и социология. М., 1964, стр. 334.

Тарихий далилнинг яна бир тури бу бевосита тарихий манба ҳисобланади. Манбалар ўз навбатида ўз даври моҳиятини бирмунча конкретроқ, бирмунча аниқроқ ва реалроқ ифода этади. Уларнинг айримлари илмий асосланган бўлса, бир қисми муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Тарихий тадқиқот учун зарур бўлган, инсоният тарихини ўрганишга хизмат қиладиган ҳар қандай ҳужжат, қўлёзма, адабиёт, санъат, бадиий ёки маданий ёдгорликлар манба бўлиши мумкин. Бироқ ана шу манбалар устида ишлаш алоҳида ихтисосликни, алоҳида тайёргарликни, ўзига хос қобилият ва кўникмани тақозо этади.

Тарихий тадқиқотнинг муваффақияти фақат бир манба устида ишлаш билангина белгиланмайди. У ўзаро бир-бирини бойитадиган, бир-бирини тўлдирадиган, маълум бир тарихий давр ҳақида тўла тасаввур берадиган турлитуман манбалар қаторида ҳар хил олинган жиҳозлар, буюмлар ҳам хизмат қилади. Табиийки, илмий тадқиқотда қанчалик хилма-хил ва кенг кўламли манбалардан фойдаланилса, тадқиқотчининг хулосалари шунчалик ишончли, илмий асосланган, ҳаёт ҳақиқатига мос бўлади. Ана шу тайёргарлик ва билим даражаси бевосита далиллар ва таҳлилларнинг синтези сифатида тарихий воқелик мантигини очади, тарихий тафаккур орқали тарихни фалсафий англаш ва ифода этиш имконини беради.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Тарихчи манбалар уюми орасида юриб қайси манба муҳим ё муҳим эмаслигини ажрата олмаслиги мумкин. Бу тадқиқотчидан алоҳида билимни, у ўрганаётган тарихий давр моҳиятини қай даражада ўрганганлигини тақозо этади. Демакки, ўзини унга қай даражада тайёрлаганлиги билан ҳам боғлиқ.

Ҳар қандай тарихчи-тадқиқотчи аниқ вазиятни ўрганмай туриб, тарихий манбанинг муҳим ёки муҳим эмаслигини белгилаши қийин. Тарихчи ўтмишни ўрганиши ва тарихий воқеликка холис баҳо бера олиши учун бир неча йўналишлар ва соҳаларни билиши, уларнинг имкониятларидан унумли фойдалана олиши лозим бўлади. Жумладан:

– **полеография** – маълумотларни ўрганадиган, тўплайдиган, тартибга соладиган, қадимги қўлёзма манбаларни расмийлаштирадиган соҳа;



– **сфрагистика ва геральдика** – турли даврларга, подшоликлар ва хоқонликларга хос бўлган муҳр ва тамғаларни ўрганадиган соҳа;

– **дипломатика** – расмий ҳужжатлар, турли ёзишмалар, хабар алмашувлар ҳақидаги маълумотларни, уларнинг тўғри ё нотўғрилигини тадқиқ этадиган йўналиш;

– **эпиграфика** – устки ёзувлар, лавҳалар, безаклар, осори атиқалар пештоқларида, ёдгорлик тошларида битилган ҳамда турли мозаика шаклидаги нақшбоп ёзувларни, санъат намунаси бўлган битикларни тадқиқ этиш;

– **нумизматика** – турли даврларга хос бўлган пуллар ва тангаларни ўрганадиган соҳа;

– **хронология ва метрология** – тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган халқ, минтақа, мамлакатга хос бўлган ўлчов бирликларини ўрганадиган соҳа;

– **археография** – китобат, ноширчилик, қўлёзмаларни безаш ва кўчириш, нусхасини купайтириш, хаттотлик санъати билан боғлиқ бўлган манбаларнинг нашр этилиши қоидаларини тадқиқ этадиган соҳа ва бошқалар.

Ҳар қандай тарихий манба, қай даражадалигидан қатъи назар, улкан тарихий ёдгорлик ҳисобланади ва у ўз даврининг моҳиятини ўзида акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, манба ўзида тарихий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий воқеликни мужассам этади. Зотан, ҳар қандай манба ўз даврининг мазмуни ва ҳукмрон ғоялар моҳиятининг кўзгусидир.

Ҳақиқий ҳаёт ҳамиша ҳар қандай далил, ҳужжат ёки манбадан кўра кенгроқ мазмунга эга бўлади. Ҳаётнинг серқирралиги, тафаккурнинг чексизлиги, воқеликка муносабатнинг турличалиги, фикрларнинг хилма-хиллиги бутун кўлами билан бир манбага жойлашиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам манба устида ишлаш жараёнида мавжуд ижтимоий-сиёсий жараён, унинг оқибатида юзага келган воқеликлар ҳамда унинг мантиғи, мазмуни ва моҳияти манбадан кўра кенгроқ эканлигини назарда тутиб, унинг қанчалик тўлиқ бўлмасин нисбий эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Фақат манбалар атрофида фикр юриши билангина тарих ҳақиқатини тиклаб бўлмайди ва тарихий тафаккурни шакллантириш бир ёқлама бўлиб

қолаверади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқаб Е.Топольский тарихчининг тадқиқот ишларини қуйидаги тартибда олиб боришни таклиф қилади:

- тадқиқот доирасини танлаш;
- масалаларнинг долзарблигини ажратиш;
- манбаларни муаммоларни тадқиқ қилиш учун гуллаш;
- манбадан олинган маълумотларни ўқиш ва ўзлаштириш;
- ташқи танқид;
- ички танқид;
- манбада ўртача маълумотга эга бўлмаган далилларни тиклаш;
- юқоридагининг акс ҳолати;
- далиллар ўртасидаги боғлиқлик сабабини аниқлаш;
- қонуниятларни тиклаш;
- тадқиқотчи саволларига жавоб топиши;
- тарихий далиллар баҳоси<sup>1</sup>.

Демак, тарихий далил ва илмий таҳлил тушунчалари узаро боғлиқ бўлган, бир-бирини тўлдириб борадиган яхлит жараён. Таҳлил жараёни бевосита илмий тафаккур, фикрлаш ва англаш орқали тарихий, мантиқий, антропологик, географик, демографик ҳамда фалсафий қарашлар умумлашмаси сифатидаги мушоҳадалар тизимидир. Ана шу яхлит тизим моҳияти, илмий асосланганлик даражаси тарихий далил, тарихий воқелик ёки ҳодисалар моҳиятини нечоғли тушуниш ва холис баҳолаш билан боғлиқ.

### 5-§. Тарихий дунёқараш ва тарих фалсафаси

Дунёқараш — бу дунёни яхлитлигича англаш, унинг сир-синоатини қайсидир даражада тушуниш, шахснинг ана шу олам ичра ўз ўрнини англаб етишга ҳаракат қилган ҳолда ҳаққонийликни маънавий-маърифий ва амалий жиҳатдан идрок қилишининг натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш инсоннинг атроф-муҳитга муносабати, ҳаётдаги ўрни ва позицияси, инсонлик моҳияти,

<sup>1</sup> Е. Топольский. О роли внеисточникового знания в историческом исследовании. Вop. Философии, 1973, № 5, стр. 80.

одам ва олам ҳақидаги қарашлари инъикосидир. Инсон мавжудлигини, маъно ва мақсадларини аниқлаш, инсоннинг борлиги, унинг яшаш мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, шу асосда кишилиқ дунёсига баҳо беришга интилиш тарихий-ижтимоий дунёқарашнинг асл моҳиятини белгилайди. Тарихий дунёқараш эса кишилиқ ўтмиши билан боғлиқ бўлган, уни ўрганиш жараёнида юзага келган қарашлар тизимидир.

Аслини олганда ҳар қандай дунёқарашда ижтимоий ҳаёт моҳияти уфуриб туради. У айна ана шу ижтимоий ҳаёт орқали озиқланади, ривожланади ва камолотга етади. Дунёқараш ҳар бир инсоннинг ўзига хос имконияти, биологик, физиологик, ирсий, руҳий ва маънавий камолот даражаси, ақлий имкониятлари доирасида бўлади. Алоҳида шахсларнинг дунёқараши орқали яхлит жамият дунёқараши вужудга келади ва у ижтимоий-маданий ҳаётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўзини намоян этади. Ана шу дунёқарашлар уйғунлиги асосида ижтимоий фикр ва яхлит жамият тафаккури шаклланади ҳамда унинг қатла-рида у ёки бу тарихий даврнинг руҳияти, моҳияти, мазмуни, ўзига хос дунёси акс этади. Тарихий дунёқараш ижтимоий фикр орқали ижтимоий ҳаёт ва жамият тарихий тараққиёти, унинг босқичлари ҳақидаги тасаввурлар асосида вужудга келади.

Дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у одам ва олам, инсон ва табиат, алоҳида индивид ва жамият ўртасидаги муносабатларни, қарашлар ва ёндашувларни ўзида мужассам этади. Жамият миқёсида эса ижтимоий фикр сифатида умумлашган тасаввурларнинг қўламини ва моҳиятини ўзида ифода қилади.

Ҳар қандай даврда вужудга келган дунёқараш, албатта, табиий равишда қайсидир даражада дунёнинг яратилиши, унинг ривожланиш омиллари, сир-синоати, унда инсоннинг пайдо бўлиш ва шаклланиш омиллари, инсоннинг мўъжизавий олами каби муаммолар атрофидаги дастлабки тасаввурларга бориб тақалади. Ана шу ҳолатда ўз-ўзидан инсонда тарихга қизиқиш, тарих моҳиятини билишга интилиш эҳтиёжи юзага келади. Бу бевосита тарихни ва инсоният тараққиёти босқичларини фалсафий

идрок этиш, фалсафий тушуниш ва фалсафий хулосалар орқали мантиқий хулосаларга келиш имконини беради.

Баъзи ҳолларда дунёқараш ташқи дунёнинг яхлитлиги, унинг бир бутунлиги ва бу дунёни севинчу изтироблари, эзгулигию ёвузликлари билан яхлитлигича англаш билан бир қаторда инсоннинг табиий ва ижтимоий имкониятлари, генетик жиҳатдан фикрлашга қодир бўлган жонзот сифатида тарихий реалликларга ҳам йўналтириши мумкин. Ана шу шаклда илк мифологик дунёқарашдан тортиб то бугунги шаклланган фалсафий дунёқарашгача бўлган узлуксиз, тадрижий, доимий ўзини ўзи бойитиб, тўлдириб бораётган инсоният ақли ва закосининг муъжизаси сифатида ўзини намоён этаётган дунёқарашлар давомийлиги, ворисийлиги, шажараларининг узвийлиги кўзга яққол ташланади.

Дунёқарашларнинг хилма-хиллиги, уларнинг асосли ё асосли эмаслиги доимий мунозара майдонига айланган. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб инсоният ҳамиша тасавурлар ва дунёқарашларнинг қай даражада реал ё норсаллиги, уларнинг тўғри ё нотўғрилиги тўғрисида фикрлайди. Ҳар қандай дунёқараш бир вақтнинг ўзида ҳам илмий, ҳам ноилмий бўлиши мумкин. Шу билан бирга унга ижтимоий йўналиши, моҳияти ва мазмуни, қадр қиммати юзасидан ҳам баҳо беришимиз мумкин. Бу ҳолатга, аynиқса, инсоният ўтмиши, тараққиёти, ривожланиш омиллари, унинг эволюцион босқичлари хусусида фикр борганда алоҳида эътибор беришга тўғри келади.

Тарихнинг мазмун-моҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазалар уни фалсафий идрок этиш билан бирга маънавий маданиятнинг турли шаклларида намоён бўлиши, дунёни яна ҳам чуқурроқ англаш, хусусан, инсон оламини бутун кенгликлари ва қирралари билан тушуниш предметига айланмоғи лозим. Тарихий дунёқарашнинг илмий, дунёвий фалсафа категорияси сифатидаги мавқеи унда инсон қай даражада акс этгани, аниқроғи, тарихий жараёнга қай даражада иштирок этганини ифодалагани билан белгиланади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих алоҳида халқлар, миллатлар бўладими ёки умуминсоният тақдирига дахлдор бўладими, тараққиётнинг яхлит

жараёни сифатида яратилиши биланоқ унинг моҳиятида дунёвий мазмун пайдо бўлади.

Тарихни фалсафий англаш, уни дунёқарашлар ва тафаккур асосида тушуниш, мушоҳада этишнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг назарийлиги, фалсафий идрок ва мантиқий хулосага асосланганлигидир. Бу тарихий тафаккур орқали шакланган тарих фалсафаси фанининг табиатидан келиб чиқадиган ҳодиса. Чунки фалсафа дунёвий муаммоларни назарий мушоҳадалар, муҳокамалар, мунозаралар орқали ҳал қилар экан, тарихий жараён таҳлили натижасида тарих фалсафаси пайдо бўлади. Шунинг натижасида юзага келган ўз хулоса ва умумлашмаларини мантиқан асослаб беради. Ана шу асосда, демак, маълум бир давр, тарихий жараён ёки воқеа ва ҳодисалар тарих фани нуқтаи назаридан ўрганилиб, унинг атрофида мушоҳада қила бошлашнинг ўзи тарих фалсафасининг дебочасидир.

Тарих фалсафаси фалсафанинг кенг маънода инсоннинг маънавий, ахлоқий, руҳий ва ҳис-туйғулари асосидаги кўникмалари орқали оламни идрок этиш, тарихий воқеликни илмий англашдаги ва уни амалий-маънавий ўзлаштиришдаги ўзига хос илмий билимлар тизимидир.

Дунёни англаш ва тушуниш, олам ранг-баранглигини ва бутун моҳиятини идрок этиш шакллари ичида фақат тарих фалсафасигина тарихни англаш масаласига назарий жиҳатдан ёндашади. У тарих фани орқали маълум бўлган инсоният тараққиёти жараёнлари ҳақидаги билимларни, қадр-қимматини, маънавий-ахлоқий ва амалий натижаларини тадқиқ этади ва етарли фалсафий хулосаларга келади. Тарихни англашнинг ана шундай соф инсоний моҳияти хусусида гапирар экан, М. Мамардашвили тарих фалсафаси ва тарихни ўрганиш муаммолари ҳақида фикр юритиб, «Дунёнинг яратилиши ва тарихнинг мазмуни инсон моҳиятининг бир қисмидир. Инсон моҳияти эса унинг инсон сифатида шаклланишидадир, инсон бўлмоғидадир»<sup>1</sup>, — дейди.

<sup>1</sup> М. Мамардашвили. Как я понимаю философию. М., 1990, стр. 58.

Демак, ўтмишни ўрганишга дахлдор бўлган тарихий билим фалсафий мушоҳада орқали дунёнинг яратилиши, кишилиқ оламининг ибтидоси ва бу узундан-узоқ тарихнинг сир-синаотини инсон моҳияти орқали очиш билан ўз мақомини эгаллайди ва тарих фалсафасига айланади. Инсоният дунёсининг, кишилиқ жамиятининг моҳияти эса алоҳида-алоҳида индивидларнинг инсон сифатида қай даражада шаклланганлиги, аниқроғи, бу чексизликдаги шаклланиш босқичларида яшаган одамларнинг қай даражадаги инсон эканлигини ўрганиш ва асосли баҳолаш билан боғлиқ.

Инсоният тарихи ва уни фалсафий идрок этиш бора-сида гапирар эканмиз, тарихнинг мазмунига инсоннинг моҳияти, унинг анъанавий узвийлиги, давомийлиги ва истиқбол билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан ёндашмоғимиз лозим. Айни тарих моҳияти «ўтмиш – бугун – истиқбол» формуласининг фалсафий-мантиқий ечимини нечоғли топганимиз билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ушбу муаммога эътибор берган донишмандларнинг хулосаларида у ёки бу даврнинг ҳис-туйғулари, эҳтирослари, бошқача қилиб айтганда, қалб ҳарорати уфуриб туради.

Демак, тарихчи маълум бир давр ёки умуман инсоният тарихи ҳақида гапирар экан, ўз таассуроти, дунёқараши, ўз тушунчаси ва ўзига хос таҳлил қилиш даражаси нуқтаи назаридан баҳо беради. У тарихий воқеликни ўз ақлий имконияти доирасида тушунади. Ўз мушоҳада майдони орқали англайди ва шундай баён этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг хулосаларимизга ҳам айна бир шахснинг ўз нуқтаи назари, ўз хулосалари деб қараш мумкин. Албатта, айна шу мунозарада бошқа одам масалани бошқача қўйиши, бошқача идрок этиши, бошқача тасаввур қилиши ва унинг ечимини топишда бошқача ёндашиши ҳамда ўз хулосаларини бошқача ифодалаши мумкин.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, умуман инсоннинг ақл-идроки тарих моҳиятини бутун яхлитлигича англай олармикан, унинг бир бутунлигига ва шаклан хилма-хиллигига, қарама-қаршилиқларга, зиддиятларга бойлигига, моҳиятининг бетакрор ва ранг-баранглигига нималар асос

булиши мумкин, тарихнинг гуманистик, ижтимоий мазмуни ва йўналиши нималардан иборат, деган кўпдан-кўп саволларга тўла-тўқис жавоб бера оладими, деган муаммага дуч келамиз. Афсуски, бу муаммо ҳали-бери ўз ечимини топгани йўқ ва бундан кейин ҳам муаммолигича қолса керак. Чунки тарих моҳияти инсон ва ҳаёт каби шу даражада кенг, шу даражада хилма-хил ва ранг-барангки, у баъзан мазмунан бир-бирини инкор қиладиган, бир-бирини рад этадиган ҳиссиёт ва туйғулар оламики, уни бус-бутунлигича англаш ва унга қатъий таъриф бериш амри маҳол. Бироқ уни бутун кўлами, салмоғи ва моҳияти билан англашга интилиш юксак маънавий эҳтиёждир, инсоният истиқболи ва тараққиётининг мабаидир.

Ҳар қандай шароитда ҳам тарихни англашда унинг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси, бошқача қилиб айтганда субъекти бўлган инсон қобилиятини, ақл-зақосини, интеллектуал имкониятларини ва умуман яхлит олганда инсоний қадриятларини билиш учун ва унга холис баҳо бериш учун фикрга айланаётган қарашлар тўғри асосланган негиз туфайлигина шаклланиши мумкин. Ана шундай фикр ва хулосалар инсон орқали тарихий жараёнларнинг гуманистик моҳиятини, умуминсоний қадриятларини ва йўналишларини бирмунча қамраб олмоғи мумкин.

Яхлит инсоният тарихини ўрганиш хусусида гап бора-бор экан, у энг аввало турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги туфайли юзага келганлигини инобатга олиш орқали моҳиятини очиш мумкин. Ушбу илмий ҳақиқат эса макон ва замондагина ўз ифодасини топади. Чунки ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда маълум бир ҳудудда шаклланган, ўз ҳудуди тараққиёти, ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари нуқтаи назаридан вужудга келган қарашлар, манфаатлар ва уларни ўзида ифода этган яхлит маданият дунёга келадикки, тарихни ўрганиш ва англашда унга эътибор бермасликнинг иложи йўқ.

Бугунги кунда инсоният иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий эҳтиёжлар муштараклиги ва ўзаро дахлдорлиги туфайли яхлитдир. Лекин бу умумий дунёвий бирлик, биринчидан, дарров ўзича дунёга келгани йўқ. У кўп асрлик, балки кўп минг йиллик тарихий тараққиётимиз

инъикосидир. Иккинчидан, бу тарихий бирлик остида ҳар бир халқ, ҳар бир давлат, қолаверса, ҳар бир минтақа миллий манфаатларининг устуворлиги ҳам борки, бунга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Демак, бугунги цивилизация, XXI аср тараққиёти нуқтаи назаридан зарурий эҳтиёжга айланган дунёвий интеграция айни пайтда ҳам умумий ва ҳам хусусий моҳиятга эга. Ундан ҳар бир халқ, ҳар бир давлат, ҳар бир жамият ўзича манфаатдор. Дунё яхлит олганда умумий манфаатлар уюшмасидир. Агар у аксинча мазмун касб этиб, манфаатлар тўқнашуви оламига айланадиган бўлса, бу энди янги давр цивилизациясининг таназзули билан боғлиқ бўлган ғоят хатарли ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

Н. Конрад «Инсоният тарихи — бу қандайдир жонсиз жараён эмас. У жудаям конкрет ҳолда ўз тутумига эга бўлган алоҳида халқлар фаолиятининг бирлашуви билан шаклланади. Лекин шу билан бир вақтда қўпинча тарихий жараёнларнинг мазмуни битта халқнинг тарихига тааллуқли бўлиб қуринса-да, у том маънода фақат умумбашарий тарих туфайлигина очилади»<sup>1</sup>, — дейди.

Ушбу фикрни англашда инсоният босиб ўтган бир неча минг йиллик тарихий йўл, тарихий ҳодисаларнинг мазмуни ёрдам беради ва унинг исботига айланади.

Тарихнинг мазмун-моҳияти бевосита тарихий борлиқ ва унинг бутун қўламини англаш, унга объектив ёндашиш ва фалсафий-мантиқий мушоҳадаларнинг қай даражада шаклланганлиги орқалигина умуминсоният ютуғига ёки умуминсоний қадриятга айланади. Умуман олганда мавжудот сифатида инсон олами утмиш билан алоқадорликни ҳис қилиш, бугунги кун хусусида қайгуриш ва келажакка доимий эҳтиёж билан интилиш каби изчил ва тадрижий жараёндир. У ана шундай тарихни англаш каби мураккаб маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий жараёнда ўзини намоён этади, ирода кучини кўрсатади ва ундан тегишли ҳулосалар чиқариш орқали истиқбол моҳиятини англайди. Ҳар қандай индивид ўзига хос бўлган ижтимоий ҳаёт, ўз манфаатларига тўғри келадиган жамият қуради. Ана

<sup>1</sup> Н. Конрад. О смысле истории: Запад и Восток. М., 1972, стр. 454.



шу жиҳатдан олиб қараганда тарихни англашда, унга баҳо беришда ҳам уз ақл-заковати ва дунёқараш и орқали ёндашади. Демак, тарихга тўғри баҳо бериш учун энг аввало инсон том маънодаги инсонга айланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, комил инсон бўлмоқ бу ўтмиш, бугун ва келажак билан чамбарчас боғлиқ бўлган яхлит ва зарурий эҳтиёждир.

Аслини олганда тарихий билимларнинг фалсафий салмоғи ҳам худди ана шунда. Умумбашарий тарих моҳияти билан боғлиқ ҳолда ҳар бир тарихий жараён, тарихий ҳодиса ва воқеаларни тафаккур орқали кўра олиш бу фалсафий мушоҳада қилмоқ демакдир. Тарих фалсафаси билан шуғулланадиганлар учун эса тарихнинг мазмунини мушоҳада қилишдан ҳам ортиқроқ мураккаб иш йўқ. У тарихий билимларни умуминсоний қадриятлар орқали ривожлантириб, инсоният тарихи хусусидаги ўзига хос қарашларни илғари суради.

Тарихий тараққиёт босқичларини ва умуман инсоният тарихини ўрганиш жараёнида ҳозиргача мавжуд бўлган қолиплар ва меъёрларга таяниш илмий тараққиёт йулини тўсиб қолади. Фалсафий мушоҳадаларни чеклаб, фикрий маҳдудликка олиб келади. Демак, ҳар қандай замонда тарихий жараёнга муносабатда ҳозиргача мавжуд бўлган фан ютуқлари динамикасидан, унинг ривожлантириш тенденциясидан ва натижаларидан келиб чиқиб, мавжуд ҳулосаларни ривожлантириш бугунги фан тақозосидир.

Умумбашарий тарихий жараёнларнинг яхлит интерпретацияси доимо тадрижий равишда фикрлар изчиллигини тақозо этади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб тадқиқотчи тарих манзарасини чизар экан, унинг атрофида мушоҳада қилар экан, мавжуд назарий концепциялар билан қиёслаб, ўтмишнинг номаълум жиҳатларини, очилмаган қирраларини очмоғи ва уни фалсафий тафаккур орқали ифода этмоғи лозим. Натижада баъзи бир ҳолларда тарихнинг мазмуни кенгайиб, уни янгича тадқиқ этиш орқали айрим эскирган, моҳиятини йўқотган қарашларга нуқта қўйилса, бошқа бир илғор қарашларнинг ривожланишига, асосли равишда тараққий топишига замин яратилади. Тарихни англаш ва инсоният тарихини ўрганиш жараёнида фалсафа ўзини бутунлай глобаллиги билан та-

рихчи-таҳлилчи ролида ўзини намоён қилади. Умумбашарий, алоҳида мамлакат ёки халқлар тарихи муаммолари билан шуғулланишдан қатъи назар файласуф ва мутахассислар ўртасида ўзаро фикрий яқинлик, қарашлараро интеграциянинг янги шакллари вужудга келадики, бу бевосита тарихий билимлар даражасининг янги ўфқларини очиб беради.

Лекин ҳар қандай тадқиқотчи қанчалик ўз шахсий тарихий тафаккури, ғоялари ва умумлашмаларига эга бўлмасин, фақатгина гносеологик, назарий-методологик асосларга суяниб қолмасдан, қадриятлар тизими ва умуминсоний цивилизациялар моҳиятидан келиб чиқиб фикрлаши лозим.

Миллий фалсафа миллий тафаккурни, миллий дунёқараш, феъл-атвор ва руҳиятни ўзида мужассам этади. Зотан, миллий тарих ҳам моҳиятан худди шундай. Миллий тафаккур эса миллий анъаналар, миллий маданият даражасига кутарилган турмуш тарзи, ақидалар ва ғоялар инъикосидир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда ўзбек миллий фалсафаси бу яхлит миллий феноменга айланган, минг йиллар мобайнида шаклланган узуксиз ижтимоий тараққиёт ва тарихий босқичлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Кенг маънода эса фалсафа маданиятнинг юраги. У инсон қалби сингари реал ҳаётга, ижтимоий воқеликка нисбатан руҳий-амалий феъл-атворларнинг, хатти-ҳаракатларнинг натижаларини қайд қилади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди, қувонади ёки изтироб чекади. Ана шу жараённинг яхлит, шаклланган, хулосаланган даражаси фалсафий моҳиятдир. Агар тарихга, аниқроғи, унинг моҳиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, тарих фақат инсон хатти-ҳаракатларининг, манфаатларининг натижалари, объектив жараёнгина эмас, балки қадриятлар моҳияти даражасига кутарилади.

Инсониятнинг давомийлиги ва бу шажаранинг узлуксизлиги авлоддан-авлодга ўтувчи маданиятлар давомийлигини таъминлайди. Бу бевосита инсоннинг ўзи яшаб турган даврдаги замонавий қадриятлар мажмуасига ижодий ёндашибгина қолмасдан, ўтмишга ҳам мурожаат қилиб туришга, мавҳум, сирли, синоатли, айни пайтда шуқуҳли ва баъзан изтиробли маданий-тарихий дунё сабоқларини олишга

эхтиёж сезади. Уларни бугунги кун талаблари билан солиштириб, ўз истиқболи хусусидаги хулосаларига аниқлик киритади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих мазмуни хусусида ўйлар экан, инсон доимий равишда ижтимоий шарт-шароитларнинг қадриятларини ва дунёвий йўналтирилганлигини ич-ичидан ҳис этади ва уни ўз амалий фаолиятида намоён қилади.

Бугунги дунё муаммолари ва унинг истиқболи хусусида ўйлар эканмиз, инсоният яшаш учун кураш ва Ер сайёрасида ҳаёт деган олий қадриятни асраш йўллари қидиришга ҳар галгидан кура кўпроқ интилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу бугунги дунёнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнларининг боришида янгича муносабатлардан келиб чиқмоқда. Натижада айни ана шу интилишлар сайёрамизда яшаётган олти миллиард инсоннинг бутун манфаатларига мос келувчи қадриятли, мақсадли мулжаллар моҳиятини касб этмоқда. Бу ўз-ўзидан замонавийлик, бугунги кун муаммолари ва истиқбол қиёфасини белгилаш билан боғлиқ бўлган инсоният тарихий тараққиёт босқичларида тупланган тажрибаларни бирмунча чуқурроқ ўрганишни ҳам тақозо этади. Бу эса бугунги кунда шаклланаётган янгича тафаккурнинг миқёслари ва унинг асоси бўлган инсон ҳаётини сақлаб қолиш, шахснинг ўзини ўзи эркин такомиллаштириши, комилликка интилиши, демократик ҳаёт, маданият дунёси ва маънавий олам тараққиёти, ҳақиқат, гўзаллик, шафқат каби юксак қадриятларни англай олиши билан боғлиқ бўлмоқда. Бу бевосита турли низо ва урушлардан воз кечиб, маданиятлараро интеграция, мамлакатлараро ва халқлараро муштараклик орқали тинчлик маданиятига эришишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ўтмиш сабоқларини ўрганишга эҳтиёж тобора кучайиб бораётганининг ўзига хос асослари бор. Бу бевосита инсониятнинг тарихий тажрибасини ўрганиш, ҳаёт мантигини англаш билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб жараёндир. У орқали тарихнинг мазмунига назар ташланиб, мавжуд тасаввурларга ўзгартишлар киритилади. Қарашлар янгиланади. Муносабатларнинг янги йўналишларини излашга даъват этади. Бошқача қилиб айтганда, тарихий тажриба ижтимоий дунёни инсон томонидан маънавий, маърифий, руҳий, амалий ўзлашти-

риш ва билишнинг янги босқичини очиб беради. Натижада нафақат билимлар, балки қадриятлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзига хос шаклланиш жараёнини бошидан кечиради.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра ўтмишни англашга доир фалсафий билимлар ва қадриятлар бевосита тарихий ҳодисаларни кузатиш, уларни таҳлил этиш ва зарур хулосалар чиқариш натижасида юзага келади.

Тарихий тажриба, тарихий жараёнлардан чиқариладиган хулосалар фақатгина билимлар ва қадриятлар стандарти бўлибгина қолмай, шу билан бирга дунёни амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнида ҳам маънавий қудрат вазифасини бажаради. Натижада инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик имкониятлари кенгайди, аниқроғи, уни руҳлантирувчи, илҳомлантирувчи, даъват этувчи восита ролини бажаради.

Бироқ тарихий тажрибага ва жараёнларга ёндашувлар турлича бўлиши мумкин. Уларни ҳар ким ўзича қабул қилади ва ўзича хулосага келади. Бу яхлит олганда инсоният ўтмиши ҳақидаги тарихий билимлар, жумладан, тарих фалсафаси ҳам мутлақ ҳақиқат ёки якунловчи хулоса эмас, балки нисбий, вақт ўтгани сайин тизимли тарзда ривожланиб, такомиллашиб борадиган узлуксиз жараёндир. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, М. Бахтин «Яхлит, умумий, ягона мазмуннинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биринчи ҳам охириги мазмун бўла олмайди. У доимо мазмунлар орасида мазмуний занжирнинг бир ҳалқаси ва фақат у яхлит ҳолдагина реалликка айланади. Тарихий ҳаётда бу занжир кундан-кунга ўсиб боради ва шунинг учун ҳам унинг ҳар бир ҳалқаси бамисоли янгидан дунёга келгандек алмашииб туради»<sup>1</sup>, — деган хулосани илгари суради.

### 6-§. Тарих ва герменевтика

Ҳозирги дунё тарихни ўрганишда янгича қарашларни тақозо этмоқда. Инсоният тарихини ҳозирги цивилизация талаблари нуқтаи назаридан баҳолаш, ўтмишга бугунги кун эҳтиёжи билан қараш заруратга айланди. Бу бежиз эмас.

<sup>1</sup> М. Бахтин. Эстетика словесного творчества. М., 1979, стр. 350—351.

Зотан, янги юз йиллик, янги минг йиллик инсоният тарихининг янги даврини — қутилмаган зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги аёвсиз курашларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бу бевосита дунёвий тафаккурнинг тобора шаклланиб бораётганлиги, инсоннинг ҳаёт фалсафаси кескин янгиланаётгани билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли, глобал аҳамият касб этаётган маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий жараённи қамраб олади.

Фалсафа тафаккур маҳсули сифатида айни ана шу жараёнларнинг инсон ақл-идрокидаги инъикоси ёки аксинча, янгиланаётган олам таъсирида ўзгараётган, янгиланаётган қарашларининг маҳсули ўлароқ янгича тафаккур тарзи дунёга келмоқда.

Эҳтимолки, бу Арнольд Тойнби «XX асрда ялпи жаҳон тарихи бошланади», деган машҳур даъватининг янги юз йиллик остонасидаги амалий ифодасидир. Дарҳақиқат, бугунги дунё «умумий хонадон», «умумий макон» тақдир билан боғлиқ ҳолда инсоният келажагига дахлдор бўлган интилишлар, мақсадлар ва манфаатлар интеграциясини вужудга келтирмоқда. Бу бевосита жаҳон тарихини ўрганишнинг янги даврини, янги босқичини бошлаб бермоқда. Демак, халқлар, мамлакатлар тарихи тобора дахлдорлик, бир-бирига боғлиқлик касб этмоқда. Ҳар қандай миллат ёки макон тарихий тақдир глобал моҳият касб этмоқда ва умумпланетар жараён сифатида умумсайёравий ҳаётнинг ялпи мазмунига айланмоқда.

Умуман олганда Фарб фалсафасида асосан икки йўналиш мавжуд бўлиб, биринчиси — оламни англаш ва уни тушунтиришда тафаккур имкониятларидан фойдаланиш, дунёни рационал талқин этиш ва у ҳақдаги тасаввурларни илгари суриш бўлса, иккинчиси — инсон ҳаёти, унинг мазмуни, инсоннинг ирода қудрати, мавжудлиги, моҳияти ва бошқа фазилатларни ўзида мужассам этган қадриятлар тизими ҳақидаги қарашлардир.

Аслини олганда бундай қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлса-да параллел равишда такомиллашиб, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига таъсир кўрсатиб бормоқда. Рационалистик ва иррационалистик оқимлар деб номланадиган фалсафий фикр йўналишлари ана шу тарзда ри-

вожланиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар қандай та-  
раққиёт қарашлар тўқнашуви, фикрлар хилма-хиллигининг  
инъикосидир.

Инсоният тарихига ёндашишнинг ва уни фалсафий  
идрок этишнинг ҳозирги замон усулларидан бири герме-  
невтик тафаккур тарзидир. Фалсафий атама сифатида гер-  
меневтика атамасини атоқли немис файласуфи Ханс —  
Георг Гадамер фанга олиб кирди. У оламни фалсафий ан-  
лаш, дунёни фалсафий идрок этиш орқали инсоният та-  
риhini баҳолаш ва уни англашда ўзига хос йўналишни  
бошлаб берди. Зотан, тарихни герменевтик фалсафий тал-  
қини бу бевосита ўтмишни талқин қилиш, англаш қоби-  
лияти даражаси сифатида қабул қилинади. Гадамер герме-  
невтика фалсафасининг предметида тарихий воқеликни  
тушунувчи — тадқиқотчи аниқ далиллар ва умумий тасав-  
вурлар йиғиндисидан иборат бўлмай, инсониятнинг уни-  
версал билимлари орқали шаклланган матнни англаш,  
моҳиятига кириб бориш, фалсафий-мантиқий, маънавий-  
ахлоқий тушунчалар, руҳ ва ҳиссиёт асосий ўрин тутди.

В. Дильте тарихни герменевтик талқин этишда ўзига  
хос ёндашади ва бошқача гоёни илгари суради. Унинг ху-  
лосаларига кўра тарихни тушунишнинг асосий муаммоси  
унинг моҳиятини интуитив ҳолда ҳис қилишдир. Албатта,  
ҳар қандай инсонда қайсидир даражада интуиция — ҳис  
қилиш қобилияти бўлади. Фақат инсонгина интуиция ор-  
қали ҳис қилинган руҳий ҳолатни фикрга, тасаввурга ай-  
лантира олиш имкониятига эга. Фақат угина оламни ту-  
шунишда, воқеа-ҳодисаларни талқин этишда, қандайдир  
хулосалар чиқаришда ва башорат қилишда интуиция им-  
кониятларидан фойдалана олади. Ана шундай қобилият  
тарихчи учун муҳим фазилат, имконият ҳисобланади. Зо-  
тан, тарихчи тарихий жараёнлар сабаблари ва оқибатла-  
рини прогнозлашда интуиция имкониятларидан, ҳис қила  
олиш қобилиятидан фойдаланади.

Ўтмиш ҳақидаги тасаввурлар ҳам ҳар кимда ҳар хил  
бўлади. Бу тасаввурлар ҳамда тушунчалар интуитив имко-  
ниятлар орқалигина вужудга келади. В. Дильте айни ана  
шу ҳолатни бўрттириб кўрсатади, ижтимоий ҳаёт ва тари-  
хий жараёнларни тушунишда, жамият қонуниятларини,  
ижтимоий-тарихий жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни

талқин қилишда интуиция етакчи роль уйнайди, деган хулосага келади. Натижада «Жамиятга тегишли далилларни билишни фақат ички ҳолатимиздан ўтказиб, фақат ўз ҳолатимиздек қабул қилиш асосида тушунишимиз лозим. Тарихий дунёни муҳаббат ва нафрат орқали, ҳиссиётларимизнинг иштиёқли ўйини орқали мушоҳада этамиз. Табиат биз учун соқовдир, у бизга бегона, у биздан ташқаридадир, жамият бизнинг дунёимиздир»<sup>1</sup>, дейди.

Дарҳақиқат, ташқи олам, жумладан, табиат жамият тарихий жараёнларидан, хусусан, инсон олаmidан ташқаридаги ҳодисадир. У бизнинг оламимиздан бошқа олам. Жамият эса биз ўз қўлимиз билан яратган воқелик, ўз дунёқарашларимиз, маънавий-маърифий ва ахлоқий имкониятларимиз маҳсулидир. Жамият бизнинг турмуш тарзимиз, ҳаётдаги ўрнимиз, қарашларимиз ва қадриятларимизнинг натижасидир. Айни ана шу ижтимоий ҳаётдаги барча воқеалар, ҳодисалар бизнинг қалбимиздан ўтган, руҳиятимиз синган, феъл-атворимиз орқали вужудга келган ижтимоий ҳодисадир. Демак, инсоният тарихини ўрганишда, матн устида ишлашда Дильте айтганидек, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик туйғуларини ўзида муҷассам этган инсон ва жамият орқали ёндашиб, унинг моҳиятини англашимиз мумкин.

Гадамер жамият моҳиятини тушуниш ва тарихни талқин қилишда тарихий тушуниш идеали билишда эмас, балки умуман инсонлар қандай ривожланмоқда, халқлар қандай тараққий этмоқда, давлат қандай ўзгармоқда, буларни тўлақонли тушуниш учун нималигини англаш зарур, жамият қандай шаклланаётганини аниқлаш керак, деган хулосани ўртага ташлайди<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, тарихни англаш, уни бутун моҳияти билан тушуниш бу тарих ҳақидаги айрим маълумотлар, рақамлар ва саналар ёки қайсидир тарихий далиллардан хабардор бўлишгина эмас. Тарихни англаш, бизнингча, келажак ҳақидаги тасаввурлар қанчалик чексиз, қанчалик

<sup>1</sup> Г. Гадамер. Истина и метод. М., 1988, стр. 9.

<sup>2</sup> С. Йулдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. «Шарқ», Т., 2002, 315-бет.

чегарасиз ва мавҳум бўлса, ўтмиш ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам, қанчалик манба ва далилларга эга бўлмайлик, ўша давр кишиларининг қарашлари, мақсад ва интилишлари, улар қурган жамият қонуниятлари олдида чекланган, сирли-синоатли, мавҳум ва нисбийдир. Ана шу жиҳатдан қараганда тарихга муносабатда кишилик ўтмиши бутун моҳиятини, кўлами ва салмоғини, севинч ва изтиробларини ҳис қила олмоқ зарур. Бу, Гадамер таъкидлаганидек, «инсонлар қандай ривожланмоқда, халқлар қандай тараққий этмоқда, давлат қандай ўзгармоқда», деган саволларнинг бутун моҳиятини тушуниш, унинг илдизларига етиш ва жараёнларни, воқеа-ҳодисаларни қалбимиздан ўтказиб чуқур, бутун кўлами билан ҳис қилишимизни тақозо этади.

Инсон тафаккурининг эволюцион ривожини, тасаввурларининг динамикаси ҳамма вақт фан тараққиётининг янги босқичларини очади. Жумладан, тарихни тушуниш ва тарихни англашда ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг (Гадамерча айтганда руҳий фанлар) ўрни ва роли яна ҳам ошиб боради. Бир фан орқали эмас, балки фанлар-аро интеграция, турли йўналишдаги турдош фанларнинг бир-бирини тўлдириб, бир-бирини бойитиб бориши орқали инсон тафаккурида жиддий ўзгаришлар ясаш мумкин бўлади. Ана шу ҳолатни назарда тутиб «Фанга фақат фойдалилик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш керак эмас, ҳар бир билимнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти бор. Фан ўз чегарасини билиши зарур. У бетараф бўла олмайди. Олим ўз кашфиёти учун жавоб бериши керак, жамият олдидаги масъулиятини унутмаслиги лозим. Инсон дастлаб «хусусийлик» ҳақида эмас, руҳий мавжудот сифатида «умумийлик» ҳақида ўйлаши керак»<sup>1</sup>, — дейди Гадамер.

Демак, ижтимоий-гуманитар фанлар фан сифатида алоҳида-алоҳида, мустақил йўналишга эга. Улар ўзига хослиги, тадқиқот объекти ва предмети билан бир-биридан фарқ қилса-да, ижтимоий-тарихий жараёнларга муносабатда бефарқ бўла олмайди. Ҳар қандай кашфиётчи ўз

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси, «Шарқ», Т., 2002, 316-бет.



кашфиёти учун, ўз ихтироси ва башорати учун масъулдир. Инсон моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан айрим «хусусий» эҳтиёжларга эга бўлса-да, руҳий мавжудот сифатида маънавий-ахлоқий ва маърифий жиҳатдан яхлит жамият эҳтиёжларини ўзида мужассам қилади ва ҳар бир индивид моҳияти ижтимоий нуқтаи назардан «умумийлик» касб этади. Инсоният тарихи эса ана шу умумийлик хосиласи сифатида дунёга келади.

Тарих амалий фаолият, кишилик ҳаётининг натижаси экан, унга ҳаққонийлик ва, айниқса, ҳаётийлик нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Ана шу ҳаётийликни таъкидлар экан, Гадамер: «Бу шундай хусусиятки, унга ташқаридан кириб бўлмайди. Аксинча, уни фақат ичига кириб билиш мумкин»<sup>1</sup>, — деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, ҳаётнинг ичига кирмагунча, унинг ички зиддиятларини ҳис қилмагунча, бу оламнинг ўзига хос сир-синоатидан хабардор бўлмагунча унинг моҳиятини етарли даражада тушуниб, англаб ва унга аниқ баҳо бериб бўлмайди.

Ҳаёт моҳиятини англаш, уни ҳис қила олиш, ҳар бир кишининг ўзига хос интуитив имкониятига, қувваи ҳофизасига, шавқу шуурига боғлиқ бўлади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб Гадамер «тарихшунос бир муаллиф асарини ўрганар экан, тарихий ҳодисани талқин қилар экан, ўрганувчининг тасаввури, мулоҳазалари доимо асар мазмунини, руҳиятини айнан акс эттира олмайди. Талқин қилувчи тарихий вазиятга кириш учун ўзлигини бир оз унутиши лозим ҳамда матннинг ўзига хослигини тасаввур қилиши зарур, шунда талқинчи учун янги қирралар очилади»<sup>2</sup>, деган ғояни илгари суради.

Демак, тадқиқотчи ҳар қандай тарихий манба устида ишлар экан, ўз тасаввурлари ва тафаккур тарзидан ташқари айни ана шу матннинг ич-ичига кириб бориши, унинг тағзаминини, бутун яширин қатларини очиши, кашф этиши ва унинг дунёсида яшамоғи лозим. Шундагина тарихнинг умумий тафсилотларига ўралашиб қолмасдан, унинг

<sup>1</sup> Г. Гадамер. Истина и метод. М., 1998, стр. 304.

<sup>2</sup> Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. ва бошқалар. Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. Т., «Шарқ», 2002, 316-бет.

ич-ичига чуқурроқ кириб бориши, унинг фалсафий-мантикий моҳиятини кенгроқ кашф этиши мумкин бўлади.

Умуман олганда ҳар қандай манба моҳияти ва қуламини интуиция орқали талқин этиш, уни ҳис этиш алоҳида қобилият ҳисобланади. Бу, айниқса, бадиий ижод намояндаларида яққол кўзга ташланади. Дейлик, атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг Гётенинг «Фауст» асари, С.Есениннинг «Форс тароналари» туркумидаги шеърлари таржимасида юксак ва такрорланмас бадиий маҳорат билан бирга айна ана шу интуитив қобилиятнинг ноёб имкониятлари кўзга яққол ташланади.

Мутахассисларнинг фикрича, Э. Воҳидов «Фауст»нинг рус тилидаги саккиз хил таржимасини (шеърый ва насрий таржималарни) ўрганиб, уларни бир-бирига қиёслаб, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Интуитив қобилият ва ҳис қила олиш имкониятининг кучи шундаки, ўзбек тилидаги «Фауст» таржимаси барча рус тилидагилардан кўра асл нусхага — немис тилидаги вариантга жуда яқин экан. Худди шундай Есенин шеърларини ўқиган киши унинг таржима асари эканлигини унутиб, табиий, ўзбек тилида ёзилгандай қабул қилади.

Ана шу ҳар икки ҳолат асарлар муаллифлари билан таржимон қувваи ҳофизасининг, бадиий-фалсафий тафаккур қудратининг нақадар ҳамоҳанг эканлигидан қатъи назар, турли даврларда яшаган, бир-бирини кўрмаган, билмаган ижодкорларнинг қалб тугёнлари, руҳий оламининг интуитив имкониятлар орқали нақадар яқинлашганини, бир-бирига мос тушганлигини кўрсатади.

Ҳозирги замон фанида интуициянинг ўзига хос роли, унинг феноменологик имкониятлари бирмунча тадқиқ этилган. Бу интуициянинг бевосита ижтимоий воқелик ва тарихий жараёнларнинг боришини олдиндан башорат қилиш воситаси сифатида ўзини намоён этиш жараёнини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар тизимидир.

Илмий билишда интуициянинг ўрни, ҳиссий ва мантикий билишнинг ўзаро доимий таъсири орқали улар бир-бирини тўлдириб турадиган ҳодиса сифатида талқин этилади. У узлуксиз жараён ва инсон-тадқиқотчи имкониятларининг ўзига хос кўринишидир. Бу ҳол, айниқса, ўтмиш-ни тушуниш, уни англашда алоҳида аҳамиятга эга.

Интуитив билиш бевосита бутун инсоният тарихини билишнинг ўзига хос шарт, ҳиссий ва мантиқий тафаккурнинг моҳияти шаклида вужудга келади. Натижада бундай билиш жараёни ҳиссиёт ва воқеликни уйғунлаштирувчи кучга, жараёнлар моҳиятини мумкин қадар аниқроқ ҳис этишдек мураккаб руҳий ҳодисага ёки А. Эйнштейн ибораси билан айтганда, «Бу кенг миқёсли ўйин самарали фикрлашнинг амалий қирраларига айланади».

Гадамер тарихни тушуниш, тарихни фалсафий англаш хусусида гапирар экан, «Тарихий герменевтика қўлланилиши керак. Ҳамма дастлабки фикрлар олиб ташланиши зарур, бу энг умумий талабдир»<sup>1</sup>, деган фикрни илгари суради. Демак, тарихни тушунишда ўша даврда яшаган одамларнинг тафаккур тарзи, турмуши, ақидалари, таомилларини чуқур ўрганмоқ лозим. Чунки ана шу унсурлар уларнинг яхлитлигини, борлигини ва мавжудлигини ташкил қилади.

Ҳар бир тарихий давр айна ана шу давр одамлари дунёқарашининг маҳсулидир. Бу дунёқараш жамиятнинг ижтимоий моҳиятини ўзида мужассам этади. Тарихий жараён талқин этилганда айна ана шу имкониятлар ва омиллар алоҳида инобатга олинмоғи лозим. Демак, тадқиқотчи инсон орқали ижтимоий моҳият, ижтимоий ҳаёт мазмуни тадқиқотчисига айланмоғи керак. Айна ана шу урфодатлар, турмуш тарзи жамият маънавий-руҳий оламини белгилайди. Тадқиқотчи ижтимоий ҳаёт моҳиятига кириб бориши, унинг руҳий кенгликлари қатларини очиши, тилсимини кашф этмоғи керак. Ҳар қандай манба, хабар, ҳужжат ёки матн билан ишлашда унинг туғри-нотуғрилиги, салбий ёки ижобийлиги, қандай манфаатлар йўлида яратилганлигига алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Қайсидир тарихий босқич ўрганилаётганда тадқиқотчи ўтмишнинг худди ана шу босқичида яшаган одамларнинг тарихий вазиятини англашни, уларнинг ақидаларини, таомилларини, қарашлари ва руҳиятини билмоғи ҳамда унинг ичида яшамоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, «Ҳақиқатга тадқиқотчи «матн» орқали доимий «мулоқот»

<sup>1</sup> Г. Гадамер. Истина и метод. М., 1998, стр. 328.

олиб бориш йўли билан, бутунги дунё билан тарихий дунёнинг доимий мулоқоти орқали эришмоғи керак»<sup>1</sup>.

Немис файласуфи Эдмунд Гуссерлнинг феноменологик фалсафасида ақлий интуиция тушунчаси устуворлик қилади. Жумладан, у ҳар қандай ҳис қилиш қобилиятини ақл-идрок орқали амалга оширишни, моҳиятга асосланган жараён эканлигини айтади. Натижада, «интуиция бу илоҳий ҳис-туйғу, қалб овози эмас, балки ақл овозидир»<sup>2</sup> деган хулосага келади. Бизнингча, бундай таъриф ва ёндашув кўпинча илмий тадқиқот ишларида, хусусан, тарихни англаш, тушуниш ва ифода этишда яна ҳам кўпроқ қўл келади ва аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Зотан, ҳар қандай фан ақл орқали намоён бўладиган фикр, мулоҳаза, мушоҳада натижасидир. Жумладан, утмиш ҳақидаги тасаввурлар ақл орқали куюқлашиб, яхлит моҳият касб этади. Юзаки ва сийқа қарашлардан фарқли ҳолда ўз илмий асоси ва назарий исботини топади. Дарҳақиқат, онг кенг миқёсли, зиддиятли ва ранг-баранг олам, ҳар қандай онг тушунчалар ва тасаввурлар жамулжами. Унинг таянчи эса ёлғиз ақл, идрок. Ақлга таянган, идрок устувор бўлган онггина ўзининг маърифий қудратини, фикрий салоҳиятини тўла намоён эта олади. Ақлга таянмаган ҳар қандай онг зарарли ва гайриинсонийдир. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб Гуссерль масаланинг тўрт жиҳатига алоҳида эътибор беради:

- фикрлар гўзаллиги ва мукамаллиги;
- фикрларнинг ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги ва ўзаро ҳамкорлиги;
- фикрларнинг моҳияти ва уларнинг мантиқий тушунчалар орқали акс эттирилиши;
- мазкур фикрлар оқимини урганувчи феноменолог олимнинг ҳис-туйғулари. Бу ҳис-туйғуларнинг фикрлар оқимига таъсир қилиши<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, Гуссерль фалсафасида ҳар қандай интуиция, ҳис-туйғу ақлга таянади ва у асосли фикр-

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. Т., «Шарқ», 2002, 318-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 258-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. Ўша жой.

лаш, жўяли хулосалар чиқариш имконини беради. Тарихни ўрганиш, инсоният ўтмишини тадқиқ этишга феноменолог ёндашув ҳар бир давр феноменини, ўша давр одамларининг ўзига хослигини ва яхлит қиёфасини ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирги замон тарихни англаш ҳодисаси фалсафий герменевтиканинг ана шундай кенг миқёсли, инсон олами орқали у яшаган даврга баҳо бериш, уни талқин этиш ва етарли хулосалар чиқариш имконини беради. Фалсафадаги тушунишдан олдинги англаш ҳолати тарихни ўрганишдан олдин ўша ўрганиладиган давр тарихи тўғрисида бирмунча тўлароқ ҳаётӣй, тарихӣй, илмӣй тайёргарликка эга бўлиш, маълум бир тушунчага асосланиб, тадқиқ этиш орқали интуитив талқин этиш ва тушунтириш имкониятларидан кенг фойдаланишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу бевосита тарихӣй-фалсафӣй тафаккур тараққиётининг ўзига хос оқими сифатида ўзининг янгидан-янги имкониятларини кўрсатмоқда.

### 7-§. Тарихӣй жараён ва ворисӣйлик

Тарихӣй тафаккур ўзида инсон моҳиятини, унинг тарихӣй мавжудот сифатидаги оламини ифода этувчи тушунчадир. Зотан, инсон тарихӣй мавжудот сифатида ўз ижтимоӣй табиатига тааллуқли воқеликнинг эмас, айни пайтда у жуда катта маънавий-ахлоқӣй мезонлар орқали тарихӣй давомӣйлик, тарихӣй ворислик ва келажак олдида масъуллик қадрияти ҳамдир. Тарихӣй тафаккур орқалигина инсон ўтмиш ва келажак ўртасида воситачи, боғловчи, куприк вазифасини ўтайди. Ана шу ижтимоӣй воқелик бевосита инсоннинг кишилик жамияти тадрижӣй тараққиётига боғлиқ ҳодиса сифатида ўзини намоён этади. Инсоннинг ижтимоӣй тафаккурида бевосита у яшаб турган давр моҳияти ўтмиш ва келажак тўқнашувиди очилади ва тўлақонли моҳият касб этади. Ҳар бир давр тарихӣй ореалларнинг моҳиятини тушунишда, унга мос ижтимоӣй шароитни вужудга келтиришда ана шу тарихӣй онг, маданий-маънавий савия, ахлоқӣй ва руҳӣй мезонлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоӣй онгнинг барча куришишларида инсоннинг

ижтимоий характери, феъл-атвори, хатти-ҳаракати у ёки бу шаклда акс этади. Бошқача қилиб айтганда, инсонда унинг биологик мавжудликдан ташқарида бўлган қалб, руҳ, онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган, фақат инсонгагина хос бўлган қадриятлар тизими устуворлик қилади. Ана шу устуворлик инсоннинг тарихий, ижтимоий тафаккурига асос бўлади.

Мавжуд тарихий шароитда юзага келган ижтимоий маданият тарихдан ажралган муаллақ воқелик эмас. Аксинча, у ўзидан олдинги даврлар ва бир неча минг йиллик эволюцион тараққиётнинг ҳосиласи сифатида юзага келади. Демак, жамият инсон орқали маънавий маданият қиёфасини эгаллар экан, у тарихий тажриба ва ижтимоий амалиётнинг ўзига хос синтезига айланади<sup>1</sup>.

Айни ана шу ҳодиса инсоннинг пайдо бўлиши, унинг генезиси орқали мавжуд шаклланган тарихий онг, унинг маҳсули бўлган кишилик жамиятининг ютуғига айланади. Айни пайтда бу тарихий-маданий ворисликнинг мустаҳкам ва қатъий ривожланиш динамикасидан далолат беради.

Ҳайвонот олами ҳеч қачон ҳис-туйғу, фикрлаш ва муносабат билдириш, сўзлаш имкониятларига эга бўлмаганидек, ўз хусусиятларини бир жойга жамлай ололмайди. Гарчи қайсидир интуитив алоқалар орқали турдошлари ўртасидаги яқинлик, оналик ва болалик ҳисси, оталик масъулияти, болани боқиш ва асраш имкониятларига эга бўлса-да, ўзининг бошқа жиддий манфаатлари атрофида жамоага айлана олмайди. Буни идрок ҳам этолмайди.

Инсон эса худди ана шу фазилати билан улардан фарқ қилади. Унинг табиатида хилма-хил фаолият, хилма-хил муносабат, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, манфаатлар устуворлиги учун муносабатлар туқнашуви юзага келадик, бу одамларнинг ўзаро бир-бирини тушунишига, ҳамжиҳат бўлиб яшашига, инсон ҳаётининг ижтимоий моҳият касб этиб, кишилик жамиятининг шаклланишига олиб келади.

Инсон ақл-зақоси, интеллектуал имкониятлари айни бир инсонга хос бўлибгина қолмай, у ижтимоий моҳият

<sup>1</sup> С. Йўлдошев, М. Усмонов, Р. Каримов ва бошқалар. Янги ва энг янги Фарбий Европа фалсафаси, Т., «Шарқ», 2002, 258-бет.

касб этиб, жамоа ютуғи сифатида дунёга келади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай интеллектуал имконият ташқи таъсир, жамоатчилик фикр-мулоҳазалари, бошқаларнинг салбий ё ижобий таъсири, кимларнингдир йўл-йўриқлари орқали ривожланади ва охир-оқибатда умуминсоният ютуғига айланади.

Айни ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, кучларни бирлаштириш, қобилиятлар ва истеъдодлар имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали ялпи ижтимоий ҳаёт ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос моделлари ишлаб чиқилади.

Ижтимоий фаоллик инсоннинг жамият ижтимоий-тарихий жараёнларига иштирокини таъминлайди. Тарихий хотира ривожи, маълум бир индивид томонидан коллектив тажрибанинг ўзлаштирилиши оқибатида янги тажрибанинг янги қирралари вужудга келадики, бу бевосита алоҳида индивид доирасидан чиқиб кетиб, ялпи ижтимоий тафаккур моҳиятига эга бўлади.

Тарихий тараққиёт босқичларида авлоддан-авлодга ўтиб борадиган ворисийлик, улкан маданият ва бошқа кадриятларга меросхўрлик тарихий нуқтаи назардан етакчи ва таъсирчан тарбиявий механизмга айланади ва айтиш мумкинки, ҳар қандай маданий ютуқ айни ўша давр ютуғигина эмас, балки унгача тўпланган тажрибалар ва авлодлар шажараси орқали етиб келган кадриятлар натижаси ёки тарихий билимлар ифодасидир.

Ҳар қандай инсон алоҳида индивид сифатида тўпланган тажриба, тарихий хотира, тарихий мероснинг ўзига хос давомчиси. Фақат айни ана шу тажриба ва меросга ким қандай шаклда, қандай мақсадни олдига қўйиб ёндашганлиги билан фарқ қилади. Бу ўз-ўзидан тарихий меросга ёндашишда услуб муаммосини келтириб чиқаради.

Демак, ҳар бир киши алоҳида шахс, алоҳида дунё, ўзига хос феъл-атвор, муносабатлар, муаммолар мезонларига эга экан, тарихий тажрибага муносабатда ҳам ўз дунёқараши, ўз муносабати ва услуби орқали ёндашади.

Тарихий онг ривожлангани сари ижтимоий тафаккур тараққий топади. Маълум бир жамият доирасида миллий маданият, урф-одатлар ва анъаналар такомиллаша боради. Янги давр эҳтиёжлари нуқтаи назаридан уларнинг янги-

дан-янги қирралари очилиб, бойиб боради. Инсоният тарихи нуқтаи назаридан ёндашганда эса жаҳон маданияти тарихида ялпи ривожланиш, ялпи тараққиёт давом этади.

Тарихий тафаккур, тарихий онг ҳақидаги илк тасавурлар Геродот ва Фукидид даврларидаёқ шаклланган ҳамда қайсидир даражада ўзининг илмий мақомига ҳам эга бўлган. Жумладан, тарих қандай англашилганидан қатъи назар, тарихчи томонидан далилларни топиш ва улар устида ишлаш, уларни танлаш ва гуруҳларга бўлиш, маълум бир тизимга солиш ва тарихни ўрганишдаги ўрнини, йўналишларини белгилаш тамойиллари ишлаб чиқилди. Ана шу тарзда тарихий даврларни ёки даврлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолашда ва умуман инсоният тарихи ҳақидаги фикрларни белгилашда ўзига хос ёндашув, ўзига хос хулоса чиқариш тажрибаси юзага келади. Масалан, кимдир учун тарих қаҳрамонликлар, мислсиз жангу жадаллар даври, яна бошқаси учун кучли драматик ҳолатлар, инсон руҳияти, изтироблари ва дард-андуҳларининг жамулжами, учинчи бир тадқиқотчи учун узлуксиз давом этиб турадиган мантиқсиз «сериал», яна бошқаси учун эса дунёнинг якуни, охиратнинг яқинлиги ва охир-оқибатда инсоннинг ўз тарихига ўз феъл-атвори ва маънавий-ахлоқий даражаси орқали нуқта қўйиши билан боғлиқ бўлган тушкун ҳолатлар тизими.

Тарихни англашнинг хилма-хиллиги шундаки, кимдир уни мисоллар, тафсиллар ва далиллар орқали ўрганса, бошқаси Яратганга ҳамду санолар айтиб, кишилик ҳаёти ёлғиз унинг қудрати, хоҳиш-иродаси орқали бошқарилади, деган ғояни илгари суради. Учинчиси эса тарихий тажриба орқали фалсафий мушоҳада юритади, ундан ибрат излайди, ижобий тажрибаларни ўзлаштиришга интилади. Яна бошқа биров инсоният тарихини ёвузлик ва шафқатсизлик, нодонлик ва жаҳолат тимсоли сифатида кўради ва шундай баҳолайди.

Бу, албатта, табиий ҳол. Бу дунё ва умуман инсоният тарихи шу даражада кенг, шу даражада хилма-хил ва ранг-барангки, ундан ким нимани изласа ўшани топади ва ўз хулосасини исботлаш учун етарли далилни ҳам рўкач қила олади. Ана шундан бўлса керак, шоир ибораси билан айтганда:



*Иллат излаганга иллатдир дунё,  
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.  
Ким нени изласа топар бегумон,  
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.*

Тарих фани ўз табиатига кўра тарихни ёзиш, уни тартибга солиш, ҳар бир босқичнинг ўзига хос белгиловчи, асосий тамойилларини, назарий ва мантиқий, фалсафий ва илмий услубда ўзига хос вужудга келтиришдир. Бу бевосита инсоният маданий тараққиётининг дунёвий моҳиятини ўзида намоён қилади. Ҳарҳолда, ҳар қандай тарихчи интеллектуал шахс сифатида унга ўзича ёндашиб, ўз муносабатини билдиради ва умумий тарзда тарих фанининг тарихий тараққиётига қайсидир даражада ҳисса қўшади.

Тарихнинг тадрижийлиги, узлуксизлиги бу бевосита «кеча—бугун—эрта» формуласи орқали давом этаётган доимий жараён. Бугун биз ҳозирги замон муаммолари, ижтимоий тарихий жараёнлари, уларнинг ахлоқий мезонлари, маънавий-маърифий даражаси хусусида қанчалик куйиниб ўйламайлик, бугун биз кўраётган ҳосил кеча экилган дарахт меваси эканлиги, бугун бўлмаса эрта йўқлиги, бугуннинг мавжудлигига эса кечанинг давоми эканлиги нуқтаи назаридан ёндашишимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, файласуфларнинг фикрига кўра, агар ҳеч нарса ўтиб кетмаган бўлса, демакки, тарих бўлмаса, нафақат келажак, балки ҳозирги замоннинг ўзи ҳам бўлмайди. Демак, вақт қандайдир маънода жараёнлар, ҳодисалар, воқеаларнинг ўзаро боғлиқлигида яшайди ва ўз маънавий қиёфасини, салмоғини, моҳиятини, салбий ёки ижобий натижаларини кўрсатади. Ана шунда вақтнинг моҳияти очилади.

Тарихнинг давомийлиги ва ана шу давомийлик моҳиятини тушуниш орқали биз келжакка йўл очар эканмиз, айти тарихнавис мутахассисларнинг тарих моҳиятини қай даражада очганликларига, унинг фалсафий-мантиқий моҳиятини қандай шаклда тушунтириб берганликларига, тарих ёзиш амалиётида қандай тамойилларга суянганликларига, тарихнависликнинг усул ва услубларини қай даражада такомиллаштириб боришларига ҳам боғлиқ. Айти ана шу муаммоларнинг ечимида тарихни фалсафий англаш, фалсафий тушуниш ва идрок этишнинг таянчи булган тарих фалсафаси вужудга келади.

Ҳар қандай индивидни, ижтимоий воқелик сифатида шахсни тарбиялаш энг илғор, сермаҳсул ва прагматик мақсадларни кўзлайдиган, уни давом эттиришга интиладиган, ривожлантиришга ички бир эҳтиёж билан қарайдиган жамиятни вужудга келтириш учун тарих фалсафаси алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу бевосита тарихда вориийлик моҳиятини тушунишга, уни қадриятга айлантиришга олиб келади.

Ана шундай тарихнинг мураббийлик роли, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни хусусида уйғониш даврининг таниқли намояндаларидан бири, инглиз мутафаккири Ларк Болинг Брок ўзининг «Тарихни урганиш туғрисидаги хатлар»ида: «У ҳолда тарихнинг асл фойдасини нимада куриш мумкин? Бизлар яна ҳам яхши ва донишмандроқ бўлишимиз учун у қай тарзда хизмат қилиши мумкин? Мен сизларга жавоб қилишим мумкин: тарих — бу бизни мисоллар ёрдамида тарбиялайдиган фалсафадир...» — деган эди.

Файласуф тарихнинг тарбиявий моҳияти хусусида фикр юритар экан, инсоннинг номукамаллиги, ҳар томонлама етук бўлишга изчил интилса-да, олий мақомдаги баркамолликка эриша олмаслигидан изтироб чекади. Инсон табиати ва феноменини ташкил этган ақл-фаросати чекланганлиги, ҳар қандай мулоҳазаларга, мисолларга, тажрибаларга тўлақонли ёндашолмаслиги, аниқроғи, уларнинг бутун кўлами ва моҳиятини тўла-тўқис ўзлаштира олмаслиги хусусида гапиради ва «Бутун дунё, кишилик жамияти ва унинг тарихи ибрат мактаби бўлиб, ушбу мактабнинг мураббийси тарих ва тажриба ҳисобланади», деган хулосага келади.

Тарихнинг ана шундай жуда катта маънавий-ахлоқий имкониятлари хусусида гапирар экан, Вольтер тарихнавислик анъаналарига тарихнавислик предмети ҳақидаги янги тасаввурларини қарши қўйиб, бутунлай янги қарашларни илгари суради. Жумладан, у «Энди миллатнинг қай даражада, қай тарзда юксалишини, бугунги даврнинг аввалида унинг аҳолиси қандай бўлганлигини ҳамда унинг савдо-сотиғи қандай бўлди ва кенгайди, бизнинг мамлакатимизда қандай маданият пайдо бўлди ва қандайлари ташқаридан киритилди ва такомиллаштирилди, ўтмиш ва

бугунги кунда давлатнинг даромади тахминан қандай бўлди. Денгиз қудрати қандай пайдо бўлди ва ривож топди. Сон жиҳатдан дворян, руҳоний ва монахлар билан улар ўртасидаги миришкорларнинг фарқланиши қай тарзда бўлган», — каби ўта ҳаётий, кундалик турмуш тарзи муаммолари орқали мавжуд жамиятга, яратилаётган тарихга баҳо беради. Демакки, бу бевосита ижтимоий ҳаёт ва халқ кундалик турмуш тарзининг моҳиятидан келиб чиққан хулосалар. Аслини олганда айна ана шу хулосалар, ана шу ҳолатлар тарих моҳиятини белгилайди.

Инсон табиатига кўра жисмоний ва руҳий қудратга эга. Жисмоний қудрат инсоннинг табиат қонунларига қай даражада бўйсунганлиги, унга итоаткорлиги билан боғлиқ бўлса, руҳий қудрат инсоннинг ўз турмуш тарзини ўзгартиришга, унинг ҳаёт мазмунини оширишга бўлган эҳтиёжидир. Ана шу эҳтиёж уни доимий равишда камолотга етаклайдиган ички қудрат, ички қувватга айланади. Инсон руҳий мажудот сифатида ўз эрки, ўз қадру қиммати, ҳаёт завқу шавқини таъминлашга қодир бўлган, уни таъминлайдиган тартиботларни, мавжуд меъёрларни ўзгартиришга, бойитиб боришга қодир бўлган жонзот сифатида ўзини намоён этади. Инсоннинг ақл-зақоси, фаросати ва ижодий имкониятлари бутун моҳияти билан ҳаётни ўзгартирувчи воситага айланади ва тарихий тараққиётнинг янги босқичини бошлаб беради. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Инсон руҳий ва ахлоқий номукамаллиги туфайли барча бахтсизлик ва изтиробларнинг сабабчисига ҳам айланади. Инсон оламининг мураккаблиги, табиатининг зиддиятлилиги ана шу ҳар икки моҳиятни ўзида мужассам этганлигидадир.

Умуман олганда тарихга назар ташланар экан, ўтмишдаги руҳий ва маънавий қашшоқлик, ўзаро адоват ва қарама-қаршилиқлар, зулм ва зўравонликлар эзгуликлар, яхшилиқлар, маърифат ва маданият, фан тараққиёти кўламидан кўра устуворроқдай туюлади. Бу баъзан бизнинг келажакка нисбатан оптимистик мунсабатларимизга тарихнинг тушкун манзараси қарама-қарши тургандай ва истиқболга ишончимизни бир мунча сусайтираётгандай кўринади. Бироқ бундай кайфият қандай инсон, қандай тадқиқотчи қандай жамиятда яшаётганлиги билан ҳам

боғлиқ. Ҳарҳолда тарихчи ўтмишдан зарур хулосалар чиқариб, порлоқ истиқболга даъват этувчи, кишига жўшқинлик ва умидворлик, ишонч ва ирода бахш этувчи ғояларни илгари сурмоғи лозим.

Биз бугун мустақиллик шароитида миллий уйғониш, миллий ўзликни англаш жараёнини бошдан кечиряпмиз. Бу бевосита миллий қадру қиммат, буюк маданий мерос ва қадриятлар қайта тикланиб, ўз мавқеини эгаллаётган жуда катта тарихий жараён. Унинг натижасида эса бизда янгидан-янги куч-қудрат, ички ирода ва яратувчиликка даъват туйғуларни кучайиб бораётган бир пайтда келажакимизни аниқ кўраётганимиз ва буюк истиқболга интилаётганимиз бежиз эмас. Бу бевосита жамиятда шаклланаётган ижтимоий фикр, тарихий тажриба ва ундан келиб чиқаётган ижобий, баланд руҳ ва ялпи сафарбарликка чақирувчи хулосалар орқали тобора такомиллашиб бораётган, кеча, бугун ва эртанинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаётган жуда катта маънавий-маърифий жараёндир.

### **8-§. Тарих фалсафасида анъанавийлик ва замонавийлик**

Тарихнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, англаш ва тарихий тафаккурга доир замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш, демак, бугунги кунга келиб инсоният босиб ўтган залварли йўл орқали ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги файласуфларнинг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда уларга янгича ёндашишдир. Бу бевосита тарих фалсафаси доирасидаги илк тасаввурларнинг пайдо бўлишидан тортиб то бугунги кунгача узлуксиз ривожланиб келган, концептуал асосланган, ўзининг методологик тадқиқот майдонига, фан мақомига эга бўлгунга қадар бўлган улкан тарихий масофани қамраб олади. Демак, инсоният ибтидосидан бугунгача бўлган файласуфларнинг дунёвий истиқболлар мўлжалларини белгилаганлиги, уларнинг йирик хулосалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тадрижий ривожланиш ва динамик тараққиёт босқичларини ўзида мужассам этади.

Инсон ақл-идроки тарихий ва ижтимоий тараққиёт, унинг инсонпарвар ғоялар доирасидаги меъёрлари, одамларнинг келажакка бўлган умидлари ҳамда истиқбол ҳақида

башорат қилиш имкониятларини қамраб олади ва келажак ҳақида жиддийроқ мулоҳаза қилиш зарурлигини долзарб муаммо қилиб қўяди. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб бугунги дунё тараққиёти таҳдид, зўравонлик, наркобизнес, диний ақидапарастлик ва халқаро терроризм тобора хуруж қилаётган бир пайтда қатъият билан тарих фалсафаси қадриятларини қайтадан қўриб чиқишни, утмишнинг мумтоз меросидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги замон фани кўп минг йиллик тараққиёт давомида тупланган тажрибаларни умумлаштириш, уларнинг янгидан-янги йўналишларини қидириб топиш, ҳозиргача яратилган илмий меросни конструктив қайта янгилаш йўлидан бормоқда. Бугунги кунда тарихий тафаккурнинг чегара ва имкониятларини янада кенгайтириш, унинг умуминсоний қадрият сифатидаги ҳозиргача аниқланмаган жиҳатларини фалсафий тафаккур асосида қайта яратиш давр талаби бўлиб қолди. Зотан, бундан бир неча йиллар олдин атоқли ҳинд сиёсат ва жамоат арбоби Жавахарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида «У (фан — Н. Ж.) жаҳонга олға сакраш имкониятини туғдирди. Ёрқин цивилизацияни яратди. Билимларнинг ривожини учун сон-саноксиз йўллар очиб берди ва инсоннинг куч-қудрати даражасини ниҳоятда ошириш билан инсон ўз жисмоний муҳити устида зафар қозониши ва уни қайта ясаши мумкин деган фикрга келди. Инсон деярли Ер қиёфасини кимёвий, физикавий ва бошқа кўпгина жиҳатлардан ўзгартирувчи биологик кучга айланиб қолди»<sup>1</sup>, — деган эди. Дарҳақиқат, янги минг йилликда беқиёс ва улкан қудратга эга бўлган биологик қувват — Инсон Ер шари тақдирини, сайёрамиз истиқболини белгилайдиган муъжизага айланди.

Ҳозирги замон тарих фалсафаси глобал дунёнинг глобал муаммоларини қамраб олмоқда. Жумладан, унинг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш;

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Вторая книга. М., Издательство политической литературы, 1989, стр. 384.

– атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш – экологик муаммолар;

– атмосферанинг исиб бориши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўладиган фожиаларнинг олдини олиш;

– аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий кадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш – демографик муаммоларни ҳал этиш;

– ер юзи аҳолисини зарур озик-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш;

– очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланишни таъминлаш ва ривожланган мамлакатлар билан қолоқ мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;

– хавfli касалликларни тугатиш;

– инсон маънавий муҳити софлигини таъминлаш – этикология муаммосини ҳал этиш ва бошқа бир қатор жиддий масалалар борки, булар ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари орқали ўз ечимни кутмоқда.

Бугун юз бераётган воқеалар эртага тарихга айланишини назарда тутиб, тарихни фалсафий ўрганишнинг «кеча – бугун – эрта» тамойили асосида юз бераётган тарихий-ижтимоий жараёнлар моҳиятини чуқур ўрганиш орқали прогнозлаш – башорат қилиш усуллари билан ҳам кенг фойдаланишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Фаннинг қандай бўлишидан қатъи назар инсон ақлининг маҳсули сифатида кишилик жамияти тараққиётидаги ўрни ва роли ҳақида гапирар экан, Паскаль «Ақлнинг сўнгги қадами ақлнинг чегарасидан ташқари сон-саноксиз нарсалар борлигини англаб етишга олиб келади. Агар буни қила олмаса, у ўз ожизлигини пайқаб қолади»<sup>1</sup>, – деган эди.

Паскальнинг ана шу қарашларини ва инсон тафаккурининг ҳали англаб етолмаган ҳаёт қатламлари, серқирра ва ранг-баранг оламнинг мавҳум, кўз илғамас томонлари мавжудлигини назарда тутиб Жавоҳарлал Неру «Шунинг учун ҳам биз ҳаётга фан руҳида фаннинг фалсафа билан ва унинг чегаралардан ташқарида ётган ҳамма нарсага ҳурмат билан уйқашиб кетган усулини қўллаб ёндашишимиз

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Вторая книга. М., Издательство политической литературы, 1989, стр. 385.

керак. Шундай қилиб, биз ҳаёт ҳақида ўзининг кенг қамрови билан ўтмишнинг ва келажакнинг барча юксакликлари ва кемтикликларини ўз ичига оладиган яхлит тасаввурни яратишимиз ва келажакка хотиржамлик билан қарашимиз мумкин. Кемтиклар мавжуд ва уларни инкор қилиб бўлмайди. Бизни ураб олган гўзаллик билан ёнма-ён биз ҳамиша дунёнинг иллатларига дуч келамиз. Инсон ҳаёти ўзида қувонч билан қайғунинг ғалати бирлигини акс эттиради: у фақат унисини ҳам, бунисини ҳам бошдан ўтказибгина ўрганиши ва олға бориши мумкин. Руҳий изтироблар — фожиали ва аламли ҳодисалар... Бизга ташқи воқеалар ва уларнинг оқибатлари кучли таъсир кўрсатади. Бунинг устига ақлимизга энг қаттиқ зарбалар ботиний кўрқувлар ва тўқнашувлар натижасида ёғилади. Ташқи дунёда тараққиёт йўлидан олға борар эканмиз — агар биз яшашни хоҳласак олға боришимиз шарт — биз айна пайтда ўз ботинимизда ички тинчликка, ўзимиз билан атроф-муҳит ўртасидаги тотувликка эришмоғимиз даркор»<sup>1</sup>, — деган эди.

Қувонч ва қайғу олами бўлган инсон ва инсонлар уюшмаси — жамият тақдири ҳақида ўйлаш, ижтимоий, тарихий жараёнлар кесинлашган ҳозирги даврда ўтмишни англаш иммунитетини кучайтириш, уни маънавий ва зарурий эҳтиёжга айлантириш муҳим бўлиб қолди. Айна тарих фалсафаси, тарихни фалсафий идрок этиш кенг миқёсли тадқиқотлар предметига айланмоғи лозим. Буни бугунги кун ва келажак билан алоқадорлигини назарда тутсак, яна ҳам долзарблик касб этади.

Яхлит жамият ўтмиши ва бугуни орқали унинг истиқболини белгилаш бевосита ижтимоий кучлар орқалигина амалга ошиши мумкин ва тараққиёт тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Чунки ана шу ижтимоий кучлар ундан манфаатдор кишилар бирлиги сифатида ўз ғоялари учун узлуксиз курашувчи воситага айланади. Барча даврларда, барча халқлар учун ўта муҳим ва қадрли бўлган ўтмиш сабоқлари орқали ўзининг беқиёс қудратини кўрсата билади.

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Вторая книга. М., Издательство политической литературы, 1989, стр. 389.

Ана шунинг ўзи доимий равишда замонавийлик орқали англаниши шарт бўлган ўтмиш сабоқлари, инсоният тарихий тажрибалари билан бирга ўша даврда яшаган аждодларимиз феъл-атворини, тафаккур чегараларини ва тарихий тақдирини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Натижада бугунги янгиликни бораётган тафаккурнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган инсон ҳаётини сақлаб қолишга, шахснинг эркин такомиллашишига олиб келади.

Рационалистик ёндашувлар орқалигина инсоният тараққиёти динамикасини таъминлаш ва муҳим белгиловчи омилларни қўлга киритиш мумкин. Жаҳон тарихининг яхлитлиги ва яхлитликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги бевосита анъанавийлик, ворисийлик орқали инсонпарвар ғояларнинг янги шаклдаги тантанасига бўлган ишонч-эътиқодни шакллантира олади. Тажрибадан ўтган, ҳаёт синовлари тасдиқлаган ва фан томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилган тарихий тажрибалар инсониятнинг нодир қадриятлари сифатида келажак ақидаларига ҳамоҳанг ҳолда такомиллаштирилиши зарур.

Гегель таъбири билан айтганда, «Умумбашарий тарих руҳнинг замондаги ифодасидир. У бамисоли ғоя табиати сифатида маконда ўз аксини топа олади»<sup>1</sup>. Демак, жаҳон тарихи умумбашарий қадрият даражасига кўтарилган умумий мақсадлар, интилишлар, тасаввурлар ва келажакка ишонч туйғуларини ўзида мужассам этади. Маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи эса умумбашарий тарихга нисбатан бирмунча торроқ, бироқ умумий моҳиятини йўқотмаган ҳолда айтиб берилган бир миллат тараққиёти босқичлари ва миллий қадрияти сифатида баҳоланади.

Тарихчи тарихий тафаккур қирраларини очувчи ижодкор (аниқроғи унинг тадқиқотчиси) сифатида ўтмишнинг мазмун-моҳиятини бугунги кун ва келажак нигоҳи билан тадқиқ этишга ҳаракат қилади. У Кроченинг таъбирига кўра фақат хроникалар, хабарлар, рақам ва саналар гирдобига фарқ бўлмайди. Аксинча, ундан моҳият излайди, маъно қидиради ва тарихий тажрибани истиқбол ибратига айлантиради<sup>2</sup>. Ана шу тарзда айтиш мумкинки, узоқ тари-

<sup>1</sup> Г. Гегель. Сочинение. М., 1935, т. 8, стр. 69.

<sup>2</sup> Б. Губман. Смысл истории. М., «Наука», 1991, стр. 58.



хий тадқиқотлар орқали, тарихчи меҳнати туфайли бугунги кун сабоқларига, тафаккурига, унинг таҳлили орқали вужудга келган фалсафий тафаккур эса тарих фалсафасига айланиши мумкин бўлади.

Тарихий тажриба — бу инсониятнинг олис ўтмиши давомида тулган ноёб қадриятларидир. Айни пайтда янгилик олдида бу қадриятлар мавқеи бирмунча пасайгандек бўлиб кўзга ташланиши мумкин. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бугунги кашфиёт, ихтиро қўққисдан юзага келган эмас. Зотан, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай хулоса энг аввал инсон тафаккурида хаёл, орзу, умид шаклида пайдо бўлади, сўнг ижодкорлик, яратиш нияти туғилиб, у қатъий мақсадга, мақсадни рўёбга чиқарувчи амалий фаолиятга айланади.

Бундай ҳолат бир қарашда кундалик ҳаёт меъёрларига ўхшайди. Бироқ жиддий, инсоният ва фан тараққиётига боғлиқ булган кашфиётлар ҳамиша бир неча йиллик меҳнат, бир неча авлод ижодий фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун ҳам Жавоҳарлал Неру «...миллий тараққиёт на ўтмишнинг такрорида, на унинг инкорида мужассам. Янги шаклларни олиш керак. Лекин эскилари билан алоқада. Баъзан янгилик, гарчи у эскиликдан фарқ қилса ҳам, илгари мавжуд бўлган шаклнинг кўринишида намоён бўлади. Шундай қилиб тараққиётнинг узлуксиз, ўтмишдан бошланганлиги ҳақида таассурот туғилади. Янгилик халқ тарихи узун занжирининг бир ҳалқаси сифатида эътироф қилинади»<sup>1</sup>, — деган эди.

Нерунинг хулосаларига кура кашфиёт тасодифий ҳодиса эмас, айни пайтда у ўтмишнинг такрори ҳам эмас. Акс ҳолда кашфиётнинг кашфиётлиги қолмайди. Демак, ҳар қандай янгилик ўтган йиллар мобайнида тулган тажрибалар ва истиқболга интилиш эҳтиёжининг маҳсули.

Тарихнинг мазмун-моҳияти тадқиқотларнинг бетўхтовлиги, изчиллиги ва қолаверса, инсон томонидан дунёнинг амалий ўзлаштирилиши, назарий кашф этилиши доимо маълум бир фалсафий-дунёвий кўникмаларга бўлган мурожаатларда ўз ўрнини топадики, улар қадриятларнинг

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Вторая книга. М., Издательство политической литературы, 1989, стр. 394.

у ёки бу тизимини шакллантирувчи фалсафий-тарихий ҳодисага айланади. Улар орқали умумжаҳон тарихининг яхлит манзараси, ўтмиш ҳақидаги билимлар ва бугунги инсоният хусусидаги мулоҳаза ва мушоҳадалар умумлаштирилади. Натижада эса тарихий тасаввур, фалсафий тафаккур ўтмишни ҳис қилиш жараёни орқали маълум маънодаги ижтимоий-маданий вазиятлар, тарихий тажриба тараққиёти туфайли тупланган билимлар ҳисобига куч олади, ривожланади. Бундай жараён эса чексиз ва чегарасиздир. Ана шу чексизлик Ж. Неру хулосаларига кура қуйидагиларни маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-тарихий мезонлар орқали долзарб қилиб қуймоқда: «Биз инсониятнинг бутун ютуқларини ўзлаштиришимиз ва бошқа халқлар билан биргаликда инсоннинг ҳаяжонли, ўтмишдагидан кўра кўпроқ ҳаяжонли талпинишларида қатнашишимиз керак. Биз бу ютуқларни эндиликда миллий чегаралар ёки бурунги бўлиниш чизиқлари билан белгиламасдан, бутун инсоният учун муштарак ютуққа айланганлиги туғрисида ўзимизга ҳисоб беришимиз керак. Биз ҳаётни маънадор қиладиган, ҳаракатчан дунёқараш ва дадил интилиш руҳини қайтадан жонлантирадиган ҳақиқатга, гузалликка ва озодликка бўлган эҳтиросли интилишни тиклашимиз керак. Кўп асрлар бундан олдин мустаҳкам ва метин пойдевор асосида бизнинг ўйимизни тиклаган халқимиз вакиллари айнан шу жиҳатлари билан ажралиб туришган эди. Гарчи ўзимиз кексайган бўлиб, хотираларимиз инсоният тарихининг тонгги шафақларига бориб туташса ҳам, биз қайтадан ёшаришимиз ва ҳозирги замон билан ёнма-ён қалам таплашимиз, бутунги кундан завқланаётган ёшликнинг енгилмас руҳи ва қувончи билан яшашимиз, шунингдек, келажакка ишонч билан тўлиб-тошишимиз керак»<sup>1</sup>.

### 9-§. Коллективизм ва индивидуализм

Коллективизм тушунчаси муайян бир жамоа, гуруҳ, қолаверса, миллат, давлат, жамият доирасидаги алоҳида одамлар гуруҳини ёки бирлигини ўзида ифода этади. Кол-

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Вторая книга. Издательство политической литературы, М., 1989, стр. 381–382.

лективизм индивидуализмга қарши ҳолда ҳар қандай индивид ёки шахс устидан ҳукмронлик манфаати билан яшайди, шахснинг мустақиллиги, ўзига хос автономияси инobatга олинмайди. Айни ана шу жиҳатлари билан коллективизм тоталитаризмнинг асосий манбаи сифатида хизмат қилади. Индивидуализм эса инсон эрки ва озодлиги кафолатланган демократик тамойиллар қарор топган жамият шаклида вужудга келади, бу умуминсоний қадриятларнинг муҳим қисми сифатида баҳоланади.

Коллективизм ва индивидуализм тушунчаси атрофидаги мунозаралар бир неча минг йиллик даврни қамраб олади. Жумладан, у антик фалсафа тадқиқоти объектига ҳам айланган ва Суқрот, Платон, Демокрит, Декарт, Лонк, Геловецкий сингари илк файласуфлар ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Масалан, Платон коллективизм шароитида бутун давлат учун мақсад алоҳида гуруҳлар, хусусан, алоҳида шахснинг манфаатларини ҳимоя қиладиган қаттиққўллик, жамиятнинг барча синфларидан ажралиб турадиган алоҳида синф манфаатини қатъий ҳимоя қилиш, давлат ҳокимиятини қўлга киритган синф тақдирини белгилаш, жамият аъзоларида қарашлар ва туйғуларнинг бир хиллигини таъминлаш, жамият муаммоларини ҳал қилишни зиммасига олган шахс доктриналарини қатъий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг эътиқодлари, туйғулари ва фикрларини доимий равишда узлуксиз цензура қилиш тартиботини ўрнатади, деган хулосани билдиради. Ана шу ҳолатда коллективизмнинг моҳияти очилади. Бу бевосита жамиятнинг иккига, балки кўпроқ бўлақларга бўлинишига, яъни ҳукмрон табақа ва турли шаклдаги тобе табақаларнинг вужудга келишига замин яратади. Айни ана шу кўпчилик озчиликнинг фаровон яшашига, бошқача қилиб айтганда, бир гуруҳ оқбилаларнинг, «зодагон»ларнинг манфаатига хизмат қилишга қаратилади. Бу ўз-ўзидан ижтимоий адолат тамойилларининг қўпол равишда бузилишига, охир-оқибатда эса инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини қадрсизлантириб юборишига олиб келди.

Атоқли инглиз файласуфи К. Поппер айни ана шу ҳолатни, аниқроқ қилиб айтганда, коллективизм ва индивидуализм ҳодисасини ёпиқ жамият ва очиқ жамият

тарзида талқин этади. Унинг фикрича, ёпиқ жамиятда маълум бир авлод, яъни династия коллектив жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллайди. Индивидуализм эса жамият барча қатламини ташкил этган фуқаролар ҳар бирининг — алоҳида индивидларнинг, шахсларнинг ёки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси, алоҳида субъекти сифатида қабул қилинади. Поппер таърифи билан айтганда, ёпиқ жамият қандайдир сеҳрли, тилсимий характер касб этади. У реал ҳаётдан узоқлашади, ижтимоий моҳиятини йўқотади. Очиқ жамият эса унга тескари равишда рационал ва танқидий асосларга эга<sup>1</sup>.

Агар ана шу хулосаларга таянсақ, жамиятнинг ялпи тараққиёти бу жамият ҳар бир аъзосининг тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита иштироки, уларга туғридан-туғри муносабати, танқидий хулосалари орқали таъмин этилади. Натижада фуқаролар ўзининг ички имкониятларини руёбга чиқариши, яратувчилик салоҳияти ва иқтидорини намоён этиши мумкин бўлади ва охиروқибатда ялпи жамият ривожланиши таъминланади. Қолаверса, индивидуализм шароитида одамлар бир-бири билан мусобақалашади, ўзаро қўллаб-қувватловчи рақобат шаклланади. Ҳаётдан кониқиш ҳисси кучаяди.

Умуман олганда коллективизм туфайли вужудга келадиган тоталитаризм бугуннинг маҳсулигина эмас. У кишилик тарихида турли даврларда ҳар бир даврнинг ўзига хос маънавий-маърифий, сиёсий ва психологик имкониятлари доирасида манфаатлар устуворлигини келтириб чиқарган. Бу бевосита тоталитар режимнинг пайдо бўлишига, ривожланишига хизмат қилган. Тоталитар режим турли даврларда тарихий шароитга мос равишда ва унинг маҳсули сифатида ё кучайган, ё сусайган.

Тоталитаризм моҳиятига кўра доимий равишда ўзини ўзи тўлдириб, ривожланиб борадиган тарихий жараён. Бу ҳодиса, албатта, бир халқ ёки мамлакат доирасида доимий, эволюцион характерга эга бўлмаслиги, динамизминини йўқотиб қўйиш ҳодисалари юз бериши мумкин. Фақат

<sup>1</sup> К. Поппер. Открытое общество и его враги. М., 1991, т. 1, стр. 363–364.

у ўз маконини ўзгартириб туриши, қайсидир мамлакатда инқирозга учраса, бошқа бир мамлакатда таъсирини кучайтириши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, инсон мавжуд экан, манфаатлар тўқнашуви ҳодисаси юз бераверади. Коллективизм, тоталитаризм ана шу манфаатлар тўқнашувининг бир неча шаклидан бири сифатида кишилиқ жамияти умумий доирасидан чиқиб кетмаслиги, тарихий воқелиқ сифатида яшаб туриши муқаррар. Ана шу ҳолатни назарда тутиб К. Поппер «бугун биз тоталитаризм деб атаётган тушунча ўзига хос анъанага эгаки, у худди бизнинг цивилизациямиз сингари қанчалиқ қадимий бўлса, шунчалиқ навқирон»<sup>1</sup>, — деган эди.

Ғарб тадқиқотчилари ўз жамиятлари тарихий, тадрижий тараққиётлари ва динамизми қонуниятларини ҳисобга олиб, индивидуализм ва коллективизмнинг ўзига хос тартиботлари ҳақида қатор фикрлар билдиришган. Жумладан, Ф. Хайек индивидуализмни ва индивидуалистик тамойилларни социализмга, социализмнинг бошқача куриниши бўлган коллективизмга қарши қўяди. Айни коллективизм социалистик тоталитаризмнинг манбаи деган хулосага келади.

Тоталитар режим ҳукмронлиқ қилган жамиятда яшаган одамлар билан шахс эркинлиги таъминланган, индивидуал қарашлар устувор бўлган жамият одамлари ўртасида, уларнинг тафаккурида ва руҳиятида жиддий фарқ мавжуд. Бирида камсуханлиқ, тобелиқ, руҳан озурдалиқ, маънан эзгин кайфият ҳукмронлиқ қилса, иккинчисида ўз ҳаётидан розилиқ, ўтаётган кунидан мамнунлиқ, меҳнатидан, яратаётган, бунёд этаётган ишларидан ғурурланиш, ўз истиқболини роҳат-фароғатда аниқ кўра олиш туйғулари барқ уриб туради. Зотан, инсоннинг том маънодаги моҳияти ҳам, унинг бутун қадрияти ҳам худди ана шу туйғу билан ўлчанади. Демак, бундай ҳаёт нашъу намоси, кайфу сафоси маълум бир тоифага мансуб одамларга эмас, ҳар бир инсон учун зарур.

Коллективизм, унинг натижасида шаклланган тоталитаризмнинг

<sup>1</sup> К. Поппер. Открытое общество и его враги. М., 1991, стр. 29.

литар ёки авторитар режим жамиятда қотиб қолган тушунчалар — догматизмни турмуш тарзига айлантиради. Янгиликни қабул қила олмаслик, ҳар қандай ижобий силжишларга шубҳа билан қараш каби иллатларга кенг йўл очиб беради. Асоссиз, ҳавоий ақидалар ва эътиқодлар жамиятини келтириб чиқаради, жиноятчилик ва бошқа кўринишдаги ғайриахлоқий ҳодисалар авж олади.

Инсон ўзининг ички имкониятларини дахлсиз ва озод ижтимоий вазият мавжуд бўлган шароитдагина рўёбга чиқариши мумкин бўлади. Зотан, ана шундай шароитда у ўзини бирмунча эркин ҳис қилади. Мақсадлар ва манфатлар рўёбини таъминлашда ўзининг бутун имкониятларини сафарбар этади. Ташқи таъсирни камроқ сезади. Бошқача қилиб айтганда, атрофидагиларнинг имкониятларни чеклашга, турли буйруқлар ва ҳукмларга нисбатан буйсунишга, итоаткор бўлишга имкон бермайди.

Коллективизмда эса унинг акси сифатида белгиланган ва олдиндан режалаштирилган мақсадлар атрофида бирлашиб, кучлар уйғунлаштирилади. Олдиндан тузилган ва аниқ режалаштирилган вазифаларнинг бажарилишини кимдир ёки кимлардир назорат қилади, буйруқ беради, оммавий сафарбарликни ташкил этади. Мутлақ қўпчилик эса итоатгўй, лаббайгўй ижрочига айланади. Бундай ҳолат жамиятда эркин фикр, эркин фаолият ва демократиянинг бошқа кўринишларини чеклаб қўяди. Натижада тоталитаризм вужудга келади, шаклланади, илдиз отади ва бора-бора авторитар моҳият касб этиб, жамиятни буйруқлар асосида бошқариш, ижтимоий ҳаётни бир кишининг қайфияти ва талаблари асосида ташкил этиш тамойиллари вужудга келади. Жамиятни бундай бошқариш усули, айниқса, социализм шароитида асосий қоидага айлантирилди.

Гарчи социализм ғояси ва шаклларига муносабатлар ҳамон турлича бўлса-да, социалистларнинг ўзининг орасида ҳам ёндашувлар ва фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлган. Лекин моҳияти бир хил бўлган. Ф. Хайек социалистлар хулосаларини ўрганар экан, тузумнинг моҳияти хусусида гапириб, «уларда, инсоннинг жамиятдаги мавқеини бевосита давлат белгилаб бериши лозимлиги тўғрисида ҳеч қандай тафовут бўлмаган. Лекин уларнинг орасида кон-

крет синф ва гуруҳлар ўринларини белгилашда чуқур тафовутлар бўлган эди ва доимо бўлади»<sup>1</sup>, деган эди. Ана шу ҳолатнинг ўзи фаолиятларни, мақсадларни режалаштириш ва уни марказлашган бошқарув тизими орқали амалга ошириш тамойили устуворлиги кўзга яққол ташланади.

Гоявий ҳукмдорлик, якка шахс фикрининг устуворлиги диктатура мақомини эгаллайди. Зўравонлик ва худбинлик шаклидаги авторитар ахлоқ, авторитар кайфият ва феъл-атвор гарчи фуқаролар манфаатларига зид бўлсада, ўзига хос қадриятлар даражасига мажбуран кўтарилади. Натижада ҳамманинг бир хил фикрлаши, юқоридан билдириладиган ҳар қандай буйруқнинг муҳокамасиз, мунозарасиз, мушоҳада қилмасдан тўғридан-тўғри қабул қилиш ва сўзсиз бажариш тамойили вужудга келади. Бу ўз-ўзидан бир неча асрлар мобайнида шакланган анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи, адабиёт, санъат ва, умуман, яхлит олганда фуқаролар қалби ва руҳиятини ўзида мужассам этган бир бутун маданиятнинг инқирозига олиб келади. Натижада фикрий боқимандалик, бефарқлик, ҳиссизлик кайфияти бутун жамият кайфиятига, ахлоқий меъёрларига айланадики, бундай шароитда тараққиёт ва истиқболга ўрин қолмайди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллективизм икки босқичда ўзини намоён этади ва бу босқичларни яқин ўтмишимизда — совет империяси даврида яққол кўрдик. Биринчи босқич — тоталитаризмнинг «Фақат буйруқ берилган нарсанигина бажариш мумкин, бошқаси мумкин эмас», авторитаризмнинг «Фақат сиёсатга аралашма, бошқа ҳамма нарса мумкин» шиорларида тула мужассам. Бундай ҳолатни «Коллективистик тафаккурнинг фожиаси шундаки, ақл-идрокни тараққиётнинг олий омили сифатида таърифланса оқибатда ундан воз кечилади. Чунки бундай шароитда ақл-идрок онгли ҳаракатнинг асоси бўлган жараёнлар нотўғри талқин қилинади. Индивидуализмнинг ўзи жамиятда индивидуализмнинг тепасида турган кучларнинг аҳамиятини англашга имкон бераётган бир вақтда, коллектив доктрина парадоксли равишда «онгли»

<sup>1</sup> Ф. Хайек. Дорога к рабству. «Вопросы философии», 1990, № 11, стр. 147.

режалаштириш тамойилларини илгари сурган ҳолда мажбурий равишда қандайдир ақл-идрокни инкор этувчи механизмга олий ҳоқимият мақомини беришга мажбур бўлади. Ижтимоий кучлар билан муроса қилиш ва турфа хил фикрларга бағрикенглик билан ёндашиш индивидуализмга хосдир. Бундай инсонпарвар ғоя, жамоатчилик ҳаётининг ягона киши томонидан бошқарилишига оид ҳар қандай ғоянинг ортида турган интеллектуал такаббурликнинг бутунлай аксидир»<sup>1</sup>, деб шарҳлайди Ф. Хайек.

Демак, коллективизм шароитида бошқариш мақомига эга бўлган шахснинг ҳар қандай хулосаси олий ҳоқимият ва давлат мақомига эга бўлади. Уни бажаришга оммавий мажбурийлик тартиботи ўрнатилади. Турли ижтимоий кучлар, алоҳида индивидлар ёки фуқароларнинг хулосалари инобатга олинмай, бошқарувчи — индивиднинг ҳукми устуворлик қилади. Бошқарувчилик мақомига эга бўлган индивиднинг интеллектуал такаббурлик иллатлари кўзга яққолроқ ташланади ва «доҳий»лик сингари юқумли, тузалмас касалликни вужудга келтиради. Совет империясида айни ана шу касаллик кенг тарқалиб, бир-бирига уланиб кетган, ворисийлик мақомига эга бўлган «доҳий»лар сулоласи бежиз пайдо бўлмаган эди. Натижада бу бутун жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муҳитини белгилайдиган бедаво иллатга айланган эди.

Аслини олганда ҳар қандай авторитар режимда ҳам индивидуал ва жамоатчилик кайфиятлари мавжуд бўлади. Лекин ўрнатилган тартиб ва қабул қилинган режим талаблари асосида буйруқ берувчининг шахсий хулосалари ҳал қилувчи мақомни эгаллайди.

Социалистик тузумга хос бўлган индивидуаллик ва коллективчилик тамойилларини, уларнинг ўзига хос концепцияларининг ижтимоий-тарихий тараққиётда тутган ўрни ва ролини, кишилик жамияти ривожланишида ўтказаетган таъсирини таҳлил қилар экан, А. Ивин қуйидаги тамойилларни илгари суради:

— замонавий тарих энг аввало Ғарб индивидуал жами-

<sup>1</sup> Ф. Хайек. Дорога к рабству. «Вопросы философии», 1990, № 12, стр. 110.



ятлари ва коллектив жамиятлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳамда курашларни ўзида акс эттиради;

— замонавий Фарб жамияти анланган аниқ мақсадга етишиш учун хизмат қилмайдиган, тарих тақозоси билан кўплаб тасодифий тизимларда юзага келган мураккаб чамбарчасликдир; коллектив жамият олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида пайдо бўлади ва аниқ белгиланган муайян мақсадга эришишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди;

— шахс автономияси, инсон турмуш тарзидаги қарашлар ва мойилликнинг мутлақ суверенитетини тан олиш индивидуалистик жамиятнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади; коллективистик жамият эса индивид ва унинг эрки қадрият ҳисобланувчи автономиянинг ҳар қандай соҳасини рад этади;

— коллективизмнинг қатъий ягона мақсадга интилиши рақобат ўрнини босувчи марказлашган режалаштириш механизми яратилишига олиб келади;

— коллектив лойиҳалар моҳияти давлатнинг жамиятда устуворлигини таъминлайди, индивид ва жамиятнинг барча соҳалари назоратда бўлишига, барча турдаги индивидлар ва алоҳида шахслар учун бир хил қадриятлар ва коллектив ахлоқ нормаси бўлган бир хил фикрлаш тартибининг ўрнатилишига, тоталитар тузумнинг террори ва бағритошлиги бир қарашда ягона мақсадга асосланган жамият ҳаётини илоҳийлаштиришга олиб келади ва натижада демократик социализм ўзининг хомхаёллик маҳсули эканлигини кўрсатади, бундай шароитда диктатура ва тоталитаризм муқаррар воқеликка айланади;

— иқтисодий эркинлик шахс барча ҳуқуқ ва эркинликларининг пойдевори ҳисобланади; унинг йўқ қилиниши коллектив жамиятда шахснинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига барҳам берилишига олиб келади;

— социализм (коммунизм) ва национал-социализм (нацизм) шароитида коллективизм бутун мазмун-моҳияти билан тоталитаризмнинг узвий ҳолати ва яққол қиёфаси ҳисобланади;

— социализм ва национал-социализм социализмнинг иккита шаклини ўзида акс эттиради; бу — байналминаллик ва демократия шиорларини илгари сурувчи радикал

сул социализм ҳамда консерватив нацизм ва ирқчилик ғоялари билан жамиятни бошқаришга асосланган ўнг социализмдир;

— социализмнинг ушбу шакллари ўзаро доимий рақобатда бўлса-да, индивидуалистик жамият улар учун асосий рақиб ҳисобланали;

— нацизм социалистик илдишларга эгадир; социализмнинг қатор мамлакатлардаги инқирози индивидуализм имкониятлари ва интилишларининг рўёбига олиб келди;

— охир-оқибатда коллективизм иқтисодий тараққиётнинг турғунлигига олиб келади ва иқтисодий соҳа индивидуализм рақобатига дош бера олмайди.

Коллективизм шароитида етишиб чиққан тоталитар режимда партия асосий роль уйнайди. Ана шу ҳолатда жамият бошқаруви, тузилган режалар ва танланган йўл бевосита партиявий раҳбарлик орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, партия давлат ва ҳокимиятнинг барча ваколатларини қўлга олиб, ягона бошқарувчи ва раҳбар мақомига эга бўлади.

Бир партияли режим шароитида ягона мафқуранинг устуворлиги кўзга яққол ташланади. Бундай мафқуравий яккаҳокимлик бутун жамият барча қатламларини қамраб олади ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига ўз таъсирини ўтказди.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра социалистик ва национал-социалистик қарашлар айна партиявий ғоялар асосида шаклланади ва ҳокимият бошқарувини ўз йўригига солди. Буни биз Муссолини ва Гитлер сиёсий йўл-йўригида, қарашларида яққол кўришимиз мумкин.

Партиявий ҳаётнинг коммунистик шакли ҳам бундай қарашлардан бегона эмас. Коммунистлар фикрлар хилма-хиллигини, қарашлар ранг-баранглигини, сиёсий плюрализмни хуш кўрмайдилар. Аниқроқ қилиб айтганда, унга тиш-тирноқлари билан қарши турадилар. Бунга яқин ўтмишимизда гувоҳ бўлдик. «Айтганим айтган, деганим деган» қабилдаги сиёсий ва мафқуравий яккаҳокимлик коммунистик партиянинг асосий тамойили, унинг сиёсий феноменидир.

Дарҳақиқат, КПСС ўз вақтида барча халқларни бир-

лаштиришни, миллатларни ассимиляциялаш, миллий тил, маданият, турмуш тарзи ва анъаналарни эскилик сарқити сифатида қоралаб, янги ижтимоий бирлик — совет халқини вужудга келтириш ғоясини илгари сурдики, натижада жаҳон тарихига коллективизм тамойилларининг ва ғайриинсоний қарашларнинг энг юксак чўққиси сифатида кирди.

Ҳокимиятни монополиялаштириш, эркинлик ва демократик қадриятларни чеклаб қуйиш, унга қарши ҳолатда зўравонлик ва тазйиқ, таҳдид ва қўрқув орқали жамият бирлигини таъминлаш каби номақбул иш услубини шакллантирди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда нацистлар ва коммунистлар шаклан, амалий фаолияти жиҳатидан фарқ қилса-да, бутун мақсад ва моҳияти билан айнан ўхшашлиги, ғоявий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмаслиги аён. Ташқи кўринишда ҳар иккала режимда ҳам сиёсий якка-ҳоқимлик, давлат ва ҳокимият мақомига эга бўлган ғоявий ҳукмронлик кўзга яққол ташланса, ички моҳияти ва туб мазмуни билан зўравонлик ва таҳдид, фуқаролар қалбига қўрқув туйғуларини кучайтириб, уларнинг инсоний қадриятларини менсимаслик, таҳқирлаш ва охир-оқибатда уларни фикрламайдиган, ўзлигини йўқотган зоологик мавжудотга айлантириш сиёсати устуворлик қилади.

Коммунистик партия мафкурасида гарчи «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шиор ва шунга ўхшаган баландпарвоз даъватлар бот-бот такрорланса-да, унинг туб моҳиятида сиёсий-ижтимоий, маънавий-руҳий террор мақсадлари мужассам эди. Айни ана шу террор усули билан у навбатма-навбат, босқичма-босқич репрессияларни ташкил этди. Аҳолининг маърифатли қатламини йўқ қилиб, оми ва авом халқдан иборат итоаткор, лаббайгўй, ҳамма нарсага фикрламасдан, муносабат билдирмасдан тайёр туриш иллатларини эгаллаган, руҳан озурда, маънан қашшоқ жамиятни вужудга келтирди. Бундай ҳолатни Р. Арон қуйидагича ифодалайди: «Партия яккаҳоқимликка эга бўлган шароитларда ортодоксаллик мажбурийдир. Ҳукмдорлар билан келиша олмаслик ҳалокатга олиб келиши муқаррар эди. Шу сингари

режимлар учун, уларнинг сўл ё ўнг йўналишларидан қатъи назар, баъзи бир ҳуқуқий ҳаракатлар шаклларида ўхшашлик, масалан, лагерларга мустақил фикрлайдиган фуқароларни жиноий айбдорлар билан бир хил мақомда қамаш уларнинг ҳар иккисига ҳам хос бўлган»<sup>1</sup>.

Жамиятда муҳолиф кучларга йўл бермаслик тоталитаризм учун хос хусусият. Ўз сафларини зўр бериб садоқатли маслакдошлари, кўр-кўрона лаббайгўйлари билан тўлдириш жамият барча қатламларини бир хил фикрлаб, битта ғояни қўллаб-қувватлашга олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, коммунистик ақидапарастлик, мафкуравий фанатизм барқарор бўлган жамият қурилди. Ана шу тарзда осонлик билан, ҳеч қандай тўсиқларга учрамай ҳокимиятни эгаллаш имкониятини қўлдан бермай яшади. Бундай тарихий жараён тоталитаризмнинг энг олий кўриниши сифатида умуминсоният тарихига алоҳида босқич сифатида кирди. Тоталитаризмнинг ижтимоий-тарихий ва сиёсий моҳиятини ўрганар экан, Р. Арон унга беш йўналишда таъриф беради:

— тоталитаризм қандайдир бир партиёга сиёсий фаолият юргизиш учун монопол ҳуқуқ берадиган шароитда юзага келади;

— ушбу партиё, энг аввало ягона, бообру авторитет мақомини берувчи мафкурага эга бўлиб, кейинчалик ушбу мафкурани у расмий давлат ҳақиқати даражасига кўтаради;

— ушбу расмий ҳақиқатни тарғиб қилиш учун давлат тазйиқ ўтказишнинг мутлақ ҳуқуқи ва эътиқод воситаларига босим ўтказиш ваколатини қўлга киритди. Давлат ва унинг вакиллари оммавий ахборот воситаларига бутунлай ўз ҳукмини ўтказиш бошлайди;

— иқтисодий ва касбий фаолиятнинг кўпчилик турлари давлат ихтиёрига ўтади<sup>2</sup>;

Бунга қўшимча қилиб яна айтиш мумкинки, ҳар қандай фаолият ягона партиёнинг тажовузкор мафкурасига бўйсундирилганлиги боис, турли соҳалардаги ҳар қандай майда ва зарарсиз камчилик, хатолик дарҳол мафкуравий тус олиб, сиёсий айбдорлик, ғоявий кўпорувилик ҳола-

<sup>1</sup> Р. Арон. Демократия и тоталитаризм, стр. 194.

<sup>2</sup> Уша манба. 271-бет.

тига тушиб қолади. Ҳар қандай инсоннинг барча хатолик-лари сиёсийлаштирилади, мафкуралаштирилади, натижада аёвсиз жазоланади.

Коллективизм ғояси тоталитар режимнинг туб моҳияти сифатида унинг манбаига, ҳаракатга келтирувчи кучига, қувват берувчи воситасига айланди. Ана шу тарзда бутун жамиятни тараққиётдан орқада қолишига, умуминсоният цивилизациясидан чекинишига, охир-оқибатда қолоқликка юз тутишига олиб келди. «Ривожланган социализм» ва коммунизм сингари баландпарвоз шиорлар жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимида ўзнинг мавқеини йўқотди. Дунё тараққиёти пойгасида яроқсиз эканлигини, ожиз ва нотавонлигини кўрсатди.

Тарихий жараён охир-оқибатда жаҳон социалистик тизимини бутун кўлами ва салмоғи билан таназзулга олиб борди. Инсоният тафаккуридаги туб бурилишлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги ғоялар тантанасига йўл очиб берди. Ана шундай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида XX асрнинг охирлари тоталитаризмга муносиб баҳо бериш, уни туб илдизларини очиш лаври бўлди.

Тоталитаризм моҳиятини тушуниш ва унга баҳо бериш хусусида гап барор экан, «Тоталитаризмни аниқлашда, шубҳасиз, партиянинг мутлақлиги, хўжалик фаолиятининг давлатлаштирилишини ёки мафкуравий террорни асос қилиб олиш мумкин. Аммо, ушбу ҳодисанинг ўзи мазкур хусусиятлар бирлашган ва тўлиқ, яхлит акс этгандагина тугалланган кўринишга эга бўлади»<sup>1</sup>, — дейди Р. Арон.

Тоталитаризм дунёнинг турли мамлакатларида турли шаклда вужудга келган ва яшаган. Дейлик, фашистлар Италиясида ана шу режимнинг раҳнамози бўлган партия ғоявий зўравонлиги, таҳдидлар ва тазйиқларнинг серқирралиги, мафкуравий яккаҳокимликнинг шафқатсиз даражадаги таъсирчан усулларида кенг фойдаланганлиги билан СССР ҳукмронлик қилган тоталитар режим олдида ожиз эди. Унинг кўлами, жамиятда тутган ўрни жиҳатидан совет тоталитаризмига тенг кела олмас эди. Буларни инобатга олган Р. Арон «Коммунистик режим томонидан

<sup>1</sup> Р. Арон. Демократия и тоталитаризм, стр. 231.

яратилган одам маълум бир эътиқоддан юзага келган мавжудот сифатида эмас, балки иккиламчи натурадир. У умумий тамойилларни катта ёхуд кичик эътиқод, ишонч билан қабул қилади, реал ҳолатда шароитга қараб нимани гапириш мумкинлигини, ниманинг мумкин эмаслигини тушунади. Бу одам индустриал жамиятга тегишли бўлган, ўзи гоҳ спектик, гоҳ фанатик муносабатни ҳис қиладиган таълимот билан қуролланган одамдир»<sup>1</sup>, деган хулосага келади.

Коллективизм, демак, бутун моҳияти билан шахс, алоҳида индивид имкониятларини чеклаб қўядиган, аниқ, олдиндан белгилаб қўйилган тартиботлар, режимлар ва қолиғлар доирасидагина яшаш мумкин бўлган ҳодиса. Буни биз яқин ўтмишимизда — социализм шароитида яққол кўрдик. Чунончи, коллективлаштириш (колхозлаштириш) сиёсатининг ўзи миллионлаб фуқаролар фаолиятини чеклаш орқали бутун жамият тараққиётини издан чиқарди. Бу бевосита меҳнат тақсимотида, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш тартиботида ҳам ўзини намоён этди. Яъни жамоага аъзо бўлган беш киши жисмоний ва маънавий жиҳатдан беш хил меҳнат қилиш имкониятига эга, беш хил ишлайди. Бироқ уларнинг барчаси бир хил маош олади.

Коллективизм тушунчасининг Шарқда, хусусан, ўзбекларда маънавий-ижтимоий мазмуни ҳам борки, бу бевосита турмуш тарзида, кундалик ташвишлар ва муаммоларни биргаликда ҳал этишда намоён бўлади. Яъни одамлар — миллати, элати, касбу кори, маълумоти, диний эътиқодидан қатъи назар уюшиб яшаш, маҳалла атрофида бирлашиб кун кечириш анъаналари асосида яшашади. Буни маҳалланинг ахлоқий-тарбиявий, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш фаолияти шаклан коллективизмга ўхшаши мумкин. Бироқ туб моҳияти билан ундан кескин фарқ қилади.

Жаҳон тарихий тараққиёти тажрибаси ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини, инсон фаолиятини индивидуализм орқали рўёбга чиқариш тенденциясини илгари суради ва қўллаб-қувватлайди. Ана шундай тарихнинг ривожланиш тенденциясини бузмасдан давом эттириш бугун мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш-

<sup>1</sup> Р. Арон. Демократия и тоталитаризм, стр. 286—287.

лар, ўзгартишлар ва кўп қиррали ислоҳотлар моҳиятини ўзида мужассам этади. Президент Ислом Каримов эволюцион тараққиёт назариясининг тагида худди ана шу ғоя этади ва унга суянади.

Масалан, асга-секинлик билан, босқичма-босқич фуқаролар онги ва тафаккурида туб бурилишлар яшаш – мулкчилик, мулкка эгаллик қилиш, мулкни бошқариш тажрибасини эгаллаш орқали коллективизм шароитида шаклланган боқимандаликка, тайёрга айёрлик иллатларига барҳам бериш тамойили шаклланмоқда. Жумладан, жамоа ва давлат хўжалиklarини тарқатиб юбориб, уларнинг ўрнида фермер хўжалиklarининг кескин ривожланиб бораётганлиги фуқаролар яратувчилик имкониятларини кўпроқ рўёбга чиқармоқда. Меҳнатга ижодий муносабат моддий манфаатдорлик асосида ўзгариб бормоқда. Натижада жамиятда ялпи сафарбарлик, руҳий кўтаринкилик, маънавий ва моддий рағбат кучаймоқда.

Жамиятни табиий ривожлантиришни эътиборга олиш, юзага келаётган муаммоларни тадрижий равишда ҳал этиш мақсади туфайли «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик», «Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш», «Жамиятни тубдан ўзгартиришнинг революцион йўлини эмас, эволюцион йўлини танлаш», «Ислоҳотларни инсон онги ва қалби орқали амалга ошириш», «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун» концепцияларини амалга ошириш йулидан борилмоқда. Бунда жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш жараёнида фуқаролар тафаккурини янгиланишлар оқидамида ўзгартириш ва уларда янгиланаётган ҳаёт кўникмасини шакллантириш сингари ғоялар илгари сурилмоқда ҳамда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Умуман олганда тоталитаризм назариясига, унинг туб моҳиятига, бутун методологиясига фақат ва фақат эволюцион назариягина қарши туриши мумкинлигини Ўзбекистонда қарор топаётган ва тобора шаклланиб бораётган ижтимоий-сиёсий ва тарихий жараёнлар мисолида кўрмоқдамиз.

Индивидуализмнинг ҳозирги замондаги энг самарали кўриниши фуқаролик жамияти қонуниятларида ва моҳиятида яққолроқ кўзга ташланади. Зотан, фуқаролик жа-

мияти — жамиятни давлат томонидан эмас, фуқаролар томонидан бошқарилишига асосланган, уларнинг мақсади ва манфаатлари инобатга олинган ижтимоий-сиёсий тизим. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий уюшмалар, партиялар ва нодавлат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадилар. Фуқаролик жамиятида давлат фуқаролар устидан эмас, балки фуқаролар давлат фаолияти устидан тула назорат ўрнатадилар, давлатнинг купгина ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Давлат ҳокимияти эса мамлакатнинг умумий тараққиёт режаларини тузади, унинг стратегиясини ишлаб чиқади, мудофаа, миллий хавфсизлик, давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини, унинг суверенитетини таъминлаш, пул-молия, солиқ, банк сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар тизимини яратади, уни бошқаради.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги илк тасаввурлар Аристотелнинг «Сиёсат» асарида баён этилган. Унга кўра инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи, кишилиқ жамиятининг адолат ва ҳақиқат устуворлиги асосида ташкил этиш орқали таъминланиши лозим. Жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлишига алоҳида эътибор берилди. Давлатнинг куч-қудрати, фаровонлиги, унинг жамият тараққиётига хизмат қилувчи восита эканлиги каби ғоялар илгари сурилади. Фуқаролик жамияти ҳақидаги бу ғоялар XVII асрга келиб кенг ривожланди. Жумладан, Гобс асарларида такомиллаштирилди. Кант, Руссо, Гегель, Поппер ғоялари жаҳон ижтимоий тафаккури оламида фуқаролик жамиятининг янгидан-янги қирраларини, умуминсоний қадрият сифатидаги моҳиятини очиб берди.

Шарқда фуқаролик жамиятининг ўзига хос талқини мавжуд. Бу, бевосита, ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан синтезлашган, феъл-атвор, хатти-ҳаракатлар ва қоида-меъёрларнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Демак, жамиятда қонун устувор бўлади, қонун олдида барчанинг тенглиги, жавобгарлиги таъминланади. Инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари айни ана шу қонунлар би-



лан кафолатланади. Бундай қарашлар Шарқда азалдан мавжуд бўлган. Бу тарихий тараққиёт давомида шаклланиб, ривожланиб борди. Жумладан, энг қадимий маданий ёдгорлик — «Авесто»да кишиларнинг уюшиб яшаши, ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ахлоқ ва меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилади. Бу ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни ҳукмрон шахс томонидан эмас, эътироф этилган меъёрлар бошқариши каби фуқаролик жамиятининг илк элементларидан далолат беради.

Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида мамлакатни бошқаришда адолатли қонун зарурлиги, фаол фуқаролар жамиятини шакллантириш моҳияти чуқур таҳлил этилади. Қонунлари мукамал бўлган мамлакатда адолат, инсон ҳуқуқлари устувор бўлиши муқаррар эканлиги баён этилади. «Шаҳар (мамлакат) аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади»<sup>1</sup>, — дейди аллома. Унинг хулосаларига кўра жиноятчилик, безорилик, қонунбузарлик қонунлар заиф, аҳоли ахлоқий-маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шароитда авж олади. Бундай халқни тартибга чақириш учун кучли таъсир ўтказувчи ҳокимият керак бўлади. Эркин жамият, озод фуқаро тамойилига фуқаролик жамиятининг асосий хусусияти сифатида қаралган ва қонун устуворлигига жамият баркамоллиги орқали эришилган. Бу каби ғоялар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқалар томонидан ҳам илгари сурилган ва амалиётда моҳирлик билан қўлланилган. Булар ҳозирги замон тушунчасидаги фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш тарихий анъана бўлса-да, у бутунлай янги тарихий шароитларда жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари ва кўп минг йиллик миллий анъаналарнинг синтези сифатида дунёга келмоқда. Яъни эркинлик ва ахлоқ, озодлик ва тарбия, ҳуррият ва қатъий тартиб-интизом уйғунлигида баркамол кишилик жамияти шакллантирилмоқда. «Биз, — дейди

<sup>1</sup> **Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 33-бет.

Президент Ислом Каримов, — фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»<sup>1</sup>. Фуқаролик жамиятида ижтимоий адолат принциплари тўла таъминланади. Жамиятни бевосита ҳар бир фуқаро ва қонун бошқаради. Инсон том маънода ҳаёт гултожига, инсон қадру қиммати, яшаш ҳуқуқи ва эҳтиёжлари қадриятга айланади. Инсон устидан инсоннинг ҳукмронлигига йўл қўйилмайди. Тоталитаризм, авторитаризм қарашларига кескин қарши ҳолда жамиятда индивидуализм, шахс озодлиги ва эркинлиги таъминланади.

### 10-§. Тоталитаризмнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий талқини

Қайта қуриш сиёсати ўзининг кўзлаган мақсадига, қутган натижасига эриша олмади. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар қутилмаганда ўз ўзинини ўзгартириб юборди. Демократия тўлқинлари эркин сўз, эркин фикрни заруратга айлантира бошлаган бир пайтда шўро жамиятини тоталитаризмдан эркинлик сари, ҳуррият сари сифат ўзгаришига олиб келаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қадрият сифатида намоён бўлди.

Бироқ Кремль бундан манфаатдор эмас эди. М. Горбачев бошчилигидаги Совет ҳукумати раҳбарияти номигагина эркинликка йўл бериб, инсон ҳуқуқлари хусусида купиртириб гапириб, асл моҳиятда эса тоталитар тузум ва маъмурий-буйруқбозлик режимини сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Зотан, улар ҳеч қачон СССРнинг тарқалиб кетишини назарда тутмаган ва ундан манфаатдор ҳам эмас эди.

Тарихий жараёнлар шу даражада тезлашдики, охиروқибатда нафақат нотиқ М.Горбачевни, балки бутун Сиёсий Бюрони, партия Марказий Қўмитасини, ҳукуматни талвасага солиб қўйди. Натижада маъмурий органлар ку-

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 14-бет.

чидан фойдаланиш йули танланди. Турли шахарларда, минтақаларда, СССРнинг фаол ва демографик жиҳатдан қулай бўлган, геосиёсий жиҳатдан муҳим нуқталарида беқарорликни вужудга келтириш орқали мамлакат аҳолисини чалғитиш йўлига ўтилди.

Аммо энди уйғонган кишиларни ғафлат пардасига солишнинг иложи йўқ эди. Чунки эркин фикрлаш, эркин яшаш нашидасини сура бошлаган озод фуқарони қайтадан занжирбанд қилишга қанчалик уринмасин, ҳукуматнинг кучи етмас, фуқаронинг эса хоҳиши йўқ эди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат фуқаролари манфаати билан тоталитар режимдаги давлат қизиқишлари ўртасида «хитой девори» тикланиб бўлинган эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда давлат ўз мавқеи ва ролини йўқотмаслик учун озодликка интилаётган, ҳуррият учун курашаётган уйғоқ фуқаролар ўртасида турли низоларни уюштириши зарур бўлиб қолган эди. Ана шу мақсадда Болтиқ бўйидаги тўқнашувлар, Арманистон, Озарбойжон, Грузиядаги қонли фожиалар, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Россиянинг бошқа айрим минтақаларида бўҳронлар ва пўртаналар авж олиб кетди.

Қизил империянинг тажовузкорона сиёсати ана шу тарзда 73 йил мобайнида аста-секинлик билан чок-чокидан сўкила борди. Натижада мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳам, одамлар хатти-ҳаракатини ҳам бошқариб бўлмайдиган мураккаб ва таҳликали ҳолат вужудга келди.

\* \* \*

...Аслини олганда Совет ҳокимияти тизим сифатида жуда ҳам мустаҳкам эмас эди. У октябрь тўнтаришининг урҳо-ур, сурҳо-сурлари оқибатида вужудга келган, бошқача қилиб айтганда, пойдевори кумдан кўтарилган жамият эди. Инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари буткул инкор этилган, зўравонлик ва тазйиқни асосий иш усулига, сиёсий бошқарув услубига айлантирган ҳокимият сифатида кўзга ташланди.

Ана шундай ғайриинсоний ва ғайрияхлоқий жамият асосчиси сифатида В. Ленин ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий,

маънавий ва жисмоний террорни ҳокимиятни бошқаришнинг муҳим омили даражасига кўтарди ва уни моҳирона амалга оширди. Зеро, октябрь тўнтаришининг қонли «ғалаба»си ҳам худди ана шу тамойил асосида қурилган ва амалга оширилган эди.

Оммани чалғитиш, жамиятдаги барқарорликни барбод этиш, мутелик ва қуллик руҳиятини чуқурлаштириш йўлида турли ҳолатларда ва вазиятларда турли шаклдаги сиёсий-ташкилий тадбирлар амалга оширила бошланди. Стратегик мақсад — дунёга ҳокими мутлақ бўлиш, жаҳон социализмини амалга ошириш орқали инсоният доҳийсига айланишга ҳаракат қилинди. Ана шундай мақсадларини амалга ошириш учун Ленин турли-туман найрангларни ўйлаб топди ва уларни ўта шафқатсизлик билан амалга оширди.

Натижада Совет ҳукуматида «Янги иқтисодий сиёсат»ни амалга ошириш сингари сиёсий-ташкилий «ислоҳот» ўтказилди. Машҳур олим Д. Волкоғоновнинг фикрича, Ленин бу сиёсатга юзаки қараганда хайрихоҳ бўлса-да, асл моҳияти билан унга қарши эди. Д. Волкоғонов шундай мисол келтиради: 1919 йил 5 декабрда Советларнинг Бутун Россия VII съездида нутқ сўзлар экан, Ленин жуда баланд руҳ билан ўз мақсад-идоаларини очиқ-ойдин баён этади: «Ким нон савдоси эркинлигини хоҳлар экан, хато қилади. Биз бунга бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз. Бу соҳада ҳеч қандай чекинишларга йўл қўймаймиз»<sup>1</sup>. Бу инқилоб доҳийсининг мамлакатни хонавайрон қилиш, халқни абгор этиш борасидаги кўп қиррали сиёсатидан биригина, холос. Айни ана шундай очарчилик ва атайлаб уюштирилган камбағаллаштириш сиёсати Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмади. Фарғона водийсининг ўзида 1921 йили 64 минг 315 киши очликдан вафот этди. Бу Ленин «халқпарвар» сиёсатининг Туркистондаги тантанасидан далолат берар эди.

Лениннинг сафдошларидан бири А. Иоффе қуйидагиларни ёзади: «Қачонки, 1921 йили Марказий Қўмита мени Туркистонга ишга юборар экан, сафар олдидан бўлган суҳбатда ва кейинчалик менга ёзган хатларида В.И. Ле-

<sup>1</sup> Д. Волкоғонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

нин доимий хавотирда эканлигини алоҳида таъкидларди. «Туркистон — бу бизнинг жаҳон сиёсатимиз. Туркистон — бу Ҳиндистон»<sup>1</sup>, — дерди.

Туркистоннинг геосиёсий ўрни ва аҳамияти ўша пайтдаёқ инқилоб дохийси диққатини ўзига тортган эди. Айни Туркистон орқали Осиёни забт этиш сиёсати, Осиёга эгаллик қилиш мақсадини амалга ошириш учун Туркистон муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги Совет ҳукумати турли даврлардаги арбобларининг диққат марказида бўлган. Хусусан, Ленин Туркистонга жуда катта очкузлик ва иш-таҳа билан қараган.

Совет ҳокимияти учун, хусусан, дастлабки йилларида Россия саноатини хом ашё билан, даҳшатли очлик исканжасида қолган халқини эса нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун Туркистон катта стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам Ленин «ҳаммамизга маълумки, енгил саноат хориждан келтириладиган пахтанинг етишмаслиги боис жуда кучли инқирозни бошдан кечирмоқда... Ягона манба — бу... Туркистондир»<sup>2</sup>, — деган эди.

Хом ашё тақчиллиги муаммосини ҳал этиш учун 1921 йили Лениннинг энг содиқ сафдошларидан бири М. П. Томский Туркистонга юборилди. Унинг раҳбарлигида ўша йилнинг ўзида олдинги йилга нисбатан деҳқончилик майдони 300 минг десятинага, пахта майдони эса 100 минг десятинага кўпайди.

Поволжьедан даҳшатли очарчиликни бошидан кечирётган 300 мингдан ортиқ киши кучириб келиниб, Туркистонда жойлаштирилди. Лениннинг Россиянинг марказий туманлари аҳолисига ёрдам шиорига жавобан Наркомпродга 250 минг пуд, Москвага 600 минг пуд буғдой юборилди.

Булар ҳали инқилоб олови буткул сўнмаган бир пайтда Совет ҳукумати дастлабки талон-торожчилик сиёсатининг натижаси эди. Ваҳоланки, бу сиёсат Ўзбекистон СССР таркибидан тўла ва буткул чиқиб кетгунга қадар давом этди. Ўзбекистонда етиштирилган пахта, пилла, қорақул

<sup>1</sup> Д. Волкогонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

<sup>2</sup> Ўша манба.

тери, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, олтин, газ ва бошқа ер ости бойликлари мунтазам равишда ташиб кетилди. Ана шу тарзда ленинча сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий террор «ривожланган социализм» шароитида ҳам «қардош» ўзбеклар ва «шарқ машъали» Ўзбекистоннинг шўрини қуритди.

Лениннинг тажовузкор руҳи чегара билмас эди. У ҳеч қандай миллий, маънавий манфаатлар доираларига сизмас эди. Ахлоқий-диний тафаккур ва турли халқларнинг миллий-анъанавий турмуш тарзи, асрлар мобайнида шаклланган руҳияти билан боғланмаган, фақат дунёни зўравонлик билан эгаллаш руҳи унда устунлик қилар эди. Шунинг учун ҳам инқилобий ўзгаришлар доираси кенгайиб, бир давлат доирасидан чиқиб кетди. Жаҳон социализм васвасаси минтақа ва бутун сайёрани эгаллаб олишга интилган хаёлпарастлик касаллигининг натижаси эди.

Ленин шу даражада ўзининг ҳавойи хаёлларига қатъий ишонар эдики, унинг кўлами ва салмоғини баҳолаш қийин эди. Дунёни эгаллаш васвасаси унинг онгу шуурини бутунлай қамраб олган ва натижада маънавий-руҳий жиҳатдан бутун вужуди билан унга интиларди. Бу бевосита инсон ва шахс сифатида унинг маънавий-руҳий қиёфаси, сиёсий маданияти ва ахлоқий тарбияси маҳсулидир. Д. Волкоғоновнинг тили билан айтганда, Ленин ана шу мақсад йўлида уз қалбиғагина эмас, балки бутун инсоният цивилизациясига ҳам ўт қўйишга тайёр эди. Яна шуни айтиш керакки, унга халқнинг, миллатнинг аҳамияти йўқ эди. У ҳатто рус халқининг жуда катта қисмини қурбон қилишдан ҳам ўзини тиймас эди. Ана шу қурбон бўлганлар кулини кўкка совуриб, ҳузур қилар ва дунёга ўт кетишини кутиб ётар эди<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, Ленин фақатгина бешафқат большевик эмас, айна пайтда планетар «ислоҳотчи» ҳам эди. У ўзининг «ислоҳотлар назарияси» билан дунёни «янги»-ламоқчи, янги «пайғамбар»лик даъвоси билан яшайдиган ҳолатга келиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1917 йилдаёқ улкан давлатни қўлга киритгани ҳамано, у Германия, Венгрия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Польша ва бошқа

<sup>1</sup> Д. Волкоғонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

мамлакатларни ҳам забт этишга интилди. Унинг ана шундай зуровонлик сиёсатини, мақсадларини назарда тутган машхур рус олими Н. Бердяев ўз вақтида «Ленин антигуманистгина эмас, аини пайтда у антидемократ» ҳам деб ниҳоятда тўғри баҳо берган эди<sup>1</sup>.

Аслини олганда диктатурага, зуровонликка интилиш инсон руҳияти нуқтаи назаридан аввал-бошда сиёсий мақсадларга эришиш учун имкон яратади. Кейинчалик яхлит фаолиятга, хатти-ҳаракатлар тизимига айланади. Натижада, бора-бора бундай руҳий мойиллик кайфияти кучайиб, аста-секинлик билан маънавий имкониятларни чегаралаб қўяди. Ана шундай пайтда инсон шахсий манфаатлари ва интилишлари йўлида ўзини жуда катта сиёсий ирода ва сиёсий маданият билан бошқармаса, ўзини ўзи енгиб яшамаса, ҳавойи интилишлар қулига айланса, умуминсоний қадриятлардан узоқлашиб боради. Натижада озодликнинг таназзулига, ҳурриятнинг инқирозига, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилишига кенг йўл очилади. Ленин ва ленинчилар худди ана шундай инсоний қадриятлардан ҳам, ҳеч бўлмаганда шахс сифатида инсоний фазилатлардан ҳам анча олисда эдилар. Улар кайфияти ва феъл-атворидаги тажовузкорлик шаклан турланиб, замонга мосланиб турса-да, моҳиятини мазмунан йўқотмади.

Ленин ҳар доим ўз атрофидаги раҳбарларга ва сафдошларига бир нарсани такрорлаб келган (1921 йил): «Яширин равишда террор тайёрлансин: бу зарурат ва шошилиш»<sup>2</sup>. Айтиш мумкинки, бундай ленинча қаттиққўлликнинг манбаи ва моҳиятини англаш унчалик қийин эмас. Ташқи қурунишда «кўнгилчан», «меҳрибон», «одамларга эътиборли» бўлган доҳийнинг бундай қарашлари жиноий, сиёсий ва ёки миллий манфаат йўлидаги қаттиққўллик эмас, аксинча, бутун ленинча дунёқараш зулмининг, унинг фалсафасининг, мантигининг, бутун феъл-атворию муносабатларини ўзида мужассам этган тафаккур тарзининг майиб-мажруҳ қиёфаси эди.

Бироқ буюк империячилик шовинизми Ленин фаолия-

<sup>1</sup> Д. Волкогонов. Ленин, М., «Новости», 1994.

<sup>2</sup> Уша манба.

тида ва сиёсатида алоҳида ўрин ва мавқега эга эди. Зотан, у барча иттифоқдош республикаларга ўз эркини ўзига бериш тамойилларини сўзда қўллаб-қувватласа-да, туб моҳияти билан унга қарши эди. Жумладан, унинг миллий масалага доир қарашларини таҳлил қилар экан, А. Авторхонов «Лениннинг миллий мустамлакачилик масаласидаги сиёсий дастури — катта империяларни тугатиб, тобе халқларни озод қилиш эмас, барча миллий империяларни бир совет суперимпериясига йиғиб, бошавойлар дастурининг иккинчи қисмини амалга ошириш — яъни барча миллатларга қўшиб юбориб, ҳам мустамлака, ҳам ҳоким миллатларни йўқотиш натижасида коммунистик инсоният қиёфасидаги ягона байналмилал чатишма яратишдир»<sup>1</sup>, — деган эди.

Миллатларни йўқ қилиш, миллий урф-одатлар, анъаналар ва миллий тилга эскилик сарқити сифатида қараш, «дин — афъюндир» деган шиор остида бутун мамлакат халқларини иймони ва эътиқодидан айириш совет империясининг асосий мақсади эди. Бу улкан мақсадни амалга оширишнинг ленинча «назария»си яратилди ва бу ғоя шафқатсизлик билан ҳамма жойда жорий қилинди. «Токи турли миллатлар бир давлатга уюшган экан, марксчилар ҳеч қачон федерация принципларини ҳам, марказни кучсизлантиришни ҳам қабул этмайдилар»<sup>2</sup>, — деб Ленин қатъий хулосага келган эди.

Дарҳақиқат, турли миллатларнинг бир давлатга эмин-эркин, ўз хоҳиш-истаги билан бирлашиши, умуминсоний қадриятлар тантанаси йўлида ўзига хос федерацияни ташкил этиш бир қарашда ижобий ҳодиса эди. Бироқ, ленинча «марказни кучсизлантирмаслик» сиёсати янги мустамлакачиликнинг, зўравонликнинг ҳали инсоният тарихи кўрмаган ҳодисаси эди.

Ленин диктатура ва зўравонлик сиёсатига алоҳида эътибор берар эди. Айни пайтда бу сиёсатни изчиллик билан, доимий равишда ривожлантириб, такомиллаштириб ва ўз навбатида ўта ҳушёрлик билан назорат қилиб борар эди. Унинг хулосаларига кўра «Пролетариат диктатураси — эски

<sup>1</sup> А. Авторхонов. Кремль салтанати. Т., «Чулпон», 1993; 23-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами. 24-бет, 140-бет.



жамият кучлари ва анъаналарига қарши қонли ва қонсиз, зўравонлик ва тинчлик, ҳарбий ва иқтисодий, маъмурий ва маърифий йўллар билан кескин курашдир»<sup>1</sup>.

Ленин миллий сиёсатининг қирралари кўп ва хилма-хил эди. У бир қарашда турли миллатлар ва халқлар орасида тинчлик, ижтимоий-иқтисодий бағрикенглик, миллий эркинлик ва маърифий-тарғибот усуллари орқали ўз ғояларини сингдиришга ҳаракат қилса, асосий мақсадига эришиш учун зарур бўлиб қолганда қон тукишдан, зўравонлик кўрсатишдан, ҳарбий кучлардан шафқатсизларча фойдаланишдан ҳам ўзини тиймас эди.

Ана шундай хулосалардан келиб чиқиб, Лениннинг миллий мустамлакачилик сиёсати стратегик мақсадга айланган эди. Унинг асл мақсади аста-секинлик билан катта империяларни тугатиб, мустамлакачилик азобини тортаётган халқларга «раҳмдиллик» қилиш, уларнинг «қадр қимматини» тиклаш ва инсон ҳуқуқларини барқарор этиш эмас эди. Аксинча, совет гегемон давлатини ташкил этиб, барча миллатларни ва элатларни қўшиб юбориб, уларни ўзлигидан айириб, сунъий урчитилган бедаво халқни яратишдан иборат эди. Бундай бедаволардан иборат жамиятни эса ҳар қандай кўйга солиш ва ўз манфаати йўлида хоҳлаганича бошқариш мумкин бўлар эди.

Гарчи кичик халқларнинг, миллатлар ва элатларнинг йўқ қилиниши, ягона рус тилида сузлашувчи янги халқ ёки ижтимоий бирликни вужудга келтириш Ленин бошчилигидаги империя учун қанчалик манфаатли бўлса, бегуноҳ ва жабрдийда рус халқининг ўзи учун шунчалик хатарли ва, айни пайтда, таназзулга бошловчи сиёсат эди. Ленин бошчилигидаги сиёсий кўпоровчилар «руслаштириш» сиёсати билан рус миллатига мансуб халқни чалғитар эди. Бироқ уларнинг бу сиёсатнинг тағ-моҳиятини тушуниш учун вақтлари етмасди. Чунки сиёсий жараён ниҳоятда тифиз ва атайлаб ушбу тadbирни тезлаштириш манфаатдор кучларнинг иш услуби эди. Умуман олганда фуқароларга эркин фикрлаш имкони берилмас, жараёнлар боришини таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш шароити йўқ эди. Хуллас, Ленин «руслаштириш» сиёса-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар. XXV жилд, 190-бет.

тини амалга оширишнинг йўллари кўп ва хилма-хил эди. Буни А. Авторхонов қуйидагиларда кўради.

«1. 1958 йилги мактаб ислоҳоти муносабати билан миллий мактабларда миллий тилни ўрганиш ва миллий тилда ўқитишни кўнгилли деб эълон қилган қонун қабул қилинди. Фарзандини миллий мактабга берадимиз, ўрис мактабигами — энди ота-оналарнинг ўзига боғлиқ. Миллий мактабда дарслар ўрис тилида олиб бориладими, миллий тилдами — буни ҳам улар ҳал қилишади. Ўз-ўзидан маълумки, ота-она фарзандларининг келгуси мавқеи «юқори»га кўтарилиши учун ўрис тили, ўрис мактаби орқали эканини яхши билади ва фарзандини ўша ёққа беради.

2. Миллий тилларнинг луғавий жамғармасига шу тилда муқобил сўзлар бўлишига қарамасдан, атайлаб ўрисча сўзлар ва атамалар киритилади. Ҳатто техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги ўрисча сўз бирикмаларини ҳам, гарчи миллий сўз бирикмалари билан шу маънони бериш имкони бўлса-да, миллий тилларга киритиш таклиф этилди.

3. Туркистон ва Кавказдаги республикалар умумий-миллий таркибида славянлар кўпайиши мўлжалланиб, славян аҳолисини республикаларга кучириб келиб, оммавий мустамлакалаштириш ишига киришилди»<sup>1</sup>.

Ана шу тарзда миллий сиёсат баъзан ўта нозиклик билан ва баъзан ўта қўполлик билан амалга оширилди. Тарихидан айрилган, ўтмишини унутган, миллий маданияти ва анъаналаридан мосуво бўлган совет халқи сингари ижтимоий бирлик дунёга келиши учун ҳамма чоралар курилди.

Умуман олганда «совет халқи» деган атаманинг тагида нима ётади? Бу қандай тушунча? У нимани англатади? Совет олимлари буни қуйидагича шарҳлашди: «Совет халқи инсонларнинг янги тарихий, ижтимоий ва байналмилал умумлашмаси бўлиб, ўз ягона ҳудудига, иқтисодига, мазмунан социалистик маданиятига, иттифоқ умумхалқ давлатига ва коммунизм қуришда умумий мақсадига эгадир. Умумий тил... Ўрис тилидир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> А. Авторхонов. Кремль салтанати. Т., «Чўлпон», 1993, 49-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 57-бет.

Бу Ленин миллий сиёсати асосидаги илмий методологияга таянган уша давр фанининг нуқтаи назари. Зотан, у пайтда ҳар қандай фан — у ижтимоий-гуманитар бўладими ё табиий-аниқ фанлар бўладими, қатъи назар, ягона сиёсатга бўйсундирилган ва ҳар қандай фан методологияси Ленин қарашларига асосланган эди. Фан сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган эди.

Бундай иллатлар фақат Ленингагина хос эмасди. Унинг ишининг давомчилари ҳам айни ана шу мақсад ва гоя билан яшашарди. Сталин, Хрушчёв, Брежнев, Суслов, Андропов, Черненко ва бошқалар ҳам айни ана шу мактаб таълимини олган, ана шу таълимотнинг содиқ давомчилари эди.

Миллий масалага муносабатда ленинча ёндашув бутун совет давлатининг изчил, доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб борган сиёсатига айланди. Зотан, «дохий» совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ «башорат» қилган эди: «...миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши уларнинг ғайри миллатлар жамоаларидан давлат бўлиб ажралиши, ўз мустақил миллий давлатини тузиши демакдир»<sup>1</sup>.

Демак, Ленин миллатларга эркинлик бериш ва миллий равнақни таъминлашдан манфаатдор эмас. У том маънодаги маънавий террор тарафдори. Шунинг учун ҳам ўз сиёсатини изчил ва шафқатсиз равишда давом эттирди: «Бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарурдир, биз марксчилар уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз»<sup>2</sup>, — деди. Демак, бир мамлакат ичидаги турли миллатлар маданиятлараро интеграция орқали бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат ва миллий маданиятлар равнақини таъминлаш эмас, балки уларни бирлаштириб, қўшиб, йўқ қилиб бориш йўлидан борар эди.

Ленин таълимоти унинг содиқ издошлари томонидан замонга мослаштирилиб давом эттирилди. Жумладан, Сталин «шаклан миллий, мазмунан социалистик», Брежнев «мазмунан ягона социалистик, миллий шакллари турлича, руҳан байналмилал маданият»ни яратиш учун курашдилар.

<sup>1</sup> Д. Волкогонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

<sup>2</sup> Уша манба.

Коммунистик ғояда ворисийлик бутун қонуниятлари билан таъминланган эди. Лениннинг ғоявий шажараси шу даражада мустақкам, салоқатли ва эътиқодли эдики, уларни бир-биридан кам қўйиш мумкин эмас эди. Ана шундай сиёсий садоқатни ёрқин кўрсатган Брежнев сунъий совет халқини вужудга келтириш борасида ўзига хос «шафқатли», «юмшоқ» йўлни танлади. Бу билан у ҳеч кимга ёмон кўринмади, ҳеч қандай миллатлар ва элатларга туғридан-туғри тазйиқ ўтказмади. Ҳаммасининг ишончини қозонишга ҳаракат қилди. Бироқ ана шу юмшоқлик ва сиёсий «маданият» билан миллатларни ўзлигидан айиришнинг ўзига хос йўллари топди. У жуда устомонлик билан кичик халқлар ва миллатлар тарихини бутунлай қайтадан яратишга даъват этди. Бутунлай янги ғайримиллий, ғайриилмий, сохталаштирилган, сунъийлаштирилган тарих дунёга келди. Буни А. Авторхонов учта йўналишда кўради:

« — **биринчи ақида** — барча ўрис бўлмаган халқлар чор империясига ўз хоҳишлари билан қўшилган эмишлар;

— **иккинчи ақида** — бунга қаршилиқ кўрсатган ҳамма миллий озодлик ҳаракатлари жаҳолатпараст кучлар экан;

— **учинчи ақида** — бу халқларнинг кўҳна чор империясига қўшилиши гўё улар учун тараққийпарвар ҳодиса бўлибди»<sup>1</sup>.

Ана шу «тараққийпарвар»лик миллатларнинг аста-секинлик билан емирилишига олиб келди. Бироқ, бу билан ҳақиқий миллий хусусиятлар, эътиқод ва иймон, урф-одатлар ва анъаналар таг-томири билан йўқолмади. Юзак қараганда ҳукмрон сиёсатга «лаббай»гўйлик, ички моҳияти билан эса миллий қадриятларга эътиқод параллел равишда яшади.

Гарчи ўша даврдаги фан, мафкура ленинча миллий сиёсатнинг брежневона талқинини зўр бериб тадқиқ этиб, назарий «асослаб», илмий методологиясини яратишга ва уни оммавий ахборот воситалари жон-жаҳди билан тарғиб этишга интилсалар-да, бу жиддий ўзгаришларга олиб келолмади. Жумладан, 70-йиллар илмий назарияда бу масала бирмунча тадқиқ этилган ва аниқ хулосаларга келинган эди: «Аҳолининг ўсиб бораётган ҳаракатчанлиги...

<sup>1</sup> А. Авторхонов. Кремль салтанати. Т., «Чулпон», 1993, 60-бет.

миллат ва элатларнинг доимий яқинлашувига, бир-бирига ўзаро таъсир этиб, тили бойишига олиб келади. Уларнинг бири — ўрис тили — барча социалистик мамлакатлар учун умумий тилга айланади»<sup>1</sup>. Бироқ ҳаёт ҳақиқати, миллий хусусиятлар ва ўзига хосликнинг «темир» қонуниятлари бундай сохта, асоссиз, баландпарвоз илмий «ҳақиқат»лардан устун келди. Тарихий тараққиёт меъёрлари устуворлик қилди.

Горбачёв эса мазкур ғояни бирмунча «демократлаштирган» ҳолатда, «қоғозга ўраб» илгари сурди: «Зиёлилар ўз тарихий илдизларини ўрганмоқдалар. Бу гоҳида тарихни ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни, тараққиётга зид тарихий нарсаларни ҳам илоҳийлаштиришга олиб келмоқда»<sup>2</sup>.

Демак, биринчидан, Бош котиб миллий тарих ва у билан боғлиқ бўлган қадриятларни ўрганишга қарши. Уни «тараққиётга зид нарсалар» деб тушунади. Чунки Горбачёвнинг мақсади ягона совет халқининг шаклланишига, улуғ давлатчилик ва улуғ миллатчилик гоёларини амалга оширишга интилишдир.

Иккинчидан, тарихни ўрганиш охир-оқибатда миллатларнинг уйғонишига олиб келади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос буюк ўтмиши, улуғ маданияти, миллий ўзлигини белгилайдиган анъаналари бор. Аждодлар қолдирган маънавий мерос уларни рағбатлантиради, миллий тараққиётга даъват этади. Натижада совет миллий сиёсати чок-чокидан сукилиб, «буюк» империя инқирозга учрайди. Буни яхши билган Горбачёв зиёлиларни кишанлаш, тарихни ўрганишни илоҳийлаштириш тамғаси билан «шовинизм»да айблаш йўлидан борди.

Д. Волкогонов шундай маълумотни келтиради: Афғонистонда узоқ давом этган уруш тугагач, Совет раҳбариятининг ўйламасдан бошқа бир мамлакат ички ишларига аралашганлиги аниқ бўлди. 1990 йилларда ҳам, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида инсонийлашув тенденцияларининг пайдо бўлаётганини, зўравонликларнинг ибтидоийлашаётган ҳодиса сифатида тан олинаётганини

<sup>1</sup> А. Авторхонов. Кремль салтанати. Т., «Чулпон», 1993, 60-бет.

<sup>2</sup> «Правда». 1987, 14 январь.

совет раҳбарлари пайқашмас эди. Улар ҳатто дунёга эгаллик қилиш каби ленинча тафаккурдан халос бўлмаганлигини кўрсатади. СССР Мудофаа Вазир Д. Т. Язов КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида қўшни мамлакатда амалга оширилган «интернационал бурч»нинг ун йиллик яқунлари хусусида ҳисобот берди. 1971 йил декабридан 1989 йилнинг февралигача Афғонистоннинг тоғли йўллари 546 минг 255 совет ҳарбийлари босиб ўтди. «Интернационал бурчи»ни бажара туриб ун уч минг 826 киши, шундан 1977 офицер қурбон бўлди<sup>1</sup>. Афсуски, уларнинг асосий қисми мусулмон халқларнинг, жумладан, ўзбек халқи вакиллари эди. Айни ана шу уруш келтирган зарар бир неча ун миллиард сумни ташкил этади.

Совет ҳукумати 1980 йилларда амалга оширган бу хунрезликлар халқлар отаси Сталин ибораси билан айтганда «вазифани бажаришга интилиш керак, қурбонлар билан ҳисоблашмаслик лозим»<sup>2</sup>, — деган ғоясининг амалдаги кўриниши эди.

Репрессия ва қон тўкишлар Совет ҳокимиятининг доимий иш усули эди. Турли даврларда, турли номлар ва баҳоналар билан халқни қириш, миллатнинг энг сара вакиллари йўқ қилиш тамойилга айланиб қолган эди. «Эрон жосуси», «Хитой жосуси», «Халқ душмани», «Ёт унсурлар», «Бузгунчилар», «Иродасизлар» сингари турли номлар билан миллионлаб кишилар қатл этилган ва сургун этилган.

«Қабоҳат салтанати» китобида келтирилишича, 1917—1929 йилги фуқаролар урушида 15 миллион киши, 1929—1933 йилги очлик даврида 8 миллион киши, 1933—1939 йилдаги қатағонларда 16 миллион, 1945—1954 йиллардаги сургунлар ва очликдан 4 миллион киши қурбон бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Совет тузуми айни ана шу йилларда ўз аҳолисининг учдан бир қисмини — етмиш миллиондан зиёдини атайлаб йўқотган.

«Босмачилик» номи билан «миллий озодлик ҳаракати»га қўшилганлардан 16 йил давомида 1 миллион 200 минг ўзбек қурбон бўлди. Бир ярим миллион мусулмон

<sup>1</sup> Д. Волкогонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

<sup>2</sup> Уша манба.

худосизлар жамияти билан келишолмай хорижга чиқиб кетди. 1 миллион 700 минг киши «босмачилик ҳаракати»-ни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, Сибирга сургун қилинди<sup>1</sup>.

Фақат шугина эмас. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон чор ҳукумати сиёсати даврида қандай бўлса ушундай стратегик аҳамиятга эга бўлган майдонга айлантирилди. Аниқроғи, СССРнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари кескин қисқартириб юборилди. Ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи деҳқонларга айлантирилди. Саноат, транспорт, алоқа тармоқлари энг қуйи кўрсаткичларда амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш иттифоқ кўрсаткичидан энг паст даражада ташкил этилди. Экологик муаммолар аста-секинлик билан чуқурлашиб бориб, охир-оқибатда бутун инсоният фожиасига айлантирилди.

Бир қарашда Брежнев раҳбарлик қилган даврларда мамлакатда бирмунча сокинлик ва тинч тараққиёт таъминлангандай эди. Бироқ инсоннинг энг катта иқтисодри — даҳолик қудрати сўндирилди. У туғридан-туғри ишлаб чиқариш воситаси бўлиб қолди. Фикрламай яшаш, инсон тафаккурини чеклаш, муносабат билдириш каби ақлий салоҳият барҳам топди. Мутелик ва тобелик кайфияти чуқур илдиз отди. Бу аста-секинлик билан ўз ўтмишини унутиш, келажакка кўр-кўрона назар ташлаш ва шунчаки кун кечириш кайфиятини чуқурлаштирди.

Коммунистик мафкура одамлар қалбига таҳдид солди. Ҳукмрон ғоя олдида фуқаро ўзини ночор ҳис этадиган, ўз имкониятларини рўёбга чиқаролмайдиган жонзотга айланди. Ана шундай тарзда халқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбати сўндирилди.

Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланар, тазйиққа олинар эди. Бу тузум шундай носоғлом муҳитни вужудга келтирган эдики, на-

<sup>1</sup> «Қабоҳат салтанати». Мақолалар туплами. Т., «Ўзбекистон», 1996, 24–25-бетлар.

тижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаганбардор, бошлиққа таъзим, ходимга зуғум кўрсатадиганлар қадр-қиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақозо қилар эди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназзулини тезлаштирди. Халқ манфаатини ўйлаган, унинг онгига нур, қалбига зиё багишлашга интилган, виждон ва ақл билан ишлашга, ҳуррият учун курашга чорлаганлар эса коммунистик партиянинг лаббайгўй югурдаклари томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв ҳам этилар эди.

Натижада бундай беаёв ва шафқатсиз бедодликлардан огоҳ бўлиб турган халқ бутунлай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди. Ишончидан айрилган киши эса руҳан ўликдир.

Маълумки, руҳияти шикаста ва озурда, ҳадик ва қўрқув гирдобига тушган одамда яратишга, бунёд этишга интилиш бўлмайди. Ва ҳатто ҳаётга, яшашга рағбат ҳам шунчаки «кун кўриш»га айланади.

Ҳаётга бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўпчилиكنинг яшаш тарзига айланди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг туб-тубига қўрқув билан қозиқ қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб қўйган эди.

Тарихий тажриба ҳар қандай ислоҳот ва янгилашишлар энг аввало инсон онги ва қалби орқали ўтган тақдирдагина самарали натижа беришини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда озодликнинг илк кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурини ўзгартиришга эътибор бериб келинмоқда. «Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ»<sup>1</sup>. Ислоҳ Ка-

<sup>1</sup> И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 6-жилд, «Ўзбекистон», 1998.



римов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ баён этган бу фикр халқни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги оташин даъват бўлиш билан бирга, бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб берган эди.

Дунёда ҳеч ким ер юзида жаннат яратган эмас. Бироқ, Ўзбекистон Совет ҳокимияти даврида Ленин ва ленинчиларнинг саъйи ҳаракати билан дўзахга айлантирилгани тарихий ҳақиқат. Зотан, бу фожиаларни, бу кўргуликларни тарих, миллат ҳеч қачон унутмайди. Айни ана шундай ғояни амалга оширишнинг янги, цивилизациялашган, замонавий шаклини уйлаб топган М. Горбачёв «қайта қуриш» сиёсати стратегиясини ишлаб чиққани ва амалда қўллагани ҳақиқатдан ҳам унинг ленинизмга садоқатлилигини кўрсатди. Айни пайтда у ўзига хос «новатор» сифатида Ленин ғояларини амалга оширишнинг янги шаклини амалда жорий этди. У 1987 йил октябрь ойида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида нутқ сузлаб, уз мақсадини аниқ-равшан ўртага ташлади ва «Лениндан бизгача кўприк ташлаш лозим. Бугунги кундаги ишларимиз билан ўша даврдаги воқеаларга ленинча муносабат ўртасида алоқа ўрнатиш лозим. Бу — диалектика. Ленин ҳал этган масалалар — бу ҳозирги вазифаларни ҳал этиш учун калитдир»<sup>1</sup>, — деди ва айни ўша зўравонлик ва яккаҳокимлик ғояси, халқларни хонавайрон қилиш йўли билан ҳокимиятни мустаҳкамлаш позициясининг мавжудлигини кўрсатди.

Лениннинг шахси, унинг сиёсий позицияси хусусида гапирар экан, машҳур рус олими Н. Бердяев пролетариат доҳийсининг қуйидаги гапини келтиради: «Нимаики инқилобга хизмат қилса — барчаси эзгулик, унга халақит берадиган ҳамма нарса — ёвузликдир»<sup>2</sup>.

Бундай кескин ва бир ёқлама қараш 70 йил мобайнида яшади. Бироқ турли даврларда турли шаклга кирди. Дейлик, Горбачёв тилида «Нимаики Коммунистик мафкурага хизмат қилса — эзгулик. Унга зид бўлган ҳар қандай фикр — ёвузлик»ка айланди. Охир-оқибатда бутун ленинизм ғояларини ҳам, яхлит жамиятни ҳам инқирозга олиб келди.

<sup>1</sup> Д. Волкогонов. Ленин. М., «Новости», 1994.

<sup>2</sup> Уша манба.

1980 йилларнинг охирига келиб вазият бирмунча узгарди. Бу айти демократик жараёнларнинг чуқурлашиши ва уйғонаётган халқнинг уйғонаётган тафаккури билан боглиқ булган ҳодиса эди. Бироқ ҳар бир республиканинг ижтимоий-сиёсий иқлими, тарихий жараённинг бориши бевосита ана шу республика раҳбарининг хатти-ҳаракати, ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимиға муносабати билан боглиқ эди.

Сиёсий жасорат, сиёсий ирода, воқеликни туғри англаш, туғри баҳолаш ҳақиқий раҳбар учун ноёб фазилат. Демократия ҳақида кўпиртириб гапириб, зуравонлик режимини кучайтиришға интиланган М. Горбачёвнинг сиёсий йўли, аниқроғи, позицияси Ўзбекистон учун ва умуман миллий республикалар учун манфаатли эмас эди. Иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ислон Каримов М. Горбачёвға бунни рўйирост айтди. Республика раҳбари сифатида ўз юртининг барча ютуғию нуқсонларига узини қалқон қилди. Раҳбар сифатидаги қатъий ва мустаҳкам иродасини кўрсатди. Ислон Каримовнинг бундай феъл-атвори ва хатти-ҳаракатиға ҳар ким ҳар хил баҳо берди. Жумладан, М. Горбачёв уни шартакиликка, бетгачопарликка йўйса, унинг гумашталари бу фикрларни қўллаб-қувватлашди. Ўзбеклар қаторида барча совет халқи эса Ислон Каримов интилишларини қўллаб-қувватлади. Чунки Ислон Каримов позицияси нафақат қардош республикалар халқлари, балки Россия аҳолиси манфаатларини ҳам ўзида мужассам этган эди. Шунинг учун ҳам Москва нашрларидан бири «Ўзбекистон Президенти И. Каримов иттифоқ миқёсидаги сиёсий арбоб сифатида СССР халқ депутатларининг IV съезди кунларида туғилди. У М. Горбачёвни қаттиқ танқид қилиб, «команда»ни ўзгартиришни талаб қилди. Кўпчилик учун бу буткул кутилмаган ҳодиса эди. Узоқ йиллар мобайнида анъанаға кура Ўрта Осиё республикалари олий раҳбарлари Марказ сиёсатиға эргашиб юрар эдилар. Қандай ўзгариш юз берди? Каримов ўз кучиға бундай қатъиятли ишонч қаердан пайдо бўлди?»<sup>1</sup> — деб ёзган эди. Бундай ҳайрат ва ҳаяжонни тушуниш мумкин. Туғри таъкидланганидек, 130 йилдан

<sup>1</sup> Л. Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., «Ўзбекистон», 2001. 104-бет.

бери давом этаётган мутелик кайфияти катгаю кичикни ўз домига тортган эди. Ўзбекистон раҳбари иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб шакланган сиёсий тафаккур оламида тўнтариш ясади. Янгича фикрлайдиган, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри баҳолайдиган мард ва жасур кишилардан иборат янги «команда» тўплаши зарурат эканлигини, сиёсий демагогияга барҳам бериш вақти келганлигини очиқ-ойдин айтди. Шундай қилиб, Ислом Каримов айни ана шу қолипни — ленинча бошқарув тамойилларини чиппакка чиқарди. Дарвоқе, у ҳеч қандай олдиндан тайёрланган ёки русумга айланган «қолип»га сиғмайди! У айни ана шундай ўзига хослиги, ҳақиқат ва адолат йулидаги ўта қайсарлиги ва ужарлиги билан бутунлай янги типдаги раҳбар феноменини кашф этди.

Фақат шугина эмас. Аниқроғи, Москва нашрлари баён этганидек, Ислом Каримов СССР халқ депутатлари съезди кунларида «туғилмади». У айни ана шу съезд минбаридан Иттифоқ доирасидаги шакланган ислохотчи, замонавий тафаккур эгаси сифатида СССРга танилди ва тан олинди, холос.

Ислом Каримов республика Давлат режа қўмитаси Раиси ва Молия вазири бўлиб ишлаган пайтлардаёқ СССРдаги мавжуд ҳолатлар, сиёсий таназзул ва иқтисодий-ижтимоий чекинишлар ҳодисасидан хабардор эди. Айниқса, Қашқадарё вилояти раҳбари бўлган пайтларда Кремлнинг Ўзбекистонга муносабати орқали совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати «қуюшқон»дан чиқиб кетаётганини пайқаган эди. Натижада, республика раҳбарлигига сайланганидан тўрт ой утар-ўтмас Ислом Каримов узоқ йиллар мобайнида вужудга келган қатъий хулосаларини Ўзбекистон КП МКнинг XVIII пленумида баён этди ва (1989 йил, 25 ноябрь) «Барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислох қилиш зарур»<sup>1</sup>, — деди.

Ана шу биргина сўз бутун Совет Иттифоқи сиёсий тизимини, ленинча таълимотнинг «инқилобий» ҳаракатини ларзага келтирди. Горбачёв бошлиқ арбоблар салтанатини талвасага солиб қўйди. Буни нималарда куриш мумкин?

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 26 ноябрь.

**Биринчидан**, мавжуд ва ҳукмрон сиёсий системани ислоҳ қилиш — совет жамиятини тубдан янгилашни тақозо этади.

**Иккинчидан**, КПСС раҳбар бўлган бошқарув тизими ва унинг бутун фаолиятини ислоҳ қилишга тўғри келади. Бу ўз-ўзидан ленинча бошқарув ва миллий сиёсатда туб бурилиш қилишни тақозо этади.

**Учинчидан**, иттифоқдош республикалар ва Марказ уртасидаги муносабатларга аниқлик киритишни, уларнинг Конституциявий ваколатларини кенгайтиришни талаб қилади.

**Тўртинчидан**, гап агар фақат Ўзбекистон ҳақида бораётган бўлса, мавжуд сиёсий тизим яна давом этадиган бўлса, Ўзбекистон СССР таркибидан чиқиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

**Бешинчидан**, сиёсий етакчининг тафаккур тарзини, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан пайқаш, баҳолаш салоҳиятини ва, энг муҳими, Шаҳс сифатидаги сиёсий жасорат, сиёсий қатъият, мислсиз ирода ва юксак маданият фазилатларини кўрсатади.

Ислом Каримов тарихан жуда қисқа вақтда ўзини «тафаккур инқилобчиси» сифатида кўрсатди. Бу унинг учун атайлаб, ислохотлар қилиш орқали, узоқ йиллар мобайнида инсон тафаккурини ураб-чирмаб олган фикрлаш тарзини бузиш, бузгунчи ва шиддаткор оқимга қарши туришга интилиш орқали эмас, аксинча, табиий ҳолатда, шахсий фазилатлари, ички имкониятлари, қобилияти туфайли юзага келаётган, вақт ўтгани сайин шаклланиб бораётган воқелик сифатидаги феноменидан келиб чиқади.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов феъл-атвори, тафаккур тарзи жиҳатидан ўзидан олдинги андозаларнинг тор, биқик ўлчовларига сиғмайди. Худди ана шу фазилатлари туфайли ҳам бутун сиёсий тизимни синдириб ташлашга журъат этди. Иқтисодий-ижтимоий бўҳронлар, маънавий-руҳий парокандаликлар, сиёсий ва ғоявий таназзулларни ҳаммадан олдин кўра билди. Тоталитар ақидапарастлик ва сиёсий догматизм шароитининг тобора чуқурлашиб бораётганини бошқалардан олдинроқ пайқайди ва катта жасорат билан унга қарши чиқди. Ана шу тарзда жамиятни тубдан янгилашга журъат этди.

Ислом Каримов ўзининг радикал фикрлари ва воқе-ликка кутилмаганда, фавқуллода ёндашувлари билан советлар империясининг инқирозини тезлаштирди. Коммунистик афсонанинг сароблигини исбот этди. Ўзбекистонни, қолаверса, барча иттифоқдош республикаларни ғоявий таназзул гирдобига тортган совет тоталитаризмига қарши тура олди ва уни қатъият билан енгди. Ҳарбий коммунизм ва фуқаролар социализмининг ленинча ғоялари уйдирмаларини фош этиш билан ўзининг ноёб мафкуравий ва сиёсий жиҳатидан бутунлай янги, тасаввуримизга сиғмайдиган дунёнинг кашф этувчиси сифатида кўрсата олди.

Бошқача қилиб айтганда, Ислом Каримов феномени ҳақидаги мулоҳазалар шахснинг тарихдаги ўрни тўғрисидаги фикргина эмас. Балки тарихнинг шахс борасида тақдири ва қадрияти билан боғлиқлиги ҳамдир. Зотан, камдан-кам тарихий шахслар тарихнинг туб бурилиш нуқтасини белгилаб берадилар, жараёнлар ва турмуш тарзининг бир хилдаги оқимини кескин ўзгартириб юборадилар. Бутунлай янги, ҳаётбахш ва ҳузурбахш турмуш кечириш, аниқроғи, Инсон ва Инсоният тақдиридаги мислсиз маънавий кўтарилишлар даврини бошлаб берадилар.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Ислом Каримов шахси халқимизнинг тарихий тақдири, унинг кечинмалари, изтироб ва қувончлари сифатида вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, Ислом Каримов феномени ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва руҳияти, миллат сифатидаги феномени орқали умуминсоний қадриятлар ва умумжаҳон сиёсати феноменига айланди.

Тарих гилдирагининг бир текисдаги ҳаракатини, меъёрини бузиш ҳамма вақт ҳам қувончли бўлавермайди. Бу бир жиҳатдан ислоҳотчининг мулжални қай даражада тўғри олгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан айни шу ҳаракатни ҳалокатларга йўл қўймасдан, синаб қурилмаган, биров юрмаган хавфли-хатарли довондаги ишончли ҳаракатни таъминлаш ҳамдир. Ана шу тарзда учинчи энг муҳим масала юзага келади. Бу бевосита шахс ҳаёти, тақдири билан боғлиқ бўлган тарихий ҳодиса.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ: ЯНГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ БОСҚИЧ

---

### V БОБ. ТАРИХИЙ ЖАРАЁНДА ДАВЛАТНИНГ ҲУРИ ВА РОЛИ

#### 1-§. Ўзбекистон — умумсайёравий тарихий жараённинг фаол субъекти

XX асрнинг сунги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқбозлик ва зуравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. Ғайриинсоний ғоялар ташвиқотчиси бўлган коммунизм мафқураси инқирозга учраб, мустамлакачиликнинг сунги қўғонлари қулади. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишнинг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни бошланди. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли қурилмаган кенг миқёсли янгиланишлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умумжаҳоний янгиланишлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гуруҳ давлатлар, охир-оқибатда барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Дунё янгиланишлари жараёнига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда қўшила бошлади.

Ўзбекистон умумпланетар ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намойён эта бошлади.

Ўзбекистонда амалга оширилган фавқулодда кенг кўламдаги ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим.

Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумпланетар мулжаллар доирасида изчил ва тадрижий кечаётган ялпи ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил этиш, баҳолаш ҳамда илмий-назарий умумлашмалар қилиш асносида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиланишлар ривожига ўзига хос кечаётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётни мақсадли такомиллаштириш, бу муҳитни умуминсоний ва миллий тамоийиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шарт-шароитлар яратиш, либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга даъват этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёни бошланишига назарий пойдевор қўйилди. Давлат тузуми, жамият қурилиши ва шахс маънавий дунёсини тубдан ислоҳ қилиш янгиланган давлат, ўзгарган жамият ва комил шахсни яратиш имконини берди. Давлат, жамият ва шахсни янгилаш жараёнлари, бу жараёнларни мақсадли бошқариш нечоғли ақлий шижоат, доно сиёсат ҳамда матонатни талаб этганлигига бугунги кунда амин бўлиб турибмиз. Зеро, бу бошқарув сермашаққат ва мураккаб кечувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар, мафкуравий таъсир ва тазйиқлар, махсус юзага келтирилган моддий-молиявий тангликлар ҳолатлари шароитида амалга оширилди.

Ўзбекистон ялпи янгиланишлар жараёнини икки узаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. **Биринчиси**, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат бўлса, **иккинчи йўналиш** — халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳитидан муроса, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

\* \* \*

Ўзбекистонда ялпи янгиланишлар жараёни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг қонунлар ўзгаришлар жараёнларидан аввал юриши керак, деган методологик кўрсатмаси асосида амалга оширила бошлади.

Даставвал, Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Мамлакатнинг истиқлол Конституцияси қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик ғоялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалди. Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Кўп партиявийлик тизими таркиб топишига кенг шароит яратилди. Жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келди ва чуқурлашди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари вужудга келмоқда. Суд ҳокимияти мустақиллик моҳияти ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинди.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш чоралари кўрилди. Миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий қуролли кучлар тизими яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари доирасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг «ўзбек модели» вужудга келди. Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пул-кредит сиёсати тамойиллари ишлаб чиқилди. Мулкчилик, мулкка эгаллик тушунчалари шаклланди. Мулкдорлар табақаси вужудга келди. Хусусий мулкка эгалликнинг янги тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод жамиятга



айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъминлаб берувчи миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини англашда тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғинович, Ат-Термизий, Имом Бухорий, Ал-Мотуридий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига айланди. У Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўзига хос ва ўзига мос ўринга эга бўлиб, минтақа тараққиётида муҳим роль ўйнай бошлади. Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилди.

Бундай кенг кўламдаги ўзгаришлар ва янгилашлар жараёни чуқур асосланган илмий-назарий таҳлилни, назарий умумлашмалар, хулосалар чиқаришни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ижтимоий-гуманитар фанлар олдига долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Дарҳақиқат, ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади. Одамлар тафаккурида, феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янги қадриятлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизими ўзгарди. Ўзбек менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳада туб янгилашларга, ўзгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзбекона тамойиллари вужудга келди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий

барқарорликка эришилди. Маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларнинг тикланиши орқали **истиқлол даври фуқароси** вужудга келди.

Хуллас, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос ўринга эга бўлганлиги, Юртбошимизнинг дунё муаммоларини ҳал этишда, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини умуминсоний тамойиллар ва умуман яхшилик сари буришда фаол саъй-ҳаракатлар зарурлигини асослаб бераётганлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятининг фаол субъектига айланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг кўҳна дунёни ислоҳ қилиш, уни янги ғоялар асосида ўзгартириш концепциялари дунё жамоатчилиги томонидан тула маъқулланиб, қўллаб-қувватланаётганлиги ўзбек характери ўзгарганлигидан, халқ онги, руҳияти, менталитети янгиланаётганлигидан далолат беради. Ана шундай шароитда, яъни, истиқлол даври фуқароси таркиб топганлиги ва янгиланишлар жараёнининг узвий-узлуксиз ривож топаётганлиги ҳамда маънавият мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб бораётганлиги бу масалаларни илмий-назарий асослаш заруриятини кун тартибига қўймоқда.

Шу боисдан ҳам озод ва обод жамият қуриш назарияси, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш тамойиллари асослаб берилганлиги, эркинлаштириш сиёсати ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида амал қила бошлаганлиги иқтисодиёт, маънавият, маърифат борасида туб ўзгаришлар концепциясида ўз ифодасини топганлиги ва амалиётда фаол қўлланила бошлаганлиги масалаларини илмий-назарий тадқиқ этиш мақсадидамиз.

**Истагимиз** — истиқлол даври тарихий жараёнларини ўрганиш, уни илмий-назарий мушоҳада қилиш, воқеликни англашдан иборат. Бу масала эса ижтимоий онг, халқ табиати, орзу-ўйлари, интилишлари, маслак ва эътиқодларидаги ўзгаришлар жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда фуқаролар онги ва тафаккурини ўзгартирмасдан туриб ислохотлар моҳиятини англаш ва самарадорлигини ошириш мумкин эмас.

Жумладан, Президент Ислом Каримов «Жамиятни маъ-

навий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний багрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат»<sup>1</sup>, — деган эди. Бу бевосита жамиятни тубдан янгилашни, инсонни «янгилаш», инсон тафаккури, руҳияти, кайфияти ва онгини ислоҳ қилиш орқали амалга оширишни тақозо этадиган ҳодисадир.

Истиқлол эволюцияси бевосита одамлар тафаккури, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий онгининг такомиллашиш жараёнлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам рисолада Ўзбекистонда кенг миқёсли ислоҳотларни **инсон онги ва қалби орқали ўтказиш**, бу жараёнларни ҳар томонлама ижтимоий фаол фуқарони шакллантириш иши билан уйғун ҳолда олиб борилганлиги илмий таҳлил ва тасниф қилинади, назарий умумлашмалар илгари сурилади, амалий саъй-ҳаракатлар тизими алоҳида-алоҳида соҳалар бўйича қиёсий урганилади. Жумладан,

**давлатчилик соҳасида:**

— давлатнинг ялпи ислоҳотлар ўтказишда ташаббускорлиги, аҳоли бунёдкорлик ва яратувчанлик фаолиятларининг рағбатлантирилиши;

— ҳуқуқий демократик давлат куришда миллий ва умуминсоний тамойилларнинг уйғунлаштирилиши;

— қонун олдида аҳоли барча қатламлари тенглигининг таъминланиши, қонун устуворлиги тамойилларининг умумжамият томонидан қабул қилинган воқеликка айлантирилиши;

— жамият аъзолари моддий, маънавий ва ижтимоий имкониятларининг мамлакатни озод ва обод ўлкага айлантириш гоёларига сафарбар этилиши;

— аҳолининг мулкдорлар қатламини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, аҳоли турли табақалари турмуш тарзида ҳаддан ташқари фарқлар юзага келиб қолишининг олдини олиш;

— халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг янада такомиллаштирилиши, бир мамлакат билан яқинлашув бошқа

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 499-бет.

давлатлар билан узоқлашув ҳолатига олиб келмаслиги тамойилининг изчил амалга ошуви.

#### **Сиёсий соҳада:**

– халқнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита, яъни ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда тўлиқ иштирок этиши лозимлигининг асосланиши;

– ҳокимиятнинг умумэътироф этилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократик бошқарув тизимларининг амал қила бошлаши, миллий давлатчилик тузилмаларининг барпо қилиниши;

– жамият сиёсий тизимида плюралистик ёндашувлар тизимининг юзага келиши, кўп вариантли баҳолаш майдонларининг таркиб топтирилиши;

– бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишнинг ижтимоий зарурлиги тамойилининг ишлаб чиқилиши;

– фуқароларнинг жамоа, жамият ва давлат олдида ҳамда давлат ва жамиятнинг шахс олдидаги масъулияти масалаларида адолатли мувозанат концепциясининг яратилиши;

– Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиши учун ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитларнинг амал қилишига эришилиши.

#### **Иқтисодий соҳада:**

– юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлайдиган барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётнинг барпо этилиши;

– ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич, эволюцион ўтиш назариясининг асосланиши ва амалиётда муваффақиятли қўлланилиши;

– мулк эгалари ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва мулкчиликнинг барча шакллари ҳуқуқий тенглигини мустақкам қарор топтирилиши;

– иқтисодиётни давлат томонидан бевосита бошқарилиши тизимидан воз кечилиши, корхоналар ва ташки-

лотлар мустақиллигининг кенгайтирилиши, муассасаларнинг ҳужалик фаолиятига аралашув амалиётига барҳам берилиши.

**Ижтимоий ва маънавий соҳада:**

— умуминсоний тамойиллар, эзгулик ғояларига содиқлик, инсон ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, озодлиги, кадрқиммати, касб-кор ва яшаш жойларини эркин танлаш ҳуқуқларининг таъминланиши;

— ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлигининг қарор топтирилиши;

— ижтимоий адолат қоидаларининг рўёбга чиқарилиши, аҳолининг ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари — кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий ва маънавий муҳофаза этилиши;

— фуқароларнинг ўз интилишлари, имкониятлари ва қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг китоблари, рисоалари, нутқлари ва маърузаларида ижтимоий воқеликни ялпи янгилаш, ижтимоий ўзгаришлар мантиғини шахс манфаатларига йўналтириш, комил инсонни таркиб топтириш, жамиятнинг юксак маънавий-ахлоқий қиёфа касб этишига доир концепциялар мажмуи, уларнинг ижтимоий муҳитда амал қилиш жараёнлари чуқур асосланган.

Шунингдек, инсониятнинг онгли кўп минг йиллик тарихи мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар жараёнлари, бу ўзгаришлар жараёнларига асос солган ва бошқарган улуғ шахслар, ҳукмдорлар, президентлар, аллома ва мутафаккирларнинг назарий мушоҳадалари ҳам бизга тарихий сабоқ вазифасини ўтайди.

Ўзбекистонда ижтимоий ўзгаришлар ва янгиланишлар концепциясини урганиш асносида Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари, антик давр олимлари, хусусан, Платон, Аристотель, Фукидид, Лаэций, Спиноза, Зардушт, Имом Бухорий, Форобий, Марғиноний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Беруний, Амир Темур сингари мутафаккирлар ва давлат арбобларининг асарлари, Гегель,

Фрейд, Бердяев, Тойнби, Поппер, Ясперс, Хоманс, Неру, Губман ва бошқа олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳам жиддий эътиборга лойиқдир.

Ижтимоий онг мазмунининг тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахс ҳақ-ҳуқуқлари барқарорлашаётганлиги, халқаро маконда меҳр-шафқат, бағрикенглик, одамийликка доир умумпланетар майлнинг кучайиши жамият, жамоа ва шахс маънавиятида янгиланиш жараёнларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. XX аср сўнгига келиб инсоният ўз қазоси ҳам, ўз давоси ҳам ўз қулида, реал саъй-ҳаракатларида, тафаккур тарзида эканлигини тула англаб етди. Дунё ўз-ўзини асраш инстинктини ишга солиш тараддудини кўрмоқда.

Ана шу жараёнларда марказий масалалардан бири ҳамма саъй-ҳаракатларни инсонга, унинг реал манфаатларига, руҳий интеллектуал соғломлигига, маънавий тарбиясига қаратиш вазифасидир. Президент Ислом Каримов ялпи янгиланишлар ва туб ўзгаришлар моҳиятини худди ана шу омилларда кашф этиб, ислохотлар барча жабҳаларини айна инсон орқали амалга ошириш назариясини асослаб берди.

Янгиланиш жараёнларининг пировард натижалари ҳам инсон имкониятларини тулароқ юзага чиқишига, шахс потенциали, салоҳият захиралари намоён бўлишига кенг йўл очишдан иборатдир.

## **2-§. Ижтимоий-иқтисодий хаотик ҳолатларни тартибга солиш жараёнлари**

Қизил империя ва халқаро коммунистик мафкура XX асрнинг 80-йилларига келиб таназулга юз тута бошлади. Тоталитар режим инқироzi даставвал қизил мафкура таназулидан бошланди.

Собиқ иттифоқ ҳудудида демократик жараёнларнинг чуқурлашиши, аниқроқ қилиб айтганда, «демократия уйин»ларининг авж олиши бутун мамлакат ҳудудида сиёсий жараёнларни фаоллаштиришган бўлса, муайян гуруҳларнинг манфаатлари, айрим шахсларнинг сиёсий мавқе учун интилишлари беқарор сиёсий муҳитни вужудга келтирди. Халқ депутатлари съездлари ва коммунистик партиянинг ну-

фузли йиғилишларида сиёсий можаролар, ўзаро тортишувлар, шахсий адоват ва манфаатнинг кескинлашув ҳолатлари юзага келди. Ўзаро туқнашувлар авж олиб, мамлакат олий раҳбарияти ўртасида парокандалик, ўзаро келишмовчиликлар, тарафкашлик ва гуруҳбозлик кучайди, сиёсий мавқеини йўқотаётган раҳбар шахслар ўртасидаги курашлар мамлакатни фожиали оқибат гирдобига торта бошлади.

Кремлдаги бундай келишмовчиликлар, ўзаро ички зиддиятлар Марказ билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ҳам сабаб бўлди. Асабий кайфият, руҳий беқарорлик, маънавий озурдалик туфайли ҳатто Россиянинг ўзида — Москвада, Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург) Кремлга ишончсизлик билдиришлар, мамлакат раҳбариятига таъна-дашномлар ёғдиришлар авж олиб кетди. Дастлаб, сиёсий аномия ҳолати вужудга келди. Умумдавлат манфаатига хизмат қиладиган ғоялар атрофида аҳолини зўрлаб бирлаштириш учун энди аввалги қудратли тазйиқ машинаси иш бермай қўйган эди. Ана шундай ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ва иқтисодий беқарорликдан талвасага тушган мамлакат раҳбарияти фуқароларни чалғитиш йўли билан давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга интила бошлади. Ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто турли миллий ва миллатлараро можароларни уюштиришдан ҳам тойишмади.

Собиқ иттифоқда қонунчилик ҳокимияти йўқлиги боис, сиёсий ҳукм — тазйиқ ўтказиш орқали бошқариш вазифаси қизил мафкура зиммасига юклатилган эди. Мафкуравий таъсирнинг барҳам топиши, ҳуқуқий доктрина йўқлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизими тобора чуқурлашганлиги, боз устига бозор иқтисодиёти элементларининг пайдо бўла бошлаши, миллий онг ва миллий уйғониш жараёнларининг кучайиши мамлакатда умумий хаос ҳолатини таркиб топирди. Ижтимоий тартибсизликлар, миллий, жамоавий, минтақавий ва шахслараро қарамақаршиликлар кучайиб, бундай вазият жамиятдаги деструктив ҳолатларни чуқурлаштира бошлади. Сиёсий аномия доиралари кенгайиб, иқтисодиёт ва ижтимоиётнинг

барча соҳаларини қамраб олди. Натижада тоталитаризм билан демократия, коммунистик мафкура билан умуминсоний қадриятлар ўртасида жиддий тўқнашувлар содир бўлди. Бу Грузияда Тбилиси воқеалари, Озарбойжон ва Арманистонда Тоғли Қорабоғ, Қирғизистонда Ўш, Ўзбекистонда эса «пахта иши», «Ўзбеклар иши», сўнгроқ Фарғона, Андижон, Гулистон, Бўка ва Паркент воқеалари шаклида юзага келди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий муҳит таҳликали ва зиддиятли тус олди. Яъни: **биринчидан**, «пахта иши» ва «Ўзбеклар иши» деган айбловлар билан янги қатагон даври бошланди. Кўзга кўринган тажрибали раҳбарларнинг асосий қисми жиноий жавобгарликка тортилди. Оқибатда бутун мамлакатда парокандалик, лоқайдлик ва ишончсизлик кайфияти чуқурлашди.

**Иккинчидан**, Фарб демократиясига тақлид қилиб, унга кўр-кўрона эргашган сохта демократлар ижтимоий фикрни чалғитиб халқни майдонларга чорлай бошладилар. Минглаб одамларни ўзларига эргаштириб норозилик митингларини уюштирдилар. Фуқаролик уруши хавфи юзага келди.

**Учинчидан**, республикада норозиликни кучайтириш, одамларни чалғитиш, миллатни бўлиб ташлаш мақсадида туманлар, вилоятлар ва турли вазирликлар қўшиб юборилди.

Туман ва вилоятларнинг қўшиб юборилиши мамлакат иқтисодий тараққиётига кескин зарба бериш билан бирга одамлар кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

**Тўртинчидан**, аҳоли тигиз жойлашган, ижтимоий муаммолар кескинлашган, моддий жиҳатдан қийналиб қолган минтақаларда миллатлараро низоларни келтириб чиқаришди ва шу йўл билан аҳолини мустақилликка эришишдан иборат асосий мақсад ва йўналишлардан чалғитишга интилдилар. Натижада Фарғона, Андижон, Гулистон, Бўка, Паркентда қонли тўқнашувлар вужудга келди.

**Бешинчидан**, коммунистик мафкуранинг «дин — афъюн» деган дахрийлик шиори одамлар қалбини жароҳатлади. Жамиятда юз берган парокандалик ва тартибсизлик



пайтида ислом динидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи ақидапарастлар пайдо бўлиб, диний партиялар атрофида бирлашиб, ҳокимият учун курашни авж олдирдилар. Ислом Каримов ана шундай муаммолар қалашиб кетган муркаб ва зиддиятли пайтда ҳокимият тепасига келди.

Республикадаги ялпи аномия ҳолатини тартибга тушириш, **ахлоқий-меъёрий мувозанатни қарор топтириш**, маънавий бўшлиқ, ижтимоий ҳаётдаги парокандаликни бартараф этиш зарур эди. Маъмурий тизимнинг бўшлиғи, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг сустлашганлиги, тартибсизликнинг авж олганлиги каби жамият ва одамлар ҳаётида хавф туғдирувчи ҳолатни бартараф этиш лозим эди. Президент Ислом Каримов Республика раҳбари сифатида фаолият курсата бошлаган дастлабки кунлариданоқ ўзбек халқи манфаатлари, шаъни ва гурурини ҳимоя қилишга киришди. Юртбошимиз узбеклар шаънига ёғдирилган бўҳтонларга жавобан: «Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналминналчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳаммаша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган»<sup>1</sup>, деган нуқтаи назарни қатъият билан илгари сурди ва мавжуд тасавурлар мазмунини ўзгартира билди.

Жамиятда мавжуд хаос ва аномия ҳолатларига барҳам берилди. «Пахта иши» билан боғлиқ оммавий қатағон ишларига нуқта қўйилди. Вилоятлар, туманлар маъмурий-иқтисодий ҳудудлари қайтадан кўриб чиқилди. Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг янги концепциялари ишлаб чиқилди. Динга муносабат ўзгартирилиб, ислом динининг маънавий, маърифий ва тарбиявий ғояларидан кенг фойдаланиш чоралари кўрилди. Маънавий ва руҳий янгилашнишларнинг амалий якуни сифатида Пре-

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони» газетаси. 1989 йил 20 август.

зидент Ислом Каримов «Барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарур»<sup>1</sup>, деган масалани ўртага қўйди.

Ана шундай ғоялар ва ислоҳотларга тайёргарлик концепцияси мустахлакчиликдан озод бўлиш, мустақилликка эришиш ғоялари билан уланиб кетди. Мамлакат раҳбари Ислом Каримов ўзининг стратегик мақсадини аниқ ва равшан ўртага ташлади: «Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истаиди. Тукис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди»<sup>2</sup>.

Президент Ислом Каримов сиёсий алдовлар ва ваъдаларга ишонмади, халқимиз учун иккинчи йўл қарамлик ва мутелик эканлигини англаш зарурлигини ижтимоий сиёсат даражасига кутарди. Қадди ва қалби забун ҳақимиз учун фақат битта йўл — мустақиллик йўли бор, деган ишонч билан қатъий ҳаракат қилди. Ана шу сиёсий қатъият, кучли ғоявий эътиқод ва шахсий ирода кучи жарга қулаётган республикани асраб, уни муқаррар ижтимоий фалокат ва ҳалокатдан сақлади. Жамиятда аста-секинлик билан, босқичма-босқич барқарор маънавий-руҳий, сиёсий-ижтимоий муҳит вужудга кела бошлади.

### **3-§. Янги давлатчилик тизимини вужудга келтириш — муҳим тарихий-сиёсий воқелик**

Ўзбекистоннинг бутун уч минг йиллик тарихи мобайнида бирор-бир миллат номига қўйилган давлат ёхуд империя амал қилмаган. Мовароуннаҳр ва унинг атрофини қамраб олган катта геополитик маконда фақат сулолавий

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони» газетаси. 1989 йил 20 август.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 1991 йил 1 сентябрь.

ёхуд жуғрофий номланишларда салтанатлар, давлатлар халқларни сиёсий жиҳатдан уюштириб келган. Ҳозир биз гувоҳи бўлиб турган Ўзбекистон давлати халқимизнинг асрий орзу-умидларини, илк мустақил давлатчилигимизни ифодаловчи улуғ воқелик, тенги йўқ буюк қадриятдир. Юртбошимиз Ислом Каримов эса шу улуғ воқеликнинг ижодкоридир.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари ўзининг минг йилликлар мобайнида шакланган бошқарув сиёсати, серқирра ҳамда теран илдизли давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб келди. Шарқ давлатчилиги тарихида чуқур из қолдирган Афросиёб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан адолат ва инсонпарварликка таянган давлат тизимларининг шакллантирилиши, соҳибқирон Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши ва миллат ифтихори учун курашиши, салкам 500 йил амал қилган буюк темурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг фан ва маданият равнақиға, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм равнақиға йўл бериши, хунар аҳлиға раҳнамолиги, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбар шоҳ, Шоҳ Жаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, одил ва инсонпарвар давлат таркиб топтириш йўлидаги тажрибалари кишиликнинг ижтимоий, маъмурий бирлашув жараёнлари тарихидаги муҳим босқич сифатида тан олинган.

Жаҳон сиёсатдонлари мамлакатимизда эркинлик тамойиллари ижтимоий муҳитнинг барча жабҳаларида амал қила бошлаганлигини, қонунға ҳурмат билан қараш, қатъий интизом турмуш тарзига сингиб бораётганлиги, умум томонидан қабул қилинган одатий ҳолатларға айланиб бораётганлигини эътироф этмоқдалар. Ислом Каримов миллий давлатчилик пойдеворларини тиклаш асноларида юзаға келган муаммовий вазиятларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий воқелик жараёнларига ёндашишда ана шу тарихий тажрибалар ва фуқаролар маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Немис файласуфи Гегель ибораси билан айтганда, «ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий-онглилик та-

раққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир. Унда тафаккур, фалсафа... ҳамма нарса мужассам»<sup>1</sup>.

Давлат тизимининг таркиб топиш эволюцияси, унинг ўзига хос қонуниятлари, мураккабликлари ва талаблари хусусида гапирар экан, Гегель ижтимоий ўзгаришларни инқилобий усулларда амалга ошириш нечоғли зарарлиги хусусида алоҳида тўхталиб, янгиликларни инқилобий тарзда жорий этиш ҳамма вақт вайронагарчиликларга олиб келишини, янги шаклларни эса фақат тадрижий тартиботларда секинлик билан амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Давлат қурилиши жонли ҳодиса сифатида доимий ҳаракатда, ўзгаришлар асносидадир<sup>2</sup>, деган фикрни асослайди.

Ўзбек миллий давлатчилиги, унинг шаклланиш жараёни хусусида гап борар экан, шу ўринда, Гегель фалсафаси ва унинг эволюцион қонуниятларидан фарқ қилиб, Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан давлат қурилиши ва амалиётига доир концепциянинг янги давр шарт-шароитларини пухта ҳисобга олувчи мантиқий тизим сифатида муҳимлиги ва ижтимоий қимматига кўра мукамал назария эканлигига амин бўлиш мумкин. Гегель таълимотида урғу берилмаган бир муҳим жиҳат — маҳаллий шарт-шароитлар, миллий руҳ, минтақадаги ижтимоий-тарихий тажрибаларнинг ўрни ва роли Ислом Каримов асарларида чуқур илмий-назарий асослаб берилди ва амалиёт орқали синовдан муваффақиятли ўтказилади. Дарҳақиқат, миллий менталитет ўзига хослигига, дунёқараш, анъаналар ва эҳтиёжлар мантигига асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоқ яшай олмаганлиги тарихий тажрибалардан маълумдир.

Жаҳон давлатчилиги тарихи ижтимоий тузумнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши каби инқилобий ўзгаришлар жараёнини кўп кўрган. Ана шундай мураккаб шароитда турли давлатлар турлича йўл тутишган. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, туб бурилишлар пайтида кучли

<sup>1</sup> Гегель. Философия права. М., 1990, стр. 469.

<sup>2</sup> Уша манба.

ижро ҳокимиятини вужудга келтириш, қатъий тартиботлар, ҳуқуқий бошқарув тизгинини маҳкам тутиш ўта зарурдир.

Мамлакатда қонун устуворлигига эришиш, бутун бошқарув тизимида ижро интизоми мавқеини ошириш, қонунга бўйсуниб яшашни аҳолининг турмуш тарзига айлантириш демократик давлатнинг сифат кўриниши, фуқаролик жамиятининг хусусиятларидир. Бироқ мамлакатда ана шундай ҳолатни барқарор таъминлашнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Булар:

– **биринчидан**, аҳоли дунёқараши, ҳуқуқий, сиесий ва иқтисодий билимлар даражасини доимий ва изчил юксалтириш билан боғлиқ муаммолар;

– **иккинчидан**, маънавий ва ахлоқий баркамолликка интилишни ҳаётий зарурат даражасига чиқариш, ҳар бир фуқаронинг ўзини ўзи бошқариши ва ўзини ўзи назоратга олиши каби мураккаб, вақт талаб этадиган маънавий-руҳий ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар;

– **учинчидан**, ижтимоий адолат тамойилларини давлат ва жамият тизимида ҳал қилувчи қоидалар даражасига юксалтириш билан боғлиқ муаммолардир.

Инсон руҳияти, онги ва дунёқарашида жиддий тадрижий ўзгаришлар юз бераётган, вақт ва сабр талаб этадиган мураккаб жараёнлар амалга ошаётган, кучли ижроия ҳокимиятига эҳтиёж кучайган тарихий шароитларда мамлакатимизда мавжуд вазият тақозосига кўра мантиқан тўғри йўл тутилди. Аммо бу борада қилинган саъй-ҳаракатлар, яъни раҳбарнинг шахсий масъуллиги ва жавобгарлиги масалаларига, қатъий тартиботларга кўпроқ урғу берилмаётганлиги, давлат бошқарув органларининг баъзи бўғинларини ўз ваколатига ола бошлаганлиги айрим сиёсатчилар чиқишларида бир мунча танқид қилина бошланди.

Аммо юқорида айтилгани каби, ўтиш даврида бошқарув жараёнларига ёндашув ўзгача бўлиши, унинг хаотик ҳолатларда кечишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз Президенти маълум муддат Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида ижроия тузилмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олиб келди.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдум

натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартишлар киритилгач, президент ваколатларининг бир қисми ижро ҳокимиятига ва қонунчилик ҳокимиятига берилди.

Парламентар-республика бошқаруви жорий этилиши тарафдорлари тарихий тажрибани билмасликлари ва энг муҳими, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликка гаразли қарашлари оқибатида бошқарувнинг президентлик — республика шакли тоталитар тузумга олиб келиши мумкинлигини рўкач қилмоқдалар.

Аслида эса президентлик — республика бошқарувида ҳокимиятни демократик негизларда бўлинишини адолатли тарзда амалга ошириш имкони бор. Яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти бир-бирига дахлсиз ҳолда иш олиб боради. Президентлик — республика бошқарувида ижро ҳокимияти Президент қўлида бўлади. Бу усул имкониятларини халқаро ҳамжамият аллақачон тан олган.

Бошқарувнинг парламентар — республика усулида Президент парламент йиғилишида, унинг аъзолари томонидан сайланади. Президентлик — республика бошқарувида эса у умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади. Бунда Президент ўз ваколатини парламентнинг саноқли аъзоларидан эмас, балки кенг халқ оммасидан олади. Қолаверса, бунинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик мазмуни кенгроқ эканлиги кўпгина сиёсатшунос олимлар томонидан эътироф этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар — республика ва монархия шакли ўрнатилган мамлакатларда ҳам ҳукумат — олий ижро органи асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Олмония, Буюк Британия, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ана шундай ҳодиса юз бермоқда.

Умуман олганда, Президент Ислом Каримовнинг бошқарув фаолиятида қатъийлик, ижро интизомидаги собитлик хусусиятлари диктатура кўриниши ёки давлат қурилишидаги нуқсон эмас, аксинча, юксак талабчанлик ва катта масъулиятни чуқур ҳис этиш ифодасидир. Буни Президент Ислом Каримовнинг «Комсомольская правда» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида яққол кўриш

мумкин. Жумладан, у шундай дейди: «Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳуқуқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳарҳолда кучли ҳокимият зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқароларнинг тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман»<sup>1</sup>.

Давлат бошқарувининг президентлик — республика шаклида диктатура чуқурлашади, тоталитаризмга кенг йўл очилади, деган нуқтаи назар асосан давлат бошқаруви билан сиёсий режим ўртасидаги фарқни ажрата билмаслик оқибатида юзага келгандир. Чунки бир қатор мамлакатларда бошқарув турлича бўлгани билан сиёсий режим бир хиллигича қолиши мумкин. Ёки аксинча, масалан, Олмонияда — давлат бошқарувининг парламентар — республика, Францияда эса дуалистик — республика шакллари мавжуд. Бироқ уларнинг барчасида бир хил сиёсий тартиботлар — демократик режим амал қилади. Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувининг қайси усули амал қилмасин, пировард мақсад ва интилишларимиз халқ ҳокимияти асосидаги фуқаролик жамияти қуриш экан, демократик режим ҳаёт тарзига айланиши ҳаёт тақозосидир.

Умуминсоний тамойиллар устуворлигини тан олмайдиган, пировард мақсадлари мавҳум, жамоатчилик фикрини чалғитадиган, бир-бирига антогонистик ғоялар ва қарашлар амал қиладиган давлат тузуми ҳеч қачон узоққа бора олмайди. Сиёсий йўналишлари ва тамойиллари тез-тез ўзгариб турадиган, аниқ позицияга эга бўлмаган бошқарув тизимида парокандалик юз беради. Буни Югославия, Индонезия, Филиппин, Украина ва МДХ таркибидаги кўпгина мамлакатлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Давлат тизимини изчил мустаҳкамлаб бориш, бошқа-

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1993, 141-бет.

рув жиловини маҳкам тутиш, қонун устуворлигига эришиш сиёсий ва ижтимоий зарурат эканлигини буюк файласуф Абу Наср Форобий ҳам таъкидлаган эди. Форобий маънавий камолотга эришиш шахсларнинг ўз-ўзига бўлган масъуллиги, инсоний интизомининг нечоғели юксаклигига боғлиқлигини асослаб беради. Улуғ мутафаккир камолотга эришиш йўлини ҳар бир киши ўзи учун муқаддас сулук, илоҳий қонун даражасида англамоғи зарурлигини таъкидлайди. У илоҳий қонунни идрок этиш учун икки нарсага эътибор беришни тавсия қилади: «Биринчиси, саъй-ҳаракати, ҳунари ва мақсадлари ҳокимга (давлат раҳбарига — Н. Ж.) қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни (мамлакатни — Н. Ж.) тозалашдир. Бошқа бир гоё — панд-насиҳат йўли билан фаровонликка интилиш ва одамларнинг илоҳий қонунни осонликча ва қувонч билан қабул қилишларини таъминлашдир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги тарихий вазият шундай эдики, энди давлатимиз мустақил бўлди, халқ эса ўз тақдирини ўзи белгилайди, деб эълон қилишнинг ўзигина кифоя эмас эди. Мамлакатда давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонунлар тизимини яратиш зарур эди. Айни пайтда истиқлол гоёсини ҳам фақат бир томонлама — ҳавойи ва юзаки талқин қилиб бўлмас эди. Бинобарин, эришилган мустақилликни собитқадамлик билан мустаҳкамлаш йўлида изчил курашишга даъват этадиган, миллат шаъни ва ориятини қўзғатадиган кучли миллий истиқлол гоёсини яратиш ва халқ онгига сингдириш лозим эди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ давлатчилик атрибутларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар курила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг матни ва мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг эксперт гуруҳига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталари-

<sup>1</sup> **Форобий Абу Наср.** Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 37-бет.



га Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, мадҳиясини тақдим этиш топширилди.

Истиқлол йўлимизни қонунлар билан мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятида тан олиниши Ўзбекистоннинг халқаро ижтимоий-сиёсий муҳитда эътироф этилишининг муҳим йўлларида бири сифатида қаралди. Бир қатор ёш мустақил мамлакатларда турли сиёсий коллизиялар авж олиб, фикрлар чувалашиб, «калаванинг учи топилмай қолган» бир пайтда Ўзбекистон ўзининг ҳар бир кунига ва олис истиқболга қатъий ишонч билан қаради. Шунинг учун ҳам у, энг аввало, давлат рамзларини, истиқлолимиз атрибутларини қабул қилиш, мамлакатнинг ҳуқуқий пойдеворини тиклаш йўлидан борди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эга бўлгандиги буюк тарихий аҳамиятга эга воқеа ҳисобланиши қуйидаги омиларга кўра янада равшанлашади.

**Биринчидан**, ўзбек халқи уч минг йиллик тарихи мобайнида илк бор ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, сермусибат халқимиз мустақил давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибига айланди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон мустақиллиги мамлакатда адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилик тизимини барпо қилишга имконият яратди.

**Учинчидан**, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсларда ўзини танитиш, айна чоғда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон тўла ҳуқуқли мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

**Тўртинчидан**, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди. Яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон очилди.

**Бешинчидан**, мустақиллик халқнинг маънавий уйғониши учун имконият сифатида юзага келиб, бой маданий меросга эгалик, ворислик анъаналари амал қила бошлади. Юрт

тарихи, қадимий маданият тиклана бошланди. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унинг ўзига қайтарилди. Динга муносабат ижобий томонга ўзгарди.

#### 4-§. Иқтисодий соҳада таркибий ўзгаришлар

Истиқлол даврида иқтисодий инфратузилмалар таркиби тубдан ўзгартирилиб, мамлакатнинг ички эҳтиёжлари ҳамда ташқи интеграциялашув мақсадлари асосидаги яхлит ишлаб чиқариш комплекси вужудга келтирилди. Тарқоқ, узук-юлуқ, собиқ иттифоқ манфаатларини ифодаловчи ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятларини қайта қуриш, янгиларини барпо этиш асосида мустақил давлатнинг ягона ишлаб чиқариш тизими барпо этилди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатда **собиқ иттифоқ манфаатларига йўналтирилган координацияга барҳам берилиб, ички ва тенг ҳуқуқли, фойдали ҳамкорлик асосидаги халқаро координациялашув жараёни вужудга келтирилди**. Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг иқтисодини четдан туриб бошқаришга чек қўйилиб, ички имкониятлардан келиб чиқиб бошқариладиган ягона, мустақам асосларга эга тизим яратилди. Айни пайтда жаҳон иқтисодий тизимининг муҳим бўғинига айлана бориб, Ўзбекистон халқаро иқтисодий координациялашув жараёнига фаол киришди. Унинг узвий ва ишончли бўғини, кенг имкониятли субъектига айланди.

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабоп тавсиялари, тайёр андозалари бўлмайдди. Айниқса, маданий, маърифий, тарихий тажрибалари асрлар мобайнида шаклланган, мустақам ва барқарор анъаналар мамлакати ҳисобланган Ўзбекистондай қадимий маконда ўзига хос ва ўзига мос йўл танланганлиги истиқболни донишмандларга хос башорат қилишнинг ёрқин намунаси эди. Зеро, шу нуқтаи назардан Президент Ислом Каримовнинг «мустақил Ўзбекистон туғилган куниеқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди»<sup>1</sup>, — дейишида чуқур мантиқий асос бор эди.

Бинобарин, истиқлол йўли тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқиш жараёнларида Ислом Каримов собиқ совет

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 4-бет.

тузумидан мерос қолган тажрибаларни, мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилиб, «сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга утиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир»<sup>1</sup>, — деган хулосага келади.

Айни чоғда Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий, ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»<sup>2</sup>, — деб қатъий кўрсатиб берган эди.

Президент Ислом Каримов мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистонда миллий давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қуйидаги бешта асосий қонидани ўртага ташлади:

**Биринчи қоида** — иқтисодий ислоҳотларнинг сиёсат ортида қолмаслиги, бирор мафкурага бўйсундирилмаслиги қоидаси.

**Иккинчи қоида** — ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши қоидаси.

**Учинчи қоида** — қонунларга риоя этиш устувор тамойил бўлиши, демократик йўл билан қабул қилинган истиқлол Конституцияси ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма томондан ҳурмат қилиниши ва уларга оғишмай риоя этилиши қоидаси.

**Тўртинчи қоида** — аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши қоидаси.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 301-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. 190-бет.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар курилиб борилди ва бу масала бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Бешинчи қоида** — бозор иқтисодиётига ўтишда объектив иқтисодий қонунлар талаблари ҳисобга олинган ҳолда «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта уйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши қоида-сидир<sup>1</sup>.

Ана шу муҳим қоида — тамойиллар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинди ҳамда янги ижтимоий-сиёсий тизимга тадрижий ўтиш жараёнларининг негизини ташкил этди. Истиқлол даврининг ўтган ўн йили шуни яққол исботлайдики, ривожланишнинг машҳур беш тамойилининг амалга оширилиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни тула таъминлади.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш концепциясини яна ҳам чуқурроқ кўрсатиб беради. Унда назарий, илмий ва ҳаётий жиҳатдан муҳим хулосалар асосланиб, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун афзалликлари махсус ёритиб берилди. Жумладан, «бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, чунки ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз»<sup>2</sup>.

Ушбу китобнинг иккинчи қисмида Ислом Каримов

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 300–301-бетлар.

<sup>2</sup> **И. Каримов.** Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 180-бет.

мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш кабиларни белгилаб, муаммоларнинг назарий, илмий ва амалий ечимини топиб беради. Шундай экан, мазкур масалалар ривожининг устувор йўналишлари қуйидагича бўлиши ҳаёт мантиғининг тадрижий ўзгаришларига ҳам айна мувофиқ келади:

**биринчидан**, мулкчиликнинг барча шаклларига эркинлик берилиши, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши;

**иккинчидан**, иқтисодни жонлантириш учун хусусийлаштириш жараёнининг тезлашуви, мулкчилик, мулкка эгалик ҳуқуқининг кенгайтирилиши;

**учинчидан**, миллий валютанинг жорий қилиниши, жаҳон молия тизими майдонларига эндигина кириб келган валютамиз қадр-қиммати барқарорлик даражасининг таъминланиши;

**тўртинчидан**, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умуман қишлоқ ҳаётига анъанавий муҳим тармоқ сифатида қаралиши;

**бешинчидан**, ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш ишларини йўлга қуйиш, бу борада изчил тадбирларни амалга оширишдан иборат концепция ва иқтисодий ислоҳот назариясининг яратилиши.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли илмий-назарий асарида ислоҳотларнинг «Ўзбек модели»га хос янги давр талабларига монанд тамойилларини ўртага ташлади ва кечаётган жараёнлар моҳиятини очиб берди.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодиётда рўй берган ўзгаришлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти асосларини шакллантиришга қаратилган туб ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил, ҳар томонлама ўйланган ёндашув, илмий-назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган концепция асосида амалга ошириш ишончли ҳодиса эканлигини кўрсатди.

Мамлакатда мавжуд имкониятлардан рационал фойдаланиб, тараққиёт эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган ислохотни амалга ошириш қуйидаги масалаларни ҳал этиш имконини берди.

**Биринчидан**, утказилаётган иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. Қабул қилинган янги қонунлар ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг меъёр ва тамойилларига мувофиқ келадиган шарт-шароитларни шакллантирмоқда. Иқтисодий эркинликлар ва хусусий мулк ҳуқуқининг мустаҳкам юридик ҳимоясини таъминламоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида бозор механизмларининг самарали ишлаши учун кенг ҳуқуқий майдонни яратмоқда.

**Иккинчидан**, маъмурий-бўйруқбозлик тизими тартиботлари ва тузилмаларига барҳам бериш, институционал қайта қуришларни амалга ошириш, бир томондан, иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор принципларига ҳос бўлган тузилмаларини яратиш, тармоқ вазирликларини тугатиш, давлат мулки ҳиссасини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига кескин камайтириш, кўп укладли иқтисодиёт ва уни бошқариш тузилмаларини яратиш.

**Учинчидан**, 80-йиллар охиридаги чуқур иқтисодий таъназулни енгиб ўтиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш учун замин яратиш. Айнан иқтисодий ислохотлар «ўзбек модели»нинг амалга оширилиши туфайли ислохотларнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқаришнинг кескин, ҳалокатли пасайишини тўхтатишга, иқтисодий ва ишлаб чиқариш имкониятларини сақлаб қолишга, миллий иқтисодиётни тиклашнинг мустаҳкам асосларини яратишга эришилди.

**Тўртинчидан**, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда қўшилишини таъминлашга йўналтирилган иқтисодиётнинг чуқур таркибий қайта қуриш дастурини амалга оширишга киришилди. Қисқа давр мобайнида иқтисодиёт тармоқларини ва аҳоли эҳтиёжларини ўзимизда ишлаб чиқарилган энергетика ресурслари, сифатли нефть

маҳсулотлари ҳисобига таъминлаш масаласи тубдан ҳал қилинди. Ғалла мустақиллиги чоралари курилди.

Шундай қилиб, ёнилғи ва дон мустақиллигига эришилди, бу эса мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва одамлар фаровонлигининг асоси ва кафолатидир. Мамлакатнинг дон ва нефть бозорларидаги жаҳон нархларининг ўзгариб туришига тобелиги анча чекланди, улардан бўшган валюта манбалари эса замонавий ускуна ва технологиялар харид қилишга йўналтирилди.

**Бешинчидан**, бозор инфратузилмаси асослари, замонавий икки даражали банк тизими яратилди. Ҳозирги кунда республикада суғурта компаниялари, товар-хом ашё биржалари, сармоя фондлари тармоғи ишлаб турибди, фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси, Марказий депозитарий ва иккинчи даража депозитарийлари, лизинг ва консалтинг компаниялари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер ҳужаликлари уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси фаол тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилишга йўналтирилган.

**Олтинчидан**, кучли ижтимоий сиёсатни, аҳолининг муҳтож қатламларини мўлжалли ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорликни, фуқаролар осойишталигини ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида аниқ натижаларга эришилди.

Мустақиллик йилларида содир этилган иқтисодий ўзгаришлар натижаларига берилган бундай умумий баҳо ҳам ислоҳ қилиш дастлабки босқичларининг асосий вазифа ва мақсадлари муваффақиятли амалга оширилганлигидан далолат беради.

Давлат иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий шароитлар яратиш билан бирга айрим корхоналарни, соҳаларни, баъзан эса бутун иқтисодни бошқаришнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлашга ҳаракат қилди. Бунда давлат бошқаруви вазифалари ва механизмлари тубдан ўзгариб, маъмурий-бўйруқ-бозлик тамойиллари ўрнига иқтисодий ва молиявий тартибга солиш тамойилларининг роли тобора кучайиб борди.

### 5-§. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, марказлашган режавий ҳужалик тартиботларидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барча ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини вужудга келтиришдир.

Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган, халқаро муҳитда синчиклаб ўрганилаётган беш тамойилнинг муҳим бир йўналиши аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан боғлиқ.

Ўзбекистон ҳукумати ана шу беш тамойил асосида ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоралар кўрди. Бу чоралар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади ҳамда мамлакатда осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Масалан, истиқлол йўлининг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини муътадиллаштириш мақсадида аҳолининг ижтимоий ҳаётини давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, миқдори доимо ўзгартиб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация туловлари тарзидаги бевосита пул туловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар шаклидаги туловларни жорий қилиш усуллари кенг қўлланилди.

Энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина қисми бўйича нархлардаги тафовутларнинг ўрни қопланди. Шу билан бирга қўшимча ижтимоий имтиёзлар ҳам жорий қилинди. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар берилди.



Шунингдек, кўпгина тоифадаги фуқароларга тураржойи шахсий мулк қилиб бепул берилди. Баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш борасида қўрилган чора-тадбирлар ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Ана шундан келиб чиқиб, «Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири аҳолининг кам таъминланган табақаси, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир»<sup>1</sup>, — деб айтган эди Ислом Каримов.

Шунга биноан 1994 йилга келиб Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги, илғор тизими шакллантирилди. Утиш даврида жамиятдаги мулкнинг тенгсизлик меъёрларини адолатли регуляция қилиш негизини муҳим омиллар ташкил этади.

Жумладан:

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг такомиллашган тизими вужудга келди. Бу «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Оила маркази», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари;

— бир қатор нодавлат ташкилотлар ва жамиятлар;

— айрим мулк эгалари, сармоядорлардан иборат кўнгилли ҳомийлар;

— халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган хорижий ҳомийлар ижтимоий аҳволни яхшилашга қаратилган аниқ режалар асосида ҳаракат қиладилар.

Мамлакатда ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилди. Оила асосий мавқега эга бўлди. Бундай ёндашув умуминсоний қадриятларга, миллий анъаналарга ва халқимиз руҳиятига, шунингдек, мам-

<sup>1</sup> И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 309-бет.

лакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти талабларига, бу жамиятда оила институти эгаллаши лозим бўлган муносиб мавқега мос келади. Бундай миллий ва халқона тамойиллар асосан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли концептуал аҳамиятга молик бўлган китобида алоҳида таъкидланган. Жумладан, унда «Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик»<sup>1</sup>, — дейди.

Мулкчиликка муносабатда ҳам Президент Ислом Каримов том маънодаги инсоний ёндашув, ижтимоий адолат тамойилининг тарафдори сифатида намоён бўлади. Юртбошимиз «Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак»<sup>2</sup>, — деган нуқтаи назарни собитқадам илгари суради.

Аввало таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг мулкни хусусийлаштириш ва янги иқтисодий тизимни жорий этиш борасидаги фаолияти жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу — **биринчидан**.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мавжуд сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий мезонлар нуқтаи назаридан пухта ҳисобга олинганлиги билан ажралиб туради. Чунки, ўтиш даврида қонунчилигимизнинг ҳали тўла шаклланмаганлиги, айрим ҳолларда эса мавжуд қонунларга ҳам ҳали бўйсуниб яшашга одатланмаганимиз натижасида турли хилдаги суистеъмолликлар юз бермоқда. Натижада иқтисодий қонунбузарликлар (фойдани яшириш, солиқдан қочиш) ва бошқа кўзбўямачиликлар туфайли кимлардир ортиқча бойиб кетиб, кимлардир қашшоқлашиб қолиши мумкин. Ана

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 268-бет.

<sup>2</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон», 1995, 14-бет.

шундай пайтда қонун устуворлигини таъминлашда, аҳоли турли табақалари турмуш тарзида адолатли мувозанатни сақлаб туришда давлат муҳим роль ўйнайди.

**Учинчидан**, Президентимиз Ислон Каримов мамлакатни адолат тамойилларига мустақкам таянган ҳолда инсон ҳақ-ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш йўлидан собитқадамлик билан илгари бошламоқда.

Аҳолини турли сиёсий бўҳронлардан асраб қолиш, уни ижтимоий муҳофазалаш, табақаларга бўлинмаслиги, яшаш ҳуқуқи каби олий ҳуқуқларни муқаддас тутиш — Юртбошимиз инсонпарварлик сиёсатининг туб мазмунини ташкил этади.

Бу эса жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган, беш тамойилдан бири — **утиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиб туриши кераклиги** қондасига айнан мос келади.

### **6-§. Миллий хавфсизлик концепцияси**

Истиқлол йилларида мамлакатда давлат мустақиллигини мустақкамлаш, Ватанимизнинг ҳудудий яхлитлиги, дахлсизлиги ва осойишталигини таъминлаш асосий вазифа сифатида ҳамиша давлатнинг диққат-эътиборида бўлди. Шу давр мобайнида Ўзбекистонда миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепцияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг тарихан жуда қисқа даврида жаҳон сиёсатининг узвий бўғини сифатида жараёнлар оқимига сезиларли таъсир ўтказа бошлади. Жаҳон сиёсати йўналишларида унинг ўзига хос тамойиллари, ёндашиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини йўналтириб туришдаги услубига эътибор кучайди.

**Биринчидан**, 1990 йилларнинг биринчи ярмида бир қатор мустақил давлатларда демократик жараёнларни чуқурлаштириш асносида воқеалар ривожини йўналтиришнинг уддасидан чиқа олмаслик ҳолатлари кўзга ташланиб келди. Натижада мустақилликни мустақкамлаш, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб курашиш ўрнига ҳокимиятда шахсий таъсирни кучайтириш, гуруҳ-бозликка йўл очиб берилди. Бир қатор мамлакатларда эса ҳатто ички этник ва конфессионал зиддиятлар кучайиб

кетди. Турли гуруҳларнинг манфаатпарастлиги ва жаҳолати мамлакат манфаатларидан ғолиб келди. Натижада фуқаролар урушлари келиб чиқди.

Ўзбекистонда эса босиқ мулоҳазакорлик, вазминлик, ақл-идрок асосида иш тутилиб, сиёсий, иқтисодий қийинчиликларни сабот, матонат билан енгиб утишга киришилди. Халқ ва мамлакат манфаатига зид бўлган ҳар қандай сиёсий «уйин»ларга, тadbирбозлик ва ортиқча шовшувларга чек қўйилди.

**Иккинчидан**, мустақилликни қўлга киритган бир қатор мамлакатларда иқтисодий тангликдан ва сиёсий сиқувлардан талвасага тушиш ҳоллари юз берди. Натижада улар жорий масалалар, кундалик юмушларни бажариш гирдобидан чиқа олишмади. Узоқни кўзловчи истиқбол режалари тузилмади. Ўзбекистонда эса истиқбол режаларидан оғишмаслик ва аҳоли умумий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини тезкорлик билан ҳал этиб бориш негизларида ислоҳотларга кенг йўл очиб берилди. Узоқни кўзлаган, ҳаёт ҳақиқати мантиқларига ҳамда халқаро ислоҳотлар тажрибаларига таянган дастурлар асосида иш олиб борилди.

**Учинчидан**, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон ҳукумати номидан турли мустақил давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шароитларда, янгича шакл ва мазмундаги давлатлараро ижтимоий ҳамкорликни вужудга келтириш ташаббуси билан чиқди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги сингари кўп томонлама ижтимоий-иқтисодий манфаатлар асосида қурилган ташкилотлар шаклида вужудга келди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига ўзига хос ва ўзига мос муносабатлар билан кириб борди. Дунё тақдири ва инсоният тараққиётини белгилайдиган хавфсизликни таъминлашнинг ўзбекона шакли, «ўзбек модели» вужудга келди. «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги<sup>1</sup>, «Ўзбекис-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997, 11–12-сонлари.

тон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари туғрисида»<sup>1</sup>ги<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ушбу соф инсонпарвар ғояларнинг ҳуқуқий асоси сифатида дунёга келди.

Президент Ислом Каримов томонидан назарий асослаб берилган миллий хавфсизлик концепциясининг икки муҳим жиҳатига алоҳида тўхталамиз.

**Биринчиси — ташқи хавф:**

— мамлакатимизга таҳдид солаётган ташқи хавф манбаларини бартараф этишнинг донишмандона ечимлари тавсия этилди ва амалиётда синовдан ўтказилди. Улар қуйидагича тасниф этилади:

— низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;

— барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши;

— томонларнинг бир-бирига ён бериш ва муроса йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;

— терроризм, наркобизнес ва экстремизмга қарши халқаро ташкилотлар тузиш заруратини асослаш ва бу болада амалий саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш;

— бу жараёнда БМТ, ЕХХТ, ИҚТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва ҳомийлик қилиши;

— ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;

— қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўймаслик;

— маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян тақиқлаб қўйиш.

Айни пайтда Ислом Каримов ғоялари нафақат мустақиллик, балки янги даврнинг туб моҳияти, мантиқий тафаккур тарзининг маҳсули сифатида ҳам вужудга келди. Жумладан, буни терроризм ва ислом, исломнинг сиёсийлашуви, ислом ниқобидаги найранглар хусусидаги хулосаларида яққол кўрамиз: «Сўнгги йилларда воқелар фожиали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига маълум этник низолардан ташқари яна диний тус ҳам берилди. Исломнинг кескин сиёсийлашуви

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997, 2-сон.

жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепасига чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни мададга чақирган ҳолда бунга қуролли йўл билан эришишга очикдан-очик уриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик гоёлари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён тоғли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурлар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса фожиали оқибатларга олиб келганлигига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо беради»<sup>1</sup>.

Президент Ислам Каримов минтақавий можаролар хусусида ва терроризмнинг ривожланишига имкон берадиган омиллар ҳақида гапирар экан, яна бир муҳим ҳолатга алоҳида тўхталди ва уни эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ниҳоятда катта потенциал хавф-хатар, деб атайди. Можаролар, келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг келиб чиқиш омили сифатида чегаралар орқали бўлиб юборилган халқлар тақдирига таҳдид солиш, уларнинг ўзаро муносабатларига путур етказиш, азалдан қондош-жондош, бир миллат вакили бўлиб келган, қариндош-уруф бўлиб кетган аҳолини чегаралар туфайли бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари ҳам мавжудлигини уқтириб ўтади. Ана шундай ҳолатни назарда тутиб, «Афғонистон билан чегаранинг икки томонидаги тожиклар ёки ўзбекларни, ё бўлмаса пуштун қабилаларини бирлаштириш фойдасига сунъий далиллар тўпланмоқда. Мавжуд чегараларни этник асосда ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли, минтақамиздаги чегараларни ўзгартириш бутун жаҳон ҳамжамияти учун даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто Босния ва Герцего-

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 27-бет.

винадаги можаролар бу мудҳиш воқеалар олдида «ҳолва» бўлиб қолиши ҳеч гап эмас»<sup>1</sup>, дейди.

**Иккинчиси — ички хавф:**

Бу бевосита оломончилик кайфияти, ички бирдамликнинг йўқлиги, парокандалик ва узаро низоларнинг авж олиши мумкинлигидан иборат ижтимоий-сиёсий хавфли жараёнлардир. Президент Ислом Каримовнинг истиқлол йўлининг дастлабки йилларидаги сохта демократларнинг эҳтиросли чиқишларига берган жавоблари, Тошкентда талабалар шаҳарчасидаги воқеаларга ўз вақтида баҳо берганлиги, миллатлараро низоларнинг олдини олиш мисоллари унинг ички хавфларнинг олдини олиш борасида нечоғли ҳушёрлиги, сиёсий тийраклиги, оқил йўлбошчилигидан яққол далолат беради.

**Қариндош-уруғчилик кайфияти жамиятда беқарорликни келтириб чиқарадиган омиллардан бири.** Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳодисасига алоҳида эътибор билан қарайди. Буни у қуйидаги икки муҳим жиҳатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб изоҳлайди.

**Биринчидан, уруғ-аймоқчиликнинг худбинлик, шахсий манфаат, алоҳида гуруҳларнинг мол-дунёга ружу қўйиши билан боғлиқ бўлган жиҳатларидир.** Уруғ-аймоқчилик мамлакат тараққиётига, миллий тикланиш ва юксалиш жараёнларига таҳдид соладиган кучли ижтимоий хавфдир.

**Иккинчидан, қариндошчилик, уруғ-аймоқчилик манфаатлари доираси кенгайган сари у энди бир сулола доирасидан чиқиб, корпоратив моҳият касб эта боради.** Қариндош-уруғчилик асосидаги корпоратив бирлашувлар жамиятнинг ички бирлигини таназзулга олиб келади. Бундай сепаратизм ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан маҳаллийчилик илллати билан ҳамоҳангдир.

Ислом Каримов маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик хусусида фикр юритар экан, «қариндош-уруғчилик, ҳуду-

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 28–29-бетлар.

дий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади»<sup>1</sup>, — дейди.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик инсоният тарихида машъум иллат сифатида алоҳида ўрин тутати. У турли минтақаларда турли халқлар ҳаётини бир-бирига ўхшаманган, аммо мазмунан бир хил бўлган фожиаларга олиб келган. Уруғ-аймоқчилик ривожланган мамлакатларда ҳам, эндигина тараққиёт йўлига чиқиб олган давлатларда ҳам ўзининг таҳдид ва таҳликаси билан алоҳида мавқега эга бўлган. Дарҳақиқат, уруғ-аймоқчилик миллий равноқ душмани сифатида ҳаминша тараққиёт йўлига ғов бўлган.

Президент Ислам Каримов маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларини миллий равноққа таҳдид солувчи хавфли ижтимоий-ахлоқий омил эканлигини ва унинг давлат ҳамда ижтимоий бошқарув тизимларини мувозанатдан чиқариш хавфи хусусида алоҳида тўхталади. Юртбошимиз бу иллатнинг миллатни ич-ичидан кемирадиган, зил кетказадиган ва аста-секинлик билан бутун мамлакатни ҳам, халқни ҳам хонавайрон қиладиган ҳодиса эканлигини назарий асослаб, чуқур мантиқ кучи билан суғорилган умумлашмаларни жамоатчилик эътиборига қўйди.

Дунёда миллатнинг ўзини ўзи кемиришидан, ўзини ўзи хонавайрон қилишидан кўра оғирроқ таҳдид йўқ. Миллатнинг уз-ўзини қурбон қилиш каби фожиали таҳликага ҳеч нарса тенг келмайди. Буни бир қатор мамлакатлар мисолида, жумладан, Афғонистон, айрим Африка мамла-

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 99-бет.



катлари — Судан, Сомали, Замбия, Зимбабве, ҳамдустлик мамлакатларидан Тожикистон, Россия Федерацияси сингари мамлакатларда айрим гуруҳлар манфаатларининг давлат миқёсига чиқиб олганлиги, умумий мамлакат сиёсий ва иқтисодий имкониятларининг бир гуруҳ одамлар учун қурбон қилинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

### **7-§. Мудофаа ва барқарорлик: тинчлик маданияти сари йўл**

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардияни тузиш зарур эканлиги дастлаб Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнотида кўрсатилган. Бу баёнот худди шу кун қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги<sup>1</sup> Қонунда суверен мамлакатнинг Мудофаа ишлари вазирлиги ҳамда Миллий гвардияни тузиш ҳуқуқи билан бирга муқобил хизматни ташкил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилган собиқ СССР Қуролли Кучларини бошқариш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқи кўзда тутилган эди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ўз Қуролли Кучларини тузишда ҳуқуқий асос бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги<sup>2</sup> Конституциявий қонунни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонида асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди.

Мудофаа вазирлиги Бош штаби, бошқармаси ҳамда

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси. 1991, 11-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборотномаси. 1991, 2-сон.



ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги Олий Мажлис қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар мамлакатда ҳарбий сиёсатни, мудофаа ва барқарорлик концепциясини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари — бу ҳарбий тузилмалар, ҳарбий ўқув юртлари ва бошқа ҳарбий қисмлардан иборат. Улар давлат томонидан ташкил қилинган ва таъминланган бўлиб, уруш ва бошқа ҳарбий можароларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги йирик амалий тадбирлардан бири Давлатлараро Кенгашнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида тинчликни ўрнатиш машқларида қатнашишга мўлжалланган Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчлик ўрнатувчи батальони (Центразбат) ташкил этиш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва унинг фаолиятига доир махсус Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори бўлди.

Тинчлик ўрнатувчи батальонни (Центразбат) ташкилий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида Давлатлараро Кенгашнинг қарорига кўра ушбу батальонни «**Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик**» дастури доирасида Америка ва Европа қитъаларида ўтказиладиган тинчликни ўрнатиш машқларига тайёрлаш ва иштирок этиш ҳамда БМТ раҳнамолигида кўп миллатли кучларни жалб этган ҳолда Марказий Осиёда машқлар ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг дастлабки кунлариданоқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар билан ҳарбий соҳада ҳамкорликка муҳим аҳамият бера бошлади. «Ўзбекистон, — дейди Ислом Каримов, — айни шу сабабли минтақада ва собиқ Иттифоқ ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббускорларидан бири бўлди. МДҲ мамлакатлари ўртасида тузилган коллектив хавфсизлик тўғри-

сидаги шартномаларнинг дастлабкиларидан бири 1992 йил май ойида айнан Тошкентда имзолангани ҳам тасодиф эмас<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг мудофаа ва барқарорлик концепцияси мамлакатни, мустақилликни ҳимоя қилиш, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш сингари тамойиллар билан дунёда тинчликни сақлашда, дунё можароларини ҳал этишда ўзига хос ёндашуви борлигини кўрсатди.

### 8-§. Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш

Ўзбекистон танлаган йўл инсон манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, унинг эрки, озодлиги ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир. Бу албатта, инсон онги ва тафаккурини ўзгартириш, турмуш тарзини янгилаш орқали очиқ жамиятни вужудга келтиришнинг яхлит ва тўлақонли тизимини ишлаб чиқишни, мазкур тизимни ижтимоий амалиётга йўналтириш йўриқларини барпо этишни тақозо этмоқда.

**Биринчи омил** эскилик ва янгилик ўртасида гоҳ ошқора, гоҳ яширин кечувчи зиддиятлар мазмунида намоён бўлади. Эски тузум иллатлари яшашни истайди, шу боисдан у ўз ўрнини бўшатишни хоҳламайди. Янги тузум гоёлари эса жамиятни янгилаш заруратидан келиб чиқади ва ўзгаришларни ҳаёт-мамот моҳиятига, ҳар бир фуқаро тақдирига, маънавий ва руҳий эҳтиёжига айлантириб боради, янгитдан шаклланаётган турмуш тарзи ва дунёқарашнинг моҳиятини ташкил этиб, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қиладиган фикр сифатида майдонга келади. Бу гоёнинг яшashi ва турмуш тарзига айланиши кўпинча эскилик иллатлари билан қурашнинг нақадар оғир ва ҳатто изтироблилиги, баъзи ҳолларда эса боши берк кўчага кириб қолганлиги каби ҳолатлар билан белгиланади.

**Иккинчи омил** — фуқаролар онги ва тафаккурининг жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш жараёнларига сиёсий ва маънавий жиҳатдан қай даражада шайлиги омилдир. Бу омил фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлиб,

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 50-бет.

мустамлакачиликнинг 130 йиллик даврида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳар томонлама бўғиб келинган, одамлар ҳамisha воқеалар ортидан эргашиб яшашга ўрганиб қолган эдилар. Фикрий танбаллик, фикрий боқимандалик кўникмалари вужудимизга чуқур сингдирилган бўлиб, шахсий нуқтаи назарлар, индивидуал мулоҳаза ва хулосалар таъқиб остига олинар эди. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз ижтимоий янгиланишлар муваффақияти шахснинг индивидуал эркинлиги, воқеликни нафақат ўзлаштирувчи, балки ўзининг фаол иштироки билан уни ўзгартирувчи субъект сифатидаги ўрни ва ролига кўп жиҳатдан боғлиқлигини асослаб берди.

**Учинчи омил** — янгиланишлар тизимини ҳаётга жорий этиш ва чуқурлаштириш шароитида фуқароларни демократик жараёнларни ташкил этувчи, бошқарувчи ҳамда фаол ҳимоячиси сифатида тайёрлаш омилidir. Бу ўта мураккаб, серқирра ҳамда вақт талаб этадиган ҳодисадир. Чунки мустамлакачилик даври иллатларидан қутулиш азобини, фикрлаб яшаш, ақл-идрок йўриги билан кун кўриш машаққатини енгиш учун инсонда ички ирода, маънавий қудрат керак. Ана шу ирода ва қудратни уйғотиш, шакллантириш, унга қувват бахш этиш осон иш эмас.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида инсон онги ва қалби билан боғлиқ бўлган, уни ислоҳ қилиш, янгилаш, маънавий-руҳий «таъмирлаш» каби сермашаққат йўлдан борди. Бу жуда катта сабр-бардош, сиёсий қудрат, сиёсий маданият ва сиёсий ирода талаб этадиган ижтимоий заруратдир.

Президент Ислам Каримов «Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканлигини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Тан олишимиз керак: эски андозалардан тулиқ қутула олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатли ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечяпти»<sup>1</sup>, — деган эди. Бу жамиятни

<sup>1</sup> И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999, 383-бет.

эркинлаштириш ва шу асосда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда энг катта ғов бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳолатлардан биридир.

Сиёсий маданият, сиёсий онг даражаси жамият ҳаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. Зотан, сиёсий маданият ва сиёсий онг юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришади, муносабат билдиришади. Ўз ҳаётларига дахлдор бўлган маъмурий тadbирларга бефарқ қарашмайди. Аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, натижада қарорлар ижроси учун ўзлари манфаатдор сифатида масъулиятни ҳис қилишади.

Ўзбекистонда нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини чуқурлаштиришнинг ўзига хос тизими мавжуд. Давлат бош ислоҳотчи сифатида бунга алоҳида эътибор беради. Президент Ислom Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, 2300 тага етганини, улар энди одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришда фаол таъсир курсатётганини алоҳида таъкидлади. Ана шу мисолнинг ўзи жамиятимизда эркинлаштириш жараёнининг кўлами ва миқёсини белгилайди.

Президент Ислom Каримов аҳолининг сиёсий фаолигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор беради. Бу механизм, энг аввало, жамиятни эркинлаштириш орқали одамларнинг сайловларга муносабатини ўзгартиришни, яқин ўтмишимизга хос хусусият бўлган сохта сайловбозлик ва сиёсий уйинлардан воз кечишни тақозо этади. Одамлар ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англай бошладилар. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳар бир фуқаро сиёсий фаолигини, жамият тараққиётига дахлдорлигини белгиловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг демократик таъмоийллари жаҳон сайлов ўтказиш тажрибалари асосида

дунёга келди ва шаклланмоқда. Фуқаролар эса уни тулатуқис қўллаб-қувватламоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг эҳтиёжларини қондиришда давлат қурилиши, бошқарув тизими ва жамиятни эркинлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Президент Ислон Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатнинг стратегик мақсадларини аниқ ва равшан ифодалаб берди ва давлат ваколатларини аста-секинлик билан, босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг родини ошириб бориш орқали демократик жараёнларни чуқурлаштириш зарурлигини айтган эди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг бир жиҳатдан эркинлиги ва озодлигини таъмин этса, иккинчи томондан ўз ҳаётларини изга солишга, демакки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради. Шахс ўзини жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор, унинг олдида бурчли ва масъулиятли эканлигини англаб боради. Бу мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар сингари инсонни «ислоҳ» қилиш, янги жамият фуқаросини шакллантириш, эски тузумда туғилиб, дунёқарашлари чекланган инсонни «янгилаш», тасаввурини кенгайтириш сингари «инсоний ислоҳотлар»нинг самарасини кўрсатади.

Президент Ислон Каримов тараққиётнинг Ўзбекистонга хос ва мос тамойилларини ишлаб чиқар экан, аввало, яратилажак жамият қандай бўлишига эътибор беради ва Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан холи ва у қандай номланишидан қатъи назар, адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эканлигига алоҳида урғу беради.

Шунинг учун ҳам, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари пировард натижада чинакам мустақил Ўзбекистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. «Республикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир», — деб уқтиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб у «Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, иж-

тимой аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир»<sup>1</sup>, — деган қондани илгари сурди.

Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий узга-ришлар ва инсон ҳаёти дахлсизлиги омилининг чуқурлашуви шахснинг давлат ва жамиятга булган муносабатларига доир янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли «тарбияланиб», шаклланиб, баркамоллашиб боради. Айни пайтда биз худди ана шундай жараёнларни бошдан кечиряпмиз.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб Президент Исом Каримов мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқди. Унда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди:

— демократик институтлар фаолиятлари қўламлигини кенгайтириш;

— аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва сиёсий маданиятини ошириш;

— жамиятда манфаатлар, турли хил қарашлар, сиёсий ва эътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

— жамоат бирлашмаларининг ҳозирги босқичдаги ижтимоий мавқеини ошириш;

— сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш;

— иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш;

— давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

— ҳокимият бўлиниши принципининг инсоният томонидан умумэътироф этилган тамойилларини амалда қўллаш;

— давлат ҳокимияти органларининг ваколатини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш ва бошқалар.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 44-бет.



Ўзбекистонда амалга ошириладиган ялпи янгиликлар жараёнида юқоридаги тамойиллар алоҳида ўрин тутди. У демократия жараёнларини чуқурлаштиришда, жамиятни эркинлаштиришда, фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкин, туб ўзгаришларнинг «ўзбек модели» сифатида жаҳон ислоҳчилик тажрибасида ўзига хос ва ўзига мос ҳисса бўлиб қўшилади. Бошқача қилиб айтганда, жамиятни эркинлаштиришнинг бундай тамойиллари Ўзбекистонда вужудга келтирилди ва ижтимоий бошқаришнинг халқаро андозаларига мувофиқ самарали йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

### 9-§. Маънавият — ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч

Қадриятларга муносабатни ўзгартириш, уни тиклаш, мавқеини ошириш, уларни халқ маданий мулки сифатида қадрлаш масаласи Ўзбекистонни янги ижтимоий-сиёсий тузум талаблари доирасида умумий ислоҳ қилишнинг муҳим бўғинига айлантирди. Қисқа давр мобайнида халқнинг азалий удумлари, асрлар синовидан ўтган миллий анъаналари қайта тикланди. Халқимиз ўз тараққиётининг янги босқичини миллий тикланиш ва маданий янгиликлар борасидаги ворислик ҳуқуқларини қўлга киритиш асносида амалга ошира бошлади. Миллий қадриятларни миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш ишларига хизмат қилдириш, келажакка қатъий ишонч билан қараш омилига айлантириш жараёнлари фаоллаша бошлади.

Жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг манбалари хусусида турли даврларда турли ёндашувлар мавжуд бўлган ва унинг хилма-хил концепциялари асослаб келинган. Бундай ёндашувлар ҳамда концепциялар назариётчилари ўз гоёларини мантиқан асослаш ва исботлаш учун жиддий ҳаракат қилганлар.

Жумладан, коммунистлар доҳийси Карл Маркс «жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч — иқтисод» деган гоёни илгари сурган<sup>1</sup>. Монтескье назарияси бўйича ижтимоий

<sup>1</sup> К. Маркс. Капитал. Избранные произведения, т. 3, М., 1967.

тараққиётда географик муҳит алоҳида ўрин тутади<sup>1</sup>. У мамлакатнинг жуғрофий иқлими ва геополитик ўзига хослигига тараққиётнинг бош омили сифатида қарайди. Фрейд эса либидо — хоҳиш-истак жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатади, деган назарияни илгари суриб, инсоний майл, қизиқишлар ижтимоий тараққиёт суръатлари моҳияти ва мазмунини ташкил этишини асослашга интилади<sup>2</sup>.

Шунингдек, рус олими Н. Бердяев ижтимоий тараққиёт мавҳум тушунча булмасдан, ҳар қандай жамият аъзоларининг камолот даражалари мажмуидан иборат эканлигини асослашга уринади<sup>3</sup>.

Ҳаёт, кишилиқнинг онгли тарихи бу ғояларнинг барчаси муайян рационал жиҳатлари бўлгани ҳолда қайсидир даражада бир ёқлама эканлигини кўрсатди. Ислом Каримов асарларида маънавият ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида асосланади ва амалиётнинг барча жабҳаларида синовдан ўтказилиб, ҳаётчанлиги ва ҳаққонийлик даражаси юқорилиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилади<sup>4</sup>.

Айтиш мумкинки, маънавият нафақат мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий тараққиётининг барча жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатган, айни чоғда халқимиз менталитети ҳам маънавий қадриятлар асосида шакланган ва Шарқ цивилизацияси бевосита маънавият, илм-фан, ахлоқ, руҳий поклик асосида юзага келган. Худди шу жиҳатдан ҳам Шарқ инсоният тараққиётига, жаҳон цивилизациясига ўзига хос маданият ва маърифат олиб кирган.

Маънавият ўз навбатида жамиятнинг ҳам умумий манзарасига, ҳам ҳар бир шахс интеллектуал-руҳий қиёфасига мутаносиб таъсир кўрсатади. Фуқароларнинг маънавий-маърифий даражаси эса ўз навбатида жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартиради. Янгиланган ахлоқий етуклик

<sup>1</sup> **Монтескье.** Избранные произведения. Госполитиздат, М., 1955.

<sup>2</sup> **З. Фрейд.** Методика и техника психоанализа. Госиздат, М., 1923.

<sup>3</sup> **Н. Бердяев.** «Смысл истории», Изд. «Мысль», М., 1990.

<sup>4</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.

ва ижтимоий онг жамият тараққийетини белгилайди ва ялпи тараққийетнинг янгидан-янги имкониятларини вужудга келтиради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги авлод янги тарихни тақозо этади, уни яратади, такомиллаштиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин долзарб муаммолардан бири — янги тарихий шароитларда ўзгараётган жамиятга муносиб ҳар томонлама етук ва баркамол кишиларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида халқдан бегоналаштириб келинган маънавий мулк ва маданий меросни синфий-партиявий мафкура томонидан тақиқланган маданий бойликларни унга қайтариш ҳамда қадриятларнинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш вазифаларидан иборат эди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққийет йўли» китобида «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»<sup>1</sup>, деб кўрсатган эди.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширилган ялпи маънавий янгиланишлар комил инсон шахсини таркиб топтириш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди ва истиқлол йўлини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун халқни ялпи сафарбар қила олиш имконини берди. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари Ислом Каримовнинг истиқлолнинг дастлабки пайтиданоқ бу борада зарур чоралар кўрилишининг ташаббускори ва собитқадам амалиётчиси сифатида нечоғли катта масъулиятлар юки остида фаолият кўрсатиб келганлиги, миллат озодлиги йўлида юксак фидойилик ва сиёсий жасорат намоён этганлиги равшанлашади.

Қадриятлар маълум бир халқнинг кўп минг йиллик тарихий-маданий тажрибаси сифатида шаклланган турмуш тарзи, тафаккури маҳсули бўлиб дунёга келади. Хал-

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 42-бет.

қимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, аънаналари инсоний ва миллий мансублик ифодасидир.

**Қадриятлар муайян миллат ва халқларнинг шонли ва мусибатли ўтмиши, тарихий-маданий тажрибалари, сабоқлари, сурур ва бахтиёр дамларининг ифодаси** сифатида намоён бўлса, урф-одатлар, расм-русум ва маросимлар турмуш тарзининг шаклий кўринишлари сифатида халқ ҳаётининг маънавий-ахлоқий негизларини ташкил этади.

Қадриятлар ҳамиша муайян фаолиятлар тарзида намоён бўлиб, кишиларнинг воқеликка бўлган муносабатлари мазмунини ифода этади ҳамда уларнинг феъл-атворлари, саъй-ҳаракатлари йўналишларини белгилайди.

Кўп қиррали ислоҳотлар даврида, жамият менталитети тубдан ўзгараётган, тузум янги мазмун ва тартиботларга кираётган бир пайтда аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларига мос келувчи, халқни истиқболга етакловчи ҳаётбахш интилишлар ифодаси бўлган ғоялар ва мақсадлар билан қуроллантириш катта аҳамиятга эгадир.

Шундай экан, ислоҳотлар самараси халқ дунёқараши, маданий ва маънавий қадриятларига онгли муносабати билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Агар янгиланишлар одамлар онги ва дунёқараши, қалби ва руҳияти орқали ўзини намоён этса, у яшовчан ва самарали бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда давлатнинг янгиланишлар стратегияси сифат жиҳатидан ўзгараётган жамият, янгича тафаккур асосида вужудга келаётган ижтимоий гуруҳларнинг қадрият мўлжаллари билан уйғунлашиб кетган.

Маданият ва маърифатнинг устувор ҳодиса сифатида талқин этилиши маънавий воқелик сифатидаги такомиллашув жараёнининг чин инсонийлик моҳиятини белгилайди. Инсон айна ана шу қадриятлар орқали камолотга етади, ҳаётда, жамиятда ўз мавқеига, ўрнига, нуфузига эга бўлади. Инсон фаолиятлари маҳсули айна ана шу маънавият ва маърифат орқали қадриятга айланади.

Президент Ислом Каримовнинг қадриятлар устуворлиги концепцияси худди ана шу жиҳатлар туфайли ҳам қимматли. У маънавиятни, маърифатни жамиятнинг йўналтирувчи кучи деб билади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам «**Мен маърифатли жамият қурмоқчиман**» дейди. Маърифатли жамиятда эса инсон, маънавият, ахлоқ, тафаккур ме-

зонлари ҳал қилувчи мазмун касб этади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «**Маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлади**»<sup>1</sup>, деган эди.

Мамлакатимиз Президенти мамлакат истиқболига доир тадбирлар тизимини белгилар экан, унинг энг аввало юксак маърифат ва маданият мамлакати бўлиши, шу асосда барча ислоҳотларнинг маърифий негизини яратиш нуқтаи назаридан иш тутади. Юртбошимиз иқтисодга, ҳуқуқий ва сиёсий ислоҳотларга, шунингдек, жаҳон муаммоларини ҳал этиш, тинчликни таъминлаш масалаларига ҳам маърифий кўз билан қарайди, юксак маданий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида ёндашишга даъват этади. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган Ислом Каримов «Илмий ва маданий соҳадаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш, кўпайтириш мақсадида бундан буён фундаментал фаннинг, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, ақлий ва ижодий меҳнат ходимларининг обрўини оширишга давлат томонидан зарур маблағлар ажратилаверади»<sup>2</sup>, — деган эди. Утиш даврида иқтисодий жиҳатдан бирмунча қийинчиликлар сезилаётган бир пайтда маънавий ҳаётимизга давлат эътиборининг устувор мавқе касб этиши инсоний гамхўрликнинг ёрқин куринишидир.

### 10-§. Тарихий хотирани тиклаш ва янги тарихни яратиш

Янги тарихий давр маърифат даври, маърифатлилик даври сифатида вужудга келмоқда. Истиқлол ғоялари асосида бош ислоҳотчилик вазифасини бажарётган давлат одамлар онги ва тафаккурида туб бурилишлар яшаш, ҳар қандай ислоҳотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танлади. Ана шу йул одамларнинг ўтмишга, бугунга ва келажакка муносабатларини ўзгартириш, муайян мафаатларга ёндашиш психологиясини

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.

<sup>2</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 332–333-бетлар.

янгилаш орқали аста-секинлик билан уларни маърифатли, комил инсон қилиб вояга етказишга олиб боради. Фуқароларнинг маърифатлилиги орқали маърифатли жамият барпо этилади.

**Тарихий тафаккур** ва тарих фалсафаси маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар онги ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади. Буни нима-ларда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш қобилияти шаклланади.

**Иккинчидан**, тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси орқали бутунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва истиқболни кўриш фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворининг шаклланишига хизмат қилади.

**Учинчидан**, тарихни ўрганиш орқали мустамлакачилик таъсирида ва коммунистик зуравонлик мафкураси натижасида ўзлигини йўқотган, ўз қадр қимматини буткул унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишга даъват этади.

**Тўртинчидан**, ажодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаро қалбида ўтмишини ўрганиш орқали миллий ғурурининг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танлаган бир пайтда катта ижтимоий-маънавий қудрат ва улкан сиёсий ирода кучи бўлиб хизмат қилади. Ана шу англаш жараёни инсоннинг ўзини ўзи янгилашига, ўзини ўзи маънавий тозалашига, ўзини ўзи ислоҳ қилишига олиб келади.

**Бешинчидан**, ҳар бир фуқарони маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилаш орқали жамиятни янгилаш, турмуш тарзини янгилаш каби ғоятда чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бутунги ислоҳотлар даврида қилинаётган кўп қиррали ўзгаришларнинг асосий омили сифатида қадриятга айланади.

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Ўз наслу насабини билиш, келиб чиқишини ўрганиш кишининг ҳаётда омонатлигини ва айни чоғда тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Шу билан бирга атроф муҳит, уни ўраб турган олам хусусида ўйлашга ундайди.

Дарҳақиқат, оламини тадқиқ этиш тафаккуримизни бойитишнинг, дунёқарашимизни кенгайтиришнинг муҳим йўлларидан биридир. Оламини англаш ҳисси инсоннинг ўзлигини англашга, ўзлигини тушунишга, олам ва одам ҳақида ўйлашга доимий тарзда даъват этиб туради. У жами инсонларга хос бўлган идрок ва иродани уйғотадиган муъжизавий куч ҳамдир. Биз оламини қанчалик кенг ва чуқур англасак, инсон ва инсоният оламини шунчалик кўпроқ тушунишга, моҳиятини англашга, инсон ва ҳаёт, инсоният ва мавжудот ўртасидаги муносабатларни ўрганишга, хулласки, инсоният тарихи билан қизиқишга ҳаракат қиламиз.

Аслини олганда тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотлар ёки тушунчаларни ифодалаш билан чекланмайди. Унинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунни англаш, бугунги одамларни тушуниш ва уларни йўналтириш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзида мужассам этганида намоён бўлади. Президент Ислам Каримов тарихга ана шу нуқтаи назардан қарайди ва унинг барча имкониятларини инсон маънавиятига тўла сафарбар этиш зарурлигини асослаб беради. Юқоридаги хулосалар ва мушоҳадаларни ҳисобга олиб, тарихшуносликни Юртбошимиз том маънодаги инсоншунослик сифатида талқин этиб, уни комил инсон шахсини таркиб топтириш ишига йўналтиради.

Гегель ибораси билан айтганда, тарих фалсафаси бу дунёқарашлар, тарихий тафаккур ва тарих хотираси

ҳақидаги фандир<sup>1</sup>. У маънавият феномени, руҳият феномени сифатида инсон ва тарихий тафаккур ўртасидаги боғлиқликни ўрганади.

Агар чиндан ҳам тарихни маънавият ва руҳият феноменига айлантирсак, аниқроғи, уни шундай идрок этиб, шундай тадқиқ этсак, яна ва яна ўтмишни сана ва воқеалар орқали эмас, инсон орқали ўрганишга эҳтиёж сезамиз. Охир-оқибатда инсон тарихнинг яратувчиси, иштирокчиси, дунёга келтирувчи энг олий хилқат эканлигини ва бу рад этиб бўлмас ҳақиқат, тенгсиз қадрият эканлигини тан оламиз.

Инсоният тарихи бу ҳар биримизга боғлиқ бўлган, ўзлигимизни кўрсатадиган, бизнинг олис шажарамизни, наслу насабимизни, инсоний қадру қимматимизни белгилайдиган муқаллас ва муътабар воқеликлир. Биз уни шундай тушунишимиз ва шундай қабул қилишимиз керак. Агар ўтмишимизга шундай муносабатда бўлсак, ана шу юксакликдан туриб унга қарасаккина, тарих айни тафаккур маҳсулига айланган тақдирдагина бизни маънавий жиҳатдан бойитиши, руҳиятимизга қудрат бахш этиши мумкин бўлади. Ана шу жиҳатдан қараганда бугун ҳаёт шажарасини давом эттираётган, ўзига хос тарих яратаётган одамларнинг дунёқарашлари, маънавий-руҳий кечинмалари, инсонлик шаъни нималарга боғлиқлиги, унинг илдизлари қаёқларга етиб бориши ва қандай маънавий сарчашмалардан озуқа олаётганлиги аниқ бўлади ва у бевосита тарих ва тарихшунослик билан боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланади. Агар тарих чиндан ҳам фалсафа ва тафаккур маҳсулига айлантирилса, замондошларимизнинг ўтмиши кимларга бориб тақалиши аён бўлади ва ҳаётда ўз ўрнимизни белгилашимизга, ўзимизнинг кимлигимизни англаб олишимизга ёрдам беради.

Гегель таъбирига кўра тарих давлатчиликдан бошланади. «Халқ давлат қурилишисиз ҳеч қандай тарихга эга эмас»<sup>2</sup>, — дейди аллома. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилик тарихимизнинг қарийб уч минг йиллигини нишонлаш арафасида турган халқимиз ўз тақ-

<sup>1</sup> Гегель. Философия права. Издательство «Мысль», М., 1990.

<sup>2</sup> Ўша манба.



дирина бутун инсоният тақдири, кишилиқ тарихи тақдир билан боғлиқ ҳолда кўради. Айни ана шу тақдирдошлиқ, айни ана шу инсоният тарихининг ибтидоси билан боғлиқлик бугун бутунлай янги жамият қураётган халқимиз қиёфасини кўрсатмоқда. Ўзининг қадимий миллий давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларини уйғунлаштириб, синтезлаштирган ҳолда «**Ўзбек модели**»ни дунёга тақдим этмоқда. Ўзбек халқининг феномени жаҳон меҳвариди пайдо бўлмоқда.

Ўзбек халқи тарихи, унинг кечмиши бевосита тарих фалсафаси ва тарихий тафаккур орқали бугун одамларни уйғотмоқда, улар диққатини ўзига тортмоқда. Замондошларимиз онги, қалби орқали бутун ўтмиш ўз ютуқлари ва нуқсонлари билан яхлит ҳолда жонланмоқда. Шу асосда халқимизнинг маънавий қудратига, руҳий таянчига айланмоқда, олис истиқболни белгилашда ўта муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов «Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»<sup>1</sup>, дер экан, туб ислохотларни амалга ошириш зарур бўлиб қолган бир шароитда **инсонни уйғонишга, ўзлигини англашга** даъват этмоқда. Айни ўзликни англаш инсоннинг ўтмиши ва аждодларига қизиқишидан бошланишини уқтиряпти.

Масаланинг яна ҳам муҳимроқ томони шундаки, инсон тафаккури ва онгини янгилаш жараёнига давлатнинг ўзи ҳомийлик қилмоқда. Унга шароит яратиб бермоқда. Истиқлол даврида инсон, ниҳоят, тарихга маънавият мезони, миллий уйғониш омили сифатида қарамоқда.

Жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш, мавжуд турмуш тарзини синдириб ташлаб, бутунлай янгича шароитни вужудга келтириш энг аввало онг ва тафаккур билан боғлиқлигини алоҳида уқтирар экан, Президент Ислом Каримов «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона

<sup>1</sup> И. Каримов. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999, 153-бет.

куч — маърифатдир»<sup>1</sup> деган эди. Ана шу концепция Ислом Каримов сиёсатининг ва бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлатимиз стратегиясининг асосини белгилайди.

Тараққиёт мантиғи, цивилизация эҳтиёжлари шундай. Биз утмишда яшамаслигимиз, уни такрорламаслигимиз, аксинча, уни урганишимиз, тадқиқ этишимиз ва аниқ хулосаларга келиб яшашимиз керак. Айни ана шу хулосалар асосида истиқболимизни белгилашимиз, ўзимизни ҳам, жамиятни ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етказишимиз даркор. Биз ўтмишни тиклаш, тарих ҳақиқатини ўз ўрнига қўйиш орқали тафаккуримизни бойитамиз, тушунчаларимизни кенгайтирамиз, ҳаёт фалсафаси орқали ислохотлар фалсафасини, ислохотлар моҳиятини чуқурроқ англай бошлаймиз. Натижада ўз-ўзимизни ислох қиламиз, ўз-ўзимизни янгилаймиз, ҳаётни янгилаймиз. Унинг мазмунини бойитамиз. Зотан, миллий истиқлол мафкура-сининг, давлатимиз олиб бораётган кенг миқёсли ислохотларнинг илмий-назарий, сиёсий ва амалий аҳамияти ана шундадир.

### 11-§. Англаш жараёни — тарихий ҳодиса сифатида

Ижтимоий-сиёсий воқеликни англаш жамиятни ислохотларга тайёрлаш, фуқароларнинг ўзгаришлар жараёнида оммавий иштирокини таъминлаш ҳодисаси билан бевосита боғлиқдир. Англаш ҳолати онг ва тафаккурдаги янгиланиш жараёнининг бошланиши, янгиланаётган ҳаёт ва туб бурилишлар назариясини тушуниш, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалга оширишга интилишни ўзида мужассам этган маънавий-руҳий ҳолат ҳамдир. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов: «**Мен инсоннинг инсонлигини уйғотмоқчиман**», — деган эди.

Фикрий боқимандалик, ақлий танбаллик турмуш тарзига айланган бир пайтда фуқароларда янгиланишга доир фаоллик рағбатини уйғотиш катта ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳодиса ҳисобланади. Фрейд айтганидек, но-

<sup>1</sup> И. Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999, 135-бет.

ваторлик, динамика ва энергетик омиллар ҳаракат уйғунлигини, яъни янгиликка интилиш, инсоннинг тадрижий камолоти, етуклик эволюцияси, хатти-ҳаракатларнинг фаоллашуви инсондаги уйғониш жараёни қандай кечаётганлигини белгилайди. Инсон ҳаётда инерт, мўрт ва қарахт яшаб ўтиши, яъни бутунлай ҳеч нарсани англамаслиги ёки англаш олди жараёнларида бўлиши ё бўлмаси том маънодаги англаш ҳолатларига эришиши билан фарқланади. Ушбу хусусиятларни аниқлаш жамият аъзоларининг фаоллик даражаси кўламини аниқ-равшан белгилашга йўл очади.

Истиқлол йўлига киришимиз ана шу онгли жараённи бошлаб берди. Истиқлолнинг дастлабки йиллари руҳий парокандалик, маънавий озурдалик, иқтисодий танглик ва сиёсий бўҳронлар даври бўлганлигига ҳам фақатгина мамлакатнинг мустақил тараққиёт йўлидаги зиддиятлари сабаб эмас. Бу бевосита фуқароларнинг мазкур ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини аввалига англамаслигини, кейинчалик қисман англаш жараёнларини бошдан кечиршини ва аста-секинлик билан эса воқеликни тўла англаш жараёнига фаол равишда, оммавий тарзда кириша бошлаганлигини кўрсатади.

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларининг ижобати, рўёби сифатида намён булади. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамма вақт озодлик ва хурриятга интилиб яшайди. У ҳаммаша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечирishга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилиқ тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун кураш ҳодисаларини кўп кўрган. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон орзу-умидлари ва иродаси орқали тарихий жараён мазмуни ва моҳиятини белгилайди.

XX аср интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистик мафкура инқирозга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мутлақликни даъво этган СССР барбод бўлди. Пировард натижада эса унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар том маънодаги мустақил давлатлар мақомига эришдилар.

Ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнлар шу даражада тезлашдики, у аҳоли турли табақалари онги, тафаккури ва маънавий-руҳий ҳолатлари манзарасида кескин тафовутларни юзага келтирди. Ижтимоий воқелик ўзгаришлари тарихий жараён ва воқеалар мантиғи юз бераётган ҳодисаларга нисбатан бир-биридан тубдан фарқланувчи муносабатлар силсиласини таркиб топтирди. Халқимизнинг мутлақ кўпчилиги орзу-умидларини ифодаловчи истиқлол йўлига шубҳа билан қаровчилар, танлаган йўлимиздан аввал ташвиқотлар орқали, охир-оқибатда эса жаҳолат воситасида зўрлаб оғдиришга уринувчилар ҳам пайдо бўлдилар. Аммо, тарих тажрибаси шунга гувоҳки, ҳақ йўли ҳамиша тантана қилиб келган. Тинчлик учун, ватан равнақи, эл-юрт омонлиги учун халқимиз ҳамиша курашиб келгандир.

Президент Ислом Каримов «Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз», чунки «ўзбек миллати азалдан ўз фикр-зикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ»<sup>1</sup>, — деганда ана шу ҳолатни назарда тутати. Халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганидан далолат эканлигини таъкидлайди.

Истиқлол — ҳар бир халқнинг мустақил камолот йўли, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат, бир-бирини сиёсий ва иқтисодий тан олиш, мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам умуминсоний муносабатлар мантиғи ва тамоийилларига таяниш, умумпланетар турмуш мезонлари асосида яшаш демақдир.

Истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти ҳамдир. Эркинлик эса ўзгалар эркинга тажовуз қилмасдан ўз йўлини онгли танлаш, истиқболлини равшан кўриш ҳамдир.

Мустақиллик — муқаддас ҳодиса бўлиб, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш билан боғлиқ бўлган

<sup>1</sup> И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 92-бет.

истиқболи ҳақида ўйлаш ҳуқуқи ва шу ҳуқуқни амалиётда фаол бажариш билан боғлиқ жараёндр.

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни енгишга матонат билан киришади, дунёнинг шиддатли муаммолари бўрони қаршисида доддираб қолмайди. Шахс эркинлиги, давлат мустақиллиги ва дахлсизлиги бевосита фуқаро қалби орқали жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллайди, истиқболга даъват этувчи қудратли кучга, жамият аъзоларининг ҳар бири учун бош маъво, устувор сиёсат моҳиятига эга бўлади. Ана шунда у беқиёс қадриятга айланади.

Мустақиллик мустамлақачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг узига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демақдир. Агар у ҳамкорликни, ўзаро ҳамжиҳатлик, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса, ўз қобигида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади.

Шу боисдан ҳам Мустақиллик — онгли яшаш, воқеликка онгли муносабатни қарор топтириш мезонидир. Айни пайтда у ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар забтининг, интилишлар ва қобилиятларнинг доимий тарзда, узлуксиз кучайишини тақозо этадиган ҳодисадир. Бу айниқса, собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил республикалар, хусусан, Ўзбекистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол йўли бизга ўзлигимизни англади. У баравж ҳаракатдаги динамик жараён сифатида қотиб қолган тушунчаларимиз қобигини синдириб юборди. Фикрлаб яшашга, онг ва тафаккур орқали фаолият кўрсатишга даъват этди. Зотан, ўзини англаган оламини англайди. Оламини тушуниш — одамни тушуниш, демакки, ҳаётнинг мазму-

нини идрок этиш демакдир. Инсон ўзининг бутун моҳиятини, инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшашнинг мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди.

Ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг-баранглигини, ҳаёт мазмунини, бу маконда ўзини фақат тириклик ва мавжудлик белгиси сифатида эмас, аксинча, табиатнинг бетақрор мўъжизаси эканлигини англай бошлайди. Маърифатга эҳтиёжсизлик, хурофот ва жаҳолатга берилиш, манқуртлик – ўзлигини ва оламни унутиш эканлигини чуқурроқ англайди. Демак, англаш жараёни орқали маънавий етукликка, комилликка интилади.

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришда кўринади.

## 12-§. Ўзгараётган замон ва миллий ғоя

Мафкура ҳақида турли даврларда турли фикрлар ўртага ташланган. Унинг сафарбарлик, йўналтирувчилик, давваткорлик жиҳатлари инсоният тарихида ҳар хил шаклларда кўзга ташланади. Тарихда мафкурани ҳаддан ташқари ва бир ёқлама бўрттириб юбориш, унга оломонларча, кўр-кўрона эргашиш каби салбий ҳодисалар мафкуравий ақидапарастликка олиб келганлиги ҳам сир эмас.

Ҳар қандай мафкуранинг сафарбарлик кучи, таъсирчанлиги, инсонпарварлиги ва ҳаётийлиги бевосита макон ва замон, олам ва одам муносабатларини қай даражада ўзига мужассам этганлиги, маълум бир маконда асрлар мобайнида шаклланган турмуш тарзи, анъаналар, урф-одатлар, ақидалар асосида дунёга келган маънавий-ахлоқий мезон ва руҳий кечинмалар инобатга олинганлиги билан боғлиқ.

Миллий уйғониш ҳодисаси юз бераётган, миллат ўзлигини англай бошлаган бир даврда худди ана шу ижобий ҳодисаларни вужудга келтирган миллий истиқлол моҳияти, мазмуни ва қадрияти хусусида ўйламасдан иложимиз йўқ. Зотан, айна миллий истиқлол туфайли озод сўз, эркин фикр ва ҳур инсон тушунчалари уйғунлашган, асрлар мобайнида турмуш тарзи ва миллат қиёфасини белгилайдиган воқеликлар ҳақида гапириш зарур деб ўйлаймиз.

Зотан, бунингсиз бугунги миллий уйғониш ва миллий тараққиёт моҳиятини англаш мумкин эмас.

Мафкурада асрлар мобайнида шаклланган дунёқараш ва тушунчалар, турмуш тарзи ва анъаналар, миллатнинг шаклланиш жараёнлари, босқичлари, хусусан, эволюцияси инobatга олинмоғи зарур. Айни ана шу ривожланиш босқичлари инсон тафаккури динамикасини ўзида мужассам этади. Бу икки унсур жамият янгилашиш жараёнида ўзаро боғлиқ, уйғун ҳолда вужудга келади. Акс ҳолда мафкура заминдан узилган, ҳаёт ҳақиқатини ўзида ифода этолмаган «муаллақ» ғоя сифатида қолаверади. Биз буни яқин ўтмишимизда кўрдик.

Коммунистик мафкура айни миллий манфаатларни ҳисобга олмаганлиги, миллий дунёқараш, туб аҳоли руҳияти, кайфияти ва ақидалардан узоқлиги, турмуш тарзи ва анъаналарни ўзида ифода этолмаганлиги учун ҳам инқирозга учради.

Шуро даврида «совет турмуш тарзи» шаклидаги ҳавойи, миллий манфаатлардан узоқлашган тенденциянинг вужудга келганлиги хукмрон мафкуранинг ғайриодатий, ясама ва зўраки ғоялар йиғиндисига айлантириб юборди. Айни совет турмуш тарзи шаклидаги тоталитар ғоянинг илдиз ота бошлаганлиги айниқса миллий республикаларнинг қадимий анъаналарини сиқиб чиқарди. Зўравонлик билан одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Натижада жамиятда мафкуравий парокандалик, руҳий озурдалик, маънавий кемтиклик, маърифий таназзул вужудга келди.

Мафкура янги «совет анъаналари»ни вужудга келтиришга интилди. Миллий руҳ, миллий психология, халқ маънавий эҳтиёжи сингари миллий-тарихий анъаналарни йўқ қилишга интилди. Халқ ўзининг тарихий анъаналари билан совет анъаналари ўртасидаги зиддият қуршовида қолди. Бундай руҳий ва маънавий зиддият ўтмиш ва истиқбол ўртасидаги муносабатларни чигаллаштириб юборди.

Халқни миллий ақидаларидан, қадимий тушунчаларидан ажратиш, зўрлик билан унинг онгига ва ҳаётига сохта турмуш тарзини киритиш авторитар сиёсат маҳсули сифатида ўзининг салбий натижаларини кўрсатди. Жараёнларнинг барқарор тараққиётига тўсқинлик қилди. Мамлакатни катаклизмага олиб келди.

Шуро мафкураси ягона ва ҳукмрон сиёсий оқимга айланди. Табиийки, бундай шароитда партиявий қатлам, айниқса, унинг раҳбарияти фаолият дастурини сўзсиз итоат асосига қуради. Натижада бутун фуқаролар, яхлит жамият хоҳиш-истаги, ақидаси, мақсад-интилишлари, ҳаётга муносабатлари ва шахсий эҳтиёжларидан қатъи назар бир ғояга бўйсунди. Аниқроғи, фуқаро миллий, диний ва бошқа хусусиятлардан қатъи назар бир ғоя асосида яшашга маҳкум этилади. Ҳар қандай эркинлик ва либерализм имкониятларига зид равишда умумий бирлик ва режалаштирилган асосда фаолият кўрсатишга даъват этилади. Бундай марказлаштирилган мафкуравий тизим, ғоявий механизм инсоннинг фикрлаш қобилиятини сундиради. Коммунистик мафкура механизми инсоннинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ҳуқуқларини чеклаб қўйди. Коммунистик партия, ВЛКСМ, Касаба уюшмаси, Пионер ташкилоти аъзоси — умуман жамият аъзоси битта фикр, битта мақсад билан яшашга маҳкум этилди.

Аста-секинлик билан тотал ҳамфикрлик феномени қадриятларни стандартлашга олиб келди. Миллион-миллион одамларнинг воқеликка бир кўз билан қарашга, ҳаётни бир хил талқин қилишга, бир хил тушунишга мажбур қилди.

Коммунистик мафкура ўзининг қотиб қолган ва чекланганлик иллатлари билан аҳолини жамиятдан, мамлакатни оламдан ажратиб қўйди. Маънавий-маърифий ва тарғибий-ташвиқий тизимнинг бир қолипга тушиб қолганлиги илмий догматизмни, ғоявий демогогияни вужудга келтирди. Тафаккур тараққиётига тўсиқ бўлди.

Ислохотларнинг муваффақиятли бориши ва узлуксиз самараси бевосита, мамлакатимиз раҳбари Ислом Қаримов айтганидек, айни миллий ғоя ва миллий тафаккурнинг нечоғлик шаклланганлиги билан боғлиқ. 130 йиллик мустамлакачилик даврида фикрламай яшашга одатланган, дунёқарашлари чекланган инсон ишлаб чиқариш воситасига айлантирилган ва давлат механизмининг энг арзон, беқадр мурвати бўлиб қолган бир пайтда унинг қалбига, ҳиссиётига таъсир ўтказиш, озурда ва нимжон туйғуларини жонлантириш жуда катта маънавий-руҳий ҳодиса. Яра-



тувчилик ва бунёдкорликнинг, миллий тараққиётнинг асоси фақат миллий уйғониш эканлигини Президентимиз такрор ва такрор уқтиради. Миллатни уйғотиш эса миллий онг ва миллий мафкура орқалигина амалга оширилади. Акс ҳолда миллат яна яқин утмишимиздаги сингари чуқур депрессия қомига тушиб қолиши мумкин. Қайсидир реакцион ғоя, ғайриинсоний мафкура халқни ўзига оғдириб олишига, бутун жамиятни қамраб олишига имкон яратилади.

Ҳаёт янгиланаётган, ҳар қандай «изм»лардан холи бўлган соф инсонпарвар жамият қурилаётган бир пайтда миллий манфаатларга хизмат қиладиган ва миллий тараққиётга катта туртки берадиган миллий ғоянинг ўзига хос характерли жиҳатлари бор. Бу қуйидагилардан иборат:

- инсоннинг ҳаётда тутган ўрни ва ролини белгилаши;
- асрлар мобайнида шаклланган дунёқарашлар, миллий анъаналар асосида улуг аجدодларимизнинг буюк мероси, ғоялари асосида янги, замонавий, илғор ғояни вужудга келтириши;

- инсон фаолияти ва жамият ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириши;

- жамият ҳаётини ташкил этишга, аҳолига таъсир ўтказишга ва уни сафарбарликка даъват этиши;

- инсоният тараққиёти тарихий тажрибалари билан миллий уйғониш манфаатларини уйғунлаштирадиган омилга айланмоғи керак.

Мафкура ҳеч қачон тарқоқ ва узуқ-юлуқ бўлмаслиги лозим. У жамият тараққиётини тўлалигича қамраб олган узлуксиз, тадрижий, ўзини ўзи тўлдириб борадиган, доимий ҳаракатдаги тизимга айланиши даркор. Жамият янгиланаётган, онгимиз ва тафаккуримиз ўзгараётган бир пайтда миллий тараққиёт омили бўлиб хизмат қилиш учун эски мафкураравий андозалардан воз кечишимиз, янги ижтимоий жараёнларнинг бутун моҳиятини ифодалаб берадиган янги мафкурани вужудга келтиришимиз керак. У бутунлай янги даврнинг, уйғонаётган руҳият, уйғонаётган инсон ҳиссиёти ва жонланаётган янги тафаккурнинг маҳсули сифатида дунёга келмоғи лозим. Миллий истиқлол ғояси ана шундай олий қадриятга айланаётган ҳодисадир. У янги тарихий шароитда янги давр руҳини ўзида ифода эт-

ган ғоявий куч сифатида дунёга келмоқда. Фақат ана шу ғоягина олам ҳақидаги тушунчаларимиз, одам ва олам ўртасидаги муносабатлар, шахс маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб шаклланмоқда.

Албатта, мустақилликнинг ўтган даври бугун онгимиз ва тафаккуримизни анча-мунча янгиледи. Жумладан, ҳаётга муносабатларимиз ўзгарди, келажакка ишончимиз ошди ва мамлакатимизнинг келажаги буюк бўлишига қатъий имон келтиряпмиз. Бу — масаланинг **бир томони**.

Масаланинг **иккинчи** томони шундаки, мустақил тараққиёт жаҳон ҳамжамияти дастурхони атрофидан муносиб ўринга эга бўлиш, ўз сўзи, ўз нуқтаи назари, ўз неъматлари билан тенгларнинг тенги сифатида мулоқотларга киришиш масъулиятини ҳам халқимиз гарданига қўйди. Ватан ўз гарданига дадил олган бу оғир юк — ўз халқи тақдири ва унинг истиқболини белгилашдек катта масъулиятни ҳам шараф билан уддаламоқда. Эркин ва озод бўлгач, ўзлигимизни англаш зарурати, ўз қадр қимматимиз, инсонлик моҳияти хусусида ҳам, олий мақомлари ҳақида ҳам ўйлай бошладик...

**Учинчидан**, инсон руҳ ва тафаккур эгаси бўлган мавжудот сифатида ўзининг тенгсиз қобилиятини, чексиз имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилди. Энди ҳар бир фуқаро ўзини озод ҳис этиш, эркин фаолият кўрсатиш орқали яратувчилик қобилиятини шакллантиришга, том маънода ўзининг тақдирини ўзи белгилаш орқали жамият тақдирини белгилашга дахлдор эканлигини англай бошлади. Ҳар бир кишида жамият ҳаётига дахлдорлик, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаслик хисси шакллана бошлади.

Президент Ислом Каримов: «Истиқлол йўлининг пировард мақсади маърифатли жамият қуришдир», — деган эди. Дарҳақиқат, маърифатли халқни енгиб бўлмайди. Маърифатли халқни йўлдан оздириб, бошқа йўлга солиб бўлмайди. Чунки маърифатли халқ ўз ҳаётини ақл-идрок билан қуради, ўз ҳаёт йўлини ақл билан танлайди. Халқни катта ақл, катта тафаккур орқали танлаган йўлидан оздириш учун унга тенг келадиган ва ҳатто, ундан ҳам кучлироқ бўлган ақл-идрок керак бўлади. Шунинг учун маъри-

фатли жамият, маърифатли халқ ҳамиша ўз аҳдига содиқлик, танлаган йўлига собитлик, истиқболига эса катта ишонч билан яшайди.

Миллий ғоя, миллий онг миллий анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзи асосида шаклланади. Одамлар умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда, ақл-идрок йуриғи билан жипслашадилар. Натижада ушбу интилишлар мажмуи миллий истиқлол ғояси орқали миллион-миллион кишиларни ўз ортидан эргаштиради.

Даврлар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Бироқ халқ дунёқараши, миллатнинг маънавий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга кучиб, янги бўёқлар, янги мўлжаллар касб этган ҳолда давом этаверади. Бу боқий ва узлуксиз жараён миллат феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақидалари ва муносабатларини, руҳий оламини ўзида ифода этади. Президент Ислом Каримов миллий истиқлол ғояси халқ маънавиятини миллат маданий ривожига шу давомийлик, ворисийлик ва узвийликни инobatга олсагина, унга таянсагина, миллий руҳият ва миллий кайфиятни ўзида мужассам этсагина яшовчан ва таъсирчан бўлишини алоҳида уқтиради. Миллий давлат масалалари жамият мақсадларига, жамият белгилаган мўлжаллар оддий инсонлар орзу-уйларига айланган ҳолдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар ортга қайтмас хусусият касб этади. Бу тенденция эса жамият аъзоларининг барчасини ўз оёғида ўзи мустаҳкам туришига, «озод бўлсанг озод бўлишга, мустақил бўлсанг мустақил бўлишга»<sup>1</sup>, фикрлаб яшашга, онгли идрок, тафаккур асосида ҳаёт қуришга даъват этади. Айни пайтда, миллий истиқлол ғояси давлат, жамият ва шахс учун ҳаётбахш куч манбаига, узлуксиз ва поёнсиз таъсир имкониятларига эга бўлади.

Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов миллий онг, миллий ўзига хослик миллатга мансубликни юқори даражада англашдан келиб чиқиши масаласига алоҳида ургу беради. Зеро, қачонки халқ ўз тари-

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000, 494-бет.

хий тараққиёти даврида миллат бўлиб шаклланиб, унга мансубликни орийат, қадр-қиммат ва қадрият даражасида англаса, уни ҳимоя қилишга, асраб-авайлашга интилади.

Натижада ҳар бир фуқаронинг умумий мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлашиб яшашига, бирлашиб курашишига имкон яратилади. Ана шунда бошқа ҳар қандай бегона ғоялар йўли тўсилади. Одамлар жаҳолат ва ганимлик ёювчи мафкуравий тазйиқлар ва турли жоҳилий даъватларга ишонмай қўядилар.

Турли ғоявий хуружлар авж олаётган, бизнинг энг муқаддас ғоя ва мақсадларимизга таҳдид солаётган бир пайтда фожиалар содир бўлмасидан илгарироқ унинг олдини олишнинг энг тўғри ва ягона йўли ҳам бегона ва сохта ғояларга қарши кенг ижтимоий маконда **ғоявий иммунитетни** кучайтиришдир.

Президент Ислом Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларида худди ана шу масалани долзарб қилиб кутаради ва бегона ғоялар ўз таъсирини ўтказолмайдиган, унга қарши кураша оладиган **иммунитет** зарурлиги ғоясини Ўзбекистон геосиёсий маконига мувофиқлаштирган ҳолда асослаб беради. Жумладан, у «ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг *мафкуравий иммунитетини* кучайтиришимиз зарур»<sup>1</sup>, — дейди.

Айни мафкуравий иммунитет жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилишларидан, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасидан келиб чиқади. Агар миллий истиқлол ғояси инсонлик шаъни билан боғлиқ бўлган ҳиссиётдан, маънавий интеллектуал салоҳиятлардан келиб чиқсагина инсонни бошқаради, йўлга солади.

Коммунистик мафкура исканжасидан озод бўлгани-

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000, 494-бет.

миздан сўнг, мустақил тараққиёт йўлига кирганимиздан буён доимий тарзда турли ғоялар ҳаётимизга бостириб киришга, йиллар мобайнида мисқоллаб тартибга туширган ҳаётимиз ва турмуш тарзимизни издан чиқазिशга ҳаракатлар қилинмоқда. Қарийб уч минг йиллик тараққиётимизда ота-боболаримиздан қолган буюк меросни англай бошлаган бир пайтимизда унинг барчасини барбод қиладиган таҳликали ғоялар қуршаб олмоқда. Ана шундай ғайриинсоний ғояларга қарши турадиган мустаҳкам имонимиз, миллий ғуруримиз, инсоний шаънимиз билан боғлиқ бўлган миллий ғояга умумжамият эҳтиёжи кучайиб борди. Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжни мустақиллигимиз ташаббускори ва раҳнамоси Президент Ислом Каримовнинг ўзи қондиришга жазм этиб, ватанни асраш, мустақилликни ҳимоя қилиш ва озод ҳам обод жамият қуриш истиқболини ифодаловчи миллий ғоя концепциясини ишлаб чиқди ва амалиётга фаол сингдиришга бош-қош бўлмоқда. Вақт миллий истиқлол ғояси юрт тинчлиги, эл омонлиги, ватан равнақи учун ҳаётий зарурат, тараққиёт кафолати, буюк келажак пойдевори эканлигини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, Юртбошимиз ҳақли равишда уқтирганидек, «Ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади»<sup>1</sup>.

XX аср цивилизацияси дунёни ақл-идрок билан забт этиш тамойилини ҳозирги замон тараққиётининг ўзига хос тенденциясига, геополитик мавқеларга эга бўлишнинг устувор хусусиятига айлантирди. Шунинг учун ҳам бугун давлатлар қудрати, мамлакатлар салоҳияти ядровий полигонлар билан эмас, ғоявий, мафкуравий полигонлардаги салоҳият билан ўлчанади. Бугунги ижтимоий-сиёсий таъсирлар жараёнини чуқур сиёсий донишмандлик билан башорат қилган Президент Ислом Каримов бу ҳақда шун-

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000, 491-бет.

дай деган эди: «Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун, аввало, забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади»<sup>1</sup>.

### 13-§. Ижтимоий муроса маданияти

Ўтиш даврида кўп миллатли мамлакатда миллатлараро муроса муҳитини яратиш катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Айниқса Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшайдиган, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган мамлакатда ижтимоий муроса муҳитини яратиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммо мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳал этилиши долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримов мамлакатда юрт тинчлигини таъминлаш ва барқарор муҳитни яратиш, миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг назарий асосларини ишлаб чиқди ва амалиётда фаоллик билан жорий эта бошлади. **Натижада мамлакатимизда ижтимоий муроса — мувозанат концепцияси дунёга келди.**

Дарҳақиқат, жамиятда муайян ижтимоий меъёрларга эга бўлиш, турли диний ва миллий қарашдаги аҳоли табақалари интилишларини уйғунлаштириш, уларни мамлакат тараққиётини белгилайдиган ғоя атрофида бирлаштириб йўналтириш фавқулодда катта салоҳият тақозо этиши равшан. Айни чоғда умумий фикрларга келиш ҳар бир инсон эркинлиги, шахсий талаблари ва рағбатини бўғиш ҳисобидан бўлмаслиги ҳам зарур. Зеро, **инсон илоҳий ва табиий қисматига кўра мутлақ бетакрор ҳодисадир.** Абу Мансур ал-Мотуридий мазкур масалага алоҳида урғу бериб инсонга берилган муқаддас ҳуқуқлардан бири **ихтиёрий танлов, меъёрий мувозанатга интилиш ва ҳақни ўз рағбатига кўра топа билиш салоҳияти** эканлигини таъкидлайди

<sup>1</sup> И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000, 491-бет.

ва «... барча амалларни, хусусан, меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Аллоҳ яратади, аммо уларнинг барчасини инсон танлайди ва ўз ихтиёри билан амалга оширади. Танлаш ва ихтиёр қилиш жараёнларида инсоннинг масъулияти, эътиқодий жавобгарлиги намоён бўлади»<sup>1</sup>, — дейди.

Дарҳақиқат, миллатидан, ирқидан ва дунёқарашидан қатъи назар мамлакат фуқароси ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйиши керак. Аини пайтда у жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаш, муро-сага келиш ва бир-бирини тушуниш, баҳсли томон далилларига адолат мезонлари билан ёндашиш, умумий ҳам-жиҳатлик руҳини таркиб топтиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Жамият янгиланаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар тикланаётган бир пайтда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар, миллатлараро тотувлик масаласини янгича тамойиллар воситасида ҳал этиш кун тартибидаги энг муҳим масаладир.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилишни умумжаҳон меъёрларига тенглаштириш, унинг ҳуқуқларини стандартлаштириш ва дунёнинг энг илғор улчамлари билан мувофиқлаштириш Ўзбекистонда давлат ислоҳотчилик сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилди. Жумладан, Ўзбекистон «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»<sup>2</sup>, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»<sup>3</sup>, «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенция»<sup>4</sup>, «Халқ-

<sup>1</sup> Р. Убайдуллаева, М. Бекмуродов. «Асрлар қаъридан келатган садо...», Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X–XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами, ЎзФА, Тошкент, 1999 йил, 43-бет.

<sup>2</sup> «Ўзбекистан и международные договора по правам человека». Сборник международных договоров по правом человека к которым присоединилась Республика Узбекистан. Т., «Адолат», 1998, 9-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 16-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба. 411-бет.

ларнинг тинчликка доир ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»<sup>1</sup>, «Дин ва эътиқод асосидаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида декларация»<sup>2</sup>, «Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция»<sup>3</sup> ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилди. Бу Ўзбекистонда жамиятни барқарорлаштириш ва ижтимоий муроса концепциясини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шўролар даврида мазкур муаммони ҳал этишнинг фақат бир йўли, яъни узлуксиз прессинг — доимий тазйиқ, куч билан таъсир кўрсатиш усуллари қўлланиб келинди. Демократик тартиботлар, ҳуқуқий давлатчилик тамойиллари эса мазкур масала ижросини жамият кучи ва имкониятлари орқали амалга оширишни тақозо этади. Бу эса жуда мураккаб, онг билан боғлиқ бўлган, вақт тақозо этадиган маънавий, маърифий ва руҳий ҳодиса. Хусусан, тоталитаризм иллатлари, мафкуравий яккаҳоқимлик, миллатларни ассимиляция этиб йўқ қилиш, сунъий «урчитилган» ягона совет халқини вужудга келтириш сиёсати исканжасида узоқ йиллар яшаган халқларни янги шароитда ихтиёрий негизларда яқинлаштириш, улар тафаккурида ўзгариш яшаш анча мураккаб ҳодиса эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш ва муросавий мувозанатни юзага келтиришнинг мураккаб жараёни катта заҳматлар эвазига амалга оширилди.

Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ўтиш даври учун устувор вазифа бўлиб, этник муаммоларни ҳал этишда давлат фақат адолатга таянсагина, унинг сиёсатида миллий, ирқий, диний мансублигидан қатъи назар яхлит мамлакат фуқароси тақдири қамраб олинсагина миллий тотувлик ҳодисаси умуминсоний қадриятга айланади.

<sup>1</sup> «Ўзбекистан и международные договора по правам человека». Сборник международных договоров по правам человека к которым присоединилась Республика Узбекистан. Т., «Адолат», 1998, 584-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 591-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 470-бет.



Ўзбекистонда миллий ва миллатлараро муносабатларни муайян тизим сифатида тартибга тушириш, бу жараёнларни демократик тамойиллар воситасида бошқариш худди ана шу асосларда амалга оширилди. Натижада мустақилликнинг дастлабки йилларида руй бериши муқаррар бўлган мураккаб сиёсий бўҳронлар, иқтисодий тангликлар, маънавий-руҳий парокандаликларнинг олди олинди, вужудга келиши мумкин бўлган фожиаларга жуда катта сиёсий қатъият билан барҳам берилди.

Миллатлараро муносабатлар одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, онги, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб воқеликдир. Утиш даврида ижтимоий-сиёсий ҳодисалар моҳиятини тўғри ва теран англаш, ундаги ўзгаришлар жараёнини ўз вақтида баҳолаш, мантиқий ёндашувларни амалга ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Агар жамият аъзолари умумий мақсад йулидаги ғояларни бевосита ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда англасалар, ҳар бир фуқаро ўз тақдирини жамият тақдири, ўзи яшаётган мамлакат тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунса, мамлакат аҳолиси ўртасида яхлит ижтимоий бирлик вужудга келади. Ана шундай маънавий-руҳий яқдиллик ҳолати эса жамиятда умумий ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Миллатлараро тотувлик бу шунчаки баландпарвоз, яқин ўтмишимиздаги жарангдор, ҳаётдан узилган сохта дўстлик ва зўрма-зўраки қардошлик туйғуси эмас. Аксинча, у конкрет ҳаёт муаммолари, тириклик эҳтиёжи, ҳар бир фуқаро кундалик турмуш талаблари билан боғлиқ бўлган ва ана шу талаблар, эҳтиёжлар қай даражада қондириляётгани билан узвий боғланган, серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзига мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодисадир.

**Миллатлараро тотувлик — сиёсий ҳодиса сифатида.** Утиш даврининг мураккаб ҳолатларида ўзгараётган воқеликнинг барча зиддиятлари, қийинчиликларига сабр-бардош, матонат, ички ирода кучини қарши қўя оладиган, онгли ва фаол фуқаролар жамиятини таркиб топтириш, уларнинг гоёвий-мафкуравий бирлигини таъминлашга эришиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўтиш даврида давлат ижтимоий ўзгаришлар жараёнида бош ис-

лоҳотчилик вазифасини бажараётган бир пайтда унинг сиёсий иродаси, аҳоли турли табақалари манфаатларини ўзида мужассам этган сиёсий стратегияси ана шу муаммоларни нечоғлиқ оқилона ҳал эта олганлиги билан баҳоланади. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ечими ўтиш даврида нафақат жамият зиммасидаги долзарб муаммо, балки давлат сиёсатининг ҳам муҳим бўғинига айлантирилди.

**Миллатлараро тотувлик** — иқтисодий ҳодиса сифатида. Моҳияти ва мазмунига кўра мутлақо янги жамиятни барпо этиш асносида иқтисодий тангликлар мавжуд бўлган бир пайтда одамларнинг диний мансубликлари, ақидалари, миллий таркибидан қатъи назар мамлакат фуқароси сифатида уларнинг рўзғор имкониятлари, иқтисодий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда кундалик турмуш эҳтиёжларини ижтимоий адолат юзасидан тенг равишда қондириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Адолатли иқтисодий сиёсат мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини, мазмунини, самарасини ва истиқбол миқёсларини белгилайди. Аҳолини табақавий ва этникодий, миллий мансубликларидан қатъи назар амалга оширилаётган иқтисодий кўмак сиёсати уларни умумий тақдир ва умумий истиқбол манфаатлари доирасида яқинлаштиради ва бирлаштиради.

**Миллатлараро муносабатлар** — ижтимоий ҳодиса сифатида. Тирик жоннинг ҳаётга интилиши, яшаш учун кураш омиллари ижтимоий барқарорликдан, ижтимоий таъминотдан ҳақли равишда манфаатдор бўлиш учун курашга доимий равишда даъват этиб туради. Зеро, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўз давлати ва жамиятининг барча имкониятларидан, моддий ва маънавий неъматларидан фойдаланишга ҳақлидир. Ижтимоий муносабатлар жамият янгиланаётган бир пайтда эскича қарашлар билан энди шаклланаётган янги ёндашувлар ўртасида табиий кечувчи коллизиялар мажмуидан иборат бўлади. Реал борлиқни янгича идрок қилиш орқали унинг моҳиятини англаш, мавжуд зиддиятлар илдизларини тўғри белгилаш ва ижтимоий муроса йўлларида онгли чиқа олиш ўтиш даврини бошдан кечираётган камдан-кам мамлакатларга насиб қил-

гани тарихдан маълум. Миллатлараро тотувлик тамойиллари ижтимоий тенглик ва адолат маҳсули сифатида умуммиллий менталитет тизимини, дунёқарашлар уйғунлигини юзага келтирувчи улкан ижтимоий моҳиятга эга бўлган ҳодиса ҳамдир.

**Миллатлараро муносабатлар — маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида.** Миллат ўз-ўзини англаш, маънавий тикланиш жараёнларида миллий маҳдудлик ва худбинликка йўл қўймаслиги муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий уйғониш жараёнини бошдан кечираётган ҳар бир халқ ўзининг миллий қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ҳис қилиши лозим. Миллатнинг миллат сифатида англаши даставвал инсоннинг инсон сифатида ўз-ўзини англашидан бошланади. Акс ҳолда миллий маҳдудлик, миллий калондимоғлик, миллий мансублиги орқали ўзига бино қўйиш иллатлари авж олади.

Миллий қадриятлар инсоннинг инсон сифатида ўзини англаши, ўз-ўзини ҳимоя қила олиши, эришган зафар йўли ва мағлубиятлари, ситамли дамларининг ёдномаларидир. Ҳар бир халқ умуминсоний дунёга ўзининг ана шу тарихий дастури билан кириб келади. Инсониятнинг умумий тарихи ҳам миллий қадриятлар силсиласи, якуний мажмуидан иборатдир. Инсон ўзини башариятнинг узвий бир бўлаги деб ҳис этиши орқали миллий биқиклик, тор манфаатпарастлик, худбинлик ботқоғидан халос этади. Шундагина у олам ва одам ўртасидаги муносабатлар, алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида ўйлашга қодир бўлади. Ана шу маънавий, интеллектуал-руҳий, ахлоқий имкониятлар инсонни ҳар қандай тор доиралардан кенг дунёга олиб чиқади.

Инсонийлик деганда фақат шахснинг жамиятга кўчувчи ҳиссасинигина тушунмаслик керак. Ҳозирги замон шахси жамият эришган маънавий мулк, бойликлар захираларидан нечоғли самара билан фойдаланишига кўра баҳоланади. Тулақонли шахс жамиятга берувчи фойдалари ва жамиятдан олувчи манфаатлари нисбатини теран англовчи ҳамда ўз амалиётида бу нисбатда мувозанат бузилмаслигига қатъий риоя этувчи фаол субъектдир. Шу боисдан ҳам мамлакат фуқароси ўз онгли эҳтиёжлари, интилиш-

лари, хоҳиш-истагига қараб жамиятдан узининг маънавий мўлжаллари доирасида манфаатлар олиши табиий жараён дир. Бу жараён қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади.

**Сиёсий соҳада** бу фуқародан сиёсий фаоллик, ўз хоҳиш-иродасини, мақсад ва интилишларини умумжамият ва умумхалқ манфаатлари билан муштарак ҳолда ҳамда ана шу уйғунлик масъулиятини чуқур англаган тарзда сиёсий йўллар билан амалга оширишни, юксак сиёсий савияни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, янги ланишлар моҳиятини чуқур англашни тақозо этади. Шахснинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ҳиссаси унинг жамият ҳаётида фаоллиги билан белгиланади.

**Ахлоқий соҳада** бу фуқароларнинг маънавий-ахлоқий мезонлари, хатти-ҳаракатлари, ҳаётга муносабатларида кўзга ташланади. Фуқароларнинг маънавий-ахлоқий етуқлик даражаси миллатлараро муносабатлар орқали, турли миллат вакилларининг умумий мақсад йўлидаги бирлашуви билан боғлиқ дир. Президент Исл ом Каримовнинг «Ватан ягона дир, Ватан битта дир», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ватан сажда гоҳ каби муқаддас дир», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган пурҳикмат даъватлари ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Ушбу го я замирида миллати ва элатидан қатъи назар умумий хонадон — Ўзбекистон тақдири учун жавобгарлик туйғуси ҳар бир фуқаронинг сиёсий масъуллик ва маънавий дахлдорлик ҳисси билан бевосита боғлиқ.

**Диний соҳада.** Президент Исл ом Каримов «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб турли диний эътиқодлар ва маслақлардаги фуқароларнинг Аллоҳ ягоналиги орқали Ватан ягоналиги, макон ягоналиги, илоҳий ва дунёвий қарашларнинг муштараклиги хусусидаги илмий қарашни илгари суради. Зеро, инсон ва маънавият, одам ва олам, макон ва замон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш замирида бутун жамиятни барқарорлаштириш имкониятлари мужассам дир. Шу тариқа Аллоҳнинг ягоналиги га имон келтириш орқали унинг бандаларидаги турли эътиқодлар, хилма-хил қарашлар ва муносабатларни барқарорлаштириш ва уйғунлаштириш концепциясини асос-

лашга йўл очилади. Бунда жамиятни маънавий-руҳий жиҳатдан барқарорлаштириш масаласи инсон етуклиги ва комиллиги билан боғлиқ ҳолда тушунилади. Диний-маърифий савия жамият тараққиётининг муҳим омили даражасига кўтарилади.

Ҳозирги кунга келиб республикамизда 1800 дан ортиқ диний ташкилот мавжуд. Мамлакатимизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»<sup>1</sup> Қонуннинг янги таҳририни ҳаётга татбиқ этиш натижасида:

– диний ташкилотларнинг ноқонуний равишда фаолият юритишларига чек қўйилди;

– диний ташкилотлар фуқароларнинг реал эҳтиёжларига бевосита хизмат қила бошлади;

– диний ташкилотларга хорижий фуқароларнинг раҳбарлик қилишларига барҳам берилди;

– мамлакатда аҳолининг маънавий ҳаёти учун ёт ва зарарли бўлган диний секталарнинг ёйилиб кетиши олди олинди;

– диний таълим тизими қонуний асосда қайта кўриб чиқилди;

– мамлакатда диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш ишлари тартибга солиниб, бу фаолият мамлакатимиздаги диний муассасалар томонидан амалга оширилиши белгилаб берилди;

– диний фундаментализм ва экстремизмга қарши кураш олиб бориш учун ҳуқуқий пойдевор яратилди<sup>2</sup>.

**Эстетик соҳа** маданиятлар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бугун мамлакатимизда барқарор ривожланаётган маданиятлар ҳамкорлиги, турли миллатлар ўртасидаги маданий муросадан ижтимоий муроасага, жамиятда мувозанат концепциясининг амалиётига айланмоқда. Ҳинд, араб, турк, рус ва европа кинофильмларининг, турли мамлакатлар санъати, хусусан, қўшиқчилигининг илғор намуналари Ўзбекистонга кириб келаётганлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998 йил, 5–6-сонлар.

<sup>2</sup> Ш. Миноваров. «Дин ва давлат муносабатлари». «Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – ҳаёт омили» тўплами, Байналминал маданият маркази. Т., 2001, 75-бет.

миллий маданиятимизга соя ташламаётганлигидан, аксинча, миллий маданиятнинг жаҳон маданияти билан уйғунлашиб бораётганлигидан далолат беради.

**Турмуш тарзидаги бағрикенглик** бу турли миллат вакиллари миллий анъаналари, урф-одатларининг ўзаро таъсири, уларнинг ўзаро яқинлашуви натижасида ижтимоий мувозанатни барқарорлаштириш демакдир. Бугун мамлакатда фаолият кўрсатаётган 180 га яқин миллий-маданий марказларнинг фаолияти худди ана шу мақсадга йўналтирилган.

#### 14-§. Толерантлик ва ижтимоий ҳамкорлик

Ўзбек халқининг бағрикенглиги миллат менталитетига хос фазилатдир. Халқимизнинг ҳаётга катта иштиёқ билан ёндашуви, табиат ва жамиятга хос барча қадриятларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши, турли эл ва элатлар вакиллари, маслаги ва характери, ғоявий қарашлари ранг-баранг бўлган фуқаролар билан мулоқотларга кириша олиши ҳамда бу муносабатларни мустаҳкамлай билиши миллий фазилатга айланган. Президент Ислом Каримов томонидан назарий асосланган толерантлик концепцияси халқимизнинг асл табиати, феъл-атвори, миллий менталитети моҳиятидан келиб чиқади. Ўтиш даврида эса халқимизнинг миллий руҳи, психологиясини айнан ифодаловчи бу концепция мураккаб вазиятларда жамиятда барқарорликни сақлашга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Кўп минг йиллик тажрибамиздан маълумки, миллий толерантлик халқимизнинг метиндек мустаҳкам сабр-бардоши, бағрикенглиги оғир вазиятларни енгиб чиқишда айниқса асқатиб келди. Шу боисдан ҳам миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришдаги энг қийин шароитларда ҳам умумий хонадон — бутун мамлакат тақдирини ҳар бир фуқаро тақдирини билан боғлиқ ҳолда тушунилди ва масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашилди.

Халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтирди. Турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис эта бошлаб, миллий ма-

данияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намоиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда иш юритаётган 80 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолиятлари ана шундан далолат беради. Мамлакатимизда турли миллий маданиятларнинг ривожланиши нафақат турли халқларни этник ўзига хослигини сақлаб, уни такомиллаштириш имконини беради, балки уларнинг ватан ягоналиги, жамиятнинг ички бир бутунлигини қалбдан ҳис этишларига маънавий шарт-шароитлар барпо этади.

Президент Ислом Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирар экан: «Ўзбек халқи руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умуминсоний руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди»<sup>1</sup>, — деган эди.

Демак, юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ манфаати миллати, элати ва диний мансублигидан қатъи назар барча учун бирдай тегишлидир. Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир фуқарода ана шу Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссининг кучайганлиги, юрт тақдири билан ўзининг тақдирини уйғун англаши, мамлакат ва халқ камолоти, истиқбол учун юксак масъулият ҳиссини туйиши муҳим фазилатга айланди. Айтиш мумкинки, ана шу туйғу Ўзбекистон фуқароларини бир-бирига яқинлаштирди, маънавий яқдиллигини таъминлади.

Демократик тамойиллар чуқурлашиб бораётган, эркин шахс ва эркин фуқаро шаклланаётган бир пайтда юқоридаги фазилатлар алоҳида аҳамият касб эта беради. Ватан туйғуси, эл-юрт ташвишини қалбига кўчирган фуқаро-

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998, 129-бет.

ларгина жамиятда эркинлик ва озодлик тушунчаларини чуқур англайди, унинг асл моҳияти, том маъно-мазмунини билиб, демократия имкониятларини суиистеъмол қилмайди.

Бугун жамиятимизда миллий ғурур ва миллий ифтихорнинг юксак маданият ва юксак ахлоқ категориялари билан синтезлашган шакли вужудга келди. Худбинлик, ёввойилашган миллатчилик, сохта мағрурлик, калондимоғлик, бошқаларни камситиш эвазига ўзини устун қўйиш қабилидаги ғайриинсоний қусурлар барҳам топди.

Халқларнинг ўзлигини англаш жараёни, қадимий анъаналар, урф-одат ва маросимларни ўзлаштириш орқали миллий хусусиятларнинг такомиллаштирилиши ўша миллатга мансуб бўлган шахснинг миллий-маданий даражасининг ривожланишига олиб келади. Айни пайтда аҳолининг миллий-маданий даражаси ошгани сари глобал муҳит, яхлит оламга дахлдорлик ҳисси кучая боради. Яхлит оламдан ажралиб қолиш уни таназзулга олиб келиши муқаррар эканлигини англайди. Ана шу ички маданий янгиланиш, баркамоллашиш жараёни, яъни оламини англаш шахсни глобаллашув жараёнига олиб киради. Ўзлигини англаган шахс тор тушунчалар қобиғидан чиқиб, ўз миллий қадриятларини дунёвий қўламлар, умуминсоний қадриятлар даражасига кутара билади.

Миллий маданиятлар тараққиёти бутун мамлакат яхлит маданиятининг тараққиётига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар бир этнос ўзининг этник хусусиятларини намоён қилиш орқали бутун сайёрамиз тараққиётига боғлиқ бўлган, умуминсоний қадриятларга айланган маданиятни бойитишга муваффақ бўлади. Ҳар қандай миллий маданият ўз даврининг тарихий тараққиёти билан боғлиқ бўлган жаҳон маданиятини англамасдан, уни қабул қилмасдан, унга эргашмасдан тараққий топмайди. Ҳар қандай миллатнинг бошқа бир миллат маданиятини ўрганишга қодирлик даражаси фуқаронинг ички маданиятидан, алоҳида шахсларнинг маданий-маърифий даражасидан иборат бўлган яхлит миллат менталитетидан келиб чиқади. Бу яқин қўшни маданиятларнинг ҳаётийлигини, яшовчанлигини, айни пайтда таъсирчанлигини кўрсатади. Шу билан бирга ана шу миллат маданияти умумжаҳон мадания-



тининг бир булагиди сифатида ўз қиёфасини курсатишга қодир бўлади. Ана шундай ҳолатнинг ўзи бир миллатнинг бошқа миллат қадриятларини англашга, асрашга, ўзаро муносабатларини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Миллатчилик, ирқчилик, шовинизм тоталитаризм моҳиятини белгилаб берадиган маънавий-ижтимоий иллатлар бўлиб, миллий маданият тараққиётига зомин бўладиган ғайриинсоний ҳодисалардир. Этнокрatik кайфият миллатни таназзулга олиб келади, миллий худбинлик кайфиятларининг чуқурлашишига, бошқа миллатларнинг камситилишига, улар имкониятларининг чекланишига сабаб бўлади.

Миллатчилик, шовинизм, тоталитар режим натижасида вужудга келган миллий маданиятларни қамалга олиш тизими барбод бўлди. XX аср сўнгида вужудга келган жуда катта қадрият, умуммиллий ва умуминсоний неъмат ана шу билан белгиланади. XX аср фан-техника тараққиёти, коинотни забт этиш, ҳарбий-техника ва қирғин қуроллари ишлаб чиқаришнинг ҳайротомуз ривожини орқали инсон тафаккури ва ақл-идроки, даҳолик қудрати билан бирга миллий тараққиётни барбод этиш, миллатларни қамалда сақлаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш иллатларини ҳам кўрсатди. Айни пайтда бу нуқсонлар соғлом инсоний тафаккурдан ва соғлом ғоялардан узоқдалиги сабабли ўзини ўзи барбод этди. Натижада XX асрнинг сўнги ўн йиллигида миллий раванқ, миллий ўзликни англаш, миллий тараққиёт даврининг янги босқичи вужудга келди. Бу миллий, умуминсоний ва дунёвий маданиятнинг ривожланишига ҳамда XXI аср цивилизациясига замин яратди.

Халқаро ижтимоий муносабатлар доираларида тобора фаолроқ иштирок этаётган Ўзбекистон давлатлараро ижтимоий ҳамкорлик муносабатларида ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бормоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ижтимоий ҳамкорлик жараёнларининг давлатимиз раванқи учун нечоғли зарурлигини таъкидлаган ҳолда, қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди: «Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида ва минтақа кўламида — интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат

билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёнidir»<sup>1</sup>.

Ижтимоий ҳамкорлик жараёнлари нафақат давлатлараро даражада, балки минтақалараро ҳамда жамоалараро кўламларда ҳам фаол амал қилиб келади. Ҳозирги замон ижтимоий жараёнлари таҳлилига тизимий ёндашсак, унда давлатлараро мулоқотлардан кўра ташкилотлараро муносабатлар кўламли таркибининг изчил тараққий этаётганлигига амин бўламиз. Муайян мамлакатлар ҳудудларида илдиз отиб, бугун юксак суръатлардаги ривожланиш босқичига ўтган қатор халқаро ташкилотлар, йирик банклар, концернлар, корпорациялар ўз иқтисодий, молиявий ҳамда маънавий-интеллектуал салоҳиятлари даражаларига кўра, баъзи мамлакатларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан ҳам бир неча баробар устун мавқеларга эга бўлиб бормоқдалар. Ҳозирги замон жамияти учун хос хусусиятлардан бири ҳам ижтимоий ҳамкорликлар негизига қурилган йирик халқаро ташкилотлар мақеининг ортиб бориши, давлатлар эса олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатнинг, нодавлат ташкилотлар, фирмалар юритаётган фаолият йўналишлари билан мувофиқлаштирилиб бориши тенденцияларидан иборатдир. Шу боисдан ҳам ижтимоий ҳамкорлик ҳодисаси нафақат муайян иқтисодий-ижтимоий алоқалар, мулоқотлар манбаи, балки ҳар қандай ижтимоий тизимлар, тузилмалар юзага келишининг дебочаси, негизи ҳамдир.

Ижтимоий ҳамкорлик ҳодисасига муайян тизим сифатида ёндашув, унинг энг муҳим жиҳатлари, характерли қирраларини, тизим ясовчи белгиларини аниқлашни тақозо қилади. Мазкур ҳодисани тавсифловчи хусусиятлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 299-бет.

— ижтимоий ҳамкорлик жараёнида иштирок этаётган жамоаларда оқилона меъёр, адолат мезонлари амал қилади;

— ижтимоий тенгсизликнинг ҳар қандай қуринишлари барҳам топади;

— жамоа аъзолари иш билан таъминланади ва фаровонлик имкониятларига кенг йўл очиб берилади;

— жамоа ва жамиятда тинчлик, муроса вазияти барқарорлашади, кишиларнинг ҳаёт кечиришлари ва фаолиятлари учун қулай ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келади;

— жамоа аъзоларининг маънавий-интеллектуал, маданий савияларининг доимий такомиллашиб боришига эҳтиёжлар ортиб боради;

— жамоа ва жамиятда ташкилотлараро ҳамда давлатлараро мулоқотлар доираси кенгайиб, бевосита ташкилот ҳамда фуқаролараро муносабатлар тизими таркиб топади;

— жамоа ва жамият аъзолари тор миллатчилик ёки маҳаллийчилик манфаатлари доирасида фикрлаш даражасидан юксалиб, жамоалараро ҳамда жамиятлараро фикрлаш малакасига эга бўладилар.

Ижтимоий ҳамкорлик жараёнларининг муайян мамлакат доирасида амал қилишига: а) давлат тузилмалари; б) сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари; в) оммавий ахборот воситалари; г) диний оқимлар ва уларнинг ташкилотлари; д) ҳуқуқ-тартибот идоралари, армия; е) норасмий ташкилотлар; ж) касаба уюшмалари ва бошқалар фаол таъсир ўтказиб келади.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг эволюцияси, тадрижий ривожланиш босқичлари Ўзбекистонда яхлит миллий-маънавий муҳит шаклланаётганлигидан, миллати ва элатидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ана шу муҳитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат бермоқда. Манфаатдорлик туйғуси эса ўзаро ҳурмат, юксак маданият, етуклик ва комилликка интилиш орқали мазмунан бойиб бормоқда.

## VI БОБ. ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРИХИЙ ЖАРАЁН

## 1-§. Демократия ҳақида мулоҳазалар

Миллий истиқлол билан боғлиқ бўлган бутунлай янги тарихий-ижтимоий воқелик, демократия деганда домларимиз уқтирган, фалсафа фанида аниқ мазмунга эга бўлган «халқ ҳокимияти» деган анча содда ва юзаки тушунча моҳиятини хийла чуқурлаштирди. Дарҳақиқат, бунгача унинг асл мазмуни, жамият тараққиётида тутган ўрни, инсон ҳақ-ҳуқуқларини белгилашдаги вазифаси хусусида кўп ҳам ўйламаганмиз. Чунки бизда бундай шароит ҳам, зарурат ҳам йўқ эди.

«Қизил империя» демократияни ўзича тушунди ва бизни ҳам ўз тушунчаси доирасида тарбиялади. Қарашларимиз унинг таъсирида шаклланди. Онгимиз ва тафаккуримизга инсон манфаатларига, унинг яшаш ҳуқуқига зид бўлган ғоялар сингдирилди. Инсон ўйламаслик, фикрсизлик қобигида қолиб кетаверди.

Демократия — кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Албатта, бу борада кишилик жамияти шаклланиш давридан тортиб то цивилизациялашган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чуқур илдииз отган давлатчилик ва шу асосда маълум тартиб-қоидага кириб қолган аниқ йўналишлар ўртасида катта фарқ бор. Чунки асрлар мобайнида одамлар дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошди. Ҳаётга муносабатлари янгича тус олди. У ҳар бир даврнинг ўзига хос маҳсули сифатида янгидан-янги шаклга кира бошлади.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган аҳоли умумий дунёқарашини ўзида мужассам этади. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида шаклланган маънавий-руҳий олами жамиятда қарор топадиган демократик жараёнлар мазмунини белгилайди. Акс ҳолда, демократия давлат мафкураси асосида қурилса, унинг ўз манфаатларига мос келадиган сиёсатига хизмат қилади. Агар демократия сиёсий «ўйин»лар

ҳолатига кирса, мамлакатда парокандалик, анархия вужудга келади. Зеро, ҳар қандай давлат ўз ҳуқуқий асосига, сиёсий режимига бошқарувдаги аниқ тамойилларига эга бўлмаса, фуқаролар эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга жамият ва давлат олдидаги, ўз мамлакати истиқболи йулидаги вазифалари ва бурчларини тула англаб олмаган тақдирда демократия ўзининг том маънодаги мазмунига ва жаҳон тажрибасида тан олинган моҳиятига эга бўла олмайди.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли даврларда турлича давлат тизимларини ва бошқарув йўналишларини кўрган. Демак, инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар турли даврларда турлича тус олган. Ана шундан келиб чиқиб ер шарининг турли минтақаларида халқлар дунёқараши, турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида турлича сиёсий режимлар, тартиб-қоидалар ва русумлар дунёга келган.

Жаҳон давлатчилиги тажрибалари тобора бойиб, халқнинг ўзлигини англаш жараёни тобора тезлашиб боргани сайин демократиянинг шакли, мазмуни ва унинг жаҳон тараққиётида тутган урни хусусидаги мунозаралар авж олди. Айниқса XX аср кишилиқ тарихида кескин бурилиш ясади. Ер қуррасида икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тузумнинг пайдо бўлиши дунё давлатчилиги тажрибасида ва жаҳон халқлари тафаккурида турлича бир-бирига зид бўлган ғояларни келтириб чиқарди. Ана шу ғоялар, табиий равишда, ўзлари ҳукмрон бўлган ҳудудда одамлар онгини ўзгартириб юборди. Аниқроғи, улар тафаккурига сингиб кетди. Икки лагерь ўртасидаги бундай сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва мафкуравий рақобат кучайиб, бир-бирини маҳв этишга уринишлар инсон ҳуқуқларини маълум бир тартибга солиб туриш, уни ҳимоя қилиш мақсадига йўналтирилган бир қатор халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишига эҳтиёж туғдирди.

Тоталитар тузумда инсон ҳуқуқларининг чекланганлиги, мафкуравий яккаҳокимлик жамият маънавий тараққиётини чеклаб қўйди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида озодлик учун кураш, миллий давлатчиликка замин яратиш ва шу асосда

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама баркамол демократик жамиятни вужудга келтиришга интилиш кучайди. Натижада ана шу қитъаларда миллий озодлик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар замирида инсониятнинг азалий орзу-умиди — озодлик ва ҳурриятга эришиш, эркин яшаш эҳтиёжи ётарди.

Қадим Шарқда азалдан ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг турли элементлари мавжуд эди. Бунга узоқ ўтмишимиздан қорахонийлар, Хоразмшоҳ, темурийлар ва бошқа қатор сулолалар давлатчилигини мисол келтириш мумкин. Бу даврлар ҳақиқат ва адолат ғояси ниҳоятда баланд кўтарилгани ва бутун мамлакатда аниқ тартиб-интизом ўрнатилгани натижасида инсон ҳаёти, аҳоли турмуши кафолатланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Агар ана шу даврларда сўз ва фикр эркинлиги, ғоялар хилма-хиллиги мавжуд бўлмаганда эди, бу қадимий маконда фан, маданият ва маънавият ривожланмаган, жаҳон тараққиётига бу даражада кучли таъсир кўрсатмаган бўлур эди.

Шарқ уйғониш даври ва кескин юксалиш пайтларида дунёвий илмлар билан ислом маданияти назарияси ва фалсафаси уйғун ҳолда тараққий топди. Унинг натижасида вужудга келган маънавий-ахлоқий анъаналар турмуш тарзимизга айланиб қолди. Акс ҳолда ислом динининг буюк намояндалари, уламо ва фузалоларининг дунё тан олган асосий кўпчилиги қадимий Турон заминидега етишиб чиқмас эди. Бу бизга «дин — афъюндир» деб ўргатиб келган, бизни худосизликка, имонсизликка ва эътиқодсизликка даъват этган, жаҳолат йўлини тутган ёлғон мафқуранинг ёлғон умридан дарак берганидек, ислом дини ва Шарқ турмуши фалсафасининг абадиятини, ҳақиқати ва қадриятларининг боқийлигини ҳам кўрсатади. Соҳибқирон Амир Темурнинг биргина «Куч — адолатда» деган шиорида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг барча эркинликлари ҳам мужассам бўлган. Айни пайтда худди ана шулар ҳозирги замон демократик ҳаракатлар илгор тажрибаларининг ўқ иллизини, бош йўналишини ташкил этади.

Албатта бу анча-мунча мунозарали масала. Мамлака-

тимизда янги тарихий шароитларда янгича давлатчилик қарор топаётган бир пайтда демократия, фуқаролик жамияти, аҳоли ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар турли соҳа мутахассислари ўртасида турлича талқин этилмоқда. Бироқ ҳар қандай ҳулосалардан қатъи назар, шу нарса аниқки, қадимий Шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон озодлиги ва хатти-ҳаракатлари эркинлиги таъмин этилган эди. Бу айни демократик жамиятнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Энди биз бутунлай янги тарихий шароитларда яшаймиз. Жаҳон демократик жараёнлари тобора чуқурлашган, унинг имкониятлари анча кенгайган, одамларнинг онглилик даражаси бирмунча ошган бир пайтда яшаймиз. Жаҳон воқеаларидан ва ижтимоий-сиёсий жараёнларидан хабардор бўлиш ва бу жараёнларнинг мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда кун кечиряпмиз. Буларнинг барчаси инсон онги, тафаккури ва қалбини ҳеч қачон четлаб ўтмайди. Энди демократиянинг шунчаки оддий «эркинлик», «хуррият», «озодлик» деган тушунчалари ва айни пайтда «халқ ҳокимияти» деган мазмуни ҳам бирмунча ўзгармоқда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сайин, уларнинг демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда. Айни пайтда демократия имкониятлари тобора кенгайиб, миқёси ошиб бормоқда.

Бизнинг яқин ўтмишимизда «қизил империя» демократик ҳаракатлар тамойилларига мос келадиган инсон эрки ва яшаш ҳуқуқини анча-мунча чегаралаб қўйган эди. Ҳолатда зўравонликка таянган сиёсат табиатан озодликни ёқтирмас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёсатчи Диана Ревич таъбири билан айтганда, «Тоталитар сиёсий тузумлар сустлик ва лоқайдлик кайфиятини ривожлантиради. Тузум итоаткор ва лаббайгўй фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқли ўлароқ, демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг эркин равишда ихтиёр этган фаолияти туфайли шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар, ўз

ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва ўз ҳаётлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар»<sup>1</sup>. Ана шу масъулиятнинг ўзи одамни жамият олдидаги бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилайди. Бу бевосита шахс, жамият ва демократия тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигидан, муносабатлар ўртасидаги маданиятдан келиб чиқади.

Ўтиш даврида, жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга юз бураётган пайтда, айниқса, тоталитар режимдан эркин фуқаролик тузумига утаётган бир шароитда демократияни англаш, унинг бутун моҳиятини тушуниш ва масъулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Энг аввало, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўзини ўзи тайёрлаб бориши, эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиши даркор. Гарчи инсон табиатан ҳур ва озод яшашга интилиб яшаса-да, энг аввало, ўзига ўзи шундай шароитни ярата билиши, маънавий-руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлиши лозим. Қотиб қолган тушунчалар қобигини синдириш, фикрсизлик ва танбаллик руҳиятидан халос бўлиш осон эмас. Биз ҳозир ана шундай мураккаб жараёни бошдан кечирмоқдамиз.

Вандерблит университетининг профессори Честер Финн «Инсонлар шахсий озодликка ташналик ҳисси билан таваллуд кўришлари мумкин, аммо улар озодликни ўзлари ва фарзандлари учун рўёбга чиқарувчи ижтимоий ва сиёсий воситаларни билиш кўникмаси билан туғилмайдилар. Бундай нарсалар қўлга киритилиши лозим. Улар урганилиши керак»<sup>2</sup>, — дейди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлаш янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли «тарбияланиб», шаклланиб, баркамоллашиб боради. Бу табиий ҳол.

<sup>1</sup> Демократия нима дегани. **Ҳ. Кароматов** таржимаси. АҚШнинг Ахборот бўлими. 1993, 18-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. Уша жой.



Демократиянинг мурасачилик ва якдиллик маданияти, юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, одамлар — мамлакат фуқаролари уртасидаги муносабатлар қанчалик илиқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йулида бирлашишга қанчалик кўпроқ ихтиёр сезилса, муаммоларни ҳал этишда якдиллик билан фаолият курсатилса, барча учун умумий бўлган вазифалар олдида масъулият чуқур ҳис қилинса, бу — демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини, бой маънавий қиёфасини белгилайди.

Демократиянинг ташқи сиёсатдаги кўриниши бу бевоқифа Президент Ислам Каримовнинг дунё муаммоларини ҳал этишдаги ёндашувига жуда мос келади. Жумладан:

— Президент Ислам Каримов тасаввурида ҳар қандай можароли масалаларни тинч йул билан ҳал этиш, музокаралар йули билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш лозим.

— Ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишларга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш, демакки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юритиш керак.

Дарҳақиқат, Шарқда, Шарқ давлатчилигида ҳар қандай зўравонликлардан холи ҳолда масалаларни ақл-идрок билан, рўйирост ва ошкора мулоқот қилиш асосида ҳал этиш тамойиллари мавжуд. Бу ҳар қандай жирракиликдан холи, ақл-идрокка ва доноликка асосланган, ҳар қандай сиёсий муҳолиф билан узаро ҳурмат асосида гаплаша олиш, мунозара қила билиш, охир-оқибатда ўз фикри ва ғоясининг тўғрилигига ишонттира билиш каби шарқона муносабатлар илмини — дипломатияни талаб этади.

Ўзбекистон раҳбарининг ана шундай муносабатлари ҳозирги замон жаҳон демократик ҳаракатларининг энг илғор тажрибаларига жуда мос келмоқда ва ҳатто, уни бойитмоқда. Бу Ер юзида ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишни рад этиш билан бирга жаҳон сиёсати маданиятини оширишга даъват этиш орқали сиёсатга демократик тамойилларни олиб киршининг ўзбекона йўлидир. Зотан АҚШлик сиёсатшунос Диана Ревич фикри билан айтганда, «Иттифоқ тузиш демократик жараённинг асл моҳия-

тини ташкил этади. У муштарақ манфаатлар замирида бирлашган гуруҳларни бошқалар билан музокаралар олиб бориш, келишувга эришиш ва конституцион тизим доирасида иш олиб боришга ўргатади. Иттифоқ тузиш сари интилар экан, ўзаро фарқлар мавжуд гуруҳлар тинч йўл билан мунозара олиб бориш, ўз мақсадларига демократик йўл билан эришиш ва пировардида хилма-хилликлар мавжуд дунёда қай тариқа яшаш кераклигини ўрганадилар»<sup>1</sup>.

Демократия бир йўла қурилган бино ёки доимий бир хил тарзда ўзгармай турадиган буюм эмас. Балки, у доимий ҳаракатдаги жонли ҳодисадир. Аини пайтда у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини ўзи тулдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб борувчи воқелиқдир. Мухтасар қилиб айтганда, демократия тажрибага асосланган ва доимий мазмунан бойиб, шаклан баркамоллашиб, моҳиятан чуқурлашиб борадиган узлуксиз ҳаракатдаги фаолиятдир.

## 2-§. Демократиянинг сиёсий маданияти

Ҳақли равишда савол туғилади. Хуш, Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда? Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтириш олий мақсад экан, унга эришишнинг ягона йўли демократияни чуқурлаштиришдир. Аини пайтда Ўзбекистонда давлатчиликнинг худди ана шу жиҳатига қандай қаралмоқда?

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё тан олган, эътироф этган, барча учун умумий бўлган йўриқлари мавжуд.

Бу бевоcита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлаш-сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир.

<sup>1</sup> Демократия нима дегани. Ҳ. Кароматов таржимаси. АҚШнинг Ахборот бўлими. 1993, 19-бет.

Булар қарийб барча мамлакатлар конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган тартиб-қоидалар ҳисобланади.

Ана шундан келиб чиқиб демократиянинг турли шакллари вужудга келиши муқаррар. Айримлар Ўзбекистондаги демократик жараёнлар, уни ҳаётга татбиқ этишнинг шарқона тамойиллари ҳақида гапирар экан, демократия демократия-да, унинг шарқонаю ғарбоналиги борми? — деган фикрларни билдиришмоқда. Тўғри, юзаки қараганда демократия — демократия-да. У ҳамма учун бирдай ижтимоий ҳодиса! Бироқ, унинг мағзини чақсангиз, мазмунини чуқурроқ англасангиз, масала анча-мунча мураккаб эканлигини сезиш қийин эмас. Эркин фикр, энг аввало, фикрлаш тарзидан, маънавий руҳий куникмадан, эркин хатти-ҳаракат эса, турмуш тарзидан, ахлоқий мезонлардан келиб чиқади. Ана шунинг ўзи Ғарбда ғарбоналикни, Шарқда шарқоналикни тақозо этади. Демак, демократияни ҳаётга татбиқ қилишда халқнинг миллий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Акс ҳолда, демократия тадбирбозлик ва кампаниябозликка айланиб қолиши мумкин, холос.

Маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими? Фақат шунинг ўзи аҳолининг барча эҳтиёжларини қондира оладими, маънавий-руҳий оламини қамрайдими? Йўқ! Чунки, ҳар бир халқнинг уз турмуш тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабатлари ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашиш усули бор. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Президент Ислом Каримов «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»<sup>1</sup>, деганида демократияни жорий этиш-

<sup>1</sup> И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 8—9-бетлар.

нинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қалби орқали амалга ошириш каби ўзбекона та-моийллари мавжудлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция ва бошқа давлатлар ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Аслида бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд. Бироқ, Ўзбекистон Президенти бу таклифларга ўзининг муносабатини аниқ қилиб кўрсатди. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб масалага ёндашиш зарурлигини билдирди. Айниқса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой аъёналарга эга бўлган халқ эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик оғир натижаларга олиб келиши мумкинлигини уқтирди ва «Одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ» эканлигини кўрсатиб берди.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, демократик жараёнларни четдан кўр-кўрона нусха кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Демак, бошқарувда бўлгани каби ҳурриятга муносабатда ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб аҳолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, аҳолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кучага киритиб қуяди. Масалан, Фарб демократиясини Шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш қутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Бунинг аччиқ натижаларини Тожикистон мисолида кўрдик. Эркинликка ортиқча йўл бериш, давлат ва бошқарув аппаратининг беҳад бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига кулфат келтириш билан яқунланишини кўрдик, кўплаб салбий ҳодисаларга гувоҳ бўлдик. Қолаверса, Россия Федерациясидаги аҳвол ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак. У ерда бундан қарийб икки юз йил бурун башорат қилиб кетган Криловнинг машҳур «Оққуш, қисқичбақа ва чўртанбалиқ»

масалидаги воқеа содир бўлди. Мамлакатни ҳар ким уз томонига тортгани, давлат, ҳукумат ва парламент уртасидаги келишмовчиликлар чуқурлашиб кетганлиги сабабли халқ ҳаёти таҳликали тус олди.

Мамлакатимизда вужудга келаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришдаги узлуксиз жараён умумхалқ ва умумдавлат манфаати йўлидаги қаттиққўллик, талабчанлик ва қатъий интизом натижасидир.

Одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустақиллик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган, янгича маънавий-сиёсий муҳит шаклланаётган бир пайтда бу муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам ҳушёрроқ бўлишимиз, қулга киритган буюк неъматни асрай олишимиз керак.

Хатти-ҳаракатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланади. Қадриятлар эса бебаҳо мулк. Уни халқ яратади, халқ баҳолайди. Унинг ўзи асрайди, авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат. Уни олий қадрият сифатида тушуниш, асраш ёки топташ авваламбор ҳар бир фуқаронинг ички маданиятидан, маънавий-ахлоқий қиёфасидан, сўнг эса бутун миллатнинг умумий маданий савиясидан, сиёсий ва ижтимоий фаолиятидан далолат беради.

Айримлар сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб бонг уришди. Бироқ, улар ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги, ноўрин ва беўхшов, халқ бошига кулфатлар келтириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатимизни чегаралаб туриш зарурлигини тушунишмайди. Атоқли файласуф Андре Жид ҳам «эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало хатти-ҳаракатимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоғимиз лозим», — деган эди.

Хуррият — бу фақатгина яхши турмуш кечиришга ва кунгил тусаганча яшашга даъво қилиш имконияти эмас! Аксинча, у эркин меҳнат қилиш, яратиш, бунёд этиш

имконияти! Барча эҳтирослару жунбушлардан холи бўлган ақл-идрок тантанаси! Биз демократияни ана шундай тушунишимиз, англашимиз лозим. Ана шунда у аҳолининг ирода кучи, идроки ва тафаккури билан турмуш тарзига, яхши яшаш воситасига, жамиятни ҳам, инсон ҳаётини ҳам эзгулик сари йўналтирадиган қудратли кучга, буюк қадриятга айланади. Демократик жараёнлар ва бевосита шахснинг унга тайёрланиш ҳодисаси бирмунча мураккаб. У қатъий ирода ва ўз-ўзини бошқаришни, маълум қонун-қоидалар доирасида эркин фаолият кўрсатиш ва эркин фикрлаш тамойилларини ўзлаштиришни, «демократия занжири» остида яшашга кўникма ҳосил қилишни талаб этади.

Демократиянинг такомиллашиш жараёни, унинг умуминсоний қадриятга айлана бориш ҳодисаси бевосита шахс етуклиги, комиллик даражаси ва маънавий қиёфаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўта мураккаб воқеликдир. Айни пайтда у бутун жамият тараққиётининг асосий мезонидир. Дарҳақиқат, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита демократик жараёнларнинг нечоғлик чуқурлашиши ва фуқаролар онглилик даражасининг миқёси билан белгиланади. Ёки, Диана Ревич таъбири билан айтганда, «демократия бир жараён, муштарак ҳаёт ва иш усули бўлиб, қотиб қолган эмас, ривожланаётган ҳодисадир. Демократия барча фуқаролар орасида ҳамкорлик, келишув ва ўзаро муносабатларда чидамли бўлишни тақозо этади. Бунга риоя этиш осон эмас. **Эркинлик бурчдан озод этилиш эмас, айнан бурч дегани**» (таъкид бизники — Н. Ж.).

Америкалик илоҳиётчи Рейнхольд Нибурнинг фикрича, «инсоннинг адолатпарварлик қобилияти демократиянинг рўёбга чиқишига имконият яратади, аммо инсоннинг адолатсизликка мойиллиги демократияни зарурат даражасига кўтаради». Бу ниҳоятда жиддий ва айни пайтда ниҳоятда мураккаб маънавий-руҳий ҳодиса. Демак, инсон қанчалик адолатга, ҳақиқатга интилса, бу жамиятда демократик режимнинг, турмуш тарзининг шаклланишига имкон яратади, унинг яшаб кетишига шароит туғдиради. Бироқ фақат шунинг ўзигина эмас. Инсон табиятан адолатга қанчалик интилса, адолатсизликка ҳам шунчалик мойил бўлади. Чунки адолат ва ҳақиқатга интилиш

маълум қонун-қоидаларга буйсуниб яшашни тақозо этади. Адолатсизлик эса, аксинча, кунгил тусаганини, турли хилдаги суниестемолчилик ва ашаддий худбинлик иллатларининг кучайишига замин яратади. Бундай пайтда маълум бир тоифадаги одамлар яхши яшайди, «замона зўрники» бўлади. Аҳолининг асосий қисми тазйиқ ва зуравонлик исканжасида қолади. Натижада том маънодаги демократияга зарурат кучаяди.

Демократияни Президент ёки ҳукумат бир фармон ёки қарор билан, парламент бир қонун билан ўрнатиб бермайди. Уни халқ ўзига ўзи ақл-идрок билан яратади. Кенг дунёқараш, бой тафаккур, етук сиёсий тушунча, баркамол маънавий-ахлоқий мезонлар, қонун устуворлигига эришиш эркинлик асосдир.

Демократияни англаш — шахснинг ҳамма учун бирдай зарур булган қонунларга тула риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга буйсуниб яшашни ўргатади.

Қолаверса, ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Фарб демократиясида очиқдан-очиқ муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча — андишалилик, Фарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўздан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қараш, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ-атворини шакллантиради, хатти-харакатини, воқеаларга муносабатини одатга, феъл-атворга айлантиради. Демак, зарурат туғилганда, юқорида айтганимиздек, Мағрибдаги воқеани Машриққа кучириш, Машриқдаги ҳолатни Мағрибда зўрлаб амалга ошириш мумкин эмас. Ана шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда юз бераётган жараёнларни кузатиб, айтиш мумкинки, ўз миллий давлатчилик тажрибаларимиз ва анъаналаримизга таяниб ҳар қандай шароитда ҳам оғир-вазминлик ва ақл-идрок билан иш тутиш демократияни жорий этишнинг «ўзбек модели»дир.

Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг аҳоли онги ва дунёқараш, қалби ва маънавий-руҳий дунёси орқали табиий равишда чуқурлашаётгани унинг том маънодаги сиёсий маданиятини, соғлом ва гўзал маънавий қиёфасини белгилайди. Бу аста-секинлик билан турмуш тарзимизга айланиб бораётган ноёб қадрият, шууримизга ўрнашиб қолаётган олий ҳақиқатдир.

### 3-§. Демократиянинг маънавий қиёфаси

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида юз бераётган демократик жараёнлар, шубҳасиз, ижобий ҳодиса эканлиги энди сир эмас. У яшаш тарзимизнинг сифат ўзгаришига асос бўлмоқда. Ҳар кимнинг қобилиятини, касб маҳорати ва онглилик даражасини намоён этишга имконият яратди. Ана шу имконият кишини ўйлашга, фикр юритишга, ақлни ишлатиш йўли билан фаровон турмуш кечиришга даъват этади. Ҳар бир оила фаровонлиги эса бутун мамлакат фаровонлигини белгилайди. Бундан давлат билан фуқаро ҳам, жамият билан оила ҳам ютади.

Ҳуррият, эркинлик, демократия — улкан ойна. Бу ойнага қараб айримлар узининг унчалик ҳам кўркам бўлмаган башарасини, чангу губор босган маънавий қиёфасини аниқ-равшан кўряпти. Эркинлик имкониятларидан «унумли» фойдаланиш учун бировлар не кўйларга тушишмаяпти. Орамизда ҳуррият, унинг имкониятларини чуқурлаштириш ўрнига ундан иложи борича кўпроқ юлиб олиб, уни уз мақсадига қурбон қилиш йўлига ўтиб олган кишилар ҳам бор.

Эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, ҳаммани забт этмаслиги, балки у инсоний ақл-идрокка, яхшилик ва ёмонликни ажратадиган туйғуга бош эгиши, унинг йўриғида юриши лозим. Акс ҳолда биз яна ўзимиздаги яигидан-янги иллатларни кўрсатаверишимиз ва шу билан бугун ҳаётимизга, қолаверса, жамият ҳаётига ҳам кулфатлар келтиришимиз ҳеч гап эмас. Ана шундан келиб чиқиб биз энг аввало эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки у соғлом фикрлар ва шакланган ақл-идрок таъсирида булсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин. Аксинча эмас!



Одатда якка-якка шахсларнинг рухий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва ўзгаришларидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустақиллик ҳаётимизга тобора чуқур илдиз отаётган, янгича маънавий-ахлоқий муҳит шаклланаётган бир пайтда бу ўта муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам ҳушёрроқ ва тийрақроқ бўлишимиз, қўлга киритган буюк неъматни, бебаҳо гавҳарни барча чангу ғуборлардан тоза тутишимиз керак. Мустақиллик шаъни ва нуфузи барча шахсий икир-чикирлардан, жамики манфаатлардан муқаддасроқдир.

Шахснинг фақат ўзини ўйлаши, барча ташаббуслар тагида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатини устун қўйиш кайфияти демократиянинг чуқурлашишига монелик қилади.

Биз жаҳон маданиятига дахлдор бўлган, умуминсоний қадриятлар тараққиётига оламшумул ҳисса бўлиб қўшилган улкан маданият меросхўрларимиз. Биз кишилиқ тарихини инсонпарварлик, инсоннинг ўзлигини англаш сари буриб юборган буюк алломалар ворисларимиз. Рус олими Л. Гумилевнинг фикрича, Туркистонда фан, маданият энг юқори даражага кўтарилган бир пайтда «франклар ва норманлар византияликлар ва араблардан илоҳиёт ва ҳаммомда ювинишни эндигина ўрганишаётган эдилар...»

Бироқ яна шуни таъкидлаш керакки, биз қанчалик улғувор ва жаҳоншумул маданий меросга ворис бўлмайлик, ўзимизни унинг қонуний меросхўри санамайлик, бари бир инсон эканлигимизни, ҳар қандай шароитда ҳам бутун фазилатларимиз билан бирга нуқсон ва иллатлардан ҳам холи эмаслигимизни очиқ-ойдин намоёйиш этияпмиз.

Демак, ҳар қандай шароитда миллий маданият тагида миллий «ёввойи»лик — худбинлик, ҳамма нарсадан ўз манфаатини устун қўйиш, барчани ўзига қурбон қилиш кайфияти ҳам турар экан-да. Ана шундай бир шароитда кимдир сиёсий шон-шухрат ва ном чиқариш йўлини тутди. Адолату инсофни байроқ қилиб иродаси суст бўлган, ни-мадандир аламзада одамларни ўзига эргаштириб, митинглару юришлар уюштирди. Кимдир давлат мулкани талон-торож қилса, яна бошқаси ўзини ишбилармон-тижорат-

чи деб эълон қилди. У дўкондан нарса олиб, бу дўконга хоҳлаган баҳосини қўйиб, унга инсоф, диёнатни виждонни қўшиб, ҳеч оғринмай сотаверди.

Нафс — офат! Нафс — бало! У инсон ва инсонийлик қушандаси, зулм ва ситам манбаи! Ҳавою ҳавас авж олган, нафсга эрк берилган жойда мурувват йўқолади. Шафқат юзини чанг босади. Маърифатни зулмат қоплайди. Нафс хуруж қилган жойда одамийлик хору зор бўлади. Инсон деган муқаддас жон оёқ ости бўлади. Бугун биз ана шундай хуруждан эҳтиёт бўлишимиз, нафснинг беқиёс даражадаги ҳужумини барбод этишга интилишимиз, бутун иродамизни, куч-қудратимизни, ақл-заковатимизни ишга солиб, инсоф ва диёнатни ҳимоя қилмоғимиз керак. Зеро, ҳазрат Алишер Навоий ҳам:

*Эркин улким, сазд этиб нафсоният,  
Ғолиб улса умрида руҳоният, —*

деган эдилар. Дарҳақиқат, кимки нафсини тийиб, уни енгган бўлса, руҳий дунёси пок, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлса, эркин бўла олади, эркинлик мазмунини чуқур тушунади, уни асрай олади. Қолаверса, руҳий поклик, руҳий тозаллик ўзини ўзи бошқаришга, ўзини ўзи идора қилиш, барча яхши-ёмон нарсалардан тийиб туришга қодир бўлган ноёб фазилат. Хатти-ҳаракатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланиши мумкин. Хоҳлаган пайтда хоҳлаган гапни гапиравериш эркинлик эмаслигини, аксинча, бу шахсиятимизни, маънавий имкониятларимизни, қолаверса, миллий қадру қимматимизни поймол этилиши эканлигини баъзан ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Демократия — онгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан холи, ақл-идроққа таянган муносабатдир. Демократия — юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти! Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга буйсуниб яшашни ўргатади ва талаб этади. Аксинча бўлган жойда жамиятда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади. Кишилар ҳаёти таҳликали тус олади.

Йиллар мобайнида онгимиз ва шууримизда ўрнашиб, вужудимизда илдиз отиб кетган сиёсий ақидапарастликдан, ҳодисаларга кўр-кўрона эргашиш ва қотиб қолган тушунчалардан воз кечиш, уйғониш ҳаётий эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж биз учун демократия ва унинг имкониятларини, мазмун-моҳиятини, сиёсий ва ижтимоий ҳодиса сифатида мантиғини тўғри англашга интилишни зарурат даражасига кўтаради. Шахс ва жамият эркинлигининг муштарақлиги, руҳий ва маънавий-ахлоқий уйғунлиги олий мақсад, турмуш тарзи ва энг муҳим тараққиёт йўли бўлмоғи керак.

Ҳозирги ислоҳотлар даври, туб бурилишлар жараёни биздан фикрловчи, тафаккурга йўғрилган қарашларни таллаб этади. Бугун — миллий уйғониш ва жаҳон саҳнасида ўзимизни кўрсатиш пайтида синиқ ва уйчан эмас, фикрлайдиган, ҳаракатга ундайдиган, ишлайдиган, муносабат билдирадиган жонли ва уйғоқ нигоҳлар зарур.

Киши ўзлигини англаши, ўз шаънини ҳимоя қила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун ориф бўлмоғи, қалбининг тубида, маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим. Ана шунда одам гуноҳдан ҳазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутати. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди. Тавба — қурум босган қалб ҳужайраларини соғломлаштирадиган, уни барча иллатлардан омон сақлайдиган маънавий имконият. Шунинг учун улуг бобокалонимиз Алишер Навоий: «Тавба — гуноҳқор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди: афв сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир; у такаббурлик ғафлатидан сесканмоқ ва ғафлат уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг ноллойиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ... қабиҳ ишлар, шармандалиқ ва расвогарчилик туфайли хижолатга қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба — инсонга хос саркашлиқдан воқиф бўлмоқ, кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир», — деган эди. Бу ҳақиқат! Бундан тониб бўлмайди! Бироқ унинг бутун ҳақиқатини ан-

лаб олиш ва одам тавбага — ўзини ўзи тозалашга интилиши учун ҳам ўзида маънавий куч, рағбат, интилиш, ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлган ирода сезмоғи даркор.

Эркинлик, деморатия ҳаётимизни ҳам, ўзимизни ҳам забт этди. Мустақиллик бунга йўл очиб берди. шундай имконият яратди. Энди биз ўзимизни англашимиз, дунёни тушунишимиз ва шу билан бирга демократиянинг бутун моҳияти ва имкониятларини чуқурлаштиришимиз лозим. Ана шунда биз ҳам, демократия ҳам, мустақиллик ҳам буюк неъматга, ҳеч нарса билан улчаб бўлмайдиган олий қадриятга айланади. Хуллас, ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек,

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Дарҳақиқат, то маънавий камолотга етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу идрок ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократиянинг мазмуни ҳам, кулами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги ва дунёқарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишимиздан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда миллий давлатимиз, миллий ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб, узоқ муддатли жараён билан боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов «...демократия ўзўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тукиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин», — деган эди. Зеро, ана шу жуда мураккаб жараёнга ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида тайёргарлик кўриши, ўзини тайёрлаб бориши, энг муҳими, ўзини ўзи ички бир маънавий қудрат билан тарбиялаб бориши керак. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов «демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни, ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялашни жамиятнинг ўзи ан-

ламоғи даркор»<sup>1</sup>, — деб алоҳида таъкидлайди. Ана шунинг ўзи бизнинг жамият олдидаги, янгиланаётган ҳаёт олдидаги ва бутун келажак олдидаги вазифаларимизни белгилайди.

#### 4-§. Жамиятни эркинлаштиришнинг «ўзбек модели»

Ҳар қандай жамиятнинг маънавий қиёфаси айна ана шу жамият тизими, унинг қандай ғояларга ва мақсадларга эргашаётгани, қандай тафаккур асосида қарор топаётгани билан боғлиқ. Ўзбекистон танлаган йўл инсон манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Бу, албатта, инсон онги ва тафаккурини ўзгартириш орқали турмуш тарзини янгилаш сингари қатор мураккабликлар, қийинчиликлар, зиддиятларни енгиб ўтишни тақозо этмоқда. Уларни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, эскилик ва янгилик ўртасидаги зиддиятлар. Эски тузум иллатлари яшашни истайди, ўз ўрнини бўшатишни хоҳламайди. Янги тузум ғоялари эса жамиятни янгилаш заруратини тақозо этади ва бу зарурат ҳаётмамот моҳиятига, ҳар бир фуқаро тақдирига, маънавий ва руҳий эҳтиёжига, асрлар мобайнида шаклланган турмуш тарзи ва дунёқарашига боғлиқ бўлган, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қиладиган фикр сифатида майдонга келади. Бу ғоянинг яшаши ва турмуш тарзига айланиши айна ана шу эскилик иллатлари билан курашнинг нақадар оғир ва ҳатто изтироблилиги билан белгиланмоқда.

**Иккинчидан**, фуқаролар онги ва дунёқарашининг жамиятни тубдан ўзгартириш ва янги мазмун билан бойитиш учун унчалик ҳам тайёр эмаслиги. Зотан, 130 йиллик мустамлакачилик даври бизни фикрламай яшашга мажбур этди. Фикрий танбаллик, фикрий боқимандалик кўникмаларини вужудимизга сингдириб юборди. Энди эса ақлни ишлатиб, ўз кунимизни ўзимиз кўришимиз ва шу асосда ўз иқтидоримизни, яратувчилик қудратимизни намоён этишимиз керак. Бу осонлик билан юзага чиқадиган ҳодиса эмас.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.

**Учинчидан**, инсон озодлиги, ҳур ва эркин яшаш тарзи бу шунчаки «берсанг ейман, бермасанг уламан» қабилидаги турмуш тарзи эмас. Аксинча, инсон озодлиги озод сўз, озод фикр, эркин хатти-ҳаракат орқали жамият эркинлигини, жамият озодлигини ва умуман ҳуррият мазмун-моҳиятини англашдан иборат бўлган сиёсий, ижтимоий, маънавий-руҳий ҳодисадир.

**Туртинчидан**, демократик жараёнларни чуқурлаштириш шароитида фуқароларни айна демократик жараёнларнинг фаол иштирокчиси, унинг фаол ҳимоячиси сифатида тайёрлаш. Бу ўта мураккаб, вақт талаб этадиган ҳодиса. Чунки мустамлакачилик даври иллатларидан қутулиш азобини, фикрлаб яшаш, ақл-идрок йўриғи билан кун кўриш машаққатини енгиш учун инсонда ички ирода, маънавий қудрат керак. Ана шу ирода ва қудратни уйғотиш, шакллантириш, унга қувват бахш этиш осон иш эмас.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган экан, ана шу инсон онги ва қалби билан боғлиқ бўлган, уни ислоҳ қилиш, тирик, мавжуд инсонни «янги»лаш, маънавий-руҳий «таъмирлаш» каби сермашаққат йўлдан борди. Бу ҳар қандай давлатдан жуда катта сиёсий қудрат, сиёсий маданият ва сиёсий ирода талаб этадиган буюк ҳодисадир.

Президент Ислом Каримов жамиятни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳақида гапирар экан, Конституция қабул қилинган куннинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида учта муҳим тамойилни ўратага ташлади: «**Биринчидан**, барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

**Иккинчидан**, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

**Учинчидан**, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақ-

дири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак».

Сиёсий маданият, сиёсий онг ва тушунчалар даражаси жамият ҳаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. Зотан, сиёсий маданият ва сиёсий онг юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришди, муносабат билдиришади. Ўз ҳаётларига дахлдор бўлган маъмурий тadbирларга бефарқ қарашмайди. Аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, натижада қарорлар ижроси учун ўзлари манфаатдор сифатида масъулиятни ҳис қилишади.

Президент Ислом Каримов аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор беради. Бу механизм энг аввало жамиятни эркинлаштириш орқали одамларнинг сайловларга муносабатини ўзгартиришни, яқин ўтмишимизда дунёқарашимизда ўрнашиб қолган сохта сайловбозлик ва сиёсий ўйинлардан воз кечишни тақозо этади. Одамлар ўз манфаатларини ва мақсадларини амалга ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англамоғи лозим. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи айни ҳар бир фуқаро сиёсий фаоллигини, жамият тараққиётига дахлдорлигини белгиловчи омил сифатида ўзини кўрсатмоғи даркор.

Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари мавжуд. Бу тамойиллар жаҳон сайлов ўтказиш тажрибалари асосида дунёга келди ва шаклланмоқда. Фуқаролар эса уни тўла-тўқис қўллаб-қувватламоқда.

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг эҳтиёжларини қондиришда давлат қурилиши, бошқарув тизими ва жамиятни эркинлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзининг стратегик мақсадларини аниқ ва равшан ифодалаб берди ва давлат ўз ваколатларини аста-секинлик билан, босқичма-босқич жамоат ташкилотлари

зиммасига ўтказиши, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириб бориш орқали демократик жараёнларнинг чуқурлаштириш зарурлигини айтган эди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг бир жиҳатдан эркинлиги ва озодлигини таъмин этса, иккинчи томондан ўз ҳаётларини изга солишга, демакки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради. Аста-секинлик билан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор, унинг олдида бурчли ва масъулиятли эканлигини англаб боради. Бу мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар асносида инсонни ислоҳ қилиш, янги жамият фуқаросини шакллантириш, инсонни «янгилаш» сингари «инсоний ислохотлар»нинг самарасини кўрсатади.

Президент Ислон Каримов тараққиётнинг Ўзбекистон учун мақбул тамойилларини ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай бўлишига эътибор беради ва унинг фикрича, Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан холи ва у қандай номланишидан қатъи назар, адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари пировард натижада чинакам мустақил Ўзбекистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. «Республикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир», — деб уқтиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб, у «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир», — деган қоидани илгари сурди.

Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлсизлиги бевосита янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли «тарбияланиб», шаклланиб, баркамоллашиб боради.



## 5-§. Демократик жараёнлар: дастлабки сабоқлар

XX аср инсоният тарихида жуда катта ҳодисаларни келтириб чиқаргани билан алоҳида ўрин эгалламоқда. XXI аср жаҳон сиёсатида янги даврни — юксак маънавиятга таянган, ақл-идрокка суянган, энг чигал муаммоларни ҳал этишда ҳам тафаккур куч-қудратини кўрсатиш даврини бошлаб бермоқда.

Тарих нуқтаи назаридан қараганда, куни кеча мустақилликка эришган Ўзбекистон икки аср оралиғида серташвиш ва муаммолар қуршовида қолган эски дунёга янгича тафаккур, воқеа-ҳодисаларга янгича ёндашиш, аниқроқ қилиб айтганда, шарқона донишмандлик ва шарқона муносабатлар устунлигини кўрсатиб, ўзлигини намоён этмоқда.

Дарҳақиқат, тарихан ниҳоятда қисқа даврда — мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва ўз нуфузига эга бўлди. Дунё муаммоларини ҳал этишда «ўзбек модели» вужудга келди.

Президент Ислом Каримов, Ўзбекистон ҳукумати эски дунёнинг янгидан-янги муаммоларини бутунлай янги назар билан ўрганади. Унинг ўзи шахс сифатида жаҳон сиёсий майдонида мутлақ янги ҳодиса бўлгани учун ҳам дунё можароларини янгича тафаккур билан идрок қилиш, уни янгича тушуниш, бутунлай янги йўналишларга буриб юбориш йўлини тутди. Худди шундай ёндашув Президент Ислом Каримовнинг жаҳон сиёсатидаги ўзига хос йўлини, миллий давлатчиликнинг нодир хусусиятларини, қолаверса, дунёвий муаммоларни ҳал этишда ва инсоният тақдирини белгилашда ўзбек моделининг таъсири тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, энг инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида гапирар экан, «Ўзбекистон XXI аср остонасида» дастурини ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида алоҳида тўхталган эди. Орадан кўп ўтмай ана шу кенг тармоқли дастур Президентнинг ўз ташаббу-

си билан яратилди. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган йирик илмий, назарий, таҳлилий асар Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош дастури сифатида дунёга келди.

Президент Ислом Каримов демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш хусусида гапирар экан, дунё муаммоларини, дунё тажрибаларини, инсоният тараққиёти даврида тупланган ижобий хулосаларни чуқур ўргангани ва унга ўзига хос баҳо беради. Жумладан, у бутун жаҳон сиёсатида ҳар қандай зуравонлик ва куч ишлатишдан, ҳар қандай қурол-яроғ ва тазйиқлардан устун келадиган тафаккур дунёга келадиганини, «зўр бўлсанг, ўзингни ақлинг билан кўрсат» қабиллида иш кўрсатиш вақти келганлигини бошқалардан кўра тезроқ англади, бошқалардан кўра чуқурроқ тушунди. Энди борган сари очиқлик, юзма-юз туриб фикрлашиш, муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш ва ана шу музокаралар пайтида соғлом ақл-идроқ тантанасига эришиш зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Президент Ислом Каримов мазкур китобида мустамлакачилик ва ирқий камситишликнинг йўқ қилинганлиги, социализм ва коммунистик мафқуранинг зуравонлик даъволари барбод этилганлиги, жаҳон харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, минтақалараро муносабатларда мувозанатнинг ўзгариб кетганлиги, аниқроқ қилиб айтганда, жаҳон тараққиётида Осиё қитъаси мамлакатлари ролининг ошиб бораётганлиги XXI аср ижтимоий-сиёсий жараёнларининг ўзгариб боришига сабаб бўлишини чуқур таҳлил этади.

Муаллиф назарида демократик тараққиётнинг турли қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари такомиллашиб, бир-бирини бойитиб, оммабоп тус олмоқда. Энди ана шу қадриятлар ер юзининг турли мамлакатларида турли халқлар ва миллатларнинг ягона, умуминсоний, умумбашарий қадриятларига айланмоқда.

Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида фикр юритар экан, қуйидагиларни муҳим омил сифатида кўрсатиб беради.

**Биринчидан,** Президент Ислом Каримов тасавурида «Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг уз-узини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради»<sup>1</sup>. Демак, жамиятда энг аввало қонун устувор бўлиши, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъмин этилишига имкон яратилади. Ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмайди ва инсон ҳаёти тўла кафолатланади.

Демократия сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисагина эмас, айти пайтда у юксак маънавият, бой маданият, шахс камолоти билан боғлиқ бўлган, ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий ва руҳий ҳолатини белгилайдиган олий қадрият. Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш хусусида гапирар экан, демократия эркинликларини, жамият маънавий қиёфасини ва шахс озодлигини ана шундай яхлит ҳолда, бир бутун жонли организм шаклида тасаввур этади.

**Иккинчидан,** демократияни чуқурлаштириш омилларидан бири сифатида кўп партиявийлик ҳақида алоҳида тўхталади ва ўз фикрини аниқ, лўнда қилиб ўртага ташлайди. Ҳеч қачон партиялар сони демократия қуламини, миқёсини, даражасини ва қадриятларини тўла-тўқис белгилай олмаслигини курсатиб беради. Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қила оладиган турли партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз фаолият доирасидагина ўз аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ, умумий манфаат — халқ, жамият, мамлакат манфаати сингари энг олий ва энг қимматли эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партиялар ғоялари ва мафкураларининг умумий йиғиндисидан, турли ва хилма-хил қарашларнинг уйғунлигидан келиб чиқади. То ана шунга эришилмас экан, демократия шунчаки русумга айланиб қолаверади. Ана шундай нуқтаи назардан келиб чиқиб Ислом Каримов: «Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриқлари ўзига хослиги ва ҳока-

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 173-бет.

золар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим»<sup>1</sup>, — дейди.

**Учинчидан**, мухолифат ҳақида. Президент тасаввурида мухолифатнинг мавжудлиги демократик жамият учун зарурий ҳодиса ва нормал ҳолатдир. Бироқ бу шахсий манфаатлар заминидан униб чиққан, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу қилинган амалларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози, нолинчоқ шахсларидан иборат бўлган аламзадалар «армия»си эмас, аксинча, ташкилий жиҳатдан расмийлашган, ҳуқуқий мақомга эга бўлган, Конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-ҳаракати билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъул бўлган юксак даражадаги сиёсий маданият кўринишидир.

Ҳақиқий мухолифат том маънода давлат ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган, ҳукумат фаолиятининг такомиллашишига кўмаклашадиган, конструктив, илмий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган, ҳаётий жиҳатдан халқ томонидан маъқулланган хулосалар билан яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

**Тўртинчидан**, жамоатчилик фикрининг қай даражадалигини билиш, уни шакллантириш ва такомиллаштириш жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда муҳим омилдир. Зотан, жамоатчилик фикри айна жамият сиёсий-маънавий қиёфасини белгилайди ва давлат сиёсатининг нечоғлик ҳаётий ва асослигини, халқ манфаати ва эҳтиёжларига қанчалик эш бўлаётганини кўрсатади.

Ана шу маънавий-руҳий ва сиёсий иқлимни барқарорлаштиришда сиёсий партияларнинг роли бениҳоя катта. Шунинг учун Ислом Каримов «Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриқлари ўзига хосли-

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 175-бет.

ги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш... партиялар ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш зарур. Айниқса, ўтиш даврида, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда турли тоифа, савия ва дунёқарашга эга бўлган халқ фикрини бир нуқтага жамлаш, уни асосий йўналишга буриб туриш ислоҳотлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам матбуотга муносабатни ўзгартириш, унинг жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаш, «туртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш зарурдир», — деб алоҳида уқтиради.

Албатта, жамоатчилик фикрини шакллантириш, уни ижтимоий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокчини таъминлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш зарур. Бироқ ҳаёт ҳақиқати, мантиги ва фалсафасининг яна бир муҳим жиҳати бор. Бу бевосита сўз ва фикр эркинлигининг меъёри, демократик жараёнларнинг табиий ҳаракати ёки аксинча, уни сунъий йўл билан тезлаштириш ҳолатлари билан боғлиқ бўлган жиддий ҳодиса. Дарҳақиқат, демократияга ҳаддан ташқари ружу кўйиш, унга ортиқча эрк бериш жамиятни анархияга олиб келади. Демократик анархиянинг олдини олиш учун кучли давлат керак. Бунинг учун эса ҳокимиятнинг барча тармоқларини кучайтириш лозим. Чунончи, кучли ижро ҳокимияти, кучли суд ҳокимияти ва кучли қонунчилик ҳокимиятини йўлга қўйиш лозим.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Аҳоли дунёқарашини, унинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини ҳамда жамият сиёсий қатламлари имкониятларини ҳисобга олмасдан демократияни зўрлаб жорий этиш демократик диктатурага олиб келади. Табиийки, демократик диктатура, демократик тоталитаризм демократик тамойилларнинг умуминсоний қадриятларга дахлдор бўлган мезонлари мазмунини пасайтиради. Унга монелик қилади.

Агар сиёсат ҳақиқий халқчиллик, барқарорлик, миллий қадриятларга дахлдорлик касб этса, ўз-ўзидан таби-

ий равишда демократик шакл ва мазмунга эга бўлади. Бундай сиёсат халқ тақдирини, турмуши ва келажагини кафолатлаган, унинг яшаш эрки ва бутун озодлигини таъминлаган бўлади. Зотан, унинг замирида соф умуминсоний қадриятлар ва шахс баркамол турмуш тарзининг тўла кафолати мавжуддир.

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби Черчилль демократия «**ҳоқимият бошқарувининг энг яроқсиз шакли, лекин инсоният ҳозирча ундан мақбулроқ шаклини топа олганича йўқ**», деб айтган эди.

Сиёсатшуносларнинг айримлари буни парадокс сифатида тушунишади. Бироқ, демократиянинг бундай — Черчиллча талқинининг ҳам мантиги бор.

Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади» деган нақл бор. Ёки одатда икки ва ундан кўп гоёлар мавжуд жойдагина ўзаро кураш, фикрлар хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги юз беради. Дейлик, ер юзидан социализмнинг емирилиши билан капитализм ўз қийматини йўқотди. У умрини ўтаб бўлган эски мафкурага айланиб қолди. Икки қарама-қарши томоннинг бири йўқолса, иккинчи томон ўз мувозанатини йўқотиши табиий ҳодиса. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб ҳам айтиш мумкинки, ҳозир ҳеч қандай «изм»ларнинг қиймати қолмади.

Ҳўш, тоталитаризм ҳам, диктатура ҳам бутунлай барбод этилгач, инсон озодлиги ва яшаш эрки тўла таъмин этилгач, у қонунлар билан кафолатлангач, демократияга эҳтиёж қоладими? Демократия бундай шароитда одамларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам қон-қонига сингиб кетган бўлади-ку. Ана шу ҳулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократия бу — умуминсоний қадриятлар тантанасининг остонасидир!

Агар японлардан «Нимага сизларда демократия ҳақида мунозаралар йўқ» деб сўрасангиз, улар «Биз нормал яшаймиз. Бу демократия эмасми?» — дейишади. Чунки улар учун демократия кундалак ҳаётнинг оддий хусусиятига айланиб қолган.

АҚШда эса демократия миллий, анъанавий рамзга айланган. Бу ҳақдаги мунозаралар тор илмий доиралардагина дунёнинг бошқа минтақалари билан қиёсий тарзда ўрганилади, холос.

Шундай ҳаётӣ ҳақиқат борки, фақат тоза ҳавога муҳтож одамгина тоза ҳаво етишмаслигини муаммо қилиб кутаради. Оламга жар солади. Ўзига ўхшаган одамлар орасидагина мунозаралар, асабий тортишувлар авж олади. Унга етишгач, кишини ҳайратга солувчи осойишталик пайдо бўлади ва у кундалик турмушнинг оддий ҳолатига айланиб қолади.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзи ҳамма вақт янгиликнинг йўлини тўсади, унга ғов бўлади. Президент Ислон Каримов «Эски сарқитлардан жудо бўлиш дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани қуритадиган курашлар билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда»<sup>1</sup>, — дейди. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ана шундай мураккаб, зиддиятли бир даврни кечирмоқда. Бу курашлар қанчалик қийин бўлмасин, эскича тафаккурни синдириш, янгиликни қабул қилиш қанчалик машаққатли бўлмасин, айти пайтда у миллионлаб кишиларни ўзига эргаштириб олмақда. Келажакка қатъий ишонч билан қаралмоқда.

Жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишдек туб ислохотлар ҳеч қачон осон кечмаган. Ана шундай тарихий жараёнларда Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва жаҳон тажрибасини бойитишда янги «Ўзбек модели» вужудга келмоқда.

## 6-§. Демократиянинг янги даври

Мамлакатимизда туб ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларининг жорий этилиши аввалига айрим мухолифларимизга унчалик ҳам хуш келмаган эди. Улар бунини сусткашликка, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг иллатларига, янги ҳокимият демократик ўзгаришларга қодир эмаслигига йўйишди.

Аслини олганда, ислохотларни инқилобий йул билан

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 177-бет.

амалга ошириш бизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзимизга буткул зид нарсадир. Бундай йўл тутилганда жамиятни мислсиз фожиаларга олиб келиши бугун барчага аён. Ҳиссиёт ақлдан устун келган жойда жамият инқирозга юз тутишини, ҳар қандай ислоҳот эса аста-секинлик билан одамлар қалби ва онги орқали амалга оширилгандагина юксак маданий ва маънавий мазмун касб этишини муҳолифлар тушунишмас ёки тушуна туриб, бошқача мақсадларни кўзда тутишар эди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, аввало иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки самаралари кўзга ташлана бошлади. Бу давлат мулкани хусусийлаштиришдан тортиб, пул ва банк-кредит тизимини бугундай янги изга солиш, хорижий сармояларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш, саноатни янги, илғор замонавий технологиялар билан жиҳозлашгача бўлган ва бошқа жиҳатларни қамраб олган ислоҳотларни ўзида мужассам этади. Айни ана шу янгиланиш жараёнида «ўзбек модели» вужудга келди.

Хўш, Ўзбекистоннинг туб ислоҳотлардаги ўз тараққиёт йўли фақат шулардан иборатми?

Бугун ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бутунлай янгича муносабатлар қарор топди. Жамият тараққиётининг аҳоли маънавай-руҳий, сиёсий-маданий қарашларидан келиб чиққан ўзига хос ёндашиш усули шакллана бошлади. Жумладан, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда ҳам муҳим босқич, янги давр бошланди.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш масаласини долзарб вазифа қилиб ўртага ташлади. Айни ана шу тамойиллар асосида жаҳон давлатчилиги энг илғор тажрибаларига мос келадиган, дунё тан оладиган, инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан кафолатланидиган жамият барпо этиш кўзда тутилган эди.

Маълумки, XX аср 90-йилларининг бошларида мамлакат мустамлака тузумдан мерос бўлмиш оғир ижтимоий, иқтисодий пўртаналар гирдобига қолган, демократия «уйин»лари авж олган, аҳолининг айрим гуруҳларида эҳтирослар жунбушга келган бир пайт эди. Биз бу хусусда китобимизнинг аввалги саҳифаларида имкон доирасида тўхталиб ўтдик. Ана шу оғир вазиятдан эсон-омон чиқиш



олиш, Президент ибораси билан айтганда «**ҳеч қандай лар-заларсиз**», қон тукмасдан, мамлакатда барқарорликни сақлаб турган ҳолда аста-секинлик билан ҳаётни изга солиш йули танлаб олинди ва қатъият билан амалга оширилди. «**Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик**» сингари ҳаёт синовидан ўтган тажрибалар йўлидан борилди. Бу гоё ислохотларнинг ҳамма соҳаларига — ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатларига тегишли эди. Унда сиёсатнинг инсонпарварлик мазмуни, ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашга масъуллик, бутун мамлакат тинчлиги ва осойишталиги учун жавобгарлик ҳисси мужассамлашган эди.

Ислом Каримов ўша пайтдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бориши хусусида фикр юритар экан, жумладан, шундай деган эди: «Дастлабки кезларда Ўзбекистонни сусткашлик ва консерватизмда айблашарди. Аммо Ўзбекистон бугунги кунга келиб, бозор ўзгартишларининг теранлиги, ижтимоий янгиланишнинг суръатлари ва тараққиёти юзасидаи собиқ совет ҳудудидаги аниқ дастурга эга бўлмай туриб, асоссиз ва мулоҳазасиз ислохотлар жараёнини тезлаштиришга уринган, бесабрлик қилган, сохта обрўга интилган кўпгина республикалардан олдинлаб кетди.

Минг афсуски, ана шу юзаки уринишларнинг ҳаммаси пировард натижада ислохотларнинг узини маълум даражада обрўсизлантирди. Уларга ортиқча сиёсий тус берди. Жамиятдаги ички қарама-қаршилиқни кучайтирди. Бу бор гап ва ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

Мана, орадан йиллар ўтиб, тошқинлар тинди, атай лойқалатилган сувлар тиниқлашди, булутлар тарқалди. ҳақиқий ҳаёт манзараси аниқ-равшан кўзга ташланди: сиёсатнинг ўткинчи ҳиссиёт ва туйғулардан холи бўлган, ақл-идрок ва тажрибага таянган амалий қиёфаси намоён бўлди. Айтиш мумкинки, шу ҳолнинг ўзиёқ янгиликни эволюцион йўл билан амалда жорий қилишнинг, қатъий интизомга таянган демократиянинг маънавий қиёфаси эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бирин-

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 116–117-бетлар.

чи чақириқ биринчи сессиясида (1995 йил 23 февраль) Ислоҳ Каримов томонидан демократия ҳақидаги илмий-назарий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан амалий хулосалар ўртага ташланди. Давлат сиёсатининг демократик жараёнларни чуқурлаштиришга доир стратегияси ишлаб чиқилди.

Бугунга келиб ҳаммамизнинг демократия ҳақидаги тасаввурларимиз бирмунча кенгайди. У ҳаётимизнинг муҳим ва ажралмас қисми, маънавиятимизнинг кўзгуси эканлигини тушундик. Хуррият шунчаки сўзбозлик ва тадбирбозлик, гуруҳбозлик ёки куча-қўйда айюҳаннос солиб қичқириш эмас, таъбир жоиз бўлса, **ҳақиқий демократия — қонунлар диктатураси!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ижтимоий ҳаётимизда демократик ўзгаришларнинг янги даврини бошлаб берди ва бу жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини янги босқичга кўтарди. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, мустақилликнинг дастлабки йилларида, аввало, одамлар янгича турмуш тарзига кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаб, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бусиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмасди. Чунки ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги янгиланишлар дастлаб ҳар бир фуқаронинг қалбидан, онги ва тафаккуридан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда, иқтисодий ислоҳотларда бўлгани каби, демократияга муносабатда ҳам шу тарзда йўл тутилди. Олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш ва шу тариқа демократик жараёнларни фаоллаштириб, уларни турмушга жорий эта бориш зарур эди.

Аслида, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этишнинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларни амалга ошириш учун назарий фаолиятни кучайтириш, та-

факкур ва тушунчаларни ўзгартириш йўли билан одамларни ҳам, жамиятни ҳам демократик ислоҳотларга тайёрлаш тақозо этиларди.

**Иккинчидан**, жамиятни тубдан янгилаш, турмушимизнинг барча соҳаларида кенг миқёсли ислоҳотларни амалга ошириш ва шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Бу кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилашда изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан турли қаршиликлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни бартараф этиб, янгича тафаккур тарзини жорий қилишни ўз ичига олган мураккаб жараён.

Қолаверса, жамиятни демократлаштириш бу иқтисодий ислоҳотлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воқелиқдир. Сессияда таъкидланганидек, «демократиялаш жараёнининг айна ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда». Бунинг сабаби, Президент айтганидек, «талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустақамланмаганлигида, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»идадир.

Бинобарин, бу ҳолат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолиятини кенгайтиришни, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ёки, аниқроқ қилиб айтганда, улар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, пировард мақсадларни инобатга олган узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни ҳаётга изчиллик билан жорий этишга ва шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

**Учинчидан**, қонун устуворлигига эришиш, қонун олдидан барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқ-тартибот ишларини, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни халқаро мезон ва андозаларга мос-

лаштириш зарур. Ҳозирги пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг жуда қисқа муддатда демократияни турмуш тарзига ва тобора шаклланиб борадиган жонли ҳодисага айлантириш борасида эришган катта ютуғидир.

Ислом Каримов мустақиллик даврида босиб утилган йул, тўпланган тажрибалар ва имкониятларни таҳлил қилар экан, муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, уни жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан бойитиш кераклигини уқтиради.

Сессияда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб таъкидланди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти ҳамда ҳуқуқпарвар жамоа ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили — Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик Мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президентимиз сессиядаги маърузасида масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди: «Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса *инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришига қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир.* Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 119–120-бетлар.

Бу вазифа одамларнинг тафаккурида ўзгариш яшаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганда, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билимлари савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини ҳам чуқур ҳис этади. Фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сиёсий билими қанчалик юқори бўлса, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятини ҳамда фуқаролик масъулиятини шунчалик чуқур англайди. Ана шундай ҳолатнинг ўзи шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

**Тўртинчидан**, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик дахлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик ташвишлар ва ҳар хил икирчикирлар гирдобидан олиб чиқади, уни ҳаётга теранроқ ва сергакроқ қарашга ўргатади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятга эга бўлса, демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, ижтимоий турмушимизда мустақкам қарор топади. Бундай ҳодисани Президент Ислом Каримов «Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, иймони, виждони билан ўлчанади», — деб тўғри баҳолаган.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожига тутган роли ва мавқеини кўтариш кўп жиҳатдан кўп партиявийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда. Ҳозир шу қонун доирасида мамлакатимизда бешта партия, битта халқ ҳаракати, касаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

— Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти бар-

по этишда бу ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ислом Каримов таъбири билан айтсак, «жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волонтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди»<sup>1</sup>.

**Бешинчидан**, демократиянинг яна бир белгиси жамиятда муҳолифатнинг мавжудлигидир. Маълумки, бизнинг муҳолифат ҳақидаги тушунчаларимиз ҳали-ҳамон жўн ва содда. Чунки биз учун муҳолифат янги даврнинг маҳсули сифатида истиқлол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввал Россияда демократия ва сўз эркинлигининг авж олиши, аниқроғи, жунбушга келиши, унинг ибтидоий ва «ёввойи» шаклининг Шарқ ақидаларига зид ҳолда Марказий Осиёга «бостириб» кириши ана шу омиллардан биридир.

Қадимда Шарқ давлатчилигида адолат тамойилларининг устун турганлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг тизими мавжудлиги жамиятда барқарорликка асос бўлган. Умуман, Шарқда ахлоқ категориясининг одамлар турмуш тарзида ҳам, давлат сиёсатида ҳам етакчи роль ўйнагани, унга ҳамма бўйсуниб яшагани учун муҳолифатга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Қолаверса, муҳолифат тушунчаси жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср «ихтироси» сифатида демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир. Тоталитар тузум манфаатига мос келмайдиган бу жараённинг собиқ иттифоқ ҳудудига кириб келиши қатъий ман қилинган эди. Шунинг учун ҳам биз бу замонавий демократик тушунчалардан узоқда яшаганмиз.

Муҳолифат мавжуд сиёсий кучларни тарозига солиб турадиган, жамият тараққиёти мувозанатини сақлаб турадиган, унинг равнақига хизмат қиладиган янгидан-янги

---

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 121-бет.

гоя ва фикрларни ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий воқелик. Бироқ биз ана шу воқеликнинг ҳақиқий мазмунини кашф этолганимиз йуқ.

Очиғини айтганда, бизда ҳақиқий маънодаги мухолифат бўлмаган. Тўғри, бир пайтлар — XX аср 80-йилларининг охири ва 90-йилларининг бошларида демократия «ўйин»лари авж олган пайтда бир гуруҳ кишилар мухолифат қиёфасида майдонга чиқишди. Уларнинг айримлари шон-шуҳрат ва амал илинжида бўлса, бир қисми совет даврида юқори партиявий мансабларда ишлаб, имтиёзлар мазасига ўрганган ва кейинчалик куруқ қолиб, янги ниқобда яна ҳокимиятни қўмсаб қолган — аламзада кишилар эди. Уларга эргашганларнинг аксарияти эса ҳаётдан норози бўлган, турмушда ўз ўрнини тополмаган, жамиятга бир нарса беришдан кўра ундан кўпроқ нарса олишга иштиёқманд одамлар эди.

Умуман олганда, бу гуруҳларни мухолифатчилар эмас, балки ҳаётдан норозилар, деб аташ мумкин. Бундайлар эса, таассуфки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Бу — табиий ҳодиса. Чунки мавжуд сиёсат, тартиб-қоидалар, қонунлар қайсидир жиҳати билан чекланган бўлади. Улар аҳоли барча табақасининг талаб-эҳтиёжларини тула қамраб ололмайди. Қисқа қилиб айтганда, тартиб-интизомнинг чегараси бор, эҳтиёжлар эса ниҳоясиздир. Ана шу ҳолатнинг ўзи қонунларни доимо такомиллаштириб, қўшимчалар билан бойитиб боришни тақозо этади. Демак, ҳеч қачон мукамал демократик ҳаёт мавжуд бўлмайди. У доим фуқаролар талаби, ҳаёт эҳтиёжи ва янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб, бойиб бораверади.

Шу боис Президент мухолифат тушунчаси хусусида гапирар экан, «тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий мухолифатни муқобил мухолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли мухолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислохотлар ўтказишга, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориши буйича муқобил дастур турларини таклиф этишга

қодир амалий муҳолифатни назарда тутамиз»<sup>1</sup>, — деган гоёни илгари сурди.

Дарҳақиқат, жаҳон демократик жараёнлари ҳуқуқий мақоми ва конституциявий кафолатлари мавжуд бўлган, ўз фаолиятини жамият тараққиёти ва фуқаролар осойишталиги асосида қурган, унинг бутун масъулиятини зиммасига олган, давлат равнақини таъминлашга ҳолисона кумаклашадиган, ҳар томонлама — илмий ва ҳаётий жиҳатдан асосланган дастурларга эга бўлган муҳолифатни тан олади. Тараққий топган мамлакатларда ва демократик тамойиллар ривожланган давлатларда муҳолифатга ана шундай кўз билан қаралади. «Биз расмий ҳокимият билан гоёвий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни кўришни истаймиз»<sup>2</sup>, — деб уқтирар экан, Ислом Каримов масалага ана шу халқаро талаблар нуқтаи назаридан ёндашади, бу борадаги жаҳон тажрибаларига таянади. Муҳолифатчиликнинг ҳаётий зарурати, масъулияти, бурчи ва мажбурияти ҳақидаги адолатли мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

**Олтинчидан**, сессияда ҳокимият бўлиниши тамойилларига қатъий амал қилиш демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу, айниқса, ўтиш даврида жамият бошқарувини такомиллаштиришга, унинг барқарорлигини таъминлашга, фуқаро ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга замин яратади.

Қонун чиқарувчи орган жамиятни қонунлар тизими билан таъминласа, ижро органлари бевосита ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни жорий этиш, ҳуқуқий демократик давлат тизимини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Суд ҳокимияти эса инсонпарвар фуқаролик жамияти маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳим омиллардан

<sup>1</sup> И. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 122-бет.

<sup>2</sup> Уша манба. 123-бет.



ҳисобланади. Бизда эндигина — мустақиллик даврига келиб суд ўз вазифасини бажаришга киришмоқда, ўз мақоми доирасида фаолият кўрсатишни тамойилга айлантирмоқда.

Президент сессияда «Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»<sup>1</sup>, — деб алоҳида уқтирди. Суд энди фақат жазоловчилик фаолияти билан банд бўлмасдан, одамларни ҳимоя қилувчи, ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам берувчи инсонпарвар ва адолатпарвар тизимга айланиш йўлига кирмоқда. Ана шундагина чинакам демократик жамият вужудга келади ва унинг ҳаётийлиги таъминланади.

Президент суд ҳокимиятини ислоҳ қилишга ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилишнинг асоси сифатида қарайди. Суд фаолиятини демократиялаштиришни эса халқ маслаҳатчилари тизимини такомиллаштириш, суд ишларида кенг жамоатчилик вакилларининг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали амалга ошириш зарур. Шунда демократик жамият пойдевори ҳар томонлама мустақам бўлади.

**Еттинчидан**, биз бутунлай янги тарихий шароитда яшаймиз. Биз ўз ҳаётимизни қайтадан қурмоқдамиз. Жумладан, суд ҳокимияти фаолиятида ана шундай янгиланишлар даврини бошдан кечиряпмиз. Энди унинг таркибини кенгайтириш, йўналишларини кўпайтириш, самарали тизимини шакллантириш даркор. «Шу мақсадда, — дейди Ислом Каримов, — транспорт ва солиқ судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим».

1993 йил сентябрида қабул қилинган «Судлар туғрисида»ги қонунда назарда тутилганлигига қарамай, судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишлар бўйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.

Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш ҳам

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 127-бет.

мақсадга мувофиқ кўринади. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тула ҳуқуқли аъзо бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

Буларнинг барчаси ҳуқуқий демократик давлат илди-ларини чуқурлаштиришга, уни қудратли механизмга ай-лантиришга ёрдам беради. Давлат кучли бўлган жойда та-раққиёт тезлашади. Жамият маънавий жиҳатдан юксала-ди, сиёсий жиҳатдан янада инсонпарвар ва демократик қиёфа касб этади.

Қонун барқарор бўлган жойда фуқароларнинг эркин-ликлари, ўз-ўзини бошқариш имкониятлари кенгайди, ички салоҳиятини яққол намоён қилиш, яратувчилик иқтидорини ривожлантириш шароитига эга бўлади. Фу-қаролари ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳар бир кунини бунёд этиш, кашф қилиш, изланиш билан ўтказадиган мамла-катда, албатта, аҳоли эҳтиёжлари қонун билан кафолат-ланади. Давлат эса бутун чоралар билан ана шу қонунлар ҳаракатини назорат қилиб бориш, уни йўналтириб туриш, йўл-йўлакай «таъмирлаб», такомиллаштириб бориш син-гари муҳим вазифани бажаради.

Мазкур ҳолатларнинг барчаси бевосита фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни нечоғлик эгаллашига, ўз ҳақ-ҳуқу-қини англаб олишига, мавжуд қонунлар кафолатлаб бер-ган имкониятлардан қанчалик фойдалана олиш даража-сига боғлиқ. Иккинчидан, ҳуқуқшунос кадрлар сифатини яхшилаш, уларни замонавий билимлар билан қуроллан-тириш катта аҳамият касб этади. Президент сессияда шу масалалар ҳақида суз юритар экан, ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёж катта эканлигини алоҳида уқтирди. Жумладан, бизда ҳар юз минг аҳолига судлар Германиядагига нисба-тан олти марта, адвокатлар эса Америка Қўшма Штатла-рига нисбатан 55 марта кам эканлигини кўрсатиб ўтди.

Бош ислоҳотчи — давлатнинг истиқбол режалари ва стратегик дастурларига тўхталиб, Юртбошимиз куйидаги хулосани баён этди: «Шундай давлат ва ижтимоий тузил-ма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фу-

<sup>1</sup> И. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 127–128-бетлар.

қароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта, молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим»<sup>1</sup>.

Ана шундай шароитда жамиятда демократия чуқурлашади, фуқароларнинг ижтимоий фаолияти кучаяди. Жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иши бевосита барча фуқароларнинг иштироки асосида такомиллашиб бораверади. Натижада одамлар ўзларини жамиятнинг муҳим, йўналтирувчи кучи эканликларини яхшироқ англай бошлайдилар. Уларнинг дунёқараши, мақсад ва интилишлари бевосита жамият истиқболини белгилайди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Президент «демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади. Фарзандларимизни болаликдан айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур», — деган гояни илгари суради.

Биз демократик тамойилларни чуқурлаштиришнинг уч омили хусусида сўзлаб ўтдик. Ҳокимият бўлинишидаги тармоқларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталдик, қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг фаолиятлари юзасидан фикр юритдик. Уларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида тугган ўрни ва роли ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этдик.

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 129–130-бетлар.

## VII БОБ. ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИҚДА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 1-§. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари<sup>1</sup>

Инсоният тараққиёти ҳеч қачон ва ҳеч қерда осон, тўсиқсиз кечмаган. Ҳар доим ва ҳамма жойда кишилар олдида муайян муаммолар кўндаланг бўлиб турган. Булар бир томондан табиат стихиясининг натижаси сифатида намоён бўладиган ер силкинишлари, сув тошқинлари, қурғоқчилик, турли эпидемик касалликлар ва ҳоказолардир. Кишилар уларнинг олдини бутунлай ололмасалар-да ҳалокатли оқибатларини камайтиришга эришиб боришади.

Иккинчи томондан, булар инсон фаолияти кечишининг айрим жиҳатлари натижаси бўлганлигидан ижтимоий тарих давомида нафақат эътиборни ўзига жалб этиб турди, балки у ёки бу даражада ҳал этиб ҳам келди.

Ҳозирги замонда мутафаккирлар ва олимлар Ер сайёраси миқёсида ягона цивилизация қарор топаётганлиги хусусида тобора кўпроқ гапирмоқдалар. Фан ва амалиётда бу ғоянинг мустаҳкам ўрин олиши билан «глобализация» атамаси қўлланила бошланди. Глобализация социумнинг барча соҳаларини қамраб олган. Саноат ишлаб чиқариши анчагина жиҳатлардан трансмиллий корпорациялар назорати остидадир. Барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашган деса бўлади. Интернет туфайли Сайёранинг истаган жойи тезда турли соҳа янгиликлари билан таъминланиши мумкин. Куринадики, инсоният «умумий уй», «умумий тақдир» ва, албатта, умумий ташвишларга ҳам эга бўлди. Буни пайқаган Арнольд Тойнби «XX асрда ялпи жаҳон тарихи бошланди», — деган эди.

Глобализация ижобий жиҳатлари билан бирга қатор жиддий муаммоларни ҳам туғдирди. Уларнинг муайян қисмини «ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» деб аташ қабул қилинган.

Жаҳон миқёсида юз бераётган глобал жараёнлар таҳ-

<sup>1</sup> Ушбу параграфда Ш. Азизов материалларидан фойдаланилди.

лили шуни курсатадики, ҳозирги вақтда қуйидагилар инсон учун долзарб муаммолар ҳисобланади:

— Ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш;

— атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо);

— аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо);

— ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш;

— очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланиш ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;

— хавфли касалликларни тугатиш;

— инсон маънавий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси) ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг ҳар бири у ёки бу даражада ўрганилган. Бироқ ҳамон оддий меҳнаткаш инсондан тортиб олимгача, давлат ва сиёсат арбобидан тортиб руҳоний уламогача бу ҳақда фикр юритмоқда. Глобал жараёнлар халқаро анжуманларда муҳокама объекти бўлиб қолди. Давлатлар тузган шартномалар ва улар уюшган турли ташкилотлар ҳужжатларида бу нарса қайд қилинмоқда. Глобал муаммолар барча маслақдаги сиёсий гуруҳлар ва оқимлар дастурида тегишли равишда ифодаланган. Натижада ушбу муаммолар атрофида турли-туман ғоялар, қарашлар ва сиёсий таълимотлар кураши давом этмоқда.

Келиб чиқиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши жиҳатларига кўра глобал муаммоларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

**Биринчиси** — бу кишилар уюшган жамиятнинг табиати, турли минтақалар давлатларининг (масалан, Шарқ — Ғарб, Жануб — Шимол, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар) хилма-хил манфаатлари мажмуи билан боғланган, бошқача айтганда, байнал ижтимоий жараёнлар, ижтимоий ўзаро муносабатлар тугдирган муаммолардир.

**Иккинчи** гуруҳга инсон ва у мансуб бўлган жамият

тизимда юзага келган муносабатларни ифодалайдиган муаммолар киради.

**Учинчиси** ўз ичига «жамият – табиат» тизими доира-сидаги муносабатлар туғдирган муаммоларни олади.

Глобал муаммоларнинг бу гуруҳлари ўзаро бир-бирдан фарқ қилса-да, инсон, унинг ҳаёт шарт-шароитлари ва келгуси ривожини жиҳатидан яхлитлик, умумийлик касб этади. Иккинчи умумийлик у ёки бу даражада ҳозирги даврнинг бош омили – фан-техника тараққиёти билан алоқадорликда кўринади. Фанда эришилган кашфиётлар тезда янги технологиялар яратишни таъминласа, ўз навбатида техника ривожланиши ҳам фанда янги ўзгаришларни содир этишга жиддий туртки бермоқда. Агар инсоният ёзув ихтиро қилгунга қадар тахминан 3 миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, кейинги 5 минг йилдагина китоб босишни ўрганди. Кейинги 500 йил ичида телефон, радио ва телевидениега эга бўлди, анъанавий эшитув-кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун атиги 50 йилча вақт керак бўлди. Буларнинг натижаси ўлароқ, эришилган кашфиётларни ким қандай мақсадларни кўзласа, ўшаларга татбиқ этилмоқда. Бу эса глобал муаммоларнинг янада ўткир, долзарб бўлиб туришига олиб келмоқда.

Тинчлик ва уруш муаммоларининг байнал ижтимоий мазмуни тобора ошмоқда. Тинчлик халқлар учун бебаҳо неъмат бўлганидек, уруш ҳам инсониятнинг бутун тарихи давомида унинг доимий йўлдоши бўлиб келди. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг йил мобайнида Ер шарида 15 мингдан зиёд урушлар содир бўлган. Шу давр ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган. Америкалик муаллиф Р. Кларкнинг «Уруш илми ва тинчлик» китобида келтирилишича, 1820–1859 йилларда 92 та урушда 800 минг (жами аҳолининг 0,1 %), 1860–1899 йилларда 106 та урушда 4,6 миллион (0,4 %), 1900–1949 йилларда эса 117 та урушда 42,5 миллион (2,1 %) одам қирилиб кетган.

Бизнинг давримизда ҳам халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар таркиби, халқаро сиёсат механизми, урушларга тайёргарлик кўриш механизмлари ва ҳоқа-

золар ўзгаришсиз қолган. Термоядро ракета қуроли тўпланиши ва тарқалиши аввалги шароитлар мантиғи асосида олиб борилди<sup>1</sup>.

Математиканинг сўнгги ютуқлари асосидаги ҳисоб-китоб – моделлаштириш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда тўпланган ядро зарядлари портлатилса, Америка, Европа ва Осиёдаги асосий шаҳарлар ёнғин остида қолиб кетиши, бир ойдан сўнг ер устидаги атмосфера ҳарорати 15–20 даражага, Сибир маркази ва бошқа айрим минтақаларда эса, 40–45 даражагача пасайиб, унинг айланиши (циркуляцияси) мутлақо ўзгариши мумкин. Шимолий ярим шардан жанубга қараб нур ўтказмайдиган қора қатлам бутун сайёрани қоплаб олади. Чучук сувнинг барча манбалари музлайди. Экологиявий алоқалар бузилади, ҳосил ҳалок бўлади. Ер устида ва океанларда ҳаёт тугайди. Буларнинг ҳаммаси ядро қуроли сиёсат воситаси ва, ҳатто, уруш воситаси ҳам бўлмай, балки инсоният учун ўз-ўзини ҳалок этиш қуроли эканлигини кўрсатади.

Глобал муаммо сифатида тинчликни таъминлаш ҳарбий харажатларни кескин камайтиришни тақозо этади. Негаки, инсоният 1900 йилдан бери ҳарбий ишга ажратилган маблағларни 30 мартадан кўпроқ оширди. У XX асрнинг 90-йиллари бошига келиб 500 миллиард долларга етди. Ҳарбий ва аслаҳа саноатида 60 миллион киши фаолият кўрсатган. Жумладан, мунтазам қўшинларда 25 миллиондан ортиқ шахсий таркиб, 10 миллионлик ярим ҳарбий муассасаларда ишловчи 5 миллион фуқаровий касб эгаси бор. Бу соҳаларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот

<sup>1</sup> 1968 йилда АҚШ Президенти бўлиб сайланган Р. Никсон шундай рақамларни келтирган эди: 50-йиллар бошида (корейс уруши йиллари) Америка ва СССРнинг ядро зарядлари ва уларни элтиш воситалари нисбати 20 : 1, 60-йиллар бошида (Кариб кризиси даврида) 6 : 1, 60-йиллар охирида (Вьетнам уруши йилларида) 1 : 1 га тенг бўлди. Ҳозирги вақтда АҚШ ва собиқ СССР ўрнидаги ядро давлатларидан ташқари 5 та давлат атом ва водород, 3 та мамлакат атом бомбаларига ҳамда уларни элтиш воситаларига эга. Буларнинг ёнига дунёдаги кўпгина мамлакатлар эга бўлишни ҳозирдаёқ таъминланилиши қўшилса хавфнинг нақадар катталиги равшан бўлади.

ишларида 500 минг киши бандки, бу дунёдаги олим ва муҳандисларнинг қарийб 40 % ини ташкил этади. Фан ривожланишига ҳар йили ажратиладиган харажатларнинг бешдан икки қисми ёки 30 миллиард доллардан ортиқроғи ҳарбий тадқиқот мақсадларига кетган<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда оддий қурол-яроғларнинг келтириши мумкин бўлган зиёни ядро қуроли даражасига яқинлашиб қолмоқда. Жаҳонда қуролланишга ажратилган маблағларнинг 80%и шу соҳага сарфланмоқда.

Уруш ва тинчлик масалаларида АҚШнинг ўрни ҳозирги вақтда ҳал қилувчи даражага етди. У билан ҳеч қайси давлат рақобат қила олмайди. Бу жиҳатдан олганда АҚШга ва унинг иттифоқчиларига ижтимоий-сиёсий маънода қарши турган давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан жаҳон уруши хавфи йўқ дейиш мумкин. Лекин локал миқёсда урушлар чиқиши хавфи сақланиб қолмоқда. Жумладан, террорчилар томонидан амалга ошириладиган ядровий хавфни ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Сайёрада глобал тинчликни таъминлаш эҳтиёжлари билан Фарбнинг собиқ мустамлака ёки вассали бўлган 130 дан ортиқ «учинчи дунё» мамлакатлари ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш вазифалари ўзаро боғлиқдир.

Бу мамлакатларда ўтмишда ҳужалик ҳаёти зўрлик билан ўзгартирилгани туфайли кўпинча турғун ҳолда бўлган, қолоқ сиёсий муносабатлар сақлаб қолинган эди.

Аксарият ривожланган давлатлар «учинчи дунё» мамлакатларига хом ашё манбаи, салмоқли бозор ва капитал чиқариш учун қулай макон сифатида қарайдилар. Уларнинг қолоқлигини тугатиш глобал муаммо ҳисобланади. Бунинг учун ҳозиргача ва ҳозирда ҳам амал қилаётган халқаро иқтисодий тартиботни ўрнатиш зарур бўлади.

Янги халқаро иқтисодий тартибот нафақат ривожланаётган давлатлар учун, балки советлардан кейинги ҳудудлар давлатлари ва собиқ социалистик мамлакатлар учун

---

<sup>1</sup> Бу рақамлар 90-йиллар бошигача бўлган даврни ифодалайди. Ҳозирги бир қатор йирик ҳарбий давлатларда конверсия жараёни бошланган бўлса-да, лекин қуролланиш харажатлари катталигича қолмоқда.



ҳам зарурдир. Чунки уларнинг ўртача ривожланганлик даражаси Фарбнинг илгарилаб кетган индустриал мамлакатларига етиб олишини таъминламайди.

Ҳозирги вақтда инсоният маънавияти, унинг софлигини асраш ижтимоий ривожланишнинг ички жараёнлари туғдирган яна бир глобал муаммо сифатида майдонга чиқмоқда. Гап шундаки, зўравонлик ва нафрат кишилар ўртасидаги муносабатларда чуқур илдиз отиб, маънавий муҳитни тобора заҳарламоқда. Буни тўхтатиб қолиш ва кескин камайтиришга эришиш вазифалари дунё миқёсида куч-ғайратларни бирлаштиришни тақозо этмоқда. Албатта, номи ҳозир қайд этилаётган ахлоқий хавф, ахлоқий фалокат у ёки бу даражада ўтмишда ҳам учраган ва у цивилизациянинг йўлдоши бўлиб келган. Бир томондан маданият ривожланиб, бойиб, тобора умуминсоний тус олиб борса, иккинчи томондан турли-туман манфурлик ва оғу тимсоли бўлган жиноятчилик, сотқинлик, бангилик, фаҳш, террорчилик, ичкиликбозлик каби иллатлар ҳам кучайиб борди.

Маънавий муҳитни булғашда кейинги вақтларда айниқса **ичкиликбозлик** ва **бангиликнинг** ўрни катта бўлмоқда. Кўпгина мамлакатлар бу хил моддаларни тарқатганлик учун оғир жазо белгиланганига қарамай, аҳолининг муайян қисмида бангиликка ружу қўйиш авж олган. Шунинг учун ҳам БМТ даражасида тегишли ташкилотлар тузилиб, бу ижтимоий иллатга қарши оммавий курашилмоқда. Лекин бангилик моддаларини тайёрлаш ва сотишдан ғоят катта фойда олаётган корчалонлар, бу оғудан ўлаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигига қарамай, барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

«**Энг қадимий касб**» ворислари ҳам ахлоқшунослик муаммосини кескинлаштиришда ўз «хиссаларини» қўшишмоқда. Фаҳш синдроми кўп мамлакатларда ривожланиб бормоқда. Шимолий Европада беҳаё фильмлар, адабиётлар чиқаришдан олинаётган фойда ўнлаб миллиард долларга етади.

Ахлоқшунослик муаммоси таркибида террорчиликнинг ўрни алоҳидадир. Террорчилик ижтимоий антагонизм билан бир вақтда унинг шаклларида бири сифатида келиб

чиққан. Террорчиликнинг хиллари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сиёсий террорчиликдан ташқари унинг тижорат терроризми деб аталган кўриниши тез-тез содир бўлмоқда. Чунончи, ҳаво қароқчилиги йўли билан самолётларни олиб қочиш, одамларни ғаровга олиш, унинг эвазига пул ишлашга уринишлар тез-тез рўй бермоқда. Террорчилик ўзининг бир қатор белгиларига кўра, шакланган уюшма тусини олган. Майда рэкетдан бошланиб порнография, исловатхоналар, сўнгра бангилик моддаларини тарқатиш орқали давлат тизимидаги амалдорларни сотиб олишга эришиб, ўз фаолиятини давом эттираётган мафия бунинг яққол тимсолидир.

Юқоридагилардан кўринадики, ерда ҳаётни сақлаб қолишнинг муҳим шарт тинчликдир. Сайёрамизнинг бир қанча минтақалари халқлари қолоқлигини тугатиб, инсоният жамияти мутаносиб ривожланишига эришиш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш учун куч-ғайратларни бирлаштириш лозим бўлади.

«Инсон — жамият» тизимидаги глобал муаммолардан бири бу — ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий қолоқлик билан боғлиқ бўлган масала — аҳоли ўсишидир.

Ер шарида палеолит даври бошида 100—200 минг, сўнгги палеолит бошида — 1 миллион, неолит бошида — 10 миллион, охирида 50 миллион, милоннинг бошларида — 230 миллион одам яшаган. Орадан 1800 йилча ўтгач, аҳолининг сони дастлабки миллиардга (1830 й), 180 йилдан сўнг 2,1; 30 йилдан кейин 3; 15 йилдан сўнг 4; 10 йилдан сўнг 5; ҳозирги вақтда 6 миллиардга етди. Бу рақамларда аҳоли сони ўсиб борганлигигина қайд қилингандай кўринади. Аслида эса уларда одамларни тегишли моддий воситалар (озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой ва ҳ.к.) билан таъминлаш, зарур маълумот даражаси, тиббий ва ҳуқуқий хизмат, тегишли ижтимоий муҳофаза, ёш авлод тарбияси ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган жиддий ва кўламли вазифаларни кун тартибига кўяди.

Инглиз иқтисодчиси Р. Т. Мальтус бундан 200 йил аввал шундай деган эди: «Ота-онаси фарзандининг яшашини таъминлаши учун зарур капиталга эга бўлмаса, бу фар-

занднинг яшашга қандай ҳаққи бор? Бундай фарзанд хайр-эҳсонга кўз тикиши мумкин».

Бу қарашлари билан Рим клуби аъзолари Ж. Форрейстер ва Д. Медоуз томонидан тайёрланган «Ўсиш чегаралари» номли китобда инсоният ривожланишининг бешта параметрларидан бири бўлган демографик портлаш ҳақидаги фикрлар ҳамоҳангдир. Муаллифлар ўртача 2–3 болали оила асосида аҳолини ишлаб чиқариш даражасини ноль босқичдан оширмасликни таклиф қиладилар.

Рим клубининг кейинги тадқиқотларида — М. Месаровие ва Э. Пестолнинг «Инсоният чорраҳада қолганда» (1974) ҳамда Я. Тинберган бошчилигидаги муаллифлар жамоасининг «Халқаро тартибларни қайта кўриб чиқиш» (1976) деб номланган китобларида ҳам демографиявий муаммоларга катта ўрин берилган. Жумладан, муаллифлар аҳолининг кўпайиши масаласида мамлакатлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни ўзгартириш керак, деб таъкидлайдилар.

Аҳоли ўсиши биринчи навбатда минтақавий характерга эга. **Мутлақ ўсишда** Осиё қитъаси биринчи ўринда турса, Африка **йиллик ўсиш** суръатларида олдиндадир.

«Ижтимоиёт асослари» тизимида мавжудлиги сабаблари бориб тақаладиган жиддий глобал муаммолардан яна бири **хавфли касалликларни тугатиш вазифасидир**. Бу касалликлар биринчи навбатда аҳоли кўпайишини бошқариш ва ташкил этиш йўлга қўйилмаган мамлакатлардаги очлик, озиқ-овқатлар таркибида оқсилларнинг камчилигидан келиб чиққан.

Маълумки, Ер юзида глобал миқёсдаги очлик мавжудлиги биринчи марта БМТ томонидан 1950 йилда тан олинган эди. Ўшанда инсониятнинг қарийб ярми етарли миқдорда калорияли оқсил истеъмол қила олмаётгани айтилган эди. **ФАО** ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда 60-йилларда 60% аҳоли у ёки бу даражада очликдан азоб кўрган бўлса, 20% аҳоли мунтазам очликдан қийналган. 70–80-йилларда бу соҳада халқаро миқёсда анча иш қилинганига қарамай, муайян даражада очликка дучор бўлган аҳолининг мутлақ миқдори 0,8 миллиардни ташкил этди.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга (етарли миқдордаги маблағларнинг ажратилмаслиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги ва ҳ.к.) кўра жаҳон аҳолисининг 40% водопровод суви, канализация ва санитария хизматидан фойдаланмайди. Бундай аҳвол ривожланаётган мамлакатларда айниқса ўткирлигича қолмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг ҳаммаси эпидемиялар тарқалишига олиб келади.

Ривожланаётган мамлакатларда сил, безгак каби касалликлар кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда буларнинг ёнига СПИД ҳам қўшилмоқда.

Касалликларнинг глобал муаммо бўлиб қолганлиги яна шунда кўринадикки, саноати юксак ривожланган мамлакатларда юрак-томир, асаб-руҳий, аллергия, рак ва ҳ.к. хасталиклар кўпайиб бормоқда. Масалан, бу мамлакатларда юрак-томир касали биринчи ўринда, рак — иккинчи ўриндадир.

Инсон ишлаб чиқариш — ҳўжалик фаолиятининг сайёравий миқёсдалиги туфайли энг умумий тарзда қўйидаги экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда:

1. Ер юзидаги ўрмонлар саҳни ҳар йили 11 миллион гектарга қисқариб бормоқда. Осиё ва Лотин Америкаси тропик минтақаларидаги ўрмонларда эса янгилашиб турадиган ўсимлик ресурсларининг асосий захиралари тўпланган. Бундан ташқари, сайёранинг генетик бойлигини ташкил этган бу ўрмонлар биосфера табиий вазифаларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга.

2. Ер юзасининг 31 миллионча гектар қисми «кислота-ли ёмғирлар»дан зарарланган ва булганган. Бу «ёмғирлар» биосферада тез тарқалиб ўрмонзорларга салбий таъсир этади. Зарарланган дарахтларнинг физиологик кучсизланганлиги натижасида ўсимликхўр ҳашаротлар кўпайиши учун қулай шароитлар туғилади.

Тупроқ эрозияси туфайли экин майдонининг 26 миллион гектарида ҳар йили ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Сув ва ҳаво эрозиясидан ҳар йили АҚШда ишлов бериладиган 3,1 миллиард тонна тупроқ ярқисиз ҳолга келмоқда. Бу дегани етиштирилган 1 тонна бугдой ҳисобига 6 тонна тупроқ йўқотилишини билдиради. Шунинг учун АҚШда

деҳқончиликни ихтиёрий қисқартириб, ерларни резервда сақлайдиган фермерларга ҳар йили 0,4 га ер учун 49 доллар тўланиши тўғрисида қонун қабул қилинган.

3. XX аср икинчи ярми «катта қурғоқчилик»ларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида чуллар майдони йилига 6 миллион гектарга кенгайди. Натижада анъанавий биологиявий тизимларида (ўсимлик ва ҳайвонот оламида) салбий ўзгаришлар юз бермоқда.

4. Саноатлашган Европа ва Шимолий Америкадаги минглаб чуллар биологик жиҳатдан улган. Бундай жараён бошқаларида ҳам давом этмоқда. Ҳар йили жаҳон сув ҳавзаларига 32 куб километр тозаланмаган саноат оқава сувлари келиб тушмоқда.

5. Атроф-муҳитга кишиларнинг таъсир этиши, уни технологен булғаш оқибатида ҳайвонот ва ўсимлик олами учун жиддий хавф юзага келди. Ҳар йили бир неча минг ҳайвонот ва ўсимлик тури йўқолиши оқибатида 20 йилдан сўнг мавжуд турларнинг бешдан бир қисми батамом барҳам топиши мумкин.

6. Ер юзидаги экологик ўзгаришлар оқибатида 2050 йилга бориб атмосферадаги ўртача ҳарорат 1,5–4,5 даражага кўтарилиши кутилмоқда. Атмосфера юқори қисмларида озон қатлами сийраклашиб, Антарктида ва Арктика устидаги «туйнуклар» кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида ўсимликларда фотосинтез жараёнининг қисқариши, канцероген моддалар таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг кўпайиши ва ҳ.к. рўй бериши мумкин.

7. Табиатда инсон соғлиғи учун хавфли бўлган металлар ва улар бирикмаларининг йиғилиб қолиши туфайли замондошларимиз танасида ибтидоий одамлардагига қараганда кадъмий (юрак касалликларини келтириб чиқарувчи) 70 марта, қўрғошин (атеросклероз ва буйрак касалликлари сабабчиси) – 10, симоб (асаб касалликлари чақирувчиси ва генетик ўзгаришлар сабабчиси) – 10, теллер – 40 марта кўп тўпланган. Бундан ташқари, ҳар йили 150 миллион тонна олтингугурт II оксиди, 260 миллион тонна чанг, 70 миллион куб метр газ, ўн минглаб тонна фторли ва хлорли бирикмалар, кўп миқдорда бошқа кимё-

вий бирикмалар атмосферага чиқариб юборилади. Ҳавони булғовчи моддалар сони 100 дан ортади. Уларнинг кўпи заҳарли, баъзилари эса канцероген хусусиятларга эгадир.

Теварак атроф-муҳитнинг булғаниш муаммоси билан бирга табиий ресурслар, биринчи навбатда озиқ-овқат манбалари муаммоси ҳам мавжуд.

Глобал муаммолар тизимида жаҳоннинг барча мамлакатлари қувватнинг янги манбаларини топиш зарурияти олдида турганлиги тобора олдинги ўринларга чиқмоқда.

Маълумки, қувват ресурслари икки хил — қайта тикланмайдиган (нефть, газ, кумир) ва тикланадиган (сув қуввати, ёғоч ва ҳ.к.) бўлади. Шунингдек, қувват манбаларини ташқи (Қуёш) ва ички ер ости ресурслари (масалан, атом ядроси) тарзида ҳам тасниф этиш мумкин.

1900 йилда дунё бўйича қувват ишлаб чиқариш 10 миллиард киловатт соатдан кўпроқ бўлди. Шу билан бирга қувват муаммосини хавфсиз ва барқарор ҳал этиш йўли ҳозирча топилгани йўқ.

Ҳозир дунёда 30 дан ортиқ мамлакатларда атом реакторлари ҳисобига жаҳон электр қуввати ишлаб чиқаришининг 15% и тўғри келмоқда. Атом қуввати ҳосил этишнинг қулай ва арзон усули тезда топилиши тўғрисидаги илгариги қарашлар унчалик тўғри чиқмади. Реакторлар қуриш ва фойдаланиш харажатлари юқориликча қолмоқда. Кейинги пайтларда атом қуввати хавфсизлиги хусусида хилма-хил ва қарама-қарши фикрлар олдинга сурилмоқда.

Қувват муаммосининг кун тартибида жиддий турганлиги олим ва мутахассисларнинг қуёш нуридан, ер ости иссиқлик манбаларидан фойдаланишга яна ҳам кўпроқ эътибор беришларини тақозо этмоқда.

Бошқа глобал муаммолар қатори **жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш** масаласи XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсоният олдидаги энг муҳим масала бўлиб турибди. Умуман олганда, цивилизациянинг бутун тарихи давомида ҳам океан ўрни хийла катта бўлган. Океан кислород етказиб беради, гоят катта миқдордаги маъдан хом ашёси захираларига эга, оқсил хомашёси олиш учун зарур бўлган биомоддаларни салмоқли ҳажмда ҳосил этади, иқлимни тартибга солиб туради ва муҳим транспорт йўлидир.

Коинотни ўзлаштириш масалалари ҳам инсоният олдидаги глобал муаммолардан ҳисобланади. Бу, биринчидан, фазовий тадқиқотларнинг қимматлашиши, бу борадаги лойиҳалар нархининг кескин ошиб бориши ва бунга ҳатто йирик давлатларнинг ҳам қудрати етмаётгани бўлса, иккинчидан, коинот бутун инсониятнинг мулки деб тан олингандир.

Инсоннинг коинотга кириб бориши микроолам физикаси, молекуляр биология, кибернетика билан бирга XX аср фан-техника тараққиёти асосий ютуқларидан бири бўлиб қолди.

Коинотни ўзлаштириш кишиларда инсон зотининг ягоналиги, яхлитлиги туғрисидаги тасаввурларни шакллантиради.

Глобал муаммоларнинг энг асосийлари, тавсифларидан ҳам кўриниб турибдики, бундай бўҳронларни бартараф этиш нафақат мураккаб, балки бир хил ечимга ҳам эга эмас. Шу билан бирга инсоният буларни ҳал этиш чораларини тинимсиз изламоғи лозим. Ҳозирги замон тафаккури даражасида мулоҳаза юритувчи кўпгина мутахассисларнинг ҳисоблашича, глобал бўҳронларни бартараф этишнинг дастлабки шарты — бу маънавий юксаклик, чуқур гуманизмдир.

Замонавий инсонпарварлик энг камида учта асосга: глобаллашувни англашга, зўравонликдан воз кечишга ва адолатлиликка таянади. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларини тан олишга ва инсониятнинг яхлит маънавий-ахлоқий тақомили тизимини яратишга бориб тақалиши.

Халқаро куч-ғайратларни бирлаштириш глобал муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу йўл билан савдони ривожлантириш, барча соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш мумкин.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши ва мавжудлиги халқлар, мамлакатларнинг хусусий ва умумий манфаатлари билан алоқадор бўлганидан, уларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Бу ҳақда Рио-де-Жанейрода 1992 йили бўлиб ўтган халқаро анжуманда ҳам алоҳида таъкидланган эди. Давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида ўтган бу анжуманда «**Барқарор ривожланиш концепцияси**» қабул

қилиниб, унда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ҳозирги авлод ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни келажак авлод учун ҳам шундай имкониятлар қолдириш билан қўшиб олиб бориш кўрсатиб утилди.

## 2-§. Глобал муаммолар тизимида дунё ва инсоният ҳаёти

Янги юз йиллик ва минг йиллик жаҳон тарихига инсоният ҳаёти ва унинг тараққиётининг бутунлай янги йўналишларини очиб берадиган давр сифатида кириши муқаррар. Бироқ ана шу тараққиёт ва тинч-тотув яшаш, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш қатор муаммоларни ҳал этишни, мавжуд зиддиятларни, қарама-қаршиликларни енгишни тақозо қилмоқда. Зотан, ҳар бир давр ўзига хос имкониятлари билан бирга муаммоларни ҳам дунёга келтирадики, бу бевосита инсониятни ўйлашга, ўз истиқболни белгилашга даъват этади.

Бугунги дунё ўз-ўзини асраш инстинктини кучайтириш йўлини тутмоқда. Шу билан бирга инсоният ҳаёти давомийлигини таъминлаш муаммосини ҳар галгидан ҳам кескин ва долзарб қилиб кўтармоқда. Инсоният ҳаётига таҳдид унинг бутун даҳолик қудрати, тафаккур кенгликлари, фан-техниканинг мўъжизавий қудрати ривожланган сари тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон олдида кишилик жамияти табиий-тарихий тараққиёти орқали глобал муаммолар кўндаланг бўлмоқда. Барча халқлар, миллатлар, давлатлар қандай тузум, режим ва ижтимоий тизимда яшаётган бўлмасин, ҳар бир инсоннинг индивид сифатидаги ижтимоий моҳияти тобора чуқурлашиб бормоқда ва айни ана шу ижтимоий моҳият ижтимоий тараққиётни, юксак маданий-маърифий баркамолликни тақозо этмоқда.

Глобализм атамаси кейинги юз йилларда тобора катта аҳамият касб этмоқда. «Глобал» тушунчаси луғавий маъноси нуқтаи назаридан француз тилида «умумий», латин тилида эса «глобус — Ер шари» маъноларини билдиради. Демак, глобализм тушунчаси ана шу ҳар икки маънода ҳам бевосита инсоният ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ



булган катта муаммоларни, «сайёравий», «умумсайёравий», «умуминсоний», «дунёвий» муаммоларни, «умумпланетар аҳамиятга эга булган масалалар» ва глобал тараққиёт истиқболларини узига қамраб олади. Тушунчанинг моҳиятидан шу нарса кўзга яққол ташланмоқдаки, бугунги дунё ҳар бир инсондан, у қайси ҳудудда, қандай маконда яшаётганидан қатъи назар дунё тақдирига тақдирдош, Ер шари истиқболига жавобгар, инсоният истиқболига дахлдор эканлигини ифода этади.

Атоқли файласуф А.С.Капто фикрларига кўра айна ана шу глобал муаммоларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

**Биринчидан**, зўравонликсиз, ядро қуролисиз дунёни ташкил этиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, жаҳон термоядро катаклизмини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролисизланишга эришиш, ҳар қандай зўравонликларга, дискриминацияга, тенгсизликка, ирқчилик ва апартеидга қарши курашиб, уларни йўқ қилиш, барча халқларнинг **озод ва мустақил тараққиёти**ни мустаҳкамлаш ва бошқалардир.

**Иккинчидан**, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қолоқ давлатларнинг муаммоларини, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал этиш, мустамлакачилик иллатларини бартараф этиш, қолоқ халқларни жаҳон фантехникаси ва маланияти тараққиёти орқали ривожланиш йўлига олиб чиқиш, **янги халқаро иқтисодий ва халқаро ахборот алмашинув тизимини** вужудга келтириш.

**Учинчидан**, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган асосий омилларни излаб топиш ва ривожлантириш. Жумладан, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, инсониятнинг бугуни ва келгуси авлоди билан боглиқ булган турмуш даражасини таъминлаш учун замин ҳозирлаш. Бу бевосита **қувват манбаларидан оқилона фойдаланиш, минерал хом ашё, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик самарадорлигини ошириш, ҳосилдорликни янада кўпайтириш** орқали озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, дунё океани миқёсида бу муаммони долзарб вазифа сифатида ҳал этиш чоралари билан боглиқ.

**Тўртинчидан**, Африка ва Лотин Америка минтақасида

тобора кенг тарқалаётган, даволаниши қийин бўлаётган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, камбағаллик, қашшоқлик, саводсизликни бартараф этиш, маданий меросни асраш, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали **ижтимоий тараққиётни таъминлаш, инсон турмуш даражасини ошириш** ва бошқалардир.

Дарҳақиқат, бугунги дунё қай даражада жадал суръатларда ривожланмасин, фан-техника соҳасида жиддий, ақлга сиғмас, ҳайратомуз кашфиётлар қилинаётган бўлмасин, айти пайтда ижтимоий жиҳатдан жиддий таҳдид остида яшаётган мамлакатлар сони тобора купайиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги минг йиллик дастури айти ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу нуфузли ташкилотнинг хулосаларига кура бугунги кунда дунёнинг 54 та мамлакати 1990 йилга нисбатан камбағаллашиб қолган. 21 та мамлакатда аҳолининг катта қисми очликдан азоб чекмоқда. 12 та мамлакатда эса болаларни бошланғич таълимга жалб этиш кўрсаткичлари кескин камаймоқда. 34 та мамлакатда инсоннинг умр кўриш даражаси кескин камайган. Дунёда 800 миллиондан ортиқ одам тоза ичимлик сувининг етишмаслиги ва озиқ-овқат танқислигидан азият чекмоқда. 100 миллиондан ортиқ болалар мактабга қатнамаяпти, шулардан 60 миллиони қизлардир. 900 миллион киши этник, диний, ирқий ва лисоний мансублиги жиҳатидан тўқнашувларга учрамоқда («Экономическое обозрение» журнали, 2004 йил, 10-сон).

Экологик муаммолар инсониятнинг тобора ўзаро яқинлашиб, бирлашиб фаолият кўрсатишини тақозо этмоқда. Ер шари экологик мувозанатини сақлаш учун табиий офатлар — зилзилалар, сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, вулқонларнинг отилиши, цунамилар ва тўфонларнинг купайиб бораётганлиги сайёрамиз иқлимни мувофиқлаштириб туриш тизимининг бузилганлиги боис, литосфера боис, атмосфера, гидросфера, флора ва фауна, космосни тинчлик йўлида ўзлаштириш ва жаҳон океани экотизмини бошқариш ва бошқа масалаларни тубдан ҳал этишни тақозо этмоқда.

Умуман олганда инсоният ҳаёти қай даражада тарақ-

қий этиши, инсон ҳаётининг мазмунини бойитиш ва унинг баркамол яшаши учун шароит яратиш қанчалик муаммо сифатида янги бўлса, шунчалик қадимийдир. Бундан бир неча минг йиллар олдин ҳам оталаримиз ҳаётнинг муътабарлигини, уни асраш зарурлигини, ҳар бир инсон ўз маънавий-ахлоқий даражаси, феъл-атвори, хатти-ҳаракати билан унинг ё ижобий, ё салбий томонларини кучайтириб юбориши мумкинлиги ҳақида такрор ва такрор гапиришган. Уруш ва тинчлик, зиддиятлар ва келишувлар, муросалар атрофидаги хулосалар ҳамон ўз қийматини йўқотгани йўқ. Бироқ бугунги дунё айна ана шу ҳаёт муаммоларининг цивилизациялашган давр инсон тафаккурининг муъжизавий қудрати маҳсули сифатидаги бутунлай янги, ғоят залварли, айна пайтда даҳшатли ҳолатларини бошдан кечирмоқда.

Умуман олганда уруш – бу ялпи тараққиётга қарши ҳодиса. У қашшоқлик ва ёвузлик орқали бутун инсониятни домига тортадиган тубсиз уммондир. Таассуфки, инсоният ана шу даҳшат ва ваҳшатлар гирдобиди қолмоқда. Инсоннинг индивид сифатидаги худбинлик феъл-атворидан келиб чиқадиган ўзаро манфаатлар тўқнашуви доираси кенгайиб, миллий ёки давлат мақомини эгаллаши, шу асосда буюк давлатчилик шовинизмининг юзага келиши кишилик ҳаётини, тенгсиз қадриятлар ва тарихий-маданий бойликларни маҳв этиши мумкин. Ана шуни назарда тутган ҳолда «Уруш қадимий машғулот. У ҳар қандай табиийлик ва ақллиликка қарши бутунлай ақлсизлик ва ҳайвоний ҳодисадир... Иссиқлик совуқликни қувади, ёруғлик эса сояни. Шунинг учун ҳам мен тинчлик қуроли билан қуrollанаман ва у билан урушга қарши курашаман», деган эди С. Франк.

Албатта, уруш ва тинчлик муаммоси қанчалик қадимий бўлса, шунчалик замонавий ҳам. Зотан бу масала ҳеч қачон эскирмайди. Даврга қараб, янгиланаётган тафаккур асосида шаклини, усулини, услубини ўзгартириб бориши муқаррар. Табиийки, замонавий тафаккур, замонавий цивилизация асосида қурилган уруш ва тинчлик муаммоси аждодларимиз тилга олган маънавий-ахлоқий мезонлардан кўра анча чуқурроқ, анча кенгроқ ва даҳшатлироқдир.

Атоқли файласуф И. Г. Гердер тинчликсевар ижтимоий тафаккур хусусида гапирар экан, уни қуйидагиларга бўлади:

- урушга қарши нафрат;
- ҳарбий шон-шарафга камроқ эътиқод қуйиш;
- ватанпарварликни шовинизмдан, бошқа халқлардан устунлик туйғусидан тозалаш;
- бошқа халқларга нисбатан адолат туйғусини кучайтириш;
- халқаро муносабатларда қўпол аралашувни йўқотиш ва бошқалар.

Бугунги дунё сиёсати ва халқаро муносабатларни юксак маданият ва сиёсий ахлоқ доирасида қуриш, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буриш, ижтимоий адолат, юксак ақл-идрок ва сиёсий маданият асосида олиб бориш зарур бўлиб қолмоқда. Давлатлар айна ана шу жиҳатлари билан ўз қудратларини намоён этмоқлари лозим.

Атоқли немис файласуфи Герман Раушнинг «Кучдан қочиб қутулолмайсан. Давлатнинг моҳияти кучда, сиёсат ва куч муштарак, мазмунига кўра сиёсат куч сиёсатидир. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Кучни йўқотиш мумкин эмас. Уни фақат тақдирламоқ лозим», деган эди. Бироқ худди ана шу ерда соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч — адолатда!» деган тамойили яна бир бор умумбашарий қадрият мақомини эгаллайди. Бугун глобал муаммолар гирдобида қолган дунёни асрашда сиёсий адолат, ҳақиқатга таянган сиёсат ҳар галгидан ҳам каттароқ эҳтиёжга айланмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат ўз қудрати, сиёсий таъсири билан ўзини намоён этади. Сиёсат ҳам айна ўз оламидаги мавқеига, таъсир кучига таянади. Албатта, бу қай даражада умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва ҳаёт моҳиятини ўзида мужассам этгани билан белгиланади. Ана шунда давлатлар сиёсий манфаатлар, аллақандай нуфузлар, дунёга эгалик қилиш истакларидан қочиб, умумдунёвий манфаат ва инсоният истиқболига жавобгарлик ҳисси билан яшашлари лозим бўлади.

### 3-§. Ахборот тигизлашган жамият ва инсоният тарихи<sup>1</sup>

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва уларни ҳал этиш зарурати инсоният жамиятининг янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақозо этмоқда. Бу жараён моҳиятини англаш учун унинг жадаллигига, чуқурлигига ва миқёсига эътибор бериш лозим. Зеро, ўнлаб ва, ҳатто, юзлаб йиллар давомида ўзгармас бўлиб кўринган ижтимоий муносабатлар гоёт қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ҳаёти қатламларининг барча бўғинларида кўринмоқда. Қўламига кўра бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмаган.

Ҳўш, бу қандай цивилизация бўлади? Ҳозирги дунёда Фарб қадриятларининг барча соҳаларда аҳамияти тан олинган ва қабул қилаётганини ўрганган футуролог-мутахассислар ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси ҳақида башорат қилмоқдалар<sup>2</sup>.

Маълумки, «ахборот» тушунчаси дунёқарашни ифодалайдиган билимларда қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани «алоқа» ва «бошқарув» тушунчалари билан бирга кенг қўлланишига олиб келди. Ҳозирги вақтда ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш алоҳида илмий соҳани – информатика (лотинчада таништириш, тушунтириш, шарқ тилларида «хабар», «ахборот») соҳасини ташкил этади. Бу сўз атама сифатида биринчи марта 1964 йилда Францияда илмий муомалага киритилган.

Ахборотлар соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши,

---

<sup>1</sup> Ушбу параграфда Ш. Азизов материалларидан фойдаланилди.

<sup>2</sup> XX асрнинг 60-йиллари бошида табиий ресурслар етишмаётган Япония олдида «қайси йўлдан бориш масаласи» турган эди. Халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш йўлиданми ёки ахборотли-интеллектуал ривожланиш, жамиятни ахборотлаштириш, информатологиявий ресурс ва технологиявий йўлиданми, деган саволга ахборотлашув йўлидан, деб жавоб берилди ва тегишли йўл танланди. Японча ахборот ривожланиши тизимини 1970 йиллар бошида АҚШ ҳам қабул қилди.

уни автоматлаштириш усулларининг ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилишига ва кишилар ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида келажакдаги «ахборотли жамият» назариясини майдонга келтирди.

Ахборотли жамият назарияси ҳозирги замон индустриал жамият тўғрисидаги рационал таълимотлар (Дж. Белл, У. Ростоу, З. Бжезинский ва бошқалар) доирасида илгари сурилган. Унинг муаллифлари бўлиб О. Тоффлер, Е. Масуда, Дж. Пелон, Дж. Мартин ва бошқалар ҳисобланади. Бу муаллифлар инсоният тарзи моделини анъанавий — индустриал (саноатлашган) — постиндустриал кўринишда қараб, сўнгги босқич келажагини ахборотли — техникавий ёки ахборотли — экологиявий тарзда юз беришини башорат қилганларида фан ва техника таъсирини хийла даражада кўрсата олмаганлар.

Ҳозирги вақтда техника ва технология кўп жиҳатлардан фан маҳсули ҳисобланади. Фан эса инсон яратган маънавий қадриятлардан энг олийси бўлиб, унга берилган баҳолар ҳамииша бир-биридан кескин фарқ қилишига қарамай, тегишли ахборотлар ифодаси сифатидаги аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Технология фаннинг ускунавий воситаси ҳисобланади. Технологиявий вазифаларни ҳал этишда илмий ютуқлардан фойдаланишнинг ўрни ҳам беқийс.

Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланишида қишлоқ хужалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳасидан кейинги тўртинчи босқични эгаллайди. Агар капитал ва меҳнат кишилиқ жамиятининг саноатлашиш даври мобайнида зарур ташкил этувчи асосларидан бўлса, ахборот ва билим эса келажақ жамияти асосларини ташкил этади.

Юқорида айтилганидек, тушунчавий мақомига кўра «ахборот» атамаси қадимдан қўлланилади. Хусусан, ахборотлашув соҳасидаги (буни ҳозир информაციология — ахборот таълимоти деб аташ қабул қилинган) дастлабки жаҳон инқилоби милодий биринчи минг йиллик бошида яшаган Птоломейнинг дунёнинг геоцентистик тизими (бу тизим дунёни учта наҳанг ёки фил кўтариб туради, деган аввалги назарияга зид бўлган қарашларида), иккинчи инқилоб

Н. Коперникнинг (XVI аср ўрталарида) гелиоцентристик назарияси билан вужудга келган эди. Булар ахборотнинг илмий ва маънавий равнақини ифодалаган эдилар.

Учинчи инқилоб 1964 йилдан бошланади. 80-йиллар ўрталарига келиб кўпгина мамлакатлар ахборот ривожланиши йулига – интернет, мультимедиа, космонавтика, ОАВ, ривожланган сим ўтказувчи, уяли, радио ва сунъий йулдош алоқасига асосланган ахборот тизимига ўтдилар.

Табиийки, бундай шароитда ахборотларнинг тегишли тарзда тўплаш ва узатишнинг автоматизация воситалари, компьютер техникаси ва ҳоказоларни ривожлантириш, уни ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги вақтда АҚШда пўлатнинг бир килограмм баҳоси 7 цент, машинанинг бир килограмми 4 доллар, самолётнинг бир килограмми 700 доллар, бир килограмм интеграл схема эса 7000 доллар туради. Бундан ташқари, ахборот ташувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қувват ва материаллар тежаб қолинади ҳамда юқори самарадорликка эришилади. Масалан, 40 килограмм толали кабелнинг ахборот узатиш имконияти 1 тонна мис кабелни кига тенг. Шунча толали кабель ишлаб чиқариш учун эса 20 марта оз қувват талаб этилади.

Сифат жиҳатдан ҳам ахборот технологиясида жуда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Агар биринчи компьютерлар 30-йилларда электромеханик реле асосида ҳисоблаш мақсадида фойдаланилган бўлса, 60-йиллардаги иккинчи авлоддан бошлаб компьютерлар ярим ўтказгичли транзисторлардан фойдаланиб тайёрланмоқда. Компьютерларнинг бешинчи авлоди ҳатто интеллектуал вазифаларни ҳам ечишга қодир. Компьютерларнинг олтинчи ва еттинчи авлодлари ҳар бирининг процессорида 80–100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади.

Ахборот технологияси қатор таянч жиҳатларга эга. Улардан биринчиси инсон фаолиятини мақсадга мувофиқ йулга қўйиш билан боғлиқ.

Иккинчи таянч – бу турли табиатга эга бўлган объектлар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни билдириб, ЭҲМга татбиқан унинг инсон мияси билан функционал умумийлигини англатади.

Ахборотлашганликнинг учинчи таянчи техника ҳисобланади. Дарҳақиқат, жиддий техникавий ривожланишсиз компьютерларнинг ўзи ҳам яратилмаган бўлур эди.

Ахборот технологиясининг тўртинчи таянчи шундаки, унинг келиб чиқиши учун иқтисодий бошқарув — сиёсий ва маънавий соҳаларда асосий манба бўлиши лозим.

Масалан, демократия ва озодлик идеаллари ривожланмаган жойда ахборотлашганлик технологияси юз бермаган бўлур эди.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замонда жамиятнинг компьютерлашганлиги — бу аниқ далил. Хуш, бу далил жамиятнинг аниқ олинган соҳаларида қандай намоён бўлмоқда?

Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш нисбатида биринчисининг ҳисобига иккинчисининг кенгайиши рўй бермоқда. Оғир саноат салмоғи пасайиб, унинг тобора майдаланиб бориши кузатилмоқда. Аввалдан мавжуд тузилмалар ҳудудий тарқоқ тармоқларга бўлиниб бормоқда. Лекин бундан ҳудудий норационал меҳнат тақсимоти, хусусан, хом ашёга ихтисослашган минтақалар ва у ердан ташиб кетишнинг ҳозирги харажатли кўринишлари сақланиб қоляпти, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ишлаб чиқаришни ўзаро мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Бунда минтақаларнинг ўзида хом ашёларга ҳар томонлама ишлов бериш ва тайёр маҳсулотлар алмашуви юз беради. Бу алмашувда турли-туман истеъмол эҳтиёжларини қондириш устун ҳисобланади. Аҳоли миграцияси рационал тарзда йўлга қўйилади.

Бошқа томондан олиб қараганда ишлаб чиқаришнинг автоматлашуви умумий вазифаларни бажаришга мўлжалланган ва роботлар томонидан хизмат кўрсатиладиган кўплаб дастгоҳлардан ташкил топган корхонада турли-туман деталларни ишлаб чиқарибгина қолмай, улардан яна зарур миқдорда ҳар хил буюмлар йиғилишига олиб келди. Бунинг учун, албатта, дастгоҳлар ва роботлар ичида лозим бўлган йўналишни таъминлаш учун тегишли дастурлар тайёрланади. Шунга мувофиқ бу соҳада меҳнат қилувчилар сони ҳам ошиб боради. Масалан, АҚШда 1880 йилда ахборот соҳаси ишловчилар 5% бўлса, саноат ва қишлоқ



хўжалигида 95% аҳоли меҳнат қилган. Орадан 100 йил ўтиб бу нисбат 45% ва 55% ни ташкил этган. Мамлакатда бундан 50 йил аввал «зиёли»лар сони ишчилар ва фермерлар сонидан ўзиб кетган эди.

Ахборот-техникавий келажак назариётчилари фикрига кўра бу даврда жамиятда бошқариладиган бозор иқтисодиёти амалда бўлади. Бусиз янги цивилизация қарор топиши, саноатлашганлик камчиликларини бартараф этиш мумкин бўлмайди.

Юксак меҳнат унумдорлиги, самарали иқтисодиёт ижтимоий таълимот йўли билан тегишли сиёсат олиб боришни кафолатлайди. «Ҳеч қандай цивилизация, — деб ёзади О. Тоффлер, — барча касб эгаларини бир хил сийламаган ва шундай бўлмоғи лозим. Қишлоқ хўжалиги цивилизацияси ёки биринчи тўлқин муайян сифатлар ва қобилиятлар, айниқса соф мускул кучи учун сийлаган. Саноат цивилизацияси ёки иккинчи тўлқин турли касблар учун ҳақ тўлаган. Учинчи тўлқин цивилизацияси ҳам муайян хусусиятлар ва қобилиятлар учун бошқаларига қараганда яхшироқ ҳақ тўлайди».

Маънавий-маданий соҳадаги туб ўзгаришлар оммавий руҳиятда, таълим тизимида, ҳар бир инсон савиясида ўз ифодасини топмоқда. Одатда бу соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳалар ўзгаришлариға замин тайёрлайди.

Маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар даставвал фаннинг янги рационал кўринишларида ҳаёт ва инсон ҳақидаги тармоғи бўлган биология вужудга келмоқда. Дастлаб микроорганизмларга татбиқан шаклланган ген инженериясида ҳозирги вақтда инсон геноми, ирсийликнинг генетик коди масалалари жиддий ўрганилмоқда. Илмий тадқиқотлар доирасига алоҳида кишиларнинг ўта сезгирлик қобилиятини, биомайдонини ўрганиш киритилмоқда. Инсоннинг имкониятлари, қобилиятлари ва қатор сифатлари тўғрисида янгича қарашлар шаклланмоқда. Янгича нуқтаи назарлар, шунингдек, оламнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятларига, фазовий жараёнларнинг кишилар ҳаёти ва уларнинг уюшганлик даражалари таъсирига оид масалалар бўйича ҳам шаклланмоқда.

Компьютерлаштириш кишилик жамияти динамикасининг навбатдаги йўналиши сифатида маданиятнинг қатор

соҳаларида бўлгани каби санъатда ҳам юксак раванқни тақозо этади. Бу ҳақда цивилизация ривожланиши ушбу босқич назарийчиларидан бўлган Ж. Нэсбитт ва П. Эбурдин санъатни 90-йилларда жаҳон миқёсида ўнта йўналишнинг иккинчиси сифатида кўрсатади. Агар саноатлашган даврда ҳарбийлар бошқаларга намуна бўлса, спорт — метафора (мажоз)ни англаган бўлса, энди алоҳида кишилар, корпорациялар, катта ё кичик шаҳарлар ва ўз тақдирларини санъат асарларидаги шахслар, образлар, ҳаёт услуби таъсирида тобора белгилаб борадилар.

Санъат иқтисодий тушунча мақомида ҳам қаралиши объектив зарурият бўлиб бормоқда. Буни ривожланган мамлакатлар бозорида фойда келтираётган ресурс сифатида музейларга борувчиларнинг тобора кўпайиб боришида ва кўплаб қурилаётган музейлар сонида кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда Буюк Британияда маданият ва санъат соҳаси келтираётган фойда автомобилсозликдаги даражада — ҳар йили ўртача 17 миллиард доллар бўлмоқда.

Маънавий ҳаётда санъатнинг ўрнини, саноатлашган даврнинг стандартлаш йўналишидан фарқли ҳолда, ўз миллийлигини тўла намоён қилиш орқали ва мунтазам халқаро алмашув йўли билан миллатларнинг маданий яқинлашувига ҳисса қўшишида ҳам кўриш мумкин. Зеро, санъатнинг (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, мусиқа, рақс) тили таржимасиз тушунарли бўлганидан бебаҳо умуминсоний алоқа воситасидир.

Маориф соҳасида жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Жумладан, кечаётган фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлигини янада ошириш имконияти яратилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар — АҚШ ва Японияда XXI асрда ялпи олий таълимга ўтиш вазифаси кун тартибига қўйилган.

Сиёсий соҳада ҳам ахборотлашув инқилоби туфайли жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Чунончи, давлат ҳокимияти марказлашганлиги барҳам топиб, унинг ўрнига шахс эркинлиги салмоғи ошиб боради. Натижада ҳар бир фуқаронинг демократик қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этиши таъминланади. Бошқа томондан қараганда давлат марказлашганлигининг кучсизланиши ах-

боротларга эгалик қилиш натижалари билан ҳам боғлиқ. Масалан, ҳозирги кўпгина мамлакатларда давлат ташкилотлари фуқаролар тўғрисида ахборотлар тўплаганки, зарур бўлганда улардан тоталитаризм мақсадларида фойдаланиши мумкин. Яна бир ҳол: давлат ҳокимиятини муайян даражада чеклаш ахборотлардан турмушнинг турли соҳаларида фойдаланиш зарурияти билан ҳам боғлиқ. Иқтисодиёт соҳасидаги ахборотларни тартибга солиш, улардан лозим даражада фойдаланишни сиёсий ҳокимиятни тотал аралашувисиз ҳам бозор муносабатлари ёрдамида йўлга қўйиш мумкин.

Ахборотлашаётган жамият белгилари ташқи сиёсат соҳасида айниқса яққол намоён бўлмоқда. АҚШдан ташқари қатор мамлакатлар, жумладан, Хитой, Япония, Германия, Россия жаҳон миқёсида мустақил етакчи ўринга даъвогарлик қилмоқда. Айни вақтда минтақалараро иттифоқларнинг (масалан, Фарбий Европа, Шимолий Америка) ўрни кучаймоқда. Шунингдек, халқаро ташкилотларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Албатта, ахборотлашган-техникавий цивилизациянинг қарор топиши кўплаб номаълум жиҳатларга ҳам эга. Уни тушунтирадиган таълимотларда утопиялар ҳиссаси кичкина эмас.

#### 4-§. XXI асрда ахборот-психологик таҳдид

«Ахборот» тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этмоқда. У инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсоният ҳаётини ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди.

Аслини олганда ахборот тушунчаси дунёқарашни ифодалайдиган барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани «алоқа» ва «бошқарув» тушунчалари билан бирга кенг қўлланилишига олиб келди.

Ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, уни автоматлаштириш усулларининг шиддат билан ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилишига ва кишилиқ

ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда ғоятда тезкорлик билан ўсиб бораётган «Ахборотли жамият» назариясини майдонга келтирди.

Компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қуйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараққиёти бугун жиддий ташвишлар ҳам туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессорида 80–100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг ана шундай муъжизаси туфайли хоҳлаган киши Ер юзининг хоҳлаган нуқтасидаги одам билан сонияларда алоқа урнатиши, муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон фаолиятини, тафаккур тарзини, ахлоқий меъёрларини, оламга муносабатларини, яхлит олганда эса янги юз йилликдаги инсоният ҳаёти ва тақдирини ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, информацион-психологик уруш қиёфасида ўзини намоён этмоқда.

Инсониятнинг келажакдаги тақдирини ва истиқболи хусусида ўйлар эканмиз, ахборот технологияси моҳияти, унинг тараққиёти, инсон ва инсоният ҳаётига таъсир ўтказиши омилларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Булар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, инсон фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўлга қўйиш, йўналтириш. Умумманфаат атрофида бирлаштириш, жамоа ва жамият ишига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инсоният ҳаётини сақлашда масъуллиқ, унинг тақдирини тақдирдошлиқ ҳиссини шакллантириш.

Иккинчидан, турли феъл-атворга, табиатга эга бўлган, ўз манфаати устуворлигига интилаётган сиёсий субъектлар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш. Уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтиш, давлатлараро ва минтақалараро муносабатларда бир-бирдан қочиш

эмас, бир-бирига ингилиш кайфиятини яратиш, жаҳон муаммоларини ҳал этишда соғлом ғояларга тан бериш руҳиятини шакллантириш.

Учинчидан, фан-техника тараққиёти жадал ривожланаётган бир пайтда унинг кенг имкониятларини умумий тараққиёт йўлига сафарбар этиш кайфиятининг устуворлигини таъминлаш. Акс ҳолда ғайриахлоқий ва ғайриинсоний кайфиятдаги кимсалар қудратли технологияларни жамият тараққиётига зид бўлган ғоят хатарли мақсадни амалга оширишга ишлатиши мумкин. Бу, айниқса, халқаро терроризм, наркобизнес, диний экстремизм сингари глобал фожиаларни бошқаришда, давлатлараро иқтисодий муносабатларни чалкаштиришда, банк, молия-кредит тизимини издан чиқаришда қўл келади.

Туртинчидан, ахборот технологиясининг беқиёс имкониятларини, улкан қудратини тўла-тўқис инсон ҳаётига татбиқ этиш, инсон тақдирига хизмат қилдиришни таъминлайдиган энг замонавий ва самарали бошқарув механизминини иқтисодий, ижтимоий, маънавий, руҳий ва сиёсий соҳаларда юксак маданият билан унумли фойдаланиш асосида ташкил этиш.

Тигиз ахборотлашган жамиятда «шахс – жамият – давлат» алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бирмунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобиди яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият курсатади. Ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан «шахс — жамият — давлат» мутаносиблигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг роли яна ҳам ошади.

Умуман олганда ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги, инсоният тақдирига дахлдорлиги нимада? Ана шундай савол туғилишининг ўзи муаммонинг долзарблигини ва ута кескинлигини кўрсатади. Бизнингча, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, ахборот-психологик хавфсизлик — бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало, бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

**Иккинчидан**, ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар.

**Учинчидан**, тигиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказиши. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланишига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамиятнинг тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар.

**Тўртинчидан**, ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдала-

ниш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади.

**Бешинчидан**, мазкур атаманинг моҳияти шундаки, у инсон, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб кетиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдири билан боғлиқ бўлган глобал масалаларни ҳам қамраб оладик, натижада ҳозиргача мавжуд бўлган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси ёки аксинча, энг ташаббускори бўлиб қолиши муқаррар. Бу ҳолатни халқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бундай пайтда кўпроқ анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Яъни шарқона муносабатлар илми (Ислом Каримов), мулоҳазалилик, мушоҳадалилик, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга ақл-идрок йўриги билан ёндашиш тамойили устувор бўлмоғи лозим.

Ахборот сиёсатини тифиз ахборотлашган жамият шаклланаётган бир пайтга ҳозирги замонавий талаблардан келиб чиқиб янгилаш, модернизациялаш зарур.

Ахборот орқали юзага келадиган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизминини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демак, таҳдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

**Олтинчидан**, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йулида унумли фойдаланиш, уни бош-

қариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда ахборот-психологик хавфсизлик — бу бевосита сиёсий мөжароеларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул услубини топишни, бевосита ҳокимият ва унга ишончли, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар яқдиллигини, маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тигиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти



шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимлари шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унда хизмат қиладиган ахборот олувчи, сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига ва энг муҳими, фуқаролик позициясига, жамият ишига дахлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи — миллатпарварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси!

Албатта, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос асослари бор. Булар:

**биринчидан**, ташкилий-техник жиҳатдан таъминланганлик, замонавий техника ва технологиялар билан етарли даражада қуролланиш;

**иккинчидан**, мустақкам моддий-молиявий асосларга эга бўлиш, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган соҳа ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш;

**учинчидан**, замонавий ахборот технологияларини бошқарадиган, ундан самарали фойдалана оладиган, замонавий билимларга эга бўлган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган қобилиятли кадрларни тайёрлаш.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тигиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, Ер шари аҳолиси кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи. Халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муносабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижти-

мойи-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган муъжизакор ҳодиса.

Бироқ цивилизациянинг ана шундай улкан, кенг миқёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланяпти? Уни беқиёс ва қудратли кучини нималарга ишлатяпти? — деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда.

Умуман олганда инсоният тафаккури кенгайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашгани сайин инсоният ўзининг буюк яратувчилик қудратини намоён этмоқда. Шу билан бирга ўзини боши берк, кучага олиб кириб қўядиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истиқболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда.

Инсоният ёзув ихтиро қилингунга қадар тахминан уч миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевиденияга эга бўлди. Анъанавий эшитув-қўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вақт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожини билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади.

Компьютерларнинг юзага келиши бутун Ер шарини ягона ахборот маконига айлангирдики, натижада ҳар бир мамлакат тақдири билан ҳам, бутун дунё тақдири билан боғлиқ бўлган воқелик юзага келди.

Бугун Ўзбекистон ана шу ягона ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Бироқ бу жараён бир қатор муаммолардан ҳам холи

эмас. Жумладан, жаҳон ахборот тизимидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, интернет тизимининг кенг ривожланмаганлиги, ундан самарали фойдаланиш даражасининг етарли эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу бево-сита ахборот бозоридан фойдаланаётганда қандай ахборотларни қабул қилиш, қандай ахборотлардан фойдаланиш борасидаги маънавий салоҳиятни ҳам тақозо этмоқда. Чунки бозорнинг оддий ҳақиқати шундаки, ҳар ким топганини савдога чиқаради. Сифати, мазаси, ранги, таъми ёки фойдаси жиҳатидан танлаш харидорнинг ихтиёрида. Ана шу ҳаётий қонуният нуқтаи назаридан қараганимизда жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни, турмуш тарзимизни камситадиган ахборотлар ҳам хуруж қилмоқда, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усулларини қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан**, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролдан келиб чиқиб, жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

**Иккинчидан**, статистик йўналиш. Кўп миллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият курсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можаролар-

ни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар манбаларини ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб-китобларга, таҳлилий ечимларга эга бўлиш.

**Учинчидан**, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаетган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти — ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

**Туртинчидан**, мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий-таҳлилий, назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тифиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи, унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб қолди.

**Бешинчидан**, ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устуворлиги. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан «маҳсулот» танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш.

Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 15 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётдан далолат беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон жаҳон ахборот тизими-

дан фойдаланишнинг энг замонавий ва тезкор технологиясини жорий этди. Бу нафақат давлат ва ҳокимиятнинг, расмий идораларнинг, балки нодавлат-нотижорат ташкилотлар, ҳатто, алоҳида фуқароларнинг дунё ахборот бозорига бемалол кириши ва ундан бемалол фойдаланиши имконини беради.

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланмоғини ва унга қарши кучли механизмни яратишни тақозо этади. Бунда давлат ахборот сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, Ўзбекистонда ахборот тизими, уни бошқариш, ундан фойдаланиш борасида қатор қонунлар бор. Жумладан, ахборот олиш кафолатлари, электрон почта, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ, булар етарли эмас. Чунончи, замонавий ахборот технологиялари тобора такомиллашиб, ривожланиб, ахборот олиш, сақлаш, уни ишлаш ва тарқатишнинг шакллари, усуллари, услублари тобора кенгайиб бормоқдаки, бу бутун кўлами билан амалдаги қонунларда ўз ифодасини топмаган.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўзбекистонда ҳозирги мавжуд ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий ахборот хуружига ва унинг шиддатига дош беролмайди. Аниқроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот тарқатувчи манба мақсадини етарли даражада баҳолай билмайди. Натижада ахборот бозорида мавжуд бўлган асосли, жиддий, фикрлашга чақирадиган, тараққиётга ёрдам берадиган ахборотларни етарлича қабул қила олмайди. Аксинча, енгил-елпи, шов-шувли, ҳаётимиздаги мавжуд ўткинчи камчилик ва нуқсонларни бўрттириб кўтариб чиққан хабарларга берилиб кетади. Уларни тез қабул қилади. Натижада жамиятда ялпи ўртача кайфият, озурда руҳият пайдо бўлишига имконият яратилади. Бундай вазиятда миллий ахборот тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини ошириш зарур бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

— Оммавий ахборот воситаларида ҳозиргача шаклланган тил, услуб ва ифода усулини ўзгартириш лозим. Жозибадор, айна пайтда ҳаётга яқин, энг оддий фуқаро қалби ва руҳиятига мос келадиган халқчил ифода усулини шакллантириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ахборот маконини ҳаётга, одамларга, уларнинг кундалик ташвишу иштиробларига, янгиланаётган жамият муаммоларига юксак маҳорат билан мослаштириш керак.

— Жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини ахборот воситаларига қизиқишини орттириш йўли билан ахборот орқали юзага келадиган руҳий танглик, маънавий озурдалик, бошқача қилиб айтганда, бузғунчи гоёларга эргашиш кайфиятининг оммалашиб кетишига чек қўйиш лозим. Гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг устуворлигига эришмоқ керак.

— Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари — жамоат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар сўзи ва фикрининг таъсирчанлигини ошириш керак. Токи ҳар қандай умумманфаат ва умумтараққиёт йўлида айтиладиган сўз ҳар бир тингловчи қалбига кирсин, онгига сингсин. Уни рағбатлантирсин, руҳлантирсин, миллий якдилликка, миллий бирликка даъват этсин.

Албатта, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўллари билан бири тўғридан-тўғри ҳар қандай бузғунчи гоёларга, жамоатчилик фикрини бузадиган хабарларга асосли тарзда қарши тура билиш. Иккинчи томондан, айна ана шу қарши тарғибот механизмининг самарали бошқаришни таъминлаш.

Ҳозирги замон ахборот тизимида шундай ҳодисалар мавжудки, унга қарши чиқиш у ёқда турсин, уни бошқариш, тартибга солиш ҳам мумкин бўлмай қолмоқда. Демак, бундай шароитда энг мақбул ва самарали усулларни ишлаб чиқиш зарур. Жумладан:

**Биринчидан**, жамоатчилик фикрини ўзгартираётган, чалғитаётган вайронкор ахборотлар ташқаридан, ўзига хос ҳимоя қалқонига эга бўлган маконлардан келадиганлигини назарда тутиб, ахборот тарқатиш борасидаги можароларга йўл қўймай, уларга юксак сиёсий ва касбий мада-

ният орқали ёндашиш, бефарқлик, сукут сақлаш кайфиятига барҳам бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ ҳолдаги тарғиботчилик имкониятимизни намоён этиш йўлидан бориш.

**Иккинчидан**, шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши уз вақтида, мулжални аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан сиёсий вазминлик ва босиқлик, айна пайтда кучли таъсир ўтказиш усулларини ўзлаштирмақ лозим.

Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда айна ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда конфликтоген жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва ҳужумкор ахборотлар мақсади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик туғри урганилса, уларга шунчалик туғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

XXI ас цивилизацияси оқибатида инсоният ҳаёти ахборот-психологик таҳдид кучаётган жараёни бошдан кечирмоқда. Бу, айниқса, ривожланиш йўлига чиқиб олган Ўзбекистондай ёш мустақил давлатларга кучли салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки ҳар қандай асоссиз, бузғунчи ғоя ўтиш даврига хос бўлган жузъий камчиликлар ва ўткинчи ижтимоий-иқтисодий нуқсонларни бўрттириб кўрсатиб, жамоатчилик фикрини чалғитиши, унинг истиқболга ишончини сусайтириб юбориши мумкин. Зотан, бугун жаҳон сиёсати тобора маданийлашиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар инсонийлашиб, давлатлараро манфаатлар устуворлиги юмшаб бораётган бир пайтда оммавий қирғин қуролларида фойдаланиш, термоядро хавфини кучайтириш, атом, водород, турли биологик, бактериологик ва кимёвий аслаҳалардан фойдаланиш ибтидоий ҳодисага айланиб қолди.

Миллатларни йўқ қилиш, уларнинг илдизини қирқиб ташлаш, миллий хусусиятлари, анъаналари ва урф-одатларини барбод этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациявий ҳодисага айланди. Бундай мақсадни амалга оширишда ахборот тизимидан фойдаланиш кенг авж олиб

бормоқда. Мустақил Ўзбекистон эса ана шу жараёнда ўзининг янгидан-янги имкониятларини, ақлий салоҳиятини, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини намоён этмоқда. Бироқ бу етарли эмас. Аниқ натижаларга эришиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- инсоннинг шахс ва фуқаро сифатидаги имкониятларини рўёбга чиқариш ва уни шакллантириш;

- инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини шакллантириш;

- алоҳида одамлар, гуруҳлар, қатламлараро муносабатларни яна ҳам барқарорлаштириш;

- жамоалар бирлигини, умумий хонадон – яхлит мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш;

- миллатидан ва диний эътиқодидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир шахснинг келажак учун масъуллигини таъминлаш;

- келиб чиқиши мумкин бўлган можаролар, келишмовчиликлар асосларини, йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш.

Ана шу тарзда, албатта, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг Ўзбекистон тажрибаси такомиллашиб бормоқда. Бу бевосита ахборот хуружи авж олаётган, ахборот тарқатиш технологиялари тобора такомиллашиб, унинг усул ва услублари янгиланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон айна ана шу цивилизациявий жараённинг энг самарали, энг инсонпарвар усулларидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш имкониятларини қидирмоқда.

## 5-§. Маданиятлараро интеграция: тажриба ва муаммо

XXI аср инсоният тарихининг янги даврини очмоқда. Зотан, янги юз йиллик ва янги минг йилликда жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари кескин ўзгараётган ва инсон тафаккури бутунлай янгиланаётган, манфаатлар умумийлиги юз бераётган бир даврни бошдан кечиряпмиз. Дарҳақиқат, бугунги дунё бир халқ, мамлакат ўз ҳудуди доирасидагина яшаш билан чекланмайди. Аксинча, дунё халқла-



рини манфаатлар муштараклиги бирлаштирмоқда. Ҳар қандай «хусусий» муаммо барча учун бирдай тегишлилик моҳиятини касб этмоқда. Умумий тақдир ва умумий истиқбол тушунчалари тобора чуқурлашиб бормоқда.

Глобал моҳиятга эга бўлаётган ғоят залварли масалалар кўпайиб бормоқда. У инсоният тарихи ва тақдирига, бугуни ва истиқболга жиддий таъсир этмоқда. Айни ана шу муаммолар табиатини, моҳиятини қанчалик чуқур тушунсак, маънавий оғриқ, руҳий озурдалик шунчалик катта таҳдид солаётганини яна ҳам чуқурроқ ҳис этамиз. Оммавий ахборот воситалари мазкур муаммоларни шу даражада кўп тарғиб этмоқдаки, бу баъзан ғоят фожиали, зиддиятли вазиятни вужудга келтирмоқда.

Хилма-хил далиллар ва рақамлар атрофидаги мулоҳазалар, таҳлиллар, тадқиқотлар йўналишлари тобора кўпайиб бормоқда. Кўнгилларни ғаш қилиб, руҳимизга озурдалик келтирадиган «башорат»лар ва янги технологик изланишлар шу даражада авж олиб кетдики, бу бевосита Ер шари тақдири ва инсоният истиқболи билан боғлиқлик ҳиссини, дахлдорлик туйғусини яна ҳам кучайтирмоқда.

Ана шундай тиғиз ва шиддатли бир шароитда инсоннинг энг яқин ва ишончли ҳимоячиси — маданият ва маънавиятга эҳтиёж яна ҳам кўпроқ ортади. Биз ташқи олам, атроф-муҳит ва ижтимоий ҳаётдаги муаммолар ҳақида қанчалик чуқур ўйласак, унинг асосида инсон моҳияти, қадрияти ётганини шунчалик кўпроқ тушунамиз. Балки глобал муаммолар таҳдиди бизни қайсидир даражада чалғитиб қўяр. Бироқ ҳар қандай муаммо, ҳар қандай таҳдид инсон маънавияти, ички иродаси, руҳий қуввати орқалигина ўзи ечимини топиши мумкин.

Инсон икки олам кесишган нуқтада яшайди. У ташқи дунё, табиат ва ҳаёт сарвари, айни пайтда ўз ички оламининг буткул итоаткоридир. Айни ана шу ички олам, туйғу ва руҳ ташқи олам моҳиятини, мазмунини ва истиқболини белгилайди. Муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, оила, турмуш, кундалик ҳаёт эҳтиёжлари ва муаммолари, атроф-муҳитдаги барча яхшилик ва ёмонликлар кишилик жамияти тараққиётига ўз таъсирини ўтказди. Демак, инсон олами ташқи оламининг кўзгуси ва айни пайтда ин-

соннинг жамиятдаги урни, ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган ноёб қадрият. Худди ана шу оламда инсоннинг маънавий-руҳий имкониятлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, илҳоми ва ижодкорлик туйғулари яшайдики, бу ташқи оламни узгартиришга, ҳаётни ҳар қандай шароитда ҳам тартибга солишга қодир бўлган қудратли кучдир.

Инсоният яратган бой маданий қадриятлар, жумладан, кишилик тарихи шундан далолат берадики, маданиятнинг умри бир инсон умридан анча узун ва, ҳатто, чексиздир. У инсоният ибтидоси ва интиҳосини ўзида мужассам этади. Бугун биз Миср, Рим, Самарқанд, Бухоро, Хива деганда ана шу улкан ва ўлмас маданиятнинг нақадар барҳаётлигига, яшовчанлигига, келгуси авлодларга ғоят кучли маънавий таъсир ўтказишига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки айни улар туфайли тарих сақланмоқда, утмиш яшамоқда. Улар ажодларимизнинг буюк тараққиёт даврларидан, ўзига хос цивилизациясидан хабар бераётгани каби қулоғимиз остида ажлодлар руҳининг кўнғироқлари эшитилиб туради, қалбимизга ҳарорат, жисмимизга қудрат бахш этади, истиқболга даъват этади.

Албатта, ҳар қандай шароитда ҳам фан, маданият, санъат фақат озод шароитдагина ривожланади. Ижодий жараён авж олади. Демократия сўз ва фикр эркинлиги орқали намоён бўлади. Ҳозирги замон жаҳон маданияти эса яхлит инсоният руҳи озодлигининг ноёб мўъжизаси сифатида юзага келмоқда. Зотан, руҳнинг қудрати озодликда!

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократия ва сўз эркинлигига эҳтиёж қанча кучайса, худди ана шу демократия ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, уни бошқариб турадиган демократия маданиятига, сўз ва фикрни эркин ифодалаш ахлоқига эга бўлишга ҳам катта эҳтиёж туғилади. Бу ялпи халқ ва жамиятнинг сиёсий маданиятига, онглилик даражасига боғлиқ бўлган жиддий ва айни пайтда мураккаб масала.

Кишилик жамияти тарихи XX асрдаги сингари фавқулодда ҳолатларга, тўқнашувларга ва зиддиятларга дуч келмаган. Айни ана шу ҳодиса янги юз йиллик тақдири-ни, моҳиятини белгилайдиган омилга айланди. Сиёсий

тафаккур, ижтимоий фалсафа, уруш ва тинчлик ҳақидаги ғоялар ривожлангани сари инсоният тобора таҳдид гирдобига тушмоқда. Халқлар, миллатлар энди бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшаш (Ислом Каримов) эҳтиёж эканлигини тушуниб бормоқда. Ана шу англаш жараёнининг узи бу қадимий маконда умумсайёравий маданият даражасининг ошйиб, маданий тушунчаларнинг кенгайиб бораётганидан далолат беради. Уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтиш зарурат эканлиги тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Ана шу жараёнда жамият ҳаётида дахлдорлик туйғуси, яъни халқлар ва миллатларнинг маданиятлар орқали ўзаро яқинлашиши жараёнлари тобора фаоллашмоқда. Жараённинг ижобий томони шундаки, маданиятлараро яқинлашув, маданиятлараро интеграция халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш даражасининг ошишига олиб келади.

Аслини олганда ҳар бир миллат ёки элат умумсайёравий маданиятга ўзига хос ҳиссасини қўшади. Шу билан бирга ҳар бир миллий маданият ўз тарихий илдиэларига таяниб, унинг сарчашмаларидан баҳра олиб, умумтарихий тажрибалар билан озикланган ҳолда бойиб боради.

Ҳар қандай маданият ўз миллий хусусиятларига, миллий манбаларига, тарихий тажрибалар ва жараёнлар асосида шаклланган қиёфасига эга. Бироқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг тобора шиддат билан умумсайёравий моҳият касб этаётганлиги сабабли гуё умуминсоний маданият дунёга келаётгандай туюлади. Аслида эса миллий маданият ўз моҳиятини йўқотмоқда, «чатиштирилган», сунъийлаштирилган ҳолатдаги мажруҳ қиёфага кирмоқда. Бундай «бедаво»ликдан қутулишда эса фақат ва фақат миллий тафаккур, миллий онг, миллий руҳ алоҳида аҳамият касб этади. Айни ана шу муҳим учлик устувор бўлган шароитдагина миллий ва маънавий халоскорлик туйғуси, ўз миллий қадриятларини ҳимоя қилиш иммунитет кучаяди ва у ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг куч-қудратини намоён этмоғини ҳаёт тақозо этмоқда.

Бир қарашда ўз миллий қадриятлари, анъаналари ва маданиятини зўр бериб ҳимоя қилиш кишига худди шовинизм, национализм ва ирқчилик каби салбий ҳолатдай

туюлади. Иккинчи томондан эса умуминсоний маданият тушунчасининг тобора кенгайиб бораётгани миллатлар ва элатлар ўзига хослигининг йўқолишига олиб келмоқда.

Бугунги дунёни фақат ўзаро соғлом мулоқот, ўзаро бир-бирини тўғри тушуниш маданияти асраши мумкин. Худди ана шу мулоқот — бир-бирини эшитиш ва тушуниш маданияти инсон ҳаётини уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтказадиган ғоятда мураккаб ва айни пайтда эҳтиёжга айланган тарихий ҳодисадир. Ғоятда кучли қурол-яроғлар, ҳарбий аслаҳалар ва ҳарбий қудрат билан зўравонлик қилиш, қолаверса, буюк давлатчилик шовинизми таҳдиди ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назаридан ибтидоий ҳодисага айланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёда Ер шарини ўз ўқи атрофидан чиқариб юборишга қодир бўлган қудратли ҳарбий аслаҳалар мавжуд. Бироқ ундан фойдаланиш мантиқдан анча йироқдир. Чунки соғлом фикрли ҳар қандай киши бунга йўл қўймайди. Йўл қўйган тақдирда ўзи ҳам-тирик қолмайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда уруш ва тинчлик сингари глобал муаммони фақат соғлом ақл, соғлом идрок ва заковат орқали ҳал этишни давр тақозо этмоқда.

Давлатлараро, минтақалараро можароларнинг юзага келиши айни сиёсий маданият муаммосини яна ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Бу долзарблик ўз-ўзидан юксак маданиятни тақозо этадики, маданият бор жойда очиқлик, қалбан ва руҳан яқинлик, ўзаро бир-бирини тушуниш тўйгулари яшайди. Демак, тинчлик маданияти бу бевосита маданиятлар мулоқоти, ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш кўзгусидир. Бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро яқинлашиш орқали умумсайёравий маданият вужудга келишига олиб келади. Бу, албатта, уруш ва тинчлик йўналишидаги маданий ҳодиса. Лекин яна бир йўналиш борки, бу бевосита ҳар бир халқ, ҳар бир элатнинг ўзига хослиги билан, тарихий маданий мероси ва маънавий қадриятлари билан боғлиқ бўлган жараён.

Ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан ҳар қандай миллий маданият турли халқлар маданияти билан мулоқот қилишга қодир бўлмоғи лозим. Ана шу мулоқот жараёнида бир маданият иккинчи бир маданиятга ҳам ўз

таъсирини ўтказди, ҳам ўзи бойийди. Бошқача қилиб айтганда, ўз маданий қобигидан чиқмаслик, ҳар қандай маданиятга қарши туриш ожизлик ва нотавонликдир, бугунги цивилизация ютуқларидан орқада қолиш каби қоқликдир. Бошқа бир маданиятга қўшилиб кетиш эса миллий таназзулдан бошқа нарса эмас. Бу миллатнинг инқирози билан тенг бўлган фожиа. Ана шундай мураккаб, зиддиятли бир шароитда ўзаро таъсир ва эргашиш туйғуси меъёр доирасида бўлмоғи лозим.

Ривожланган давлатлар, катта халқлар маданиятидан ўзини кўр-кўрона асраш, фақат ўз миллий анъаналарига таяниш, ўз олами ичида яшаш миллий биқикликка, миллий маҳдудликка олиб келса, жаҳон маданиятига, замонавий цивилизацияга керагидан ортиқча ружу қилиш ундан ҳам оғирроқ оқибатларга олиб келади. Демак, ҳар қандай маданий таъсир меъёрларини англаш, тажовуздан ўзини ўзи асраш омилларини топиш лозим.

Маданиятлараро интеграция дунёни янгилашга, инсоният тафаккурини бойитишга, унинг маданий савиясини оширишга катта хизмат қиладиган улкан ижтимоий-тарихий ҳодиса. Биз жаҳон цивилизациясидан ортда қолмаслигимиз керак. Ҳеч бўлмаганда у билан баробар юришимиз, унинг ютуқларидан фойдалана олишимиз зарур ва, ҳатто, ўз ютуқларимиз билан замонавий цивилизация тажрибаларини бойитишга интиломимиз лозим. Бироқ, бундан миллий хусусиятларимизга, анъаналаримизга, турмуш тарзимизга зид бўлган маданиятни олиб кириш мумкин деган фикрга бормаслигимиз керак.

Маданиятнинг миллий ўзига хослиги бу маълум бир миллатнинг моҳияти, қиёфаси, унинг асрлар қаъридан етиб келган қадриятидир. Миллий маданият тушунчаси орқали биз асрлар синовидан ўтган, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирган ва айни пайтда ҳозирги замон маданий тажрибалар асосида ўзини бойитиб бораётган, унинг янгидан-янги қирраларини кўрсатаётган жараёни тушунамиз. Бу бевоқиф миллий онг, миллий тафаккур тарзи билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли воқелик. Айни ана шу ҳар бир миллат ва халқнинг миллий онглик даражаси ўша миллат ёки халқнинг цивилизациялашганлик даражасини кўрсатади.

Маданиятлараро интеграция авж олаётган ҳозирги даврда масаланинг ижобий ва салбий томонлари кузга яққол ташланмоқда. Жумладан:

**Биринчидан**, катта халқлар маданияти цивилизация рамзи сифатида кичик халқлар маданиятининг ривожланишига, уларнинг тараққий топишига, жаҳон цивилизациясига яқинлашишига ёрдам бермоқда. Бу албатта, ҳар қандай миллий маданият ўз эҳтиёжи нуқтаи назаридан жаҳон маданиятига интилиши орқали унинг энг самарали, ижобий жиҳатларини қабул қилиб, салбий томонларини қабул қилмаслик каби ута нозик, катта миллий маданиятни, маърифатни ва табиий равишда ахлоқни тақозо этади.

**Иккинчидан**, катта халқлар маданияти кичик халқлар маданиятини ютиб юбормоқда. Уларга кучли таъсир ўтказиб, ўзига хослигини, миллий хусусиятларини, қадриятга айланган урф-одатлар ва анъаналарини шафқатсизлик билан поймол этмоқда.

**Учинчидан**, кичик халқлар, жумладан, ривожланиш йўлига чиқаётган мамлакатлар жаҳон тараққиётидан орқада қолмаслик учун унинг ютуқларини ўзлаштириш йўлидан бориши табиий. Ўз-ўзидан бундай халқлар учун жаҳон маданиятига интилиш ҳисси кучли бўлади. У қондириш қийин бўлган эҳтиёжга айланади. Жаҳон цивилизацияси ютуқларига кўр-кўрона ёндашиш оқибатида эса миллий ўзига хослик йўқолиб, маданий-маърифий инқирозга юз тутиши мумкин. Бундай ҳолатни бир неча шаклларда куриш мумкин:

**Сиёсий соҳада.** Уруш ва тинчлик муаммоси доимий ва ҳамиша долзарб бўлган масалалардан бири. Дунёни термоядро хавфидан қутқариш, халқлар ва давлатлар ўртасида муътадил иқлимни вужудга келтириш, диний экстремизм, фанатизм, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотик моддаларнинг тарқалишига чек қўйиш сингари глобал муаммоларни ҳал этишда, минтақавий можароларни бартараф этишда юксак сиёсий маданият, уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтиш жараёнида ўзига хос мунозаралар ва музокаралар маданиятини йўлга қўйиш XXI асрнинг оғриқли масалаларидан ҳисобланади. Ушбу глобал

масалалар юзасидан гапирар экан, Президент Ислом Каримов мустақиллигимизнинг иккинчи йилидаёқ БМТнинг 48-сессиясида сўзлаган нутқида «Дунё можароларини ҳал этишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш зарур» деган фикрни билдирган эди. Бу билан нотик буюк давлатчилик шовинизми, катта давлатларнинг кичик давлатларга тазйиқи, зуравонлик иллатларига барҳам бериш, дунё муаммоларини ҳал этишда ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буришда музокаралар йўлини танлаш, ҳар қандай можароли масалаларни ақл-идрок, юксак сиёсий тафаккур ва маданият орқали ҳал этиш зарурлигини кўрсатган эди. Бу билан Ўзбекистон раҳбари сиёсий майдонда давлатимизнинг шарқона ахлоқ, шарқона одоб ва шарқона муносабатлар маданияти орқали ўз сиёсий маданиятини намоён этган эди.

**Диний соҳада.** Жаҳон динларининг узаро интеграцияси ўз ақидалари, диний қоидалари ва ҳуқуқий меъёрлари нуқтаи назаридан фаолият юритган ҳолда дунёвий масалалар ечимини топишда умуминсоний қадриятлар орқали ёндашишни тақозо этади. Динларнинг бир-бирини инкор этиши, камситиши, бир диннинг бошқа бир дин устидан ҳукмронлик қилиши сингари иллатларга барҳам беришни, масалага диний қарашлар ва эътиқодлар турлича бўлгани билан Аллоҳ ягона эканлиги жиҳатидан ёндашишни талаб қилади. Демак, Аллоҳга интилиш, яқинлашиш йўли хилма-хил, унга ёндошиш усуллари турли-туман бўлиши мумкин. Бироқ Яратганнинг ўзи ягонадир!

**Иқтисодий соҳада.** Биринчидан, жаҳон бозорининг тобора кенгайиб бораётганлиги, ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш технологияларининг дунёни забт этаётганлиги, ривожланиш йўлига чиққан давлатларнинг илғор технологияларга эҳтиёжининг ошиб бораётганлиги иқтисодий қарам сиёсатнинг вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим. Тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, давлатларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳар томонлама алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, кичик давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш каби ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий камолотни тақозо этади.

Иккинчидан, маданиятларнинг ўзаро таъсири кишилик жамияти моҳиятини ҳам бирмунча ўзгартирмақда. Ривожланган давлатлар замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиш йўлига чиқиб олаётган давлатларга кириб келаётгани фақатгина ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эмас. У айти пайтда одамлар тасавури ва тафаккурини ўзгартириб юборадиган, янгича қарашларни келтириб чиқарадиган воқелик. Бу ялпи жаҳон ишлаб чиқариш майдонининг вужудга келаётганидан, ҳамма учун умумий бўлган улкан «хонадон» шаклланаётганидан далолат беради. Шу билан бирга анъанавий маданият билан жаҳон маданияти уйғунлашиб бораётганини ҳам кўрсатади. Демак, ҳаётимизга илғор технологиялар билан бирга янгича қарашлар ва ўзига хос маданият ҳам кириб келадики, уларнинг таъсирида миллий маданиятлар маълум даражада ўз қиёфасини ва мазмунини ўзгартириши мумкин бўлмоқда.

Инсоният тарихи бундай ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ. Дейлик, Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга темир йўл тизimini олиб кириши ҳар қандай мақсадлардан қатъи назар цивилизациявий воқелик эди. Чунки, дунёни фақат кўқон аравадан иборат деб тушунган халқ учун иккита тасма темир устида узундан-узоқ ҳайбатли нарсанинг пишқириб юриши ҳайратомуз ҳодиса эди.

Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам бор эди.

Биринчидан, Туркистондан қимматбаҳо хом ашёни осон йўл билан самарали тарзда ташиб кетиш, текин бойлик орттириш мақсади устуворлик қилар эди. Иккинчидан, Туркистонга тула эгалик қилиш мақсад-иддаолари билан юз минглаб насронийлар кучириб келинди. Натижада миллий қадриятларимиз, маънавий-ахлоқий мезонларимиз поймол этилди. Аста-секинлик билан чоризм «цивилизацияси» миллий турмуш тарзимизда фаҳш ва ичкиликбозликни кўникамага айлантирди. Миллат ўзлигидан мосуво қилинди. Бу миллий дунёқараш ва миллий тафаккурни тубдан ўзгартирди.

Ижтимоий соҳада давлатлараро ҳамкорлик, ривожланаётган мамлакатларга беғараз ёрдам бериш энг аввало беғаразлик моҳиятини ёрқин намоён этмоғи лозим. Турли кўпоровчилик ҳаракатлари, манфаатлар устуворлиги,



ижтимоий ёрдам ниқобидаги бузгунчилик кайфиятларидан холи бўлган чинакам дўстлик ва соғлом манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилмоғи керак.

Маданиятлараро интеграция энг аввало маънавий-ахлоқий ва маърифий мезонлар, умуминсоний қадриятлар ўлчовлари ва тан олинган меъёрлар асосида қурилмоғи лозим. Акс ҳолда катта халқлар руҳиятида миллий худбинлик, миллий калондимоғлик, миллий манманлик ва аста-секинлик билан дунё маданиятига эгалик иллатлари хурж қилиши мумкин. Бу айти пайтда ўзининг айрим салбий жиҳатларини намоён этмоқда. Хусусан, ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назаридан кичик халқлар ва давлатларни уруш, қон тўкиш йўли билан эмас, аста-секинлик билан, босқичма-босқич миллий ўзлигидан айирриш, миллий анъаналарига ва урф-одатларига зарба бериб, уларнинг тарихий илдизларини қирқиш, дунёни омонат ва қалқиб турган бир ҳолатга келтириш тенденцияси устуворлик қилмоқда. Бунга жаҳон ахборот бозорининг тобора кенгайиб бораётганлиги, хусусан, интернет тизимининг ривожланиб бораётганлиги бир жиҳатдан ҳозирги замон цивилизациясининг нодир ва мўъжизакор ютуғи бўлса-да, иккинчи томондан бузгунчи ғоялар, тажовузкор мафкуралар осонлик билан кириб келишига йўл очиб бераётган, ўз тарихи ва маданиятига эга бўлган халқлар ва миллатларнинг фикрини чалғитаётган қудратли воситага айланмоқда.

Албатта, жаҳон ахборот майдонидан ажралган ҳолда, ҳозирги замон тараққиёти намуналаридан хабарсиз равишда миллий қобикда қолиб кетиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳолат ҳар қандай халқни миллий маҳдудликка, ўз қобиғида қолиб кетишига ва жаҳон тараққиётидан орқада қолишига олиб келиши муқаррар. Бироқ ана шундай мураккаб ғоялар кураши, мафкуралар қарама-қаршилиги, бетайин ва енгилтак ахборотлар хуружи авж олган бир пайтда ҳар бир киши умуммиллий тараққиётга хизмат қиладиган, миллий маданият ривожига кўмак берадиган ахборотларнигина қабул қилиши зарур бўлиб қолмоқда. Бу ҳар бир фуқаронинг катта маънавий ва маърифий савиясига, ахлоқий камолот даражасига, мамлакат ва мил-

лат тараққиёти учун жавобгарлик туйғусининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги дунё миллатлар ва халқларнинг Ер шарининг қайси ҳудудида яшаётганидан қатъи назар бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшашини тақозо этмоқда. Бироқ ана шу узаро бир-бирига яқинлашиш энг аввало бир-бирини тушунишдан, бир-бирини қадрлашдан, умумдунёвий манфаатлар атрофида бирлашишдан ва энг муҳими, инсон бебаҳо қадрият эканлигини тушуниш, тан олиш ва уни асраш учун жавобгар эканлигини ҳис қилишдан иборатдир.

Турли давлатларнинг сармоядорлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ривожланаётган мамлакатларга кенг миқёсли ёрдам беришмоқда, ҳомийлик қилишмоқда. Бу ижобий ҳодиса. Бироқ айрим ҳолатларда моддий-молиявий кўмак ниқоби остида ғоявий таъсир ўтказиш, мафкуравий бузғунчилик ва тажовузкорлик йўлидан бориш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Натижада аҳоли қайсидир қатламини ҳомийлик ёрдамлари орқали ўз ҳукмларига бўйсундириш, уларнинг фикрини чалғитиш, бузғунчи ғояларни имони суст одамлар онги ва қалбига синдириш йўли билан бутун бир миллат ҳаётига таҳдид солинмоқда. Турли давлатларда мавжуд жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳомийлик чуқурлашиб боргани сайин аста-секинлик билан сиёсий тус олмоқда, давлатларнинг ички ишларига аралashiш мақомини эгалламоқда.

Айни пайтда дунёда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини хорижий сармоядорлар томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва бу жараёни қонун йўли билан мувофиқлаштириш тажрибаси юзага келмоқда. Бироқ эркин ҳамкорликни қатъий тартибга солиш, уни назорат қилиш жараёнини кимлардир демократик қадриятлар меъёрларига зид деб қарашмоқда. Аммо айни ана шу қатъий интизом миллий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллий тараққиёт изчиллигини, тадрижийлигини таъминлаш учун зарурий эҳтиёжга айланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий демократия, эркинлик, озодлик бу қонунлар диктатураси! Фақат умуммиллий манфаатларга хизмат

қиладиган қонунлар доирасидагина ҳақиқий демократияни, кенг миқёсли эркинликни барпо этиш мумкин. Ваҳоланки, бундай тажриба дунёнинг бир қатор мамлакатларида мавжуд. Жумладан, Японияда нодавлат ташкилотларни молиялаштириш қаттиқ назорат қилинади. Бу ерда қабул қилинган ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар асосидагина бундай фаолиятни амалга ошириш мумкин.

Исроилда нодавлат ташкилотлар учун хориждан кўрсатиладиган молиявий ёрдам Молия вазирлиги томонидан тақиқланган. Мамлакатда давлат конституцион тузумига зарар келтирадиган ва Низом талаблари доирасидан чиқиб кетган, унга риоя этмаган нодавлат ташкилотлар фаолияти иши судда кўрилиб, унинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Доимий равишда нодавлат ташкилотларнинг барча молиявий ҳаракатлари текшириб турилади. Маблағ ўтказиш жараёни шубҳа туғдирган тақдирда банк бу ҳақда ўша заҳотиёқ тегишли идорага маълумот беради ва амалдаги қонунлар асосида чора кўрилади.

Францияда нодавлат ташкилотларнинг хорижий грантлар ва ўзаро ҳамкорлик асосида келадиган ҳар қандай маблағлардан фойдаланиши Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган рухсатнома орқали амалга оширилади. Бунга мамлакатнинг тинч ва барқарор ҳаётига, осойишта турмуш кечиришига хизмат қиладиган қатъий интизом сифатида қаралади. Зотан, ҳар қандай ўзаро алоқалар, ҳамкорликлар қонун асосида ва меъерий ҳужжатларга таянган ҳолда амалга оширилса фаолият эркин, дахлсиз ва айни пайтда самарали бўлиши шубҳасиз.

Маданиятлараро интеграция хусусида гапирар эканмиз, турли маданиятлар, урф-одатлар, хусусан, кийиниш, ўзаро муомала маданияти ва, айниқса, қўшиқчилик санъатининг одамлар ҳиссиётига тез таъсир ўтказиш имкониятларини жиддий тарзда назарда тутиш ва назорат қилиш лозим. Чунки инсон табиатан қанчалик ахлоқли, тарбияли бўлмасин, у шунчалик енгилтакликка, енгил яшашга, роҳат-фароғатга мойил жонзот. Ана шу мойиллик кайфияти инсоннинг кушандасига айланиши табиий. Чунки худди ана шу мойил-

лик фазилатлар ривожланишидан кўра иллатлар ривожланишини енгиллаштиради. Президент Ислом Каримов «Аслида менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлаш лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзғатиб юбориш осонроқ», деганида инсон феноменидаги ана шу фожиавий иллатларни назарда тутган эди. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Форобий, Беруний, Шекспир, Навоий, Гёте, Пушкин ва Бобурларни тарбиялаб етказишдан кўра Бен Ладен, Шомил Басаев ва Тоҳир Йўлдошларни етиштириш анча осон. Инсон қонидаги худбинлик, манфаатпарастлик, енгил яшашга иштиёқмандлик, осон йўл билан фаровон яшашга эҳтиёжнинг катталиги, нафснинг чексизлиги, қандай гоё ва мақсад йўлида бўлмасин текин келадиган бойликка тез сотилиш имконини беради. Инсоннинг ана шу фожиавий қисматидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай эркин, демократик жамиятда инсон қанчалик озод ва ҳур яшамасин, у маънавий-ахлоқий меъёрлар, қонун белгилаб берган чегара доирасидагина озод ва дахлсиз бўлиши мумкин. Бу бугунги дунё маърифатини, маданиятини белгилайдиган бебаҳо қадриятдир.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини кескин ўзгартирмақда. Бу борада, айниқса, бугун «сарик матбуот» деб аталадиган хусусий нашрлар алоҳида мавқе эгалламақда. Майда, икир-чикир, ғийбатнамо хабарлар билан тўлиб-тошган, одамларни фикрлашдан, мушоҳада юритишдан тўхтатиб, енгил-елпи маълумотлар билан улар онгини банд этиш жараёни тобора чуқурлашиб бормақда. Қайсидир машҳур хонанданинг оилавий можаролари, унинг бойликлари ва яшаш тарзи, бошқа бир хонанданинг қандай клиплар яратаётганию уларни қайси тарзда намоиш этиши ҳақидаги хабарлар газетхонларни майда фикрлайдиган ожиз кишига айлантириб қўйиш билан бирга яхлит жамиятни оммавий саводсизликка даъват этишдек гоё хатарли вазифани бажармақда.

Албатта, сўз эркинлиги, фикр эркинлиги турмуш тарзимизга айланиб бормоқда. Бу жамиятимиз маънавий қиёфасини, инсоннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги қадрият эканлигини қўрсатадиган буюк воқелик. Бироқ, ана шу эркинлик учун, айтилаётган сўз, билдирилаётган фикр, илгари сурилаётган ғоя учун жавобгарлик кимнинг зиммасида? Миллатни жаҳолатга, ялпи саводсизликка, хурофотга даъват этиш демократиянинг буюк қадрият сифатидаги моҳиятини тушириб юбормайдими?

Биз демократик тамойилларнинг тобора чуқурлаштириб бориш, унинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги хусусида кўп гапирамиз. Бу, шубҳасиз, ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг эҳтиёжидир. Эркин жамият, озод ва ҳур инсон турмуш тарзини вужудга келтириш бизнинг стратегик мақсадларимиз. Сўз ва фикр эркинлиги ҳамиша биз учун эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, матбуотни эркинлаштириш, сўз ва фикр эркинлигини таъминлашга интиламиз. Бироқ сўз масъулияти, фикр учун жавобгарлик кимнинг зиммасида. Бунинг учун ким жавобгар бўлади? Айтилаётган ҳар қандай сўз, билдирилаётган ҳар қандай фикр жамият тараққиётига қай даража дахлдор? Умуммиллий манфаатларга хизмат қиладими, деган саволларни баъзан унутамиз. Ваҳоланки, эркинликни ҳис қилиш, озодликни тушуниш ҳамда демократияни англашдан олдин унга қай даражада маънавий-ахлоқий жиҳатдан тайёрлигимизни ҳисобга олмаймиз. Натижада озодлик ва демократия миллий маданият равнақиға тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ғоятда хавфли ҳодисага айланади.

**Санъат соҳасида.** Маълумки, ҳар қандай санъат асари миллат руҳининг кўзгуси, қалб тугёнлари ва ҳис-туйғуларининг ифодаси. У айна ана шу жиҳати билан ҳам қадриятга айланади. Қадриятлар эса ҳамма вақт моддиятдан устун туради, муқаддас ҳисобланади. Афсуски, бугун қўшиқчилик санъати моддий эҳтиёжлар мезонига, нафсни қондириш омилига айланди. Авж олиб кетаётган «шоу-бизнес» тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклидан кўра сердаромад, солиқ тўланмайдиган, мўмай даромад манбаи бўлиб қолди. Бозорларда, аҳоли гавжум жойларда турли-туман

беҳаё кассеталар ва дискларнинг сотилаётганлиги назорат қилинмаяпти. Беюзлик, андишасизлик, қўнимсиз турмуш тарзи фазилатга айланиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки, айна ана шу йўлни танлаганлар узларини миллат тимсоли, қадриятлар рамзи сифатида кўрсатмоқдалар ва бундан уялмаяптилар. Ёшлар эса оммавий тарзда уларга эргашмоқда, улардан ибрат олишмоқда.

Атоқли шоир Евгений Евтушенко бир пайтлар рекламалар, клиплар ва санъатдаги тутуруқсизлик ҳақида чуқур изтироб билан гапирган эди. У «Табиат зилзилалар, даҳшатли сув тошқинлари билан бизни қўрқитади. Бироқ бу қўрқув газета ва журналлар, телевидение орқали ёпирилиб келаётган мажруҳ рекламалар таҳдиди олдида ҳеч нарса эмас. Ҳар қандай реклама фалсафаси йўқ одамнинг фалсафасига айланди. Клиплар эса сайёрамизнинг бош имижмейкери мақомини эгаллади. Бугун Майкл Жексон Шекспирдан кўра машҳур. Россия ёшлари орасида поп қўшиқчи Киркоровнинг машҳурлик даражаси Чайковский, Толстой ва Солженициннинг биргаликдаги машҳурлигидан ҳам ошиб кетди», деган эди. Бу изтиробнинг тагида жуда катта миллий дард, миллий армон, айна пайтда аччиқ ҳақиқат ётади. Чунки бугунги ёшлар энгилтак қўшиқчилар ва энгил фикрлайдиган одамлар ортидан қувадиган, уларга тақлид қиладиган булиб қолишди. Бундай ҳолат бизда юз бермаяпти, дейсизми?!

Телевидение орқали кетма-кет берилаётган бемаъни қўшиқлар, ярим яланғоч рақслар, уғринча мусиқалар энгилтак, ахлоқсиз ҳаётни тарғиб қилиш воситасига айланмоқда. Бу, айниқса, аҳолисининг 64 фоизини 35 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этадиган Ўзбекистондай болажон мамлакатда ғоят хатарли, миллат истиқболлига таҳдид солувчи ҳодиса эмасми?

Балки бугунги миллий эстрадамизнинг «эксперимент»лари кимлар учун зарурдир. Умуман олганда ҳар қандай тараққиёт тажрибалар асосида қурилади, улар туфайли такомиллашиб, қадриятга айланади. Бироқ бундай тажрибалар дастлаб айна ана шу йўналиш ишқибозлари тўпланган жойда, махсус аудиторияда синовдан ўтказилиши, оммавий минбарларни эгаллаб олиб, бир неча минг йиллик анъа-

наларимизни, маданиятимизни, санъатимизни оёқости қилмаслиги керак. Ана шу ғоят оғриқли масала хусусида гапирар экан, «Маънавият, мафкура борасида четдан кўр-кўрона нусха кўчириб, бирон натижага эришиб бўлмайди, чунки бизнинг дунёқарашимиз, халқимизнинг тафаккури, турмуш тарзи ниҳоятда ўзига хослиги билан ажралиб туради», деган эди Президент Ислом Каримов.

Аслини олганда террорчилик, камикадзелик ҳолатлари ҳақида кўп гапирамиз. Буни гапиришга эҳтиёж ҳам бор. Зотан, бугунги дунё айна ана шу тажовузкор ҳодисадан жабр кўрмоқда. Буюк қадриятлар топталмоқда. Инсоният ҳаётига мисли кўрилмаган таҳдид солинмоқда. Бироқ жисмоний ҳаракат, феъл-атвор ва интилишлар билан боғлиқ бўлган, қандайдир манфаатларни ўзида мужассам этган бундай ҳолатларга юксак маданият, маърифат, ахлоқ-одоб қайсидир даражада қарши туриши, чек қўйиши, унга қақшатқич зарба бериши ҳам мумкиндир. Қайсидир ҳудуддаги қанчадир одам ҳаётига зомин бўладиган бундай ғайриинсоний ҳолатларга чек қўйиш ҳам мумкиндир. Лекин бутун миллатни буюк тарихидан, улкан маданий меросидан айириб, инсоният ҳаётига маърифат олиб кирган халқ ҳаётини издан чиқариш, миллий анъаналари ва маданиятини бузиб юбориш орқали таназзулга даъват этишдек маданий террорнинг баҳоси қанча? Унинг ўлчови, меъёри, кўлами борми? Бундай саволларга жавоб излаш XXI аср цивилизациясининг бутун моҳиятини белгилайдиган ҳодиса сифатида ўз баҳосини олмоғи лозим.

Бой мусиқий меросимизни асраб-авайлаш, замонавий ижрочиликни ривожлантириш, фольклор анъаналарини давом эттириш ва янги босқичга кўтариш, жаҳон маданиятининг энг сара намуналарини ўзлаштириш орқали биз ўз имкониятларимизни, миллий қиёфамизни намоён этамиз. Ана шу ўзига хослик, миллийлик бизга аждоқлардан муқаддас мерос, келгуси авлодлар олдидаги юксак масъулиятдир.

## ХОТИМА

Инсоният тарихи, унинг тараққиёти ва ривожланиш тенденциялари бевосита инсон феъл-атвори, ахлоқи, умуман олганда онги ва тафаккури орқали юзага келган муносабатлар тизимидир. Бу яхлит ва узундан-узоқ, салмоқли, тизимли жараён моҳияти инсоннинг ўзи каби мураккаб, унинг ўзи сингари зиддиятли ва қарама-қаршилиқларга тўла. Шунинг учун ҳам, биринчидан, ушбу тизимни тўлақонли, бутун зафарларию мағлубиятлари, қувончларию ситамлари билан яхлит ҳолда «бир нафас» билан ўрганиш, тадқиқ этиш, тугал хулосаларга келиш мумкин эмас. Иккинчидан, бугун биз айна ана шу серқирра, гоҳ жозибador, гоҳ изтиробли тарихий жараёнлар моҳиятини ўрганар эканмиз, унга ўз эҳтиёжимиз, ақлий салоҳиятимиз, идрок этиш қобилиятимиз даражасидан келиб чиқиб ёндашамиз, холос.

Қолаверса, ўтмишга бугунги кун одамларининг маънавий-ахлоқий, илмий-маърифий эҳтиёжлари жиҳатидан қараладики, натижада тарих ҳақидаги хулосалар айна шу давр ижтимоий тафаккурининг маҳсули сифатида дунёга келади. Бу ҳар бир давр тарихшунослигининг ўзига хос хусусияти. Демак, табиий равишда ўтмишда ажодларимиз инсоният тарихини ўрганишга қанчалик катта қизиқишлар билан ёндашган бўлса, келгуси авлод ҳам бундан кучлироқ эҳтиёж билан қарашадики, бу ҳолат инсоннинг ўзига ўзи қизиқишининг ортиб бораётганидан далолат беради. Зотан, бундай туйғу ва эҳтиёж фақат инсонгагина хос!

Масаланинг яна бир жиддий томони бор ва бир ҳақиқатни тан олиш керак: тарих бутун салмоғи, кўлами ва моҳияти билан инсон тасавури ва тафаккури доирасидан кўра кенгроқ, ҳатто, чексиздир. Шунинг учун ҳам у ҳар доим сирли, синоатли, гоҳ жозибador, гоҳида мубҳам бир олам бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам одамлар инсониятнинг маҳобатли тарихига, ўз ажодлари ўтмишига қанчалик қизиқишмасин, улў алломаларимиз буюк кашфи-



ётлар, ҳайратомуз таълимотлар яратишмасин, барибир инсон қарашлари тарих ҳақиқати ва моҳияти олдида нисбий, ҳар қандай ғоялар миқёсидан қатъи назар чеклангандир. Унинг бутун қулами, салмоғи ва маҳобатини, севинчу изтиробларини тула-туқис англаб ололмаймиз. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўз келиб чиқиши, унинг олам ичра моҳияти нимадан иборат эканлиги, фазилатларию нуқсонлари атрофида мулоҳаза юритиб, ўтмишдан сабоқ чиқариб, истиқболини белгилашга интилиши сунмайди. Аини пайтда ана шу интилишнинг ўзи инсоният ҳаётининг давомийлигидан, шажаралар узвийлигидан ва тараққиётга иштиёқнинг сунмаслигидан далолат беради.

Инсониятнинг онгли яшаш тарзи, кишилик жамияти шаклланиб, умумий тақдирлар, бир-бирига боғлиқлик ва ўзаро бир-бирини тушуниб яшаш тамойили вужудга келганидан бошлаб уруш ва тинчлик муаммоси ҳамisha долзарб бўлиб келган. Эрамиздан олдинги даврдан бошлаб ҳозиргача ўтган 3500 йил мобайнида инсоният, айтиш мумкинки, бор-ўғи 292 йил урушсиз, тинч ва осуда яшади. Бошқа пайтларда эса Ер юзининг турли нуқталарида 14 минг 530 дан ортиқ ҳар хил катта-кичик урушлар, ўзаро низолар, бир-бирини маҳв этиш ҳодисалари юз берди. Бу урушлар, албатта, ўз миқёси, муддати, усули, мақсади ва шакли билан хилма-хил бўлган. Бироқ мазмуни бир хил – манфаат устуворлиги, қон туқиш, вайронгарчилик, тараққиётни барбод этиш!

Хуллас, ижтимоий муносабатларнинг глобаллашуви бевосита манфаатлар тўқнашувининг ҳам миқёсини кенгайтириб, дунёвий мақомга олиб чиқди. Бу ўз-ўзидан инсоният тарихида одамларнинг ўзаро яқинлашиш инстинктини кучайтиради, бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшаш тамойилини яна ҳам долзарб қилиб қўяди.

Инсоният онги ва тафаккури ривожлангани, фан-техника тараққиёти турмуш тарзимизни кескин ўзгартиргани ва манфаатлар тўқнашуви жиддий тарзда глобал моҳият касб этавергани сайин халқлар, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб бораверди. Ўнлаб давлатлар, катта-катта минтақалар ва миллионлаб одамлар уруш иштирокчисига айланиб қолди. Бу, айниқса, XX аср феноменида кўзга яққол ташланади. Жумладан, Биринчи жаҳон урушида 38 давлат иштирок этган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида уларнинг сони 61 тага етди. Бошқача қилиб айтганда, Ер шари аҳолисининг 80%и унда қатнашди ва офир талафот кўрди.

Умуман олганда, уруш ҳамма вақт ва ҳамма ерда инсониятнинг беқиёс фожиаси, унинг ҳаётига таҳдид солувчи, қирғин келтирувчи воқелик сифатида ўзини намоён этди. Вақт ўтган сари зиддиятлар, низолар, сиёсий манфаатлар натижасида юзага келаётган урушлар кўлами ошиб бораверди. Агар XVII асрда урушлар оқибатида дунёда 3,3 миллион киши қурбон бўлган бўлса, XVIII асрда улар сони 5,5 миллионга, XIX асрда эса 16 миллионга етди.

Фан ва техника инқилоби асри, инсоният цивилизациясининг буюк чўққиси, коинотни ўзлаштириш ҳамда космонавтиканинг таҳдидли, таҳликали ривожини (бу ерда космосни ҳарбийлаштириш дастурлари назарда тутилмоқда) ҳолатлари каби юксак тараққиётни назарда тутиб, айтиш мумкинки, XX асрда юз берган фақатгина Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушининг «қиймати» 60 миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлиш билан баҳоланади.

Уруш кўлами шу даражада кенгайиб кетдики, фақат фронтларда жанг қилаётганларгина эмас, балки тинч аҳоли ҳам уруш қурбонларига айланиб қолди. Агар Биринчи жаҳон урушида тинч аҳолига нисбатан ҳарбийлар 20 баробар ортиқ қурбон бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида бу нисбат тенглашиб қолди. Кореяда 1950–1953 йилларда бўлган урушда ҳарбийларга нисбатан тинч аҳоли 5 баробар кўп қурбон бўлган. Вьетнам урушида эса бу рақам 20 баробарга етди<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, инсоният тарихи буюк силжишлар, оламшумул кашфиётлар, улкан сакрашлар, Ер юзининг турли минтақаларида, турли даврларда юз берган цивилизациялар билан бирга қон тўкишлар, қурбонликлар ҳам тарихий тақдир ва давр маҳсули сифатида инсоният тарихидан муҳим ўрин олган. Бу, албатта, жаҳон тарихининг бир текисда ривожланмаганлигини, у турли паст-баландликлардан, беқиёс тараққиёт, оламшумул кашфиётлар, улуғвор маданий силжишлар билан бирга мудҳиш ва ситамли онлардан иборат эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан айна ана шу буюк тарих моҳиятини англаш, ўрганиш, тадқиқ этиш, уни маънавий-маърифий, фалсафий-ахлоқий, мантиқий-руҳий моҳиятини очиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, айрим хулосаларни ўртага ташлаш мумкин. Жумладан:

<sup>1</sup> В. Барулин. Социальная философия. ФАИР-ПРЕСС, М, 1999, 524–525-бетлар.

**Биринчидан**, инсоннинг ноёб мавжудот сифатида тарихнинг яратувчиси, бунёдкори, иштирокчиси, бу буюк ва улуғвор, салобатли ва қалбларни жунбушга келтиргувчи жозей драманинг муаллифи ҳамда унинг актёри — ижрочиси сифатида севинчу изтиробларини бутун салмоғи билан ўрганиш зарур.

**Иккинчидан**, айна ана шу мураккаб жараённи, тарихий воқеликлар, далиллар остидаги моҳиятни фалсафий мушоҳада этиб, мантиқий асосларини очиш орқали дунё ва ҳаёт моҳиятини, инсоннинг маънавий қиёфасини, зиддиятли оламини мумкин қадар чуқурроқ очиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш ва сабоқ олиш лозим.

**Учинчидан**, тарихий жараён — бу бевосита инсоният тараққиёти, буюк цивилизацияларнинг юзага келиши, унинг таъсирида вужудга келадиган ижтимоий ҳаёт, жамиятнинг маънавий қадрияти бевосита инсон моҳияти ва қадру қиммати билан боғлиқлиги, цивилизацияларнинг таназзули, янги цивилизацияларнинг юзага келиши сингари объектив тараққиёт моҳиятини англаш орқали истиқболни белгилаш ва прогнозлаш тақозо этилади.

**Тўртинчидан**, ҳозирги жаҳон цивилизацияси гарб-индустриал типининг асосий тавсифлари таҳлили шуни кўрсатадики, унинг рационал-техникавий асосларида маънавият етарли даражада ўз ифодасини топмаган ва бу ҳолат аста-секинлик билан инсоният ҳаётидан ақлий-маънавий моҳиятнинг қадрсизланишига, сунъийлашишига олиб келади. Уларда маънавий баркамоллик, етуклик туйғуларидан кўра моддий манфаатдорлик, енгил ва осон яшаш иштиёқи устуворлик қилмоқда. Бу ўз-ўзидан Шарқона цивилизация асосларини ўрганиш, ҳар қандай тараққиёт юксак маънавият, баркамол ахлоқ тамойилларига асосланмоғи лозимлигини тақозо этади. Ҳозирги замон цивилизациясига бундай ёндашув инсониятни асраш, унинг истиқболи ва иқболини белгилаш, барқарор тараққиётини таъминлаш имконини беради, уни кафолатлайди.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон давлатининг дунёвий мақомини белгилашда ҳамisha унинг Шарққа мансублигидан ва Марказий Осиё тарихий тақдирида цивилизаторлик, тараққиётида эса катализаторлик ролини ўйнаганлигидан келиб чиқмоқ керак. Айна вақтда ҳозирги Ғарб цивилизацияси рационалиزمи ютуқлари (саноатлашганлик, компью-

терлашганлик, сиёсий демократия, инсон ҳаётининг олий қадриятлиги орқали маданий, ахборот-психологик таъсир ва ҳоказолар)ни ижодий ўзлаштиришда миллий менталитет ва Шарқ феномени устуворлигига эришиш зарур.

**Олтинчилан,** глобал муаммоларнинг асосий жиҳатлари — экология, атмосферанинг иссиқлашуви, термоядро уруши хавфи, Африка ва Лотин Америкасидаги жиддий ижтимоий танглик, халқаро терроризм, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда ашаддий миллатчилик ва ҳоказолар Ўзбекистонга, унинг истиқболига жиддий таҳдид соладики, уларни бартараф этишда мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилмоғи ўз-ўзидан маълум. Айни ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, бугун мустақил Ўзбекистон давлати умумсайёравий ўзгаришлар оқимида энг фаол ва кучли таъсир ўтказувчи ижтимоий-сиёсий субъектга айланди.

**Егтингидан,** Ўзбекистоннинг кўҳна дунёни ислоҳ қилиш, уни янги ғоялар асосида ўзгартириш концепцияси ўзбек феъл-атвори ўзгараётганлиги, халқ онги, руҳияти, менталитети янгиланиши билан боғлиқ бўлган Янги Уйғониш даврининг дебочасидир. Айни ана шу янгиланишлар концепцияси миллий қадриятлар феномени орқали умуминсоний қадриятлар ва дунёвий тафаккур феноменига айланмоқда. Миллий тараққиёт тамойилларини жаҳон истиқболи ва цивилизациясига кучли таъсир ўтказувчи беқиёс манба сифатида намоён этмоқда. Шу тарзда Ўзбекистон умумсайёравий ўзгаришлар оқимида ўзининг бетақрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлар дастурига эга бўлган давлат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгалламоқда.

**Саккизингидан,** тобора ривожланиб бораётган ахборот-техникавий жамиятда инсониятнинг умумсайёравий тақдирини ифодалаш имкониятлари ошиб боришини башорат қилиш мумкин. Бу жараён икки томонлама — салбий ва ижобий кечаётган глобаллашувдан иборатдир. Бунда салбий жиҳатларнинг ўрнини мумкин қадар қисқартириш, жумладан, ахборот-психологик уруш хавфининг олдини олиш, ижобий, башарият истиқболига дахлдор жиҳатларни кўпайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

### Сиёсий-методологик адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
3. *И. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 364 б.
4. *И. Каримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 382 б.
5. *И. Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 366 б.
6. *И. Каримов*. Бунёдкорлик йулидан. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 349 б.
7. *И. Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 384 б.
8. *И. Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 432 б.
9. *И. Каримов*. Биз келажакимизни уз қулимиз билан қура-миз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 410 б.
10. *И. Каримов*. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 526 б.
11. *И. Каримов*. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2001, 432 б.
12. *И. Каримов*. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2002, 432 б.
13. *И. Каримов*. Биз танлаган йул – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йули. 11-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 320 б.
14. *И. Каримов*. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2004, 400 б.
15. *И. Каримов*. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам булмайди. 13-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 448 б.
16. *И. Каримов*. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2006.

## Илмий адабиётлар:

1. *Абдеев Р. Ф.* Философия информационной цивилизации. Учеб. пособие. — М.: «ВЛАДОС», 1994.
2. *Абдуллаев И.* Беруний ва унинг «Қадимги халклардан қолган ёлторликлар» асари. //Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. — Т.: «Фан», 1968.
3. *Абдурахмонов М., Зоҳидий А., А.З. Валидий Тўғоннинг* Туркистонга сафари (1913—1914-йиллар). — Т.: «Фан», 1997.
4. Авесто. *Лившиц В. А.* Предисловие. «Адиб», 1990.
5. Авесто. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2001.
6. *Авторхонов А.* Кремль салтанати. — Т.: «Чулпон», 1993.
7. *Амир Темур.* Темур тузуклари. — Т.: «Нур», 1992.
8. *Арон Р.* Демократия и тоталитаризм.
9. *Бартольд В. В.* Туркистан в эпоху монгольского нашествия.
10. *Бахтин М.* Эстетика словесного творчества. — М.: 1979.
11. *Бердяев Н.* Смысл истории. — М.: «Мысль», 1990.
12. *А. Беруний.* Танланган асарлар. — Т.: «Фан», 1968.
13. *А. Беруний.* 100 ҳикмат. — Т.: «Фан», 1993.
14. *Бродель Ф.* Материальная цивилизация, экономика и капитализм. XV—XVIII вв. — М.: «Прогресс», 1988—1992. Т. 1. Структуры повседневности: возможное и невозможное; Т. 2. Игры обмана; Т. 3. Время мира.
15. *Василькова В. В., Яковлев Ю. В., Барыгин Н. Н.* и др. Волновые процессы в общественном развитии. — Новосибирск: Изд-во Новосиб. ун-та, 1992.
16. *Верт Н.* История советского государства, 1900—1991. — М.: «Прогресс-Академия», 1992.
17. *Виндельбанд В.* Избранное. Духи истории. — М.: «Юность», 1995.
18. *Волкогонов Д.* Ленин. — М.: «Новости», 1994.
19. *Гадамер Г.* Истина и метод. — М.: 1988.
20. *Галич М.* История доколумбовых цивилизаций. — М.: «Мысль», 1990.
21. *Гегель.* Сочинения. Том 3. Философия духа. Гос. издательство политической литературы. — М.: 1956.
22. *Гегель.* Философия права. — М.: «Мысль», 1990.
23. *Говорков А. А., Покровский М. Н.* О предмете исторической нации. — Томск, 1976.
24. *Губман Б. Л.* Смысл истории. — М.: «Наука», 1991.
25. *Губман Б. Л.* Цивилизация перед судом истории. Сборник. Санкт-Петербург, «Прогресс», «Культура», «Ювента», 1996.
26. *Дьяконов И. М.* Пути истории: От древнейшего человека до наших дней. — М.: Восточная литература, 1994.

27. *Жураев Н.* Тарих фалсафаси. — Т.: «Маънавият». 1999.
28. *Жураев Н., Файзуллаев Т.* Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 2000.
29. *Жураев Н.* Тафаккурдаги эврилиш. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2001.
30. *Жураев Н.* Янгиланишлар концепцияси; яратилиш, эволюцияси, амалиёти. — Т.: «Маънавият», 2002.
31. *Жураев Н., Азизов Ш.* Ижтимоиёт асослари. — Т.: «Маърифат-мададкор», 2003.
32. *Жураев Н.* «Тарих фалсафаси ва сиёсат». Халқ сузи, 1999 йил, 8 январь.
33. *Жураев Н.* Тарихнавислик: иллатлар ва сабоқлар. «Хуррият», 1998 йил, 19 август.
34. *Жураев Н.* Тарих фалсафаси ва миллий истиқлол ғояси. «Фидокор», 2001, 7 июль.
35. *Жураев Н.* Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат. «Фидокор» газетаси, 1999 йил 11–13 май сонлари.
36. *Жураев Н.* Тафаккурдаги уйғониш. Туркум. «Фидокор» газетаси, 2001 йил 24 июль, 16 август сонлари.
37. *Жураев Н.* Миллий истиқлол ғояси ва тарихни англаш. «Жамият ва бошқарув», 2003 йил, 2-сон.
38. *Жураев Н.* Форобий фалсафаси: инсон — жамият — жараён. «Мулоқот» журналы, 2006 йил 1-2-сонлар.
39. *Жураев Н.* Ибн Халдуннинг тарих фалсафаси. «Мулоқот» журналы, 2006, 3–4-сонлар.
40. *Жураев Н.* Тарих ва фалсафий тафаккур. «Жаҳон адабиёти», 2006 йил, 6-сон.
41. *Ивин А. А.* Философия истории. — М.: «Гардарики», 2000.
42. *Имом Бухорий.* Ҳадислар. 4 томлик. — Т.: Энциклопедия Бош таҳририяти, 1999.
43. История Европы. — М.: 1994. Т.4. Европа Нового времени /XVII–XVIII века/.
44. История и социология. — М.: 1964.
45. *Йулдошев С., Усмонов М., Каримов Р.* ва бошқ. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. — Т.: «Шарқ», 2002.
46. *Кант И.* Первое введение в критику способности суждения. Соч. в 6-ти томах. — М.: «Мысль», 1966.
47. *Комилов Н.* Хизр чашмаси. — Т.: «Маънавият», 2005.
48. *Комилов Н., Ёқубов А.* Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожиди тасаввуфнинг урни. — Т.: «Академия», 2005.
49. *Комилов Н.* Тасаввуф. 2-китоб. — Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, 1999.
50. *Конрад Н.* О смысле истории: Запад и Восток. — М.: 1972.
51. *Константинов Ф. В.* Современные проблемы философии и задачи философской общественности. //«Вопросы философии», 1972. № 1. с.35.

52. *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.
53. *Лондон Ж.* «Мартин Иден». — Т.: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.
54. *Мамардашвили М.* Как я понимаю философию. — М.: 1990.
55. *Маркс К.* Капитал. Избранные произведения. Том 3. — М.: 1967.
56. *Марғинович Бурҳониддин.* Ҳидоя. — Т.: «Адолат», 2000.
57. *Минаваров Ш.* «Дин ва давлат муносабатлари». «Ҳамжихатлик ва бағрикенглик — ҳаёт омили» тўплами. Байналмилал маданият маркази. — Т.: 2001.
58. *Монтескье Шарль Луи.* Избранные произведения. — М.: Госполитиздат, 1995.
59. *Неру Дж.* Открытие Индии. Вторая книга. — М.: Издательство политической литературы, 1989.
60. *Неру Дж.* Взгляд на всемирную историю. В трёх томах. — М.: «Прогресс», 1989.
61. *Ницше Ф.* Собр. Соч. т. VI.
62. *Платон.* Государство законы. Политик. — М.: «Мысль», 1998.
63. *Поппер К.* Открытое общество и его враги. — М.: Междунар. Фонд «Культурная инициатива», 1991. Т.1. Чары Платона; Т. 2. Время препороков: Гегель, Маркс и другие оракулы.
64. *Поппер К.* Ницше историзма. — М.: «Прогресс», 1993.
65. «Правда». 1987, 14 январь.
66. *Ростову В.В.* Стадии экономического роста. — Нью-Йорк, 1981.
67. *Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В.* Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.
68. *Сифронов Б., Дорогова Л.* Мир человека. — М.: «Мысль», 1975.
69. «Совет Ўзбекистони» газетаси. 1989 йил 26 ноябрь.
70. «Совет Ўзбекистони» газетаси. 1989 йил 20 август.
71. *Сорокин П. А.* Долгий путь. Автобиографический роман. — Сыктывкар, 1991.
72. *Сорокин П. А.* Человек. Цивилизация. Общество. — М.: Политиздат, 1992.
73. *Спиноза Б.* Избранные произведения. Том 1–2. — М.: 1957.
74. *Субетто А.И.* Системогенетика и теория циклов. — СПб, — М.: 1994 — Ч. 1. 2.
75. *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Фарб. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
76. *Тойнби А.* Постигание истории. — М.: «Прогресс», 1991.
77. *Тойнби А.* Цивилизация перед судом истории: Сборник. — М.: Прогресс, культура. — СПб.: «Ювента», 1996.



78. Топольский Е. Методология истории. — Варшава, 1968.
79. Топольский Е. О роли внеисточникового знания в историческом исследовании. // «Вопросы философии», 1973. № 5.
80. Трельч Э. Историзм и его проблемы. — М.: «Юрист», 1994.
81. Убайдуллаева Р., Бекмуродов М. «Асрлар қаъридан келаётган садо...» Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X–XII асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар туплами. — Т.: ЎзФА, 1999.
82. «Узбекистан и международные договора по правам человека». Сборник международных договоров по правом человека к которым присоединилась Республика Узбекистан. — Т.: «Адолат», 1998.
83. Умарзода М. «Овесто» сирлари. // «Жаҳон адабиёти» журн., 1997, 4-сон.
84. Файзуллаев О. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридаги баъзи масалалар ҳақида. //Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. — Т.: «Фан», 1968.
85. Философия истории: Антология / Сост., ред. и вст. ст. Ю.А.Кимелова — М.: АО «Аспект пресс», 1994.
86. Форобий А. Н. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
87. Фрейд З. Методика и техника психоанализа. — М.: Госиздат, 1923.
88. Фрейд З. Введение в психоанализ. — М.: «Наука», 1989.
89. Фукидид. История. Том 1–2. — М.: 1915.
90. Хайек Ф. Дорога к рабству. //Вопросы философии, 1990. № 11.
91. Хайруллаев М. Шарқнинг машҳур мутафаккири. Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шаҳри». — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
92. «Халқ сўзи» газетаси. 1991 йил 1 сентябрь.
93. Ҳожиб Юсуф. Қутадғу билиг. — Т.: «Чулпон», 1990.
94. Шарохова В. Е. Проблема сознания в философии и естествознания. — М.: 1961.
95. Шингаров Г. Х. Эмоции и чувства как формы отражении действительности. — М.: 1971.
96. Шлезингер Артур мл. Циклы американской истории. — М.: Прогресс-Академия, 1992.
97. Шоню П. Во что я верю. — М.: 1996.
98. Шнеглер О. Закат Европы: Очерки морфологии мировой истории. — М.: Мысль, 1993. Т.1. Гешбалът и действительность.
99. Ясавий А. «Ҳикматлар». — Т.: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
100. Ясперс К. Смысл и назначение истории. — М.: Республика, 1994.

101. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ахборотномаси. 1991 йил, 10–11-сон; 1992 йил, 10-сон; 1993 йил, 6-сон; 1994 йил, 11–12-сон; 1995 йил, 9-сон.
102. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил, 11–12-сон; 1998 йил, 5–6–9-сон.
103. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборотномаси. 1991 йил, 2-сон.
104. Қабоҳат салтанати. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
105. Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони. («Девону луғатит турк»). – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1-том, 1960; 2-том, 1961; 3-том, 1963.
106. Куръони карим. – Т.: Тошкент Ислон университети нашриёти, 2001.
107. Зидер Р. Что такое социальная история? Разрывы и преемственность в освоении «социального» // 1993. Вып. 1. С. 163–181.
108. История философии. Запад–Россия–Восток. Кн. 1–3. / Под ред. Н. В. Мотрошиловой. – М.: Греко-латинский кабинет Ю. А. Шичалина, 1995–1997.
109. Мельянцева В. А. Восток и Запад во втором тысячелетии: экономика, история и современность. – М.: Изд-во Моск. Унта, 1996.
110. Пригожин И., Стенгерс И. Время, хаос, квант /Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1994.
111. Россия между Европой и Азией: Евразийский соблазн. Антология/ Ред.-сост. Л. И. Новикова, И. Н. Сеземская. – М.: «Наука», 1993.
112. Стоун Л. Будущее истории // 1994. Вып. 4. С. 160–176.
113. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук / Пер. с фр. СПб.: А-са, 1994.
114. Шелер М. Человек и история // 1993. Вып. 3. С. 132–154.
115. Алексеев В. В. Человек и биосфера. – М., 1973.
116. Алексеев В. П. Становление человечества. – М., 1984.
117. Астафьев П. Е. Смысл истории и идеалы прогресса. – М., 1985.
118. Бернгейм М. Введение в историческую науку. – М., 1908.
119. Богомолов А. С., Ойзерман Т. И. Основы теории историко-философского процесса. – М., 1983.
120. Виппер Р. Очерки теории исторического познания. – М., 1911.
121. Гердер И. Г. Идеи к философии истории человечества. – М., 1977.
122. Ершов Г. Г. Смысл жизни и социальное бессмертие человека. – Л., 1981.
123. Крутова О. Н. Человек и история. – М., 1982.
124. Лукреций Кар. О природе вещей. – М., 1983.

125. *Никифоров В. Н.* Восток и всемирная история. — М., 1977.
126. *Орлов В. Н.* Проблема объяснения в исторической науке // Проблемы методологии социального исследования. — Л., 1970.
127. *Подкорытов Г. А.* Историзм как метод научного познания. — Л., 1967.
128. *Поршнев Б. Ф.* О начале человеческой истории (проблемы палеонсихологии). — М., 1974.
129. *Руссо Ж. Ж.* Трактаты. — М., 1969.
130. *Сестан Э.* История событий и история структур. — М., 1970.
131. *Скворцов Л. В.* Время и необходимость в истории. — М., 1973.
132. *Скворцов Л. В.* История и антиистория. — М., 1976.
133. *Скворцов Л. В.* Субъект истории и социальное самосознание. — М., 1983.
134. *Тугаринов В. П.* Философия сознания. — М., 1971.
135. Философия и методология истории. — М., 1977.
136. *Фралов И. Т.* О смысле жизни, о смерти и бессмертии человека. — М., 1985.
137. *Фукидид.* История. — Л., 1981.
138. *Хотякова В. А.* Человек и история. — М., 1970.
139. *Хотамий С. М.* Ислом тафаккури тарихидан. — Т.: «Минхож», 2003.
140. *Билли П. М.* Место Ренессанса в истории культуры. СПб.: — «Мифрил», 1995.
141. *Борхес Х. Л.* Циклическое время. Соч.: В 3 т. — М.: «Полярис», 1994. Т. 1.
142. *Бродель Ф.* Материальная цивилизация, экономика и капитализм. XV–XVIII вв. В. 3 т. — М.: «Прогресс», 1992.
143. *Гобозов И. А.* Введение в философию истории. — М.: Ассоциация «Гуманитарное знание», 1993.
144. *Гречко П. К.* Концептуальные модели истории. — М.: «Логос», 1995.
145. *Давыдов Ю. Н.* Генезис понятия общества и политического господства у Платона. Т. 1. — М.: «Наука», 1995.
146. *Дьяконов И. М.* Пути истории. — М.: Восточная литература, 1994.
147. *Зверева Г. И.* Морфология социальной истории. Социальная история: проблемы синтеза. — М.: ИВИ РАН, 1994.
148. *Гумилев Л. Н.* Этносфера: история людей и история природы. — М., 1993.
149. *Тойнби А.* Цивилизация перед судом истории. — М., 1995.

## МУНДАРИЖА

Сузбоши. Тарих — инсон моҳиятининг инъикоси .....	3
Муқаддима .....	9

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

##### *I боб. Тарих фалсафаси ва ижтимоий ўзликини англаш*

1-§. Тарих фалсафаси: тушунча ва моҳият .....	12
2-§. Тарих — инсон, замон ва макон фалсафаси .....	21
3-§. Тарихий тафаккур эҳтиёжи .....	26
4-§. Тарих фалсафаси ва миллий истиқлол .....	33

##### *II боб. Тарих фалсафасининг мактаблари ва оқимлари*

###### **Шарқ тарих фалсафаси** ..... 40 |

1-§. «Авесто» — ижтимоий-тарихий ҳодиса .....	42
2-§. Форобий фалсафаси: инсон — жамият — жараён .....	57
3-§. Берунийнинг тарих фалсафаси .....	68
4-§. Ибн Халдуннинг тарих фалсафаси .....	86
5-§. Тўғон ва Шарқ тарих фалсафаси .....	99

###### **Ғарб тарих фалсафаси** ..... 107 |

1-§. Англо-француз тарих фалсафаси .....	107
2-§. Немис тарих фалсафаси .....	116

##### *III боб. Инсон феномени: диний ва дунёвий талқин*

1-§. Инсон ва олам яралишининг мифологик- диний талқини .....	133
2-§. Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги дунёвий қарашлар .....	146
3-§. Олам ичра олам .....	153
4-§. Оғиш нуқтаси .....	166
5-§. Дунёни гўзаллик... ва эзгулик кутқаради .....	174
6-§. Ободлик қалбдан бошланади .....	178

**IV боб. Тарих фалсафасининг қонуниятлари ва асосий  
тамоийллари**

1-§. Тарих фалсафасининг объекти ва методологияси .....	182
2-§. Тарих фалсафаси ва тарихни урганиш .....	191
3-§. Тарих фанининг предмети .....	198
4-§. Тарихий далил ва илмий таҳлил .....	202
5-§. Тарихий дунёқараш ва тарих фалсафаси .....	210
6-§. Тарих ва герменевтика .....	220
7-§. Тарихий жараён ва ворисийлик .....	229
8-§. Тарих фалсафасида анъанавийлик ва замонавийлик ....	236
9-§. Коллективизм ва индивидуализм .....	242
10-§. Тоталитаризмнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий талқини .....	258

**И К К И Н Ч И Қ И С М**

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ: ЯНГИ  
ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ БОСҚИЧ**

**V боб. Тарихий жараёнда давлатнинг ўрни ва роли**

1-§. Ўзбекистон – умумсайёравий тарихий жараённинг фаол субъекти .....	278
2-§. Ижтимоий-иқтисодий хаотик ҳолатларни тартибга солиш жараёнлари .....	286
3-§. Янги давлатчилик тизимини вужудга келтириш – муҳим тарихий-сиёсий воқелик .....	290
4-§. Иқтисодий соҳада таркибий ўзгаришлар .....	298
5-§. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати .....	304
6-§. Миллий хавфсизлик концепцияси .....	307
7-§. Мудофаа ва барқарорлик: тинчлик маданияти сари йул .....	313
8-§. Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш .....	316
9-§. Маънавият – ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч .....	321
10-§. Тарихий хотирани тиклаш ва тарихни яратиш .....	325
11-§. Англаш жараёни тарихий ҳодиса сифатида .....	330
12-§. Ўзгараётган замон ва миллий ғоя .....	334
13-§. Ижтимоий муроса маданияти .....	342
14-§. Толерантлик ва ижтимоий ҳамкорлик .....	350

## **VI боб. Демократия ва тарихий жараён**

1-§. Демократия ҳақида мулоҳазалар .....	356
2-§. Демократиянинг сиёсий маданияти .....	362
3-§. Демократиянинг маънавий қиёфаси .....	368
4-§. Жамиятни эркинлаштиришнинг «Ўзбек модели» .....	373
5-§. Демократик жараёнлар: дастлабки сабоқлар .....	377
6-§. Демократиянинг янги даври .....	383

## **VII боб. Янги минг йилликда жаҳон цивилизацияси истикболлари**

1-§. Ҳозирги даврнинг умумбашарий муаммолари .....	396
2-§. Глобал муаммолар тизимида дунё ва инсоният ҳаёти ..	408
3-§. Ахборот тигизлашган жамият ва инсоният тарихи .....	413
4-§. XXI асрда ахборот-психологик таҳдид .....	419
5-§. Маданиятлараро интеграция: тажриба ва муаммо .....	432
Хотима .....	448
Фойдаланилган адабиётлар .....	453

НАРЗУЛЛА ЖҰРАЕВ

ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Тошкент «Маънавият» 2008*

Муҳаррир *У. Қўчқоров*

Мусаввир *Н. Попов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич*

Теришга 08.01.2008 й. да берилди. Босишга 15.04.2008 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/32, Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли 24,36 б. т. Нашр 19,9 т. 3000 нусха. Буюртма № 08–659. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 09–08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2008.

Ж 96

**Жўраев Нарзулла.**

Тарих фалсафасининг назарий асослари/  
Н. Жўраев; Масьул муҳаррир С. Шурмуҳамме-  
дов. – Т.: «Маънавият», 2008. – 464 б.

ББК 63.3